

74
Р. МАВЛОНОВА, О. ТҮРАЕВА,
К. ҲОЛИҚБЕРДИЕВ

ПЕДАГОГИКА



**Р. Мавлонова, О. Тўраева,
К. Холикбердиев**

ПЕДАГОГИКА

*Республика олий ўқув юртларининг бош-
ланғич таълим методикаси факультет-
ларининг талабалари, педагогика лицей-
лари ва коллежларининг ўқувчилари учун
дарслик*

Мустақиллик шарофати туфайли бошқа фанлар қатори педагогика фани равнақида ҳам буюк бурилиш ва ўзгаришлар содир бўлди. Бу шу фанни миллий тарбия асосига қуриш билан боғлиқдир.

Мазкур дарсликда аجدодларимиздан мерос бўлиб қолган тарбия анъаналари ва ақидалари, метод ва йўл-йўриқлари назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Айниқса, унга миллий мустақиллик мафкураси ғоялари сингдирилган.

Дарслик олий ўқув юртларининг бошланғич таълим методикаси факультетларининг талабалари, педагогика лицейлари ва коллежлари ўқувчилари учун мўлжалланган.

Тақризчилар:

Профессор К. ҲОШИМОВ,

педагогика фанлари доктори, профессор

О. МУСУРМОНОВА

Читмангун
Davlat
versiteti
Кўчирма

Ушбу нашрга доир барча ҳуқуқлар ҳимоя қилинади ва нашриётга тегишлидир. Ундаги матн ва расмларни нашриёт розилигисиз тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш тақиқланади.

М 4303000000-50 Буюрт.вар. – 2001
353(04)2001

ISBN 5-645-03725-1

© «Ўқитувчи» нашриёти, 2001 й.

КИРИШ

Ў Истиқлол барча соҳаларда бўлгани каби халқ таълими соҳасида ҳам катта ўзгаришлар ясади, буюк бурилишлар қилди. Маълумки, собиқ шўро тузуми даврида халқ таълими тизими, таълим-тарбия ишлари коммунистик мафкура қолипига мослаштирилган эди. Сиртдан қаралганда ҳамма нарса жойида бўлиб кўрингани билан таълим ўзининг миллий рангларини йўқотиб бораётган эдики, бу жараён миллий педагогика фанининг ривожланишига тўсқинлик қилади. Жумладан, педагогикага оид қўлланма ва дарсликлар муайян бир минтақа миллий шароитига мўлжаллаб яратилгани йўқ. Ўзбекистон ўқув юртларида совет педагог-олимлари тарафидан ёзилган дарслик, ўқув-методик қўлланмалардангина фойдаланиб келинди. Шу тариқа миллий тарбия фояларига зид коммунистик мафкура фоялари янада чуқурроқ илдиз отди, мустаҳкамланди. Натижада, ёш авлод бирёқлама фикрлайдиган бўлиб қолди, ота-боболаримиздан мерос қолган яхши ахлоқ-одоб анъаналари, урф-одатлар унутила бошланди. Шунинг учун ҳам собиқ шўро тузуми даврида халқ таълими соҳасида сифат ўзгаришлари юз бермади, балки кўнлаб мактаб бинолари яратиш билан чекланилди, холос. Миллий таълим-тарбия анъаналари эса бир чеккага суриб қўйилди.

Истиқлол шарофати боис бу каби бирёқламаликларга чек қўйилди. Эндиликда миллий педаго-

гикамиз жадал суръатларда тараққий этаётир. Отабоболаримиз азал-азалдан бола тарбиясига алоҳида эътибор қаратганлар. «Болани бошдан...» нақли сўзимизга далил. Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Беруний, Аз-Замахшарий, Навоий, Бобур, Огаҳий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон сингари улуғ олиму адиблар, фозилу фузалолар таълим, тарбия борасида кўп асарлар битганлар. Улар таълимдаги миллий хусусиятларга диққат-эътиборни қаратишган. Истиқлолга эришилганига қадар уларнинг панд-ўғитлари етарли даражада ўрганилмади. Чунки, бизда Европа, собиқ совет педагогикаси жорий этилган эди. Тарихдан маълумки, бир вақтлар Шарқ педагогикаси ниҳоятда гуллаб-яшнаган. Олмон олими Херлер «Шарқ Европанинг муаллимидир» деганида ана шу ривожланиш даврларини кўзда тутгандир, эҳтимол.

Зотан, шарқ педагогикасининг қамрови кенг. Уни уммонга қиёсламоқ мумкин. Ҳозир ўрганаётганимиз ана шу уммондан бир қатрадир, холос. Биз ўзлигимизга қайтиб, мутафаккир боболаримиз меросидан унумли фойдалана билсак, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, таълим-тарбия соҳасида дунёнинг энг илғор мамлакатларига етиб оламиз. Зотан, бу ҳар қандай бойликдан афзалдир. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий айтганидек: «Эл адаби хушроқ эрур олтунидин». Шунинг учун ҳам ўзбек халқи ёш авлод тарбияси борасида дорилфунун яратиш қолдирган. Зардуштийлик динининг муқаддас китоби саналмиш «Авесто» дан тортиб то ҳозирги кунда яшаб ижод этаётган педагог-олимлар асарларига қадар некбин педагогик мафкура ўз аксини топгани бежиз эмас.

(Педагогика жамиятнинг ривожланиш қонун-қоидаларига таянган ҳолда тараққий этади. Бугунги кунда эса ана шу жараён авж палласига чиқмоқда. Хусусан, ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ишлар, миллий онг кун сайин юксалаётганидан далолат беради. Инсон онги тараққий этмас экан, ижтимоий ҳаёт жабҳаларида ҳеч бир ўзгариш сезилмайди. Модомики, замон жадал суръатларда ўзгараётибдими, демак, педагогика ҳам шу ўзгаришларга ҳамоҳанг бўлмоғи даркор.)

Октябр тўнтаришидан кейин барбод этилган миллий педагогикамиз аста-секин қайта тикланмоқда. Бугунги ёш авлоднинг эҳтиёжлари ҳам шўролар давридагидан мутлақо фарқ қилади. Шуларни назарда тутган ҳолда биз ушбу қўлланмани шарқ мутафаккирлари асарларидан унумли фойдаланилган ҳолда яратдик.

Яқинда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастур»ида ёш авлодни миллий истиқлол мафкураси руҳида тарбиялаш, дарсликлар, ўқув-методик қўлланмаларни миллий таълим-тарбия анъаналари асосига қуриш масалалари кўтарилган ва шу муаммони ҳал қилиш йўл-йўриқлари кўрсатилган. Шу маънода мазкур «Педагогика» ўқув қўлланмада тарбиянинг янгича усуллари ва методлари ўз ифодасини топган.

Мазкур дарсликнинг I, II, III, XXI боблари К. Холиқбердиев, IV, V, VI, VII, VIII, IX, X, XI, XII, XXII боблари Р. Мавлонова, XIII, XIV, XV, XVI, XVII, XVIII, XIX, XX боблари О. Тўраева қаламига мансуб.

І б о б . ПЕДАГОГИКАНИНГ БАҲСИ ВА УНИНГ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

ПЕДАГОГИКА ВА УНИНГ БАҲСИ

Педагогика нима? Нима билан шуғулланади? Нималарни тадқиқ қилади деган саволлар педагогика фанини ўрганишга киришган одамнинг ақлини банд этади. Педагогика дарсларида, педагогикага оид қомусларда педагогиканинг баҳси турлича, айрим ҳолларда, бир-биридан фарқланадиган даражада талқин қилинади. Масалан, педагогика — тарбия ҳақидаги фан; педагогика — ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ҳақидаги фан; педагогика — умуман инсонни тарбиялаш ҳақидаги фан ва ҳоказо.

Бу таърифлардан воз кечмаган ҳолда таълим-тарбия муассасаларида шунга мутассадди бўлган шахслар томонидан амалга ошириладиган тарбиявий фаолиятни педагогиканинг баҳси деб қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Педагогика тарбия ҳақидаги фан сифатида тарбиянинг моҳиятини тушунишни, унинг қонуниятларини очиб беришни ва шу орқали инсон манфаатлари учун тарбия жараёнига таъсир этишни назарда тутди.

ТАРБИЯНИНГ ИЖТИМОЙ ҲОДИСА ЭКАНЛИГИ

Тарбия кишилик жамияти ибтидосида пайдо бўлган ва башарият манфаатлари учун хизмат қилиб келган. Тарбия авлодлар ўртасидаги алоқани таъминлайди. Катталар ўзлари турмуш жараёнида орт-

тирган тажрибаларини ўзидан кейинги авлодга ўргатиб борганлар. Кичик авлод эса фаолияти давомида янги-янги муаммоларга дуч келиб, уларни ечимини топиш баробарида билим ва кўникмаларни эгаллаб олдинги авлоддан мерос қолган билимларини янада бойитиб ўзидан кейинги авлодга қолдиради. Инсоният тарихий тараққиёт мобайнида катта йўлни, бу йўлда у турли ижтимоий босқичларни босиб ўтди. Формацияларнинг ўзгариши натижасида иш муносабати билан ишлаб чиқариш муносабатлари тараққий этди. Бу ҳол тарбия жараёнининг такомиллашиб боришига ўз таъсирини ўтказди.

Жамият тараққиёти, меҳнат қуролиларини такомиллашиши натижасида кейинги авлодга мерос қолдириладиган тажрибалар ҳажми ҳам ўсиб бораверади.

Агар ибтидоий жамиятнинг бошларида болалар катталарнинг меҳнати жараёнида бевосита иштирок этиш билан малака, кўникма ва билимларни эгаллаб борган бўлса, кейинчалик ибтидоий формацияларнинг табақаланиши натижасида меҳнат турлари ҳам ўзгариб борди. Айрим болаларни (қабилла бошлиқларининг диний маросимларни бошқарадиган шахслар болаларини) диний ақидаларни адо этишга ўргатиш зарурияти туғилди. Шундай қилиб, ибтидоий жамиятнинг ўзидаёқ билимларни табақалаштириш анъанаси пайдо бўлди.

Қулдорлик даврига келиб, бу анъана кўзга яққол ташланади. Масалан, қулларнинг болалари оғир ишларни бажаришга ўргатилди. Қулдорларнинг болалари эса, қуллар устидан ҳукмронлик қилишга тайёрланди. Шу боис уларга сабоқ бериш зарурияти туғилди. Бу эса ўқитишга махсус, шу соҳани била-

диган одамларни жалб этишни тақозо қилди. Бу ҳол мактаб ва ўқитувчиларга бўлган заруратни келтириб чиқаради. Ижтимоий формацияларнинг кейинги равнақи мактабларни ривожлантиришга, янги-янги ўқув юртларини, жамият тараққиёти талабига жавоб берадиган ўқув юртларини барпо этилишига сабаб бўлади.

ПЕДАГОГИКА — ТАРБИЯ ҲАҚИДАГИ ФАН

Педагогиканинг фан сифатида шаклланиши ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш, улар тарбиясини самарали амалга ошириш эҳтиёжидан келиб чиқади. Бу эҳтиёж тарбия борасида орттирилган тажрибалар тўплангандан кейин ўша тажрибаларни умумлаштириш, ёшлар тарбияси ҳақида қонун-қоидаларни ишлаб чиқиш заруратини тақозо этади.

Аввало педагогиканинг назарий куртаклари фалсафа негизидан пайдо бўлди. Баъзи фалсафий фикрлар қулдорлик жамиятидаёқ ривожлана бошлаган эди.

Қадимдан инсон тарбиясига оид бўлган фикрлар халқ мақолларида, афсоналарда, дostonларда ўз ифодасини топган. Унда ростгўйлик, ота-онага ҳурмат-эҳтиром каби фазилатлар тараннум этилган. «Алпомиш», «Тўмарис» каби дoston ва эртакларда ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғулари улуғланади. Таълим ва тарбия масалалари ҳамиша мутафаккир, ёзувчи, олимлар ҳаёлини банд қилиб келган. Бу зотлар, ўзларининг бола табиати, уларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш ҳақидаги ёрқин мулоҳазалари билан педагогик фикрлар равнақига улуш қўшганлар. Машҳур ҳинд масали «Калила ва Димна», Низомул Мулкнинг «Сиёсатнома», Носир Хисравнинг «Саодатнома», «Рўшнонома», Юсуф Ҳос Ҳожибнинг «Қутадғу билик»,

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғатит турк», Лҳмад Югнакий, Кайковус, Алишер Навоийнинг кўпгина асарлари одоб-ахлоққа бевосита дахлдордир.

Бу алломаларнинг асарлари педагогик фикрларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу асарларда инсонпарварлик, ҳалол меҳнат, дўстлик, чин муҳаббат, садоқат каби юксак ахлоқий фазилатлар ўз аксини топган. Улуғ алломалар Сукрот, Афлотун, Демокрит каби файласуфлар томонидан мураккаб фалсафа тизими яратилган.

Педагогиканинг фан сифатида шаклланишида чех педагог олими Ян Амос Коменскийнинг ҳиссаси катта бўлди. Унинг «Буюк дидактика» асари ҳақли равишда педагогика соҳасида яратилган биринчи илмий асар ҳисобланади. Ун саккизинчи асрга келиб Ўрта Осиёда ҳам педагогик фикрлар тараққий эта бошлади. Асримиз бошларида Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Саидрасул Азизий, Саидахмад Сиддиқий каби маърифат жонкуярлари етишиб чиқди. Бу олимлар янги усул мактаблар тузишда, дарсликлар яратишда, халқ ўртасида маърифатни тарғиб этишда жонкуярлик қилдилар.

Педагогика фанининг мазмунини бойитиб ва ривожлантириб борадиган қатор манбалар мавжуд. Мақолларда, эртақлар ва дostonларда, ашулаларда, удумларда, топишмоқларда тарбия ҳақидаги халқ донишмандлиги қамраб олинган.

Алломаларнинг педагогика назариясига оид фикрларидан фанда унумли фойдаланилмоқда. Ва шу баробарида педагогика фани янги ғоялар эвазига бойимоқда.

АСОСИЙ ПЕДАГОГИК ТУШУНЧАЛАР

Педагогикада «тарбия» сўзи турли маънода ишлатилади. Чунончи, тарбия кенг социал маънода, ижтимоий ҳодиса сифатида қўлланилганда жамиятнинг барча тарбиявий воситаларини: оилани, мактабгача тарбия муассасаларини, ўқув-тарбия муассасаларини, меҳнат жамоалари, ахборот манбаларининг тарбия йўналишида олиб борадиган ҳаракатларини ўз ичига олади. Бу тарбия воситалари ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш йўлида хизмат қилади.

Педагогик адабиётларда ва амалиётда «тарбия» сўзи аниқ, тор йўналишни белгилаш учун ҳам ишлатилади. Худди шу маънода тарбиячи раҳбарлигида аниқ мақсадга қаратилган жараён тушунилади.

Ўқитиш — ўқитувчи ва ўқувчининг биргаликдаги фаолияти ва бу жараёнда болаларнинг маълумот олиши, ўқув кўникма ва малакасини эгаллаши, тарбияланиб, ривожланиб бориши назарда тутилади.

Маълумот — бунда нафақат ўқитиш, балки ўзича мустақил билим олиш, оммавий ахборотлар таъсирида бўлиш билан бирга инсоннинг илмий тизимни эгаллаши, илмий дунёқарашини шакллантириши кўзда тутилади.

Инсон камолоти — бу инсоннинг кенг маънода ички ва ташқи омиллар таъсирида шаклланиш жараёнидир. Бу жараёнда тарбиянинг муҳим аҳамият касб этиши таъкидланади.

Инсоннинг шаклланиши — бу инсоннинг ҳаёт йўли давомида ривожланишининг ўзига хос шакли бўлиб, махсус олиб бориладиган тарбиявий таъсир натижаси ҳисобланади.

Педагогикада яна бир қанча тушунчалар мавжудки, улар ҳақида педагогиканинг бошқа бобларини ўрганиш жараёнида фикр юритилади.

ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

Фан ва техниканинг тез суръатлар билан ривожланиши, турли йўналишларда билим ҳажмини ўсиб бориши фанни табақаланиб, турли тармоқларга бўлинишига сабаб бўлмоқда.

Яқин ўтмишда фалсафадан ажралиб чиққан педагогика фанида ҳам кўпгина тармоқларга бўлиниш жараёни кўзга яққол ташланади. Айрим тармоқлар эса мустақил фан сифатида шаклланди. Масалан, мактаб педагогикаси, мактабгача тарбия педагогикаси. Айримлари эса фан сифатида энди шаклланиб келмоқда. Катталар педагогикаси, олий мактаб педагогикаси шулар жумласидандир. Ҳозирги замон педагогикаси кўп тармоқли фан бўлиб, аввало у тарбия ижтимоий ҳодиса эканлиги жиҳатидан педагогика тарихи билан боғланади. Кўзи ожиз, ақли заиф, қулоғи кар — жисмоний камчиликларга эга бўлган болаларни тарбиялаш ва уларни ҳаётга тайёрлаш билан шуғулланадиган педагогиканинг яна бир тармоғи махсус педагогика (сурдопедагогика, тифлопедагогика, олегофренопедагогика) дефектология билан чамбарчас боғлиқдир.

Педагогика фанини тармоқларига предметларни ўқитишнинг қонуниятларини ўрганувчи фан — методика ҳам кирди. Шу билан бирга педагогика алоҳида тараққий этган фан сифатида бошқа фанлардан ажралган ҳолда ривожлана олмайди. Педагогиканинг тарбия соҳасидаги объекти ўсиб кела-

ётган ёш авлод бўлганлиги учун педагогика инсонни ўрганувчи фанлар билан боғланади.

Инсон биологик эволюциянинг маҳсули сифатида биология фанларининг ўрганадиган объекти ҳисобланади. Шунинг учун бу фанлар педагоглар ўрганиши лозим бўлган фанлар қаторида ўқув режаларига киритилган.

↳ Педагогика фанининг методологик асосини фалсафа ташкил этади. Чунки, тарбиянинг мақсади, илмий дунёқарашни шакллантириш; жамоа ва шахс муаммолари ва шу кабилар икки фанни бирлаштиради. Иқтисод ва хусусан унинг бир бўлаги бўлган халқ таълими иқтисоди педагогика билан боғланиб кетади. Чунки, иқтисодчиларнинг олиб борган тадқиқотлари натижасига кўра ишлаб чиқаришнинг юксак самарадорлиги умумий таълимнинг юқори даражада ривожланганлигига боғлиқ экан.

↳ Педагогика бола тарбиясида унинг ёш ва индивидуал (психологик) хусусиятларини ҳисобга олиб боради. Шу боис педагогика учун педагогик психологиянинг бола хусусиятлари, уларда ўтадиган психик жараёнларининг қонуниятлари ҳақидаги маълумотлар муҳимдир. Шунга кўра педагогиканинг психология фани билан боғлиқлиги анъанавий тус олган.

Кейинги вақтларда педагогиканинг кибернетика (муҳим динамик тизимларни бошқаришни ўрганадиган фан) билан боғланиши кўзга ташланмоқда. Бу ҳолни кибернетиканинг умумий ғояларидан таълимда фойдаланиш тажрибаларини программалаштирилган таълим мисолида кўриш мумкин.

Педагогиканинг бошқа фанлар билан боғланиш тизимида этнография, халқ педагогикаси кабилар алоҳида ўрин тутаяди.

Педагогика бошқа оралиқ фанлар маълумотларидан тайёр ҳолда фойдаланмайди. Бу маълумотлар педагогик нуқтаи назардан танловдан ўтгандан кейин мақсадга мувофиқлаштирилган ҳолда амалга жорий этилади.

ПЕДАГОГИКАНИНГ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ

Педагогика ўз тадқиқот объектига ва тадқиқот методларига эга. Илмий тадқиқот барча фанлар каби педагогика фанини ҳам такомиллашиб боришга, айрим педагогик ҳодисаларни текширишга, уларни тўғри ҳал этиш йўллари аниқлашга ёрдам беради.

Ҳодиса унинг тараққиёти давомида бошқа ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Миқдор ўзгариши сифат ўзгаришига ўтиш дақиқаларида кузатилади.

АДАБИЁТЛАР БИЛАН ИШЛАШ МЕТОДИ

Педагогик муаммоларни тадқиқ этиш адабиётларни ўрганишдан бошланади. Ўрганиладиган ҳужжатлар ва манбаларга халқ маорифига алоқадор ҳужжатлари, қонуншуносликка оид ҳуқуқий ҳужжатлар киради. Шу билан бирга педагогика фанига оид бўлган тарихий-педагогик адабиётлар, архив ҳужжатлари, педагогик матбуот материаллари, дарсликлар, ўқув-методик ишланмалар ҳам киради. Адабиётларни ўрганиш методи муаммоларнинг қай томонлари яхши очилганини, қайси масалалар ҳал этилмагани кабиларни билиш имкониятини беради.

Адабий манбалар билан ишлаш қуйидаги методлардан фойдаланишни назарда тутати: библиография тузиш, аннотация, конспектлаштириш. Ишнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда юқоридаги усуллардан бири танлаб олинади.

Библиография — бу ҳал этилиши лозим бўлган муаммони тадқиқ этиш жараёнида зарур бўлган адабиётлар рўйхати. Адабий манбалар билан иш-лаш аниқ маълумотларни библиография тузиш йўли билан расмийлаштиришни талаб этади. Бунда маълумотлар муаллифининг исм-шарифи, асарнинг номи, нашриёт номи (мақолалар учун ойнома ва рўзномаларнинг номи), жойи ва нашр этилган йили кўрсатилади.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРНИ ЎРГАНИШ МЕТОДИ

Педагогиканинг кўпгина муаммоларини ҳал этишда таълим-тарбия соҳасида орттирилган тажрибаларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Илғор ўқитувчилар тажрибаси билан бир қаторда оддий ўқитувчиларнинг фаолиятлари ҳам ўрганиб борилади. Чунки, тажрибаларни ўрганиш жараёнидаги муаммо: ютуқ ва камчиликлар аниқланади.

Педагогик тажрибаларни ўрганишда кузатиш, интервью олиш, анкеталаштириш, ўқувчиларнинг ёзма ва ижодий ишлари, педагогик ҳужжатларни ўрганиш методларидан фойдаланилади.

Кузатиш — ўрганиш лозим бўлган педагогик ҳодисани маълум мақсад нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда кузатувчи кузатиш баённомасини олиб боради. Кузатиш объектига оид бўлган аниқ фактик материал тайёрланади. Кузатиш белгиланган аниқ режа асосида олиб борилади.

Суҳбат — факт-далиллар тўплаш ёки кузатиш давомида тўпланган материалларга аниқлик киритиш мақсадида олиб борилади. Суҳбат тадқиқотнинг мустақил ёки ёрдамчи методи сифатида қўлланилади.

Анкеталаштириш. Бу оммавий равишда материал тўплаш мақсадида анкеталар тарқатиш йўли билан амалга оширилади.

Тадқиқот учун муҳим бўлмаган материаллар ўқувчиларнинг ёзма ва бир қанча фанлар бўйича мустақил ишларни бажарган дафтарларини текшириш, ўрганиб чиқиш йўли билан турларга ажратилиши мумкин.

Мактаб ҳужжатларини ўрганиш — ўқувчиларнинг шахсий делолари, методистнинг хабарлари, синф журналлари, кундаликлар, йиғилиш ва мажлислар баённомалари тадқиқоти учун олиб борилаётган таълим-тарбия аҳволи, даражаси ҳақида объектив ахборот манбаи ҳисобланади.

Педагогик ҳодисаларни тадқиқ қилиш жараёнида **эксперимент** муҳим аҳамият касб этади. Махсус ташкил этилган эксперимент қўлланилаётган ёки қўлланиши мумкин бўлган у ёки бу метод ва усуллар самарадорлигини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Математик метод. Бу метод оммавий материалларни таҳлил қилишда (масалан, анкеталаштириш йўли билан тўпланган материалларни ёки маълумотларни умумлаштириш учун) қўлланилади. Бу метод эксперимент натижаларини аниқ баҳоланишини, хулосаларнинг ишончли бўлишини таъминлайди.

Тадқиқот натижалари ва уларни амалга татбиқ этиш. Педагогикада бу жараён турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин. Чунончи, тадқиқотчиларнинг семинарларда, илмий конференцияларда тадқиқот натижалари бўйича маърузалар билан чиқиши, илмий мақолалар, китоблар нашр этиши, ўқитувчига мўлжалланган методик тавсиялари

бўлиши мумкин. Педагогикада ҳали ҳал этилмаган муаммолар жуда кўп. Булар илмий тадқиқот олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

Савол ва топшириқлар

1. «Педагогика», «Педагогиканинг предмети», «Тарбия» каби тушунчаларга таъриф беринг.

2. Халқ мақоллари ва эртақларининг педагогик маъноси нимада деб ўйлайсиз?

3. Педагогик ҳодисаларни тадқиқ этишда қандай тадқиқот методларини билиш, улардан фойдалана олиш керак?

4. Нима учун ўқитувчи илмий-тадқиқот методларидан фойдалана олиши керак?

5. Қандай ойнома ва рўзномаларни оласиз? Уларни диққат билан ўқинг. *Уларда тарбияга оид мақолаларни таҳлил этишга ҳаракат қилинг.*

II б о б . Ҳ А Р Т О М О Н Л А М А Р И В О Ж Л А Н Г А Н И Н С О Н Т А Р Б И Я С И Н И Н Г М А Қ С А Д В А В А З И Ф А Л А Р И

Тарбиянинг мақсади. Тарбия ижтимоий ҳодиса эканлиги хусусида фикр юритганда (тарбияни) аниқ мақсадга йўналтирилган ҳодиса эканлиги таъкидланади. Инсон камолотига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, бу омиллар ичида тарбия муҳим ва етакчи роль ўйнаган экан. Ҳақли савол туғилади — тарбиянинг мақсади нима? Унинг мақсадини ким ва нима белгилаб беради?

Тарбиявий ишнинг самарадорлиги мана шу саволларга тўғри жавоб топишга боғлиқ. Яъни биринчи навбатда, тарбия билан шуғулланадиган ҳар бир тарбиячи аввало ўз фаолиятини ва унда кўзда тутилган мақсадни аниқ тасаввур эта олиши, бу мақсадни муҳимлигини тушуниши лозим. Демак, қандай одамни тарбия қилиш даркор, тарбия на-

тижасида инсон қандай бўлиши керак, деган саволларни аввалдан тасаввур этиш зарур экан. Бу мақсад жамиятнинг комил инсонни тарбиялашдек мақсадига мос келиши керак.

Тарбиянинг вазифалари кенг ва кўпқирралидир. Таълимнинг асосий вазифаси ўқувчиларни билимлар, кўникма ва малакалари билан қуроллантириш бўлса, тарбия эса ёш авлодни жамиятимизда қабул қилинган одоб-ахлоқ қоидаларига мос келадиган эътиқодини, ахлоқий малака ва кўникмаларини, эҳтиёжи ва интилишларини таркиб топтиришдан иборат. Тарбияшунос олим Абдулла Авлоний ўзининг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида инсон камолотида тарбиянинг ролини алоҳида таъкидлаб, шундай деган эди: «Жаноби ҳақ инсонларнинг асл хилқатда истейдод ва қобилиятли, яхши ила ёмонни, фойда ила зарарни, оқ ила қорани айирадиган қилиб яратган. Лекин, бу инсондаги қобилиятни камолга етказмоқ тарбия воситасида бўладир. Агар бола яхши тарбия топиб, бузуқ хулқдан сақланиб, гўзал хулқларга одатланиб катта бўлса, бахтиёр бир инсон бўлиб чиқади. Агар тарбиясиз, ахлоқи бузилиб ўсса; насиҳатни қулоғига олмайдиган, ҳар хил бузуқ ишларни қиладиган нодон, жоҳил бир расвои одам бўлиб чиқади».

Ахлоқимиз биносининг гўзал ва чиройли бўлишида тарбиянинг таъсири каттадир. Юқорида биз тарбиядан мақсад баркамол инсонни тарбиялаш деган эдик. Хўш, баркамол инсон деганда кимларни, нималарни тушунмоқ керак?

Шарқона тарбия минг йиллар мобайнида исломий ахлоқ қоидалари асосида таркиб топиб боргани тарихдан маълум. Қуръони Карим оятлари, Пайғамбар алайҳиссалом Ҳадислари, уламо ва

ҳукамоларимизнинг китоблари тарбиямизнинг манбаи бўлиб хизмат қилган. Исломий тарбия мусулмонлар ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган.

Исломий тарбия болани етти жиҳатдан тарбиялашни маслаҳат беради. Булар: соғлиқ ва бадантарбияси, ақлий тарбия, нафосат тарбияси, ахлоқий тарбия, виждоний-нафсоний тарбия, диний-руҳий тарбиядир.

Жаноби Расулуллоҳ: «Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга, тарбиясини, одобини ҳам яхшиланглар!», деганлар. Шу билан бирга «Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқ-одобдан бўлакроқ мерос беролмайди» деб тарбияда ота-онанинг ролини белгилаб ўтганлар.

Исломий (шарқона) тарбия барча мўмину мусулмонларни ниҳоятда хуш хулқли, ширин сўзли, олижаноб бўлишга даъват этади.

Шарқ ривоятларида яхши тарбия кўрганнинг ўнта нишонаси ифода қилингандир:

1. Халқ тўғри деб топган нарсага нотўғри деб қарамаслик;

2. Ўз нафсига инсоф бериш;

3. Айб қидирмаслик;

4. Бировда ёмонлик содир бўлса, уни яхшиликка йўйиш;

5. Агар гуноҳкор узр сўраса уни узрини қабул қилиш;

6. Муҳожирлар ҳожатини чиқариш;

7. Эл ғамини ейиш;

8. Ўз айбини тан олиш;

9. Эл билан очиқ юзли бўлиш;

10. Одамлар билан ширин муомалада бўлиш.

Турли тарихий даврларда тарбиянинг мақсади ҳам, хусусияти ҳам ўзгариб борди. Буни ибтидоий

жамиятда, қулдорлик, феодализм ва капитализм формациялари мисолида кўриш мумкин. Ибтидоий жамиятда тарбия мақсади оддий бўлиб, шунчаки, инсонни ҳаёт кечиришини таъминлашга хизмат қилган.

Қулдорлик тузумида, қулдорлар ва қулларни пайдо бўлиши тарбия хусусияти ва унинг мақсадини ҳам ўзгартирди. Қулдорларнинг болалари ҳукмрон бўлишга интилдилар, босқинчилик урушлари олиб бориш учун ҳарбий санъатни ўрганиб бордилар. Қулларнинг болалари оддий қора ишни бажариш, меҳнат жараёнида иштирок этишга ўргатилди.

Феодализм тузумига келиб тарбия кескин табақалана бошлади. Ишлаб чиқариш кучларининг ривож топа бориши, таълим мазмунини ўзгартириб юборди, таълим секин-аста илмий характер касб эта бошлади, бу ўз навбатида умумий таълим куртакларини пайдо бўлишига олиб келди. Энди феодал болаларига илмий билимлар бериш, уларни махсус мактабларда тарбиялаш зарурати туғилди.

Капитализмга келиб тарбиянинг табақалаш хусусияти яна кучлироқ сезила бошлади. Ишлаб чиқариш куч ва муносабатларининг ривожланиши, ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаш, дастгоҳларни бошқариш, иш унумдорлигини ошириш ишчилардан саводхонликни, илмли бўлишини талаб этди. Бу даврга келиб ишчилар болаларига ҳам анча юқори илм бериш, ўқиш даврида уларга шахсий мулкни муқаддас эканлигини уқтириб бориш тарбиянинг асосий мақсади бўлиб қолди.

Ақлий тарбия. Инсон ҳамиша одамлар қуршо-вида яшайди, ижтимоий муҳит шароитида унинг ақлий ривожланиши, фикрлаш қобилияти амалга

оша боради. Бунда инсоннинг нормал жисмоний ривожланиши учун ҳам шароитлар бўлиши керак.

Инсоннинг ақлий ривожланиши социал мулоқот ва тарбия таъсирида интенсив ривожланиб боради. Агар тарбиячилар ўз вақти ва ўрнида режали равишда унинг билиш фаолиятига таъсир эта борсагина ақлий ривожланиш муваффақиятли кўчади. Демак, ақлий тарбия деганда тарбиячининг ўқувчилар ақлий кучини ва тафаккурини ривожлантириш, унда ақлий меҳнат маданиятини таркиб топтиришга қаратилган мақсад йўлидаги фаолияти тушунилади.

Ақлий тарбия ижтимоий тарбия тизимининг бир қисми бўлиб унинг мазмуни барча фанлар бўйича билимлар системасини билиб олишни ва шу асосда ёшларда илмий дунёқарашни таркиб топтириш; тафаккур ва нутқ қобилиятини ўстиришдан иборатдир.

Ақлий тарбия барча фанлардан умумий маълумот бериш орқали амалга оширилади. Бу жараёнда ўқувчиларга мактаб дастурлари асосида билим берилиб, уларда хотира, диққат, фикрлаш, тасаввур қилиш каби хислатлар тараққий эттирилади.

Абу Носир Форобий инсон-ақл-заковати хусусида фикр юритиб бундай дейди:

1. «Барча масалани, муҳокама ва мулоҳазани тезда тушуна оладиган, унинг маъносини англайдиган; сўзловчининг мақсади, айтилган фикрининг чинлигини тезда пайқай оладиган бўлсин;

2. Хотираси жуда бақувват бўлсин, кўрган-эшитган, сезган нарсаларининг биронтасини ҳам эсидан чиқармай, ёдида сақлаб қоладиган бўлсин;

3. Зеҳни шу даражада тез ва ўткир бўлсинки, бирор нарсанинг аломатини сезиши билан бу аломат нимани билдиришини тезда билиб олсин;

4. Сўзлари аниқ бўлсин, фикрини ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини раво ва равшан баён эта олсин;

5. Билим ва ўқишга муҳаббати бўлсин, ўрганмоқчи бўлган билимини чарчашни сезмасдан осонлик билан ўзлаштира олсин.»¹

Ақлий тарбия шахсни ҳар томонлама камол топишининг асосини ташкил этади. У меҳнат унумдорлигини оширади ва меҳнатга ижодий муносабатни таркиб топтиради.

Ахлоқий тарбия. Ахлоқ — ижтимоий онг шакллари билан бири ҳисобланиб, ҳар бир кишининг жамият ва оиладаги юриш-туриши, тартиб қоидаларининг йиғиндиси сифатида гавдаланади. Хулоса қилиб айтганда, инсоннинг теварак-атрофдаги воқеа ва ҳодисаларга бўлган муносабатида ахлоқ намоён бўлади. Халқимиз ахлоқий фазилатларини қадим замонлардан бери бойитиб келган. Ахлоқ-одобга оид фикрлар «Авесто» диний-ахлоқий китобида, қадимги битикларда, пандномаларда ва бошқа ёзма манбаларда ўз ифодасини топган.

Ўтмишнинг улуғ алломаларининг ахлоқ ҳақидаги кўплаб фикр-мулоҳазалари бугунги кунда ҳам муҳим тарбиявий аҳамиятини йўқотган эмас.

Жумладан, қомусий олим Ал-Форобий ахлоқий фазилатлар ҳақида гапирар экан, унинг хислатлари ҳақида қуйидаги фикрларни билдиради:

«1. Бундай одамнинг барча аъзолари шу даражада мукамал тараққий этган бўлиши керакки, у бу аъзолари билан бажармоқчи бўлган барча ишларни осонлик билан амалга ошира олсин...;

2. Овқатланишда, ичимлик истеъмол этишда очкўз бўлмасин, табиати қимор ўйинларини ўйнаш-

¹ Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шахри. Тошкент. 1993 й.

дан узоқ бўлсин ва улар келтирадиган хурсандчиликдан жирканадиган бўлсин;

3. Ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган бўлсин, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин;

4. Фурури ва виждонини қадрлайдиган бўлсин, унинг руҳи ўз табиати билан паст ишлардан юқори ва олижаноб ишларга ишлатиладиган бўлсин;

5. Дирҳам, динор ва шу каби турмуш буюмларига жирканиш билан қарасин;

6. Ўз табиати билан адолатни севадиган ва адолат учун курашувчиларга, адолатсизликка, жабрзулм ўтказувчиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин... адолатли бўлсин...;

7. Адолатли бўлсин, аммо қайсар бўлмасин...»¹

Инсон шахсининг камолоти унинг бутун умри давомида амалга ошиб бораверади. Бу фазилат инсоннинг бошқалар билан бўлган муомаласида, воқеликка, жамиятга бўлган муносабатида ва унинг хатти-ҳаракатларида, феъл-атворида намоён бўлади.

Ахлоқий тарбия, умуман олганда тарбиячилар томонидан тарбияланувчиларда ахлоқий тасаввурлар тизимини шакллантиришни, ахлоқий ҳис-туйғуларини ривожлантиришни, воқеа ва ҳодисаларга тўғри муносабат билдира олиш кабиларни назарда тутаяди.

Инсоннинг ахлоқий қиёфаси бутун умри давомида шаклланиб боради. Инсон онадан меҳнатсевар ҳам, дангаса ҳам, жоҳил ҳам бўлиб туғилмайди — бу ва шунга ўхшаш ахлоқий сифатлар болани ўраб олган ижтимоий муҳитнинг, тарбиянинг таъсири ҳисобланади.

¹ Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шахри. Тошкент, 1993 й.

«Тарбия икки негизга — ахлоқ ва оқилликка таълимнинг лозими. Биринчиси яхши фазилатни ўстирса, иккинчиси ўзгалар иллатидан ҳимоя қилади. Демак, тарбия ҳам ахлоққа, ҳам инсоний муносабатларга асрлар оша халқ тажрибасида синовдан ўтиб, ўзининг умрбоқийлигини исботлаган қадриятларга, анъана ва урф-одатларга боғлансагина кузатилган натижага олиб келади».¹

Жисмоний тарбия. Жисмоний тарбия инсон камолотига таъсир этадиган энг қадимий тарбия воситаларидан ҳисобланади. Умумтаълим мактабларида амалга ошириладиган жисмоний тарбиянинг асосий вазифалари ўқувчиларни саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни меҳнатга, мустақил мамлакатимизни ҳимоялашга ва ижтимоий ҳаётга тайёрлашдан иборат.

Мактабда ўқувчиларга жисмоний тарбия, ҳаракатли ўйинлар, гимнастика, спорт, синфдан ва мактабдан ташқари спорт машғулоти тури турлари воситасида берилади.

Бошланғич мактабларда физкультура дарсларидан кўзда тутилган мақсад асосан болаларни ўз қадди-қоматини тўғри ушлашга одатлантириш, муҳим ҳаракатларни (юриш, сакраш, югуриш) тўғри бажаришга одатлантириш ва тўғри предметлар билан машқ бажаришларини ўргатишдан иборат. Энг муҳими, болаларга саломатлиги ҳақида ўзи ғамхўрлик қилиш зарур эканлиги тўғрисидаги фикрни сингдиришидир. Чунки, инсон саломатлиги, жисмоний баркамоллиги нафақат унинг шахсий иши, балки бу давлат аҳамиятига молик вазифа ҳамдир.

¹ М. Темурова. Бошланғич таълим журнали. 9—12-сонлар. 1995 й.

Меҳнат тарбияси. Меҳнат тарбияси олдида турган асосий вазифа ўқувчиларга меҳнат таълимига оид илмий билимлар бериш, меҳнат қуроллари билан муомала қилишга ўргатиб, ҳаётга, ижтимоий-фойдали меҳнатга тайёрлашдир. Бу вазифаларни икки туркумга бўлиш мумкин. Биринчидан, меҳнатга бўлган муносабат жараёнида зарур билим ва кўникмаларни ўз ичига олади. Ёшларда халқи, ватани манфаати йўлида меҳнат қилиш хоҳишини тарбиялаш, меҳнатга ҳаётий зарур фаолият деб қарашларини таркиб топтиришга эришилади. Иккинчидан, гуруҳ вазифалари, меҳнат фаолиятини бажариш жараёнида зарур бўладиган билимлар ўзлаштирилади, фан асослари, политехник таълим ўрганилади.

Меҳнат тарбияси тушунчаси умумий бўлиб, бу тушунча бир қанча хусусий тушунчаларни ўз ичига олади. Булардан биринчиси: политехник таълим, бу ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига тааллуқли бўлган илмий асосларни ва принципларни, меҳнат кўникма ва малакалари, оддий меҳнат қуроллари билан муомала қилиш кабиларни ўзлаштиришни тақозо қилади.

Иккинчиси: бу умумий меҳнат. Умумий меҳнат ўқувчиларни маҳсулот ишлаб чиқариладиган фаолиятга жалб этилишини тақозо қилади. Учинчидан: ижтимоий-фойдали меҳнат. Бу меҳнат тури ўқувчиларни ижтимоий-фойдали аҳамиятга эга бўлган, кўпчилик фойдасига ишлашни назарда тутди (темир-терсак, макулатура йиғиш, синф, мактабни таъмирлашга ёрдам бериш, мактаблар участкасида ишлаш). Тўртинчи: ўз-ўзига хизмат қилиш. Бу маиший хизмат турига киради, синф, мактаб озодалигини сақлаш, ўзининг иш жойини, кийим-кечаги,

ўқув қуролларини озода, тартибли сақлашни назарда тутади. Бешинчидан: уй меҳнати, бу ҳам маънавий меҳнат турига кириб, уйда озодаликка риоя қилишни, ота-онага уй меҳнатларида ёрдам беришни тақозо қилади.

Эстетик тарбия. Эстетик тарбия санъатдаги, табиатдаги қуршаб олган ҳаёт воқелигидан гўзаллик воситалари асосида тарбиялаш, жаҳон педагогикасида инсонни *гармоник* тарбиялаш воситаларидан бири деб ҳисобланиб келинган.

Эстетик тарбиянинг асосий вазифаси табиатдаги, санъатдаги, ҳаётдаги гўзалликни қабул қила олиш, тушуниш қобилиятини тарбиялаш, фаҳмлашдан, гўзалликка риоя қилишга одатлантиришдан иборат. Эстетик тарбия давомида бола ҳаётдаги гўзалликни тушунади, гўзалликни муҳофаза қилишга, ўзи ҳам гўзаллик яратишга интилади.

Умар Хайём гўзаллик, унинг хосияти хусусида фикр юритиб, шундай дейди: «Гўзаллик барча тилларда васф этилади ва ҳар қандай ақлга хуш келади. Дунёда яхши нарсалар кўп, уларни кўриб баҳраманд бўлиш одамларни шод этади ва табиатларини покиза қилади, аммо ҳеч нарса гўзал юзни ўрнини босолмайди, чунки гўзал юз шундай қувонч бахш этадики, бошқа ҳеч қандай қувонч унга тенг кела олмайди. Айтадиларки, гўзал юз дунёда саодат сабабчисидир.»¹

Эстетик тарбия ўқувчиларда ахлоқий қиёфа, ижобий хулқ-атвор нормаларини таркиб топтиришга, уларни ижодий қобилиятларини тараққий эттиришга таъсир қилади.

¹ У. Хайём. Наврўзнама. Тошкент. 1990 й.

Бошланғич мактабда ашула, расм, мусиқа, ўқиш дарслари, шу билан бирга синфдан ва мактабдан ташқари ташкил этиладиган тадбирлар эстетик тарбия воситаси ҳисобланади.

Савол ва топшириқлар

1. Тарбиянинг асосий вазифалари нимадан иборат?
2. Комил инсон деғанда сиз қандай фазилатларга эга бўлган инсонни тушунасиз?
3. Шарқона тарбиянинг манбаларини санаб беринг.
4. Шарқ ривоятларида учрайдиган яхши тарбия кўрган инсонларнинг нишонасини айтиб беринг?
5. Ҳозирги кунда таълим-тарбиянинг асосий аҳамияти нимада?

III б о б . БОЛА ШАХСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ, ТАРБИЯСИ ВА КАМОЛОТИ

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Педагогика курсининг муҳим методологик муаммоларидан бири бу шахс тарбияси ва унинг ривожланиши муаммоси ҳисобланади.

Ўсиб ва ривожланиб борувчи инсон тарбия объекти ҳисобланади. Бутун ҳаёти давомида инсоннинг ривожланиш жараёни давом этаверади. Бу жараёнда у турли ўзгаришларни, жисмоний, психик, миқдор ва сифат ўзгаришларни ўз бошидан кечириб боради. Инсонда бўладиган жисмоний ўзгаришларга унинг бўйини ўсиши, вазнини оғирлашиб бориши, суяк ва мушак системаларини, ички органлари ва асаб системасини ўзгариб бориши киради. Психик ўзгаришлар эса, унинг ақлий ривожига алоқадор бўлади ва инсонда шахснинг психик сифатларини шаклланиб бориши, унда ҳаёт учун зарур бўлган социал сифатларни таркиб топиши ҳисобланади.

Одам боласининг ривожланиши бу муҳим жараён саналади. Маълумки, ҳаёти давомида инсон жисмоний ва психик томондан ўзгариб боради. Лекин болалик, ўсмирлик ва ўспиринлик даврида ривожланиш ниҳоятда кучли бўлади. Бола мана шу йилларда ҳам жисмоний, ҳам психик жиҳатдан ўсиши, ўзгариши туфайли шахс сифатида камолга етади, бунда берилаётган тарбия мақсадга мувофиқ таъсир этиши натижасида бола жамият аъзоси сифатида камол топиб, мураккаб ижтимоий муносабатлар системасида ўзига муносиб ўрин эгаллайди.

Одамнинг муносабатлари доирасига кишилар билан алоқасигина эмас, балки табиатга, жамиятга, ҳаётга бўлган муносабатлари ҳам киради. Мана шу хил кўпқиррали алоқалар ва муносабатлар заминида ҳар бир шахс ўз қобилияти ва қизиқишини, ўз билими ва укувини намоён қилади, ўз ишига, вазифасига, бурчига, халқига, Ватанига, ўз-ўзига бўлган муносабатларини ифодалайди. Табиийки, шахсдаги бу фазилатлар фақат тарбиянинг маҳсулидир.

Шахснинг камол топишида ва унинг хулқига ижтимоий ва биологик омилларнинг таъсир кучи ҳамиша бир хил бўлавермайди. Сабаби одамнинг хулқига, муносабатига ва алоқаларига ёши, билими, ҳаётий тажрибаси, одатлари ва ниҳоят, вазият ҳам таъсир этади. Шахснинг фазилатларини тўғри аниқлаш ва беҳато баҳолаш учун уни турли муносабатлар доирасига, турли вазиятларда кузатиб кўриш лозим. Ана шундагина шахснинг ижтимоий хулқи, маънавий қиёфаси, инсоний фазилатлари рўёбга чиқади. Демак, шахсни ривожлантириш вазифасини тўғри ҳал қилиш учун унинг хулқига таъсир этувчи омилларни, бу омилларнинг табиатини, шахснинг хусусиятини яхши билмоқ керак.

Педагогикада «Шахс» тушунчаси «Инсон» тушунчасидан фарқли ўлароқ у инсоннинг ижтимоий хусусиятларини англатади. Янги жамият бошқа одамлар билан муомалада бўлиши, муносабат ўрнатиши натижасида шаклланиб борадиган сифатларни билдиради. Инсоннинг психик хусусиятларини ривожланиши (ақл, ирода, диққат, ҳаракат ва ҳ.к.), ҳаётда ўз ўрнини топа олиши, унинг Ватани, халқнинг равнақи йўлида оғишмай, эътиқод билан хизмат қилиши, имонли бўлиши инсонни шахс даражасига кўтаради. Бундай сифатларни рўёбга чиқиши тарбияга боғлиқ бўлади.

Боланинг камолотига, руҳиятига, феъл-атвори шаклланишига қандай омиллар таъсир этади? Педагогика бола тарбиясига, унинг шаклланишига биологик омил, ижтимоий омил ва тарбия таъсир этади, дейди. Бу муаммо педагогикада азалдан мунозарага сабаб бўлиб келаётган масала ҳисобланади.

Кўп асрлик ана шу мунозара заминида бир-бирига қарама-қарши икки нуқтаи назар вужудга келди. Улардан бир тоифаси одам боласининг шахс сифатида ривожланишида табиий биологик омиллар ҳал қилувчи роль ўйнайди деб биладилар. Уларнинг фикрича, бола она қорнидалиқ вақтида авлод-аждодлардан ўтган туғма хусусиятларгина ривожланади. Бу нуқтаи назар тарафдорлари тарбиянинг ролини чеклаб қўядилар. Бу нуқтаи назар фанда биологик йўналиш деб номланади. Уларнинг вакиллари Аристотель, Платонларнинг фикрлари-ча тақдир, толе ҳар кимнинг ҳаётидаги ўрнини, мавқеини аввалдан белгилаб берган.

XVI аср фалсафасида вужудга келган преформизм оқими намояндаларининг фикрича, одам боласи она пуштидалигидаёқ бўлажак шахсига хос

барча хусусиятларга эга бўлади, ривожланиш эса ана шу хусусиятларнинг миқдорий кўпайиб боришидан иборатдир. Преформистлар ҳам наслнинг шахс ривожланишидаги ролига фавқулодда юксак баҳо бериб, ижтимоий муҳит ва тарбиянинг ролини мутлақо инкор этадилар. Бу назариянинг яна бир йўналиши XX асрда кенг тарқалган бихевиоризм оқими бўлди.

Бихевиоризм оқимига америкалик педагог ва психолог Э. Торандайк асос солди. Унинг фикрича, шахснинг барча хусусиятлари, шу жумладан онг ва ақлий қобилият ҳам наслдан-наслга ўтади. Бу билан Э. Торандайк тарбиянинг шахс ривожланишига таъсирини инкор этади, уни шахснинг хусусиятларига таъсир этишдан ожиз деб билади.

Худди шундай нуқтаи назарни яна бир америкалик прогматик педагог Д. Дьюи ва А. Комбослар ёқлаб чиқадиладар. Улар тарбиянинг шахсга бўладиган актив таъсирини инкор этиб, ривожланишни фақат миқдорий ўзгаришдан иборат деб кўрсатадилар. Одам қандай сифатлар билан туғилган бўлса, тарбия жараёнида билим олиш, кўникма ва малақа ҳосил этиши-натижасида шу сифат ва хусусиятлар ривожланиб боради деган фикрни илгари сурадилар. Аммо психология ва педагогика фанларининг кейинги йиллардаги инсон тарбиясига, камолотига оид илмий маълумотлари одам боласининг шахс сифатида ривожланиб, тараққий этиб боришига, камолотга етувига мураккаб жараён деб ҳисоблашга имкон беради. Унинг шахс бўлиб камолга етишида насл (биологик омил), ижтимоий муҳит ҳам, мақсадга мувофиқ амалга ошириладиган тарбия алоҳида роль ўйнайди. Бу илмий маълумотлар шахсни табиатнинг бир бўлаги деб қарашга имкон яра-

тади. Шунга кўра, унда табиий куч ва имкониятлар бор, улар шахснинг ривожланиши учун маълум аҳамиятга эга эканлигини кўрсатадилар. Бу инсондаги лаёқат куртаклари бўлиб, унинг ривожланиши учун тарбия керак деб таъкидланади.

Ўрта Осиё мутафаккирларидан Форобий, Абу Али ибн Синолар ҳам инсон тарбиясига таъсир этадиган омиллар аҳамиятига эътибор бериб келганлар. Форобий инсон камолотида таълим-тарбиянинг муҳимлигини таъкидлаб: «Муносиб инсон» бўлиш учун одамда икки имконият: таълим ва тарбия олиш имконияти бор. Таълим олиш орқали назарий камолотга эришилади, тарбия эса, бу кишилар билан мулоқотда ахлоқий қадр-қимматни ва амалий фаолиятни яратишга олиб борадиган йўлдир»... дейди.

Абу Али ибн Сино этика ва ахлоқий тарбия масалаларини фалсафий-педагогик асосда ёритиб беришга ҳаракат этади. У айниқса оила тарбиясида ота-онанинг ўрнига алоҳида тўхталиб: «Бола туғилгач, аввало, ота унга яхши ном қўйиши, сўнгра эса уни яхшилаб тарбия қилиши керак... Агар оилада тарбиянинг яхши усулларидан фойдаланилса оила бахтли бўлади» деган фикрни илгари суради.

Шундай экан, инсон камолотига таъсир этадиган омилларнинг бирортасини ҳам инкор этмаган ҳолда уларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқайлик.

ШАХС РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Бола шахсининг ривожланишига ирсият, муҳит ва тарбия каби омиллар таъсир этади. Бола шахсининг ривожланишига наслнинг таъсири деганда

ота-оналарга ўхшашликни ифодаловчи биологик белгиларни такрорланишини тушунмоқ керак. Ҳар бир бола ота-онасидан мерос шаклида баъзи биологик сифатларга (тананинг тузилиши, сочининг, кўзининг, терисининг ранги, бўйи баста ва бошқалар) эга бўлган ҳолда дунёга келади. Булар жисмоний хусусиятлардир. Олий нерв фаолиятининг хусусиятлари ҳам туғма ўтади. Бу физиологик хусусият ҳисобланади.

Академик И. П. Павловнинг таълимотига кўра, бола бир қатор туғма хусусият ва инстинктларга эга ҳолда туғилади ва булар шартсиз рефлекслар группасини ташкил этади. Булар орасида ошқозон рефлекси (сўлак ажратиш), муҳофаза рефлекси (иссиқдан)кўлни тортиш, ёруғдан кўзини қисиш, кабилар алоҳида аҳамият касб этади. Аммо бу хусусиятлар инсонга ҳам, ҳайвонга ҳам тааллуқлидир. Айни вақтда инсонларга хос бўлган хусусиятлар ҳам ирсият йўли билан ўтади. Масалан, танани вертикал ҳолдаги ҳаракати, тафаккур ва нутқ ривожланиши, меҳнат қилиш қобилияти — булар туғма имкониятлар бўлиб, уларнинг ривожланиши учун инсон боласи одамлар орасида яшаб, улар билан алоқа қилиши даркор. Бу психик имкониятларнинг чиндан ҳам (ривожланмоғи, рўёбга чиқмоғи учун бола фақат ўсибгина қолмай, балки шу ўсиш жараёнида инсонлар орасида яшамоғи, улғаймоғи ва ижтимоий ҳаётда иштирок этмоғи керак. Чунки инсон биологик мавжудот сифатида эмас, балки ижтимоий мавжудот сифатида ривожланади ва камолга етади. Бола нутқни эгаллаши учун нутқ шароитида, меҳнат қилиш учун меҳнат шароитида, ақлий тараққий этмоғи учун ақлий фаолият шароитида яшамоғи керак. Ана ўшанда боланинг нимага, қан-

дай соҳага лаёқати борлиги намоён бўлади. Физиология ва психология фанининг кўрсатишича инсон боласи тайёр қобилият билан эмас, балки бирор хил қобилиятни рўёбга чиқиши ва ривожланишига таъсир этадиган потенциал имкониятлар, яъни шахс хусусиятини ифодаладиган лаёқат билан туғилади. Туғма лаёқат ўз ҳолича ривожлана олмайди, агар у «мудроқ» ҳолатда бўлиб, унинг уйғониши — ривожланиши учун қулай муҳит керак.

Агар бола ўз лаёқатига мос шароитда ўсиб, зарур фаолият билан шуғулланса, лаёқат эрта кўриниб, ривожланиши, аксинча бу бўлмаса йўқ бўлиб кетиши мумкин. Шунинг учун педагогика лаёқатнинг намоён бўлиши ва қобилият сифатида ривожланиши тўла-тўқис ҳаёт шароитига ва тарбияга боғлиқ деб билади.

ИНСОН КАМОЛОТИ ВА УНИНГ ШАХСИНИ РИВОЖЛАНИШИДА МУҲИТНИНГ РОЛИ

Инсон камолотига таъсир этадиган омиллардан бири муҳит деганда кишига стихияли таъсир этадиган ташқи воқеалар комплекси тушунилади. Бунга табиий муҳит, ижтимоий муҳит, оила муҳити (микромуҳит) киради.

Табиий (географик) муҳит (иқлим, табиий шароити ва бойлиги) сўзсиз инсоннинг ҳаёт тарзига, характери ва меҳнат фаолиятига таъсир этади. Масалан: тропик минтақада ҳаёт кечириётган инсонларнинг ҳаёт тарзи узоқ шимолдаги инсонлар ҳаёт тарзидан фарқланади, бу уларнинг ҳаёт тарзига ва уларнинг ривожланишига таъсир этадиган қатор омиллар билан исботланади.

Шу билан бирга инсон камолотида микромуҳит — оила шароити ҳам катта таъсир кучига эга. Чунки бола кўз очиб ота-онасини, қариндош-уруғи

кўради. Унинг интенсив жисмоний ва психологик ривожланидиган даври оила таъсирида шаклланади. Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади» деган нақл бекорга айтилмаган. Оиланинг ҳаёт тарзи, ундаги бола тарбиясига ижобий таъсир этадиган тарбиявий муҳит унинг камолатида муҳим аҳамият касб этади.

Бола камолатида ижтимоий муҳит муҳимдир. Чунки бу ерда ишлаб чиқариш муносабатлари ва уларни тартибга солиб турадиган ижтимоий қонунқоидалар кишига алоҳида таъсир қилади. Ижтимоий алоқасиз, одамлар билан алоқа қилмасдан одам инсон бўла олмайди. Бу хил муносабат натижасида одам боласи ҳаётга ва меҳнатга тайёрланади, керакли тажриба ва билимларни эгаллайди.

Инсон камолатига ижтимоий муҳитнинг таъсири турли тарихий даврда (формацияларда) турлича бўлади, турли социал гуруҳларга ҳам турлича таъсир этади. Шундай экан, ҳозирги замон педагогика фани муҳитга, унинг инсон ривожланишидаги таъсирининг ролига алоҳида эътибор беради. Муҳит тушунчасига кирадиган ижтимоий ҳаёт воқеаларининг шахсга таъсири фоят муҳим эканлигини кўрсатади ва ижтимоий муҳит абадий эмас, ўзгарувчан деб қарайди. Шунинг учун муҳит инсон тақдирини белгилаб берадиган омил деб ҳисобланмайди. Аммо унинг таъсирини рад этмайди, ҳам.

ИНСОННИНГ КАМОЛ ТОПИШИДА ТАРБИЯНИНГ РОЛИ

Тарбия муҳит каби инсон камолатига таъсир этувчи ташқи омиллардан ҳисобланади. Унинг фарқли томони ва хусусияти шундаки, тарбия аниқ мақсадни кўзлаб, системали равишда, инсонда ижояшга фазилатларни таркиб топтириши йўлида

тарбиячининг раҳбарлигида амалга ошириб борилади.

Аммо тарбия таъсирининг кучи ва унинг натижаси ирсият ва муҳит каби омилларнинг ҳамкорлиги билан белгиланади.

Инсон камолати ирсият йўли билан орттирилган ва табиий лаёқатлар билан белгиланиб қолмай балки, бутун ҳаёти даврида уни қуршаб олган воқелик таъсирида орттирган хусусият ва сифатлар билан ҳам белгиланади.

Шубҳасиз тарбия одамнинг кўзи, сочи, терисининг рангига, унинг бадани тузилишига таъсир эта олмайди. Лекин шу билан бирга тарбия жисмоний тараққиётга таъсир этиши мумкин. Чунки махсус ташкил этилган жисмоний машқлар орқали боланинг саломатлиги мустаҳкамланади ва чиниқтирилади. Маълумки, инсоннинг табиий қобилияти фақат тарбия орқали, уни маълум бир фаолият турига жалб қилиш орқали ривожланиши мумкин.

Маълумки, бола лаёқатини ривожлантириш уни қобилиятга айлантириш ва ҳаётга мос ҳолда ўстириш учун меҳнатсеварлик ва ишчанлик керак. Меҳнатсеварлик ва муттасил ўтириб ишлаш каби фазилатлар фақат тарбия натижасида орттириладиган фазилатлардир. Гарчанд инсон камолатига таъсир этадиган омиллар бир қанча бўлса ҳам лекин, махсус тарбия муассасаларида тарбиячининг раҳбарлигида амалга ошириладиган тарбия жараёни етакчи ҳисобланади. Чунки, биринчидан, тарбия таъсирида муҳит таъсири бера олмаган фазилатлар ўзлаштирилади ва нарсалар ўрганилади, яъни билим, маълумот эгалланади, меҳнат ва техник фаолият билан боғлиқ кўникмалар, малакалар ҳам махсус уюштирилган тарбия орқали ҳосил бўлади.

Иккинчидан, тарбия туфайли туғма камчиликларни ҳам ўзгартириб шахсни камолга етказиш мумкин. Масалан, кўрлар, гунглар ҳам ўқитилиб, соғлом кишилар қатори ҳаётга тайёрланади. Учинчидан, тарбия ёрдамида муҳитнинг салбий таъсирини ҳам йўқотиш ёки бартараф қилиш мумкин.

Тўртинчидан, тарбия доимо келажакка қаратилган мақсадни белгилайди. Шу туфайли, у шахснинг камолга етишини тезлаштирувчи роль ўйнайди. Инсонни камол топишида мактабнинг аҳамияти катта. Болалар мактабга қадам қўяр экан, улар ўқув меҳнати билан банд бўладилар. Болалар мактабда фан асосларни эгаллаб олиши билан бирга уларда секин-аста илмий дунёқараш шаклланиб боради. Ўқитувчи-тарбиячиларнинг раҳбарлигида инсонга хос бўлган юксак фазилатларни эгаллайдилар. Режа асосида тарбиявий ишларни ташкил этиб, болани тарбиялашда оиллага ҳар вақт ёрдам кўрсатади. Тарбиячи ўз тарбияланувчисининг оила шароитидан хабардор бўлиши, педагогик маслаҳатларга, ёрдамга муҳтож бўлган оилаларга ёрдам бериши муҳим. Тарбиячи учун бола бўш вақтини кимлар билан ва нималар билан машғул бўлиб ўтказаятгани аҳамиятсиз эмас. Чунки ўз ҳолига ташлаб қўйилган бола кўчанинг салбий таъсирига берилиб кетиши мумкин.

Хулоса қилиб шунни айтиш керакки, инсон фақат фаолиятда ривожланади, фаолиятдан ташқарида ривожланиш йўқ. Бола жуда ёшлигидан бошлаб-боқ катталар ёрдамида ташқи муҳит билан турли хил алоқада бўлади. Мактаб ёшида бу алоқалар ўқиш ва шу билан боғлиқ бўлган бошқа фаолият билан боғланади ва булар ривожланиш учун манба саналади.

Педагогик жиҳатдан туғри уюштирилган ҳар қандай фаолият шахснинг ақлий ва иродавий ривож-

ланишига таъсир этади. Демак, бола улғая борган сари унинг фаолияти ҳам шакли ва мазмуни билан ўзгариб бораверар экан.

Масалан, боғча ёшида болаларнинг асосий фаолият тури ўйин бўлса, мактаб ўқувчиси учун ўқиш, меҳнат қилиш асосий фаолият бўлиб қолади. Демак, бола ҳаётида фаолият турларининг ўзаро муносабати ҳам ўзгаради ва бунинг таъсири остида бола камолати ҳам янги, юқорироқ босқичга кўтарилади.

Умуман, педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилган ҳар қандай фаолият бола шахсининг ақлий, ахлоқий, эстетик, жисмоний ва иродавий ривожланишига ижобий таъсир этади. Раҳбарлик қилинмаган фаолият эса бирёқлама ёки салбий таъсир этиши мумкин.

✕ Шундай қилиб, инсон тараққиётининг илмий концепцияси инсон камолатига таъсир этадиган омилларни таҳлил этиб, инсон камолати ва унинг шахсини шакллантиришни ягона ва бир бутун нарса эканлигини таъкидлайди. Бу жараёнда инсоннинг ўз фаоллигига катта ўрин берилади. У ўз фаоллиги билан ўз шахсини шакллантира олади. Тарбиячи томонидан қўйиладиган мақсад аниқ бўлса ва бу мақсадга эришиш учун одам астойдил ҳаракат қилса кутилган натижага эришилади.

Савол ва топшириқлар.

1. Шахс камолотига қандай омиллар таъсир этар экан?
2. Одамнинг инсоний фазилатларини айтиб, таърифлаб беринг.
3. Ижтимоий муҳит ва унинг инсон камолотига таъсирини очиб беринг.
4. Тарбиянинг инсон камолотидаги ўрни нимадан иборат?
5. Шахс камолотида оила тарбиясининг аҳамияти қандай?

IV 606. ЎҚИТУВЧИ ВА УНИНГ ЖАМИЯТДА ТУТГАН ЎРНИ

Ҳозирги замон педагогика фани олдида турган муҳим муаммолардан бири — ўқитувчи ва педагогик меҳнат шароити муаммоси ҳисобланади. Чунки, ўқитувчида барча педагогик ғоялар мужассамланган бўлиб, унинг фаолияти орқали бу педагогик ғоялар амалга оширилади ва ҳаётга татбиқ этилади.

Ўқитувчининг кўпқиррали ва мураккаб фаолият заминиде ёш авлодни одобли, эътиборли қилиб тарбиялаш, уларни илмий билимлар билан қуроллантириш каби муҳим вазифалар ётади. Буларни амалга ошириш эса ўқитувчининг хилма-хил фаолиятига боғлиқ: болаларни ўқитиш, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишларни ташкил эта билиш ва ўтказиш, ота-оналар ўртасида педагогик тарғибот ишларини олиб бориш ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчидан чуқур билимларга эга бўлишни, ўз соҳасини, болаларни севишни талаб этади.

Республикамиз мустақиллиги эълон қилинган сана 1991 йил 31 август халқимиз ҳаётида улғувор воқеалардан ҳисобланади. Энди халқимиз ўзининг бой тарихи, маданияти, урф-одатларини ўрганиш, тарғиб қилиш, ўзлигини таниш имкониятига эга бўлди. Бу воқеадан сўнг кўп сонли ўқитувчилар жамоалари олдида Ватан равнақи учун ҳормай-толмай хизмат қила оладиган, буюк Ватан йўлида ўз жонини ҳам аямайдиган ёшларни тарбиялаш вазифаси кўндаланг қўйилади. Бу вазифа олий таълим концепциясида алоҳида таъкидланади. Ўзбекистон Республикаси олий таълим концепциясида ўқитувчи-мутахассис олдида турган вазифалар қуйидаги-

ча белгиланади: «Мутахассис малакаси — чуқур умумий билим, кенг дунёқараш ва касб тайёргарлиги, компьютер бўйича саводхонлиги, ўз билимини тезлик билан янгилаш ва тўлдира олиш қобилияти сингари омиллардан ташкил топади... Шулар қаторида уни интизоми, масъулият, зиёлилик, ўз ишига, мамлакати мустақиллигига, ватан ва жаҳон тараққиёти йўлида эзгулик ва адолатга садоқат туйғуларини ҳам тарбиялаш зарур».

Бу вазифа ва талаблар бошланғич синф ўқитувчисида айниқса тўла мужассамланган бўлиши лозим. Зеро, мактабга илк бор қадам қўйган бола дунёнинг, ҳаётнинг қонун ва қоидаларини, сир-асрорларини ўқитувчидан ўрганади. Ўқитувчи эса болага ўз билганини ўргатади. Агар болани чуқур билимли, эътиқодли, маданиятли қилиб тарбияламоқчи бўлсак, шу фазилатлар ўқитувчида мужассамланган бўлмоғи зарур. Шундай экан, ўқитувчи, умуман бошланғич синф ўқитувчиси қандай фазилатларга эга бўлиши керак? деган савол туғилади. Бу саволга жавоб беришдан олдин ўқитувчининг ҳозирги кунда жамиятимизда тутган ўрни ҳақида фикр юритсак.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида биноан октябр ойининг биринчи якшанбаси халқ таълими ходимлари куни деб эълон қилинди. Бу воқеа давлатимизда ўқитувчиларнинг жамиятда тутган ўрни нақадар юксак эканлигидан далолат беради. Илғор ўқитувчиларимизга юксак унвонлар, давлат мукофотлари берилиши уларга масъул вазифалар ҳам юкламоқда. Айниқса, Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин, ўқитувчининг жамиятдаги роли ва масъулияти ортиб бормоқда.

Кейинги даврларда педагог ходимларнинг маиший шароитини яхшилаш борасида қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Имтиёзлар берилди, уларнинг иш ҳақи оширилди, барча турдаги мактаб, хунар техника билим юртлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари педагог ходимлари билан меҳнат шартномаси тузиш системасига ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим концепциясида мутахассис вазифалари қуйидагича белги-ланган: ... «мутахассис ўз фаолияти, соҳасидан қатъи назар, ижодий жамоаларда ишлай олиш қобилия-тига, менежмент ва маркетинг соҳаларида тайёр-гарликка эга бўлиши, янги технологияларни жор-рий этишнинг хўжалик, ижтимоий ва маданий жиҳатларини аниқ тасаввур қила олиши керак». Ушбу фикрлар ўқитувчиларга ҳам бевосита таая-луқли. Чунки жамиятимизда содир бўлаётган туб ўзгаришлар, бозор муносабатларига кириб бори-шимиз ўқитувчидан на фақат касбий билимларни, балки иқтисодий, юридик, техникавий билимлар-дан ҳам хабардор бўлишни тақозо қилмоқда. Бу ўринда бошланғич синф ўқитувчиси хусусида ало-ҳида тўхталмоқ зарур.

ЎҚИТУВЧИНING ШАХСИГА ҚЎЙИЛГАН КАСБИЙ ТАЛАБЛАР

Ҳозирги замон ўқитувчисининг асосий фазилат-ларидан бири ўз касбига садоқатлилиги, ғоявий эътиқодлилиги, ўз касбини севиши, бу касбга бўлган чексиз садоқат ўқитувчини бошқа касб эга-ларидан ажратиб туради. Чунки мактабда таълим-тарбия ишининг юқори савияда олиб борилиши фақат ўқитувчига, унинг касбий тайёргарлигига боғлиқ.

Ўқитувчи шахсига қўйиладиган муҳим талаблардан бири шуки, у ўзи ўқитаётган предметларни чуқур билиши, унинг методикасини ўзлаштириб олган бўлиши зарур. Предметни ва унинг назариясини чуқур билиши, уни қизиқарли этиб ўқувчиларга етказа олиши болаларни шу предметга бўлган қизиқишини оширади. Ўқитувчи обрўсини кўтаради. Ўқувчилар ўқитувчи билимининг бу билимларни болаларга етказа олиш имкониятларини қадрлабгина қолмай, балки унинг шу предметга бўлган қизиқишини, унинг фидойилигини ҳам тақдирлашади.

Ўқитувчининг юксак маданияти, унинг теран билим доираси (айниқса, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг халқимизни ўз тарихини, маданиятини, урф-одатини ўрганишга, билишга бўлган қизиқиши ортиб бораётган даврда) таълим-тарбия ишларини муваффақиятли кечишига ёрдам беради. Ҳозирги замон ўқитувчиси ва айтиқса, бошланғич синф ўқитувчиси миллий қадриятларимизни билибгина қолмай, уни кенг ота-оналар жамоатчилиги ичида, синфда оташин тарғиботчиси ҳам бўлиши керак.

Ўқитувчи касбига хос бўлган муҳим фазилатлардан, талаблардан бири — болаларни севиш, уларнинг ҳаёти билан қизиқиш, ҳар бир шахсни ҳурмат қилишдан иборатдир. Болани севган, бутун куч ва билимини болаларни келажаги буюк Ватанга содиқ фуқаро қилиб тарбиялашга сафарбар қила оладиган одамгина ҳақиқий ўқитувчи бўла олади. Болага бефарқ, унинг келажаги билан қизиқмайдиган, ўқитувчилик касбига лоқайд одам ҳақиқий ўқитувчи бўла олмайди.

«Бошланғич таълим концепцияси»да бошланғич синф ўқитувчиси қиёфаси таърифланади: «... энг

муҳими, болаларда ўқиш, ўрганишга чинакам ҳавас, иштиёқ уйғотувчи, эътиқод ҳосил қилувчи устоз сифатида алоҳида ўрин тутади» ... ва яна шу концепциядан бошланғич синф ўқитувчиси фазилатларига қўшимча келтирилади. Ўқитувчи: «... Ўзбекистон — келажаги буюк давлат эканига ишонадиган миллий ифтихорли (бўлиши);

— болаларни халқ педагогикаси дурдоналари ҳамда миллий қадриятларимиз асосида тарбия қила олиши;

— нутқи равон, халқ тили бойлиги, ифода усули ва тасвир воситаларини адабий тил услуби ва меъёрини тўла эгаллаган бўлиши» зарур.

Ўқитувчилик касбига хос бўлган бундай фазилатларни ундаги педагогик одоб шакллантиради. Педагогик одоб бу ўқитувчининг юксак касбий фазилатидир. У ўқитувчининг саботли бўлишга, ўз ҳиссиётини идора қила олишга, болаларга педагогик таъсир ўтказиш восита ва меъёрларини белгилаш, аниқлашда ёрдам берадиган фазилат ҳисобланади. Юксак педагогик одобга эга бўлган ўқитувчигина синфда мўътадил психологик иқлим ўрната олади, болалар қалбига тез йўл топа олади.

Ўз хизмати хусусиятига кўра ўқитувчи ташкилотчилик фазилатига ҳам эга бўлмоғи лозим. Бунинг учун ўқитувчи ташаббускорлик ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиб, ҳар доим тетик, ғайратли, ўз кучи ва имкониятига ишонган бўлмоғи зарур. Ташаббускор ва ғайратли ўқитувчи болаларни ўз орқасидан эргаштира олади, ўқувчилар унга эргашади.

Ўқитувчилик касби жуда катта руҳий ва жисмоний куч талаб этади, шунинг учун ўқитувчининг саломатлигига ҳам маълум талаблар қўйилади.

Ўқитувчининг овоз пайчалари ривожланган, кўриш қобилияти яхши бўлиши керак, узоқ вақт тикка тура олиш, кўп юриш, эпчил ҳаракат қилиш каби фазилатларга (айниқса бошланғич синф ўқитувчилари) эга бўлмоғи шарт. Чунки, кичик мактаб ўқувчилари ўз хусусиятларига кўра тиниб-тинчимайдиган, ўта қизиқувчан, серҳаракат бўладилар. Бу шароитда ўқитувчи ҳам шу даражада бўлмоғи лозим.

Ўқитувчи шахсига қўйиладиган умумий талаблар билан бошланғич синф ўқитувчиси касбининг ўзига хослиги айрим специфик талабларни келтириб чиқаради. Чунончи, бошланғич синф ўқитувчиси анатомия, физиология, мактаб гигиенаси фанларидан хабардор бўлмоғи, ўқувчилар фаолиятини шу фанлар тавсияси асосида ташкил этиши лозим; (синфлари гигиеник талабга жавоб бериши, ўқувчилар режими, уларни ақлий ва жисмоний ривожланишини кузатиш ва тўғри йўналтириш); ўқитувчи ўз нутқини идора қилиши; адабий нутқ нормаларига риоя қилиши, овознинг баланд-пастлигига аҳамият бериши (ортиқча қаттиқ (баланд овоз билан) гапириш ҳам, секін гапириш ҳам болаларни чарчатиб қўяди); нутқнинг жонли, ифодали бўлишига эътибор бериши; болаларни чарчатиб қўймаслик мақсадида дарсда иш турларини тез-тез ўзгартира олиши; ота-оналар ўртасида педагогик билимларни тарғиб қилиши, улар билан яқиндан алоқа ўрната олиши (бу фаолият тури бошланғич синф ўқувчиларининг хулқ-атворини, майилларини, жисмоний ҳолатини ўрганишга ёрдам беради) ва уларга тарбиявий таъсир ўтказишга ёрдамлашиши керак. Ниҳоят, у ўз устида тинмай ишламоғи лозим. Айниқса, қадриятларимизни ўрга-

нишга, ўзлигимизни танишимизга, қадимий маданиятимизни билишга эҳтиёж катта бўлмоқда, зеро, бу нарсаларни билмай туриб мустақиллигимизни мустаҳкамлаб, буюк давлат қуриб бўлмайди. Шундай экан, бошланғич синфдан бошлаб болалар шарқона тарбия таъсирига олинмоғи, ўз қадриятини билмоғи лозим. Бу ўқитувчидан шу соҳада чуқур билимли бўлишини талаб этади.

ЎҚИТУВЧИНИНГ КАСБИЙ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ

Ўқитувчининг касбий шаклланиш жараёни институт даргоҳида таълим олиш жараёнидан бошланади. Педагогика институтларининг ўқув-режа ва фанлар бўйича дастурларида бўлажак ўқитувчиларга шу касбнинг сиру асрорларини ўргатиш, илмий билимлар бериш, бошланғич синф ўқитувчисига касби ҳақида маълумот ва кўникма бериш назарда тутилади.

Таълим жараёнида фанлар бўйича амалга ошириладиган семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари назарий билимларни мустаҳкамлашгагина эмас, балки уларни амалий иш жараёнида қўллашга имкон ҳам беради. Бундай машғулотлар танлаган касби тўғри эканига ишонч ҳиссини уйғотади.

Кўпгина талабалар I курсдан бошлаб педагогика ва психология фани бўйича илмий-тадқиқот ишларига жалб этилади. Илмий жамият аъзолари бўлишади, шу жамият орқали семинар ва конференцияларга маърузалар билан қатнашадилар. Шу билан бирга талабалар факультет ва институтнинг касбий йўналишга эга бўлган жамоа ишларида иштирок этадилар. Талабалар билан олиб бориладиган бундай тадбирларнинг муҳим аҳамияти шун-

дан иборатки, бу тадбирлар топширилган ишга жиддий ёндошиш ҳиссини тарбиялайди, институтни тугатгандан кейин йўлланма билан қаерга юборса шу жойда ишлашга амалий ва психологик тайёргарлигини таъминлайди.

Бўлажак ўқитувчининг касбий шаклланиб боришида I курсдан бошлаб амалга ошириладиган узлуксиз педагогик амалиёт алоҳида аҳамиятга эга. Бу амалиёт 1, 2 курсларда амалга оширилади. Унинг асосий мақсади ўқишнинг биринчи йилидан бошлабоқ талабаларни мактабга ўргатиш, ўқитувчилик касбидан хабардор қилиб боришдир, қолаверса, узлуксиз амалиёт касб танлашга йўллаш вазифасини ҳам ўтайди. Бундай амалиётлар биринчи курснинг ўзидаёқ, танлаган касбим тўғрими? Шу касбни эгаллашга менда имконият ва хоҳиш бор эканми? деган саволга жавоб қайтариш имкониятини беради. Бундай амалиёт давомида талабалар мактаб ва синф жиҳози, синф ўқитувчисининг иш режими, план-конспекти, ўқувчилар таркиби, уларнинг уй шароитлари, дарслик ва ўқув қуроллари билан таъминланганлиги кабилар билан танишадилар. Ўқитувчининг дарсларини кузатадилар, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий тадбирларда ўқитувчига ёрдам берадилар, мактабда куни узайтирилган гуруҳлари бўлса шу гуруҳ тарбиячилари иши билан танишиб борадилар. Ота-оналар мажлисларини тайёрлашда ва ўтказишда ўқитувчига ёрдам беришади. Хулоса қилиб айтганда, узлуксиз педагогик амалиёт талабаларни ўқув-педагогик амалиётга тайёрлаб боради.

Ўқитувчининг касбий шаклланиш жараёнида мактаб раҳбарияти ва жамоатчилиги катта роль ўйнайди. Ёш ўқитувчиларга тажрибали ўқитувчи-

ларни бириктириб қўйиш, уларнинг дарсларини кузатиш, метод бирлашма ишларига жалб этиш мактаб раҳбариятининг вазифасидир. Мактабда ўқитувчининг ўз устида ишлашига илмий-назарий ва методик билимларини тинмай ошириб боришга катта аҳамият берилади. Ўқитувчи секин-аста ўз касбини ўзлаштириб бориш билан бирга ота-оналар ўртасида педагогик билимларни тарғиб этади.

Ўқитувчилик касбига кириш ва педагогик маҳоратни эгаллаш жараёни, уни мактаб ўқитувчилар жамоасига киритиб, унда ўз ўрнини топиб кета олишига боғлиқ. Жамоанинг ёрдамидан юз ўгирмаслик, қийинчиликларга дуч келганда руҳан тушмай, ўз хатоларини кўра билиш ва уни йўқотиш учун ҳаракат қилиш уни ўқитувчи бўлиб шаклланишидан дарак беради.

Шу билан бирга ўз-ўзини тарбиялаб боришга, ўз устида тинмай ишлашга ҳаракат этиш касбий фазилатларнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

«Ўзбекистон Республикаси давлат таълими муассасалари педагог кадрларнинг аттестацияси тўғрисида» Низом ишлаб чиқилди ва бу низом 1993 йил 12 августда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланди. Аттестация ўқитувчилар, тарбиячилар ва бошқа педагог ходимларга меҳнатларининг пировард натижасига кўра иш ҳақи олиш имконини, агар педагог таълим ва тарбия жараёнида яхши ишласа, унинг меҳнати эътибордан четда қолмаслигига кафолат беради.

Саволлар

1. Ўқитувчи шахсига қўйилган талабларнинг ортиб бориши нима билан боғлиқ?
2. Касбий лаёқатлилиқ деганда сиз нимани тушунасиз?
3. Ўқитувчининг асосий сифатларини санаб беринг?

V б о б . ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Халқ таълими тизими деганда аниқ мақсадни кўзлаб мамлакат ёшларига таълим-тарбия берадиган муассасалар тушунилади.

Ҳар бир мамлакат халқ таълими тизимининг тараққиёти шу мамлакатда ишлаб чиқариш кучларини, ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожига ва жамият тараққиётига таъсир этадиган ижтимоий, иқтисодий масалаларга ва миллий хусусиятга боғлиқ бўлади.

Мамлакатимиз истиқлолга эришганидан кейин халқ маорифини ривожлантириш масалаларига, етук мутахассис кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Бунга ҳукуватимиз томонидан қабул қилинган қатор қонунларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Ўзбекистон Конституцияси ва Ҳукуват қарорларига асосланган ҳолда ҳозирги вақтда халқ таълимининг қуйидаги тамойиллари қарор топди: Ўзбекистон фуқароларининг миллатидан, динидан, жинсидан, ижтимоий аҳволидан қатъи назар таълим олишга тенгҳуқуқлилиги тамойили. Бу тамойил Халқ маорифининг демократик руҳидан дарак беради.

Ҳамма мактаб ёшидаги ёшлар учун билим олиш мажбурий эканлиги тамойили. Бу тамойил ёшларимизни маълумотли бўлиши, замон талабига жавоб берадиган илмий билимларни эгаллаши, ҳаётда ўз ўрнини топа олишлари ҳақида Давлатимиз ғамхўрлигидан дарак беради.

Барча таълим муассасалари давлат ва ижтимоий хусусиятга эга эканлиги тамойили. Бу Ўзбекистондаги барча таълим-тарбия муассасалари давлат ихтиёрида эканлигини, бу ташкилотларни давлат маблағ билан таъминлашини назарда тутди. Таълим-тарбия муассасаларининг фаолияти давлат томонидан бошқарилиб борилади. Шу каби тадбирлар давлатни халқ таълими хусусидаги сиёсатини амалга ошириш, ўқув-режа ва дастурларини ягона бўлишини таъминлаш имкониятини беради.

Қайси тилда ўқитиш ота-оналарнинг истагига боғлиқлиги тамойили. Ўз фарзандини қайси тилда ўқитиш эркинлиги давлатимизнинг байналмилаллик, инсонпарварлик сиёсатининг ёрқин намунасидир. Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир миллат аъзоси хоҳлаган тилда болаларини ўқитиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида Республикада давлат тили ўзбек тили деб белгиланган. Лекин шунга қарамай, Республика ҳудудида яшаётган бошқа халқларга ҳурмат билан қараш, шу тилларни ривожланишига шарт-шароит яратиб бериш кўзда тутилган. Бунинг ёрқин мисоли бўлиб, Ўзбекистон мактабларида ўқув етти тилда олиб борилаётганлигини келтириш мумкин.

Таълимнинг бепуллик тамойили. Конституцияда Республикаимизнинг ҳар бир фуқаросининг бепул таълим олиш ҳуқуқи, таълимнинг давлат назоратида эканлиги кафолатланган. Таълимнинг ҳамма турлари бепул бўлиши мамлакатимизда яна бошқа қатор молиявий чоралар билан қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Масалан: айрим кам таъминланган ўқувчиларни давлатнинг ўзи таъминлаши, талабаларни стипендия билан таъминланиши ва уларга

Таълим олиб бориладиган тил	мактабларнинг сони		ўқувчи- лар сони	ўқувчилар умум сони нисб. фоиз
	мустақил	аралаш		
Ўзбек тили	6661	1055	3855977	82.0
Рус тили	222	778	459753	12.2
Қozoқ тили	266	339	144970	2.9
Қорақалпоқ тили	218	127	125060	2.6
Қирғиз тили	26	32	11569	0.2
Тожиқ тили	260	61	129971	2.8
Туркман тили	39	31	19221	0.3
Бошқа тилларда	2	1	327	*

бошқа моддий ёрдамлар кўрсатилиши кабилар Республикада Халқ Маорифи ривожланишига таъсир этадиган омиллардан ҳисобланади. Ҳозир кўпгина таълим-тарбия муассасаларида болалар давлат ҳисобидан тарбияланиб келинмоқда. Шунга мисол тариқасида айрим мактабгача тарбия муассасаларида, дефектологик мактабларнинг барча турларида ногирон болалар учун очилган соғломлаштириш санаторийларида таълимнинг бепул эканлигини таъкидлаш мумкин.

Ўқувчиларни ҳар томонлама камол топтириш, уларни қаровсиз қолмаслиги учун моддий манбаси имкон берган мактабларда куни узайтирилган гуруҳлар тузилган, етим болалар учун болалар уйлари, мактаб-интернатлар ташкил этилган. Стипендия билан фақат Олий мактаб талабаларигина эмас, балки ўрта махсус билим юртлари талабалари ҳам таъминланган.

Таълимнинг илмийлик ва дунёвийлик тамойили. Билимларнинг илмий хусусиятга эга бўлиши ва бу

* Ж. Ф. Йулдошев. Ўзбекистон Республикаси таълими тараққийт йулида. Тошкент, 1994 й.

фан ва техника ютуқларини ҳисобга олган ҳолда доимо ўзгариб, янгилашиб бориши илмийлик таъмоийли дейилади. Ўзбекистон ҳудудидаги барча таълим муассасаларида дунёвий билимлар берилади. Бу таъмоийлга сўзсиз амал қилиш болаларга бериладиган билимлар мазмунини вақт-вақти билан қайтадан кўриб, ўзгартириб туришни тақозо қилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги қонуни» (1997 й. 29 август) «Таълим турлари» хусусидаги 10-моддасида шундай дейилади:

«Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги турларда амалга оширилади:

- мактабгача тарбия;
- умумий ўрта таълим;
- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;
- олий таълим;
- олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;
- мактабдан ташқари таълим.

Мактабгача тарбия. Халқ таълими тизимида биринчи босқич — мактабгача тарбия. Унинг асосий вазифаси болаларни соғлом ва етук қилиб тарбиялаш, уларни мактабга ҳам педагогик, ҳам психологик тарбиялашдан, уларнинг шахсий қобилиятларини ривожлантиришдан иборат. «Бу таълим 6—7 ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъи назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилади».

Бошланғич таълим (I—IV синф.) Умуммактаб таълимида бошланғич мактабнинг аҳамияти муҳим-

дир. Чунки бошланғич мактаб умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган билим, ўқув кўникмалари билан қуроллантиради. Бошланғич мактаблар алоҳида мактаб тури сифатида, айниқса қишлоқ жойларида кўп тарқалган.

Умумий ўрта таълим мактаблари (V—IX синфлар). Умумий ўрта таълим мактаблари ўрта маълумот олишни таъминлайди. Замонавий билимлар беради. Болаларнинг фикрлаш қобилиятини ўстириб, олган назарий билимларини амалда қўллашга ўргатади. Бу эса ўз навбатида касб танлашга йўналтиради, бирор-бир касбни эгаллаш имкониятини беради.

Халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган ва умумий ўрта маълумотга эга бўлмаган йигит ва қизлар учун кечки (навбатли) мактаблар ва катталар учун таълим марказлари ташкил этилган.

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими. Ўзбекистон Республикасида касб-ҳунар таълимининг асосий мақсади ёшларни меҳнат ва касб-кор кўникмаларига ўргатиш, ишчи ходимлар тайёрлаш, уларни малакасини ошириш ва қайта тайёргарликдан ўтказишдир. Ҳунар-техника таълими, малакали ишчилар тайёрлаш Республиканинг ўрта махсус касб-ҳунар таълими ўқув юртлари, ўқув-ишлаб чиқариш, ўқув курс корхоналари, марказлари ва бошқа ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ўқув муассасаларида амалга оширилади. Ўзбекистонда Халқ хўжалиги учун малакали мутахассислар тайёрлаб беришда ҳунар-техника билим юртлари катта аҳамиятга эга. Республикада бундай ўқув муассасаларининг бир неча турлари мавжуд.

Олий таълим. Халқ таълими тизимида муҳим ўрин эгаллаб, ижтимоий ва илмий тараққиётни бел-

гилаб беради. Халқ хўжалиги ва маданиятининг турли соҳаларини етук олий маълумотли мутахассислар билан таъминлайди. Республикада олий таълим ўз ичига университетларни, педагогика, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, иқтисод, юридик политехника ва бошқа институтларни қамраб олади. Университетлар етакчи билим юртларидан бўлиб улар табиий-математик ва гуманитар мутахассислар бўйича етук кадрлар тайёрлайди. Республикамининг кўпгина вилоятларидаги педагогика институтларини университетларга айлантирилиши ҳам ҳукуматимининг етук ўқитувчи кадрлар тайёрлаш борасидаги гамхўрлигининг далолати ҳисобланади.

Ўқув юртларидан кейинги таълим. Институт, университетлар учун юқори даражали илмий кадрлар тайёрлашни назарда тутди. Бу аспирантура, докторантура орқали амалга оширилади. Аспирантурага олий маълумотли, илмий-тадқиқот ишларига мўйил шахслар имтиҳон топшириб, танлов асосида қабул қилинади.

Диссертация ҳимоясидан кейин бундай шахсларга фан номзоди илмий даражаси берилади. Ўз соҳасида чуқур изланишлар олиб борган, монографиялар ёзган ва докторлик диссертациясини ҳимоя қилган шахсларга фан доктори илмий даражаси берилади. Институт педагогик фаолияти билан шуғулланган ва илмий-тадқиқот олиб бораётганларга доцент ва профессорлик унвони берилади.

Мактабдан ташқари таълим-тарбия. Ўзбекистон Республикаси Таълим тўғрисидаги қонуннинг 10-моддасига асосланган болалар ва ўсмирларнинг эҳтиёжларини, хоҳиш-истакларини тўлароқ рўёбга чиқариш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида давлат муассасалари, тур-

ли мулк шаклларига эга бўлган корхоналар, жамоат ташкилотлари илмий-бадий, илмий-табiiй, техник, спорт ва бошқа йўналишдаги мактабдан ташқари таълим муассасаларини ташкил этишлари мумкин. Ўзбекистонда шундай мактабдан ташқари тарбия муассасалари фаолияти давлат томонидан қўллаб-қувватланади, халқ таълими бўлимлари томонидан улар иши назорат қилинади.

Мактабдан ташқари муассасаларнинг асосий вазифаси мактаб билан ҳамкорликда мактаб ёшидаги болаларни бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг майл ва хоҳишларига қараб турли тўғарак ишларига жалб этишдан, қобилиятини ривожлантиришдан ва олган назарий билимларини амалда қўллашга ўргатишдан иборат.

Мактабдан ташқари муассасаларнинг бутун йил давомида ҳар хил тадбирлар ўтказиши; предметлар бўйича олимпиадалар, слёт ва спартакиадалар, ўлкани ўрганиш учун юришлар, археологик ва этнографик саёҳатлар уюштириш — бу ёшларнинг ўз ватанининг тарихини, маданиятини чуқур ўрганишга таъсир этибгина қолмай, слётлар, олимпиадалар каби тадбирлар мактабда олган билимларини чуқурлаштиришга, иқтидорли ёшлар билан ишлашга имкон беради.

Ҳозир Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатиб турган мактабдан ташқари муассасалар қуйидагилар:

- ўқувчилар саройлари ва уйлари;
- ёш техниклар станциялари;
- ёш табиатшунослар станцияси;
- ёш туристлар станцияси ва базалари.

Бундай мактабдан ташқари таълим муассасалари Республикамизда олти юздан ортиқроқ бўлиб,

улар таркибига 265 ўқувчилар саройлари ва уйлари, 133 ёш техниклар маркази ва станциялари, 40 та ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар станциялари ва бошқалар киради. Бу муассасалар томонидан ташкил этилаётган тадбирларда ҳар йили 5 минг нафардан ортиқ болалар иштирок этадилар.

Савол ва топшириқлар.

1. Халқ таълими тизими деганда нималарни тушунасиз?
2. Халқ таълими тизимига кирган муассасаларни санаб беринг ва таърифланг.
3. Халқ таълими тизимида бошланғич таълимнинг тутган ўрни ҳақида гапириб беринг?
4. Қайси ўқув муассасалари ўқитувчи кадрларни тайёрлайди?
5. Мактабдан ташқари таълим муассасалариниң вазифаларини гапириб беринг.

ЎЗБЕКИСТОНДА УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Халқ таълими тизими деб муайян мамлакатлар ички ва ташқи тараққиётига тавсиф берувчи ҳамда маълум бир қоидалар асосида ташкил этилган барча таълим-тарбия муассасаларининг тузилишига айтилади.

Ўзбекистонда халқ таълими тизими республика-мизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожлантиришнинг устивор соҳаси ҳисобланади. Халқ таълими тизими республика-мизнинг илм борасидаги куч-қувватини, жамият, оила ва давлат олдидаги ўз масъулиятини англайдиган эркин шахсни шакллантириш мақсадини кўзлайди.

Халқ таълими тизими Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги Қонунга мувофиқ ташкил этилади ва назорат

қилинади. Республикамиз Конституциясининг 18-ва 41-моддасида кўрсатилганидан барча фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар билим олиш ҳуқуқига эгадирлар. Шунингдек, фуқароларнинг бепул умумий таълим олиши давлат томонидан кафолатлангандир. Бу ҳуқуқ илм олишнинг ҳамма турлари текинлиги, ёшларга умумий мажбурий ўрта таълим беришни амалга оширишни ўқитишни ҳаёт, унумли меҳнат билан боғлаш асосида ривожлантириш негизида изоҳланади.

Фан-техника тараққий этаётган ҳозирги даврда халқ таълими тизимининг барча тармоқларини муттасил такомиллаштириш, уни оқилона уюштириш ва бошқариш масалаларига катта аҳамият берилмоқда.

Таниқли венециялик сайёҳ Марко Поло узоқ вақт ҳозирги Марказий Осиё минтақаси ҳудудида яшаган халқларнинг анъаналари, урф-одатларини ўрганди. У ўз эсдаликларида ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда кўп асрлар давомида қўлланилган усул ва воситаларга таянган ҳолда «Нур шарқдан тарқалади» деган эди. Қадимги Оврўпода кенг тарқалган мазкур ҳикматда Шарқ халқларининг инсоният маданият пойдеворининг яратишдаги улкан ҳиссаси тан олинганини ифодалагандир. Лекин маънавиятни тиклашга бўлган ҳаракат фақат Оврўпода ёки фақат шарқда бошланган дейиш, фарбу шарқни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ҳам нотўғри. Ота-боболаримизнинг, «Ўтмишни унутганинг келажаги бўлмайди» деган ҳикматли гапи бор. Биз бу тарихимизни қанчалик чуқур ўргансак, бу ёш авлодга шунчалик тўғри таълим беришимизда

асқотади. Марказий Осиёда фалсафий, ахлоқий-маърифий тафаккурнинг илк куртаклари халқ оғзаки ижодида ўз аксини топган. Уларда ёзув пайдо бўлгунга қадар ва ундан кейин ҳам халқ руҳи ва маънавий фаоллиги ифода этган.

Шарқда, жумладан Ўзбекистон ҳудудида азал-азалдан таълим-тарбия соҳасига жуда катта эътибор берилган эди. Болаларни кичик ёшдан илмга қизиқтириш, ахлоқан пок, виждонли, меҳр-шафқатли қилиб вояга етказиш масалаларига ота-болаларимиз жиддий қараганлар.

Шарқ педагоглари болаларни ўқишга қизиқтириш учун китобдаги воқеаларни қуш ва ҳайвонлар тилидан ҳикоя қилар эдилар. Масалан, «Қобуснома», «Ахлоқи Муҳсиний», «Калила ва Димна» каби асарларда нақл-ривоятларга одоб-ахлоқ қоидалари сингдириб юборилган.

Марказий Осиё араблар томонидан фатҳ қилинган пайтларда ҳам ривожланган ўлкалардан бири бўлганлиги тарихий қўлёзмалардан маълумдир.

VII—VIII асрларда Марказий Осиёни араблар фатҳ этгач, ислом дини асосидаги сифат жиҳатдан янги тизимга эга бўлган таълим-тарбия муассасалари вужудга келди. Араб тилини ўрганиш жорий қилинди.

Мактабларда болаларга ёзиш ва ҳисоблаш ўргатилган, бундан ташқари, ўсмирларга савдо санъати, араб тили, мантиқ, нотиклик, ҳуснихат ва арифметикадан дарс берилган. Ҳар бир мактаб талабасининг сони 30—40 дан ошмаган. Булардан ташқари, масжид қошидаги мактабларда ҳам 15—20 нафар талаба таҳсил кўрган. Мактаб, мадрасалар билан бир қаторда корхоналар ҳам мавжуд бўлиб, уларда ёзув ўргатилмаган, талабалар, Қуръ-

они Каримни ёд олишган, холос. «Мадраса» сўзи арабча «дарс ўтиладиган жой» маъносини билдиради. Маълумки ўша жойлардаги дарс кенг маънода қўлланилиб, унинг таркибига таълим-тарбия, панд-насихатлар, устоз-шогирд муносабатлари, донишмандларнинг давра суҳбатлари, жуда катта ҳаётий тажрибалар сабоғи кирган. «Мударрис» сўзининг луғавий маъноси «дарс берувчи ўқитувчи» демакдир.

1991 йилнинг биринчи сентябрида республика-миз ҳаётида тарихий воқеа юз берди: Истиқлол эълон қилинди. Шу муносабат билан жаҳон тажрибаларидан келиб чиқиб, энг биринчи навбатда мустақил республикамизнинг халқ таълими соҳасида ислоҳот ўтказиш масаласи кўтарилди. Ниҳоят Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни таълим тизимининг янгиланишига сабаб бўлди. Олдинги қабул қилинган қонунлардан фарқли ўлароқ, халқ таълими тизими тузилишининг бир қанча янги қоидалари жорий этилди. Ва бажарилиши мажбурий, деб қайд қилинди. Бу қоидалар тубандагичадир.

1. Таълим ва тарбиянинг инсонпарварлиги ҳамда демократиклиги. Бунинг моҳияти шундаки, биздаги барча халқ таълими тизимига кирувчи муассасаларда берилаётган таълим ва тарбия инсонларни, уларни моддий ва маънавий камолатини, ақл-заковатининг ўсишини, инсоний фаолиятини барқ уришини ва ниҳоят ўзлигини билиш ва ҳақ-ҳуқуқлари учун курашадиган ватанпарвар бўлиб етишишларини мақсад қилиб қўяди.

2. Таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчиллиги. Мустақил Ўзбекистонимизнинг халқ таълими муассасаларида берилаётган таълим ва тарбия уз-

луксиз ўзаро боғлиқдир. Ҳар бир бошланғич таълим ўқув режа ва дастурлари асосида кейинги босқичлар олдингиларининг давоми сифатида амалда бўлади. Бу эса ўз навбатида бир мактабдан иккинчисига, бир олий ўқув юртидан иккинчи олий ўқув юртига кўчиб ўтиш имкониятини беради. Таълим ўқув режаси ва дастури асосида тизимли, изчил фаолиятда бўлади.

3. Давлат таълими тизимининг илмийлиги ва дунёвийлиги.

Республикамиздаги барча таълим муассасаларида дунёвий билимлар берилади. У илмий асосларга эга бўлиб, фан, техника маданиятининг энг янги муваффақиятлари ва инсон ақл-заковати туфайли такомиллашиб боради. Улар ўқувчиларнинг объектив дунёни бевосита билиш, тегишли хулосалар чиқариш, ўзининг жамиятда тутган ўрни ва вазифаларини аниқлаб олишга, бирор-бир касбни онгли эгаллашларига йўналтирилгандир.

4. Таълимда умуминсоний ва миллий-маънавий қадриятларнинг устиворлиги.

Таълим тизимидаги кирувчи барча таълим-тарбия масканларида берилаётган билим аждодларимизнинг минглаб йиллар мобайнида шаклланган анъаналарига таянади.

5. Давлат таълим стандартлари қондасида ҳамма-нинг таълим олиши учун имконият яратилганлиги.

Янги қонуннинг 4-моддасида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий келиб чиқиш, жинси, тили, ёши, ирқи, миллати, турар жойи, Республика ҳудудида қачондан бери яшаётганлигидан қатъи назар барчанинг таълим олиши учун тенг ҳуқуқлар кафолатланади.

6. Таянч таълимининг мажбурийлиги.

Мамлакатимизда 1930 йилда бошланғич, 1949 йилда етти йиллик, 1958 йилда саккиз йиллик, 1970 йилда ўрта умумий мажбурий таълимга асос солинди. 1984 йилдан бошлаб 11 йиллик мажбурий таълимга ўтилди. Таянч таълими мажбурий бўлиб таълим олувчиларга ўқишни ўрта таълим муассасаларида, турли хил ҳунар ва ўрта махсус ўқув юртларида давом эттириш ҳуқуқини беради.

7. Таълим маънавий ва жисмоний тарбия дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ўқув режа ва дастурларини тасдиқлайди. Уларнинг бажарилиши назорат қилинади. Олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишлар ёш авлодни маънавий, руҳан тетик, жисмонан бақувват, ахлоқан пок ва меҳнатсевар бўлиб вояга етиши учун барча моддий ва маънавий шароит ҳозирлайди.

8. Билимдонлик ва истеъдодни рағбатлантириш.

Таълим-тарбия муассасаларида таълим олаётган билимдон ва истеъдодли ўқувчиларни рағбатлантириш стипендия, турли кўринишдаги мақтов ёрликлари моддий ёрдам шаклида ташкил этилади. Олий ўқув юртлари қарамоғида математика, физика, биология ва бошқа фанлар юзасидан истеъдодли болалар учун сиртқи мактаблар фаолияти йўлга қўйилади.

9. Таълим муассасаларида чет тилларни ўрганиш, дин тарихи ва жаҳон маданияти соҳасида билим олиш учун шароитлар яратиш.

Халқ таълими тизими ва янги қонуни асосида ўқувчиларнинг билим ва истеъдодларининг ватанпарварлик сифатларини шакллантириш учун барча шароитлар яратилмоқда. Дин ва маданият тарихи бўйича мактаб режаларига янги фанлар киритилди.

10. Таълим муассасаларининг сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларининг таъсиридан холи бўлиши.

Ёш авлодга дунёвий билимлар бериш том маънода ҳаётга ва билимга, турмушга тайёрлаш, ёшларни чалғитмаслик, гуруҳбозликка йўл қўймаслик мақсадида таълим-тарбия муассасалари сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатлардан холи деб топилди.

11. Тарбияланувчилар ва таълим олувчиларни ҳурматлаш.

Таълим тизимида барча педагогларга давлат талаблари даражасида ўқитиш мажбурий ҳисобланган фанларни режа ва ўқув дастурлари асосида олиб бориш, тарбияланувчи ва таълим олувчиларнинг инсоний қадр-қимматларини ҳурмат қилиш масъулияти юклатилди.

12. Педагог шахсини, унинг ижтимоий мавқеини ҳурматлаш.

Олдинги қабул қилинган қоидалардан фарқли ўлароқ Янги қонунда педагог шахсини, унинг ижтимоий мавқеини ҳурматлаш лозимлиги белгилаб қўйилди.

Ўқитувчи-тарбиячилар шаънини ҳимоя қилиш, таълим шакли, усули ва воситаларини танлаш ташаббусларига кенг йўл очиш педагогик фаолиятда танилган ўқитувчи, тарбиячиларни давлатимиз ордени ва медаллари билан мукофотлаш, уларни қишлоқ ва шаҳар, туман, вилоят ва республика олий органларига депутатликка сайлаш умумхалқ вазифаси деб топилди. Шу билан бирга улар зиммасига ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилишга, ўқувчи ва талаба шахсини ҳурматлаш масъулияти юклатилган.

13. Амалдаги қонунлар доирасида мулкчиликнинг тенг ҳуқуқлиги, уларнинг мустақиллиги, таълим муассасаси мустақил юридик шахс бўлиб, қонунларда белгиланган тартибда барпо этилади. Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаси давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқини қўлга киритади. Таълим муассасаларига муайян мақом (гимназия, лицей, дорилфунун, академия ва шу кабилар мақоми) берилишини таълимни бошқаришнинг тегишли идоралари томонидан аттестация асосида амалга оширилади.

Таълим муассасалари ўзаро битим тузишга, ўқув-тарбия комплекслари ва ўқув илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюшмалари таркибига киришга ҳақлидирлар.

Бундай комплекс ва бирлашмалар таркибига кирувчи муассасаларнинг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўз уставларида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида таълимнинг ягона тизимига амал қилинади. Ягона тизим қуйидагиларни ўз ичига олади.

1. Мактабгача тарбия.
2. Умумий таълим.
3. Ҳунар-техника таълими.
4. Ўрта махсус таълим.
5. Олий таълим.
6. Илмий ва илмий педагогик ходимлар тайёрлаш.
7. Кадрларнинг касб-кор малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.
8. Оиладаги таълим.
9. Мустақил таълим.

Таълим тизимида ўқув режалари ва дастурлари мувофиқлаштирилади. Таълим босқичлари ва шакл-

ларининг стандартларга мос келиши таъминланади.

1. Мактабгача таълим.

Мактабгача таълим тармоғига 1—3 ёшдан 6—7 ёшгача бўлган болаларга таълим-тарбия берувчи ясли ва боғча муассасалари, шунингдек, оиладаги таълим-тарбия киради. Бундан кўзланган мақсад бола камолати асосларини шакллантиришдан, уни билимга қизиқишини таъминлашдан маданий-ахлоқий эҳтиёжларини, дастлабки меҳнат кўникмаларини, илмга муҳаббат қўйишни ўстиришдан иборатдир.

2. Умумий таълим.

Умумий таълим узлуксиз давлат таълими тизимида асосий бўғин бўлиб, таълим олувчиларнинг илмий билим, меҳнат ва бошланғич касб-кор кўникма ва малакаларини ишбилармонлик асосларини эгаллашларини, шунингдек, ўз ижодий қобилиятлари, фазилатларини ривожлантиришларини таъминлайди. Умумий таълим уч босқичдан: 6—7 ёшдан 10—11 ёшгача бўлган болаларга таълим берувчи бошланғич (I—IV синфлар), 11—12 ёшдан 15—16 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган (V—IX синфлар) таянч ва 15—16 ёшдан 17—18 ёшгача бўлган болаларга (X—XI—XII синфлар) ўрта таълимлардан иборат бўлиб, бошланғич таянч, ўрта таълим мактаблари, гимназия, лицей ва бошқа ўқув юртларида амалга оширилади.

Ўрта умумий таълим муассасаларида ихтисослашган таълим амалга оширилиши ўқувчилар танлови бўйича курслар жорий этилиши ва фанлар чуқур ўргатилиши мумкин. Бундай курсларнинг дастурлари умумтаълим муассасалари томонидан тасдиқланади.

3. Мактабдан ташқари таълим.

Болалар ва ўсмирларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, уларнинг дам олишини ташкил этиш мақсадида давлат идоралари мулкчилигининг турли шаклларидаги корхоналар, жамоат бирлашмалари ва маданий, илмий, техника, спорт ва бошқа йўналишдаги мактаблардан ташқари таълим муассасалари барпо этилади.

Турли хилдаги мактабдан ташқари муассасалар фаолиятига давлат томонидан кўмак берилади ва назорат қилинади.

4. Ҳунар-техника таълими.

Ҳунар-техника таълими, меҳнат ва касб-кор маҳорати ҳамда ишчи ва кадрлар тайёрлашни, уларни қайта тайёрлаш ва малакаларини оширишни мақсад қилади.

Таълим билим юртларида ўқув ишлаб чиқариш, ўқув-курс комбинатларида, марказларда ва бошқа ўқув юртларида ёки бевосита ишлаб чиқаришда олиб борилади.

Ҳунар-техника таълим таянч таълими асосида бир вақтнинг ўзида умумий ўрта таълим бериш ёки фақатгина касб ўргатиш орқали амалга оширилади.

5. Ўрта махсус таълим.

Ўрта махсус таълими касб-ҳунар коллежларида, педагогика лицейлари ва коллежларида, шунингдек ўзга шаклдаги ўқув юртлари билан қўшилган ўрта махсус ўқув юртларида, таянч ўрта ва касб-ҳунар таълим негизида амалга оширилади.

6. Олий таълим.

Олий таълим танланган фаолият соҳасида чуқур умуммиллий ва махсус билимни зарур касб-кор кўникмаси билан уйғунлаштирадиган юқори мала-

кали мутахассисларни, шунингдек, илмий ва илмий педагог ходимлар тайёрлаш мақсадини кўзлайди.

Олий ўқув юртларида таълим икки босқич асосида бакалавр ва магистр даражасини бериш орқали амалга оширилади. Фуқаролар шартнома асосида иккинчи олий маълумот олишга ҳақлидир. Олий ўқув юртлари қонунда белгиланган тартибда вақт-вақти билан аттестация ва аккредитациядан ўтказиб турилади.

7. Илмий ва илмий педагог ходимлар тайёрлаш.

Илмий ва илмий педагог ходимлар тайёрлаш узлуксиз таълим тизимида олий босқич ҳисобланадиган, шахс ва жамият эҳтиёжларини, шунингдек, жамиятнинг бундай кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжини қондиришни таъминлайди.

Илмий ва илмий педагогик ходимлар тайёрлаш илмий даражалар (фан номзоди, фан доктори) ва илмий унвонлар (доцент, катта илмий ходим, профессор ва ҳоказо) бериш тартиби қонунлар билан белгиланади.

9. Оиладаги таълим.

ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар боланинг жисмоний, маънавий камолатига ва ақл-заковатини ўстиришга, маълумотли бўлишига жавобгардирлар. Болаларига оилада таълим беришни зиммаларига олган ота-оналар таълим муассасалари, таълимни бошқарувчи тегишли идоралар билан шартнома тузадилар. Оиладаги таълим ўқув юртларининг дастурлари бўйича амалга оширилади. Кейинчалик экстернат тартибида аттестациядан ўтказилади. Аттестациядан ўтгач, таълимнинг ис-талган босқичидан бошлаб ўқув муассасаларида ўқишни давом эттиришлари мумкин.

10. Мустақил равишда таълим олиш.

Давлат фуқароларининг мустақил равишда ўз маълумотлари, маданий касб-кор савияларини оширишга бўлган интилишлари, қизиқишларини қўллаб-қувватлайди, уларга шарт-шароит яратади. Билим ва малака даражасини мустақил равишда оширган шахсларга экстернат тартибида имтиҳон топшириш имкониятини беради.

Мустақил Республикамиз раҳбарияти халқ таълими тизимини мазмунан янада яхшилаш борасида жуда катта тадбирларни амалга оширмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни фуқароларга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди ва ҳар кимнинг билим олиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилади.

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу қонундан ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан ўзгача қонун белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёт соҳасида устивор деб эълон қилинади. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

— таълим ва тарбиянинг инсонпарвар демократик характерда эканлиги;

— таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

— умумий ўрта, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;

— таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги;

— давлат таълим стандартларида таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;

— таълим дастурларини танлашда ягона ва табақалаштирилган ёндашиш, билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;

— таълим тизимида давлат ва бошқарувни уйғунлаштириш;

Жинси, тили, ёши, ирқи, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар жойи, Ўзбекистон Республикасида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар ҳар кимга билим олишга тенг ҳуқуқ яратилади.

Ўзбекистон Республикаси таълим тизими ягона ва узлуксиздир.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМНИНГ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИ

Асосий қоидалар

Умумий ўрта таълимнинг давлат стандарти ўқувчиларнинг тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган энг кам мезонни белгилайди.

Давлат таълим стандарти бўйича таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усуллари баҳоланади. Стандарт воситасида мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган турли муассасаларда таълим барқарор даражага келтирилади. Демак, таълим стандарти ўз моҳиятига кўра ўқув дастурлари, дарсликлар, қўлланмалар, низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўзининг тузилиши ва мазмунига кўра давлат, ҳудуд, мактаб манфаатлари ва воситалари мувозанатини акс эттиради ҳамда энг асосийси ўқувчи

шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишлари устуворлигидан келиб чиқади.

Давлат таълим стандартини бажариш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган мулкчилик шакли ва идоравий бўйсуннишдан қатъи назар, барча таълим муассасалари учун мажбурий ҳисобланади.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМНИНГ ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ЖОРИЙ ЭТИШ АСОСЛАРИ

Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда қуйидаги меъёрий ҳужжатлар асос қилиб олинади:

«Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ фармонлари, фармойишлари ва асарлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизими учун даврлар таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида» 1998 йил 5 январдаги 5-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 13 майдаги 203-сон қарорлари;

ЎЗРСТ 1.0—92. Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлаштириш тизими;

ЎЗРСТ1.1—92. Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлаштириш тизими. Ўзбекистон Республикаси давлат стандартини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби;

ГОСТ 1.5—93. Давлатлараро стандартлаш ишларини олиб бориш қоидалари. Стандартларнинг тузилиши, баёни, расмийлаштирилиши ва мазмунига бўлган талаблар;

ЎЗРСТ 1.9—95. Ўзбекистон Республикасининг давлат стандартлаштириш тизими. Тармоқлар стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ — ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИНИНГ ТАЯНЧ ЎҚУВ РЕЖАСИ

Умумий ўрта таълим мактаблари учун таянч ўқув режаси давлат таълим стандартининг таркибий қисми бўлиб, у таълим соҳаларини меъёри ҳамда мактабнинг молиявий таъминотини белгилашга асос бўладиган давлат ҳужжатидир. Таянч ўқув режаси ўқув предмети бўйича бериладиган таълим мазмунини минимум ҳажмдаги миқдорини ўзида акс эттиради. У ҳар бир синфда муайян ўқув предмети бўйича давлат стандартларига мувофиқ бериладиган таълим мазмунини аниқлашга асос бўлади.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТАЙЁРГАРЛИК ДАРАЖАСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Умумий ўрта таълим икки босқичдан иборат бўлиб, бошланғич 1—4-синфлар ва умумий ўрта таълим 1—9-синфларни қамраб олади.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти бошланғич ҳамда умумий ўрта таълим ниҳоясида ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг энг кам даражасини белгилаб беради.

Ҳар бир синф якунида ўқувчилар эгаллаши ло-

зим бўлган билим, кўникма ва малакалар таълим предметлари бўйича ишлаб чиқилган ўқув дастурларида ўз аксини топган.

1—4-синфлар

1. Она тили ва ўқиш.

Бошланғич синфларда ўқувчилар она тили ва ўқиш бўйича қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

а) Ўқиш техникаси бўйича.

Миқдорий кўрсаткич: бир дақиқада 80—90 сўзни ўқий олиш.

ТАЛАБЛАР

- ҳарфларни тўғри талаффуз этиш;
- сўзларни тўғри ўқиш;
- гап оҳангига риоя қилган ҳолда равон ва образли ўқиш;
- гапдаги тиниш белгиларини талаффузда акс эттириш;
- санаш ва ажратиш оҳангларидан тўғри фойдаланиш;
- сўз урғуларига риоя қилиш;
- оҳангга риоя қилиш;
- илмий атама ва рамзларни тўғри талаффуз этиш.

б) Матн мазмунини ва ўзгалар фикрини англаш малакаси бўйича: Миқдорий кўрсаткич: 10 дақиқада 4—5 саҳифали матнни ўқиб, қайта сўзлаб бера олиш.

ТАЛАБЛАР

- оғзаки нутқнинг тўғри, равон, аниқ, тушунарли ва таъсирчан бўлиши.
- идеологик нутқда таъсирчан, изчил, мантиқий жиҳатнинг аниқ бўлиши.

— монологик нутқнинг равои бўлиши.

в) Диктант ёзиш малакаси.

Миқдорий кўрсаткич: 75—80 сўздан иборат диктант ёза олиш.

ТАЛАБЛАР

— имло хатоларга йўл қўймаслик;

— ижодий матннинг мантиқий жиҳатдан изчиллиги;

— берилган изоҳларнинг аниқлиги;

— луғатларнинг тўғри ва аниқ берилиши.

г) Фикрни ёзма шаклда баён этиш малакаси бўйича:

Миқдорий кўрсаткич: 5—6 гапдан иборат бўлган матнни фикр эҳтиёжи билан боғлиқ мавзу асосида яратиш.

ТАЛАБЛАР

— матндаги гапларнинг мазмунан ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги кўрсатилган мавзу доирасида бирлашиши;

— ҳарф ва тиниш белгиларини тўғри ёзиш;

— ҳуснихатда қаторларни тўғри жойлаштириш;

— сўзлар орасидаги оралиқни тўғри белгилаш;

— тасвирда тилнинг ифода воситаларидан фойдаланиш;

— матнда сўзларни такрорлашдан сақланиш ва синонимларни қўллай олиш;

— матнда хат бошиларнинг яхлитлиги ва фикр изчиллигини таъминлаш;

— уядош сўзлардан фойдалана олиш.

Бошланғич таълим якунида ўқувчилар камида 20 та кичик ҳажмдаги шеърларни ёддан айтиб бера олишлари шарт.

2. ЎЗБЕК ТИЛИ

«ТАЪЛИМ ЎЗБЕК ТИЛИДАН БОШҚА ТИЛЛАРДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН МАКТАБЛАР УЧУН».

Таълим ўзбек тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 1—4-синфларида давлат тили таълимидан ўқувчилар қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

- ўзбек тилидаги 700 та сўзни нутқларида қўллай олиш;
- ёзма ва оғзаки нутқ малакаларига эга бўлиш;
- фикр баён қилиш учун зарур бўлган айрим грамматик воситаларни ўз ўрнида қўллай олиш;
- боғланишли нутқ элементларидан тўғри фойдаланган ҳолда содда матн туза олиш;
- халқ оғзаки ижоди ҳамда болалар адабиёти намуналаридан олинган парчаларни ўқиб тушуна олиш;
- мамлакатимиз мустақиллиги, рамзлари ва байрамлари ҳақида сўзлаб бериш.

3. МАТЕМАТИКА.

Бошланғич синфларда ўқувчилар математикадан қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

- а) Сонлар ва ҳисоблашларга оид:
 - сонларни ўқиш ва ёзиш, уларни хона қўшилувчиларининг йиғиндиси кўринишидаги ёзувини тушуниш;
 - саноқ техникасини ўрганиш; сондан олдин ва кейин келувчи сонни айтиш, каби;
 - натурал сонларни ўзаро таққослаш «,» ва «-» белгиларини тўғри қўллаш;
 - сонларни ёзма қўшиш, уч хонали ва тўрт хонали сонларни ёзиш, бир хонали ва икки хонали сонга кўпайтириш ва бўлиш;

— қўшиш, айириш, кўпайтириш ва бўлишнинг жадвалли ҳоллари натижаларини билиш, мураккаб бўлмаган ҳолларда 100 ичида оғзаки ҳисоблашларни бажара олиш;

— «йиғинди», «айирма», «кўпайтма» ва «бўлинма» атамалари маъносини тушуниш ва сонли ифодаларни ўқишда уларни қўллай олиш;

— 2—3 амалли сонли (шу жумладан, қавсли) ифоданинг қийматини топиш;

— «... та ортиқ», «... та кам», «... марта ортиқ», «... марта кам» муносабатларининг, «ҳаммаси», «қолди», «тенг» муносабатларнинг маъносини тушуниш ва уларга таянган ҳолда содда масалаларни еча олиш;

— миқдорлар (маҳсулот нархи, миқдори ва қиймати, тўғри чизиқли ҳаракатда йўл, тезлик ва вақт) орасидаги боғланишларни қўллаб, амалий мазмундаги масалаларни ечиш;

— «ярим», «учдан бири», «тўртдан бири» атамалари маъносини тушуниш ва уларни қўллаш, касрлар ёрдамида улушларни ёзиш, доира ва бошқа геометрик фигуралар моделида $1/2$, $1/3$ ларни кўрсатиш, амалий мазмундаги масалаларни ечишда соннинг улушини ва улушига кўра сонни топа олиш.

б) Геометрик фигураларга оид.

— расмларда кесма, учбурчак, тўртбурчаклар (жумладан, тўғри тўртбурчак ва квадратлар), бешбурчак ва айланани таниш;

— теварак-атрофдаги геометрик шаклларни таниш ва топа олиш;

— кесма узунлигини ўлчаш, берилган узунликдаги кесмани яшаш, кесма узунлигини кўз билан чамалаб ўлчай олиш;

- чизғич ва циркулдан фойдаланиб тўғри тўртбурчак, квадрат, учбурчак ва айланалар ясай олиш;
- кўпбурчак периметрини, тўғри тўртбурчак юзини ва квадрат бирликларда тузилган фигура-ларнинг юзини ҳисоблай олиш;
- узунлик (мм, см, дм, м, км (ва юза) см, кв, дм, кв, м, кв) ўлчови бирликларини, улар ораси-даги асосий нисбатларни билиш, уларни ўз ўрни-да қўллаш олиш.

4. ТАБИИЁТ.

Боланғич синфларда ўқувчилар табиийёт ўқув фанига оид қуйидаги билим, кўникма ва малака-ларни эгаллашлари шарт:

а) Тасаввур қилиш ва билиш:

- жонли ва жонсиз табиатни, жисм ва модда-ларни;

- табиат ҳодисалари: ҳаракат, иссиқлик, товуш, электр, ёруғлик ҳодисаларини;

- Ер, Қуёш, Ой ва юлдузларнинг қиёсий катта-ликларини ҳамда бир-биридан қанчалик узоқлиги-ни;

- Ернинг ўз ўқи атрофида ва Қуёш атрофида айланишини, кеча ва кундуз алмашилишини;

- сувнинг суюқ, қаттиқ ва газ ҳолатларини;

- табиатда сувнинг айланишини;

- сувни тежаш ва асраш зарурлигини;

- ҳавонинг аҳамияти ва уни муҳофаза қилиш зарурлигини;

- атмосферадаги табиат ҳодисалари, шамол, туман, булут, ёмғир ва улардан фойдаланишни;

- компьютер ва унинг имкониятларини;

- ҳозирги замон фан-техникасининг тараққиё-тини;

— Ер юзининг асосий шакллари — тоғ, текислик ва океанни;

— тупроқ ва тоғ жинсларини, фойдали қазилмаларни;

— уфқнинг асосий томонларини;

— маданий ва ёввойи ўсимликларни;

— дарахт, бута ва ўтларни;

— уй ҳайвонлари ва ёввойи ҳайвонларни;

— ҳашаротлар, қушлар, сувда яшайдиган ҳайвонлар, сувда ҳам, қуруқликда ҳам яшайдиган ҳайвонлар, йиртқич ҳайвонларни;

— ўсимлик ва ҳайвонларнинг инсон ҳаётидаги ўрни;

— Ўзбекистон табиатини;

— Ўзбекистон Республикасининг пойтахти, вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасини;

— ўзи яшайдиган қишлоқ (шаҳар) табиатини;

— Ўзбекистондаги йирик қўриқхоналарни.

б) Амалда қўллай олиш:

— термометр ёрдамида сув ва ҳаво ҳароратини ўлчай олиш;

— тарози ёрдамида жисм массасини ўлчай олиш;

— қуёшга, компасга, маҳаллий белгиларга қараб, уфқнинг асосий томонларини топа олиш;

— дунё харитасидан Ўзбекистон ҳудудини топа олиш;

— Ўзбекистон харитасидан мамлакатимиз пойтахти, ҳар бир вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасини кўрсата олиш;

— кундалик турмушда қўлланиладиган электр асбобларидан ва табиий газдан хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдалана олиш;

— хона ўсимликларини ва уй ҳайвонларини парвариш қила олиш.

5. ИНСОН ВА ЖАМИЯТ.

Бошланғич синфларда ўқувчилар инсон ва жамият, таълим бўйича қуйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

а) Жисмоний камолатга оид:

— инсон саломатлиги ва жисмоний камолатига оид тушунчаларни билиш;

— чиниқишнинг моҳиятини англаш;

— гимнастика машқларини бажара олиш;

— шахсий гигиена меъёрларини билиш ва уларга амал қилиш;

— жисмоний машқларнинг инсон камолатини таъминлашдаги аҳамиятини англаш;

— жисмоний тарбия машқларини хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда бажара олиш;

— миллий ўйинлар қоидаларини билиш;

— турли спорт ўйинларининг элементларини қўллай олиш;

— жароҳатланишнинг олдини олиш, жароҳат олган тақдирда биринчи ёрдам кўрсата олиш;

б) Мусиқага оид:

— мусиқа бадиий санъат эканлигини билишлари, куйга тавсиф бера олиш;

— халқ мусиқа мероси ҳақида тушунчага эга бўлиш;

— чолғу асбобларини билиш ва товуш тембрларидан уларни фарқлай олиш;

— мусиқага оид оддий атамаларни билиш;

— нота ёзувларини билиш ва амалда қўллай олиш;

— биргаликда ва якка ҳолда куйлай олиш;

— мусиқанинг ифода воситаларини билиш;

— ижрочилик турларини ижро садоларидан фарқлай олиш;

в) Тасвирий санъатга оид:

- тасвирий санъат ва унга оид айрим ибораларни билиш;
- асосий рангларни фарқлай олиш;
- бадиий материаллар, асбоблар ва жиҳозларни фарқлай олиш;
- расм ишлаш босқичларини билиш;
- нақшлар ва уларнинг хусусиятини билиш;
- буюқни ўз ўрнида ишлата олиш;
- табиат манзараларини кузатиш ва тасвирлай олиш;
- буюмлар яшаш, уларни безата олиш;
- турли рангларни ҳосил қила олиш;
- бадиий тасвирнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини билиш.

г) Инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжига оид:

- Ватан тушунчасини англаш;
- Давлат тушунчасини англаш;
- Давлатнинг рамзий белгиларини англаш;
- Она-Ватан туйғусини англаш;
- Ўзбекистон аҳолиси ва миллий таркибини билиш;
- мамлакат ҳаётидаги буюк саналарни билиш;
- уй тутишни билиш;
- меҳмонларга, атрофдагиларга мулозамат кўрсата олиш;
- дастурхон тузашни билиш;
- орасталик меъёрларини билиш;
- ўз туғилган жойи ва ўлкаси ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- техник моделлаштиришга оид ишларни бажара олиш;
- уй-рўзғор ишларини бажара олиш;

- содда конструкторлик ишларини бажара олиш;
- дурадгорликка оид содда ва енгил ишларни бажара олиш (ўғил болалар учун);
- оддий бичиш-тикиш ишларини бажара олиш (қиз болалар учун);
- инсон меҳнатини, фаолият турларини англаш;
- ҳуқуқ ва ҳуқуқбузарлик ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- қишлоқ ва шаҳар аҳолиси ҳаётини билиш;
- уй ҳужалиги ҳақида маълумотга эга бўлиш;
- оила ва унинг қандай ташкил топишини билиш;
- оилада фарзанднинг бурчини билиш;
- бозор, сотувчи, харидор каби тушунчаларни билиш;
- инсоннинг пулга бўлган эҳтиёжини англаш;
- пул — тўлов, савдо-сотиқ воситаси эканлигини билиш;
- пул бирликларини билиш;
- нарх ва унинг ўзгарувчанлигини билиш.

VI б о б . Т А Ё Л И М Н А З А Р И Я С И

ДИДАКТИКАНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Дидактиканинг предмети — таълим-тарбия муассасаси шароитида муаллимнинг раҳбарлиги остида амалга ошадиган ўқув жараёнидир. Дидактикада ана шу жараённинг қонуниятлари тадқиқ қилинади, ҳар хил типдаги таълим-тарбия муассасаларида у ёки бу даражада бериладиган таълим мазмунини белгилашнинг илмий асослари, ўқитиш воситалари ва методларининг самарадорлигини ошириш йўллари ҳамда таълимнинг ташкилий шакллари ишлаб чиқилади.

Дидактика — педагогиканинг таълим ва ўқитиш назариясини ишлаб чиқадиган тармоғидир.

Дидактика юнонча «дидактикос» сўзидан келиб чиққан бўлиб, ўқитиш, ўрганиш маъносини билдиради. Яқин ва ўрта Шарқда Хоразмий, Киндий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Умар Хайём каби мутафаккирлар илмий дидактика асосчиларидирлар. Амос Коменский, швейцариялик педагог И. Г. Песталоцци, немис педагоги А. Дистервеглар Европада дидактиканинг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар.

Хоразмий, Киндий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Умар Хайём, Тусий ва уларнинг издошлари қарашларининг муҳим хусусияти шундан иборат эдики, мазкур олимлар доимо предметнинг қиёфаси инсон онгида мавҳумлашуви жараёнига, мана шу предметнинг моҳияти ва ўзига хослигини тушуниш содир бўлиши ҳамда шаклланишига эътибор берганлар. Улар билишнинг предмети ва манбаларига, билиш жараёни қандай босқичлардан таркиб топишига, билиш фаолияти билан амалий фаолият ўртасидаги муносабатларга қизиққанлар.

Хоразмий шахснинг узлуксиз камол топиши назариясини ривожлантириш борасида муҳим хизмат қилди, индуктив ва дедуктив тафаккурдаги алоҳидалик ҳамда умумийликнинг бирлиги принципини муайянлаштирди.

Киндий субстанцияни барча илмий билимларнинг бош предмети сифатида кўриб чиқишда энг аввало миқдор ва сифатни ҳиссий идрок этиш зарурлигини тасдиқлади. Кимки миқдор ва сифатни билмаса, у субстанцияни билишдан ҳам маҳрумлигини уқтирди. Олим ўзининг дидактик ғоялари-

да ҳиссий ва рационал билишни ифодалади. Ҳиссий билиш — якка нарсаларни билишдан иборат бўлса, рационал билиш — умумий нарсаларни билиш эканини таъкидлади. Унинг фикрича, ҳиссий билиш фақат ақл учун материал беради.

Сабаблар ҳақиқатни билишда ва ўзининг ана шу ҳақиқатга мувофиқ хатти-ҳаракатларини англашда инсоннинг ақлига кўмаклашади. «Ҳақиқат», — деб ёзган эди Киндий, — ҳар қандай нарсани ва унинг барқарорлигини билишнинг сабабидир, бинобарин ҳаётдаги мавжуд ҳамма нарса ҳақиқийлиги билан мавжуддир. Ҳақиқатни билиш зарур ва шунга кўра мавжуд нарсаларни билиш мумкин»¹.

Форобий ўқитиш методларининг таснифини ишлаб чиққан. Уларни амалий ва назарий методларга ажратган, шу тариқа ўқитишнинг амалий йўналиши ва кишиларнинг ҳаёти ҳамда кундалик фаолияти билан боғлиқлиги ғояларини олға сурган. Олим ўқитишнинг тажриба — кўрсатмали, индуктив ва дедуктив, амалий методларига алоҳида эътибор берган. Барча методларни ўқувчининг ҳаётий тажрибасига, мантиқий тафаккурига таянган ҳолда бирлаштирган. Ўқув жараёнини ташкил этишга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқишда дедуктив методини устун қўйиб, ўқувчиларга материални тушунтиришда нималарга алоҳида эътибор бериш ҳақида, энг муҳим нарсаларни фанга ишончли билимлар берадиган ва шубҳалантормайдиган далиллар билан ёритиш ва ҳоказолар бўйича ўқитувчилар учун қимматли тавсияларини баён қилган ².

¹ Избранные произведения мыслителей Ближнего Востока и Среднего Востока IX—XIV веков. — М., 1961.

² Ал-Форобий. Математические трактаты. — Алматы: Наука, 1972. — 327-бет.

Форобий математика фани мисоллари асосида ўқитишнинг илмийлилик, кўрсатмалилик, тушунарлилик ва изчиллик принципларини ишлаб чиққан. Билиш жараёнининг ва фандаги билим шакллари моҳиятини ёритган. Унинг фикрича ана шу жараёнлар қонунлар сифатида шаклланади ва уларга риоя қилиш фикрлашни такомиллаштиради ҳамда мураккаб билиш жараёнида қўпол хатоларнинг олдини олади. Билиш жараёни фикрлаш мантиқи орқали ўтиши керак. Мантиқ объекти англашга қаратилган ва ақл етадиган моҳиятлар таҳлил этиладиган фикрлаш жараёнининг тўғрилигини белгилашга хизмат қилади. Мантиқ қуролдир ва у нарсаларни аниқ билишга ёрдам беради.

Форобий билиш фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича ҳам анчагина муфассал тавсияларни ишлаб чиққан. Унинг ёзишича, яхши назарийчи бўлиш учун назария қайси фанга тааллуқли бўлсада, қуйидаги учта шартга риоя қилиш шарт: 1. Мазкур фан асосидаги ҳамма принципларни тўлиқ билиш; 2. Маъна шу принциплардан ва мазкур фанга доир маълумотлардан тегишли хулосалар чиқара билиш; 3. Нотўғри назарияни рад эта билиш ва ҳақиқатни ёлғондан фарқлаш, хатоларни тўғрилаш учун бошқа муаллифларнинг фикрларини таҳлил қила билиш.

Борлиқнинг акс этиши сифатидаги ҳиссий билиш муаммоси ва энг асосий масала — билишнинг манбалари масаласи доимо Беруний назарий билиш фаолиятининг диққат марказида турди. Олим билишнинг назарий асосини чексиз ва узлуксиз жараён сифатида таҳлил ҳамда талқин қилди. У қадимги давр олимлари ишлаб чиққан билишнинг илмий методларини ривожлантириб дидактик йў-

синда муҳим хулосалар чиқарди. «Ўқиш ва такрорлаш орқали, — деб ёзган эди Беруний, — дунёнинг тузилишини, осмоннинг ва Ернинг шаклларини билиш астрономия фани учун гоётада фойдалидир. Бинобарин ана шу тариқа таълим олувчи малака ҳосил қилади ва мазкур санъат аҳли ишлатадиган сўзларни ўрганади, бу сўзларнинг маъносини англайди. Кейинчалиқ астрономия фанидаги турли сабаблар ва исботларни ўрганишда ана шундай сўзлар учраса, уларни бемалол тушуниб бораверади ва у ёки бу нарсаларни ўзлаштиришда чарчамайди»¹.

Беруний таъкидлаганидек, ўқитиш изчил, кўрсатмали, мақсадга мувофиқ бўлиши ва маълум тизимда олиб борилиши лозим. Бинобарин кўрсатмалилик таълимнинг тушунарлироқ, муайянроқ ва қизиқарлироқ бўлишини таъминлайди, тафаккурни ривожлантиради.

Ибн Синонинг билим орқали эришиладиган натижалари ҳақидаги таълимоти ўқитиш назариясида алоҳида ўрин эгаллади. Унинг фикрича, буюмларни чинакам билишга ташқи кўринишини таҳлил қилиш, сабабларини аниқлаш асосида ақл билан эришилади. Ибн Сино ақлнинг ривожланиш босқичларини ишлаб чиққан. Мушоҳада билан идрок қилишнинг биринчи босқичи ақлий категорияларни тушунтиришдир. Иккинчи босқич икки хил фикрни идрок этишдир. Ақл ривожланишнинг учинчи босқичига ўзлаштирилган фикрларни идрок этиш билан эришилади. Шунда уни ҳақиқий ақл дейилади.

Олим ақлларни босқичларга бўлар экан, биринчи босқичда ёдлай оладиган, лекин ҳали ҳарфлар-

¹ **Абу Райхан Беруний.** Избранные произведения. Т. X. Часть III. — Тошкент: Фан, 1973. — 1976 йиллар.

ни ҳам, сиёҳ ва қаламни ҳам билмайдиган бола-нинг ақлини назарда тутган; иккинчи босқичда — таёқчаларни чиза бошлаган, қаламдан фойдала-нишни ўрганаётган боланинг ақли тасаввур қили-нади; учинчи босқичда инсон ақлий шаклларни ва уларга мувофиқ ҳиссий образларни эгаллаган бўлади. Ибн Сино ақл деганда инсоннинг туғма истеъдодини, шунингдек, тажриба асосида ва би-лиш жараёнида шаклланадиган фикрлаш қобили-ятини тушунади. Ақлни инсоннинг бирламчи туғ-ма соғлом фикрлаши, яхши ва ёмон ишларни вужудга келтирадиган, уларни фарқлантирадиган куч, деб таърифлайди. Ақл инсоннинг хатти-ҳара-катларида намоён бўлади. Инсон ақл ёрдамида нарсалар ва ҳодисаларни таҳлил қилади, умумлаш-тиради ҳамда уларнинг энг яхшиларини танлай-ди, деб уқтиради. Шунингдек, ақлни икки катего-рияга ажратади. Уларнинг бири — назарий ақл бўлиб, борлиқдаги умумий нарсаларнинг моҳия-тини идрок этишдир, иккинчиси эса амалий ақл бўлиб, буюмларни танлашда туртки сифатида кўринадиган қобилиятдир.

Абдулла Авлоний (1878 — 1934) ўзининг барча тадқиқотларида илм муаммосини биринчи ўринга қўйган. «Алҳосил — деб ёзган эди у, — бутун ҳаёти-миз, саломатлигимиз, саодатимиз, сарватимиз, маишатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илм билан боғлиқдур... Шунинг учун ўқимак, билмак замонларини қўлдан бермай, вужу-димизнинг душмани бўлган жаҳолатдан қутулмак-ка жонимиз борича саъй қилмагимиз лозимдур»¹.

¹ Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т., Ўқитув-чи, 1992 й., 23-бет.

А. Авлоний илм тарбия жараёнида ўзлаштирила-ди ва у яхшини ёмондан, эзгуликни ёвузликдан, жоизни ножоиздан фарқлаш имконини беради, деб ҳисоблайди. Хусусан у тарбия билан таълимнинг бирлиги муаммосини ишлаб чиқди. Гарчи А. Авло-ний таълим билан тарбия ўртасида озгина фарқ бор-лигини айтган бўлса ҳам, улар тана ва жон синга-ри бир-бирига чамбарчас боғлиқдир, дейди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий (1889—1929) I синф учун «Енгил адабийёт», II синф учун «Ўқиш кито-би» ва «Қироат китоби» каби дарсликлар ёзган. Аммо, мазкур дарсликлар қўлёзмалигича қолиб кет-ди. Ўша пайтларда бунга имкон бўлмаган.

Ҳамза ўз тадқиқотларида товушли савод ўрга-тиш методини ишлаб чиққан. Унинг тадқиқотида-ги асосий ғоя ўқитиш ва тарбиялашга комплекс ёндошиш, ёшларнинг ақлий, ахлоқий ва эстетик тарбиясини ўзаро боғлиқ ҳолда амалга оширишдан иборат эди.

Юқоридаги асарларнинг номларидан ва педаго-гик фикрлардан аён бўладики, мазкур муаллифлар дидактикага ўқитиш санъати сифатида, шунинг-дек, ўзига хос амалий кўникма сифатида қараган-лар. Дидактика тушунчасини Ян Амос Коменский (1592—1670) ҳам ана шу йўсинда шарҳлаган. Унинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари 1657 йилда нашр этилган «Ҳаммага ҳамма нарсани ўқитишнинг уни-версал санъати ифодаланган буюк дидактика» ном-ли асарида баён қилинган. Лекин Коменский ди-дактика фақат ўқитиш санъатидангина эмас, балки тарбиялаш санъатидан ҳам иборатлигини қайд қил-ган ва тарбия ҳар томонлама ахлоқийлик йўнали-шидаги феъл-атворни шакллантиришнинг зарур шarti эканини ҳам уқтирган.

Дидактикани юқоридагича тушуниш XIX аср бошигача, яъни таниқли немис педагоги ва файласуфи Иоган Генрих Гербарт (1776—1841) дидактиканинг асосий назариясини ишлаб чиққунича давом этган. Бинобарин у дидактикани педагогикага бўйсунадиган тарбияловчи таълимнинг яхлит ва зиддиятсиз назарияси сифатида талқин қилади.

Гербарт ва хусусан унинг издошлари ана шу назариянинг ролини ҳисобга олиб дидактиканинг асосий вазифасини — дарсда баён қилинадиган материал эканини рад этдилар: Гербарт концепциясига мувофиқ ўқитувчи асосан ўқувчиларни янги ўқув материали билан таништиришга доир ҳаракатларини таҳлил қилиши лозим эди.

XVIII асрда швейцариялик педагог И. Г. Песталоцци камол топтирувчи таълимнинг принциплари тизимини асослади. XIX асрда эса немис педагоги А. Дистервег ўзининг «Немис ўқитувчилари учун» қўлланмасида ўқув жараёнини фаоллаштирадиган талабларнинг бутун бир комплексини таклиф қилди. Фан ва техника шундай тезликда тараққий топмоқдаки, мактаб таълими билан уларнинг кетидан қувиб етиш мумкин эмас. Лекин мактабни битирган ёшлар албатта ўзлари билмайдиган илмий кашфиётларга, жамиятни ривожлантиришнинг бозор иқтисодиётига асосланган янги тизимига дуч келадилар. Лозим даражадаги ақлга, иродага ва ҳиссиётга эга бўлган кишиларгина нотаниш маълумотларни тезроқ ўзлаштириб олиши мумкин.

Билим ва малакаларни таркиб топтириш нақадар зарур бўлса-да, ҳозирги дидактика ана шу соҳа билангина чегараланиб қола олмайди.

Эндиликда ўқувчиларни камол топтиришда оптимал натижалар берадиган ўқитиш жараёнининг

илмий-педагогик асосларини ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Ўқувчиларнинг камол топиши таълим жараёнида амалга ошириш сабабли билим ва малакаларни ўзлаштиришга қаратилган дидактик принциплар маълум натижаларни беради. Лекин вазифа қандайдир натижаларга эришишдан эмас, балки ўқувчиларни камол топтириш учун ўқитишнинг энг юқори самарадорлигини таъминлашдан иборатдир. Бунинг учун эса ўқув жараёнининг қурилишини ишлаб чиқиш керак. Дидактикада тарбияловчи дунёқарашни шакллантириш масалалари кўрилади, таълим жараёнида ўқувчиларда мустақилликни, ташаббускорликни ва шахснинг бошқа айрим сифатларини тарбиялаш вазифалари таҳлил қилинади. Мана шундай муҳим масалаларнинг кўриб чиқилиши мактабдаги таълим-тарбиянинг бирлигини таъминлашга хизмат қилади. Ўз-ўзидан аёнки, мазкур вазифани амалга ошириш учун зарур илмий-педагогик асосларни яратиш дидактика соҳасидан кўра кўпроқ тарбия назариясига тааллуқлидир. Ўқитиш негизи юксак ахлоқли қилиб камол топтиришдан иборат. Ана шундай ҳаракатларда ўқишга даъват қилиш, ўқитувчи билан ўқувчиларнинг ўзаро муносабатлари ва таълимнинг методлари масалалари бошқача тус олади.

ДИДАКТИКАНИНГ АСОСИЙ КАТЕГОРИЯЛАРИ

Ўқитиш назарияси билимлар, маълумотлар ва фактларнинг катта захирасига эга, уларнинг бир қисми тизимлаштирилган, тартибга солинган.

Ўқитиш жараёнининг структуравий компонентлари — мақсадли рағбатлантириш — мотивлаштириш, мазмуний, ҳаракат — фаолият ўқитишнинг шакл ва методларининг ажратилиши алоҳида

аҳамият касб этади. Мана шу компонентларнинг ажратилгани ўқитувчи билан ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти қонуниятларининг табиатини чуқурроқ тушуниш имконини беради.

Педагогик ечимларни танлаш назарияси ишлаб чиқишнинг методологик асоси — ўқитиш жараёнининг мавжуд барча қонуниятларини ҳисобга олиш фикри билан мунтазам алоқада бўлади. Бошқача айтганда, ўқитиш жараёнининг мавжуд ҳамма қонуниятларини албатта комплекс ҳолда ҳисобга олиш билангина таълим масалаларини тўғри ҳал қилиш мумкин.

Педагогик ва психологик шарт-шароитларни аниқлаш асосида ўқитишнинг оптималлиги мезонларининг асослари таркиб топтирилган ва уларнинг энг аҳамиятлилари қуйидагилардан иборатдир:

Ўқитиш оптимал бўлиши учун ҳар бир ўқувчи ўзининг ҳақиқий ўқиш имкониятларига мувофиқ даражада ўзлаштириши, тарбияланиши ва камол топиши шарт;

Ўқитиш оптимал бўлиши учун ўқувчилар ва ўқитувчилар дарсдаги ва уйдаги ишлар вақтининг ўзлари учун гигиеник жиҳатдан белгиланган нормасига эга бўлиши керак.

Режалаштиришни оптималлаштиришнинг асосий йўллари ўқитишнинг вазифаларини таълим бериш, тарбиялаш ва камол топтириш билан биргаликда лойиҳалашга комплекс ёндошиш ҳамда ўқитиш вазифаларини у амалга ошадиган тизимининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда муайянлаштиришдир.

Ишни режалаштиришда қуйидаги усуллардан фойдаланилади: ўқитиш мазмунининг қўйилган вазифаларини энг мувафаққиятли ҳал қилишни

таъминлайдиган оптимал вариантини танлаш; ўқитишнинг қўйилган вазифаларни белгиланган вақт ичида муваффақиятли ҳал қилишни таъминлайдиган методлари ва воситаларини танлаш; масалаларни муваффақиятли ҳал қилишни, шу жумладан ўқувчиларга табақали ёндошишни таъминлайдиган ташкилий шакллари танлаш.

Ҳозирги пайтда таълимнинг муҳим жиҳатлар, масалан, таълимнинг мазмунини ишлаб чиқиш ва танлаш, муаммоли — камол топтирувчи ўқитиш, ўқувчиларнинг ўқишини фаоллаштириш, ўқитиш методлари ва уларнинг таркибий қисмлари; ўқувчилар ўқув-билим фаолиятининг методлари; ўқув материални ташкил қилиш ва структуралаштириш ва ҳоказолар жадал ўрганилмоқда.

Таълим мазмунининг ишлаб чиқилган назариясида қуйидаги муҳим қоидалар талқин қилинган:

Таълим мазмунида жамиятнинг маънавий ва моддий элементлар, шу жумладан: табиат, жамият ва инсон ҳақидаги билимлар, ижодий фаолият тажрибаси, инсоннинг муносабатлари, бошқариш фаолияти, хулқи ва ҳаёти ифодаланиши лозим;

Таълимнинг мазмуни умумий, *политехник ва касбкорлик* компонентларининг бирлигини акс эттириши керак;

Таълимнинг мазмуни муайян ёшга қаратилади ва жамиятнинг ривожланиш даражасидан келиб чиқади;

Таълимнинг мазмунидаги ажратилган тўрт компонент ҳажми ва мазмуни бўйича ўзаро айнан мувофиқ бўлиши керак.

Мақтаб ривожланишининг ҳозирги босқичида таълимни компьютерлаштириш масаласи фоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўқувчиларни замонавий

ҳисоблаш техникасидан фойдаланишга доир билим ва малакалар билан қуроллантириш, ўқув жараёнида компьютерларнинг кенг қўлланишини таъминлаш жамиятда бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан биридир. Мана шу вазифани амалга ошириш юзасидан педагогика фанида ўрта мактабга электрон-ҳисоблаш микропроцессор техникасини татбиқ этишнинг иккита асосий йўналиши ишлаб чиқилмоқда. Буларнинг биринчиси — мактабдаги таълимнинг мазмунига ўқувчилар умумтаълимий тайёргарлигининг компоненти сифатида дастурлаштириш асосларини ва ҳисоблаш техникасини жорий этиш; иккинчиси — мактабда электрон ҳисоблаш машиналаридан таъминлаш таълимининг воситаси сифатида фойдаланишдир.

Педагогика фани мактабларнинг ЭҲМлардан фойдаланишдаги тажрибаларини ўрганиши ва умумлаштириши: ялпи компьютер саводхонларига жавоб берадиган ягона дастурлаштириш умумтаълимий курсини яратиш; дастурлашни ўргатиш бошланадиган муддатни ва курснинг ҳажмини белгилаши, мактабда ўрганиладиган алгоритм тилини танлаши, таълимни машина базасидан фойдаланиш асосларини ишлаб чиқиши ва бошқа вазифаларни адо этиши керак.

Таълим назариясидан муаммоли — камол топтирувчи ўқитишни жорий этиш, шунингдек, ўқув жараёнини табақалаштириш ва индивидуаллаштириш йўллари излаш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Муаммоли — камол топтирувчи ўқитишнинг назарияда ишлаб чиқилган асосий ғояларини қуйидагича таърифлаш мумкин:

Таълимий билишни илмий билишга мувофиқ моделлаштириш ғояси, яъни муаммоли вазиятни вужудга келтириш — гипотезани олға суриш — гипотезани асослаш — гипотезани ҳал қилиш — уни тасдиқлаш ёки рад этишдек зарур звеноларни ўз ичига олган муаммоли ўқитиш;

Ўқувчиларнинг ижодий имкониятлари ва қобилиятларини ривожлантириш, уларда тадқиқотчилик йўсинидаги кўникма ва малакаларни ўстириш ғояси.

Муаммоли ўқитиш назариясида қатор қонуниятлар ифодаланди ва эксперимент йўли билан асосландики, улардан муаммоли дарс ўтиш билан муаммоли ўргатишнинг бирлиги ва бир-бирини тақозо этиши, ўқувчиларнинг тайёрлиги даражаси билан муаммоли ўргатиш даражасининг мувофиқлиги каби қонуниятларни ажратиш мумкин.

Дидактикада ишлаб чиқилган ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш назарияси муаммоли — камол топтирувчи ўқитиш назариясига жуда яқиндир.

Фаоллик назариясининг асосий ғояси ҳам махсус ташкил этилган таълим муҳитида (ўқитишнинг мазмуни, шакллари ва методлари билан) ўқувчиларнинг фаоллигини тобора ошириб боришдан иборатдир.

Ишлаб чиқилган фаоллик назарияси ўқув жараёнида билимларни ўзлаштириш, уларни қайта ишлаш ва қўллашнинг (муаммоли ва репродуктив) усулларини ўрганиш бўйича ташкил этиладиган ўзини-ўзи бошқариладиган фаолликдан иборатдир.

Мазкур қонуниятлар асосида амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга молик қуйидаги назарий қойдаларни *ифодалаш мумкин*:

Фаоллаштириш воситалари тизими, таълимнинг мазмуни, ўқитишнинг шакл ва методлари ўқитишнинг асосланган, мақсадга мувофиқ ўз-ўзини бошқарадиган жараён сифатида ташкил қилишни таъминлаши учун улар қуйидаги талабларга *жавоб бериши керак*:

Таълимнинг ҳамма босқичларида ўқувчиларда ўқитишнинг ички мотивларини қўзғатиш ва ривожлантириш;

Ўқувчиларни ўз олдларига тегишли мақсадларини қўйиш ва келгусидаги фаолиятларини режалаштиришга рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш;

Ўқувчиларда ахборотларни қайта ишлашга доир таълимий ва ақлий кўникмаларнинг шаклланишини таъминлаш;

Ўқувчиларнинг ўқув-билиш мақсадларига эришиш учун жисмоний ва ахлоқий, иродавий кучларини ошириш;

Таълим жараёнида назорат ва ўзини-ўзи бошқариш орқали ўқувчилар ўзининг ўқув-билиш фаолиятини баҳолашини таъминлаш. Шу қойдаларга риоя қилинса, таълим самарадорлиги янада ошади.

Таълим жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий даражаси ва маданияти, унинг сиёсий ва мафкуравий структураси мазмунини белгилайдиган масалаларни ҳал қилади. Шунинг учун оиладаги ёки жамоадаги, ёки мактабдаги, ишлаб чиқаришдаги мақсадга мувофиқ ёки тасодифий тарбия ўз моҳиятига кўра ижтимоий бўлади, чунки ҳар қандай тарбия ижтимоий муносабатларнинг субъекти ҳисобланади.

Инсон туғилган пайтидан бошлаб у ёки бу ижтимоий гуруҳга мансуб бўлиб, меҳнат алоқаларининг маълум тизимида тегишли юридик ҳуқуқлар-

дан фойдаланади. Жамиятдаги ўзаро муносабатлар мажмуининг мазмуни ва характери шахс камол топишининг умумий йўналишини ҳал қилувчи йўсинда белгилайди. Ота-оналар ва педагоглар тарбия методларида ўзига хос ўрин тутсалар ҳам, уларнинг мақсадларини, истакларини ва интилишларини пировард натижада жамият белгилайди, унинг у ёки бу ижтимоий гуруҳлари, ҳаётнинг умумий шароитлари, унинг манфаатлари ва идеаллари белгилайди.

«Ижтимоий тарбия» иборасидан анча тор маънода шахсга таъсир қўрсатишнинг махсус тузилган ижтимоий институтларда амалга ошириладиган, оиладаги ва яқин атроф-муҳитдаги тарбиядан фарқли жараёни ифодалаш учун фойдаланилади.

Таълим ва тарбия тушунчасининг қайси бири кенгроқ маънога эга эканлиги хусусидаги баҳс самарасиздир, чунки ҳамма гап уларнинг қайси мақсадда қўлланишидадир. Адабиётларда кўп учрайдиган «таълим» ва «тарбия» сўзларини педагогик жараённинг қарама-қарши томонларини ифодалаш учун қўлланиши унчалик тўғри эмас. Бинобарин, таълим билим беришнинг мақсадга мувофиқ жараёни сифатида доимо муайян шахсларни тарбиялашни ўз ичига олади. Тарбиянинг йўналиши эса, ҳатто, таълимнинг мазмуни ва савияси билан расман бир хил бўлса ҳам, принцип жиҳатдан турлича — инсонпарвар демократик ёки тоталитар бўлиши мумкин. Таълим-тарбия муассасаларида амалга ошириладиган чуқур педагогик жараён сифатидаги тарбия ҳақида гапириш унинг фақат бир томонини — касбий жиҳатини кўрсатишни билдиради.

Тарбия ҳамма вақт халқ орасидаги ҳодиса, ижтимоий ҳаётнинг доимий категорияси ҳисобланган.

Тарбиянинг ижтимоий табиатини англаш давлат ва халқ тарбияси, жамият ва шахс тарбияси ўртасидаги мақсадга мувофиқ ва тасодифий тарбия ўртасидаги тафовутини, тарбиявий таъсир объектнинг фоят мураккаб тугунини билиш имконини беради.

Тарбия шахсни мақсадга мувофиқ йўсинда шакллантириш, унда фазилатларни таркиб топтириш жараёнидир. Тарбия тарбияни амалга оширувчилар кутадиған натижа мавжудлигини талаб қилади. У икки турдаги фаолиятни, яъни шаклланувчи ва шакллантирувчи фаолиятни бажарувчилар тарбиянинг ташкилотчилари, шаклланувчи фаолиятни бажарувчилар эса тарбиянинг ёлғиз ёки жамоавий объектлари ҳисобланади.

Тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари унинг икки томони — объект ва субъектив жиҳатлари мавжудлигидир. Унинг шакллантирувчи фаолиятларини бажарувчилар ўзлари хоҳласа-хоҳламаса тарбиянинг объектлари эканлигида кўринади. Юқорида таъкидланганидек, объектлик шаклланувчи ва шакллантирувчи фаолиятлар ҳамда уларнинг элементлари ўртасида, шунингдек, ҳар бир фаолиятнинг элементлари ўртасида ички объектлар боғланиш ва муносабатлар мавжудлигида намоён бўлади.

Шакллантирувчи ва шаклланувчи фаолиятнинг субъектив томони у ёки бу фаолиятни бажарувчилар объектлар ҳисобланади ва тарбиянинг натижалари уларнинг ички ҳолатига, эгаллаган шахсий хусусиятлари, қизиқишлари, эҳтиёжлари ҳамда қобилиятларига боғлиқ бўлади.

Тарбия баъзан тўпланган билимларни, фаолият тажрибаларини ёш авлодга беришнинг йўли сифатида, баъзан эришилган маънавий маданиятни қайта тиклаш ва ривожлантиришнинг омили сифати-

да ва баъзан ижтимоий муносабатларнинг алоҳида шакли сифатида таърифланади.

Тарбиянинг мақсади — унинг кўзланган натижасидир. У жамият ривожланишининг эҳтиёжларини ўзида акс эттиради ва жамоатчилик ҳамда давлат ҳужжатларида ифодаланади, педагогик таълимотлар ва назарияларда муайянлаштирилади ҳамда батафсил ёритилади. Синфий жамиятда тарбиянинг мақсади ҳукмрон синфлар томонидан белгиланади ва баён қилинади. Масалан, тарбиянинг мақсади қулдорлик даврида — қулларни бўйсундириш ва бостириб туришга лаёқатли жангчилар ҳамда лашкарбошиларни; феодализм даврида феодал рицарлар; буржуазия даврида ишбилармонлар ва бизнесменларни тайёрлашдан иборат бўлган.

Тарбиянинг мақсади — шахсни ҳар томонлама ва уйғун камол топтириш, унинг маънавий, ахлоқий-эстетик қадриятларини шакллантириш, юксак даражада уюшган ва шаклланган жамоаларни вужудга келтиришдир. Тарбиянинг мақсадларини охирги ва оралиқ, умумий ва муайян, асосий ва йўл-йўлакай мақсадларга таснифлаш мумкин. Мақсад билан бир қаторда ҳал қилиниши мақсадга эришишни таъминлайдиган вазифалар ҳам туради. Масалан, тарбиянинг умумий мақсадини рўёбга чиқариш, яъни шахсни ҳар томонлама камол топтириш учун ақлий, ахлоқий, ғоявий-сиёсий, эстетик, меҳнат ва жисмоний тарбия вазифаларини амалга ошириш зарур.

ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА КАМОЛ ТОПТИРИШ ТУШУНЧАСИ

Шахсни шакллантириш — унинг ўсиши, қандайдир янги хусусият ва фазилатларга эга бўлиши

жараёнидир. «Шакллантириш» тушунчаси «тарбиялаш» тушунчасига нисбатан кенгроқ бўлиб, у шахс ва жамоанинг таркиб топишига таъсир кўрсатадиган ҳамма нарсани, шу жумладан, мақсадга мувофиқ жараёнлар (ўқитиш, тарбиялаш, таълим бериш)ни ҳам, мақсадга номувофиқ жараёнлар (шахс ва жамоанинг ўз ички табиати, атрофдаги кишилар, нарсалар, табиат ҳодисалари ва ҳоказоларнинг таъсири)ни ҳам ўз ичига олади. «Шакллантириш» ва «Тарбиялаш» тушунчалари жиддий чегараланса, инсонни табиат ҳодисалари тарбиялайди, деб бўлмайди. Инсонни фақат кишилар тарбиялайди, табиат ҳодисалари шахсни шакллантириши мумкин, аммо уни тарбиялай олмайди.

Шахс ижтимоий муносабатлар, шу жумладан тарбия омили, ижтимоий, ишлаб чиқариш, маданий, илмий фаолият ва шахсий алоқалар омилдан иборат ташқи омилларнинг, ҳамда биологик омил, психологик омилдан иборат ички омилларнинг таъсири натижасида шаклланади.

Шахс шаклланишининг асоси унинг фаолияти бўлиб, бу фаолият доимо ўзини бажарувчига нисбатан шакллантирувчи, ўзини вужудга келтирган ёки ташкил этган шахсга нисбатан шаклланувчи бўлади.

Жамоанинг шаклланиши ҳам ташқи омиллар — ижтимоий муносабатлар, тарбия ва атрофдаги жамоаларнинг ҳамда ички омиллар — жамоа ичидаги муносабатлар, алоқалар ва ҳоказоларнинг таъсири натижасида амалга ошади. Ҳамкорликдаги фаолият ва жамоавий муносабатлар тажрибасининг тўпланиши жамоани шакллантирадиган асосий ва бош кучдир.

Тарбиялаш сингари шакллантиришда ҳам доимо шахсни ва жамоани такомиллаштириш назарда тутилади.

Такомиллашув — қарама-қаршиликларнинг бирлиги ва курашувидир, ана шу бирлик ҳамда кураш натижасида рўй берадиган ўз-ўзидан ҳаракатланишидир.

Шахснинг ва жамоанинг такомиллашуви ҳам қарама-қаршиликларнинг бирлиги ҳамда кураши натижасида амалга ошадиган ўз-ўзидан ҳаракатланишидир. Шахс ва жамоани шакллантиришда ҳам доимо шахсни ва жамоани такомиллаштириш назарда тутилади.

Шахс ва жамоа такомиллашувининг самараси уларнинг ҳолатидаги сифат ўзгаришидир.

Шахс такомиллашувининг манбаи зиддиятлар ва уларни қондириш йўллари ўртасидаги зиддиятлардир. Жамоа такомиллашувининг манбаи ҳам зиддиятлар ҳисобланади. Психологлар жуда кўп зиддиятларни, шу жумладан шахслар ва жамоаларнинг манфаатлари ўртасидаги, раҳбарларнинг жамоага қўядиган талаблари билан жамоанинг ана шу талабларни бажариши орасида зиддиятларни ҳал қилиши керак.

Юқорида айтилганидек, дидактика «ўқитиш» ва «ўқиш» каби бошқа тушунчалар билан ўзаро боғлиқ таълим назариясидир. Бу икки тушунча асосий тушунчалар жумласига киради.

Ўқиш сўзини дидактлар ва психологлар илгари ҳам, ҳозир ҳам турлича шарҳлаганлар. Буни шу сўзни эски таърифлари ҳам, энг янги таърифлари ҳам турличалиги яққол тасдиқлайди.

Ўқиш мақсад, мазмун ва ҳаракатлар билан боғлиқ бўлиб, улар ёрдамида ўқувчилар маълум билимлар, кўникмалар ва малакаларни ўзлаштирадидлар, ўқиш ўқувчининг фаоллиги натижасида ривожланади, характер касб этади, у турли шакл-

ларда (меҳнат, жамоатчилик фаолияти, китобхонлик, ўйин ва ҳоказолар тариқасида) амалга ошиши мумкин, билишга (бевосита ва билвосита) таянади ҳамда индивидуал тажрибага шахснинг хулқида ўзгаришни вужудга келтиради.

Ана шу тушунтиришлардан кейин ўқиш таърифини келтириш мумкин. Биз ўқиш деганда ўқувчилар воқеликни бевосита ва билвосита билиш давомида маълум билимлар, кўникмалар ва малакалар — режали ўзлаштиришнинг мақсадга мувофиқ жараёнини тушунамиз. Бунда ўқиш жараёни маълум даражада кучли мотивлаштиришдан вужудга келади ва унинг натижаси шахснинг қарашлари, эътиқод, хатти-ҳаракатлари, умумий камолатига, қисқаси, унинг хулқига таъсир кўрсатадиган мавжуд билимлар ва кўникмалар захирасининг ортишида намоён бўлади, деб биламиз.

Ўқитиш ибораси тасодифий жараён маъносида ҳам, ўқиш жараёнига мунтазам, режали ва бевосита раҳбарлик қилиш маъносида ҳам қўлланилади. Ана шу иккинчи маънодаги ўқиш жараёни нисбатан узоқ вақт, баъзан кўп йиллар мобайнида ўқитиш жараёни билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Шунини ҳисобга олиб мазкур иккала жараённи кўпинча умумий ном билан таърифлаймиз ва ўқитиш-ўқиш жараёнларини таълим жараёни, деймиз. Бу жараёнда фақат ўқиш билан, яъни ўқувчилар маълум миқдордаги билимлар, кўникмалар ва малакаларни ўзлаштиришига ёрдам берадиган шароитларни яратиш билан боғлиқ ҳаракатлар эмас, балки ана шу шароитлардан тўғри фойдаланишни назорат қилиш элементлари ҳам намоён бўлиб, улар бир бутунни ҳосил қилади.

Ўқитувчи ўқувчилар ишининг боришини кузатиш ва улар эришган натижаларни баҳолаш асосида ўзининг кўрсатмалари, йўналтирувчи саволлари, тегишли тушунтиришлари ва ҳоказолар билан болаларнинг ўқув фаолияти жараёнига тузатишлар киритади. Шунга кўра таълим биринчидан ўқишни, иккинчидан ўқитишни, яъни ўқишни ва шу билан бирга уни назорат қилиш ҳамда тузатиш тадбирларини ўз ичига олади, дейиш мумкин.

Ўқитиш ғоятда мураккаб иш. Бунинг далили сифатида шуни айтиш жоизки, ўқитувчининг таълим жараёнидаги раҳбарлик ролини таъминлашга уриниши билан ўқувчиларнинг тўла мустақил фикрлаши ва ҳаракатларини сақлашга интилиши ўртасидаги таълимга хос диалектик зиддият аслида дидактик юксалишнинг манбаидир. Шунингдек, ўқитишда деярли ҳамма вақт унинг тарбиявий жиҳатлари яққол билиниб туради.

Таълим мақсад, мазмун, ўқитувчининг шахси, ўқувчилардаги дастлабки билимларнинг характери ўқув юритишнинг моддий-техник базаси ва бошқа анчагина омиллар билан белгиланади.

Форобий ўзининг «Идеал шаҳар аҳолисининг маслағи» номли рисоласида таъкидлаганидек, фан ўқитиш орқали ўзлаштирилса, эзгу фазилатлар тарбия ёрдамида эгалланади. Ўқитиш фақат ақлнинг чиниқиши учун эмас, балки умумий маънавий, шу жумладан, ахлоқий камол топиш учун ҳам асосдир. Ўқитиш ва тарбиялаш ўзаро боғлиқ бўлиб, шахсни маънавий камол топтиришнинг турли йўллари дир.

Халқ педагогикасида инсон ақлан баркамол бўлишининг энг муҳим шарти уни болалигида ўқитиш ва тарбиялашда деб ҳисобланади.

Ўқитиш маълум қонуниятларга бўйсунди ва умумфалсафий методологияга мувофиқ бу қонуниятлар таълим жараёни билан анча кенгроқ ижтимоий жараёнлар ўртасидаги умумий, муҳим, зарур, барқарор алоқалардан, шунингдек, таълимнинг алоҳида компонентлари, яъни унинг мақсади, мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари ўртасидаги ички боғланишлардан иборатдир. Аниқланган дидактик қонуниятлардан қатор асосий талаблар келиб чиқадики, уларга риоя қилиш ўқитишнинг сифатли ва самарали амалга ошувини таъминлайди.

Таълим жараёнининг натижаси баъзан фақат ўқувчиларнинг маълум билимлар ва кўникмалар тизимини ўзлаштиришидан иборат бўлади; лекин бу жараён ўқувчиларнинг ҳар томонлама камол топтиришга жиддий ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Таълим жараёни — мураккаб ва кўп қиррали жараёндир. Расмийлашган тизим сифатидаги таълим назарияси умуман ана шу жараённи унинг таркибий қисмларини ва уларнинг компонентларини ёритади, тушунчалар, мазмун ёрдамида ана шу яхлит жараённинг мавжудлиги сабабини ёки усулларини баён қилади.

«Ўқув жараёни» тушунчаси таълимнинг барча компонентларини: ўқитиш ва унда фойдаланган воситаларни ҳам, муайян вазифаларни ҳал қилиш учун таълимнинг методларини ҳам, уйда мустақил ишлайдиган ўқувчини ҳам, ўқув жараёнида кўрсатмали ва техник воситалар билан жиҳозлашни ҳам ўз ичига олади.

Шунинг натижасида таълимнинг қуйидаги қонуниятлари ёритилади:

Таълим жараёни қонуний равишда ижтимоий жараёнлардан ва жамиятнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан;

Таълим жараёни яхлит педагогик жараёнга кирадиган ўқитиш, тарбиялаш ва камол топтириш жараёнлари билан қонуний равишда боғлиқдир;

Таълим қонуний равишда таълим олувчиларнинг ҳақиқий ўқув имкониятларига боғлиқдир;

Таълим қонуний равишда ўзи амалга оширилмайдиган ташқи шароитларга боғлиқдир;

Ўқитиш ва ўқиш жараёнлари яхлит таълим жараёнида қонуний равишда ўзаро боғлиқдир;

Таълим мазмуни қонуний равишда унинг жамият эҳтиёжларини, фан ривожланишининг даражаси ва мантиқини, ҳақиқай ўқув имкониятлари ва таълим учун ташқи шароитларни акс эттирадиган вазифаларга боғлиқдир;

Ўқув фаолиятини кучайтириш, ташкил этиш ва назорат қилиш, қонуний равишда таълимнинг вазифалари ва мазмунига боғлиқдир;

Таълимнинг ташкилий шакллари қонуний равишда унинг вазифаларига, мазмуни ва методларига боғлиқдир;

Тегишли шароитларда ўқув жараёнининг барча компонентлари қонуний равишда ўзаро боғланиши таълимнинг пухта англанган ва амалий натижаларини таъминлайди.

Таълимнинг қонунийятларини педагогиканинг умумий асосларида ифодаланган қонунийятлар билан таққосланса, улар ўртасидаги боғланиш яққол кўринади. Таълимнинг қатор қонунийятлари мантиқан педагогик жараённинг умумий қонунийятларидан келиб чиқади. Таълимнинг принциплари билан қонунийятлари ҳам ўзаро боғлиқдир.

VII б о б . ҲҶТИШ ЖАРҲНИ ҲҶТИШ ЖАРҲНИНИНГ МОҲИЯТИ

Ҳар қандай жараён — ҳаракатдир, моддий дунёдаги нарсалар ёки ҳодисаларнинг аста-секин ўзгаришидир. ҲҶтиш жараёни ҳам ёш авлодда ақлий кучларни ривожлантиришга ва ахлоқий сифатларни шакллантиришга қаратилган ҳаракатдир.

Биз ҲҶтиш жараёнини қандай тушунамиз? ҲҶтиш жараёни — ҲҶтувчининг ва у раҳбарлик қиладиган ҲҶувчиларнинг — уларда ақлий қобилиятларни ўстириш, диалектик дунёқараш асосларини таркиб топтириш ва ҳаётга тайёргарликни амалга ошириш мақсадида — билим, кўникма ва малакалар тизимини онгли ҳамда пухта ўзлаштиришга қаратилган илмий асосдаги ишларнинг мажмуидир.

Мактабдаги ҲҶтиш жараёни қандайдир тасодифий ва айниқса, педагогнинг хусусий фикридан келиб чиқадиган нарса эмас. ҲҶтиш жараёни *билиш назарияси* асосида таркиб топади ва жамиятнинг ривожланиш қонуниятларидан келиб чиқадиган талабларни акс эттиради. Ҳозирги илғор педагогика инсон шахсини мақсадга мувофиқ шакллантиришга тарбия, ўзини-ўзи тарбиялаш ва ижтимоий тажрибадан иборат тизим сифатида қарайди. Тарбия ва ўзини-ўзи тарбиялаш кичик тизимлар ўртасидаги боғланиш асосида тарбияланувчиларнинг ижтимоий тажрибани ўзлаштириши ташкил топади ва шу билан инсоннинг шахси шаклланади.

ҲҶув жараёни педагогик жараённинг мағзи сифатида тарбия, ўзини-ўзи тарбиялаш ва ижтимоий тажрибанинг бирлигини ўзида мужассамлаштиради.

ҲҶув жараёнидаги тарбия асосан ҲҶтиш шаклида, ўзини-ўзи тарбиялаш ва ижтимоий тажриба-

нинг бирлиги шаклида намоён бўлади. Шунга кўра ўқув жараёнига таълим (педагогнинг фаолияти), ўқиш (ўқувчининг мустақил ўрганиш иши) ва маълумотнинг мазмунини кичик тизимларидан иборат ижтимоий педагогик тизим сифатида қаралади. Ўқитиш ўқув жараёнининг профессионал томони-ни ташкил қилади. Инсон шахс сифатида шаклланишининг икки томонлама табиати (тарбия ва ўзини-ўзи тарбиялаш), шунингдек, ўқув жараёнининг ички структураси йўл-йўриқ кўрсатиш ва ўқувчилар ўқув-билиш топшириқларини мустақил ҳолда бажаришидан иборат ҳаракатдир. Бунинг йўл-йўриқ кўрсатиш жиҳати муаллим ўқувчига ўқув материали бўйича ўргатадиган нарсалар ва улар устида ишлаш методлари билан изоҳланади. Ўқувчилар ана шу асосда ўзларининг маълумот мазмунини ўзлаштиришга доир фаолиятларини ташкил қиладилар.

Шундай қилиб, ўқув жараёнининг моҳияти ўқувчи билиш фаолиятининг мантиқи бўлиб, у биринчидан, билиш биздаги билимларнинг ягона манбаи бўлмиш амалиётни ўрганишдан бошланиши ва мавҳум фикрлаш асосида назарий умумлаштириш кераклигидан; иккинчидан, *билиш* олинган билимларни, назарий умумлаштиришларни инсондаги билимлар ҳақиқатлигининг ягона объектив мезонлари сифатида ҳам хизмат қиладиган амалиётга таққослаш зарурлигидан келиб чиқади. Ўқув жараёни билиш жараёнини инсон фаолияти сифатида психологик-педагогик жиҳатдан лойиҳалашга асосланишини ва олинган билимларни амалиётда қўллашни албатта ўз ичига олиши зарур. Ўқув жараёни асосида умуман бутун жараёнга тааллуқли ва барча ўқув фанларига тақаладиган маълум талаблар ҳамда дидактик принциплар мавжуд бўлади.

Бизнинг дидактика ана шулардан энг муҳимлари: тарбияловчи таълим принципи, илмийлик принципи, назария билан амалиётнинг боғланиши принциpidан иборатдир. Таълимнинг методлари ва ташкилий шакллари асосида ўқувчиларнинг онгли фаоллиги, кўрсатмалилик, билимларни асосли ўзлаштириш, ўзига хос фарқларни тушунарлилиги ва ҳисобга олиниши принциплари ётади.

Ўқитувчи фаолиятининг муваффақияти аввало у таълимнинг мазмуни, методлари ва ташкилий шаклларидан умумий дидактик принципларни қанчалик тўғри амалга оширишига боғлиқ. Дидактик принциплар таълимнинг бевосита билиш назариясидан, шунингдек, мактабдаги таълимнинг мақсадлари ва илмий мазмунидан, ўқувчилар жамоасининг ёш ва психологик хусусиятларидан келиб чиқадиган қонуниятларини акс эттиради.

Ўқитиш принциплари қандайдир доимий ва ўзгармайдиган нарса эмас. Уларнинг айримлари бошқача шароитга боғлиқ ҳолда ўзининг номини сақлаб, янги мазмун касб этади ва баъзилари, масалан А. Я. Коменский олға сурган «табиатга мувофиқлик принципи» сингари ўзининг аҳамиятини йўқотади; яна бошқалари эса янги шароитда жамиятнинг ўқитиш жараёнига қўядиган маълум талабларини тўлароқ акс эттириши сабабли етакчи принципга айланади. Чунончи ҳозирги пайтда ўқитишнинг тарбияловчи ва камол топтирувчи принциплари алоҳида аҳамият касб этди. Табиийки; мана шу принциплар ўқитиш жараёнига ўзининг қандайдир янгилигини қўшади, уни нималар биландир тўлдиради. Лекин тарбияловчи ва камол топтирувчи таълимга интилиш янгилик эмас. Уни мамлакатимиз педагогикаси тарихида илк бор Форобий, Беруний-

лар асослаб беришганди. Масалан, Берунийнинг фикрича, тарбияловчи таълим айни пайтда камол топтирувчи таълим ҳам ҳисобланади: у кузатувчанлик, фикрлаш, нутқ, хотира ва хаёлнинг ривожланишини таъминлайди, шу тариқа инсонни ҳаётдаги меҳнатга тайёрлайди.

Мазкур принциплар янги бўлмаса ҳам, мактаб ривожининг турли босқичларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишда ҳар хил йўсинда ва тўлиқ бўлмаган ҳажмда амалга ошган. Бунинг ҳаммаси жамият томонидан мактаб олдига қўйилган шароитларга, мақсад ва вазифаларга боғлиқ бўлган.

Ҳозирги дастурлар маълумотнинг назарий савиясига талабларни оширишга, мактабда ўқишнинг дастлабки кунларидан бошлаб болаларда ижодий фикрлашни ривожлантиришга, уларда фанларнинг назарий асосларига доир тушунчаларни ҳосил қилишга, умумлаштириш ва мантиқий мулоҳаза юритиш малакаларини шакллантиришга қаратилган. Уларда ҳам илгариги дастурлардаги каби назарий билимларни ўқувчиларда амалий кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш билан боғлашга жиддий эътибор берилган. Шунингдек, таълимнинг тарбияловчилик ролини янада кучайтириш назарда тутилган. Бу эса онгли равишда ўзлаштирилган қоидалар, фактлар ва назариялар ўқувчиларнинг эътиқодига ҳамда дунёқарашига айланиши кераклигини билдиради. Ўқувчиларга фаол ва мунтазам меҳнат қилиш одатини янада кўпроқ сингдириш, уларда билимларга иштиёқ уйғотиш ва уларда умумий фойда учун қўллашга интилишни тарбиялаш зарур. Тарбияловчи таълим ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий нормаларини эгаллашларини ҳам таъминлаши керак.

Билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчиларнинг ақлий камол топиши ва тўғри тарбияланиши ўз-ўзидан амалга ошмайди. Бунинг учун педагогларнинг маълум даражада таъсир кўрсатиши ҳам ниҳоятда зарур. Маълумки, ўқитиш жараёни ўқитувчининг ва у раҳбарлик қиладиган ўқувчиларнинг изчил фаолияти мажмуидан ташкил топади. Бунда ўқувчилар фаолиятининг муваффақияти ўқитувчининг оқилона раҳбарлигига ва йўналтирувчи ишларига бевосита боғлиқ бўлади. Ана шу ишлар, халқ таълими тўғрисидаги қонунда мактаб олдига қўйилган вазифалар моҳияти нималардан иборат бўлиши керак? Аслида ҳозирги пайтда етакчилик қиляётган тарбияловчи ва камол топтирувчи таълим принциплари ўқув жараёнига, шу жумладан, таълимнинг асосий шакли бўлмиш дарсга ўз таъсирини кўрсатиши лозим. Ўқитиш жараёнига қўйиладиган талаблар жамият ривожланишининг турли босқичларида ҳам доимо бир хил бўлмаган. Бу ҳол жамият ривожланишининг қонуниятларидан ва унинг энг муҳим вазифаси — ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитишдан келиб чиққан. Ҳозирги куннинг талаби — ўқув жараёнини ўқувчиларда фақат такрорлашга доир фикрлашни эмас, балки ижодий тафаккурни ҳам шакллантирадиган йўсинда ташкил қилишдир. Психологларнинг таъкидлашича, тафаккур доимо муаммо ёки масаладан, ажабланиш ёки тушуна олмасликдан, зиддиятдан бошланади.

Ана шулар туфайли таълимий муаммолар асосидаги ўқитишда муаммоли ёндошиш тушунчаси педагогика назарияси ва амалиётига фаол кириб келади. Бу муаммонинг моҳияти — ўқувчиларга маълум билимлар, кўникма ва малакалар билан тушу-

ниш ҳамда тушунтириш учун илгариги билимлар кифоя қилмайдиган янги фактлар, ҳодисалар ўрта-сидаги дидактик зиддиятдир. Бу зиддият ижодий ўзлаштиришга туртки ва шу билан бирга ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади.

Биз ўқитишдаги муаммолиликини ўқувчиларнинг ўқув муаммосини англаши ва ҳал қилишга қаратилган билиш фаолиятини ташкил этиш деб тушунамиз. Ўқитишдаги муаммолиликининг муҳим белгиси масалани қўйишдан кўра муаммоли вазиятни яратиш кўпроқ зарурлигидир. Бунда мазкур вазиятни ҳаётий фактлар ва ҳодисалар асосида яратишни назарда тутиш муҳимдир. Чунки муаммоли вазият қанчалик табиий шаклга эга бўлса, ўқувчиларни фаоллаштириш ва муаммони ҳал қилишда қатнашишга жалб этиш имконияти шунчалик кенг бўлади. Ўқитишдаги муаммолилик анъанавий дидактиканинг асосий принциплари ва қоидаларини инкор қилмайди, балки уларга таянади. Ўқитишда муаммоли ёндошишни қўллашдан мақсад ҳозирги ўқитиш жараёнини ўқувчиларда ижодий фикрлашни фаол ривожлантиришга ёрдам берадиган методлар ва усуллар билан тўлдиришдир.

Умуман айтганда, ўқув жараёнини такомиллаштиришдан кўзланадиган асосий мақсад унинг сифатини янги поғонага кўтаришдир. Шунга кўра ўқитувчининг фаолиятида қандай янгилик вужудга келиши керак? Аввало у материални шунчаки баён этмаслиги ва ўқувчиларга тайёр хулосалар ҳамда умумлашмаларни айтиб бермаслиги, балки уларнинг фикрини ўрганиладиган объектга жалб қилиши, ундан муаммо топиши ёки имкони бўлса, ўқувчиларнинг ўзларини мазкур объектдаги муаммони мустақил ҳолда ўйлашга рағбатлантириши, муаммоли вазиятни яратиб, уларнинг диққатини

сафарбар қилиши, тафаккурни фаоллаштириши, таълимдаги лоқайдликни бартараф этиши, ўқувчиларга ўзларича мулоҳаза юритиб зарур хулосалар ва умумлашмалар чиқаришда ёрдам бериши, уларни кузатишга, тасаввур қилишга, эслаб қолишга, ижодкорликка ўргатиши, яъни у ўз тарбияланувчиларини олган билимлари билан кузатилган ҳаётий фактлар ва ҳодисаларга таққослаш, шу асосда тўғри хулосалар ва умумлашмалар чиқаришга одатлантириши керак. Мана шуларнинг ҳаммаси таълим жараёнига замонавий мазмун бахш этади.

ҲОЗИРГИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Ҳозирги куннинг вазифаларини амалга оширишда ўқитишнинг чуқур ижтимоий эътиқодлилики билан уйғун илмийлигига қўйилаётган талаблар ғоятда муҳимдир.

Дидактикада ўқитишнинг илмийлиги нима экани асосли равишда баён қилинади. Маълумки, мактаб таълими мазмунига кирган барча билимлар воқелик қандай бўлса, уни шундайлигича, ҳеч бир қўшимчаларсиз акс эттиради. Педагогнинг вазифаси ўқувчиларга илмий, ҳаққоний билимларни асли ҳолича тушунтиришдан, уларни билимларни мустақил ўрганишнинг ўзлаштирилган ҳақиқатлар борлиқдаги — инсон онгидан ташқир объектив мавжуд нарсаларга мувофиқлигини кафолатлайдиган йўлга солишдан иборатдир. Ҳатто болалар таълимнинг биринчи поғонасида олган жузъий билимлар ҳам ҳақиқатни бузмаслиги керак.

Илмий асосдаги тўғри ўқитиш натижасида ўқувчилар онгида объектив оламнинг ҳаққоний манзараси ҳосил бўлади.

Педагогика амалиётида баъзан ғалати воқеалар ҳам учрайди. Ўқувчилар қизиқувчанлиги сабабли ўқитувчига савол берадилар ва худди ана шу пайтда ўқитувчи асосли жавоб бера олмайди, хижолат чекади. Нотўғри жавоб берсам, кейинчалик обрўйим кетади, деб ўйлайди. Масалан, биринчи синф ўқувчилари ўқитувчидан «Космос нима?» — деб сўрадилар ва у саросимага тушиб қолди. Дарҳақиқат, буни биринчи синф ўқувчиларига қандай тушунтириш керак? Ўқитувчи пухта ўйлаб олиб, кейин, чунончи эртасига жавоб бериш ўрнига, шу заҳоти «Космос биздан жуда узоқ нарса» — деб жавоб қилди. Шундай жавобдан кейин ўқувчиларда космос ҳақида қандайдир тасаввур ҳосил бўладими?

Чинакам илмийлик доимо ижтимоий ривожланиш ва моддий олам қонуниятларининг объективлигини ўз ичига олади. Бизнинг фан диалектик фалсафа пойдеворига қурилади. У воқеликнинг совуққонлик, лоқайдлик билан ёзилган тавсифи эмас, балки моддий олам ҳақидаги қарама-қарши тушунчаларнинг ўзаро курашиш майдони ва қуролидир. Фанлар — эътиқодларни шакллантиришнинг кучли омили. Шунинг учун ёшларимиз олган билимларни уларнинг эътиқодига айланиши жуда муҳимдир.

Мана шу вазифаларни амалга оширишда ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш муҳим талабдир. Биз фақат ана шунга асосланиб болаларни мустақил ўйлашга ўргатишимиз, уларда ўзларининг қарашлари ва нуқтаи назари тизимини таркиб топтиришимиз мумкин.

Агар билимларни баён этиш, ишнинг усуллари-ни кўрсатиш мумкин бўлса, ижодий фаолиятни ўргатиш учун ўқувчиларни худди ана шу фаолият

жараёнига бевосита жалб этиш шарт. Мана шу муаммо бўйича айрим мулоҳазаларни ифодалашга ҳаракат қиламиз.

Аввало ҳар қандай ижодкорлик, хусусан ўқувчиларнинг ижодкорлиги махсус тайёрланган шароитларда амалга ошиши мумкин. Бунда билимлар, кўникмалар ва малакалар тизими ҳал қилувчи омил бўлади. Ижодни, ижодкорликни қандай тушуниш керак? Одатдаги тушунчага кўра ижод озчилик кишиларнинг, буюк санъат асарларини, янги машиналар, дастгоҳлар ва ҳоказоларни яратадиган истеъдодли одамларнинг қисматидир. Лекин ижод буюк асарлар яратишдангина иборат эмас, балки кишининг фикр юритиши, бирор тадбирни ўйлаб топиши, озгина бўлса-да қандайдир янгилик яратиши ҳам ижоддир. Ижод жараёнига тасодиф сифатида эмас, балки қоида сифатида қараш лозим.

Ўқувчининг ижодини қандай тушуниш керак? Болалар ҳеч қандай янгилик яратмайди-ку? Ўқувчининг ижодкорлиги энг аввал унинг ҳар қандай фаолият жараёнидаги: ўзига хос усул билан масала ечиши, иншо ёзиши, тажриба ишлари, меҳнат дарслари ва ҳоказолардаги мустақил фикрлашида намоён бўлиши лозим.

Ўқувчининг ижоди — унинг олган билимларини ҳаётда кўрган фактлар ва ҳодисаларга боғлай олиши, уларни тўғри баҳолаб, дастлабки маълумотларни таҳлил ва синтез қила билишидир.

Ҳар қандай ижод борлиқни рад этиш эмас, балки борлиққа тўлароқ кириб боришдир.

Ўқитишдаги индивидуал ёндашиш ҳам таълим жараёнининг муҳим талабидир. Биз ана шу талабни қандай тушунамиз? Ўқитишдаги индивидуал ёндашиш фақат машқ ишларида эмас, балки ўқув

жараёнининг ҳамма босқичларида: янги материални ўтишда, мустаҳкамлашда ва такрорлашларда ҳам, уй вазифасини тузишда ва дарсдан ташқари қўшимча машғулотларда ҳам амалга оширилиши зарур. Уни, масалан, янги материал ўрганилаётганда қандай амалга оширилади? Ўқитувчи материални тушунтирар экан, дарсликнинг параграфи билан чекланиши мумкин эмас. У айрим маълумотларни анча кучли ўқувчиларни назарда тутиб баён қилиши лозим. Бунда бўш ўқувчилар нима қилиши керак? Ўқитувчи уларни ҳисобга олмаган-ку? Кўпчилик тажрибали ўқитувчилар қийин мавзуларни ўтишдан олдин ана шундай ўқувчилар билан қўшимча машғулот уюштириб, янги материални идрок этиш учун зарур илгари ўрганилган билимларни такрорлайди ва янги материалнинг қийин жойларини тушунтиради. Ана шундай қўшимча иш доимий равишда бўлмаса-да, ўқитувчининг фаолиятида зарурдир. Чунки ўқитувчининг касбий бурчи энг аввало эҳтиёжмандларга ёрдам беришдир. Дарсда бунинг учун ҳар доим имконият бўлавермайди. Машқлар вақтида дастлаб бутун синфга қийинлиги бир хил материалларни бериш, кейинги босқичлардагина тайёргарлик машқларини табақалаштириш тавсия этилади. Бўш ўқувчилар билан ишлаш дарсларда ҳам, қўшимча машғулотларда ҳам амалга оширилиши керак. Бу ишларда фақат ўқитувчилар эмас, балки мазкур синфдаги кучли ўқувчилар ёки бўш ўқувчиларга бириктирилган юқори синф ўқувчилари ҳам қатнашиши лозим.

Таълимнинг демократик ва инсонпарварлик тизимига ўтиш даврида ўқитишдаги индивидуал ёндошиш алоҳида аҳамият касб этди, бинобарин ҳозирги куннинг талаби ўқувчи ўрта мактаб дас-

турини ўзлаштириши учун таълимнинг ҳар бир босқичида тегишлича билимлар олишига эришишдан иборатдир. Шахс доимо шаклланишда бўлади. Шахснинг шаклланиши сустр кечиши ҳам мумкин.

Шахсни ҳар томонлама камол топтириш муаммосини фақат мактаб эмас, балки жамиятнинг ривожланиши ҳам ҳал қилади, албатта. Жамият тобора ривожланиши билан шахс ҳар томонлама камол топиши учун қулай шароитлар вужудга келади.

Ўқитишни табақалаштириш ва индивидуаллаштириш муаммоси таълим назарияси ва амалиётида янги муаммо эмас. Аммо у ҳозирги пайтда таълим-тарбия назариясида алоҳида муҳим аҳамият касб этмоқда. Унинг чет эл педагогикаси учун моҳияти, бир томондан, фан-техника инқилоби шароитида малакали кадрлар тайёрлашдан иборат бўлса, иккинчи томондан, фаннинг, ишлаб чиқаришнинг, бошқаришнинг, мафкура, адабиёт ва санъат муаммоларини яратишдан иборатдир.

Таълимни табақалаштириш муаммоси илмий-педагогик асосда қилинса, ўқитишни маълум даражада индивидуаллаштиришга имконият пайдо бўлади. Ўқитишни индивидуаллаштириш жуда мураккаб муаммо бўлиб, маълум методологик ва педагогик ёндошишга боғлиқ ҳолда бевосита ҳал қилинади.

Педагоглар ва психологлар ўқитишни индивидуаллаштириш муаммосига шахсни ҳар томонлама камол топтириш, шахс билан муайян (ўқувчилар ёки ишлаб чиқарувчилардан иборат) жамоа ўртасидаги муносабатларни, мактабнинг инсонни тарбиялашдаги ролини муайян тушуниш нуқтаи назаридан ёндошадилар. Бунда истеъдод ва қобилиятларнинг барабар эмаслиги, уларнинг хилма-хил-

лиги ва индивидуаллиги ҳақидаги таълимотга таянадилар.

Ўқитишнинг индивидуаллашуви тарбиянинг ҳам индивидуаллашганини билдиради. Ўқитиш ва тарбиялаш жараёнидаги шахснинг қобилиятларигина ривожланиб қолмайди, балки унинг фазилатлари ҳам шаклланади. Инсон эса фақат ўзининг атрофидаги оламга муносабати орқали шахсга айланади. Жамиятдан ва ижтимоий муносабатлардан ташқари индивидуаллик бўлмайди, синфий эксплуататорлик жамиятида бундай муносабат синфийлиги сабабли ўқитиш ва тарбиялашнинг ҳар қандай индивидуаллашуви ҳукмрон мафкуранинг тарбияланувчиларига таъсирини кучайтиради ва бу таъсир янада нозиклашади, ўзгарувчан ва мақсадга мувофиқроқ бўлади.

Ўқитишнинг индивидуаллашуви таълимнинг ташкилий шакллари ва методлари, синфларнинг тўлалиги, ўзгаришига, ҳатто мактаб биноларининг режалаштирилиши, поток синфлар, гуруҳларнинг нисбати ва ҳар бир ўқувчи билан олиб бориладиган айрим ишлар ҳам жиддий ўзгаришига сабаб бўлади.

Ўқувчилар ўзича ҳаёт кечиради, уларнинг ташқи оламга муносабатини ифодаловчи маънавий дунёси бой ва такрорланмас бўлади. Ана шу ички дунёни, ички ҳаётни индивидуал ёндошиш билангина тушуниш мумкин. Индивидуал хусусиятларни, қизиқиш ва истеъдодларни ҳисобга олинмаса, синф-дарс тизими орқали мунтазам ўрганиладиган курслар қуруқ ёдлашга айланиб эҳтимолдан холи эмас. Ҳар бир кишининг истеъдоди кўп қиррали бўлиб, фақат ташқи сабаблар билан эмас, балки унинг ўз табиатига боғлиқ ҳолда ҳам таркиб топа-

ди. Инсон ташқи таъсирини ўз-ўзидан қабул қилмайди, балки унда болага таълим орқали бериладиган ижтимоий тажрибани ўзлаштириш имкони яратадиган биологик қобилият мавжуддир. Масалан, мусиқачиликка хос нозик эшитиш анализатори зарур. Шундай анализаторга эга бўлган ҳолда мусиқачи бўлмаслик мумкин, аммо мазкур анализаторсиз мусиқачиликни ўрганишнинг иложи йўқ.

Ўқитишнинг индивидуаллаштириш «биологик» ва «ижтимоий» хусусиятларни, яъни инсонда истеъдод бўлиши мумкинлигини, лекин у фаол ишлар билан шуғулланмаса, истеъдодлар ташқи таъсирлар, ташқи шароитлар натижасида ўз-ўзидан қобилиятга айланмаслигини яққол тушунишни талаб қилади. Таълим ўзининг мазмуни ва методикасига кўра ташқи таъсирдир. Лекин у ўқувчи истеъдоди ҳисобга олинсагина кутилган натижани бериши мумкин.

Ўқитишнинг индивидуаллашуви жамоа билан янада чуқур боғланишига олиб боради, жамоадаги ўзининг «мен» ини намоёиш қилишнинг, шахсга айланишнинг ёрқин истиқболларини вужудга келтиради. Шахсни таъсир кўрсатишининг жамоавий воситасида тарбиялаш — унда жамиятга тўғри муносабатни, тегишли фаолият билан қўшилишнинг ахлоқий-эстетик нормалар ҳақидаги, уларга онгли ёндошиш тўғрисидаги тушунчаларни таркиб топтиришни билдиради: мустақиллик ва фаолликни, ўзига хосликни ривожлантириш эса ижтимоий конструктив — ижодий ишларда ўзини яққол намоён этишдир.

«Индивидуаллик» тушунчаси инсоннинг ижтимоий моҳиятини ифодаловчи шахс аввало ижти-

мой мавжудот сифатидаги инсонни тавсифлайдиган умумий хусусиятларни ўз ичига олишни кўрсатади.

Умумий хусусиятлар қанчалик кўп бўлса, шахс шунчалик аҳамиятли бўлади, чунки у ижтимоий муносабатларни энг чуқур акс эттиради.

«Индивидуал» тушунчаси шахснинг бошқа кишилардан фарқладиган алоҳида ва ягона хусусиятини ўз ичига оладики, бу хусусият шахсга жамиятда ўзига хослик ва такрорланмаслик бахш этади, унда ижтимоий муносабатлар шароитида, яъни киши-кишини эксплуатация қилмайдиган тузумда жамият ва шахс ўзаро қарама-қарши бўлмайди. Ҳар қандай индивидуалликнинг бетакрорлиги жамиятдан ажралиб қолмайди, балки жамиятнинг узвий боғлиқлиги унинг манфаатларини ва ҳаракат қонуниятларини тушунишдадир. Жамиятсиз шахс бўлмайди, индивидуаллик бўлмайди, чунки камолатнинг манбаи жамиятдадир.

Шахснинг камол топишида ўзининг куч-ғайрати, бевосита фаолияти жуда катта роль ўйнайди.

Бизнинг тарбия ва таълим тизимимиз ҳар бир болада истеъдод, фаоллик, онглилик ва ижодкорликни ривожлантиришга қаратилган.

Аввал хусусиятларни ҳисобга олиб умумийликни, кейин умумийни ҳисобга олиб алоҳидаликни ривожлантириш керак.

ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИГА НОАНЪАНАВИЙ ЁНДОШИШ

Республикамизда таълим жараёнини такомиллаштириш масаласи бўйича изланишда ўқитишнинг янги шакллари аста-секин мустаҳкам ўрин олмоқда. Булар гимназия, ихтисослаштирилган синфлардир. Лекин таълимнинг янги шакллари асосан мак-

табнинг ўрта ва юқори звеноларига дахлдордир. Хўш, бошланғич мактабда нималар бўлаётир? Бошланғич мактаб ҳар қандай ҳолда ҳам ўқувчиларда билимларни шакллантиришда ва уларнинг қобилиятларини аниқлашда асосий роль ўйнайди ва ундан кейин ҳам шундай бўлиши керак. Аммо бошланғич мактабдаги барча ўқитувчилар болаларнинг қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантириш учун тегишли ишларни амалга ошираётирми? Масалан, нима учун юқори синфларда аъло баҳога ўзлаштирадиган болалар сони камайиб бормоқда? Мактабни битта ёки иккита ўқувчи олтин медаль билан битиришини қандай тушуниш керак? Истеъдодли, қобилиятли болалар йўқми ёки ўқитиш жараёни шунчалик самарасиз бўлиб қолганми? Буларнинг сабаби нима? Сабаби кўп. Биринчидан, бошланғич синфлар ўқитувчиси болалар билан индивидуал иш олиб бориш имконияти чекланган. Синфларда бўш ўзлаштирадиган ўқувчиларга алоҳида эътибор бериш зарур. Иккинчидан, мазкур ўқитувчиларнинг методик савияси етарли эмас. Синфдаги умумий ишлар жараёнида қобилиятли болаларнинг ижодий имкониятлари чекланиб қолмоқда. Улар ўз қобилиятларини кўрсата олмаётир. Ўқитувчи кучи ва эътибори бутун синфга қаратилиб, қобилиятли болалар кўзга ташланмаётир. Умуман айтганда, хусусан болаларни саралаш ва ўқитишга бошқача ёндошиш билан уларнинг ижодий қобилиятларини рўёбга чиқариш керак.

Бошланғич мактаб (I босқич мактаб) бола шахсининг илк шаклланишини таъминлаши, унинг қобилиятларини аниқлаши, ўқувчиларда билим олиш қўникмаси ва истагини таркиб топтириши керак. Бундай мактабда ўқув фаолиятининг зарур

кўникма ва малакаларини эгаллайдилар, ўқиш, ёзиш, ҳисоблашни ўрганадилар, ижодий фикрлаш элементларини, маданий нутқ ва хулқни, шахсий гигиена ҳамда соғлом турмуш асосларини ўрганадилар.

Мана шу умумий вазифаларни амалга ошириш учун мақсадларнинг устунлигини жиддий, тубдан ўзгартириш, аввало предметларга доир билимлар, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришнинг анъанавий мақсади ўрнига бола шахсини, ўқув фаолиятини шакллантириш асосида тарбиялаш мақсади эгаллайди, лекин бунда анъанавий предметларга доир кўникма ва малакаларнинг шаклланиш даражасига эътибор сустлашмаслиги лозим.

Бошланғич таълимнинг муайян мақсадларини ишлаб чиқишнинг ҳақиқий аҳволи шундаки, янги устунликлар назарий ва амалий устунликлар жиҳатидан энг кам ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда предмет таълимининг ўқув дастурларида белгиланган муайян мақсадлари ҳозирча кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва имкониятларидан ажралиб қолган, таълимнинг режалаштирилган натижалари ва уларни баҳолаш механизмлари нуқтаи назаридан ифодаланмаган. Бу ҳол ўқув фаолиятини шакллантиришга доир ишлар билан предметлар бўйича кўникма ва малакаларни ўзлаштириш ўртасида узилиш мавжудлигидан далолат беради.

Бошланғич таълимдаги мақсадлар устунлигининг алмашинуви фақат предметлар ўртасидаги нисбат (асосий ва иккинчи даражалилик)нинг ўзгаришига олиб бормайди, балки шахсни камол топтириш вазифаларини кенгроқ ва тўлароқ амалга оширадиган янги, уйғунлашган курсларни ишлаб чиқишнинг асосини ҳам вужудга келтиради. Бундай курсларни ва уларнинг дастурларини ишлаб чиқиш ниҳоятда зарурдир.

Шулар билан бирга кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ёш имкониятларини ҳисобга оладиган ва уларда ўқув фаолиятини шакллантиришга қаратилган янги типдаги таълим воситаларига ўтиш жуда муҳимдир.

Муайян йўналишдаги (математика, тил, эстетик ва жисмоний тарбия ҳамда бошқаларга доир) мактабларга болаларни ёшидан қатъи назар қабул қилинади, яъни олти ва етти ёшли болалар фарқланмайди. Бунда асосий мезон кўриш ва эшитиш хотиралари, мантиқий фикрлаш ҳамда нутқдан иборат бўлади. Мана шу мезонларга кўра бошланғич мактабнинг асосий вазифаси: болаларга кузатиш, ўйлаш, ўқиш ва ёзишни, ўқилган ёки айтилган материалнинг асосий маъносини ажратиш ва таҳлил қилишни, муаммоли вазиятларни турли вариантларда ҳал этишни ўргатишдир. Синфнинг аҳволига мувофиқ ўқитувчининг энг муҳим вазифалари: ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришга тайёрлигини аниқлаш ва ривожлантириш; кейин ўқитишнинг индивидуал шакли методикасини ишлаб чиқиш, болаларнинг қобилиятлари ва ижодий қизиқишларини такомиллаштириш; уларнинг тафаккури ҳамда ўқитиш дастурини максимал даражада ўзлаштириш иқтидорини ўстириш; болаларнинг ўзига хос ва шахсий хусусиятларини ривожлантириш; уларни чуқурлаштириш; билимлар асосида мактабнинг ўрта звеносидаги ўқишга тайёрлашдир.

Ўзбекистон мактабларининг тажрибали ўқитувчилари болаларни нейро-психологлар экспресс-диагностик текшириш асосида танлаш методидан фойдаланадилар. Бу метод психология фанлари докторлари, профессорлар Б. Қодиров ва Э. Г. Симерницкая, доцент С. Охунжоновлар томонидан ишлаб чиқилди. Улар ўқув режасига ижодий тафак-

курни ривожлантириш дарсларини, таълимнинг иккинчи тили информатика, шахмат ўйини дарсларини киритадилар.

Ижодий тафаккурни ривожлантириш дарсларининг (ҳафтада 2 марта) вазифаси қуйидагилардан иборат эди;

1. Контурсия, пиктограмма тили бўйича машқлар орқали образли тафаккурни ривожлантириш, табиий объектларнинг ўхшашлиги бўйича ишлаш;

2. Системали ва мантиқий тафаккурни ривожлантириш (бунга ўзаро узоқ ўхшашликнинг боғланиши, «Ҳа-йўқ» ўйини, ЭҲМ билан мулоқот контурли топшириқларни топиш, «Циферблат — умумий тизим қисмининг системаси — системалар» ўйини киритилган;

3. «Яхши — ёмон» ўйини, эртақлардаги зиддиятларни излаш орқали диалектик тафаккурни ривожлантириш;

4. Табиатдаги ҳодисаларни бевосита кузатиш асосида болаларнинг диққатини табиат гўзалликларига жалб қилиш;

5. Эртақларнинг сюжетлари билан ишлаш, турли эртақларни таҳлил қилиш, табиатдаги ўхшашликларини боғлаш асосида кичик сюжетлар тузиш, бир эртақ объектини иккинчи эртақка кўчириш йўли билан сеҳрли сюжетлар ва эффектлар яратиш; эртақли масалаларни ҳал қилишда тасвирий санъат усуллари қўллаш.

Математика таълими жараёнига шахмат ўйини ва информатика дарслари жорий қилинган эди. Шахмат синфдаги ҳамма ўқувчилар учун мажбурий қилиб белгиланганди. Чунки шахмат орқали ўқувчиларда хотирани, хатти-ҳаракатнинг маълум мантиқини, ўйинда рақибининг мақсадини ҳисобга олиш кўзланган натижаларга эришиш учун ўзининг

ишларини режалаштириш кўникмаларини, меҳнат-севарлик ва батартибликни ривожлантириш мумкин.

Ўқувчилар I—IV синфларда ЭҲМ билан шуғулланиб, машқларни машинада ишлаш малакаларини ҳосил қиладилар, математика, табиатшунослик, меҳнат дарслари бўйича ўйин дастурларини ўзлаштирадилар, шунингдек, тест асосида психологик йўналишдаги ҳар хил машқларни бажарадилар.

Ўйин шаклида олиб борилган тил билан боғлиқ дарсларда таълимнинг иккинчи тилини ўрганишда асосан сўзларни, ибораларни эслаб қолишга, ўқиш ва ёзиш малакаларини шакллантиришга аҳамият берилди.

Ўқитишнинг гуманитар йўналишларини «Атрофимиздаги олам», тасвирий санъат, муסיқа ва рақс дарслари ташкил этди. Бундай дарсларнинг вазифаси ахлоқий ва эстетик тарбиянинг асоси бўлиб, чинакам инсонийлик сифатларини ва раҳмдилликни, инсон ва табиатнинг гўзаллигини кўра олишини ривожлантиришдан иборат эди.

Таълимдаги ноанъанавий ўқув жараёнининг ана шу хилдаги бойлиги тиббиётчилар ва психологлар томонидан доимий равишда назорат олиб борилишини талаб қилади.

Синф психологларининг асосий вазифаси болаларнинг ўқув жараёнига, психологик барқарорликка кўникишини аниқлашдан иборат эди. Психологлар дарсларга кириши; ўқувчилар ва оналар билан суҳбатлар ўтказишлари лозим. Улар тўплаган маълумотлар ўқув жараёнини олдиндан белгилаш имконини берадиган махсус дафтарларга мунтазам равишда ёзиб борилиши шарт. Синф психологининг яна бир вазифаси хотиранинг ривожлантиришга доир машғулотларни ўтказишдан иборат бўлиб, бу иш таълимнинг бошланғич звеносида жуда зарурдир.

ТЕНГЛАШТИРИШ СИНФЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Заиф ва ижтимоий ноқис болаларга табақали ёндошишни амалга ошириш, уларни методик мақсадга мувофиқ йўсинда ўқитиш психик соғлом ҳамма болаларга битта синфда таълим бериш имконини яратади.

Хусусан ана шу муаммо ҳал қилинмагани сабабли кейинги пайтларда селекция ишининг тузатиш синфлари деб аталадиган алоҳида шакли анча кенг тарқалди. Бундай синфларда ўқишда турли қийинчиликлар боис яхши ўзлаштирмайдиган, баъзан касалига нотўғри ташхис қўйилган болалар ҳам махсус жамланади.

Махсус мактаб жамоаларини ташкил этиш масалалари психологлар, тиббиёт ходимлари ва педагоглар томонидан қунт билан чуқур тадқиқ қилиниши керак. Бу тадбир ўқитиш, тарбиялаш ва камол топтириш натижаларини баҳолаб, ўқувчиларни навбатдаги синфга ўтказиш муаммосини ҳал қилишда энг муҳим аҳамиятга эга.

Мактабларда ўқув жараёнини ташкил этишга табақали ёндошиш учун тенглаштириш синфларини яратишнинг психологик жиҳатдан ҳам, педагогик жиҳатдан ҳам ўзига хос қийинчиликлари бор. Психологик йўсиндаги қийинчилик шундан иборатки, ўқитувчи учун қўли остидаги болаларнинг кимлигини, ички дунёсини ва улар билан қандай ишлаш кераклиги, нима учун шундайлигини дарров билиб олиш анча мушкулдир. Ўзлаштирмайдиган болаларда хотиранинг ҳамма тури паст бўлади ва уларга таҳлил қилишни, таққослашни ҳам умумлаштиришни алоҳида эътибор билан ўргатиш зарур.

Индивидуал ёндошиш хусусан тенглаштириш синфларидаги таълим ва тарбиянинг етакчи прин-

ципидир. Таълимда олға силжиш учун ўқитувчи жуда кўп меҳнат қилиши, хилма-хил машғулотларни индивидуал йўсинда амалга ошириш лозим бўлади.

Болаларни умумий таълим мактабидаги ўқув жараёнига қўшиш учун уларнинг билимлари, кўникма ва малакаларини тенглаштириш вазифасини ўқитувчи, тарбиячи ва ота-оналар ҳамкорликда уйдлашлари мумкин. Мазкур синфлардаги ўқувчилар билан ишлайдиган тарбиячи ўқитувчининг ишини давом эттириши, ҳар бир ўқувчига алоҳида-алоҳида ёрдам бериш учун махсус тайёргарликдан ўтиши керак.

Ўқитувчи болаларнинг чарчаб қолмаслигини эътибор билан кузатиб бориши зарур. Шунингдек, таълимнинг усул ва методларини пухта ўйлаб, ҳар бир болага индивидуал ёндошишни ҳисобга олиши даркор. Ўқитишнинг амалий ва назарий бўлимларини уйғунлаштириши, ақлий зўриқиш ва хордиқ чиқариш пайтларини навбатлаштириб бориши лозим.

БОШЛАНҒИЧ МАКТАБДАГИ ЎҚИТИШНИНГ ТАЪЛИМИЙ-ТАРБИЯВИЙ ВА КАМОЛ ТОПТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари амалга оширилаётган ҳозирги шароитда бошланғич таълим болаларни ҳар томонлама камол топтиришнинг асосини вужудга келтиради, уларда тез тушуниб, ифодали ўқиш, ҳисоблаш, ёзиш, равон сўзлаш ва маданий хулқ малакаларининг мустаҳкам шаклланишини таъминлайди. Бошланғич мактаб ўқишга ва ижтимоий-фойдали меҳнатга ҳалол муносабатни, Ватанга муҳаббатни тарбиялайди. Бошланғич синфларда ана шу вазифаларни бажаришнинг

йўлларида бири ўқитишнинг таълимий, тарбиявий ва камол топтириш функцияларини амалга оширишдан иборатдир.

Бошланғич мактабнинг ўқув дастурларида ўқитувчи ишининг ана шу йўналишлари ҳақида гап боради. Давлат дастурини бажариш — ҳар бир ўқув предметининг, таълимий, тарбиявий ва камол топтириш имкониятларини рўёбга чиқаришдир. Она тили дастурида саводхонлик, ўқиш, фонетика, грамматика ва чиройли ёзишни ўргатиш орқали болаларнинг нутқини ўстириш, инсон, табиат, ва жамият тўғрисидаги тасаввурини бойитиш, уларда ғоявий-сиёсий, ахлоқий ва эстетик тушунчаларни шакллантириш, мантиқий ва муайян образли фикрлашни ривожлантириш, ўқув машғулоти ва китобга қизиқиш уйғотиш вазифалари қўйилади.

Математиканинг таълимий имкониятлари ўқувчиларни тарбиялаш билан узвий боғлиқдир. Математика билан шуғулланиш болаларда илмий дунёқарашнинг асосларини таркиб топтиради, билиш қобилиятларини ривожлантиради, ўқишга ва меҳнатга ҳалол муносабатни, Ватанга муҳаббат туйғуларини тарбиялайди.

Табиатшунослик курсининг мазмуни кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда жонсиз ва жонли табиат, меҳнат аҳли тўғрисида, табиатнинг йил фаслларидаги ўзгаришлар, ундаги нарсалар ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги тўғрисида жузъий билимларни ҳосил қилади, уларни жонсиз ва жонли табиатини мунтазам равишда кузатишга ўргатади. Шахсий ва ижтимоий гигиеник малакалар билан таъминланади. Табиатшунослик болаларда табиатга муҳаббат уйғотади ва уни муҳофаза қилишга интилишни вужудга келтиради, мантиқий фикрлаш ва нутқини

ривожлантиради, кўникма ва малакаларни, меҳнат қилиш истагини, интизомлиликни, қатъиятлиликни ва ўзаро ёрдам каби фазилатларни шакллантиради, ватанпарварлик тарбиясида ёрдам беради.

Бошланғич синфлардаги «Меҳнат таълими» ўқув предмети ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш, уларни камол топтириш тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Меҳнат таълими дастури техник, маиший хўжалик меҳнатини ва турли материалларга бадиий ишлов бериш асосларини ўз ичига олади. Мана шу ўқув предмети меҳнат маданияти асосларини, ижтимоий-фойдали меҳнат бўйича дастлабки кўникма ва малакаларни шакллантиради, меҳнатсеварликни, меҳнатга тўғри муносабатни, тежамкорликни, табиатга ва ижтимоий мулкка эҳтиёткорона ёндошиш туйғуларини тарбиялайди, ғоявий-сиёсий, эстетик, жисмоний тарбияни амалга оширишда ёрдам беради, ижрочилик фаолиятига тайёргарлик билан бирга ижодкорлик қобилиятларини такомиллаштиради.

Жисмоний тарбия дарсларида ўқитиш, тарбиялаш ва камол топтиришнинг ўзаро боғлиқ масалалари қуйидагилардан иборат:

— ўсаётган организмнинг уйғун ривожланишига, соғлигини мустаҳкамлашга, чиниқишига ёрдам бериш;

— ахлоқий ва иродавий фазилатларини, хулқ маданиятини тарбиялаш;

— ўқувчиларни жисмоний маданият бўйича зарур билимлар билан қуроллантириш, уларда энг муҳим ҳаракат кўникмалари ва малакаларини ҳамда физкультура комплекси нормаларини топширишга тайёргарликни таркиб топтириш;

— ўқувчиларда асосий жисмоний сифатларни ривожлантириш, кундалик ўйинларга, жисмоний

машқларга, спортга барқарор қизиқиш ҳосил қилиш, ўзини жисмоний баркамол этишга эҳтиёжни тарбиялаш.

Ўқитиш жараёнида таълимий, тарбиявий ва камол топтириш функцияларини ажратиш билимларини ўзлаштириш ҳамда зарур шахсий сифатларни шакллантириш учун яхши шароитларни вужудга келтиради. Дарсда билимларни ўзлаштириш жараёнида қарашлар ва маънавий сифатлар ҳам шаклланади, албатта, яъни мазкур функцияларнинг бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги кузатилади. Масалан, агар бола дастур материални ўзлаштиради, мустақил фикрлаши етарли даражада ривожланмаганидан қатъи назар, унга юқори баҳо қўямиз. Ва аксинча, мустақил ҳолда ва ишонч билан мушоҳада юрита оладиган ўқувчи дастур материални етарлича ўзлаштирамаган бўлса, ижобий баҳо ололмайди. Ўқитувчининг ўқитиш функциялари ўзаро боғлиқлигини чуқур тушуниш унга дарснинг таълимий, тарбиявий ва камол топтириш вазифаларини ижодий йўсинда қўйиш ва ҳал қилиш имконини беради.

Бошланғич мактабдаги ўқитишнинг таълимий функцияси мазмуни предметлари бўйича ўқув дастурида қайд қилинган билимлар кўникмалари ва малакаларининг мажмуидан иборат бўлади. Ана шу билимларни ўзлаштириш I, II, III синфни, бошланғич мактаб ва ҳоказоларни битиргач, муайян даражадаги маълумотлиликни таъминлайди.

Ўқитишнинг таълимий функциясини амалга ошириши жараёни билимларнинг ва улар асосида шаклландирган кўникмалар ҳамда малакаларнинг характериға боғлиқдир.

Болаларнинг ўзларига мос қонуниятлар, тушунчалар, қоидалар ва таърифларини ўзлаштириши

билан боғлиқ назарий билимлар ўзларининг билиш фаолиятини ташкил этишнинг маълум шакллари-ни талаб қилади. Бунда фикрлашнинг мавҳум шакллари устун бўлади. Ўқувчи муҳим белгиларни ва асосий қоидаларни ажрата билиши керак. Унга билимлардаги тизимни топишни ўргатиш лозим, ана шундагина ёдланган қоидалар ва таърифлар юзаки бўлиб қолмайди. Ўқувчи назарияни тушунарли фактлар, шахсий тажриба, амалий ишлар асосида ўзлаштиради. Лекин билиш фаолиятининг самарадорлиги қандай фактлар ва мисолларни эслаб қолгани билан эмас, балки ана шу фактлар асосида тушунчанинг муҳим белгиларини қанчалик ажрата олгани, таърифлар ва қоидаларни англагани билан белгиланади. Масалан, III синфдаги она тили дарсида ўқитувчи болаларни сўз туркумларидан «От» билан таништиради. Ўқувчи иккита белги: сўз предметни билдириши ва сўз (ким? нима? деган) саволларга жавоб бўлиши асосида ана шу сўз туркумини ажратади. Бунда асосий вазифа мазкур муҳим белгилар билан иш кўра олишдир. Шу тариқа боланинг онгида назария вужудга келади.

Ўқувчи учун фақат, айтайлик, «дарахт», «уй», «трактор» каби хусусан отга тааллуқли сўзлардан мисоллар келтириш муҳим эмас, балки энг муҳими ўрганилган иккита белги асосида мана шу сўзлар нима учун отга тааллуқли эканини тушунтира олишдир.

Баъзан ўқувчи дарсда фаоллик кўрсатади. Предметни билдирадиган сўзлардан ҳар хил мисоллар келтиради. У ана шу сўз туркумини яхши ўзлаштиргандек туюлади. Лекин унинг жавоблари назарий жиҳатдан дастлабки билимлар ва илгари ажратилган иккита белги асосида сўзларни таҳлил қилишнинг натижаси эмас, балки ўртоқларига тақлид қилишдан иборат бўлиши мумкин.

Ўқитишнинг таълимий функциясининг ана шу томонини амалга ошириш жараёнида бола ўқув материалининг назарий дастурини ўзлаштиради.

Ўқитишнинг таълимий функцияси мазмунининг бошқа бир жиҳати фактли ўқув материални ўзлаштиришдир. Бунда кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг билиш фаолияти бошқача характер касб этади ва энг муҳими турли фактларни, ҳодисаларни ҳамда уларни системалаштиришни билишдир. Масалан, II синфдаги табиатшунослик дарсида болалар кузатишлар орқали кузнинг белгилари: совуқ тушиши, ёғингарчилик, дарахт баргларининг тўкилиши, ўт-ўланларнинг қуриб сарғайиши, қушларнинг учиб кетиши, ҳовузлардаги сувларнинг музлаши ва ҳоказолар билан танишадилар. Бунда дастлабки белгиларни эслаб қолиш, кейин улар ҳақида синфга ва ўқитувчига сўзлаб беришнинг ўзи етарли эмас. Энг муҳими боланинг кузатишларини, унинг шахсий тажрибасига, табиатдаги кузги ўзгаришларни кузатишга доир билимларини системалаштиришдир. Кузнинг белгиларини пухта билиш болага муайян маълумотларни, таассуротларни системалаштиришда ёрдам беради.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи ўзлаштирган билимлар маълум назарияга боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундай билимлар одатда, ёзувчилар, шоирлар, мусиқачилар, олимлар, ишчилар ва бошқаларнинг ҳаётига оид маълумотлардан иборат бўлади. Ўқитишнинг таълимий функциясининг ана шу томонини амалга ошириш жараёнида асосий иш боланинг илгари билмаган фактлар ва ҳодисаларни эслаб қолишидир.

Шундай қилиб, ўқитишнинг таълимий вазифасини амалга ошириш ўқувчиларга бериладиган билимларнинг характерига боғлиқ. Бошланғич мактабдаги ўқитишнинг таълимий функциясининг

мазмунни ўқув предметлари бўйича, дарслар ўрганиладиган мавзулар бўйича тақсимланади. Масалан, I синфдаги математика ўқув дастурида (I—IV синфлар) 1 дан 10 гача сонларни ўрганишга 34 та дарс, 1 дан 20 гача сонларни ўрганишга 12 та дарс, қўшиш ва айиришга 62 та дарс ажратилган.

Ўқув материални ана шу йўсинда тақсимлаш дарснинг таълимий вазифаларини қўйиш ва амалга оширишда ёрдам беради. Аввало дарсда мазкур вазифаларнинг қўйилишини осонлаштиради, ўқув материалнинг муайянлигини, аниқлигини таъминлайди. Ўқитувчи дарсни бошлашдан олдин ўқув материалнинг ана шу дарсда тушунтириши лозим бўлган қисми билан, дарсликнинг бу материал ёритилган қисмининг мазмунни билан танишади.

Мана шуларга таяниб дарснинг таълимий вазифасини ифодалаш қийин эмас, масалан: ўқувчиларга ўнгача тўғри ва тескари санашни ўргатиш; от тушунчасини бериш; кузнинг белгиларини тушунтириш ва ҳоказо. Таълимий вазифа қанчалик аниқ белгиланса ва у дарсда олинган ўқув материалга қанчалик мувофиқ бўлса, дарсда ўқитиш методини танлаш шунчалик осон бўлади.

Ҳар бир муайян дарсда таълимий вазифа қўйилади ва амалга оширилади. Лекин бир дарсда битта юқоридаги каби вазифа қўйилса, иккинчи дарсда бошқа вазифа қўйилади ва ҳоказо. Таълимий вазифалар мажмуи ўқитувчининг ўқитиш функциясини ташкил қилади.

Ўқитишнинг таълимий вазифаси мажмуи ҳам берилган билимлар асосида шаклландиган кўникмадан иборат бўлиб, билимларнинг характери тегишли кўникмалар билан белгиланади. Қуйидаги етакчи кўникмаларни алоҳида ифодалаш мумкин: муайян ўқув предметининг назарий материали асосида шаклландиган ва унинг ўзига хослигига мувофиқ кўникмалар (масалан, сўз туркумларининг белгиларини

топиш кўникмаси) натурал қатор сонларни (10 дан ва тескарисига) айтиш, кўшиш, бўлиш компонентларини таърифлаш кўникмаси; йил фаслларининг белгиларини фарқлаш кўникмаси шулар жумласига киради.

Бошқа кўникмалар фактли материалларни ўзлаштириш билан боғлиқдир. Бунда болага мавжуд фактлар ва маълумотларни мустақил ҳолда тизимлаштиришни, ҳар хил, мисоллар келтиришни, қоида ва таърифларни тушунтиришни, масалан, I синфда ўқилган матн бўйича саволларга жавоб қайтариш ва расмларга қараб унинг мазмунини гапириб беришни, расмлар бўйича ҳикоялар тузишни, ўқилган асарнинг сарлавҳасини изоҳлашни ўргатиш ғоят муҳимдир.

Бошланғич мактабдаги таълимий вазифанинг мазмунига, хотиранинг фаолиятига боғлиқ кўникмалар: ўқитувчининг талаби ва ўз хоҳиши бўйича ёдлаш, кейин ўрганилган шеърни эслаш, ўқувчилар, бастакорлар ва уларнинг асарлари ҳақида гапириб бериш ҳам киради.

Бошланғич синфлардаги таълимий вазифаларни амалга ошиши ўқитувчи ўрганиладиган билимларнинг ва шаклланадиган кўникмаларнинг хусусиятларини қанчалик кўра олишига боғлиқдир.

Ўқитишнинг тарбиявий вазифаси ўқувчиларда ижобий қарашлар ва эътиқодларни, ахлоқийлик иродалилик ва ҳиссиётларни шакллантиришдан иборатдир. Ўқитувчи ҳар бир дарсдаги ўқув материалини ўргатиш жараёнида тарбиявий вазифанинг маълум бир томонини амалга оширади. Масалан, II синфда болалар ўз тенгдошларининг ишлари, уларнинг дўстлиги, ўзаро ёрдами, одамларга диққат-эътибори ва меҳрибонлик муносабати тўғрисидаги ҳикоялар ва шеърларни ўқийдилар. Мана шундай дарсларда уларда ахлоқийлик хусусиятлари шаклланади.

Дунёқараш, шахсинг ахлоқий фазилатлари, ҳиссиётлар, ирода хислатлари ва ҳоказоларнинг таркиб топиши узлуксиз жараён бўлиб, уни аниқ чекланган қисмларга ажратиш мумкин эмас. Масалан, битта дарсда ҳалолликни таркиб топтириш ёки дунёқарашни шакллантириш вазифасини тўла амалга ошириб бўлмайди.

Тарбиявий функцияни амалга оширишни қандай қилиб бошқариладиган жараён қилиш мумкин? Бунда тарбиявий вазифалар ёрдам беради. Одатда улар битта дарс доираси билан чекланмайдиган дарслар тизимига мўлжалланган бўлади. Тарбиявий вазифаларни амалга ошириш бола шахсининг ривожланишини, унда ижобий сифатлар ва хусусиятлар шаклланишини кучайтиради.

Шулар сабабли тарбиявий вазифаларни қўйиш анча мураккаб ишдир. Тарбиявий вазифа ўқувчида шахсни муайян сифатларини такомиллаштиришга қаратилиши лозим. Масалан, II синфдаги табиатшунослик дарсида табиатнинг баҳордаги ўзгаришлари ўрганилар экан, ўқитувчи кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда дунё ҳақида тасаввур ҳосил қилиш билан боғлиқ тарбиявий вазифани қўяди. Бу вазифа қўйидагича ифодаланади: кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда атроф-оламдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилинади. Бундай вазифалар ўқувчига ўзи ўрганидиган ҳодисалар, воқеалар ва нарсалар орқали дунёнинг манзарасини тасаввур этиш имконини берадиган методни танлаш учун асос бўлади.

Бунда боланинг баҳор пайтларида табиатда рўй берадиган ўзгаришлар ҳақида маълумотлар асосида атрофдаги оламини тасаввур этишга ҳаракат қилиши, баҳорда нималар бўлишини айтиш билан чек-

ланмай, ҳақиқий воқеликни, нарсалар, ҳодисалар ва воқеаларнинг ўзаро боғлиқлигини кўз олдига келтириши ҳам жуда муҳимдир. Маълумки, ўқувчи билиш фаолиятининг характери дарсда таълимий вазифани амалга оширишдагига қараганда тарбиявий вазифани амалга ошириш анча мураккаб, зиддиятли бўлади. Ўқув дастурида тарбиялаш жараёнини ҳар бир алоҳида дарс учун қисмларга бўлиш назарда тутилмайди. Шунинг учун одатда маълум мавзунини ўрганишда тарбиявий вазифа қўйилади.

Тарбиявий вазифанинг натижалари таълимий вазифанинг натижалари каби муайян, аниқ қилинадиган бўлмайди. Тарбиявий вазифа ҳар бир ўқувчида турли даражада амалга ошади.

Масалан, кузатиш кундалигини юритиш она табиатга муҳаббат уйғотади. Бошланғич мактабда ана шу хилдаги ишларни бажаришда бу тарбиявий вазифа берилади. Лекин бир ўқувчи фаолиятнинг бу турини табиат ҳодисаларини кузатиш кундалигини мунтазам равишда тўлдириб бориш ва ўқитувчининг мақтовини эшитиш, ҳамда яхши баҳо олишдан иборат деб биллади; иккинчи ўқувчида табиатдаги ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва улар бир-биридан келиб чиқиши ҳақида тушунча ҳосил бўлади; учинчи ўқувчида кузатиш натижаларига боғлиқ ҳолда қишлаб қоладиган қушларни боқиш, ўсимликларни парваришлаш, чуғурчуқлар учун инлар қуриш истаги пайдо бўлади. Аммо у ўзининг ана шу истакларини аҳён-аҳёнда амалга оширади ёки улар яхши ниятлигича қолиб кетади. Яна баъзи ўқувчилар учун бундай истаклар мустақил ҳолда амалий фаолиятга асос бўлади ва шу тариқа ўқитувчи қўйган тарбиявий вазифалар ўзининг тўлароқ ифодасини топади.

Дарснинг тарбиявий вазифалари ўқувчи шахсида муайян ахлоқий, эстетик, эмоционал ва иродавий сифатлар ҳамда хусусиятларини шакллантириш учун объектив шароитларни вужудга келтиради.

Бошланғич таълимдаги камол топтириш вазифасининг мазмуни билиш жараёнини фаоллаштириш, фикрлаш мантиқини, тафаккур усулларини, мушоҳада юритиш ва хулосалар чиқаришни ўзлаштиришдан, ўқишга ва атрофдаги оламни билишга қизиқишни шакллантиришдан, ўқишнинг ижобий мотивларини вужудга келтиришдан иборатдир.

Кўпинча дарсда ўқитувчи ўқитишнинг камол топтириш вазифасининг қандайдир бир томонига эътибор беради. Масалан, билиш жараёнини фаоллаштириш мақсадида зийраклик ва идрокни оширадиган вазифаларни қўллайди ёки математика масалаларини ечиш орқали анализ ва синтез усулларини шакллантиради ёки ўқув машғулотини қизиқарли шаклда ўтказиш воситасида ўқишнинг ижобий мотивларини вужудга келтиради.

Ҳар қандай ўқув материални ўрганиш ўқувчининг камол топишига, ундаги фикрлаш мантиқининг, билиш кучлари ва ўқиш мотивининг ривожланишига таъсир кўрсатади. Аммо дарснинг камол топтириш вазифаси қанчалик кам ифодаланса, ўқитувчи уни шунчалик кам англайди ва ўқувчининг камол топиши ҳам шунчалик тасодифан ва кутилмаган ҳолда амалга ошади. Ва, аксинча, ўқитувчи камол топтириш вазифасини қанчалик яққол кўрса ва англаса, дарсда ўқувчининг камол топишини шунчалик тўғри бошқариш мумкин бўлади.

Дарсдаги камол топтириш вазифаларининг мажмуи ўқитишнинг камол топтириш вазифасини олдиндан кўзлаган ва бошқариладиган жараёнга айлантиради.

Ўқитишнинг камол топтириш вазифасини амалга ошириш ўз структураси бўйича тарбиявий вазифани амалга ошириш билан ўхшашдир. Тарбиявий вазифани амалга оширишдаги сингари камол топтириш вазифасини амалга оширишда ҳам энг муҳими ўқувчининг камол топишига муайян интилишларни шакллантиришдир. Битта дарсда анализ ва синтезнинг мантиқий усуллари, мавҳум фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, фаол ва мустақил фикрларни шакллантириш вазифасини қўйиш ва амалга ошириш мумкин эмас. Лекин мана шундай вазифаларни дарслар тизимидаги маълум мавзунинг ўрганишда ҳам, ҳар бир дарсда ҳам қўйиш зарур. Дарснинг камол топтириш вазифаларини амалга ошириш доимий равишда маълум ғояларни режалаштириш ва фикрлаш мантиқини, фаоллик ва билишга қизиқишни ривожлантиришдан иборатдир.

Камол топтириш вазифасини амалга ошириш натижаларини башорат қилиш қийин, лекин уларни мулжаллаш, ҳар ҳолда камол топтириш йўлини олдиндан кўриш ва ўқувчи ана шу йўлдан ўқитувчининг ниятига, педагогик назоратига ва ўқув материалининг мантиқига мувофиқ йўсинда боришини кўзлаш керак. Масалан, ўқитувчи болаларга иншо ёзиш жараёнида мустақил фикрлашни ўргатиш вазифасини қўйди. Бу вазифани қандай қилиб амалга ошириш керак? Одатда болалар расмга қараб матнни батафсил ёзадилар. Унинг мазмунини таҳлил қиладилар, грамматик ва услубий хатоларга йўл қўймаслик учун маълум сўзларга ва гапларнинг турли вариантларига мурожаат этадилар. Бундай шароитда бола мустақил фикр-мулоҳаза юритмайди, у асосан ўқитувчининг характерига тақлид қилади.

Шунга кўра ўқувчи учун у тавсия этган моделлар ва намуналарга камроқ боғлиқ бўладиган шароитларни яратиш керак.

Бундай шароитларга чинакам табиий ва ижтимоий ҳодисаларни кузатиш асосида иншолар ёзиш энг мувофиқдир. Мисол тариқасида Тошкент шаҳридаги мактаблардан бирининг II—III синфларида «Пахта даласи» мавзуси бўйича ёзилган иншони кўриб ўтайлик. Болаларга иншони қуйидаги режа асосида ёзиш тавсия этилди: 1. Пахта даласининг умумий кўриниши. 2. Даладаги айрим ҳодисалар. 3. Менинг пахта даласига муносабатим.

Болалар аввал далага чиқадилар. У ерда табиатдаги ўзгаришларни кузатадилар. Сўнгра мактабга қайтиб, таассуротларини ва ишлатилиши мумкин бўлган гапларни таҳлил қилмай, иншони ёзишга киришадилар. Бу метод мустақил фикрлаш ва мушоҳада юритишни вужудга келтиради, бунинг далилини иншонинг матнларида яққол кўриш мумкин. Ҳар бир бола ўзи кузатган, тасаввур этган ва эслаб қолган нарсаларни тавсифлашга тиришади. Лекин изланишда ҳиссий образларнинг бойлиги ва хилма-хиллиги намуна ёки модель бўйича дуч келган ибора билан ифодаланавермайди.

Болаларда мустақилликка ва ижодкорликка иштиёқни шакллантириш ниҳоятда муҳимдир. Ҳар қайси болада ана шу иштиёқ турлича (кўпроқ ёки камроқ) даражада вужудга келади, аммо уларнинг ҳаммасида намоён бўлавермайди. Шунга кўра кўриниш ўқитишнинг камол топтириш вазифаси олдиндан пухта ўйлаб, мўлжал билан амалга оширилади.

Шундай қилиб, ҳар бир дарсда ўқитишнинг учта: таълимий, тарбиявий ва камол топтириш вазифа-

лари у ёки бу даражада қатнашади ҳамда амалга оширилади.

Уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бирлиги зиддиятлидир. Агар ўқитувчининг фаолияти дарснинг таълимий вазифасини амалга оширишга қаратилса, у ўқувчининг билиш фаолиятида асосий ўринни эгаллайди. Бундай ҳолда ўқитишнинг бошқа вазифалари, яъни тарбиявий ва камол топтириш вазифалари ҳамда уларга мувофиқ топшириқлар мазкур дарсдаги ўқув жараёнининг ёрдамчи, қўшимча компонентлари ҳисобланади. Масалан, ўқитувчи дарсда ўқиш техникасини ўргатса, китобга муҳаббат уйғотиш ва ўқилган нарсаларга қизиқиш ҳосил қилиш ёрдамчи, қўшимча вазифа бўлади.

Борди-ю, дарсда ўқитувчининг фаолияти тарбиявий вазифани бажаришга қаратилса, таълимий ва камол топтириш вазифалари ҳамда уларга мувофиқ топшириқлар ўқитиш-тарбиялаш жараёнининг ёрдамчи компонентларига айланади. Масалан, дарсда ўқитувчи ўқилган материалнинг маъноси устида ишласа, асарнинг мазмунига эстетик, ҳиссий муносабатни шакллантирса, ўқиш техникасини ўргатиш ёрдамчи вазифа бўлади.

Ниҳоят ўқитувчи дарсда асосий диққат-эътиборини ўқитишнинг камол топтириш вазифасини амалга оширишга жалб этса, таълимий ва тарбиявий вазифалар унга нисбатан ёрдамчи мавқега эга бўлади. Масалан, математика дарсда ўқитувчи болаларга зийраклик ва топқирликни ривожлантирадиган топшириқлар, муаммоли саволлар берса, дидактик ўйинларни тавсия қилса, камол топтириш вазифаси етакчи бўлади. Ҳисоблаш малакаларини, математик операцияларни ўргатиш эса ёрдамчи вазифага айланади.

Ўқитувчининг мажбурияти ана шу дидактик боғланишни кўра олишдир. Ҳар гал вазифаларнинг етакчилик ҳолатини ва уларга тааллуқли топшириқларни ўзгартиришса ўқувчи билиш фаолиятининг характери ҳам ўзгаради.

Масалан, дарснинг назарий материални ўзлаштириш билан боғлиқ таълимий вазифаси ўқувчининг мавҳум фикрлаши асосида амалга оширилади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчида дунё ҳақидаги тасаввурларни шакллантирадиган тарбиявий вазифа ҳиссий образлар асосида ҳал қилинади. Дарснинг камол топтириш вазифаси мантиқий операцияларни шакллантиришга қаратилади ва у ўқувчидан муайян намуна бўйича фикрлар ва мулоҳазалар тузишни талаб қилади. Ана шу нуқтаи назардан ўқитувчи ўрганиладиган мавзу бўйича ҳар бир дарсни ўтказиш тизимини ўйлаб бўлади.

Дарснинг таълимий, тарбиявий ва *камол топтириш* вазифаларининг турларини, шунингдек, уларни амалга ошириш усулларини излаш бошланғич таълим методикаси ва амалиётининг такомиллашувига ёрдам беради. Ўқитувчининг ўқитиш жараёнида таълимий, тарбиявий ва камол топтириш вазифаларини амалга ошириш йўлларини билиши уларнинг ижодкорлик ва педагогик маҳорат билан ишлашини таъминлайди.

ДИДАКТИК ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

Умумий дидактика битта методдан эмас, балки, турли методларнинг бутун бир тизимидан фойдаланиб, таълимнинг ўз тадқиқоти мавзуси билан, яъни унинг дидактик тизимларининг мақсадлари, мазмуни, жараёнлари, принциплари, методлари, ташкилий шакллари ва воситаларини ўрганиш би-

лан бевосита ёки билвосита боғлиқ ғоят муҳим жиҳатларини ёритади. Ўқитиш жараёнининг турли жиҳатларини тизимлаштириш, таққослаш ва таҳлил қилиш улар орасидаги миқдорий ҳамда сифатий боғланишларни аниқлаштириш имконини беради. Ана шу боғланишлар туфайли дидактикада амалий ўқув жараёнида кузатиладиган белгилар ва ҳодисалар (нарсаларнинг ҳолати, жараёнлар) ўртасидаги объектив мавжуд барқарор алоқалар ва муносабатлар аниқланади ва таърифланади. Бундай алоқалар ва боғлиқликлар сабаб-натижа, структуравий ёки функционал характерга эга.

Сабаб-натижа алоқалари, масалан, ўқитувчи бажарадиган дидактик ишларнинг маълум мажмуи (сабаб) билан ўқувчиларда рўй берган ўзгаришни акс эттирадиган янгиликлар (натижа) ўртасида вужудга келади. Иккита (ёки ундан ортиқ) ҳодиса биргаликда кўриниб, нисбатан барқарор структура ҳосил қилишини структуравий алоқалар дейилади. Мана шу қонуниятнинг далили сифатида ўрта мактаблардаги икки йиллик кўрсаткичлари ортиб бораётган синфларда ўқувчиларнинг кўпайиб бораётганини айтиш мумкин. Ва ниҳоят функционал боғлиқлик тадқиқ қилинаётган ҳодисанинг айрим характеристикалари билан бошқа характеристикаларининг ўзгариши ўзаро мувофиқ вазиятларда вужудга келади. Мана шу хилдаги боғлиқликнинг мисоли сифатида олий ўқув юртларидаги деҳқон ёшлари салмоғининг камайиши ёки кўпайиши худди ана шундай ёшларнинг умумий таълим мактабларидаги салмоғи камайиши ёки кўпайишига пропорционалигини кўрсатиш мумкин.

Дидактик тадқиқотларда таълим жараёнига боғлиқ ишлар ва ана шу жараёнда амалга ошадиган

шароитлар кўпинча эркин ўзгарувчан ишлар сифатида, шу билан бирга улар орқали эришиладиган натижаларни одатда боғлиқ ўзгарувчан натижа деб ифодаланади.

Маълум қонуниятларни ойдинлаштирадиган ва уларни барқарорлаштириш ҳамда педагогик иш нормаларини белгилашда ёрдам берадиган дидактик ҳодисаларни ўрганишда кузатиш, педагогик эксперимент, интервью олиш, анкеталаштириш, педагогик ҳужжатларни таҳлил қилиш, статистик таҳлил методларидан фойдаланилади. Бундай ҳолларда дидактиклар тадқиқот ишини кузатиш, психологик ва дидактик тестлар, саволнома-интервью, саволнома-анкета, нисбатлар шкаласи каби воситаларини кенг қўллайдилар.

Кузатишнинг моҳияти дидактик ҳодисалар ва жараёнларни мақсадга мувофиқ равишда, режа асосида ва мунтазам ўрганишдан, уларнинг ўзгаришини ҳамда ўзаро алоқаларини аниқлашдан иборатдир. Кузатишларни бевосита ва билвосита амалга ошириш мумкин. Биринчи ҳолда мазкур дидактик жараённинг табиий ривожланиши кузатилиб, режага мувофиқ маълумотлар тўпланади. Ана шу жараёнда кузатувчининг ўзи ҳам қатнашса, масалан, дарс ўтса, иштирокчи кузатиш дейилади. Иккинчи ҳол, яъни билвосита кузатиш ҳодисаларни ёки барқарор жараёнларни техник воситалар, стенограммалар, баённомалар ва ҳоказолар ёрдамида мақсадга мувофиқ равишда, мунтазам тадқиқ қилишга таянади.

Кузатиш методи самарадорлигининг ва уни қўллаш тўғрилигининг энг муҳим шарти кузатишларнинг мақсадини аниқ белгилаш ва улар учун айнан мос, яъни кузатувчига маълумотларни режа

асосида ва мунтазам равишда тўплаш имконини берадиган жойларни танлашдир. Шунингдек, кузатишларнинг натижаларини кинога олиш, магнитофон лентасига ёзиш, стенограммага кўчириш ва бошқа йўллар билан мустаҳкамлаш ҳам дидактик тадқиқотлар учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу тадбир мазкур жараённи ёки ҳодисани кўп марта такрорлаш ва турли нуқтаи назардан таҳлил қилиш имконини яратади.

Кузатиш ёрдамида олиб бориладиган тадқиқотларда кузатувчи эркил ўзгарувчини алмаштира олмайди, чунки бундай ўзгарувчи унга боғлиқ бўлмайди. Шу билан бирга эркил ўзгарувчи ҳам, эркиз ўзгарувчи ҳам тегишли тадбирлар ёрдамида белгиланиши мумкин.

Эксперимент кузатишдан фарқланади. Кузатиш тадқиқотчининг мақсадларига дахлсиз ҳолда ва унинг қандайдир йўсинда аралашувисиз рўй берадиган ва амалга ошадиган ҳодисалар ҳамда жараёнларни ўрганишдан иборатдир. Эксперимент эса тадқиқотчи онгли равишда вужудга келтирадиган ва ўзи назорат қиладиган ҳамда ўзгартирадиган шароитда кечадиган ҳодисалар ҳамда жараёнларни ўрганишга ҳаракат қилади. Бошқача айтганда, эксперимент билан кузатиш ўртасидаги тафовут кўрилатган ҳодисалар ва жараёнларнинг вужудга келишида, уларнинг тадқиқот учун атайин келтириб чиқарилганида ёки, лоақал улар кечадиган шароит ўзгартирилганида (эксперимент) ва ёки улар тадқиқотчининг мўлжалига дахлсиз ҳолда пайдо бўлишида (кузатиш)дир. Агар масалан, кимдир ўқувчиларнинг улар учун янги вазиятлардаги ўзи кузата олган хатти-ҳаракатларини таърифласа, буни кузатиш методидан фойдаланиш, дейилади, бор-

ди-ю, ана шу вазиятларни тадқиқотчининг ўзи ўқувчилардаги таассуротни ўрганиш учун атайин вужудга келтирган бўлса, буни тадқиқотчининг эксперимент ўтказиши дейилади.

Шундай қилиб, эксперимент ҳодисалар ёки жараёнларнинг вужудга келиши ёки уларнинг боришидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, бундай ўзгаришлар мазкур ҳодиса ёки жараёнларга қандайдир янги омилни ва кузатишни киритиш ҳисобига содир бўлади. Ана шу янги омил тадқиқотдаги эркили ўзгарувчи бўлади ва ундан келиб чиқадиган ўзгариш эса эркисиз ўзгарувчилар ҳисобланади. Умуман экспериментнинг моҳияти эркили ўзгарувчини (эркили ўзгарувчиларни) манипуляция қилиш имкониятидан, ана шу манипуляция натижасида рўй берган ўзгаришларни назорат қилиш имкониятидан, тадқиқотларга жалб этилган шахслар ва гуруҳларни танлашдан иборат, дейиш мумкин.

Педагогик экспериментни лаборатория эксперименти шаклида олиб борилса, мазкур жараён ўзи учун махсус яратилган шароитда вужудга келади ёки ўзгаради; агар табиий эксперимент шаклида олиб борилса, унинг учун типик шароитда тадқиқот ўтказилади. Олимлар тадқиқотларга киришишда ифодалайдиган иш гипотезалари лаборатория экспериментига ҳам қамралган ҳодисалар ёки жараёнларни тахминан тушунтиришдан иборат бўлади. Ана шу хилдаги гипотезаларни кузатишларда ҳам қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Педагогик эксперимент умумий дидактика ўз тадқиқотларида фойдаланиладиган методлар жумласига киради. Шу билан бирга у бирмунча чеклангандир. Бундай эксперимент воқеликнинг барқарор элементларини билишни таъминласа ҳам,

умуман воқеликнинг ривожланишини, унга хос узлуксиз ва такрорланмас ўзгаришларни ана шу йўсинда муваффақиятли тадқиқ қилиш имкониятини бермайди. Ваҳоланки, таълим-тарбия жараёнида хусусан бундай воқеликка жуда кўп дуч келинади.

Кузатишлар ва эксперимент орқали олиб бориладиган тадқиқотларда ўзгарувчиларнинг қийматини ўлчашга ёрдам берадиган асосий воситаларнинг бири тестлардир.

Дидактик тестлар ҳар хил йўсинда текширишларга, ёзма ишларга ва ўқитиш натижаларини назорат қилишнинг оғзаки шаклларига ўхшайди ва экспериментал тадқиқотларнинг натижаларини баҳолиш учун хизмат қилади. Тестли тадқиқотлар ўқитиш натижаларини назорат қилиш ва баҳолашнинг бошқа усулларида ўзининг аниқлиги ва объективлиги, шунингдек, ўлчаш учун қулайлиги билан фарқланади.

Дидактик машғулотларда аввало ўқиш, ёзиш, оддий арифметик операциялар каби жузъий кўникмаларнинг тестлари ҳамда юқори синфлардаги ўқувчиларни ва талабаларни текширишда ёрдам берадиган билимлар ва кўникмаларнинг турли тестлари қўлланилади.

Баъзан дидактик тестларни касбий (стандартлаштирилган) ва ўқитувчилик тестларига ажратилади. Касбий тестлар тегишли мутахассисларнинг тайёрланишини, диагностика назариясидан келиб чиқадиган жуда кўп шартларини бажарилишини, шунингдек, стандартлаштириш мақсадлари учун зарур узоқ муддатли текшириш тадқиқотларини талаб қилади; ўқитувчилик тестлари ҳам гарчи тўғри диагностика ва статистика шартларига жавоб бе-

риши лозим бўлса-да, ўзлари ўтказган машғулотларда эришилган таълимий натижаларни тадқиқ қилувчилар томонидан тузилиши мумкин эмас. Лекин бундай тестлар стандартлаштирилган тестларнинг характерига эга бўлмайди.

Психологик тестлар, аввало қобилият ва шахс тестлари ўқувчиларнинг умумий ақлий иқтидорига, характер хислатларига, ҳиссий кечинмаларига, хулқ мотивларига доир ахборотлар олишни таъминлайди. Кўпинча бундай ахборотлар ўқиш натижаларининг ва хусусан ўқувчилар дуч келадиган қийинчиликларнинг психологик боғлиқлигини тушунтириш учун фоят фойдали бўлади.

Дидактик тадқиқотларда муайян шахслар эгаллаган билим тўғрисида, шунингдек, ударнинг маълум ҳодиса ва жараёни баҳолаши тўғрисида ахборот олиш зарурати туғилса, интервью ва анкетадан фойдаланилади. Интервью олиш ҳар хил шаклда ўтказиладиган суҳбатларнинг ўзида ахборотлар тўплаш имконини беради. Масалан, эркин суҳбатнинг мазмуни тадқиқотнинг мақсадига кўра белгиланади. Тадқиқотчининг олдиндан ҳисобга олинган муаммо бўйича ўтказиладиган суҳбатида саволларнинг шакллари бўлмайди. Ниҳоят, бошқариладиган суҳбат давомида тадқиқотчи аниқ ифодаланган қатор саволларга ўқитувчиларнинг оғзаки жавобларини кутади. Бошқариладиган суҳбат шаклида интервью олишдан илгари тадқиқотчи саволнома тузади ва у биринчи ҳолда ўқитувчининг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ саволлар рўйхатидан иборат бўлади, иккинчи ҳолда эса барча текширилаётганлар учун бир хиллигича қолади. Бошқариладиган суҳбат ва маълум муаммо бўйича суҳбат шаклидаги интервью олиш эркин суҳбат шаклидаги интервью

олишдагига нисбатан тўлароқ ва объективроқ маълумотлар тўплаш имконини яратади. Анкеталар тузилган саволлар рўйхати (анкета саволномаси) ёрдамида шахсларнинг танланган доирасидан керакли ахборотларни олиш имкониятини яратади. Интервью ва анкета методларидан вақт-вақтида тасодий ва нотўғри жавобларни бартараф этиш учун бир йўла фойдаланилади.

Педагогик ҳужжатларни таҳлил қилиш дидактик тадқиқотларнинг қуйидаги методига боғлиқдир. Бу метод ўқув дастурлари, мактаб дарсликлари ва журнали, педагогик кенгаш баённомалари ва ўқитувчиларнинг ёзувларида, шунингдек, тиббий ёки психологик текшириш натижаларига доир ҳужжатларда ифодаланган ахборотлардан фойдаланишга хизмат қилади. Бундай ахборотлар таълимнинг мазмунига, ўқувчилар атрофидаги муҳит (оила, мактабдан ташқари тенгдошлар гуруҳи)нинг хусусиятларига, уларнинг хулқи, соғлиғи, психик ҳолати, тарбияланишининг қийинлиги ва ҳоказоларга доир маълумотлардан иборат бўлади. Ўқувчилар фаолиятининг турли натижалари: ёзма ишлар, шеърлар, кундаликлар, расмлар, бадий ва мусиқий асарлар (магнитофон ленталарига ёзилган ҳолда) ҳам ахборотларнинг бой манбаи бўла олади. Ана шу ҳужжатларни таҳлил қилиш орқали олинган ахборотлар ўқувчи ҳақидаги маълумотларни бойитади ва эксперимент ҳамда кузатишларда эришилган натижаларни талқин қилишда катта ёрдам беради.

Ҳужжатларни таҳлил қилиш методидан ўтган даврларни тадқиқ этишда чет эллардаги дидактик тизимлар характеристикасини ўрганишда фойдаланилади. Биринчи ҳолда у тарихий методларнинг

хусусиятларига эга бўлади, иккинчи ҳолда эса қиёсий педагогикада фойдаланиладиган методларга ўхшайди.

Дидактик тадқиқотнинг натижалари, асосан унинг яқунловчи босқичида амалга ошириладиган миқдорий ишлаб чиқиш статистик таҳлилнинг ҳар хил методлари қўлланишини талаб қилади. Шунинг учун олинган натижаларни таққосланадиган сонли катталикларда ифодалаш мумкин бўлади.

Статистик таҳлил бир томондан олинган натижаларни статистик тавсифлашни ва иккинчи томондан гипотезаларни статистик текширишни талаб қилади.

Бундай тавсифлаш устунлик қиладиган белгилар учун характерли катталикларни, стандарт ва оғишни баҳолаш ва дисперция ўлчашларини, шунингдек натижалар тақсимланишининг хусусиятларини аниқлашни ўз ичига олади. Бундан ташқари статистик тавсифлаш абсолют сонларда ёки кўрсаткичларнинг фоизлари тарзида, корреляцион жадвал шаклида ифодаланган натижаларни таққослашдан иборат бўлиши мумкин.

Олға сурилган гипотезаларни текшириш статистик хулоса ёрдамида амалга оширилади, бундай хулоса айрим гуруҳларни тадқиқ этиш давомида олинган натижаларнинг фарқи статистик жиҳатдан қанчалик муҳим саволга жавоб бериш имкониятини яратади. Бундан ташқари, статистик хулоса чиқаришда кузатиладиган фарқлар тасодифийми ёки ўзгарувчи ҳаракатининг натижасими эканини маълум даражадаги эҳтимоллик билан аниқлаш мумкин.

Статистик таҳлил эҳтимоллик назариясига таянади ва шунга кўра мазкур асосда ифодаланган

умумлашма эҳтимоллик мушоҳадалари характери-га эга бўлади. Умуман айтганда, бошқа илмий тадқиқотлар сингари дидактик тадқиқотлар ҳам таҳлил қилинадиган воқеликни тавсифлаши (дескриптив ифодалаш функцияси,) аниқланган алоқалар ва боғланишларни тушунтириши (эксдланлашган — тушунтириш функцияси), шунингдек, таълим билан боғлиқ ҳодисалар ва жараёнлар ривожланишининг боришини олдиндан айтиш имконини яратиши лозим (прогнозлаш ёки предикатив функция). Шунга кўра энг яхши омил тадқиқотни қуйидаги босқичлар бўйича олиб боришдир:

— Эрксиз ўзгарувчини ва унинг ўзи учун муҳим эркли ўзгарувчилар билан алоқаларини таърифлаш. Бу босқичда: «Эрксиз ўзгарувчи нима?», «У нимага ва қандай боғлиқ?» — деган саволларга жавоблар асосий аҳамиятга молик бўлади.

— Энг муҳим саволлар ва гипотезаларни аниқлаштириш. Тадқиқотнинг ушбу босқичини ёритадиган асосий саволни қуйидагича ифодалаш мумкин: «Қандай ўзгарувчилар мазкур эрксиз ўзгарувчи учун муҳим?»

— Мазкур эрксиз ўзгарувчининг ўзи учун муҳим эрксиз ўзгарувчилар билан алоқалари ҳақидаги гипотезаларни ифодалаш.

— Тадқиқотга эркли ўзгарувчиларни кириш имконияти чекланмайдиган алоқалари ҳақидаги гипотезаларни текшириш.

— Тадқиқотнинг натижаларини умумлаштириш. Тадқиқотнинг ана шу босқичи учун асосий саволлар қуйидагилардан иборатдир: «Тадқиқот натижасида олинган хулосаларга қайси соҳада амал қилинади?»

Мазкур шаклларда тадқиқотлар олиб борилса самарали натижа беради.

• Савол ва топшириқлар

1. Дидактика нимани ўрганади ва у айрим предметларни ўқитиш амалиёти билан қандай боғланган?
2. Таълим жараёнининг икки томонламалик тавсифи нимадан иборат?
3. Таълим жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи нима?
4. Билим, кўникма ва малакалар деганда нималар тушунилади?

УШШ БОБ. БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Кўпчилик мамлакатларда болаларнинг мажбурий бошланғич таълими қатор йиллардан буён мавжуд бўлса-да, бироқ бу соҳада кўплаб муаммолар ҳануз ҳал этилмай келаётир. Жумладан:

— болалар таълими қайси ёшдан бошланиши керак;

— ўқув синфлари қандай тузилиши керак;

— бошланғич таълим мазмуни қандай бўлиши зарур? У нимага йўналтирилади: бола хотирасида билимларнинг тўпланишига, улар томонидан дастлабки билим ва кўникмаларни эгалланиши, тафаккури ва ҳисларини ривожлантиришга ва бошқаларга қаратилади.

— оила ва мактаб тарбиясини қандай уйғунлаштириш керак; — оилавий тарбия устун бўлиши керакми ёки мактаб тарбиясини;

— бошланғич таълим жараёнида болаларни тарбиялаш тизими қандай бўлиши лозим;

Ушбу тамойиллар бир қатор психолог-педагогларнинг илмий ғоялар ва ишланмалари асосида амалга оширилиб келинди. Уларнинг тадқиқотлари икки йўналишда бўлган:

1. Ўқувчиларнинг табиий қобилиятларини ривожлантириш ҳамда ўзлаштириш даражаси бўйича танлаш.

Бу йўналиш асосида деярли ҳар бир мактабда алоҳида «тенглаштириш», «коррекциялаш» синфлари ташкил этилган. Маълумки, бундай синфларга, биринчи навбатда, у ёки бу хусусияти билан ўқитувчига ёқмаган болалар келиб тушган, улар эса янада ортида қолган.

2. Янада жиддий йўналиш: Бу Занков, Эльконин, Давидовлар усули бўйича ривожланган таълим синф ва мактабларини тузиш, уларнинг раҳбарлиги остида собиқ СССР, жумладан, Ўзбекистонда кенг миқёсдаги экспериментал тадқиқотлар олиб борилган эди. Кўпгина психологлар ва педагоглар ўз тадқиқотларида исбот қилдиларки, қачон бола катталар ҳамкорлигида бирон нарсани удаласа, ҳар қандай руҳий функцияни, шу жумладан, бола идрокини ривожлантириш энг дастлабки ривожланиш доираси орқали ўтади. У бу ҳаракатни ўзи мустақил равишда бажара оладиган бўлгандан кейин муҳим ривожланиш поғонасига ўтади.

Л. С. Висодскийнинг таъкидлашича, бола мактабда ўзи мустақил иш бажара олиши учун эмас, балки ўқитувчи ҳамкорлигида, унинг раҳбарлигида иш бажариш учун ўқиши зарур. Бунда таълимнинг етакчи шакли кенг маънода эргашиш ҳисобланади.

Л. В. Занков ўз тадқиқотлари натижасида шундай хулосага келдики, болани ривожлантириш қонунлари кўпинча мактабда таълим-тарбиянинг қандай қурилганига боғлиқ бўлиб, ўқувчиларга талай мураккаб ва кенг материаллар бериш мумкин ва бошланғич таълимнинг бутун дастурини 4 йил ўрнига 3 ўқув йилида ўзлаштириш мумкин экан.

Ўқитиш ва ривожлантириш муаммосини тадқиқ этиш Н. А. Минчинская раҳбарлигида бошқача тарзда олиб борилди. Бунда ўқитувчиларнинг ақлий

камолатига асосий эътибор қаратилиб, таълим ус-
лубини такомиллаштириш асосий восита сифати-
да фойдаланилди.

Д. Б. Эльконин раҳбарлигидаги психологлар гу-
руҳи ақлий камолатга таълим воситаси сифатида
қаради. У ўтказган тажриба-тадқиқотлар мақсадидан
бири мураккаб назарий материални ўзлаштиришда
болаларнинг имкониятларини ҳисобга олиш эди.

В. В. Давидов фикрича, бошланғич таълим ўқувчи-
ларда мушоҳаданинг илмий-назарий усулини шакл-
лантиришга йўналтирилган бўлиши керак, шунинг-
дек, бунинг учун таълим асосига умумлаштириш
принципи қўйилади, деб ҳисоблайди. У яна бошлан-
ғич таълимнинг бутун тизимини болаларда мулоҳа-
зали эмпирик мушоҳадани шакллантириш билан
бирга, уларда замонавий илмий-ижодий мушоҳада-
ни ривожлантиришга мослаштиришни тавсия этди.

А. Я. Галперин раҳбарлигидаги психологлар гу-
руҳи интеграция (ташқаридан ичкарига ўтиш) жа-
раёнини ўрганишди ва ақлий ҳамда амалий ҳара-
катларни босқичли шакллантириш назариясини
ишлаб чиқишди. Психолог-педагогларнинг шу гу-
руҳи тадқиқотларини болани ривожлантиришнинг
психологик қонуниятларини аниқлаш кўпинча бо-
лаларда ўрганилаётган сифатлар: билим, кўникма,
малака, саъи-ҳаракатларни шакллантириш жараё-
нида олиб бориш мақсадга мувофиқ деган фикр
билан боғлиқ ҳолда олиб бордилар.

Бироқ, Ўзбекистонлик олимларнинг таъкидлаш-
ларича, юқоридаги тадқиқотлар асосидаги тажри-
балар бошланғич таълим мазмунида ўқувчиларнинг
фикрлаш фаолиятини оширган бўлса-да, болани
эстетик-ахлоқий, бадиий-эстетик жиҳатдан ўсти-
риш четда қолган, бошланғич синф ўқувчилари-

нинг жисмоний-физиологик ривожланиши эътиборга олинмаган. Ўқув материаллари эмоционал бўёғининг хиралашуви, назарий материалларнинг кўпайиши бола учун зерикарли бўлди.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика Университети қошидаги лаборатория асосий эътиборни бошланғич таълимнинг назарий-методик асослари моҳиятини, бошланғич синфларда ўқув предметларини енгиллаштириш мақсадида ўқув-тарбия жараёнини интеграциялаш, ўқувчи тарбиясида Ўзбекистон халқлари тарихий қадриятларига, халқ анъаналарига ва урф-одатларига қатта эътибор қилган ҳолда таълимнинг умуммаданий йўналишини кучайтиришга қаратди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонунга ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» га асосланган бошланғич таълимнинг ўқув-тарбия жараёни мазмунини олдиндан англаган ҳолда, аввало, психологик-педагогик асосга қурилган таълимнинг замонавий инсоний-ахлоқий ва табиатан яратилган намунавий технологияси яратилди.

Бошланғич таълим технологиясини таҳлил қилиш натижасида ушбу технология асосида турган куйидаги психологик-педагогик қоидаларни вужудга келтириш имкони бўлди:

1. Таълим жараёни (ўқитиш ва тарбиялаш) «болани ўқишга ўргатиш» принципига қурилиши керак.

2. Таълим жараёнида (ўқитиш ва тарбиялаш) ҳар бир боланинг шахсий хусусиятлари намоён бўлиб, ва табиий эркин фаол иштирок этадиган бўлсин.

3. Таълим жараёни шундай қуриладики, бу ўқитишдан ва бошқа фаолиятлардан англашилган мақсад болаларнинг табиий ва ўсиб бораётган эҳтиёжларига мувофиқ бўлган муҳим ва уларга тушунарли бўлишини таъминлашдир. Шу билан бирга

таълим жараёни ўқувчилар фаолиятининг ички имкониятлари устиворлигига қурилади. Баҳодан эса қулайликларнинг ташқи сабабларидан ёрдамчи во-сита сифатида фойдаланилади, холос.

4. Болалар томонидан ўрганилаётган фаннинг асосий билим-малакаларни эгаллаш улар учун қизиқарли ва тушунарли жараёнда амалга оширилади. Зеро, бу малакани эгаллаш, асосан тасаввур орқали амалгашиб, улар бир болада кучли хотирлаш пайдо қилади. Боланинг асосий ўқув малакасини тез ва соз эгаллаши унинг умумий психологик ва ақлий ривожланишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, суст тайёрланган ва етарли ривожланмаган болаларда нуқсонларнинг бартараф бўлишига олиб келади, табиатан қобилиятли бўлган болаларни эса ривожлантириб, янада юқори қобилиятларини юзага чиқаради.

5. Малака ва кўникмаларни эгаллаш, уларни такомиллаштириш болалар ижодиёти жараёнида бадий ўқиш, халқ иқтисодиётини, бадий меҳнатни ўрганиш орқали амалга ошади.

6. Бошқа таълим тизимларига қараганда мутлақо ўзгача таълим психо-физиологик модели ишлатилади. Бу аналитик-синтетик жараёнларни автоматлаштириш эмас, албатта.

7. Ўқув синфлари турли хиллик принципи: болаларнинг мактаб таълимига олдиндан тайёргарлиги даражаси бўйича ҳамда умумий психик ва ақлий тараққиёти бўйича жалб қилинади.

8. Бола материални фақатгина эшитиш ёки ҳис қилиш аъзолари орқали ўзлаштирмайди, балки ўзида билишга нисбатан пайдо бўлган эҳтиёжни қондириш учун ўзлаштиради.

9. Таълимнинг муваффақиятли бўлиш шарти: **ўқув материални муаммолаштириш** (билим-болалар,

ҳайратланиш ва қизиқувчанлик); боланинг фаоллиги (билимлар қизиқиш билан ўзлаштирилиши лозим); таълимнинг бола ҳаёти билан, ўйин, меҳнат билан алоқаси.

10. Муаммоли вазият пайдо бўлганда ўқитувчидан ўқув материални муаммолаштиришни, дифференциал ва индивидуал ёндашишни талаб этилади.

Дарс жараёнида дидактик, тарбиявий мақсадларни амалга ошириш ва болани ривожлантириш.

1. Бутун дарс давомида ҳар бир ўқувчининг онгли ақлий фаолиятига эришиш: бу — ўқувчилар бутун машгулот давомида ишлайди деганидир. Ўқувчи уй вазифасини текширишга киришади, янги материалларнинг баёнини тинглайди, уларни мустақамлашда фаол қатнашади, мустақил ишларни бажаради. Бунда ўқувчиларни билиш фаолиятига механик тарзда киритилади деб ўйлаш нотўғри. Бу ерда гап табиий механизмларнинг ўқувчини фаол бўлишга гўё мажбур қилаётгандай таъсир этиши ҳақида кетяпти. Зеро, ўқув машгулотида ўша мезонни амалга ошириш учун ривожланиб борувчи усулни қўллаш зарур ва бунда ҳар бир ўқувчи фаолиятини дарснинг барча босқичида режали назорат қилиш лозим бўлади.

2. Ўқувчининг ўз фаолиятига ва ўзгалар фаолиятига ҳиссий алоқадорлигини таъминлаш. Бунда биз ақлий жараённинг ривожланиши кечинмаларсиз (ҳис қилиш) амалга ошмаслигидан келиб чиқамиз. Айни кечинмалар ўзгаришларни ва интеллектдан кейинги ривожлантиришни кучайтиради. Амалда болаларнинг ҳиссиётлари уларнинг ишларини ҳаракатлантирувчи кучга эга бўлиши маълум. Агар дарсда ўқувчи ўз муваффақияти ёки омадсизлиги ҳақида ташвишланса, бу ҳолат мотивлаштириш ва феъл-

атворларини бошқариш марказини қўзғатишга ёрдам беради (Л. С. Виготский). Агарда ўқитувчи ўқувчининг ўз фаолиятига ҳиссий алоқадорлигини таъминласа, шарт-шароит яратса, унда ҳиссий алоқадорлик бола интеллектуал ривожланишининг ички ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб қолади.

3. Дарсда ўқувчи билиш фаолиятини мотивлаштириш. Ривожланаётган усул тузилишига «ўзаро ижтимоий таъсир» деган таркибий қисм киради. Яъни, ҳар бир ўқувчига ўз билимини намойиш қилиш, амалий фаолиятга қодир бўлиш ва бунинг учун билим олиш имкониятини беришдир. Бошқалар билан ўзаро ижтимоий таъсирни амалга ошириш дарсда жуфт ва гуруҳ бўлиб ишлашдир, энг мураккаби — ўқитувчи ҳикоясидир.

Янги материални тушунтираётган ўқитувчининг нутқи фикрни жамлашни, диққат қилишни талаб этади, негаки дарсда фаол ақлий жараёнлар ички туйғу орқали ўтиши лозим. Ўқувчи учун бу анча қийин масала. Шунинг учун дарсда ўқитувчи турлича ўзаро таъсир шаклларини ўқувчилар билан ёки ўқувчиларнинг бир-бири билан муносабатларини уйғунлаштириши зарур.

4. Бутун дарс давомида ўқувчиларнинг рефлексия ва ўз-ўзини назорат қилишини таъминлаш.

Дарснинг ҳар бир босқичида ўқувчи ўз фаолияти натижаларини жамлаб, баҳолайди. Масалан, янги материални ўрганишда ҳар бир ўқувчи ўз диққатини, хотирлаб қолишини, хотирлашнинг мукамаллигини, тушунишини ўзича баҳолайди; дарсни мустақамлаш ва мустақил ишлаш пайтида ўқувчилар ўзларини ўқитувчи қўйган мезонлар бўйича баҳолайдилар. Агар ўқувчи билими талаб даражасидан

паст бўлса, дарс давомида унга бошқа болаларнинг ёрдами ёки унинг ўзи мустақил ишлаган ҳолда натижаларни яхшилаш имкониятини беради.

Ўқувчиларнинг фаолияти жараёнида рефлексия ва ўз-ўзини назоратни таъминлаш улардаги ёмон баҳодан қўрқиш ҳиссини пасайтиради. Бошланғич синфларда, айниқса, 1—2-синфларда «икки», «уч» баҳолар қўйилмайди.

5. Дарсда мустақил иш ёки ижодий топшириқнинг бўлиши. Вазиятларнинг ўзгаришида ижодий топшириқлар бериш методини қўллаш талаб қилинади. Мустақил иш ҳар қандай дарс турининг мажбурий элементи ҳисобланади. Зеро, бизнинг «ўзаро таъсирнинг ижтимоий технологияси», «дарс мобайнидаги фаолият жараёнида ўқувчиларнинг рефлексияси ва ўз-ўзини назорат», «дарсда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини мотивлаштириш» тавсияларимиз иш натижаларини баҳолаш учун муҳимдир. Ўқувчилар ишни бажариб, табиий ҳолда дарҳол унинг натижаларини муҳокама қилишда қандай хатолар қилгани ва уларнинг сабаби ҳақида ўйлайдилар. Шунингдек, натижаларга ҳиссий муносабат ҳеч кимни лоқайд қолдирмайди.

Кечиктирилган умидлар натижаларнинг таъсир даражасини пасайтиради, яъни ўқувчиларнинг билим ёки ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун ҳиссий соҳада ўзаро таъсир шунчалар кучсиз бўлиб, ақлий жараёнга ўқитувчи истагандек қилмай қўяди.

6. Даре мақсадига эришиш. Тажрибадан маълумки, ривожланаётган усул асосига қурилган дарслар боланинг ижобий феъл-атворини қарор топтиради, инсоний муносабатлар маданиятини шакллантиради.


Дарснинг асосий мақсади — бола интеллектини, тафаккурини теранлаштириш ривожланиб боровчи усул ёрдамида амалга оширилади.

Дидактик мақсад — бу дарсда ўрганилаётган мавзу бўйича билимларни ўзлаштириш ва малакали таъсир усуллари шакллантиришдир.


Тарбиявий мақсад — ўзаро таъсир жараёнида тафаккурни умумлаштириш ҳисобига амалга оширилади. Дидактик мақсадларга эришиш олинган баҳога мувофиқ келадиган билимни ўзлаштириш даражаси билан характерланади. Тарбиявий мақсад — муайян мақсадларга эришишга қаратилган ҳамкорликдаги фаолият жараёнида эгалланилган хулқ-атвор нормасидир. Ривожланиб борувчи усул асосига қурилган дарслар боланинг ижобий хулқ-атворини мустаҳкамлайди, инсоний муносабатлар маданиятини шакллантиради. Дарсинг ушбу технологиясини ташкил этиш ўқитувчининг дарсда ўқувчи билиш фаолиятини бошқариш сифатларига боғлиқдир. Таклиф этилаётган технология унинг мумтоз хилидан шу билан фарқланадики, бунда билимларни ўзлаштириш жараёни ўзича идрок қилиш, англаш, ёдда сақлаш, умумлаштириш ва системалаштириш жиҳатларини қамраб олади. Таълим технологияси — ўқув машғулотларида кўрсатилган барча билиш жараёнларини амалга ошириб, пировард натижада барча фаолият турларини тўлиқ ўзлаштиришга ёрдам беради.

Бундай дарсларда дарс қисмларининг ички алоқаси: мақсад, мазмун ва иш усули билан амалга ошириладиган таълим, мумтоз тизимнинг босқичлари сақланиб қолади. Яъни, уй вазифаларини текшириш, унинг асосида янги билимлар, малака ва ақлий фаолиятнинг турларини эгаллаш босқичлари, шунингдек мустаҳкамлаш ва мустақил ишлаш, дарсни умумлаштириш ва уй вазифасини тушунтириш сингарилар ётади.


**Педагогик технологиялар
Кўлаш даражаси бўйича:**




Тузилиши ва таркиби бўйича:




Ташкилий шакллар бўйича:




Ўрганиш фаолиятини бошқариш тури бўйича:




Болалар назари бўйича:




Куп қўлланиладиган усул бўйича:



Анъанавий тизимни замонавийлаштириш йўналишлари бўйича:




Таълим олувчилар табақалари бўйича:




Муаммоли ҳолатлар классификацияси
Муаммоли ҳолат


Ноаниқ, Х-таркиби бўйича:




Муаммони поғонаси бўйича:



Ахборотнинг мосланмаган тури бўйича:



Методик хоссалари бўйича:



ЎҚУВЧИЛАРНИ ПЕДАГОГИК ЖИХАТДАН БАҲОЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Билимларни ўзлаштириш даражасини баҳолай туриб, биз бошланғич синфларда «икки», «бир», айниқса, 1—2-синфларда журналга ҳам, дафтарга ҳам қўймасликни таъкидлаган эдик. Ўқитувчи ўз фаолияти давомида, яъни айрим ҳолларда баҳо баллари уларнинг сўз шакли билан «аъло», «яхши» деб алмаштиради. Педагогик баҳолаш умуман боланинг шахсини эмас, балки кўрсатган сифатларини баҳолашни назарда тутди.

Педагогик баҳолашга бундай ёндашишга асосланган ва ундан ўз ишида оқилона фойдаланган ҳолда педагог ўз ўқувчиларининг қийматий муносабатларини шакллантиради ва тўғрилайди. Педагогик баҳолаш воситасида ўқитувчи ўз тарбияланувчиларида ахлоқий ва маънавий-этик қарашларни таркиб топтиради.

Педагогик баҳо: образларни қийматий муносабатлар даражасида муҳитга олиб чиқиш; бу муносабатларни ўзлаштиришда бола фаолиятини рағбатлантириш; хато қилиш эҳтимоли сезилса, уни олдиндан тўғрилашдан иборат. Ҳар бир шахс такрорланмасдир ва ҳар бир шахсга унинг ўсиши учун педагогик баҳолашнинг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда эҳтиёткорона муносабат даркордир. Шу муносабат билан ўқитувчи дарсда ва тарбиявий тадбирларда фойдаланиши мумкин бўлган бир нечта технологик қоидаларни ҳавола қиламиз:

1. Ўқувчиларнинг ижтимоий қимматли ютуқларини тақдирлаш. Ушбу усулни қўллаганда, ўқитувчи болага ёрқин ҳиссий туйғуларни бошдан кечирришга ёрдам беради, бу ўқитувчининг актив фаолиятини ўстиришга хизмат қилади. Шунингдек,

боланинг ўқитувчи билан ўзаро муносабатларини чуқурлаштиришга ёрдам беради, бу ўқувчига таъсир этишда қўшимча имкониятларни очади. Ҳар бир боланинг шахсий ва умуминсоний ютуқлари рўёбга чиқиши зарур.

2. Хулқ-атвор белгилари кўринмаганда баҳолаш муддатини чўзиш. Баҳолаш муддатини чўзиш ўқувчининг ўқув-тарбиявий жараёнига ёки бошқа ишларига салбий таъсир кўрсатган, унинг қалбида узоқ вақт қолиши мумкин бўлган умидсизликнинг олдини олишга ёрдам беради. Бу муддат педагог томонидан белгиланади ва вужудга келган муаммога қараб турлича бўлиши мумкин. Масалан, биринчи синф ўқувчиси ҳарф ва бўғинларни хунук ва тартибсиз ёзади. Ўқитувчи баҳони қўймай туриб, ўқувчига шундай дейди: «Яхши баҳо олиш учун вазифани намунага қараб тўғри, тоза тартиб билан ёзиш керак». Масалани ҳал этиш учун кетадиган вақт албатта ўқувчига маълум қилинади, чунки у, биринчидан, психологик томондан руҳий зўриқиш ҳолатида бўлишга ўрганмаган бўлади, иккинчидан эса, бундай масалани ечишни пайсалга солиш бажараётган ишни мустақил англаб етиш самарадорлигини пасайтиради.

ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛИНИНГ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Маълумки, болалар мактабга боргунга қадар ҳам жисмоний, ҳам руҳий томондан интенсив ривожланиб боради. Бироқ, одатда бу жараён мактабга чиқиш билан сусаяди. Болада ўқишга иштиёқ тезда пасаяди. Ривожланишдаги бундай ҳолатнинг сабабларидан бири ўқувчиларнинг турли даражадаги ривожланишини ҳисобга олмайдиган усулларнинг

қўлланилишидир. Синфлар қандай тўлдирилмасин, у ёки бу фанни идрок қилиш ва ўзлаштиришга нисбатан болалар ривожланишини ҳамиша урта даражага: юқори, ўрта ва қуйи даражага ажратиш мумкин. Бу табиий ҳол ҳисобланиб, бу ерда биз ақлий ривожланиш тушунчасини интеллект ривожланиш билан боғлаймиз. Бу ҳолда миянинг етилиши, бинобарин, янада катгароқ талабларни идрок қилиши ва адаптация қилиш тезлигига боғлиқ бўлади. Барча адаптация тизими айни шу вазифага хизмат қилади.

Демак, муайян шароитларда мия ривожига таъсир этиш мумкин экан. Қуйидаги ривожлантириш усули тизими асосида ётган баъзи дастлабки назарий қоидаларни кўриб чиқайлик:

1. Ривожлантириш усули асосида умумий ва социал психологиянинг ташқи ва ички принциплари ётади, унга кўра, ички ривожланиш ташқи муҳит билан боғлиқ бўлади. Бу ташқи муҳит, масалан, мактабнинг таълим муҳити бўлиши мумкин.

Бола интеллекти ривожланиши маданий ёки таълимий муҳит таъсирида тезлашиши ёки сустлашиши мумкин. Таълим муҳитининг таъсири фаолият учун қўлланилаётган усулга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу усул мушоҳада жараёнининг ички ривожланиш механизмларини автоматик тарзда ишлатиб, бола интеллекти ривожига ёрдам бериши керак.

2. Ривожлантирувчи усулнинг мақсади боланинг камолатига уйғунлик бахш этиш, гўзалликка бўлган табиий интилишини қўллаб-қувватлаш, унда ижобий ҳис-туйғулар уйғотишдир. Агар фаолият натижалари кутилган натижага мувофиқ келса, улар билан мослашса, боланинг кутилган натижага билиш эҳтиёжлари қондирилса, шундагина ижобий ҳиссий туйғулар вужудга келади.

3. Бола, одатда, камолатга ва гўзалликка интилади. Бу интилиш табиий эҳтиёж ҳисобланиб, бундай эҳтиёжни қондириш у ёки бу фаолиятни талаб этади. Бу кўп нарсаларда кўринади: ўйин давомида, овқатланишда, интеллектда, ишда ва ҳоказо. Одатда, ўқитувчи бола билан яхши ишлашни, ўқувчи эса яхши ўқишни истайди. Бироқ, ҳар доим ҳам ўйлагандек бўлавермайди, агар ёрдам бериб қўллаб-қувватланса, биз энг яхши натижага эришишимиз мумкин.

Демак, ўқувчилар олдида масалани ечишнинг бир неча варианты турса, улар кўрсатилган ёрдам ва ўзининг табиий интилиш кучидан фойдаланади, дейиш мумкин.

1. Инсон мувозанати ҳолатининг қонуни, яъни кишининг ўз фикрлари, ҳис-туйғулари ва ахлоқини мувофиқлаштиришга табиий интилиши.

Бу қонидани биз Л. Фестингернинг соғнитив (билиш) диссонанси назарияси билан тасдиқлашимиз мумкин. Унинг моҳияти шундаки, инсондаги ижобий ҳис-туйғулар унинг кутганлари тасдиқланган тақдирда вужудга келади, когнитив (билиш) тасаввурлари, яъни қачонки фаолиятнинг аниқ натижалари белгиланган натижага мувофиқ келсагина, мос тушгандагина амалга ошади. Салбий ҳис-туйғулар фаолиятнинг кутилган ва ҳақиқий натижалари орасида тафовут ёки диссонанс юз берса, салбий ҳис-туйғулар юзага келади ва кучаяди.

Когнитив диссонанс ҳолати, одатда, субъектив тарзда инсон томонидан дискомфорт (ноқулай) каби ўтказилади ва у иложи борича тез ўтиб кетиши мумкин; когнитив натижалар ва режаларни уларни аниқ олинган натижаларга мувофиқ келадиган қилиб ўзгартириш керак ёки аввалги кутилган натижага

мувофиқ келадиган янги натижани олишга ҳаракат қилиш лозим. Биринчи ҳолатда ривожланиш рўй беради, иккинчи ҳолатда эса бўлмайди. Шунинг учун ривожлантириш усули тузилишида ўқувчини мувозанат ҳолатидан «чиқаришга» ёрдам берадиган компонент бўлиши зарур.

2. Инсоннинг фикр-мақсади—унинг онгли ишлари ва ахлоқининг ҳаракатлантирувчи кучидир. «Фикрлар дунёни бошқаради», — деган эди Платон. Ривожлантириш усулининг моҳияти боланинг ўз хулқ-атвориغا нисбатан унинг фикр-мақсади ижобий ривожини таъминлашдан иборатдир.

Биринчи босқич фикр-мақсаднинг дастлабки, бирламчи шаклланишидир. У учта палладан иборат бўлади:

1. Ўқитувчининг нутқи таъсири остида ўқувчи ҳис-ҳаяжонларининг пайдо бўлиши (ташқи кўзфатгич исталган белги тизимидан келиши мумкин).

2. Ҳис-ҳаяжонлар ички нутқнинг ноаниқ мазмунга эга бўлган бирламчи фикрлар: билиш ёки хулқ-атвор предмети тўғрисида умумий тасаввурларгина пайдо бўлишига ёрдам беради.

3. Ташқи нутқда, яъни бошқалар учун бўлган нутқда сўзлар ёрдамида ёки бирон-бир белги системаси: мимика, қўл ҳаракати, мусиқа, рақс ёрдамида бирламчи нутқ мустаҳкамланади. Дарс учун бу ўқувчининг ташқи нутқидир. Бу пайтда ички фикр ташқи нутқ таъсирида такомиллашади. Табиийки, ушбу ташқи нутқ ўқитувчининг нутқига нисбатан тузилиши жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам мукамал бўлмайди. Мавжуд қийинчилик шундаки, ўқув ёки тарбиявий машғулотда ҳар бир ўқувчида фикрни ичидан ташқарига чиқишига эришишдир. Бу қийинчиликни оддий мактабда тавсия

этилаётган технологиядан фойдаланиб, бартараф этиш мумкин.

Иккинчи босқич-когнитив диссонанс вазиятини пайдо қилишдир. Бунинг учун ўқувчиларнинг тузилиши ва мазмуни жиҳатидан ҳар хил ташқи нутқи мусобақасини ташкил этиш лозим бўлади. Бу эса ривожланиши нисбатан паст даражада бўлган ўқувчиларнинг ички нутқини қайта қуришга туртки бўлади. Бошқача айтганда, вужудга келган дискомфорт таъсири остида беихтиёр ички нутқ қайта қурилиши янада юқори даражага кўтарилади.

Учинчи босқич — фикрнинг янада теранлашувига ва ўқувчининг энг яхши муваффақиятдан қониқишига эришиш (мувозанат мушоҳаданинг (фикрлашнинг) энг юқори даражасида вужудга келади).

Бу қуйидагилар орқали амалга ошади:

1. Ички фикрни ташқи нутққа кўчириш (диалог шаклида суҳбатлашиш) ёки монолог шаклидаги ёзма нутқ.

2. Мураккаб фикрни ташқи нутқдан ички нутққа ўтказиш. Ривожлантирувчи усул технологияси ҳар бир ўқувчида ўқув-тарбия жараёнининг барча шаклларда (дарси ёки тарбия соатида бўлсин) ақлий жараёнлар кечишини таъминлайди. Шу маънода адаптив мактаб маъқулдир.

Ривожлантирувчи усул тузилишини кўриб чиқамиз. Усул мақсади болани ҳар бир машғулотда ақлий жиҳатдан ривожлантиришдан иборатдир! Усулнинг барча компонентлари мазкур мақсадни амалга оширишга қаратилади.

Биринчи компонент-ижтимоий таъсирни қўллаш, яъни жараённинг иштирокчилари (ўқитувчи ва ўқувчилар) ўртасида турли белгилар тизими

ёрдамида коммуникатив алоқалар ўрнатиш билан характерланади. Ижтимоий таъсир ҳамиша муносабатларнинг диалог шаклида рўй беради. У ақлий фаолиятда юқорида қайд этилган ўзгаришларга нисбатан ташқи қўзғатувчи вазифасини ўтайди.

Иккинчи компонент-ижтимоий таъсирга конфликт (зиддият) киритиш. Конфликт-билиш ёки хулқ-атвор предметига турли қарашларнинг тўқнашуви бўлиб, дискомфорт (ноқулайлик) ҳиссининг пайдо бўлиши, билим, ҳодисалар, воқеалар, хулқ-атворга нисбатан бошқа нуқтаи назарга дуч келганда пайдо бўладиган ўз-ўзидан қониқмасликдир. Конфликтнинг асосий белгиси ўқувчи фикрларининг мувозанат ҳолатидан чиқишдадир. Конфликт вужудга келадиган қониқмаслик ташвишларини келтириб чиқаради ва бу ҳолатда ўқувчида ички ихтиёрсиз ақлий жараён юз беради. Бироқ, амалиётдан маълумки, ўқувчиларнинг 30 фоизга яқини дарс жараёнида ақлий фаолиятга киришмайди. Шу сабабли мативация воситасида бунга қўзғатиш лозим бўлади.


Учинчи компонент бу таълим жараёнида ўқувчи фаолиятини мотивлаштиришдир. Амалда мотивлаштиришга турли усул ва воситалар орқали эришилади.

Ўқитувчи ўз ўқувчисини фаол ҳаётга ва ўз шахсини намоён қилиш жараёнига киритиб, уларнинг ҳар бирини беихтиёр фаол ақлий жараёнга тайёрлайди ва шу йўл билан ўқув машғулоти қўйган мақсаднинг амалга ошишига эришади.

Тўртинчи компонент — ўзаро таъсир иштирокчиларини жойлаштириш билан изоҳланади. Бу хусусдаги тажриба тадқиқотлари қуйидаги хулосаларни чиқаришга ёрдам беради:

— агар ижтимоий таъсир гуруҳига ривожланиш даражаси турлича бўлган болалар кирса ва айти чокда тафовут бир-биридан фақат бир босқичга фарқ қилса, бу ҳолат ривожланиши паст даражадаги болаларнинг ўсишига ёрдам беради. Бунда юқори даражадаги билишли болалар ифтихор ҳисобига, паст савияда биладиганлар эса ўзини билимга сафарбар қилиш орқали муваффақиятга эришадилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, машғулотларда ўқитувчи ёки педагогнинг ўқувчилар билан алоқасини қуйидагича акс эттириш мумкин экан:



Ушбу чизмадан кўришиб турибдики, ўқув машғулотларида юқори даражада ривожланган ўқувчиларнинг камолатида олдинга силжиши ўқитувчи ёрдамида ошади, сўнг эса жараён қатнашчилари турли даражадаги таъсирини ташкил этиш орқали амалга ошириб, унда ўқитувчи ролини илгари силжиган ўқувчиларнинг ўзлари бажаришади.

— Машғулот пайтида ўқувчиларни жой-жойига қўйиш улар фаолиятига боғлиқдир. Мустақил ва жуфт бўлиб ишлаш учун болаларни анъанавий стол атрофида тўплаш мақсадга мувофиқ. Гуруҳларда ишлаш учун ақлий штурм усули билан ёки ўзаро назорат қилиш муаммосини ҳал этиш пайтида болаларни бир-бирига қарама-қарши қилиб ташкил

қилган маъқул. Ва ниҳоят, сифатли фронтал ишларини ташкил қилганда ўқувчиларни ярим айлана стол атрофида ўтқизилади.

Олимлар ва амалиётчи-педагоглар ўзаро таъсир иштирокчилари сонига нисбатан бир тўхтамга келмаганлар. Бизнинг тавсиямизга кўра, бошланғич мактабда ўқувчилар сони 2 тадан 4 тагача бўлиши мумкин. Бироқ, умумий тавсияларни ҳисобга оладиган ўқитувчилар бошқа вариантларни ҳам танлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Бешинчи компонент-дарснинг ҳар бир босқичида рефлексияланишига дахлдор. Бу ўқувчиларнинг ўз-ўзини таҳлил қилиш асосидаги ақлий фаолиятини ва унинг натижаларини баҳолашдир. Бунинг учун дарсда ўқувчилар фикрининг қурилиши ва мазмунидаги ўзгаришларни илғаб олиш мақсадида ўқитувчи саволига уларнинг жавоби шаклидаги оғзаки усуллари ишлатилади. Бу усулни универсал деб ҳисоблаш мумкин. Чунки бир у томондан, бутун таълим жараёнини — тарбия, ўқитиш ва ривожлантиришни қамраб олади, ривожлантиришни органик бир бутун ҳолга олиб келади, бошқа томондан эса ижтимоий когнитив методика ва технологияни вужудга келтиради.

Боланинг 6—7 ёшидан кейинги когнитив ривожланиши ижтимоий жараёнлардан ажралмайди. Когнитив (билиш) ва ижтимоий (хулқ-атворий) ривожланишлар алоқаси оддий механик алоқага нисбатан мураккаброқдир.

Боланинг ижтимоий доира (таълим муҳити) таъсир этадиган индивидуал ахлоқидаги ўзгаришларни кузата бориб, унга аниқ маъно бериш ва уни бошқариш индивидуал рефлексли тарбия технологияси ва методикасини яратишга олиб келди. Маз-

кур ишланмалар асосида ижтимоий таъсир ғоялари ётади.

Ижтимоий таъсир фикр қурилиши ва мазмуни ўзгартириб, тушуниш ва англашга таъсир этиб, боланинг ақлий ривожланиши асосини ташкил қилади. Биз дидактикада қабул қилинган универсал усул бўлмайди, деган нуқтаи назарга зид бор-маяпмизми?

Ҳамма гап туркумлашни асослашда. Таълим усуллари туркумлаш учун турли асослар мавжуд. Масалан, дидактик мақсадлар (М. А. Данилов, В. И. Загвязинский, В. А. Онишчук, шакли ва мазмуни (А. Н. Алексюк); фаолият қурилиши ва таълим мазмуни (Ю. К. Бабанский, Т. И. Шамова, Т. К. Чекмарева, А. Д. Зеленгур); ўқувчиларнинг мустақил фаоллиги даражаси (И. Я. Лернер, М. Н. Скаткин, М. И. Махмутов); дарс вазифалари (Г. И. Шчукина, И. Э. Унт). Бироқ, туркумлаш учун асослар қандай бўлмасин, дидактика барча усулларни кўргазмали, амалий бўлишини таъминлайди. Уларни ҳам репродуктив, ҳам ривожланувчи деб ҳисоблайди.

Барча туркумлаш усуллари назарияларда умумий бўлмаган, махсус томонларни ифодалайди, чунки ҳар бир усул ўз хусусиятларига эга бўлади. Шу билан бирга барча ишларда умумийликни — болани ақлий фаолиятга қўзғатувчи у ёки бу белгининг мавжудлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, бошқа киши томонидан киритиладиган белги биринчи индивид хулқ-атворини ташкил этишда янгилик бўлади. Айни шунда ҳар қандай белги операциясининг моҳиятида хулқ-атворни ташкил этишга киритиладиган функциядаги белгининг аҳамияти ётади. Улар турлича бўлиши мумкин (ҳал қилувчи, назорат қилувчи, ёрдам берув-

чи, ким ҳақидадир эслатувчи). Белги совғага ўхшаш нарса бўлади. Зеро, совға уни берган киши ҳақидаги таассурот. Айни шу туфайли белги ижтимоийдир, айни шу сабабли у хулқ-атворни ташкил этади. Маданият тарихида (одамлар, афсона, ҳатто дин) белги ана шундай маъно ва аҳамият касб этади. Белгининг асосий хусусияти — ижтимоийлик, яъни ўз хулқ-атворини ўзга киши орқали амалга оширишдир.

Инсоннинг фикрга беихтиёр ҳаракат йўлини шартли равишда қуйидаги схема билан ифодалаш мумкин: **белги-рецептор-мия (онг) — ҳис-туйғу-ақлий жараён**. Шундай қилиб, ташқи сигнал (ахборот сифатидаги белги) онг билан акс этади, у ўзига хотира, диққат, тасаввур, идрок каби психик функцияларни мужассамлаштиради, булар мияда илгари етилади, у ихтиёрсиз тарзда ақлий жараённи, шундан сўнг эса инсоннинг онгли фаолиятини вужудга келтиради. Инсоннинг ана шу табиати туфайли унинг шахси ривожланиб боради.

Ўқувчи учун белги нима? Асосий белги-восита, бу сўз, янги билим, киши фаолият тажрибаси ва унинг усулларидан таркиб топган ўқитувчи нутқидир. Сўз, нутқ — ўзаро таъсир, коммуникация, руҳий-ахлоқий ва ижтимоий-маданий тажрибани бериш асосидир. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтсак, биз ривожлантирувчи усул асосида юқорида баён этилган усулларнинг ҳар бирида амалга оширилган ғоялар сифатида ижтимоий таъсир (коммуникация ўрнатиш) ғояси қўйилади.

ДАРС ТАЪЛИМИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Кичик ёшдаги ўқувчилар таълими — алоҳида билимлар тизими эмас, балки дунё тўғрисида, жа-

мият ва инсоннинг ундаги ўрни тўғрисидаги умумлаштирилган, яхлит тасаввурдир. Ўқитиш натижа-сида болада ўзига хос дунёқараш, қурилма схема-си тартиб топиши керак. Бу схемада аниқ фан бўлимлари муайян ўринга эга бўлади.

Олимлар ва услубчиларнинг кўп йиллик тадқи-қот ишлари кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг характери ҳамда фикрлаш ва билиш имкониятлари хусусиятларига бўлган эскирган қарашларни бар-тараф этишга ёрдам берди.

Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг тартибли фикр-лаш қобилиятлари илгари ўйланганидан анча юқори экан. Бу бошланғич таълим мазмунини кўзда ту-тишга, кичик ёшдаги ўқувчиларни ўқитиш жараё-нида назарий билимлар ролини оширишга, ўқитиш вазифаларини тушунишга ёрдам беради. Фақат билим ва малакани пухта ўзлаштиришини кўзда ту-тиш кишиларни қониқтирмай қўйди. Энди ўқувчи-ларнинг руҳий ва жисмоний қувватларини ривож-лантириш, уларни умумий камолатини таъминлаш зарурияти пайдо бўлди.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари назарий би-лимларининг кучайиши, уларнинг ақлий фаолия-ти, мантикий фикрлашининг ривожланиши ўқи-тишнинг ривожлантириш принципига асосланган.

Ривожлантирувчи таълим нима ўзи, у қандай бўлиши керак?

Педагогика ўзининг бутун тараққиёти даврида ўқитишнинг янада мукамалроқ ва янада самара-лироқ усуллари ёки тизимини излаш билан ривож-ланиб борди. Мактабда ўқитишнинг паст сифати ва таълимнинг барча бўғинларида мутахассисларнинг паст даражада касб тайёргарлиги муаммосини ҳал этишга қодир бўладиган усулларни излаб топишни

асосий вазифа қилиб қўйди. Программалашган ва муаммоли (проблемали) таълимни биринчи ўринга чиқариш, ақлий ҳаракатлар ёки иш ўйинларини босқичли шакллантириш назарияси асосида муайян тизим ҳосил қилиш педагогик миссиянинг энг машҳур бўлган ривожланиш босқичларидир.

Асосий талаб таълим жараёни ҳамisha тугалланган бўлиши зарур.

Ўқитишнинг бошланғич даврида (1—4 синфда) таълим мазмуни ўқувчилар томонидан умумий қонуниятларга биноан ўзлаштирилади:

идрок — тушуниш (англаш) — қабул қилиш (репродуктив фаолиятда - ёдда тутиш) — янги шароитларда фойдаланиш.

Ривожлантирувчи таълим шароитида идрок этишнинг ўзига хос томони ўқувчининг ўзлаштирилмаган соҳани (муаммони) — тенглаштириш, таққослаш, қонуниятларни аниқлаш, қўйилган муаммоларни ҳал этишнинг турли йўллариини излаш, танланган, ўқувчи учун оптимал бўлган усулни амалий тарзда ўзлаштиришдаги актив фаолият пайтидаги ўқувчининг субъектив ҳолати ҳисобланади, ва ниҳоят, фаолият натижаси сифатида ўқувчи ахборотни ўзлаштирибгина қолмай, жамоа изланишга ва натижалардан қониқишга алоқадорлик ҳиссини сезади, англайди.

Ахборотни тушунишни уч моментга бўлиш мумкин, улар болага келажакдаги билишида яхлит мазмуний таянч бўлиб ҳисобланади:

1. *Бутунлик ва қисмларнинг нисбати деган фалсафий тушунчанинг асосий ғояси.* Математикада қўшиш қонунининг аниқ маъноси биринчи синф болаларига ноаниқ, интуитив тушуниш асосида берилади: қўшиш — бу ҳаммасини бирга йиғиш, қисмларни яхлит қилиб йиғиш.

Биринчи синфда бундай нисбатни тушуниш асосида сонлар таркибини, шунингдек, умумлашган моделга қўшув ҳаракати қонунларини, қўшишнинг ва айирувнинг номаълум компонентларини топиш қоидаларини (шу жумладан, тенгламаларни ечишда ҳам), вазифа—схема моделига асосланиб қўшув ва айирувга оид оддий масалаларни ечишни ҳам кўриб чиқиш мумкин.

Б+МкК К — айлана (бутун) — айлантириб чиз

М+БкК Б — катта (қисм) — тагига чиз

К-МкБ М — кичик (қисм) - тагига чиз

Ўқитувчи ўз-ўзидан равшан кўриниб турувчи, жойлаштирилган қонун маъносини тушунтириши шартми? Қўшилаётган, айирилаётган нарсани топиш қоидасини тушунтириш керакми? Агар тушунарли бўлса, қисмни излаш нима учун керак? Кичраяётганни топиш қоидасини ёдда сақлаш керакми, равшан бўлса, бутунни излаб нима қилади? Методик тавсияномаларда илгари ифодаланган! Унга асосан биринчи синф ўқувчилари осонлик билан тенгламаларни (бутун ва қисмни топиш асосида) еча оладилар, мунтазам равишда компонентлар номи ва уларни топишни ўзлаштирадилар.

Қўшиш ва айиришга оид оддий масалаларни ечишда юқорида эслатилган усулни танлаш модели пайдо бўлгандан кейин «Схемага қара. Нимани излаш лозим, бутунними ёки қисмни?» деган саволга олиб келинади.

Бошқача ҳолда, сонлар билан ишлашда ё бирданига бутун сон билан ёки қисмлар бўйича (сонни қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлиш) бажариш мумкин. Зеро, кўпгина амалларда ҳаракат принципи умумийдир.

60 · 2	60:2	16 · 6	60:5	1205
90 · 3	90:3	23 · 3	54:3	12 бутун, 5 бирлик
200 · 4	200:4	18 · 4	92:4	1 минг, 8 бирлик

дарҳол кўпайтирамиз, сон суммаси билан алмаштирамиз, бўламиз → (кўпайтирамиз, бўламиз) → қисмлар бўйича.

Кенгроқ олиб қаралса, ушбу «бутун» ва «қисм» категорияларидан ўқитувчилар бошланғич таълимнинг барча фанларида фойдаланишларини кўрамиз. Масалан, нутқ (бутун) гаплардан (қисмлардан) ташкил топади; гап (бутун) сўзлардан (қисм) таркиб топади ва ҳоказо. Ҳар қандай матнни қисмларга бўлиш мумкин. Расмдаги композиция — қисмларнинг ўзаро жойлашувидир. Биз атроф дунёдаги ҳодисалар билан танишганда ҳам бутун ва қисм турдош нисбатини ўрганамиз.

Бутун ва унинг таркибий қисмлари деган умумий моҳиятни аниқлаш атрофимизда кўрилган бир қатор ҳодисаларда атроф дунёдаги бир қатор кузатишган ҳодисаларда бутун ва унинг таркибий қисмлари деган умумий моҳиятни аниқлаш болага олам муайян бир умумий қонун асосида қурилган, деган тушунчани беради.

2. *Фалсафанинг қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуниятининг пайдо бўлиши туфайли*, бошланғич мактабда ҳам ҳар қандай ҳодисанинг ўз акс (тескари) томони бор, деган нарсани ҳис қилишга, тушунишга, кўришга имкон берапти. Амалий ҳолатларда (тортмоқ—итармоқ, чизмоқ—ўчирмоқ, кўймоқ—олмоқ...), математик амаллар ва нисбатларда (кўшиш—айириш, кўпайтириш—унга тескари бўлиш, кўп—оз, кенг—тор), мисолларда, нисбатларда, она тили дарсларида тил ҳодисаларида (антонимлар), адабий қаҳрамонларни тавсифлашда, жонли ва жонсиз

табиат муносабатларида бола тили билан айтилади-
ган «Бирисиз иккинчиси бўлмайди» мазмунидаги
ушбу қонуннинг мужассамлигини кўрамиз.

Адабиётда бир хил адабий қаҳрамонларнинг
олижаноблиги ва бошқаларнинг заифлиги кўри-
ниши учун улар ўзига хос томонларини кўрсата
олиши учун шарт-шароитлар зарур бўлади. Айни
бир қаҳрамон баъзан унинг ижобий томонлари ҳам,
баъзан салбий томон ҳам акс эттирилади, шу са-
бабли уларга бир хил тавсифни тақаш тўғри бўлмай-
да. Ҳаётдаги ҳар бир ҳодиса (энг бетарафи ҳам)
ҳамиша ким учундир яхшилик кўрсатиши, ким
учундир ёмонлик кўрсатиши мумкин.

Фарзандларимиз қачонлардир бундай нарсалар
тўғрисида ўйлаб кўришармикан? 89-, 110- мактаб-
даги биринчи синф ўқувчилари аллақачон «яхши-
ёмон» ўйинини ўйнашган. Бу тажрибадан кўрин-
дики, болалар ўйин усулини ўз ҳаётига тезда
киритадилар ва бу уларнинг ахлоқий хатоликлар-
дан сақланишга, ўз сўзи ва хатти-ҳаракатларида
шошма-шошарлик қилмасликка ёрдам беради.

Юқорида кўрсатилган таълим технологиясидан
фойдаланиб, математика дарсларида мисоллар зан-
жирини ечиб, тескари операциялар тизимини тузиш
ва текшириб чиқиш, ва айни чоқда бир тенгламани
ечиб, унга тескарисини тузиш ва ечиш мумкин. Бу
ўз-ўзини текшириш усулининг бир шаклидир.

3. *Қайта ўзгартириш ғояси.* Дунёда ҳеч нарса из-
сиз кетмайди. Биронта ҳодисадаги қайсидир ўзга-
риш ўз ортидан оқибатини олиб келади. Математи-
када бу тадқиқотлар турли-туман материаллар
ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Компонентлар ўзгаришига қараб натижалар ўзга-
ришини кузатилганда ечилган масала билан қўшим-

ча ишлашда ундан кенг фойдаланилади (агар масалада ... ўрнига мураккаблашган тенгламалар ечишга ўтишда, ечим ва жавоб қандай ўзгариши мумкин?

$$(x - 8 = 12 \rightarrow x - 8 = 36 : 3 \rightarrow x - 4 \cdot 2 = 36 : 3).$$

Қайта ўзгартириш ғояси ўқувчиларнинг ўзларига маълум билимлардан қочиб, ўзлари учун янги бўлган масалани кутишга, ечиб кўришга имкон беради.

23	23	23	123
+16	+17	+18	+418

Дарс мавзуи: «Босқичларга ўтиш орқали ёзма кўшиш усуллари».

$$48:2 \rightarrow (40+8):2$$

$$648:2 \rightarrow 648 : 2$$

$$748:2 \rightarrow 748 : 2$$

Ўқувчилар бунга ўхшаш тадқиқот фаолиятини мантиқий урғуни аниқлаш ва гапда сўз таркибини аниқлаш вазифаларида, деформацияланган матнни (тестни) тиклашда амалга оширадilar.

Табиатшуносликда сабаб-оқибат алоқаларининг аниқланиши, бу — ҳаётнинг бошқа соҳасида айтишу фалсафий моҳиятни намоён этишдир.

Албатта, таклиф этилаётган далиллар кўпгина ўқувчилар учун кутилмаган нарса бўлиши мумкин ва буларни бошланғич синфлар иш тажрибасида мақбул деб ҳисоблаган кишилар эса фанлараро алоқалар ва умумлаштиришларни қайта кўриб чиқишлари керак бўлади.

ЎҚУВЧИ БИЛИМИНИ ТЕКШИРИШ ВА БАҲОЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Таълим усуллари классификациялаш (турлаш) ўқувчилар билимини ва улар фаолиятининг хусусиятини текшириш бу фаолиятни тўғри йўлга

қўйишни кўзда тутади. Ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолашдан мақсад ўқувчилар билимининг сифатини, ривожлантириш даражасини таъминлаш ва уларни рағбатлантиришдан иборат бўлиб, билим олишга қизиқишини такомиллаштиришдир.

Билимларни текшириш ва баҳолашдаги асосий камчиликлар:

— унинг вазифаларини (функцияларини) нотўғри тушуниш;

— таълим жараёнида унинг ролини асоссиз кўтариб юбориш;

— текшириш ва баҳолашнинг дарсда асосий мақсадга айланиб қолиши;

— билимларни текшириш ва баҳолашда бир хил технологиядан фойдаланиш;

— баҳоларни қўйишда субъективизмга йўл қўйиш ва аниқ, асосланган мезонларнинг йўқлиги.

— ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолашда бу жараён назорат қилувчи, таълим-тарбия берувчи муҳим функцияни бажаришни унутмаслик керак.

Бу назорат қилувчи учун асосий функция бўлиб, таълим берувчи ва тарбиячи ёрдамчи функциядир. Бироқ, текшириш мақсади ва кўриниши турлича бўлганда, бу уч функция турлича намоён бўлиши мумкин. Масалан, текширишнинг якуний имтиҳон шаклини оладиган бўлсак (уни ўтказиш усуллари турлича бўлиши мумкин), бунда назорат қилиш функцияси устунлик қилади (таълимга вақт қолмайди).

Ўрганилаётган материални ўзлаштириш бўйича жорий текшириш олиб борилса, бу ҳолатда таълим берувчи функцияси устун бўлиши керак. Тарбия

бериш функцияси ҳам устун бўлиши мумкин, масалан, ўқитувчи баъзи ўқувчиларни системали ишлашга ўргатишга интилади, баҳо билан рағбатлантириб, уларнинг руҳий хусусиятларига (иродасини ривожлантириш, хотирани мустаҳкамлаш ва ҳ.к.) таъсир этишга ҳаракат қилади, меъёридан ортиқча ўзига бино қўйиш ҳолатларида баҳога қатъий ёндашиб иш кўрилади. Умуман олганда, баҳо холис (объектив) бўлиши зарур эса-да, бироқ ўз табиатига кўра ҳамisha нохолис (субъектив)дир.

Ушбу функцияларга мувофиқ ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолашнинг аниқ усуллари танланади.

Текширишнинг кўп қўлланадиган икки хили мавжуд: улар жорий ва якунийдир. Жорий текширишнинг ҳаммага маълум турлари қуйидагилар: оғзаки сўрашнинг ҳар хил шакллари, ёзма уй вазифаларини текшириш, ёзма назорат (мустақил) топшириқлари. Бироқ, бундай анъанавий шакллар билан бир қаторда турли перфокарталар ёрдамида текшириш, компьютер ёрдамида топшириқ бажарилишини текшириш ҳам қўлланиляпти.

Текширишнинг ўзига хос шакли ўқувчиларни ўқитувчи томонидан кундалик мунтазам кузатиб туришдир. Текширишнинг турли-туман шакллари ўзига хос дарс босқичи каби фақат анъанавий «сўраш» жараёнидагина эмас, балки бутун дарс мобайнида қўлланилади.

Ўқитувчи дарсга тайёрланишда текширишнинг зарур шаклларини излаш ва уни қўллаш энг муҳим вазифаси эканлигини унутмаслиги керак. Кимдан, қачон, қанча ўқувчини текшириш, қандай саволлар билан, қандай воситалар орқали сўраш ва баҳолаш — буларнинг барчасини ўқитувчи дарсга тайёрланиш пайтида ўйлаб чиқмоғи лозим.

Шу билан бир қаторда ўқувчилар ўз ўртоғи билими сўралаётганда нима билан шуғулланиши зарурлиги ҳақида ҳам ўйлаши керак бўлади. Ҳар бир ўқитувчининг ўз назорат тизими бўлиши лозим. Бу тизим ишнинг турли-туман воситалари ва усуллари қамраб олиши, ўқувчилар ўқитувчисининг ўз муваффақиятлари, билимларни ўзлаштириш даражаси ва сифатини ҳамиша текшириб туришини тушунсинлар.

Текшириш шакллари мактабларимиз таълим жараёнига хос бўлган, ўқувчиларни билимларни фақат ўзидан қабул қилиши, репродуктив фаолиятини ташкил этиш билангина тугамаслиги лозим. Назорат (текшириш) шакллари танлашда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олиш муҳимдир.

Якуний ёзма ишларга алоҳида талаб билан қараш зарурдир. Уларни ўқитувчи ўқув материални кўпчилик ўқувчилар ўзлаштириб олганига ишонч ҳосил қилгандан сўнг ўтказиш мумкин. Бундай ишлар ўқувчилар учун асосли бўлиб, уларда ўз кучларига ишонч хусусиятини шакллантиришга ёрдам беради, акс ҳолда эса ўқитиш жараёнига қизиқиши пасаяди.

Билимларни текширишнинг ёзма ва оғзаки шакллари тўғрисида гапирилганда, уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга экани ва ўз вазифаси борлигини айтиб ўтиш даркор. Оғзаки шакли — саволни тез идрок этиш (реакция) кўникмасини ҳосил қилиш ўқувчилар хотирасини ривожлантиришга ёрдам беради. Ёзма текшириш эса мантиқий мушоҳада (фикрлаш)ни самарали кенгайтиради, жавобларда аниқлик кўпроқ бўлишга ўргатади. Сўнгги йилларда ўқувчилар билимини ва ривож-

ланиш даражасини аниқлаш мақсадида турли тест шаклларида кенг фойдаланилмоқда.

Билимларни баҳолашга қўйиладиган талаблар. Ўқувчилар билимини баҳолашда қанча холис муносабатда бўлинса, у ўқувчиларни шунча рағбатлантиради. Қоидага кўра ўқувчининг дарсдаги хулқатворига мукофот ёки жазо сифатида эмас, балки билими даражаси ва хусусиятига қўйилиши керак. Баҳога қўйилган талаблар оптимал (ошириб юборилмаган ва пасайтириб юборилмаган) бўлиши лозим. Баҳоларни «ошириш» ўқувчилар ривожланиш даражасини, билимини пасайтиради. Шу билан бирга жуда катта талаб қўйиш ҳам зарарли бўлиб, ўқувчининг ўқишга бўлган қизиқишини сўндиради. Ўқитувчининг алоҳида бир ўқувчиларга баҳо қўйишда салбий муносабатига йўл қўйиб бўлмайди. Зеро, ўқув предметига мувофиқ келадиган дастур баҳолашнинг энг холис мезони бўлиши зарур.

Мактабларимизда билимларни баҳолаш ўзгаришсиз қолмади. 1935 йилгача уч баллик баҳо қўйилган бўлиб, у «жуда қониқарли», «қониқарли» ва «қониқарсиз» баҳолар эди.

Ўша пайтда бугунги кунгача мавжуд бўлган беш баллик тизим жорий этилди. Бу тизим «аъло» (беш) — дастур талабларига тўлиқ ҳажмдаги билимларни эгаллаган ўқувчига қўйилади;

«яхши» (тўрт) — дастур талабларини тўла ҳажмда арзимас камчиликлар билан (Масалан, материални баён этиш мантиқи бузилгани ва б. ўзлаштирган ўқувчига қўйилади;

«қониқарли» (уч) — ўқувчининг билим даражаси жуда паст бўлиб, унга кейинги материални ўрганишида илгарилашига ёрдам берадиган билим ҳажмига қўйилади;

«қониқарсиз» (икки) — ўқувчи ўзидаги жуда паст билими билан илгарилашига қодир бўлмаса қўйилади;

«ёмон» (бир) баҳо ўқувчи ҳеч нарсани билмаганда қўйилади. Бу сўнгги баҳо жуда кам қўлланиб, унинг мазмуни деярли «икки» баҳога тенгдир.

Билимларни баҳолашда холисликни (объективликни) сақлаган ҳолда баъзи ҳолатларни ҳам назарда тутиш лозим: масалан, жорий ёки якуний билимлар баҳоланади (ёзма иш, чорак баҳоси ва б.), ўқувчининг интилиши, унинг ўқув ишларидаги барқарорлиги ва ҳ. Ўқув фанининг хусусиятларини, баъзи бўлимлар, уларнинг алоқадорлигини ўзлаштириш ҳолатини назардан қочирмаслик зарур.

Ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолашнинг анъанавий тизими жиддий нуқсонларга эга, негаки у таълимий, тарбиявий, диагностик ва рағбатлантириш функцияларини зарур даражада амалга оширмайди. Модомики, шундай экан, ундан воз кечиш ёки уни янада такомиллашган шаклига алмаштириш мақсадга мувофиқ эмасмикан?

Эҳтимол, баҳонинг жазолаш вазифасидан халос бўлган ўқувчилар яхшироқ ўқишни ва таълимий бурчларига анча виждонан муносабатда бўлар эди. Бугунги кунда ўқувчиларнинг ўзи баҳога қандай муносабатда бўляптилар? Бошланғич синфлардаги ўқувчиларнинг 98 фоизи баҳо сақланиши зарурлигини айтади. Баҳони бекор қилиш ўқитишга бўлган қизиқишни оширишга, ўқитишнинг ички шакллантиришга ёрдам беради, деган фикр ҳам ўзини оқламади.

Ўрта ва юқори синф ўқувчиларининг ўқув фаолиятини баҳолаш зарурлигини қайд этганлар сони

бошланғич мактабдагидек бўлишига ишонамиз, албатта.

Баҳоларни бекор қилиш мақсадга мувофиқ эмаслиги бир қизиқ психологик тадқиқотдан ҳам маълум. Америкалик психологлар ўқувчилар ўқув фаолияти натижаларига баҳо таъсирини аниқлашга қарор қилдилар. Эксперимент мақсадига кўра, бир синфда ўқувчилар муайян вақт давомида жавобларининг аниқлиги ва тўлиқлигига эътибор қилмай, фақат мақталди. Бошқа синфда фақат танқид қилинди, учинчисида эса бирон-бир баҳо берилмади. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, билиш фаолияти мақталган синфларда энг юқори ютуқларга эришилган, энг ёмон натижа ўқув фаолияти танқид қилинган синфда эмас, балки билиш фаолияти сира баҳоланмаган синфда вужудга келди. Ўқитувчининг ўқитишга бўлган ҳаваси қанчалик кўп бўлмасин, билиш фаолиятининг ички мотивлари қай даражада шаклланган бўлмасин, у ҳамини ташқи мотивлаштиришга, ташқаридан мақташ ва қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлади. Бола кўз ўнгиде ўқитувчи қанчалик аҳамиятли, обрўли бўлса, унинг мактабда асосан баҳолаш ва баҳоларда акс этувчи мақтовлари шунчалик қадрли ва аҳамиятли бўлади.

Педагогик баҳолаш билимни дастур талаблари ва таълим андазаларига қиёслаб аниқлабгина қолмай, балки ўқувчилар билим фаолиятини мотивлаштиради ва рағбатлантиради.

Юқоридегилардан хулоса шуки, баҳони бекор қилиш педагогик жиҳатдан ҳам, психологик жиҳатдан ҳам ўзини оқламайди. Бундай қатор камчиликлари бўлсада, беш баллик баҳо тизимида муқобил хили топилганича йўқ. Шунинг учун, менингча, гап

уни такомиллаштириш, ўқувчилар билимини баҳолашда хатога йўл қўймаслик ҳақида бориши керак.

ЎҚИТУВЧИНИНГ ХАТОЛАРИ

Ўқувчилар билимини баҳолашда энг жиддий хатолардан яна бири турли гуруҳларига субъектив ёндошишдир. Бу ўқитувчи томонидан айтилиб бериладиган жавоб учун, айтилиб бериладиган иш учун турли ўқувчиларни баҳолашдаги тафовутларда акс этади. Тафовутлар баъзан икки баллгача тушади. Йиллар ўтиши билан ўқитувчидан ўқувчилар турли гуруҳларига нисбатан муайян таъсир ва унга мувофиқ ҳолда муносабат шаклланиб боради. Бу нарса ўзлаштирилган ва ўзлаштирилмаган ўқувчиларга муносабатда ёрқин намоён бўлади. Ўқитувчилар бир хил ўқувчиларни (ўзлаштирилган) доим мақтайдилар, бошқаларни (ўзлаштирилмаган) ҳамиша қийинчилар. Бунинг устига ўзлаштирилганларга, одатда, ўзлаштирилган синфдошларига нисбатан тез-тез ва қаттиқ танбеҳ бериладилар. Янглиш муносабат яна шунда намоён бўладики, ўқитувчилар яхши ўзлаштирилганларга нисбатан ёмон ўзлаштирилган ўқувчиларни жавоб беришга кам таъриф этадилар. Жавобни ўйлаш учун уларга жуда оз вақт бериладилар.

Мана бундай вазиятга эътибор қилинг. Доска ёнида паст ўзлаштирилган ўқувчи жавоб бермоқда. Ишончсиз, ўринсиз гапирмоқда. Бундай ҳолатда ўқитувчининг муносабати қандай бўлади? У ўқувчи гапини шартга бўлиб, унга «икки» қўяди ва жойига ўтқизади: «Сен яна дарс тайёрламабсан», «Сен ҳеч одам бўлмабсан», «Сенга ўргатса ҳам, ўргатмаса ҳам бефойда экан» деб уни изза қилади.

Энди бошқа вазиятни кўрайлик. Доска олдида яхши ўзлаштирилган ўқувчи бугунги дарсга тайёр-

ланмай келиб, ишончсиз ҳолда жавоб берапти. Ўқитувчи бундай вазиятда ўзини қандай тутати?

У ўқувчига ёрдам бериб, камчилигини тўлдиради, ёки унга жавобни ўйлаши учун имкон беради. Кўришиб турибдики, бу икки вазиятда ўқитувчи қаршисида яхши ва ёмон ўзлаштирувчи бола турганига қараб, ўзини турлича тутяпти. Ҳар хил болага бундай муносабат илгаритдан вужудга келган тасаввурнинг намоён бўлиши ҳисобланади. Келтирилган мисолда субъектив муносабат намоён бўлади. Ўқитувчининг бундай муносабати эса мактаб баҳосининг таълимий, тарбиявий ва рағбатлантирувчи функциясини пасайтиради.

Америкалик педагог Блумнинг фикрича, ҳатто ўқувчилар нутқи суръати ҳам ўқитувчи баҳосига таъсир этар экан. Бу нарсани махсус ўтказилган қуйидаги тадқиқотдан ҳам билиш мумкин. Табиатшунослик фанидан ўқувчи қиз бир хил материални икки марта гапириб берган. Аввал 16 дақиқада, кейин эса 24 дақиқа давомида. Жавоблар видео тасмасига ёзиб олинди. Сўнгра 81 нафар ўқитувчи секин айтилган ва тез айтилган материални баҳолашди. Тез айтиб берилган материалнинг ўртача баҳоси 3,38 балл билан, секин сўзлаб берилган материалнинг ўртача баҳоси 2,5 балл билан баҳоланди.

Тадқиқот муаллифларининг хулосаси шуки, кўпгина ўқитувчилар учун нутқнинг тез суръати чуқур билим ва катта қобилиятдан дарак берар экан.

Ўқитувчи ўқувчининг тез ёки секин нутқ суръати материални билиши ёки билмаслиги белгиси эмаслигини фаҳмлайди. Вазминлик, бир иш туридан иккинчисига секин ўтиш совуққон мижоздаги ўқувчига саволни тушуниб олиши ва унга жавоб

тайёрлаши учун кўпроқ вақт талаб этилади. Бундай ўқувчига жавоб учун қизиққон мижозга нисбатан кўпроқ вақт керак бўлади. Ўқитувчи эса, совуққон ўқувчининг вазминлигини мутлақо бошқача тушунади. Турли мижозга (темпераментга) мансуб бўлган ўқувчиларга нисбатан хато қилиш умумий баҳолаш тизимининг камчилиги эмас, балки ўқитувчининг шахсий (субъектив) хатоси, аниқроғи, ўқувчиларнинг типологик хусусиятларини билмаслиги натижасидир.

Мактаб амалиётида кўпинча ўқувчиларни бир-бирига қиёслашади, бирининг ютуғини иккинчисига ўрнак қилишади. Ўқитувчи яхши ўқий олмаган ўқувчига қараб: «Қарагин, Тоҳир қандай яхши ўқийди!», — деган кинояли сўзлар билан уни изза қилади. Бу ўқувчига руҳий жиҳатдан ёмон таъсир қилади, оқибат у ўқишдан безади.

Болаларни бир-бири билан шундай ва умуман таққослаш мақсадга мувофиқми? Бундай таққослаш паст ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг ўқишга қизиқишини кучайтиришга ёрдам берадими? Худди шу соҳада психологик тажриба ўтказилди. Ўқув йили давомида синфда ҳар бир ўқувчини ўзи билан қиёслаб, ўқитувчи ўзлаштириш даражаси ҳақида унинг ўзигагина айтди. Бошқа синфда эса бир ўқувчининг ютуқлари, имкониятлари бир хил, лекин шахсий сифатлари билан бошқа натижаларга эришган, бошқа ўқувчининг ютуғи ёки муваффақиятсизлиги билан қиёсланди. Учинчи синфда болалар умуман таққосланмади. Ўқув йили охирида ўқувчилари бир хил қобилиятли, лекин ўқишга турлича муносабати туфайли ўқув фаолиятида турли натижаларга эришган болалар синфи энг яхши ҳисобланган. Бу ердаги таққослаш боланинг ўси-

шини пасайтирмаган, аксинча, яхши натижаларга эришиши мумкинлигини кўрсатган.

Ўқувчи ўзини-ўзи билан қиёслаган синфда ижобий натижалар қўлга киритилди. Ўзлаштираётган ва ўзлаштирамаётган ўқувчилар таққосланган синфда мутлақо бошқача манзарани кўриш мумкин эди.

Ўтказилган тадқиқот қуйидаги хулосага келишга ёрдам берди. Болалар билимини шундай таққослаш керакки, унда бировни юқори кўтариб, бошқаларини ерга урмай, болаларнинг энг яхши натижаларга эришувини ва ўз шахсини такомиллаштиришини қўллаб-қувватласин.

Умуман олганда, болаларни бир-бири билан таққослаш, бирини иккинчисига ибрат қилиб кўрсатиш — педагогик томондан ҳам, ахлоқ-одоб томондан ҳам мутлақо тўғри келмайди. Дарҳақиқат, тарбиянинг инсоний йўналиши болани қандай бўлса шундайлигича қабул қилишни ва уларнинг ўзини ривожлантириш ва камолатга етказиш учун шарт-шароит яратишни кўзда тутди.

Ўқитувчи томонидан ўқувчилар билимини баҳолашда йўл қўйилган хатолар фақат баҳо компонентларининг ўзгаришига эмас, балки бутун ўқув-билиш фаолиятининг ўзгаришига олиб келади, улар бу тизимга хос бўлган камчиликларни кучайтириб, уни камсуқум ва ёқимсиз қилиб қўяди.

Ўқувчи ўзини баҳолайди. Ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолаш масаласи тўғрисидаги мунозаралар, уларни такомиллаштиришнинг янги шаклларини излаш, аксарият ҳолларда нотўғри йўналишда олиб бориляпти. Албатта, 10 баллик баҳо тизимини жорий этиш ёки баҳодан умуман воз кечиб, текширишнинг турли шаклларидан, чунончи синов, имтиҳон, тестларни қўллаш мумкин.

Лекин ўқувчи ва унинг билиш қобилияти ўқитувчи баҳосининг объекти бўлиб қолаверади.

Мактаб баҳосини такомиллаштиришнинг энг самарали йўли ўқувчи билимини баҳолаш компонентининг фаол субъектига айлантиришда. Зеро, педагогнинг баҳоси ўқувчининг ўзини-ўзи баҳолашга ўргатиш лозим, яна яхшиси, баҳолашнинг бу икки кўринишини уйғунлаштириш муҳимдир.

Ўз-ўзини баҳолашни таъминловчи йўллар қайси? Ўқувчиларнинг ўз-ўзини баҳолаш кўникмасини пайдо қилиш учун биринчи навбатда уларни ўз билиш фаолиятини баҳолашга жалб этиш лозим. Ўз-ўзини баҳолаш қўйидаги усуллар билан вужудга келади:

1. Бошқалар бажарган ишни ўқувчи томонидан, яъни ўқувчиларнинг ўзаро баҳолаши. Синфдошининг иши тўғрисида ахборотнинг мавжудлиги ўзини-ўзи баҳолаш фаолиятига ижобий таъсир қилади.

2. Ишни бажарган ўқувчи ўзига-ўзи баҳо қўяди. Сўнг унинг иши ўқитувчи томонидан баҳоланади, иккала баҳо қиёсланиб, биринчи баҳонинг объективлик даражаси аниқланади.

Яна бошқа усулни ҳам таклиф этиш мумкин. Оғзаки жавобдан сўнг ўқитувчи жавоб бераётган ўқувчидан ўзига қандай баҳо қўйиш мумкинлигини сўрайди. Кейин синфга мурожаат қилиб, ўртоқлари жавобини баллар бўйича баҳолашни илтимос қилади. Бироқ, ўзини-ўзи баҳолашни шакллантириш учун ўқувчиларни баҳолаш фаолиятига жалб этиш кифоя қилмайди. Яъни, ўқувчиларни шундай мезонлар билан қуроллантириш керакки, ўқувчилар улар билан баҳолаш ва ўзини-ўзи баҳолашни амалга оширсинлар.

Ўқувчи ўзининг (ўртоғининг) билимларини баҳолаш учун берилган намуна этолон нисбатини (ўлчашни) билиши зарур. Ўз ҳаракати ёки иш натижаларини этолон бўйича таққослаб, у ўз фаолиятини баҳолашга ўрганади.

Ўқитувчи баҳосидан сўнг ўзини-ўзи баҳолашга ўтиш ўқувчини ўқитишнинг фаол субъекти қилишда жуда муҳимдир. Ўқитишда ўқитувчининг асосий вазифаларидан бири, бу-ўқувчилар билиш фаолиятини бошқариш ҳисобланади. Ундан келиб чиқиб, у ўқув-билиш фаолиятини режалаштиради, мақсад қўяди, уни мотивлаштиради, назоратни бошқариш ва баҳолашни амалга оширади. Ўқувчи муайян мезонлар асосида ўзининг билиш фаолиятини баҳолаши зарур ва ўқувчи қанчалик тез-тез ўзини баҳолаш билан шуғулланса, у шунчалик ишонч билан ўқитиш субъекти бўлиб боради.

Савол ва топшириқлар

1. Бошланғич таълим мазмуни технологиясини тушунтириб беринг.
2. Ўқувчиларнинг билимини баҳолаш технологияси деганда нимани тушунаси?
3. Ўқув-тарбия жараёнида ривожлантириш усулининг технологияси нималардан иборат?
4. Дарс таълимида ривожлантириш технологияси нималардан иборат.
5. Ўқувчи билимини текшириш ва баҳолаш технологияси принципларини айтинг.
6. Ўз-ўзини баҳолаш ҳақида маълумот беринг.
7. Ўқув усул ва йўллари нима, уларнинг мазмуни нимадан иборат?
8. Ўқув усулларини аниқ классификациялашга мисоллар келтиринг, унинг ўзига хос хусусиятларини айтинг.

IX боб. ТАЪЛИМ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

ПРИНЦИП ТУШУНЧАСИ

«Принцип» сўзининг маъноси хулқнинг, хатти-ҳаракатнинг асосий қоидаси, етакчи ғоя демакдир. Таълим қонуниятлари (принциплари) — бу ўқитиш жараёнига қўйиладиган талаблар йиғиндисидир.

Биз, ҳатто, турмушда ҳам «бу одам принципли» деймиз ва бунда ўша одамнинг ўзига хос қоидаларга, ўзининг принципларига мувофиқ иш кўришини назарда тутамиз. Агар кишининг хатти-ҳаракатларида қатъий қоидалар бўлмаса, уни «принципи йўқ» деб ҳисоблаймиз.

XV—XVI асрлардаги машҳур олимлар билишнинг асосий қонуниятларига фақат ўқитишнинг эмас, балки ахлоқий тарбиялашнинг ҳам етакчи асоси сифатида қараганлар.

Форобий «Намунали таълим» ҳақидаги рисолада ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган материални энг яхши йўсинда баён қилиш масаласига алоҳида тўхталиб, бу ишнинг иккита турини тавсия этган: уларнинг бири бевосита сезишга яқин нарсаларни олдинги ўринга қўйишдан ва иккинчиси ақлга яқин нарсаларни олға суришдан иборатдир. У ўзининг фикрини тушунтириб шундай ёзган: «Ақл ўз ҳаракатини аввал сезиладиган нарсаларга, кейин эса ақлга мувофиқ йўсинда, яъни хоссаларни синтез қилишга йўналтириши маъқул».

Ибн Сино асарларида ҳам дидактиканинг принципларига, хусусан кўрсатмали ўқитишга қизиқиш билан қаралган. Ибн Сино инсон дастлабки ўқув машғулотида буюмнинг ташқи хоссасини ўрганса, ўша буюмни ва унинг тасвирини кўриб чиқса,

ўзи мустақил ҳолда билимларни ўзлаштира олади, деб ҳисоблаган. Олим инсон ҳақиқатан мавжуд нарсаларни ёки уларнинг тасвирини идрок этиши туфайли унда объектив воқеликни тўғри акс эттирадиган тасаввур шаклланишини уқтирган.

Шарқшунос олим Киндийнинг фикрича, инсонда ижобий сифатларни таркиб топтиришнинг энг зарур омили унинг ақл кучини ривожлантиришдир. Ақл кучи ривожланмаса, инсон умр бўйи Арастунинг китобларини ўқиса ҳам, уларда ифодаланган фанларнинг биронтасини ўзлаштира олмайди. Бундай одам ҳар қанча уринса-да, фақат бошқаларнинг гапларини такрорлаб бера оладиган бўлади. У ҳеч нарсанинг моҳиятини тушунмайди ва ўзлаштира олмайди. Киндий ана шу фикрларини баён қилар экан, ўқитишнинг илмийлиги ва онглилиги қоидасини назарда тутган.

Педагог олимларнинг юқоридаги фикр-мулоҳазаларини умумлаштириб хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, ўқитиш принциплари ёш авлодга таълим ва тарбия бериш мақсадларига мувофиқ ўқитишнинг характерини белгилайдиган асосий етакчи қоидалардир.

Мана шу принциплар қаердан келиб чиққан? Уларни ким, қачон ва қандай вазиятларда ифодалаган?

Принципларни ифодалашга олиб келган асосий манба, ўқитиш амалиёти, ўқитувчиларнинг кейинчалик анланган, умумлаштирилган ва тарқалган тажрибаси ҳамда топилмаларидир.

Биз ижтимоий ривожланишга кўра ўқитиш принципларининг ўзгаришини эътироф этган ҳолда анъанавий таърифларни сақлаш, уларга фақат замонавий мактабнинг аҳволини акс эттириш зарур-

лиги учун бошқача мазмун бахш этиш, хусусан янги мактабга хос айрим қоидаларни киритиш тарафдоримиз. Масалан, «Умумий таълим мактаби концепцияси» ҳамда «Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар концепцияси»га мувофиқ бутун ўқитиш ва тарбиялаш тадбирлари таълимни инсонпарварлаштириш ҳамда демократлаштириш талабларига бўйсунishi сабабли демократик қонунларга, шахсга инсоний муносабатларга асосланган тарбияловчи ва камол топтирувчи таълимнинг бирлиги етакчи қоида бўлиб қолди.

Ўқитишнинг принципларидан унинг қоидалари келиб чиқади ва улар у ёки бу принципларнинг хусусий қоидаларини акс эттиради. Масалан, ўқитишнинг кўрсатмалилик принципи таълимнинг кўрсатмали қўлланмани ҳозирлаш, ўқувчиларни уни идрок этишга тайёрлаш, қўлланмани кўрсатиш ва таҳлил қилиш каби қоидаларини тақозо этади.

Ўқитишнинг тизимлилиги принципи қуйидаги қоидалардан иборат: янги ўзлаштирилган билимларни илгари олинган билимларга боғлаш, материални қисмларй бўйича баён қилиш, ўрганилган билимларни мустаҳкамлаш ва ҳоказо. Ўқитиш принципи бутун таълим жараёнига тарқалади, таълимнинг қоидаси фақат ана шу жараённинг айрим томонлари ва звеноларидир.

Я. А. Коменский ўзининг «Буюк дидактика» асарида дидактиканинг принципларини ишлаб чиққанидан бошлаб уларни деярли барча педагог олимлар кўриб чиқдилар, лекин ўқитиш принципларининг сони ва мазмунини белгилаш хусусида ҳозирги кунгача бир фикрга келингани йўқ. Ҳатто, Ильина, Огородников, Болдиров, Шчукина ва бошқалар яратган дарсликларда ҳам мазкур принципларнинг сони ҳар хилдир.

ПРИНЦИПЛАРНИ ТАНЛАШГА УМУМИЙ ЁНДОШИШ

Принципларнинг сони 6 тадан 11 тагачадир. Дидактика тадқиқотчиларидан айримларининг асарларида турли принциплар тавсия этилган. Масалан, М. И. Скаткин узлуксиз таълим тамойилини ҳисобга олиб ўқитишнинг мустақил билим олишга ўтиш принципи жорий этилишини таклиф қилади, шунингдек, ўқишга ижобий муносабатни шакллантиришга катта эътибор бериб, таълим ижобий асосда олиб борилиши принципини мақсадга мувофиқ деб билади. Ю. К. Бабанский дидактиканинг янги йўналишларидан бири — оптималлаштириш назариясини ишлаб чиқиб, мана шу назариянинг амалий йўналишини акс эттирадиган учта янги принципини тавсия қилади. Булар эса 1) таълимнинг оғзаки, кўрсатмали ва амалий, репродуктив ва изланишли, шунингдек, бошқа *методлари ҳамда усуллари*ни тўғри бирлаштириш; 2) таълимнинг дарс, дарсдан ташқари, шунингдек умумсинф, гуруҳий ва яқка тартибдаги шакллари¹ни тўғри бирлаштириш; 3) ўқувчиларнинг ўқишга ижобий муносабатни кучайтириш, уларда билишга қизиқишни, билимларга эҳтиёжни таркиб топтиришдан иборатдир¹. Бу принциплар ҳали барқарор принциплар тизими¹га киргани йўқ, лекин тажрибали педагоглар педагогиканинг тегишли мавзулари ва бўлимларини ўтишда улардан фойдаланмоқдалар.

ЎҚИТИШНИНГ ЕТАКЧИ ҚОИДАЛАРИ

Ўқитишнинг ҳар хил принциплари тавсия этилган ва этилаётган бўлса ҳам, лекин барча тадқи-

¹ Ю. К. Бабанский. Принцип обучения в современной образовательной школе. — Народное образование, 1979, № 2.

қотчи-дидактлар учун умумий қатор принциплар мавжуд. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Ўқитишнинг тарбияловчи ва камол топтирувчи принципи.
2. Илмийлик, тизимлилик ва изчиллик.
3. Таълимнинг ҳаёт билан боғланиши.
4. Онглилик ва фаоллик.
5. Кўрсатмалилик.
6. Тушунарлилик.
7. Пухталиқ.

Барча предмет ўқитувчилари ҳамма синфларда ана шу принципларга риоя қилишлари керак. Аммо предметларнинг мазмунига, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига, кўрсатмали қўлланмалар мавжудлигига боғлиқ ҳолда принципларнинг нисбати ҳамда мазмуни ўзгаради. Масалан, кўрсатмалилик принципи табиатшуносликни ўқитиш жараёнида тажрибаларни намойиш этиш бўлса, тилни ўқитишда грамматика жадвалларини кўрсатиш, доскага ёзиш, схемаларни чизиш ва ҳоказолардан иборат бўлади.

Лекин ҳар қандай предметни ўқитишда жонли мушоҳада, яъни нарсалар ва ҳодисаларни муайян идрок этиш, фикрлаш принципларига амал қилиш, бошқача айтганда, назарий хулосаларни тушуниш ва билиш, уларни ҳаётда қўллай олиш зарур.

ИЛМИЙЛИК, ТИЗИМЛИЛИК ВА ИЗЧИЛЛИК ПРИНЦИПИ

Мактаб таълимига қўйиладиган илмийлик талаби халқ таълими тўғрисидаги барча қонунлар, «Умумий таълим мактаби концепцияси» ҳамда «синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар концепцияси»да ифодаланган етакчи талабдир. Ҳозирги кунда, яъни фан ва техника ривожланган, илмий билимлар, мустақил давлатни қуриш ва уни

ривожлантиришнинг ҳар хил амалий масалаларини ҳал қилишнинг зарур шартига айланаётган даврда мазкур принципни амалга ошириш ниҳоятда муҳимдир.

Илмийлик принципи мактаб таълими мазмунига фанда аниқ расмийлашган ўқув материалларини киритишни (бу талаб мактаб дастурлари ва дарсликларини таққослашда, ўқитувчи ҳар бир дарс учун материал танлашда ҳисобга олинади), ўқувчиларни ўз ёшларига мос илмий тушунчалар билан қуроллантиришни талаб қилади. Дастурлар ва дарсликларда эса ана шундай тушунчаларни ўзлаштиришнинг тартиби ифодаланади. Бу тартибга жиддий риоя этиш ҳамда ўқув жараёнига фақат фанларда қабул қилинган таърифларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

Илмийлик принципи ўқитувчидан ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқига алоҳида эътибор беришни, у ёки бу масалаларни илмий асосда тушунишдан ҳеч қандай чекинишга йўл қўймасликни, илмий тушунчаларни ва сўзларни тўғри қўллашни талаб қилади.

Табиат ҳодисаларини (момақалдироқ, чақмоқ, шамол, қор, ёмғир ва ҳоказоларни), шунингдек, жамият ҳаётида энг муҳим ўзгаришларни илмий жиҳатдан аниқ баён қилиш катта аҳамиятга моликдир.

Болалар таълимнинг дастлабки йиллариданоқ ишнинг рационал усуллари: режа бўйича ҳикоя қилишни, ўқилган нарсалардаги асосий фикрни топа олишни, исботлай билишни, ўқув материални англаган ҳолда ёдлашни ўзлаштиришлари керак.

Мазкур принцип фаннинг тармоқлари барқ уриб ривожланаётган ҳозирги кунда алоҳида аҳамиятга

моликдир. Шунинг учун ўқитувчи ҳар бир дарсга тайёрланишда дарсликлар ва ўқув қўлланмаларидан ташқари, фанларнинг сўнгги ютуқлари ёритилган вақтли матбуот воситаларидан ҳам фойдаланиши лозим. Бунда бошланғич синфларда ўқувчиларни замонавий фанларнинг ютуқлари билан таништириш керакмас, деган фикрни маъқул деб бўлмайди. Бинобарин болаларга берилган барча назарий маълумотлар ва улар ўрганган қоидалар илмий билишнинг ҳозирги ривожланиш даражасига зид келмаслиги лозим. Таълимнинг ана шундай йўлга қўйилиши ўқувчилар мактабнинг юқори синфларига ўтиши билан уларни қайта йўналтириш ва қайта ўқитиш заруриятини барта-раф этади.

Ўқитувчи болаларга фаннинг сўнгги ютуқлари ҳақида сўзлаб бериши, билимлар тизими асосидагина фанни ўрганиш мумкинлигини тушунтириши лозим. Я. А. Коменский ва И. Г. Песталоцци ўз даврларидаёқ билимларни ўрганиш учун уларнинг навбатдаги ҳар бир звеноси ўзидан олдинги звеноларига асосланиши, янги билим илгари ўзлаштирилган билимларга жиддий мантиқий тартибда боғланиши зарурлигини ишонарли тарзда исботлаганлар.

Билимларни тизимли баён қилиш нимани англа-татади? Билимларни тизимли баён қилиш — уларнинг янгисини илгари ўтилгани билан боғлаш, шу орқали ўқувчиларнинг тушунча ва тасаввурлари доирасини кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш, материални қисмлари бўйича ўрганиш, уларнинг асосий жиҳатларини, умумий ғоясини алоҳида ифодалаш билан ўқувчиларнинг мантиқий тафак-курини йўналишга солиш ва ривожлантириш, улар-

га мустақил ҳолда таҳлил қилишни, ўзлаштирилган фактларни тизимга солиш ва умумлаштиришни ўргатишдир.

Ўқитувчининг билимларни тизимли баён қилиши ўқувчиларга ўқув предметининг структураси ва мантиқини чуқурроқ тушуниш, фаннинг бош ғояси ва асосий қоидаларини ажратиш, табиат ва жамият ҳодисалари ўртасидаги ички боғланишни аниқлаш имконини беради.

Ўқитишнинг жиддий тизимлилиги муваффақиятли олға боришнинг гарови бўлиб, фикрларни тартибга солади, билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришни осонлаштиради ҳамда яхшилайти, воқеликни тўғри билишни таъминлайди, ақл, ирода ва характерни ривожлантиради.

Ўқитувчи ўқувчиларга талаблар қўйишда ҳам, уларнинг билимлари, кўникмалари, малакалари ва хатти-ҳаракатларини баҳолашда ҳам, фикр-мулоҳаза юритишда ҳам изчиллик кўрсатиши керак.

Ўқитишнинг изчиллиги фақат ўқув материалларини жойлаштиришда қатъий тизимни эмас, фақат янги билимлар беришда, ўтилган материалларни мустаҳкамлаш ва текширишда тафаккурни жиддий ва батартиб ривожлантиришнинг эмас, балки илгари ўрганилган билимларни доимий равишда такрорлашни, улардан кейинги машғулотларда янги фактлар ва ҳодисаларни тушунтириш, уларни таққослаш учун, турли масалаларни ҳал қилиш учун фойдаланишни ҳам талаб қилади.

Юз йил муқаддам таълимда яқиндан узоққа, оддийдан мураккабга, осондан қийинга, маълумдан номаълумга қоидаси вужудга келган. Бу қоида ҳам тизимлилик принципининг моҳиятидан иборатдир.

НАЗАРИЯНИ АМАЛИЁТ БИЛАН БОҒЛАШ ПРИНЦИПИ

Биз ўқувчиларимизни ҳаётга, жамият қурилишида қатнашишга тайёрлаймиз. Шунинг учун таълим амалий ҳаёт билан боғланиши керак. Ҳозирги пайтда назарияни амалий ҳаёт билан боғлаш принципи алоҳида аҳамиятга эга. Шунга кўра уни таълим-тарбия ишининг ҳамма йўналишларида амалга ошириш зарур.

Форобий ҳар қандай фанни икки қисмга, амалий ва назарий қисмларга ажратган. Мана шу қисмларни қисқача шарҳлашда улардан ҳаётда фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олган. Унинг амалий ва назарий қисмларга берган таърифларидан таълимни амалий йўналишда олиб бориш ва ҳаётга, кишиларнинг кундалик фаолиятига боғлаш фикри туғилади.

Назарияни амалий ҳаёт билан боғлаш принципини рўёбга чиқариш учун қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши керак:

а) ўрганиладиган материални ўқувчиларнинг шахсий тажрибаси ва кузатишлари билан, қуйи синфларда эса уларнинг ўйинлари билан боғлаш даркор — чунки кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни ўқитиш албатта ўйин фаолиятини талаб қилади;

б) таълимни атрофдаги ҳаёт билан, янги жамиятни қуриш амалиёти билан боғлаш;

в) назарияни амалиёт билан фаннинг ривожланиши жамиятнинг эҳтиёжларига боғлиқлигини ёритадиган қадамжоларга саёҳатлар шаклида боғлаш;

г) назарий ва амалий йўсиндаги турли масалаларни ҳал қилиш ва топшириқларни бажариш, лаборатория ишлари билан шуғулланиш ва ишлаб чиқаришга доир мавжуд билимлар асосида практикумлар ўтказиш ҳамда уларнинг натижаларини албатта текшириш;

д) ўқувчиларнинг унумли меҳнати, яъни ижтимоий-фойдали ишларини ўзларига мос шаклларда йўлга қўйиш.

Мазкур принцип хусусан меҳнат тарбияси ва таълими жараёнида яққолроқ намоён бўлади.

Таълимда ўқувчиларнинг онглилиги ва фаоллиги принципи талабига кўра ўқитиш ўқувчилар илмий билимларни ва уларни амалда қўллаш усулларини онгли ҳамда фаол ўзлаштирадиган, ўқув фаолияти уларнинг ижодий ташаббускорлиги ва мустақиллигини, тафаккури, нутқи ҳамда дунёқарашини шакллантирадиган йўсинда ташкил этилиши керак.

Таълимдаги онглилик ўқувчилар ўз ўқув фаолиятларининг аниқ мақсадларини тушунишини, фактлар, ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини англашни ва ўзлаштирган билимларидан амалда фойдалана олишини билдиради. Шунингдек, таълимнинг онглилиги ўқувчиларнинг ўқишга масъулиятли муносабатда бўлишини, ўқитувчи берган топшириқни ўз вақтида ва аниқ бажаришга интилишини ҳам англатади.

Ўқувчиларнинг фаоллиги улар синфда, лабораторияда ижодий материалларни ўрганаётганларида, топшириқларни, ижодий ишларни бажараётганларида намоён бўлади. Мана шу хилдаги ишлар ва ҳар хил топшириқлар ўқув фаолиятида ўқувчиларнинг мустақиллигини ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқдир. Бунда ўқувчиларнинг фақат адабиётлар билан ишлаши ёки турли таълимий топшириқларни бажариши эмас, балки уларнинг мустақил фикрлашни ўрганиши, доимий ижодий изланишга интилиши, ўзини узлуксиз назорат қилиши, битирган ишларнинг натижаларини мустақил ҳолда тўғри баҳолаши ҳам назарда тутилади.

Онглилик ва фаоллик принципини амалга ошириш ўқувчиларга ўрганиладиган предмет ёки бўлимнинг мақсади ва вазифаларини тушунтиришдан ҳамда амалий аҳамиятини ёритиб беришдан бошланади.

Ўқувчиларнинг билиш фаолияти уларнинг дарсдаги ҳиссий идроки ва амалий ишлари, ўқитувчининг гаплари орқали амалга ошади. Ўқувчиларнинг билиш фаолиятида ўқитувчининг оғзаки ахбороти ва ўқув адабиётларини мустақил ўқиш жуда муҳим роль ўйнайди. Таълимнинг онглилик принципи ўқувчилар янги материални идрок этишда фақат таърифларни айтиб беришни эмас, балки уларнинг муайян ҳодисаларга, жараёнларга боғлиқ мазмунини тушунишни ҳам ўрганишларини талаб қилади. Акс ҳолда билимларда расмиятчилик вужудга келади ва ўқувчилар материални қуруқ ёдлайдиган ва қайта сўзлаб берадиган бўладилар, лекин унинг моҳиятини тушунмайдилар ва ўзлаштирган озми-кўпми билимларини амалий фаолиятда қўллай олмайдилар. Расмиятчиликнинг сабабларидан бири ўқитувчининг материални бир қолипда баён қилишидир. Бундай ҳолда ўқувчилар унинг гапларини ишонч билан тинглайдилар ва эслаб қоладилар, лекин уни фикран таҳлил қилмайдилар. Турли масалаларни қўйиш, кўрсатмали қурооллардан кенг фойдаланиш ва ўқувчиларни амалий ишларга жалб этиш орқали уларни билиш фаолиятини кучайтириш билимларидаги расмиятчиликнинг олдини олишнинг муҳим воситасидир. Ўқувчиларнинг янги материал бўйича билимларини текшириб, уни қанчалик англаганини ва илгари ўтилган материалга қандай боғлаганини, уни амалда (ҳар хил масалаларини ҳал қилишда, турли машқларни, меҳнат

топшириқларини бажаришда) қўллай олишини аниқлаш катта роль ўйнайди.

Билимларни онгли равишда ўзлаштириш ўқувчиларда ана шу билимларга маълум муносабатни, ҳиссий кечинмаларни таркиб топтиришни ҳам ўз ичига олади. Ўқувчиларнинг билимларни эгаллашга фаол муносабати уларнинг билиш фаолиятини янада кучайтиради.

Таълимда онглилик ва фаоллик қондаси

1. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятида ўз олдиларидаги мақсад ва вазифаларнинг моҳияти ҳамда аҳамиятини, яъни ўзлари нима учун ўқишлари кераклигини тушунишлари;

2. Билимларни ўзлаштиришга қатъий интилиш, яъни ўқишга иштиёқ;

3. Фанни эгаллашга олиб борадиган йўлларни, яъни ҳозирги замон кишиси учун зарур билимларни қайси усуллар билан ўзлаштириш мумкинлигини билиш;

4. Фаннинг фактлари ҳамда қонуниятларини равшан ва чуқур тушуниш, ўқув материалларнинг бола онгида қайта ишланиши ва унинг ўз бойлигига айланиши, олинган билимларни ҳаётда қўллай билиш.

Онглилик принципининг амалга ошиши аввало фан материалининг онгда қайта ишланишидан иборат бўлиб, бу жараён шахсда ўз нуқтаи назари ва ишонч шаклланишининг, яъни дунёқараш ва онглилик таркиб топишининг зарур шартидир.

«Билим» ва «ишонч» ҳар хил тушунчалардир. Биз, масалан, бир киши ҳақида «эътиқодли, ўзининг нуқтаи назарига эга, мустақил фикрлайди», — десак, бошқа киши тўғрисида «нимани эшитса, нимани ўқиса, ишонаверади, ўзича фикр юритмайди», — деймиз. Демак, улар бир хил кишилар эмас.

Донолардан бири таъкидлаганидек, ишончни сахий одамлардан олиб ёки китоб дуконидан харид қилиб бўлмайти, уни худди овқат ошқозонда ҳазм бўлганидек, ҳар ким ўзининг калласида мустақил ҳолда вужудга келтириши керак.

Билимлар ишончга айланишининг ягона йўли ўқув материалининг ўқувчилар онгида қайта ишланишидир.

Ўқитувчининг вазифаси ўзлаштирилган билимлар ишончга айланишини таъминлашдир ва бунда ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги фаоллиги жуда муҳимдир. Шунга кўра педагогиканинг зарур муаммоларидан бири дарсда ўқувчиларнинг билишга доир ишларини фаоллаштиришдир.

Дарс жараёнида мазкур принцип қандай қилиб амалга оширилишини ифодалаш учун иккинчи синф она тили дарси мисолида «предметнинг белгиси» мавзусини ўрганиш бўйича иккита мисол келтирамиз.

1. Ўқитувчи ана шу мавзуни ўтишда доскага бир неча гапни кетма-кет ёзади, ўқувчилар билан уларга маълум гапнинг бош бўлақларини — эга ва кесимни таҳлил қилади, сўнгра ўқувчиларнинг эътиборини гапнинг иккинчи даражали бўлақларига — аниқловчига қаратади. Кўриб чиқилган мисоллар асосида хулоса чиқариб: «гапнинг шундай иккинчи даражали бўлақлари борки, улар предметнинг белгисини билдиради ва қандай? қанақа? қайси? сўроқларига жавоб бўлади?», — дейди.

Иккинчи ўқитувчи худди шуларни бошқача баён қилади.

Дарс киришдан бошланади: «Биз бугун грамматика бўйича янги мавзуни ўрганамиз. Мен мавзуни айтмайман, уни кейинроқ ўзларингиз айтасизлар.

Ҳозир мен сизларга бир матнни бераман, уни ўқинг ва ўйлаб кўринг. Матнда айтилган одам тўғрисида яққол тасаввур ҳосил қилинг». Ўқитувчи ана шу гапларни айтиб, доскага болалар биладиган қаҳрамоннинг образи ёзилган плакатни осиб қўйди. Матнда ҳам аниқловчилар тушуриб қолдирилганди. Мана ўша матн: «Мен унинг ... чеҳрасига қарадим ва у ҳақиқатан ҳам ҳеч нарсадан кўрқмайди, деб ўйладим. Шундай ... иродали ва шундай ... сўзлайдиган бола қоронғуликдан ҳам, безорилардан ва ... нарсалардан ҳам кўрқмаслигига ишонч ҳосил қилдим».

Ўқитувчи ўқувчиларга ўйлаб олиш учун бироз вақт берди ва улардан шу матнни ўқиб ўша бола тўғрисида қандай тасаввур ҳосил қилишганини айтиб беришларини сўради.

Ўқувчилар қийналдилар, улар жуда қисқа ёзилган одамнинг қиёфасини тасвирлаб бера олмадилар.

Шунда ўқитувчи ўқувчиларнинг диққатини ҳикоянинг тўлиқ матни ёзилган плакатга жалб қилди. Ўқувчилар ана шу таърифдан қаҳрамоннинг қиёфасини яққол кўз олдиларига келтирдилар. Шундан сўнг ўқитувчи иккала матнни таққослашни ва уларнинг фарқини айтишни таклиф қилди. Ўқувчилар биринчи плакатда предметнинг белгисини билдирадиган сўзлар йўқлигини аниқладилар.

Шундай қилиб, ўқувчиларнинг ўзлари аниқловчи нима эканлиги ҳақида хулоса чиқардилар. Бу эса уларни фикрлашга, фаоллик кўрсатишга мажбур қилди, билимларни онгли ўзлаштиришларини таъминлади.

КўРСАТМАЛИЛИК ПРИНЦИПИ

Билишнинг биринчи поғонаси — жонли мушоҳада, яъни теварак-атрофдаги нарсалар ва ҳодисаларни идрок этишдир. Кўрсатмалилик принципи

идрок этишни осонлаштириши ва назарий билимларни ҳаёт, амалиёт билан боғлаш имконини беради. Бу принцип ўрганилаётган ҳодисаларга қизиқишни оширади, билимларни пухтароқ эгаллашга ёрдам беради.

Ибн Синонинг қайд қилишича, инсон ўзининг ўқув машғулотлари бошланишида нарсанинг ташқи хоссаларини ўрганишда унинг аслини ва тасвири-ни кўриб ўзича бевосита билимларни ҳосил қилиши мумкин. Ҳар қандай фанда аввало нарсаларнинг таърифи зарур. Уларнинг мавжудлигини эса пировард натижада исботлаш воситасида билинади, чунки улар мазкур фан аниқлайдиган ҳодисалардан иборат бўлади¹. Ибн Синонинг ана шу хулосаси ўқитишдаги кўрсатмалиликнинг фақат бир жиҳатини ёритади холос. Хулосада аввало инсон мавжуд нарсаларни ёки уларнинг тасвирларини идрок этиши туфайли унда объектив воқелик тўғрисида тасаввур ҳосил бўлиши ва инсон уларни тўғри акс эттириши таъкидланади.

Олимнинг таълимотида кўрсатмалилик тушунчаси идрок этишнинг ҳар хил турлари — кўриш, эшитиш, сезиш ва ҳоказолар билан боғланган. Идрок этиш ташқи сезги орқали амалга ошади ва ушлаб кўриш билан ҳам рўй беради. Ушлаб кўриш сезилган нарсанинг иссиқлиги, совуқлиги, намлиги, қуруқлиги, қаттиқлиги, юмшоқлиги, оғирлиги, енгиллиги, шакли ва ҳоказоларини билиш имконини беради. Тери ва мушаклар — сезгининг қуролидир. Нервлар ана шу кучни мушаклар ва терига етказди.

¹ Ибн Сино, Абу Али. Избранные произведения, Т. I. Душанбе, Ирфон, 1980, 97—98-бетлар.

Ян Амос Коменский «Буюк дидактика» номли асариди «олтин қоида»ни ифодалаган. «Ўқувчилар — деб ёзади у, сезиб идрок этиши мумкин бўлган нарсаларни, албатта, сезгилар воситаси билан, хусусан: кўриш мумкин бўлган нарсаларни кўз билан кўриб, ҳиди бор нарсаларни ҳидлаб кўриб таъмини сезиш мумкин бўлган нарсаларни — татиб кўриб, ушлаб сезиш мумкин бўлган нарсаларни ушлаб билиб олишлари керак... Бирданига кўп сезгилар ёрдамида идрок этиш мумкин бўлган нарсаларни, иложи борича, бир неча сезгилар ёрдамида идрок этиш лозим».

Я. А. Коменский бу қоиданинг учта асосини ифодалаган:

Биринчидан, аввал сезмаган нарсаси ҳақида кишида билим ҳам бўлмайди. Шунинг учун ҳам ўқитиш нарсалар ҳақида қуруқ мулоҳаза юритишдан эмас, балки нарсаларни бевосита кузатишдан бошланиши керак.

Иккинчидан, билимнинг тўғри ва аниқлиги ҳам фақат сезгиларнинг гувоҳлигига боғлиқ. Демак, билим сезгиларга қанчалик кўпроқ таянса, у шунчалик ишончлироқ бўлади. Болаларга ҳақиқий ва мустаҳкам илм бериш учун, умуман, ҳамма нарсани бевосита кузатиш ва сезгилар асосида ўқитилиши керак.

Учинчидан, сезгилар — хотиранинг энг ишончли воситаси. Агар киши туяни бир кўрган бўлса, бирор марта қанд еган бўлса, Римга бир марта бориб, уни диққат билан томоша этган бўлса, булбул хонишини бир марта эшитган бўлса, буларнинг ҳаммаси хотирада мустаҳкам қолади ва эсдан чиқиб кетмайди.

Коменский ўз мулоҳазасини мустаҳкамлаш учун Плавтнинг қуйидаги фикрини келтиради: «Эшит-

ганини айтиб берадиган ўнта кишидан ўз кўзи билан кўрган битта гувоҳ афзал»¹.

Я. А. Коменский хулосаси — ўқувчини бошқаларнинг нарсалар ҳақидаги кузатишлари ва гувоҳликларини эмас, балки ўша нарсаларнинг ўзини билишга ва тадқиқ этишга ўргатиш зарур.

Мактаб амалиётида ҳам тасдиқланганидек, дарсда ўрганиладиган ҳодисанинг энг муҳим томонларини аниқ йфодалайдиган, ана шу белгиларни аввал ажратишда, кейин гуруҳлашда, умумлаштиришда ўқувчиларга халақит берадиган ортиқча элементлардан холи кўрсатмали қўлланмалардан, шунингдек, образли тасвирлар схематик тасвирларга уйғунлашган ҳолда, яъни ўқувчиларнинг фикрлашини муайяндан мавҳум осон йўналтирадиган қилиб ишланган кўрсатмали қўлланмалардан фойдаланиш гоят самарали тадбирдир. Бошланғич синфларда объектларнинг ўзини намойиш этиш ёки улар билан бевосита табиатда танишиш, дарсларда нарсаларнинг ўзидан иборат тарқатма материалларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Расмли кўрсатмали қўлланмалар: манзара тасвирлари, диапозитив ва диафильмларнинг самараси камроқ бўлса-да, лекин улар орқали ҳам у ёки бу нарсалар тўғрисида яхлит тасаввурлар ҳосил қилиш мумкин.

Аралаш кўрсатмали воситалар тўплами ўқув жиҳозларининг муҳим элементи бўлиши керак. Улар дарс вақтларида турли кўрсатмали вазиятларни яратиш, тез ўзгартириш ва бирлаштиришда ёрдам беради. Бунинг учун расмли материаллардан фойдаланилади ёки доскага бўр билан расмларни, чизмаларни чизилади ва ҳар хил ёзувлар бажарилади.

¹ Я. А. Коменский. «Буюк дидактика», «Ўқитувчи» нашриёти. Т, 1975, 174—175-бетлар.

Мазкур воситалар жумласига магнитлик тахта ва Фланелеграфлар ҳам киради. Уларнинг дидактик имкониятлари бир хилдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, кўрсатмали қуролларни, шу жумладан таълимнинг техник воситаларини универсаллаштириш ярамайди. Улар бошлангич синф ўқувчиларини ўқитишда беқиёс катта аҳамиятга моликдир, аммо ўқув жараёнида аудио-визуал қўлланмалар, аҳён-аҳёнда бошқа кўрсатмали воситалардан фойдаланилади. Бунинг эса қуйидагилардан иборат турли вариантлари бор:

1. Дастурдаги ашёларни қайта ишлаш мавзуси бўйича кириш дарсида ўқув фильмини намойиш этиш ва кейинги дарсларда кино — кольцовкалар, кинофрагментлар, диапозитивлар, диафильмлар ва жадвалларни қўллаш;

2. Мавзунинг хусусий масалаларини диапозитивлар, диафильмлар, жадваллар, намойиш қилинадиган тажрибалар, кинофрагментлар ва кинокольцовкалардан фойдаланиб ишлаб чиқиш;

Мазкур мавзу бўйича умумлаштириш дарсида ўқув фильмини кўрсатиш.

3. Дарсда ўқитувчининг тушунтириши билан биргаликда диафильмлар, диапозитивлар, кинофрагментларни ва дарснинг охирида ўқув фильмини намойиш этиш;

4. Ўқувчиларнинг тасаввурини кенгайтириш, шаклландирган тушунчалар мазмуни тўлиқлигини таъминлаш учун экран қўлланмаларининг битта сериясидан фойдаланиб ўқув материални ишлаб чиқиш ва уларнинг бошқа тўпламини қўллаб, билимларни мустаҳкамлаш.

Кўрсатмали воситаларнинг турли дидактик вазифалари ва имкониятларини назарда тутиб дарс-

да уларни комплекс ҳолда қўллаш талаб қилинади. Ана шу тақдирдагина дарснинг ҳар бир билиш ва-зифасини ҳал қилишда энг юқори самарага эришиш мумкин. Шулар билан бирга, ўрганилаётган ҳодисанинг турли жиҳатларини ёритиш лозим бўлгандагина ҳар хил кўрсатмали фойдаланиш ўзини оқлайди. Чунки мазкур жиҳатларнинг ҳар бирини кўрсатмалиликнинг маълум тури ёрдамида ишонарли тарзда ва тўла ёритилиши мумкин. Кўрсатмали воситаларни танлашда уларнинг имкониятларини ҳар бир ўқув предметининг ўзига хос хусусияти ва ҳар қайси дарснинг мазмуни билан таққослаш зарур.

Кўрсатмали қўлланмалар кўрсатмалиликнинг куйидаги ҳар хил турлари билан фойдаланилади:

1. Табиий кўрсатмалилик ўқувчиларни мавжуд объектлар: ўсимликлар, ҳайвонлар, минераллар ва ҳоказолар билан таништиришни тақозо этади. Табиий кўрсатмалиликни синфда ҳам экскурсиялар пайтида ҳам намоёйиш этиш мумкин;

2. Ҳажмли кўрсатмалилик — мавжуд оламнинг ҳажмли акс этишидир. Бу эса фотосурат, расм, диафильм ва диапозитивлардан иборатдир;

3. Овозли кўрсатмалилик — товуш образларини ифодалаш учун овозли воситалардан фойдаланиш. Грампластинкалар ва магнитофон ёзувларини эшитиш, овозли кино;

4. Символик ва график кўрсатмалилик — хари-талар, режалар, схемалар, чизмалар ва диаграммалар. Улар мавжуд воқеликни шартли умумлашган символик кўринишда акс эттириши сабабли фикрлашни ривожлантиради.

Мактабда биринчи синфдан ўнинчи синфгача кўрсатмалиликнинг ана шу барча турларидан фойдаланилади, лекин, табиийки, бошланғич синф-

ларда ўқувчиларнинг ёшини ҳисобга олиб, уларга бевосита кузатишларни топшириш, юқори синфларда ўқувчиларнинг фикрлаш ривожланишига кўра символик ва график кузатишларни кўпроқ қўллаш керак.

Кўрсатмалилик айниқса ўқувчилар ўрганиладиган у ёки бу нарсалар тўғрисида муайян тасаввурга эга бўлмаган пайтда жуда зарурдир. Аммо шуни ҳам унутмаслик лозимки, кўрсатмали қўлланмаларни намоёйиш этишга тайёрланмаслик ёки уларни нотўғри танлаш фақат зарар келтиради.

ТУШУНАРЛИЛИК ПРИНЦИПИ

Ўқувчилар материални онгли равишда ўзлаштириши учун доимо уларнинг билимлари ва ақлий қобилиятларини ҳисобга олиб иш тутиш, яъни уларга мос материалларни бериш керак. Ўқувчиларнинг ҳар хил синфлардаги ақлий қобилиятлари ҳам турлича бўлади. Ўз-ўзидан аёнки, ўқитувчи биринчи синфга кирсаю, бирор асарнинг бадиий хусусиятлари тўғрисида гапира бошласа, болалар ҳеч нарсани тушунмайди, албатта.

«Таълим тушунарли бўлиши учун, — деб уқтирган эди Абу Райҳон Беруний, — ўқитувчи албатта яқиндан узоқроққа, маълумдан камроқ маълумга қараб бориши лозим: таълим доимий равишда билимларнинг тўпланишига, аниқлашувига ва иложи борича такомиллашувига етаклаши, шу орқали ҳақиқатни изловчилар ва билимларни севадиганларнинг ҳаммасига ёрдам бериши керак.

Тушунарлилик принципи — ўқув материални болаларнинг ёш хусусиятларига, муайян билимларни ўзлаштириш имкониятларига мувофиқ йўсинда баён қилишдир.

Мактабда кўпинча дуч келинадиган икки хил нотўғри тушунча бор. Уларнинг биринчиси шуки, айрим ўқитувчилар ўқувчиларни мутлақо қийнамаслик учун уларга жуда оддий, тушунарли, ўзларига айнан мос материалларни бериш керак, деб биладилар. Образли қилиб айтганда, материалларни маний бўтқасидек, ҳатто, чайнамасдан ютадиган қилиб бир қултум сув билан бериш лозим, деб ҳисоблайдилар. Бундай ўқитувчилардан таълим оладиган ўқувчилар ўқишга оддий ва осон, ҳеч қандай куч талаб қилмайдиган иш деб қарай бошлайдилар, ҳамма нарсани ўқитувчи тушунтиришига, бир неча марта тушунтиришига одатланадилар. Натижада фикр юритишни, ўйлаб кўришни ўрганмайдилар, қийинчиликка дуч келсалар, уни бартараф қилишга уринмайдилар.

Мазкур нотўғри фикрларнинг иккинчиси. Ўқитувчи ўқув предметини юксак савияда, ҳатто, фанлар академиясидаги даражада ўқитиш керак, деб ҳисоблайди ва болаларга дабдабали, жимжимадор ифодаларни айтади, болалар эса уларни маъноси-ни англамаган ҳолда ёдлайверадилар.

Мана шу нотўғри фикрларнинг иккаласи ҳам зарарлидир.

Хўш, тушунарлилик принципининг ўзи нима?

Бу принципга мувофиқ ўқув материални болаларга шундай қийинлик даражасида бериш керакки, улар ана шу материални ўзлаштириш учун фаол фикрлашлари, ўзларининг барча ақлий ва жисмоний қобилиятларини ишга солишлари лозим.

Бошланғич таълимнинг назарий савиясини ошириш, бошланғич синфлардаги ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган ахборотлар ҳажмини ошириш кичик мактаб ёшидаги болаларга бериладиган таъ-

лимнинг тушунарлилиги муаммосини кескинлаш-тирди. Мана шу муаммони бир хил йўсинда ҳал қилиш болаларнинг билиш имкониятларини ортиқча ёки етарлича баҳодамаслик каби хавфлидир.

Болалар психологияси ва ёш психологияси соҳаларидаги сўнгги тадқиқотлардан маълум бўлишича, таълимнинг мазмуни ва методларини ўзлаштириши билан болалардаги айрим психик жараёнлар ва функцияларни ривожлантиришда ажойиб силжишларга эришиш мумкин; бунинг натижасида психик жараёнларининг доимо каттароқ ёшли болаларга хос деб ҳисобланган хусусиятлари кичик болаларда ҳам таркиб топиши (масалан, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда фикрлашнинг назарий шакллари вужудга келиши) мумкин. Лекин бунда ҳар қалай болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарур.

Юқорида кўрсатилган факт гўёки ёш камолатида умуман қандайдир чегаралар борлигига ва унда қандайдир босқичлар мавжудлигига шубҳа туғдиради. Лекин бу далил бизга ёш тушунчасини янада камроқ ўзгартирадигандек туюлади, чунки ёш айрим хусусиятларнинг шунчаки йиғиндиси эканлиги билан эмас, балки бола шахсининг яхлит структура-сининг ўзига хослиги билан характерланади. Бошқага айтганда, бола ёшининг психик характеристикаси унинг ўзига хос айрим психологик хусусиятлари билан эмас, балки ҳар бир ёш босқичида унинг шахси ҳар хил тузилиши — эҳтиёжлари соҳаси, онгининг структураси ва воқеликка муносабатининг ўзгариши билан белгиланади.

Бошланғич таълимнинг тушунарлилиги муаммоси фақат тегишли савиядаги дастур ва дарсликлар яратиш билан ҳал қилинмайди, унинг ҳал қилиши

бутун ўқув жараёнининг қўйилишини такомиллаштириш ва ўқув материалларини танлаш ишлари билан боғлиқдир.

Ўқув материалининг тушунарлилиги белгилари сифатида қуйидагиларни тавсия қилиш мумкин:

— материал танлашнинг йўналиши аввало тарбияловчи таълим вазифаларидан келиб чиқади: фаннинг асосий мазмунидан табиат ва жамиятнинг энг умумий қонунлари ҳақидаги таълимотнинг тўғрилигини кўрсатадиган қоидалар ва фактлар танланади ва тафаккур ватанпарварлик ҳисси, фуқаролик бурчи ва ғоявий эътиқодликни тарбиялашда ёрдам беради;

— ўқув материалининг кўримлилиги унинг миқдори ўқитиш учун танланган илмий билимлар мажмуасини тизимлаштиришга ва яхлит қамрашга тўсқинлик қилмайдиган бўлиши билан характерланади;

— ўқув материалининг соддалиги илмий назариянинг энг аҳамиятлилиги, муҳим компонентларини ва илмий билимларни ифодалашнинг психологик жиҳатдан асосланган шаклларини ажратиш (таърифларнинг соддалаштирилиши, тушунчаларнинг тасаввурлар билан алмаштирилиши, мураккаб асослашларнинг тушуриб қолдирилиши ва ҳоказолар) билан характерланади;

— ўқув материалининг нормалаштирилиши унда умумий мажбурий нормаларни ҳамда яққол ифодаланган, эслаб қолиш ва қўллаш учун қулай қоидаларни ажратиш билан характерланади;

— ўқув материалининг тақсимланганлиги аслида уни ўқув жараёнининг вазифаларига ва ўқувчиларнинг ёш имкониятларига мувофиқ йўсинда таълим йўллари бўйича жойлаштиришдир.

Таълимнинг тушунарлилиги белгиларининг мана шу тизимини ягона ва қатъий деб ҳисоблаб бўлмайди. Лекин бу белгиларнинг кўпи мактаб амалиётида таркиб топган ишларнинг ҳақиқий аҳволини аниқ ва ишонарли акс эттиради.

Бошланғич таълимнинг назарий савиясини юксалтириш муносабати билан олимлар, методистлар ва ўқитувчиларнинг камол топтирувчи таълим принципини амалга ошириш масалаларига диққат-эътибори кучайди.

Кейинги пайтда ўрганиладиган материалнинг мазмуни, ҳажми, мураккаблиги билан ўқувчиларнинг ақлий камол топиши сурати ўзаро боғлиқлиги ёритилган махсус психологик-педагогик тадқиқотларнинг (Л. В. Занков, Д. Б. Эльконин, В. В. Давидов) маълумотлари таъсирида таълимни ўқувчилар ақлий қобилият ва билиш имкониятларининг ривожланишида эришган даражага айнан мувофиқ ҳолда эмас, балки шу даражадан олдинроқ йўсинда, яъни уларнинг келгусидаги ривожланишини мўлжаллаб йўлга қўйиш тавсия этилди. Таълим камол топтирадиган бўлиши учун «энг яқин камолат зонасидаги» билиш имкониятларига мўлжалланиши керак. Камол топтирувчи таълим масаласини амалий ҳал қилишдаги кўп хатолар кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг мавҳум фикрлаш қобилиятларини етарли даражада баҳоламасликдан келиб чиқади. Шунинг натижасида айрим мактабларда малакаларни шакллантириш ҳозирга қадар «мана бундай қил» принципида, яъни ўзлаштирган умумий қонуниятларни ва умумлашмаларни онгли равишда қўллаш асосида эмас, ўқитувчи берган намуналарга бевосита эргашиш асосида амалга оширилмоқда.

Ана шу сабабли баъзи ўқувчилар янги материални ўрганишда, таълимий ва амалий топшириқларни бажаришда илгари ўзлаштирган билим ва малакалардан фойдалана олмайдилар.

Умар Хайём таълим олишда ўқувчиларнинг мустақил фаолият кўрсатишини юқори баҳолаган ва уларнинг ҳар хил мушоҳада юритишлари, турли нарсаларни исботлашлари зарурлигини таъкидлаган эди. Шунингдек, у ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятларини уларга «ўйлаб кўр», «озгина ўйласанг, тушунасан» ва ҳоказолар дея мурожаат қилиш орқали қувватлаб ва йўналтириб бориш мақсадга мувофиқлигини уқтирган.¹

Кўпинча ўқувчиларнинг камол топиши ҳақида уларнинг турли нарсалардан хабардорлигига қараб, ҳар хил манбалардан олиб, асосан фильмлар ва телевидение дастурларини кўриб, радиони ва катталарнинг ҳикояларини эшитиб тўплаган қисқа маълумотлари ва фактларнинг кўплигига қараб хулоса чиқарилади. Баъзан кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар нутқида илмий иборалар кўп учрашига қараб уларни юқори даражада камол топган деб ҳисобланади. Лекин аслида мураккаб илмий ибораларни усталик билан ишлатадиган ўқувчилар маълум сабабларга кўра уларнинг маъносини тушунмайдилар ва грамматик таҳлилда, ёзишда хатоларга йўл қўядилар.

Камол топишини юқоридагича нотўғри тушуниш амалда ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштиришга юзаки қарашни вужудга келтиради.

Ақлий камолат ўзаро боғлиқ ҳамда бир-бирини тақозо этадиган билимлар, кўникмалар ва малака-

¹ Омар Хайям. Трактаты М.: В. Л. 1961. 116-бет.

лар тизимини ўзлаштиришни талаб қилади. Бундан эса ўз навбатида фактларни билиш, уларнинг маъноси ва аҳамиятини тушуниш, илгаридан таниш билимларга таяниб тушунтира олиш зарурати туғилади.

Ўқувчилар яхши камол топганлигини муҳим кўрсаткичи уларнинг ўқув ишларидаги фаоллиги ва мустақиллигидир. Мутлақо аёнки, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар энг муҳим мантиқий операцияларни ўзлаштирамай туриб мазкур ўқув ишларини бажара олмайдилар.

Шу тариқа кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ақлий камол топишини ўқув жараёнининг тегишли мазмуни ва тўғри йўлга қўйилиши таъминлайди.

МУСТАҲКАМЛИК ПРИНЦИПИ

Одам ҳар дақиқада қайта тиклай оладиган ва амалда қўллай биладиган билимларни мустаҳкам билимлар дейилади.

Таълимнинг мустаҳкамлиги ўрганилган билимларнинг, шаклланган кўникма ва малакаларнинг хотирада узоқ вақт сақланишини билдиради.

Умумий таълим мактабининг энг муҳим мақсади ўқувчиларга уларнинг хотирасида узоқ вақт сақланадиган билимлар беришдир.

Ўқувчи вақт ўтиши билан мактабда олган билимларининг бир қисмини унутади. Лекин улар изсиз йўқолмайди. Олинган билимлар, гарчи ўқувчилар унутганда ҳам ақлий камолатда маълум даражада из қолдиради.

Кўпинча болалар ўзларининг амалий фаолиятларига боғланмаган мактаб материаллини эсларидан чиқарадилар.

Баъзан ўрганиш жараёнида машқлар ва мустақил ишлар кам бажарилиши сабабли материаллар хотирада мустаҳкам сақланмайди.

Булардан ташқари, олдинги машғулотларда ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар янада мураккаброқ материални ўрганиш учун бир поғона, таянч бўлади. Ана шу таянчсиз ўқувчиларнинг ўсиши ва олға силжиши мумкин эмас. Илмий билимларни эгаллаш ўқувчиларнинг хотирасини, мантиқий тафаккурини, ижодий фаоллиги ва турли ишларни бажаришдаги мустақиллигини ривожлантиради. Лекин олинган билимлар, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар кейинчалик илмий билимлар тизимини ўрганишда таянч сифатида хизмат қилиши учун улар пухта ўзлаштирилиши, асосли мустаҳкамланиши ва ўқувчилар хотирасида узоқ вақт сақланиши керак. Бу мустаҳкамлик принципининг талаби бўлиб, унга риоя қилинмаса, ўқувчиларнинг ўзлаштира олмаслиги ва ўқишдаги қолоқлиги келиб чиқади.

Билимлар, кўникмалар ва малакаларнинг мустаҳкамлигига бутун ўқув жараёни мобайнида эришилади. Мустаҳкамлик принципининг амалга ошиши энг аввало ўқувчиларнинг ўқув материални идрок этишига боғлиқдир.

Ўқувчиларга кўрсатмали, яққол жиддий мантиқий изчилликда берилган билимлар уларнинг хотирасида яхшироқ мустаҳкамланади. Шу тариқа ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштириши биринчи галда таълимнинг бошқа ҳамма принципларини — тушунарлилик, изчиллик ва тизимлилик, назарияни амалиёт билан боғлаш, кўрсатмалилик, ўқувчиларнинг онглилигини амалга ошириш орқали таъминланади.

Шулар билан бирга ўқитиш жараёнида мустаҳкамлик принципининг амалга ошишини таъминлайдиган махсус дидактик воситалар ҳам қўллана-

ди. Уларга мазкур дарсда баён қилинганларни мустаҳкамлаш киради. Бу иш ўқувчилар билан суҳбатлар, машқларни ташкил этиш, таълимий масалаларни ҳал қилиш ва ҳар хил амалий топшириқларни бажариш орқали ўтказилади.

Ўқувчилар материални эсдан чиқаришининг олдини олиш, улар унутган билимларни қайта тиклаш, ўзлаштирган билимлари тизимлаштириш ва чуқурлаштириш учун такрорлашнинг ҳар хил турлари амалга оширилади. Ҳар бир машғулотда олдинги дарс материални жорий такрорлаш ўтказилиб, уни янги материал билан боғланади. Ўқув йили мобайнида мавзу ёки бўлим бўйича ўрганилган материални такрорлаш учун махсус дарслар ажратилади ва уни тизимлаштириб, чуқурлаштириб ҳамда мустаҳкамлаб борилади. Ана шу мақсадда ўқув йили охирида энг муҳим масалаларга доир материаллар умумий йўсинда такрорланади. Агар мазкур предметни ўрганиш кейинги йилда, синфда ҳам давом этса, янги ўқув йилида унга доир машғулотлар олдинги материалларни такрорлашдан бошланади.

Такрорлаш пассив амалга оширилмаслиги керак. Такрорлашда қўшимча фактлар ва мисолларни келтириш, ўрганилган нарсалар ва ҳодисаларнинг янги томонларини кўриб чиқиш, уларни чуқурроқ таҳлил қилиш, билимларни мураккаб таълимий ва амалий масалаларни ҳал қилишда қўллаш керак. Мана шуларнинг ҳаммаси ўқувчиларнинг материалга қизиқшини оширади, мантиқий тафаккурини, ишдаги фаоллиги ва мустақиллигини ривожлантиради.

Ўқувчиларнинг билимларни пухта ўзлаштиришига кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш ҳамда чуқурлаштиришда ёрдам берадиган машқларни ба-

жариш орқали эришилади. Шу билан бирга уларнинг фикри такомиллашади, билимлари кенгайди ва чуқурлашади.

Ўқув машғулотида давомида ўқитувчи болаларнинг хотирасини ривожлантириш ишларини ҳам амалга ошириши керак. Ана шу мақсадда уларга сўзларни, таърифларни, ҳар хил қоидаларни ёдлаш топшириқларини бериши лозим. Ёдлаш қуруқ ва маъносини англаб ёдлашдан иборат бўлади. Маъносини англаб ёдлаш янги материални илгаридан маълум материалга, номларга мантиқий боғлаш асосида амалга ошади. У қуруқ ёдлашга нисбатан материални камроқ вақт сарфлаб ўқувчилар хотирасида мустаҳкамлашни таъминлайди.

Шунинг учун ўқувчиларда аввало мантиқий, маъносини англаб хотирлашни ривожлантириш зарур.

Биринчи синф ўқувчиси таълимнинг дастлабки ойларидаги ўқиш дарсларида ўқилган ҳамма нарсани тўла ёдлашга, матнларни ёддан гапириб беришга ҳаракат қилади. Чунки у асосий фикрни ажрата олмайди.

Ўқитувчининг вазифаси ўқувчилар ўзлаштирадиган материалнинг мустаҳкамлигини таъминлашдан, дарсни тушунтириш тизимидаги асосий фикр ажраладиган йўсинда ташкил қилишдан иборатдир.

Юқоридагилардан хулоса сифатида айтиш мумкинки, ўқувчилар ўзлаштирадиган билимлар мустаҳкам бўлиши учун:

1. Ўқитувчи ўқув материалидаги асосий фикрни ажратиши шарт.

2. Ўқув материалидаги асосий фикр ўқувчи ўрганган масала бўйича билладиган ғояга боғланган бўлиши керак.

3. Билимлар ўқувчиларнинг қарашлари ва эътиқодлари тизимини ўз ичига олиши лозим, шундагина улар боланинг бойлигига, ютуғига айланади ва у билимларни эсидан чиқармайди.

4. Ўқув материални ўқувчининг амалий ишлари ва машқларига боғлаб, ундаги билимларнинг мустақамлигини анча ошириш зарур.

Таълимнинг ҳозирги шароитида болаларнинг индивидуал хусусиятларини ўрганиш ва уларга яқка тартибда ёндошишни амалга ошириш тобора катта аҳамият касб этмоқда. Ҳозирги кунда ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш вазифаларини бажариш учун ота-оналар ва болаларга мактабдан ташқари қўшимча воситаларни танлаш бўйича кенг имкониятлар туғилмоқда. Ҳар бир бола тўғарақларда ва секцияларда шуғулланиши мумкин. Болаларни камол топтириш имконияти ҳамма болалар учун бир хилда рўёбга чиқмайди. Бир бола авиамодель тўғарагида, иккинчи бола ёш табиатшунослар секциясида ва учинчи бола мусиқа билан шуғулланади. Табиийки, ана шундай машғулотлар болаларнинг индивидуал хусусиятлари ва майлларига ҳар хил таъсир кўрсатади.

Бир оиладаги бола кичиклигидан мустақилликка, интизомлиликка, меҳнат қилишга одатланади. Бошқа оиладаги бола эркатоё бўлиб, катталарнинг маслаҳати, буйруғи ёки ёрдамисиз ўзича бирор иш қилишни хоҳламайди. Учинчи оиладаги бола эса ўз ҳолига ташлаб қўйилиб, унинг тарбияланишида кўп нарса ўзи дўстлашган болалар гуруҳига боғлиқ бўлади.

Оила тарбиясининг турли шароити албатта жуда катта индивидуал тафовутларга олиб боради.

Билимларнинг пухталигига қандай қилиб эришиш мумкин?

1. Эслаб қолишга ўргатиш билан. Ўқувчилар кўп нарсаларни эслаб қолишни ўрганишлари керак. Бунинг учун ўқитувчи уларни доимо эслаб қолишга йўналтириши, мактабда, кўчада, уйларида кузатишга ва эслаб қолганларини гапириб беришга мажбур этиши лозим. Бунда ўқитувчининг назорати жуда муҳимдир. Агар у материални чоршанба кунигача ёдлашни айтса-ю, уни жума кунни сўраса, материалнинг ярмидан кўпи унутилган бўлиши мумкин. Ўқитувчи тушунарли шакллар ва методлари узоқ вақтгача, ҳатто, умр бўйи эслаб қолишга ҳам ўргатиш зарур.

2. Кучли таассурот қолдирган нарсалар хотирада сақланади. Яхши ёки ёмон таъсир кўрсатмайдиган, савиясиз, бир йўсиндаги материаллар эсда қолмайди.

3. Бадиий адабиётнинг яхши намуналаридан келтирилган парчалар, мақоллар, топишмоқлар, ҳикматли сўзлар хотирада мустаҳкам сақланади.

Таълимнинг муваффақиятлилиги ўқитиш жараёнида дидактик принциплар қанчалик амалга оширилишига, уларнинг ўзаро таъсири улардан қандай фойдаланишига боғлиқдир. Бинобарин, ўз-ўзидан аёнки, илмийлик, тизимлилик, кўрсатмалилик принципларига, умуман педагогика тавсия этган принциплар мажмуига риоя қилмай, билимларнинг пухталигига эришиш мумкин эмас.

ТАЪЛИМНИ ТУРМУШ БИЛАН БОҒЛАШ ПРИНЦИПИ

Илмий билимлар кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига эҳтиёжлари асосида вужудга келиши, ана шу фаолиятга хизмат қилиши ва турмуш билан боғлиқлиги сабабли бундай билимларни ўзлаштириш учун фақат уларнинг мазмунини эмас, балки

амалда қўлланишини ҳам ўрганиш керак. Ана шу принципни (таълим назарияси ва амалиётини ўзаро боғлашни) амалга оширишнинг муҳим воситаси ўқитишни ўқувчиларнинг амалий фаолияти ва меҳнати билан қўшиб олиб боришдир. Республика-мизнинг халқ таълими тўғрисидаги Қонунида ўқитишни ҳаёт билан чамбарчас боғлаш талаби қўйилгани бежиз эмас.

Таълимда ўқитишни амалиётга боғлаш принци- пини муваффақиятли амалга ошириш учун қуйи- даги иккита педагогик талабга риоя қилиш зарур- дир:

1. Назарий материалларни ўрганишда уларнинг тизими ва мантиқини сақлаш керак.

2. Амалий кўникма ва малакаларни билимларга таянмай ўзлаштириш ўқитувчининг ишидаги кам- чилиқдир. Пухта эгаллаган ва англаган билимлар- гина ўқувчиларга амалий кўникма ва малакаларни ўзлаштириш имконини беради.

ЎҚИТИШДА ИНДИВИДУАЛ ЁНДОШИШ ПРИНЦИПИ

Индивидуаллик нима? Педагогикада индивиду- аллик ҳозирги пайтгача соф ташқи характерга эга бўлиб, у (ўқувчиларнинг бутун жамоаси билан ўтка- зиладиган дарс, лекция каби умумий машғулотлар, ўқувчиларнинг жамоаси эмас, уларнинг айримла- ри билан ўтказиладиган, масалан семинар синга- ри гуруҳий машғулотлар қаторида) ҳар бир ўқувчи билан алоҳида шуғулланишни билдириб келди. Пе- дагогика унинг моҳиятига чуқур кириб бормади. Индивидуалликнинг шаклланиши эса аввало унинг моҳиятини ва қандай компонентлардан таркиб то- пишини билишни тақозо этади. Ҳар бир ўқувчи билан алоҳида ишлаб, унинг индивидуал сифат-

ларини ривожлантира олмаслик ҳам мумкин, лекин ўқувчиларнинг бутун жамоаси билан ишлаб, уларнинг ҳар бирида индивидуаллик шаклланиши учун шароит яратиш ҳам мумкин. Бунга қандай қилиб эришилишини билиш учун «индивидуаллик» тушунчасига кирадиган структуравий элементларни, индивидуалликни ривожлантириш ва шакллантириш ишида қайси принциплар ҳамда методлардан фойдаланиш кераклигини аниқлаш зарур.

Индивидуалликнинг моҳиятини индивид сифатидаги, шахс сифатидаги, субъект сифатидаги инсоннинг ўзаро ички боғланишдаги ва бир бутун хоссалари ташкил қилади. «Индивид», «шахс», «субъект» умуман инсонни эмас, балки унинг бир жиҳатинигина ифодалайди. Лекин инсон бизнинг кўз олдимизда ўзининг фақат у ёки бу жиҳати билан намоён бўлмайди, у бир пайтда бутун мавжудот бўлиб, махсус тушунча билан қайд этилиши лозим. Индивид, шахс ва субъектнинг хусусиятлари ўзаро таъсирлашуви асосида вужудга келадиган индивидуаллик тушунчаси ана шундан иборатдир.

«Индивид» тушунчаси инсонни табиий мавжудот сифатида акс эттиради ва индивидуалликнинг табиий асосини ифодалайди; у инсон индивидуаллигининг асосий жиҳати бўлиб, инсоннинг органик: ёш, жинсий, конституцион, нейродинамик хусусиятларига комплекс ҳолда қарайди ва булар ўзаро таъсирланиб инсонда турли индивидуал хусусиятларнинг — темперамент, истейдод, органик эҳтиёжларнинг вужудга келишига сабаб бўлади ва бу хусусиятлар ҳам индивидуалликнинг табиий асосини ташкил қилади.

Инсоннинг ижтимоий сифатини «шахс» тушунчаси ифодалайди. Ижтимоий тажрибага эга бўлма-

ган инсон индивиди шахсга айланмаслиги ҳам мумкин. Инсон шахсининг хусусиятлари индивидуаллик структурасининг ажралмас қисми бўлиб, индивидуалликнинг ўзи инсон шахс сифатида камол топишининг ижтимоий соҳасидагина намоён бўлади. «Шахс» тушунчаси алоҳида инсонда ижтимоий муносабатларнинг кўринишини, ундаги ижтимоий хусусиятларнинг бирлигини мужассамлаштиради. Шахснинг индивидуаллиги унинг ижтимоий муҳитдан нисбий эркинлигидир, у ички алоҳидалигида кўринади.

Индивидуаллик инсоннинг индивиди ва шахсга хос хусусиятлар билан бирга субъект хусусиятларини ҳам ўз ичига олади. Субъект деганда, бўлаган ва онгли равишда ҳаракат қиладиган мавжудот сифатидаги инсон тушунилади. Субъект — амалий фаолият ва онгнинг соҳибидир. Инсоннинг ҳар қандай фаолияти индивидуалликнинг кўриниши бўлавермайди. Алоҳида, ички воситали фаолиятнинг мустақил ҳаракат қиладиган ва бир қарорга келадиган субъектигина индивидуаллик ҳисобланади.

Индивидуалликка структурали — тизимли ёндошиш унинг яхлит воқеа сифатидаги ўзига хос хусусиятларини ёритиши билан жуда муҳим аҳамиятга моликдир. Лекин унинг умумий механизмларини аниқлаш учун организм фаолиятининг ички қонунлари ва шаклларига, унинг индивидуал ҳаёт тажрибаси шаклланишининг қонуниятларига муурожаат қилиш керак.

ИНДИВИДУАЛ ПЕДАГОГИКА ПРИНЦИПИ

Индивидуалликка структурали — тизимли ёндошиш билан бирга унинг вужудга келишига бола организмнинг етилиши жараёнлари асосида

психофизик ўсиши билан боғлиқ ҳолда қаралади, унинг асосий белгилари таърифланади, индивидуаллашувнинг омиллари аниқланади. Мана шуларнинг ҳаммаси индивидуалликнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларини, унинг амалга ошувини таърифлашнинг муҳим ва зарур жиҳатларидир. Лекин бизнингча улар «Нима қилиш керак?» деган саволга тааллуқли бўлиб, «Қандай қилиш керак?» деган саволга жавоб топишда бизга рефлексология ёрдам беради. (Рефлексология педагогиканинг 20-йиллар бошида Россияда вужудга келган йўналиши бўлиб, бу йўналишнинг бош мақсади унинг асосчиси В. М. Бехтеров томонидан қўйилган инсонни ўрганиш ва тарбиялашдан иборатдир. Рефлексология шахсни ўрганиш ва тарбиялашда янги имкониятлар очадиган фан бўлиб, у психикани келтириб чиқарадиган асаб-мушак фаолиятининг асослари, қонуниятлари ва механизмларини ҳар томонлама синчиклаб ўрганишдан бошланадиган фанни тақозо этди).

Рефлексолог — олимлар ўтказган тажрибалар, уларнинг назарий исботлари асосида; XX аср бошларида кенг тарқалган ва амалда қўлланган эркин тарбия назарияси асосида; ҳозирги олимлар, педагоглар ва психологларнинг қарашларига, Тошкент шаҳар мактабларидаги ўқитувчиларнинг илғор индивидуал тажрибалари ва шахсий тажрибамизга таяниб индивидуал педагогиканинг қуйидагилардан иборат принципларини белгиладик:

1. Педагогика фанида инсоннинг табиати принципи — педагогика назарияси ва амалиётининг пойдевори сифатида болани ўрганиш натижасида тўпланган билимларни ўз ичига олади.

2. Боланинг атрофидаги муҳитни ташкил қилиш. Педагогиканинг энг биринчи вазифаси инсондаги

биологик ва ижтимоий хусусиятларнинг ўзаро диалектик ички боғланишига таяниб боланинг ўсишига шароитлар яратишдир.

3. Педагогик жараёни амалга оширишнинг фаол методи билан бирликда боланинг шахсий тажрибаси асосидаги эркин фаолияти ва ижоди. (Асосий иштирокчи шахс — бола).

4. Шахснинг ҳаёти билан жамиятнинг ҳаётини уйғунлаштириш ва бирлаштириш — тарбияланувчиларни камод топтиришдаги асосий мақсад.

Индивидуал педагогика принципларини ҳисобга олиб таълим-тарбия ишлари ташкил қилинади. Таълимнинг тарбия жараёни ҳақида гап борганида кўз олдимизда аввало иккита қиёфа — ўқитувчи ва ўқувчи гавдаланади. Биз уларни субъект — объект муносабатларида англашга одатланганмиз. Ўқитувчи — таъсирнинг субъекти ва ўқувчи — таъсирнинг объектидир. Педагогик жараёнга ҳам бировнинг иккинчи бировга таъсир кўрсатиши деб қаралган. Тошкент шаҳар мактаблари амалиёти устида олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, ана шу схема ҳозирги кунгача давом этмоқда. Синфда ўқитувчининг ўқувчилар билан ишлашининг авторитар услуби сақланмоқда. Таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи бош ижрочи шахс ҳисобланади. У ҳикоя қилади, кўрсатади, буюради; ўқувчи эса пасив кузатувчи ва ўқитувчининг хоҳишини ижро этувчи ролини ўйнайди. Педагогик жараёни инсонпарварлаштириш ўқитувчи билан ўқувчининг ўзаро муносабатларда таркиб топган одатларни мутлақо ўзгартиришдан ҳам иборатдир. У ўқитувчи ва ўқувчига субъект — субъект муносабатларида қарашни, бири иккинчисига таъсир кўрсатувчилар сифатида эмас, балки ўзаро ҳамкорлик қилувчи-

лар сифатида қарашни тақозо этади. Ана шу асосдагина педагогик жараёни индивидуаллаштириш мумкин. Бу масалада ўқитувчи ўзининг таълим-тарбия жараёнидаги ролини, мақсадга эришиш учун нима қилиши, болалар билан ишлашда нималарга асосланиши зарурлигини яққол тасаввур қилиши керак.

Ўқитувчининг фаолиятида унинг талаблари эмас, балки боланинг эҳтиёжи асосий ўринда туриши лозим. Бинобарин, болалар ўқитувчига эмас, балки ўқитувчи уларга хизмат қилади. Ана шуларга кўра ва индивидуал педагогиканинг принципларига таяниб болалар билан ишлашни ташкил этишимиз керак.

Бола табиатан ҳаракатчан бўлиб, фақат идрок этиш унинг учун машаққатдир. У ҳамма ишни ўзи қилишга, излаш ва топишга, кашфиёт этишга тирishaди. Ижод — унинг севган иши, таълим ва тарбиянинг ана шу методи билан боланинг ишчанлик ҳолатини доимий равишда қўллаб-қувватлаш, унга тайёр билимларни бермай, уларни ўзи эгаллаши учун шароит яратиш керак. Гап боланинг хотирасини тўлдирадиган илмий фактларнинг сонидан эмас, балки мазкур фаннинг методларини ўзлаштиришдадир. Бизлар ўқитувчи ажойиб ҳикоялар билан болани қизиқтиришига, улар олдида артист бўлишига одатланиб кетганмиз. Лекин ўқитувчи худди шу билан болани мустақил интилишдан ва ўзида табиий равишда туғилган қизиқишларни қондиришдан узоқлаштиради. Фан болалар олдида уларнинг ўзлари ёки ўқитувчи қўядиган қатор муаммолар сифатида ёритилиши ва ўқитувчи ана шу муаммоларни ҳал қилиш учун керакли материалларни билиши лозим. Шунингдек, у дарсга тайёр-

ланишда болаларга қайси ҳикояларни айтиб бериш тўғрисида эмас, балки у ёки бу муаммони ҳал қилишлари учун қандай материални келтириш ҳақида ўйлаши керак. Материални таҳлил қилишда хулосалар чиқаришни ўқувчиларнинг ўзларига тавсия этиши мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчи учун ўзининг фани эмас, болалар, уларнинг ақлий кучлари ва қобилиятларини ривожлантириш вазифаси биринчи ўринда туриши зарур. Одатда ўқитувчи билан ўқувчининг алоқасини амалга оширадиган нарса мазкур ўқитувчи ўқитадиган предметдир. У ўқитувчи шахс сифатида таъсир кўрсатиши лозим бўлган пайтда, биринчи ўринда ўқув предметлари эмас, балки жонли одамлар — ўқувчи, уларнинг маънавий мулоқоти туриши керак бўлган пайтда узатиш инстанцияси сифатида хизмат қилади. Ҳақиқий ўқитувчи ўқувчилар устидан ҳукмронлик қилмаслиги ва уларга ўзининг тенгдошлари сифатида муомалада бўлиши, ўзи ҳам доимий равишда ўқиши, шу жумладан, ўқувчиларидан ўрганиши зарурлигини унутмаслиги керак.

Савол ва топшириқлар

1. Принцип деганда нимани тушунасиз?

Сизда ўз хатти-ҳаракатингизнинг, кишиларга муносабатингизнинг маълум принциплари борми?

Муайян вазиятда кўрсатган принципааллигингизга мисоллар келтиринг.

2. Таълимнинг асосий принциплари ўзаро боғлиқлигини кўрсатинг.

3. Айрим принциплар (танлаб) тадқиқ қилинган ишлар билан танишинг ва уларни қисқа баён этинг.

4. «Бошланғич таълим» журналида тавсия этилган айрим дарсларни ўрганинг, улардаги ўқитувчи фойдаланган таълимнинг принципларини ажратинг.

Х 6 0 6 . ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБЛАРИДАГИ ТАЪЛИМНИНГ МАЗМУНИ

ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ БЕЛГИЛАШНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

Таълимнинг мазмуни тушунчаси

Таълимнинг асосида жамият ривожланишининг объектив эҳтиёжлари туради. Таълим инсоннинг меҳнат оламига самаралироқ киришини, жамият ҳаётига қўшилишини таъминлайди. Мустақилликка эришиб, эркин бозор муносабатлари асосида демократик ҳуқуқий давлат сифатида шаклланиши йўлига ўтган Ўзбекистонда ҳозирги босқичда халқ таълими тизимида, педагогика фанига, ёш авлодда мустақиллик ва фаолликни, ишбилармонлик ва тадбиркорликни шакллантиришга жиддий эътибор берилмоқда.

XX аср педагоглари ва психологларининг диққат марказида ўқувчиларнинг ақлий қобилиятларини шакллантириш, уларни ўқитиш, тарбиялаш ва камол топтириш жараёнларини уйғунлаштириш, фаолият ва онгнинг ўзаро боғлиқлиги назариясини ишлаб чиқиш, мустақил ўқув-билиш ишлари, ўқишни фаоллаштириш, таълим жараёнларини оптималлаштириш, фаол таълимнинг шакл ва методларидан фойдаланиш каби муаммолар асосий ўрин олди. Уларни ишлаб чиқиш мамлакат педагогика ва психология фанларида жаҳон бўйича ҳақли равиша эътироф этилган турли йўналишлар ва мактаблар вужудга келишини олдиндан билиш имконини берди.

Таълим — жараён бўлиб, у натижа ва тизимдир. Таълим жараён сифатида билимлар, кўникмалар ва малакаларнинг маълум йиғиндисини фаолият ва

муносабатларининг тегишли тажрибасини ўзлаштиришга қаратилган махсус ишларнинг ташкил қилинишидир. Таълим натижа сифатида билимларни, фаолият ва муносабатлар тажрибасини ўзлаштиришда эришилган даражадир. Таълим тизими сифатида — давлат муассасалари ва бошқариш органларининг мажмуаси бўлиб улар доирасида инсонни тарбиялаш жараёни амалга оширилади. Шу тариқа таълим доимо бир йўла тарбиялаш жараёнини ҳам, ўқитиш жараёнини ҳам ифодалайди.

Ёш авлод ҳақида гап борар экан, шахснинг камол топиши, ўз мавқеини англаши ва ўзини кўрсатиши масалалари биринчи ўринда туради. Бу масалалар бутун жамият ва махсус яратилган ижтимоий институтлар ва инсоннинг ўзи томонидан тасофий равишда ҳам, мақсадга мувофиқ йўсинда ҳам ҳал қилиниши мумкин. Таълим тизимида шахснинг ижтимоийлашуви, касбкорликни эгаллаши ва мослашуви жараёнларини мақсадга мувофиқ тарзда бошқаришга ҳам даъват этилган.

Таълим деганда шахснинг жисмоний ва маънавий камол топиши жараёнини, унинг онгли равишда айрим ибратли қиёфаларга йўналиши ва тарихан майдонга келиб, ижтимоий онгда маълум даражада ёрқин из қолдирган ижтимоий намуна (масалан, спарта жангчиси, хушахлоқ руҳоний ёки серғайрат ишбилармондек) бўлишга, ҳар томонлама баркамолликка интилиш жараёнини тушуниш мумкин. Ана шу тушунчага кўра таълим бутун жамият ва шахслар ҳаётининг ажралмас жиҳати сифатида намоён бўлади ва сўзнинг кенг маъносидаги «тарбия» тушунчасига ўхшайди. Лекин кўп маънолилиги кўрсатилмаса «таълим» сўзини тўлиқ англаб бўлмайди. Масалан, таълим деганда маълум

ҳажмдаги билимлар, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш тушунилади. Таълимга шахсни ўқитиш ва камол топтириш жараёнининг тегишли йўсинда ташкил этиш сифатида қараш ҳам мутлақо тўғридир. Булардан ташқари, шубҳасиз, таълим билимлар, кўникмалар ҳамда малакаларни бериш ва ўзлаштириш билан боғлиқ фаолият тизими, шунингдек, маълум ижтимоий институт (ўзига хос вазифаларни бажариш учун тузилган муассасалар тизими)дир.

Кўрамизки, таълим турли шаклларда намоён бўладиган кўп томонли ҳодиса (даражада, жараён, фаолият)дир. Ўқув-тарбия жараёни тизимининг структураси, ана шу жараённинг мазмуни, педагоглар ва ўқувчиларнинг фаолияти, шунингдек, амалга оширилган ишларнинг натижаси мазкур тизим жамиятнинг қандай тарихий типига мансублигига боғлиқдир. Мана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб қуйидагиларни айтиш ўринлидир: таълим — нисбатан мустақил тизим бўлиб, унинг вазифалари жамият аъзоларини мунтазам равишда ўқитиш ва тарбиялаш орқали уларни маълум бойликлар, кўникма ва малакалар ҳамда ахлоқ нормалари билан қуроллантиришдир. Ана шундай ўқитиш ва тарбиялашнинг мазмунини пировард натижада мазкур жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузуми ҳамда моддий-техник тараққиётининг даражаси белгилайди.

Эндиликда ҳар бир халқнинг фақат ўз миллий маданияти асосида ўқиши ва тарбияланиши етарли эмаслиги, у жаҳон маданияти бойликларини ҳам англаши зарурлиги тўғрисидаги фикрлар тасдиқланмоқда. Билимдон кишиларни тарбиялашдек, анъанавий вазифа ўрнига атрофлича фикр юрита-

диган ижодкор кишиларни етиштириш вазифаси олға сурилмоқда. Илгари маълумотлилик даражаси ўрганилган қоидалар, таҳлил қилинган асарлар, ёдланган шеърларнинг сони ва бир хил масалаларни ечиш кўникмаси билан белгиланган бўлса, ҳозирги кунда бу даража миқёси кенгайди. Энг муҳим масалаларни қўя билиш ҳар қандай ишга ижодий ёндошиш каби хислатлар маълумотлилик даражасини кўрсатади. Аввалги вақтларда ўқувчиларни ахборотлардан хабардор қилинган бўлса, энди уларда ҳаётни ўзгартириш, уни яхши томонга буриш кўникмалари ва қобилиятларини шакллантиришга жиддий аҳамият бериш зарур. Энг муҳими бутун тарбиявий жараёни инсонга қаратишдир. Таълим инсонни билимлар билан қуроллантирибгина қолмаслиги, балки уни шахс сифатида камол топтириши ва такомиллаштириши ҳам керак. Бошқача айтганда, жамиятда таълимни инсонпарварлаштириш ғоялари тобора кенг ёйилмоқда. Шубҳасизки, жамият ва мактабни инсонпарварлаштириш муаммоси таълимнинг огзаки ахборот — усулини унумли, яратувчилик усулига айлантириш билангина ҳал бўлмайди. Мазкур жараённинг энг муҳим йўналиши таълим мазмунини инсонпарвар қилишдир. Бу тадбир биринчидан, шахсда маданиятни шакллантиришда фанларнинг ролини оширишдан, халқ миллий маданиятининг барқарор бойликларини тушунишдан, иккинчидан, табиий-илмий ва техника фанларини экологик ҳамда ижтимоий аҳамиятли жиҳатлар билан бойитишдан иборатдир.

Таълимни инсонпарварлаштиришнинг энг зарур томонларидан бири мактаб фақат ўқувчиларга маълум ҳажмдаги билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришда ёрдам бериб қолмай, балки уларни

маданиятга, унинг бойликлари ва хилма-хиллигига жалб этиши керак. Ҳозир ўзбек мактабининг миллий характери муаммоси ғоят жиддийдир.

БОШЛАНҒИЧ МАКТАБ ТАЪЛИМИ МАЗМУНИНИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШНИНГ АСОСИЙ ИУНАДИШЛАРИ

Бошланғич мактаб ҳар бир бола учун баравар имконият ва шароитларни таъминлаши туфайли инсонни ўқитиш ва тарбиялашнинг умумий тизимида муҳим роль ўйнайди. Ана шу даврда болага сингдириладиган билим инсон шахсини, дунёқарашини шакллантириш, уни камол топтириш даражасини белгилайди. Бошланғич мактабда ўзлаштирилган билим, кўникма ва малака, фақат ёшларнинг мактабда ёки бошқа ўқув юртида кейинчалик ўқитиш ва тарбиялашнинг асосини эмас, балки етук инсоннинг амалий, ижтимоий фаолияти сифатини ҳам кўрсатади.

Ҳозирги босқичда бошланғич мактаб узлуксиз таълимнинг умумий тизимида муҳим қисм, биринчи звено ҳисобланади. Шунинг учун унга қуйидаги вазифалар қўйилади: ўқувчиларда табиат ва жамият тўғрисидаги билимларни таркиб топтириш; ўқувчиларнинг онгини бойитиш, билимга қизиқишларини ошириш; ўқувчиларни ўрта мактабнинг навбатдаги босқичида муваффақиятли ўқишга тайёрлаш. Мактабдаги тўрт йиллик бошланғич таълим дастурида ўқувчиларга муайян билим, кўникма ва малакалар тизимини беришдан ташқари, уларни табиат ва жамият ҳақидаги дастлабки билимлар асосида дунёнинг умумий манзараси билан таништириш, уларда дунёни янада чуқурроқ билиш учун зарур кўникма ва малакаларни шакллантириш, те-

варак оламга тўғри қараш ва муносабатни тарбиялаш ҳам назарда тутилади.

Бошланғич мактаб нутқнинг маълум даражада ўсишини, ўқиш, ёзиш ва ҳисоблаш малакаларини ўзлаштиришни ҳамда таълимнинг кейинги босқичларида дастурни муваффақиятли ўрганиш имконини берадиган умумий камолатни таъминлаши керак. Таълимнинг дастлабки босқичида болаларнинг ахлоқий, эстетик ва жисмоний тарбиясига ҳамда уларнинг соғлиғини сақлаш масалаларига катта аҳамият берилади.

Аста-секин болага фақат билим беришгагина эмас, балки уни тарбиялашга ҳам қаратилган ўқитишнинг йўналишини белгилайдиган қоидалар амалга оширилади.

Ўзбекистонда халқ маорифининг ташкил топиши ва ривожланишининг ҳар бир босқичида бошланғич таълим бўйича маълум ютуқларга эришилди. 1934 йилдаёқ республикада бошланғич мактаб (тўрт йиллик босқич мактаби) ҳажмидаги умумий таълим масаласи ҳам ҳал қилинди. Шундан кейин республикамизда ривожланишнинг иккинчи босқичи бошланиб, бошланғич мактабни битирган ҳамма болалар учун етти йиллик умумий мажбурий таълимни жорий этиш вазифаси қўйилди ва ҳал этилди.

Бошланғич мактаб ривожланишининг хусусиятларини баҳолаш учун шуни қайд этиш керакки, ўша пайтда ўқиш 8 ёшдан бошланадиган тўрт йиллик бошланғич мактаб тизими тўла таркиб топди. Кейинчалик у замонавий бошланғич таълимни қуриш асосида тобора такомиллашди. Бу эса кейинги ўқиш ва амалий фаолият имкониятини таъминлайдиган билимлар, кўникмалар ва малакаларнинг мукамал доирасидан иборат биринчи босқич

бўлди. Унда она тили, арифметика, география, табиатшунослик етарли даражада ўрганилди.

Ўша пайтларда ташаббускор ўқитувчилар, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Авлоний, Оқилхон Шарофутдинов, Сиддиқ Ражабов ва бошқалар машҳур педагоглар илғор ғояларини кенг миқёсда амалга оширдилар. Ижодий кучларнинг ўсиши ва фаоллашуви бошланғич таълим-тарбиянинг янада ривожланишида ғоят муҳим аҳамият касб этди.

Илғор ўқитувчилар ва методистлар, халқ маорифининг ташкилотчилари педагогика фани олдига бошланғич таълимни қайта қуриш вазифасини қўйдилар.

Замонавий бошланғич мактабни тўғри баҳолаш учун уни қайта қуришнинг характерини, йўналишини белгилайдиган энг муҳим умумий талаблар ишлаб чиқилди. Ана шулар асосида ўқувчиларнинг ҳаддан ташқари қийналиши бартараф этилди, мактаб дастуридан ортиқча тафсилотлар, иккинчи даражали ва бир-бирини айнан такрорлайдиган ўқув материаллари олиб ташланди.

Илғор тажрибаларни синчиклаб таҳлил қилиш, методистлар, педагоглар ва психологларнинг тадқиқотлари натижаларини ҳисобга олиш билан асосий педагогик мезонлар ишлаб чиқилди. Бу мезонлар концепция дастурлар, дарсликлар ҳамда методикаларда ҳам амалга оширилиб, таълимда қўлланди. Мазкур мезонлар қуйидагилардан иборат эди:

— ўзлаштиришга тавсия этиладиган янги билимлар ўқувчиларнинг онги амалий эҳтиёжларидан келиб чиқиши, уларга қизиқиш уйғотиши керак;

— болаларнинг ўзлаштириши уларнинг мақсадга мувофиқ фаолияти шароитида амалга ошиши даркор, бу фаолиятнинг усулларини эса мунтазам равишда ўргатиш лозим;

— ўқув фаолияти мувафаққияти ўқувчиларнинг юксак даражада фаоллиги ва мустақиллигига боғлиқ. Ўқитувчи эса уларга мана шу сифатларни шакллантириш мақсадида ёрдам бериши зарур. Бунинг муҳим омили ўқув фаолиятининг таълим мотивларини таркиб топтириш, болаларда билимга қизиқиш уйғотишдир. Шунга кўра ўқитишнинг янги методлари ва усуллари ишлаб чиқиш, уларни фаоллаштириш, ўқув фаолиятини методик жиҳатдан таъминлаш керак;

— ўқитиш жараёнида барвақтроқ умумлаштиришлар қилиш ва уларга ўқувчиларни жалб этиш лозим;

— ҳар бир дарсда билимларни фақат кенгайтиришга эмас, балки бошқача шароитларда қўллашга ҳам ёрдам берадиган янги элемент бўлиши керак;

— такрорлаш ҳар бир машғулотда мунтазам равишда амалга оширилиши, уларда фақат эслаш эмас, балки бошқа ақлий ижодий ишлар ҳам қўлланиши зарур; такрорлаш учун махсус дарслар шаклида вақт ажратилмайди;

— дарсларнинг материалларидан ўқувчиларни тарбиялаш мақсадларида кўп фойдаланилади. Бунда ўқитувчи ўқувчиларнинг дунёқарашини шакллантиради, уларга асосан муайян тушунчалар шаклида ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, этик ва меҳнатга доир билимлар беради, болаларда воқеаларга, фактлар ва ҳодисаларга тўғри муносабатни вужудга келтиради, уларни ўз хатти-ҳаракатларидан ана шу билимлардан фойдаланишга ўргатади.

Ана шу мезонларга амал қилинса таълим-тарбия самарадорлиги янада ошади.

ЎҚУВ РЕЖАСИ, ДАСТУРЛАРИ ВА ДАРСЛИКЛАР

Барча мактаб предметларида бериладиган таълимнинг мазмуни давлат ҳужжатларида, ўқув режасида, ўқув дастурлари ва дарсликларида акс этган. Ана шу ҳужжатлар республикадаги барча мактаблар учун мажбурийдир.

Ўқув режаси. Мактабнинг ўқув режаси мактабда ўргатиш учун танланган ўқув предметларини, уларнинг таълим олиш йўллари бўйича тақсимланишини, ҳар бир предметга ажратилган соатлар миқдорини ва шу соатларнинг ҳафталарга бўлинишини белгилайди.

Ўқув режалари халқ таълими вазирлиги томонидан тузилади ва тасдиқланади ҳамда республикадаги барча мактаблар учун мажбурий ҳисобланади. Ўқув режаларини тузишга предметли ўқитиш принципи асос бўлади.

Ўқув режаси таълимнинг мазмунини белгиладиган энг муҳим ҳужжат бўлиб, унда мазкур ўқув юртида ўрганиладиган ўқув предметларининг таркиби, уларнинг ўқув йиллари ва ҳафталари бўйича тақсимланиши ҳамда ҳар бир ўқув предмети учун ажратилган вақтлар миқдори ана шуларга мувофиқ ифодаланади. Ўқув режаси аслида таълим мазмунининг қабул қилинган у ёки бу назарий концепциясини норматив йўсинда ва яхлит ҳолда акс эттирадиган асосий ҳужжатдир.

Таълимнинг мазмунини ифодаловчи ҳужжат сифатидаги ўқув режаси ижтимоий буюртманинг педагогик талқини натижасида таркиб топган таълим мазмунининг ифодасига бевосита боғлиқ бўлади.

Жаҳон педагогикасида ўқув режасини айрим ўқув предметларидан тузиш керакми ёки турли фанларга доир билимлар қандайдир амалий иш ёки тадқиқот

доираси гуруҳланадиган комплекслар ва лойиҳалардан тузиш керакми, деган масала хусусидаги мунозара бормоқда. «Америка Қўшма Штатларида комплекс ўқитиш узоқ муддатли элементар мактабдагина эмас, балки ўрта мактабда ҳам давом этади. Комплекслик ғоясининг ўзи ниҳоятда кенг тус олган. Америка педагогикасида ўқув дастурларини предметлар бўйича тузишга қарши кураш бошланганига ярим асрдан ошди.»¹

Иш тажрибалари ва анчагина педагогик тадқиқотлардан кўринишича, мактабда ўргатиш учун танлаган ўқув предметларини бир йўла ўрганиш мумкин эмас. Чунки, биринчидан, бунга жиддий чегараланган ўқув вақти имкон бермайди; иккинчидан, айрим ўқув предметларини ўзлаштириш учун олдин бошқа ўқув предметларини ўрганиш шарт. Ўтмишда ана шундай фикр юритиш маълум предметларини жиддий изчиллик принципини мустақамлашга уриниш имконини берди.

Ўқув режалари ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мувофиқ тузилади. Ўқув режасига мазкур ёшдаги ўқувчиларга мос предметлар тегишли ҳажмда киритилади ва улар ўқувчиларнинг ҳар томонлама муваффақиятли камол топишига ёрдам бериши кўзланади. Ҳар бир предмет учун ўқув соатларининг миқдорини белгилашда, биринчидан, предметнинг таълим тизимидаги роли ва аҳамияти, иккинчидан, мазкур предмет бўйича ўрганилиши лозим бўлган ўқув материалининг ҳажми, учинчидан, у ёки бу предметни ўрганишнинг дидактик хусусиятлари эътиборга олинади.

¹ З. А. Малькова. Современная школа США. М., 1970, 143-бет.

Ўқув режасининг тушунтириш хатида иккита қоида ёритилади: ўқув режасининг тузилиши принциплари таълим мазмунининг таркиби ва структурасига таъсир этадиган, уни тўғрилайдиган омиллардан бири сифатида ифодаланади; таълим мазмунининг, таълим концепциясини акс эттирадиган ҳужжат сифатидаги ўқув режасининг вазифаларининг кенгайтирмай туриб, режада ва ўқув дастурларида таълим мазмунининг таркиби ва структурасини тўлиқ ёритиб бўлмайди.

Ўқув режасида ўқув предметларининг яхлит интеграцияланган тизими икки марта: мактабдаги таълимнинг дастлабки ва охириги поғоналарида, ўқитишнинг бошланғич ва якунловчи босқичларида ифодаланади. Мактабнинг ўрта звеносида предметларни табақали ўрганиш асосий ўрин олади. Таълимнинг бошланғич босқичида интеграцияланган курслар киритилишининг сабаби болаларда яққол табақаланган курсларга қизиқиш бўлмаслиги, яъни ана шу даврда улар дунёни яхлит билиши ва идрок этишидир. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчини билимларни ўзлаштириш жараёнининг ўзи қизиқтиради. Предметни билишга қизиқиш ақлий фаолиятнинг мураккаб шакллари ривожланишига ва кейинчалик предметларнинг тавсифланишига боғлиқ ҳолда вужудга келади.

Амалиётдан кўринадики, янги типдаги мактабларни яратиш, таълим мазмунидан ортиқча мафкуравийлаштириш ва чеклашларни чиқариб ташлаш орқали таълимдаги қолипларнинг барҳам топиши анча тезлашмоқда. Лекин таълим жараёнининг ўзини қайта қуриш, ўқитувчи билан ўқувчилар муносабатининг услубларини ўзгартириш натижалари яхши сезилмаётир.

Мактабларда таълимнинг мазмунини янгилаш борасидаги тадбирлар ва ечимлар орасидаги ўрта мактаб ўқув материалларини қуйи синфларга оддийгина кўчириш билан ўқувчиларнинг қобилиятини тезроқ ривожлантиришга, таълимнинг сифатини оширишга интилишлар ҳам учрамоқда. Бундай материаллар эса болалар ўзлаштиришининг психологик хусусиятларига ҳам, қуйи синфдаги ўқитиш методларига ҳам тўғри келмайди. Шунга кўра мазкур тадбир ортиқча сўзларни киритиш, ахборотларни кўпайтириш билан таълимнинг мазмунини мураккаблаштиради ва ҳажминини оширади, боланинг хотираси чексиз бўлса-да, унинг учун ўқув машғулотини қийинлаштиради холос.

Инсонпарвар муносабатни барпо этиш қадриятларнинг ўзгаришини талаб қилади. Эндиликда бошланғич таълимда билимларнинг тайёр шакллариини ўзлаштириш ва асосан фаолиятнинг қайта тиклаш турларидан фойдаланиш эмас, балки бола фаолиятининг билим олиш жараёнига боғлиқ изланиш турларини фаоллаштириш керак.

Психологларнинг тадқиқотларидан маълум бўлишича, таълим ана шу йўсинда қайта қурилса, бола тўлиқ камол топиш субъектига айланади. Шунда у фақат қайта тиклаш ва тўлдириш лозим бўлган билимлар билан таъминланадиган педагогик таъсир кўрсатиш объекти ҳисобланмайди.

Бола фаолиятининг жамоага тақсимланган шаклларида ёки ўқитувчи билан бирга ишлашда мустақил билим олиш жараёнига фаол киришади ва ўзининг ижодий қобилиятларини намоён этиш имкониятига эга бўлади. Хусусан мустақил билим олиш жараёнидаги фаол изланиш ишлари, ҳатто қийинчиликларга дуч келинса ҳам, боланинг соф-

лигига ижобий таъсир этади. Шифокорлар ва психологларнинг тасдиқлашича, болалар фаоллигининг рўёбга чиқмаслиги уларга ёмон таъсир кўрсатиши, интизомсизликни, ҳуқуқ бузиш ҳолларини вужудга келтириши, болаларни «юқорига» эмас, балки «пастга» етаклаши мумкин.

Бошланғич таълим мазмунини қайта қуришнинг бутун мураккаблиги шундаки, болаларни камол топтириш талаби уларнинг ижодий ишлашини кучайтирадиган методларни фаол қўллашга олиб боради, кўникма ва малакаларни шакллантириш зарурлиги эса тафаккурнинг репродуктив компонентларидан воз кечишга йўл қўймайди. Бунда уларни оқилона бирлаштириш, тафаккурнинг самарали ва репродуктив компонентлари шаклланишининг диалектик бирлигига эришиш, айрим тадқиқотчилар таклиф қилаётганидек, репродуктив компонентларни инкор қилмаслик керак.

Жамият учун ниҳоятда зарур альтернатив мактабларга болаларнинг яхши ўсган ва тайёрланган сара қисми йиғилаётгани, қолган барча болаларни ўқитиш одатдаги мактабларга юкланаётгани сабабли инсонпарвар педагогика ғояларини амалга ошириш йўлига кирган оммавий мактабнинг вазифаси жуда мураккаблашмоқда. Табиийки, бундай мактабларда ҳам болаларга маълум билимлар доирасида ахборотлар бериш ва жузъий кўникмаларни сингдириш билан чекланиш мумкин эмас: уларни имкони борича юқори даражада камол топтириш керак.

Дастур. Дастур ва мукамал дарслик ўқитувчи ҳамда ўқувчилар учун, ўқув-методик қўлланмаларни тузувчилар учун асосий норматив материаллардир. Лекин ўқитувчилар дастур ва дарсликлар билан ишлашда уларнинг норматив ва ижодий жиҳатларини фарқлай олишлари керак.

Ўқув предмети дарсида таълимнинг мазмуни асосан дастурда масалалар рўйхати билан ифодаланadi.

Дастурнинг асосий вазифаси — ўқув предмети-нинг мазмунини ифодалашдир. Унда курснинг синфларга, қисмларга, мавзуларга бўлиниши, уларни ўрганиш тартиби, соатлар тури кўрсатилади. Ҳатто, дастурдаги масалалар рўйхати ҳам ундаги бошқа бўлимларнинг мазмунидан ташқари, процессуал йўналиши ҳам мавжудлигидан далолат беради. Шундай қилиб, дастур иккита вазифани бажаради: таълимнинг мазмунини ўқув предмети доирасида акс эттиради ва предмет учун муайян норматив сифатида хизмат қилади. Бундан ташқари, у дарсликка ўтишни тайёрлайди ва унинг муаллифлари фаолияти учун йўлланма ҳисобланади.

Масалалар рўйхати — дастурнинг марказий бўли-мидир, аммо унда бошқа бўлимлар ҳам бўлиб, улар дарсликнинг тузувчилари фикрини ва ўқитувчилар-нинг фаолиятини маълум йўналишга солиши ке-рак. Ҳар бир ўқув предмети бўйича ҳақиқий дастур умуман тўрт қисмдан тушунтириш хати (ҳар хил дастурда мазмуни турлича); рўйхат кўринишидаги мазмуннинг ўзи (мавзулар, масалалар, лаборато-риялар ва амалий ишлар, намойишлар, экскурсия-лар); предметлараро алоқалар кўрсатилган бўлим ҳамда ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар ифодаланган бўлимлардан иборат бўлади.

Курснинг мақсадлари ва вазифаларини ифода-лаш — дастурнинг энг муҳим элементи-дир. Хусусан ана шу мақсад ва вазифалар дарслик муаллифининг дастурни амалга оширишдаги маълум нуқтаи назарини ва ўқитувчининг дарсликни тўғрилаши ҳамда

Ўқитиш жараёнини ташкил этиши учун тегишли йўналишни белгилайди. Ўқитувчи, айниқса, ёш ўқитувчилар ўз изланишларининг йўналишини белгилаб олиш учун курснинг мақсадини чуқур англашлари керак. Дастурларда шундай вазифалар ҳам бериладики, ўқитувчи уларни ҳал қилиш учун институтда тайёрланмаган бўлади. Бунинг мисоли сифатида таълим мазмунига методологик билимларнинг киритилишини айтиш мумкин. Курсга мана шундай талаблар қўйилишининг ўзи ўқитувчиларни чуқур ўйлашга мажбур этади. Тажрибали педагог ўтган йиллардаги дастурларда бундай вазифалар бўлмаганини сезади. Бу ҳол унинг мустақил билим олиши, ижодий изланиши, шунингдек методик бирлашмада ишлаши учун туртки бўлади.

Дарслик. Дастурда таълимнинг мазмуни *масалалар рўйхати* орқали ифодаланади. Ўқув материали ўқувчиларга мўлжалланган дарсликлар, ўқув қўлланмалари, китоблар ва дидактик материалларда, ўқитувчига мўлжалланган методик тавсияларда ёритилади. Дарслик асосий норматив ҳужжат ҳисобланади.

Дарслик — ўқувчиларнинг китоби ва унинг энг муҳим қуролидир. У фақат дарсда таҳлил қилинадиган ўқув материални ўзлаштиришда ўқувчига ёрдам берибгина қолмай, унда мазкур предметга қизиқиш уйғотиши, шу соҳа бўйича мустақил билим олиш иштиёқини ҳам вужудга келтириши керак.

Дарслик ўқитувчи учун ҳам методик йўлланма сифатида хизмат қилади: тушунчаларни киритиш тартибини, уларни ёритиш чуқурлигини, киритилган ўқув материалларига вақтнинг тақсимланишини белгилайди.

Образли қилиб айтганда, дарслик ўқитиш жараёнининг «сценарийси»дир. Унда ўқитувчи ўзлаш-

тириши лозим бўлган билимлар, фаолият усуллари қайд қилинади, билим ва кўникмаларни ижодий қўллаш йўллари белгиланади, эмоционал — қимматли қадриятларни тарбиялашнинг айрим воситалари кўрсатилади. Дарсликда таълимнинг ана шу барча мазмуни муайян тартибда ўқувчиларнинг таълим муваффақиятини таъминлайдиган босқичлар бўйича жўйлаштирилади. Лекин бошланғич мактаб дарсликлари бағоят ўзига хосдир. Уларнинг ҳаммасида методик аппарат кичкина бўлиб у синфлар сайин аста-секин вужудга келади. Ўрта мактабда баъзан ўқувчи дарсликдан тамомила мустақил ҳолда фойдалана олиш-олмаслиги муҳокама қилинса, бошланғич мактабда бу ишга ўқитувчининг раҳбарлиги мажбурийдир.

Ижодий ишлайдиган ўқитувчиларнинг тажрибасини таҳлил қилиб, жуда муҳим кузатишни амалга ошириш мумкин. Улар дарслик ва ўзларининг методик қўлланмаларидан ақида сифатида эмас, балки норматив модель сифатида фойдаланадилар. Аслида ўқитувчилар синфининг эҳтиёжини, шахсий имкониятларини назарда тутиб ўз дарсликларини ёздиладар. Улар дарсликка зид ишламайдилар, балки уни тўлдириб, кенгайтириб ва чуқурлаштириб, унинг муаллифлари билан ҳамкорликка киришиб иш олиб борадилар. Бинобарин муаллиф болаларнинг тайёргарлик даражасини ҳисобга олиш, уларга табақали ёндошиш имкониятига эга бўлмайди.

Ўқитувчи доимо ўқув йили бошланишидан олдин ва кейинчалик ҳар куни дарсликка мурожаат қилади. Унинг бундан мақсади ҳар гал ҳар хил бўлади. Дарслик ўқитувчининг қўлида жуда кўп вазифаларни бажаради. У аввало предметни ўқитиш воситаси сифатида хизмат қилади. Ҳар бир ўқитув-

чи ана шу вазифани биледи ва уни муваффақиятли амалга ошира олади.

ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Дарслик билан ўқув жараёни ўзаро боғлиқ бўлиб, унда саволлар, топшириқлар, жадваллардан, статистик, хронологик маълумотлар ва ҳоказолардан ўз ўрнида фойдаланиш лозим.

Дарсликлардаги саволлар ва топшириқлар таълим концепцияси асосида тузилган ва методик нуқтаи назардан тўғри жойлаштирилган (камол топтириш мақсадида ёки расмлар орқали ифодаланган) бўлиши лозим. Улар асосан қуйидаги уч гуруҳга бўлинади:

Биринчи гуруҳга билимларни мустаҳкамлаш, ўзлаштирилган нарсаларни эсга тушириш ва малакаларни шакллантиришга доир саволлар ва топшириқлар кирази.

Иккинчи гуруҳ тафаккурни ўстирадиган (мустақил ишлашни, таққослаш, умумлаштириш, баҳолаш, хулоса чиқариш, билимлар тизимини мустаҳкамлаш, аниқлаш ва тажрибага солишни талаб қиладиган) саволлар ва топшириқлардан иборатдир.

Учинчи гуруҳ ўзлаштирилган билимларни амалда қўллашга (мустақил ишларни бажариш ва малакаларни эгаллашга) доир саволлар ва топшириқларни ўз ичига олади.

Дарсликда дастурнинг барча талаблари акс этиши ва асосий ғоялар, хулосалар яққол ифодаланиши лозим.

Дарсликни болаларга мослаштиришда қуйидагиларни алоҳида эътиборга олишни билиш керак:
— материалларни дарсликларга тўғри тақсимлаш;

— ўқувчиларга бериладиган вазифаларни аста-секин қийинлаштириб бориш (тизимга солиш);

— ўқувчиларга табақали ёндошишни назарда тутиш (топшириқларни қийин ёки осонлигига қараб танлаш);

— дарсда, уй вазифаларини бажаришда, такрорлашда асосий ва қўшимча материалларни ажратиш;

— дарсликдаги саволлар ва топшириқларнинг мўлжалланган вақтга мослиги ва ўқувчиларни қийнаб қўймаслиги;

— дарсликнинг мазмуни (ўқувчиларни қизиқтириши, матнларнинг ғоявий ва эстетик жиҳатлари) уни ўргатишнинг методик тизимига мувофиқ бўлиши;

— дарслик тилининг осонлиги ва раволиги, ўқувчилар нутқини ўстириш учун намуна бўла олиши.

Дарсликнинг асосий компоненти унинг матнидир. Матнлар асосий ва қўшимча материаллардан (муурожаат, ҳужжат — хрестоматия ва ҳоказолардан) ҳамда тушунтиришлардан иборат бўлади.

Дарсликни таҳлил қилишда унинг тузилиши, мавзуларнинг ўрни, иллюстрацияларнинг бойлиги ва энг муҳими ўқувчиларга таъсири ҳисобга олиниши керак.

Мана шу талаблар амалга оширилиши учун ҳар бир янги дарсликни яратишнинг ўзига хос муаммоларини тўғри ҳал қилиш, дарслик ўқув-методик ишларининг асоси бўлиши кераклигини назарда тутиш шарт.

ЧЕТ ЭЛ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ТАЪЛИМНИНГ МАЗМУНИ

Биз жаҳоннинг 73 мамлакатада ўқитиш бошланадиган ёш тўғрисидаги маълумотларга эга бўлсак, шуларнинг 54 тасида болалар олти ва ундан ки-

чикроқ ёшидан, 43 мамлакатда олти ёшдан, 3 мамлакатда беш ёшдан мактабда ўқий бошлайди, 8 мамлакатда мактабга болаларни беш ёшида ҳам, олти ёшида ҳам қабул қилиш юкланган.

Ўқув режаси. Турли мамлакатларда ўқув режасининг ҳафталик ҳажми (ҳафта) синфлардаги машғулотлар сони ҳар хилдир. Шунингдек, турли мамлакатларда дарсларнинг давом этиши ҳам бир хил эмас. Масалан, Японияда 45 ва АҚШда 40 дақиқали дарслар жорий қилинган. Англияда дарслар танаффуссиз кетма-кет ўтилаверилади.

Буюк Британияда ўқув йили сентябрда бошланиб, июл ойининг охирида тугайди. Ўқув ҳафтаси беш кунлик. Бу мамлакатда ҳозиргача ягона мактаб дастурлари ва дарсликлари мавжуд эмас. Ўқув дастурлари ишлаб чиқиш ҳуқуқи мактаб директорлари ва катта ўқитувчилар зиммасига юкланган. Лекин ўқитувчилар мактаб тўғрисида 1986 йили қабул қилинган 2-қонунга мувофиқ ўқув дастурлари хусусида маҳаллий маориф органлари билан келишишлари шарт. Ҳукумат муфассал ва балансланган, ўқувчиларнинг шахсий эҳтиёжлари ва ҳозирги ҳаёт талабларига мувофиқ тарзда табақаланган ўқув дастурини жорий этиш йўли билан таълимий имкониятларни кенгайтиришдан манфаатдордир. Англия ва Уельсдаги бошланғич ҳамда бирлашган ўрта мактабга умумий-илмий ўқув дастурини жорий этиш мўлжалланмоқда. Бу дастурга кўра ўқув вақтининг 70 фоизи асосий предметларни маориф ва фан департаменти тавсия этган ҳажмда ўрганишга ажратилган. Қолган вақтдан исталган предметларни ўрганиш учун фойдаланиш мумкин.

Булардан ташқари, яна қуйидаги тадбирларни амалга ошириш кўзланмоқда: 7, 11, 14 ва 16 ёшли

болалар учун асосий предметлар бўйича имтиҳонлар жорий этиш; мактаблардаги ўқувчилар сонини маориф ва фан департаменти тайинлаган нормаларга асосан белгилаш; мактаблар зиммасига тайёргарлиги ва қобилиятларидан қатъи назар барча болаларни, лекин белгиланган нормалар чегарасида қабул қилиш мажбуриятини юклаш; ўқувчиларнинг сони 200 нафардан ортиқ мактабларга ўзининг молиявий, кадрлари масалаларини мустақил ҳал қилиш ҳуқуқини, шунингдек, маҳаллий маориф органларининг назорати остидан чиқиш ва бево-сита маориф ва фан департаментига бўйсунуш ҳуқуқини бериш. Ана шундай жараёнлар Шотландия ва Шимолий Ирландиядаги мактаб таълимида ҳам рўй бераётир.

Англияда беш ёшга тўлган болалар бутун ўқув йили мобайнида мактабга қабул қилинаверади. Битта синфда 5—6 ва 7 ёшли болалар ўқийверади.

Болалар бир неча ой мактабга қатнаганларидан сўнг уларни яхшироқ ўсган ва сустроқ ўсган болалар гуруҳларига бўлинади.

Болалар синф хоналарида ўйнайдилар, шуғулланадилар ва овқатланадилар. Хоналарда расм чи-зиш, елимлаш ва ўйинчоқлар ясаш учун турли ашёлар, ҳисоблаш, тортиш учун ҳар хил приборлар, асбоблар ва бошқа дидактик воситалар мавжуд бўлади. Ҳар бир синфда кичкина кутубхона ташкил этилади. Ҳамма машғулотларни битта ўқитувчи олиб боради. Болаларнинг кўп вақти очиқ ҳавода ўтади.

Японияда кўп мамлакатлардан фарқли равишда ўқув йили 1 апрелда бошланиб, кейинги йилнинг 31 мартада тугайди. Бошланғич ва кичик ўрта мактабда ўқув йили учта семестр (апрел, июл, сен-

тябр, декабр, январ, март)га бўлинади. Катта ўрта мактабда ўқув йили икки учта семестрга бўлинади. Ёзги, қишки (янги йилдан олдин ва кейин) ҳамда баҳорги (йиллик имтиҳонлардан кейин) таътиллار белгиланади. Ёзги таътиллarning бошланиши ҳудудлар ва ўқув юртларининг типлари бўйича ҳар хилдир. Улар кўп бошланғич ва кичик ўрта мактабларда июлнинг охирида бошланиб, августнинг охирида тугайди. Айрим қишлоқ хўжалиги ҳудудларида баҳорда ва кузда ёзги таътилни қисқартириш ҳисобига мавсумий фермерлик таътиллари ҳам бўлади.

Япония мактабларидаги ўқув йили АҚШ мактабларидагига нисбатан 60 кун узунроқ, яъни 240 кун давом этади. Машғулотлар иш ва шанба кунлари эрталаб 8.30 дан 15.15 гача, яъни 7 соатдан ўтказилади. Шунингдек, ўқувчилар машғулотлардан кейин ҳафтада 2—3 соат синфдан ташқари клуб ишлари билан шуғулланадилар ҳамда ҳафтада 7 соатгача вақтларини махсус репититорлик мактабларида ўтказадилар. Япониялик ўқувчилар АҚШдаги ўрта мактаб ўқувчиларига нисбатан кўпроқ вақтларини синфдан ташқари машғулотларга сарфлайдилар. Таълим миллий институти ўтказган савол-жавоб маълумотларига кўра катта ўрта мактаб ўқувчиларининг 36 фоизи ҳафтада 10 соатгача ва ундан кўпроқ вақт мустақил ишлаш билан шуғулланади. Бу эса америкалик ўқувчилар мустақил ишлайдиган вақтдан 6 марта кўпдир.

Бошланғич ва кичик ўрта мактабда ўрганилиши лозим бўлган фанлар, шунингдек, йил давомида уларни ўрганиш учун ажратиладиган соатлар миқдори таълим вазирлигининг фармойиши билан белгиланади. Мазкур вазирлик таълимнинг ҳар бир босқичидаги ўқув фанларининг мақсади ва мазмунини ҳам белгилайди.

Буларга қўшимча равишда ижтимоий мактабларда ҳафтасига бир марта мажбурий ахлоқ тарбияси машғулотлари ўтказилади, хусусий мактабларда эса бу машғулотлар диний таълим билан алмаштирилиши мумкин.

Япониядаги ўқув режаси доимо 3 та бўлим (ўқиш, ахлоқ тарбияси ва махсус фаолият)дан иборат бўлади.

Таълим вазирлигининг фармойишига мувофиқ катта ўрта мактабни битириш учун энг ками 80 та синов бирлигини олиш зарур. Мактаблар мажбурий предметларга қўшимча равишда хоҳишга қараб инглиз тилини ва бошқа чет тилларини, шунингдек, махсус техник фанларини таклиф қилиш мумкин.

Бошланғич ва кичик ўрта мактабда билимларнинг асослари таркиб топтирилади: уларнинг ўқув режаларида кенг қамровли ва болалардаги ўсишнинг даражасига кўра мураккаблашиб борадиган ўқув курсини ўрганиш назарда тутилади. Бошланғич ва кичик ўрта мактабда тил бўйича тайёрланиш етакчи ўринда туради, бундай машғулотларга айниқса II—IV синфларда ўқув соатларининг энг кўп қисми ажратилади. Тилни ўрганишда эслаб қолиш бўйича ўтказиладиган машғулотларга алоҳида эътибор берилади. Ўрганишга ажратилган соатлар миқдори бўйича арифметика ва математика иккинчи ўринни *ишғол* этади, улардан кейин жамиятшунослик туради.

Япон мактаблари учун чиқариладиган деярли барча дарсликлар хусусий нашриётларда чоп этилади. Дарсликларнинг мазмуни ва баҳосини Таълим вазирлиги маъқуллайди. Давлат мактабларида фойдаланиладиган дарсликларни 3 йилда 1 марта

таълим бўйича маҳаллий кенгашлар қабул қилади. Давлатга қарашли ва хусусий бошланғич ҳамда кичик ўрта мактабларнинг барча ўқувчилари дарсликларини миллий ҳукумат ҳисобига бепул оладилар. Катта ўрта мактабларнинг ўқувчилари эса дарсликларни сотиб олишади. Дарсликлар арзон нархда сотилади.

6—15 ёшли болаларнинг ҳаммаси олти йиллик бошланғич мактабга қатнаши мажбурийдир. Мажбурий тўққиз йиллик таълим ҳам барча болалар учун бепул. Эҳтиёжманд оилаларнинг болаларига мактабдаги тушликлар, экскурсияларга тўловлар, тиббий хизмат учун миллий ҳамда маҳаллий бошқарув органлари томонидан ёрдам пули берилади.

Бошланғич мактабни битирган бола кичик ўрта мактабда ўқишни давом эттиришга мажбур. Ижтимоий кичик ўрта мактаблар ўз туманида яшайдиган жисмоний ёки руҳий ноқис болани қабул қилади. Мазкур мактабларда болаларни танлашнинг қандайдир қоидалари ёки қабул қилишнинг ҳеч қандай шартлари йўқ. Лекин ота-оналари ўз болаларини бошланғич мактабдан олий ўқув юртигача таълимнинг барча босқичларидаги хусусий пуллик билим масканларига бериш ҳуқуқига эга. Хусусий ўқув юртларида ўқувчиларни танлаш қоидаси жорий этилган ва унга амал қилинади.

Японияда уч хил: кундузги, кечки ва сиртқи катта мактаблар мавжуд. Ўқиш муддати кундузги мактабда уч йил. Кечки ва сиртқи мактабларни битирганлар катта ўрта мактабни битирганлик тўғрисидаги дипломга тенг диплом оладилар. Катта ўрта мактаблардаги ўқувчиларининг тахминий 95 фоизи кундузги сменада ўқийди. Катта ўрта мактаблар ўқув режаларининг характери бўйича: умумий (академик)

мактабларга, техника, тижорат, маҳаллий санъат мактаблари ва ҳоказоларга бўлинади. Катта ўрта мактабларнинг 30 фоизига яқини таълимнинг ҳам умумий, ҳам касбкорлик курсларини, 47 фоиздан кўпроғи фақат умумий курсларни ва қолганлари касбкорлик курсларини ташкил қилади. Катта ўрта мактаблардаги ўқувчиларнинг тахминан 70 фоизи умумий ўқув режалари бўйича таълим олади. Катта ўрта мактабларга ўқувчиларни кичик ўрта мактабни битиргани тўғрисидаги ҳужжатлар ва кириш имтиҳонларининг натижалари асосида қабул қилинади. Ижтимоий ва хусусий секторларда тегишли ёш гуруҳидаги ўғил ва қизларнинг 98 фоизи ихтиёрий ўрта таълимга жалб этилган, яъни у умумий таълим ҳисобланади.

Хитой мактабининг тарихи жуда узоқдир, унинг илдизи қадимий даврларга бориб тақалади. Хитойда дастлабки мактаблар эрамиздан анча илгари вужудга келган. Қадимги хитой файласуфи ва педагоги, эрамиздан олдинги V—IV асрларда яшаган Кун-цзи (Конфуций) қатор ажойиб педагогик гояларни олға сурган ва хусусий ўқитишга асос солган.

ХХР ташкил топгунича бошланғич мактаб 1946 йилда ривожланишнинг энг юқори даражасига етган. Ўша пайтда Хитойда 290 мингдан ортиқ мактаблар мавжуд бўлиб, уларда 23 миллион нафардан зиёд ўқувчилар таълим олган. 1946 йилда бошланғич таълимга болаларнинг тахминан 20 фоизи жалб қилинган. Шу билан бирга катта ёшли аҳолининг 90 фоизидан кўпроғи саводсиз эди.

1949 йилда халқ инқилоби ғалаба қозонганидан кейин Хитойда саводсизликни тугатиш ва мактаб таълимини кенг тус олдириш бўйича жуда катта

миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Халқ таълимини ислоҳ қилиш тўғрисидаги (1951 йилги) қарорда болалар ва ўсмирлар учун ҳам, катталар учун ҳам бошланғич ҳамда ўрта мактабларнинг кенг тармоғини яратиш кўзда тутилган эди. Ислоҳотга мувофиқ ўқиш муддати бошланғич мактабда 5 йил ва ўрта мактабда 6 (3—3) йил қилиб белгиланди. Лекин кейинчалик бошланғич мактаб ҳам 6 йиллик бўлди.

XXP ташкил топган дастлабки йилларда мамлакатдаги мактаблар тизими ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режаларига мувофиқ жиддий такомиллаштирилди. Аммо 1958 йилда Мао Цзе — дун ва унинг гуруҳи «катта сакраш» йўли билан барча соҳалардаги, шу жумладан таълим борасидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатини сунъий равишда тезлаштиришга қарор қилди. Шундан сўнг моддий шароитлар ҳисобга олинмай, таълимнинг суръатларини жадаллаштириш бошланди, бу ҳаракат таълим ва тарбиянинг сифатига салбий таъсир кўрсатди. Янги ташкил қилинган мингларча бошланғич мактаблар тегишли биноларга, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларига, зарур асбоб-анжомлар ва яхши тайёрланган ўқитувчиларга эга эмасди. Мактаб таълимининг инқирози 1966 йилда ниҳоятда кучайди.

Мамлакатда узоқ вақт давом этган 1966—1976 йиллардаги «маданий инқилоб» аслида халқ таълимини кучсизлантириш натижасида хитой халқининг ақлий имкониятларини ҳам заифлаштирди. Шунга кўра мамлакат раҳбарияти таълим тизимини қайта тиклаш ва янада такомиллаштириш томон фаол қадам ташлаш тадбирларини қўллашга киришди.

ХКП МК нинг 1985 йил 27 майда қабул қилинган «Таълим тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида»ги қарори ҳозирги босқичда ХХР таълимини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлди. Унда таълим тизимининг барча бўғинларини қайта қуриш ва такомиллаштириш тадбирлари белгиланди. 1986 йил 12 апрелда Умумхитой халқ вакиллари мажлисининг сессиясида Хитой халқ Республикасининг мажбурий таълим тўғрисидаги Қонуни қабул қилинди ва бу қонун 1986 йил 1 июлдан кучга кирди.

Мана шу Қонунга мувофиқ мажбурий таълимнинг муддати бошланғич ва тўлиқсиз ўрта мактабда 9 йил, тўлиқ ўрта мактабда 3 йил қилиб белгиланди.

Ҳозир Хитойда бошланғич мактабларнинг икки тури мавжуд бўлиб биринчи хилида ўқиш муддати 5 йил ва иккинчи хилида 6 йил. Бошланғич ва ўрта мактаблардаги таълим ҳамма тушунадиган путунхуа тилида олиб бориладики, у хитой тилининг пекин шеvasига асосланган.

Хитойдаги болаларнинг бир қисми бошланғич мактабга киришдан олдин болалар боғчаларида тайёрланади.

Хитойда сўнги 20 йил мобайнида ҳар қайси оила биттадан болага эга бўлиши сиёсати юргизилиши сабабли ўқувчиларнинг сони анча камайди.

Бошланғич мактаб ўқув режасига 9 та предмет: ахлоқий тарбия, она тили, арифметика, «Жамият» (тарих, география), табиатшунослик, жисмоний тарбия, ашула ва мусиқа, бадий тарбия, меҳнат таълими киритилган. Мана шу асосий ўқув предметларидан ташқари, ҳафтада 6—8 соат фаолиятнинг ҳар хил турларига: мустақил тайёрланишга, (1—2 соат), синф мажлислари ўтказишга (1 соат),

спорт ўйинларига (2—3 соат), қизиқишлар бўйича машгулотларга (2 соат) ажратилади.

Лотин Америкаси мамлакатлари 1961 йилда АҚШ таклиф этган иқтисодий ёрдам дастурини, яъни «Тараққиёт йўлидаги иттифоқ» дастурини қабул қилишга мажбур бўлди. Унда халқ таълими-ни ривожлантиришнинг ўн йиллик режаси ҳам ифодаланган, умуман мазкур дастурда мактаблар тармоғини кенгайтириш, ўқув масканларини бар-тараф этишнинг, бутун жамиятни замонавийлаш-тиришнинг асосий омили экани қайд этилган, аммо дастурда асосан хорижий мустамлакачилар ва ма-ҳаллий зодагонларнинг мақсад ҳамда манфаатлари назарда тутилган бўлиб, уларнинг нияти аввало ходимларни етиштириш ва тараққийпарвар жамо-атчиликнинг диққат-эътиборини долзарб сиёсий муаммолардан чалғитиш эди.

60—70 йилларда Лотин Америкасидаги барча мамлакатларда маориф органларининг фаолияти кескин кучайди. Ҳукумат мактаб ва университетлар ишига, уларни молиявий таъминлашга жиддий эъти-бор берди. Америка давлатлараро органлари ва БТМ ташкилотларининг, аввало ЮНЕСКОнинг ҳаракат-лари туфайли ўқитувчилар тайёрлаш, шунингдек мактаб ходимларига янгича ўқитиш усулларини ўргатиш кенг тус олди. 60-йиллар охиридан кўпгина Лотин Америкаси мамлакатларида мактаб ва универ-ситет таълими тизими ислоҳ қилина бошланди. Ис-лоҳотнинг асосий ғояси ўқув масканларини маъри-фий мазмундаги ёки маҳаллий мақсадларни кўзланган вазифаларни бажаришга, фан-техникани такомил-лаштириш негизида иқтисодиётни жадал ривожлан-тириш вазифаларини амалга оширишга йўналтириш-дан иборат эди.

Таълим сиёсатини ана шу тариқа ўзлаштиришларини Шимолий Америка ўқув марказлари асосида таълимни замонавийлаштириш деб баҳолаш мумкин эди. Мазкур ўзлаштиришлар педагогик жиҳатдан муайян амалий мақсадларни кўзлашга даъват этди. Ёш авлодни ўқитиш соҳасидаги мазкур ўзгаришлар кўпчиликини ишончини оқламади ва умидини пучга чиқарди. Туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширмай, таълим соҳасида ҳам муваффақиятларга эришиб бўлмаслиги тўғрисидаги фикрларни исботлади.

60—70 йилларда таълим соҳасини режалаштириш аста-секин йўлга қўйилди, ўқув юртларини маблағ билан таъминлаш тартибга солинди. Мактаб ишларини марказлаштириш кучайди ва бу ҳол ўқув дастурларини тузиш, кадрлардан фойдаланиш, мактаб биноларини қуриш каби ишларни мувофиқлаштириш имконини берди.

Минтақадаги (Барбасдан бошқа) ҳамма мамлакатларда болаларни мажбурий равишда 14 ёшгача (Перуда 16 ёшгача) ўқитиш жорий этилди. Бошланғич мактабдаги, айрим мамлакатларда, ҳатто ўрта мактабдаги ўқиш ҳам бепул қилинди. Лекин бу қоида фақат давлат секторига қарашли мактабларга тааллуқли эди.

Лотин Америкаси мамлакатларининг баъзиларида мактабларнинг азалий структурасини ўзгартириш бўйича ҳам ислоҳотлар ўтказилди. Бошланғич мактабларни ва ўрта мактабларнинг дастлабки босқичларини бирлаштирган мактаб таълими базавий туркуми тузилди. Чунки бошланғич мактабга асосланиб келган касб-корлик мактабларининг умумтаълимий савиясини ошириш зарур эди. Дастлаб 1965-йилда Чилида 8 йилга мўлжалланган базавий

туркум ташкил топган бўлиб, 70-йилларда Боливия ва Бразилияда ҳам 8 йиллик, Перу, Сальвадор ва Венесуэлада 9 йиллик, Аргентинада 6 йиллик, Ямайка ва Колумбияда 5 йиллик ана шундай туркумлар жорий этилди. Перу, Панама ва бошқа қатор мамлакатларда мажбурий таълим фақат бошланғич мактабларга эмас, балки бутун базавий туркумга ҳам татбиқ қилинди.

Лотин-Америкаси мамлакатларининг айримларидаги ўқув дастурларининг тор ихтисослашуви ва муайян амалий йўналишига эга бўлиши ёшларнинг умумтаълимий тайёргарлиги учун зарарли бўлиб, ана шу тайёргарлик даражаси пасайишига олиб боради. Бразилия, Колумбия, Венесуэладаги мактаблар ихтисослаштирилганининг оқибати ана шу фикрни яққол исботлайди. Мазкур ислоҳот аҳолини иш билан таъминлашнинг, давлат корхоналари учун кадрлар тайёрлашнинг баъзи муҳим миллий муаммосини ва бошқа баъзи масалаларини ҳал этиш имконини берган бўлса-да, қатор салбий натижаларга олиб бориши ҳам муқаррардир. Чунки ушбу ихтисослаштириш бир томонлама характерга эга бўлиб, мактаб тизимининг америкачалашуви-га, унинг инсонпарварлиги бузилишига сабаб бўлади. Минтақадаги мазкур ўзгартиришлардан кўзланган асосий мақсад ажнабий монополиялар ва маҳаллий катта компаниялар корхоналарини ерлик меҳнат ресурслари ҳисобидан малакали кадрлар билан таъминлаш эди. Шунга кўра таълимнинг ислоҳ қилиш дастурининг бир томонлама характери тез орада яққол аён бўлди.

Шунга қарамай, минтақада таълимни ислоҳ қилиш, шу жумладан, ўрта мактабларни ихтисослаштириш миллий иқтисодиётни кадрлар билан

таъминлашда маълум даражада ёрдам берди. Шунинг учун ҳам давлат бошланғич мактаблар билан бир қаторда ўрта ва олий ўқув юртларини ҳам маблағ билан таъминлашни кучайтириб борди. Минтақада хусусий ўқув юртлари тармоғи ҳам кенгайди. Таълимнинг ҳамма босқичларидаги ўқувчилар *контингенти* анча ортди. Лотин Америкаси минтақаси 1975 йилда болаларни бошланғич таълимга жалб этиш бўйича дунёда биринчи ўринга чиқди ва қолган ҳамма кўрсаткичлар бўйича ривожланаётган ҳамма мамлакатлардан анча илгарилаб кетди.

Лотин Америкаси мамлакатларининг тараққий-парвар жамоатчилиги кенг халқ оmmasига хизмат қиладиган халқ маорифи масалаларини мустақиллик, демократик ва ижтимоий тараққиёт учун курашиш орқалигина ҳал этиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилди ва худди ана шу йўналишдан боришга интилмоқда.

Савол ва топшириқлар

1. «Умумий таълим» тушунчасига нималар киради?
 2. Таълим мазмунини қайта кўриб чиқиш зарурлигининг сабаби нималардан иборат?
 3. Мактабнинг ўқув режаси нима?
 4. Ўқув дастури нима ва унинг халқ таълимини қайта қуриш давридаги хусусияти нималардан иборат? Бошланғич таълимнинг исталган предметиға доир ўқув дастурини таҳлил қилинг.
 5. Дарсликларға асосан қандай педагогик талаблар қўйилди?
- Бошланғич таълим дарсликларидан бирини таҳлил қилинг.
6. Таълим мазмунини янада такомиллаштириш соҳасидаги тадқиқот ишининг айрим йўналишларини айтиб беринг.

XI 606. ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛЛАРИ

ЎҚУВ ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Таълим ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг тарихи жуда узоқдир. Таълим инсоният жамияти ривожининг дастлабки пайтларидаёқ катта рол ўйнаган. У тўпланган тажрибаларни, дунё ҳақидаги ахборотларни бериш жараёнини таъминлаган, инсониятнинг фақат ижтимоий ривожланишига эмас, балки қийин шароитларда яшай олишига ҳам ёрдам берган. Узлуксиз ривожланган жамиятда таълимнинг мукамал жамоа шакли, яъни дарс минг йиллар мобайнида вужудга келган. Я. А. Коменский «Буюк дидактика» асарида жамоавий тарбиянинг олдинги барча тажрибаларини умумлаштирди, синфнинг дарс тизимида таълимнинг асосий дидактик принципларини изчил ифодалади. Ўша замондан буён 350 йил ўтди. Шунча вақт мобайнида дарснинг ташкилий шакллари ҳам, таълимнинг методлари ҳам узлуксиз такомиллашиб кетди.

Халқ мактаблари ташкил топганидан бошлаб ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда ўзаро муносабати муаммолари ҳам вужудга келгандир. Маълумки, ўқитувчининг билими унинг дарсдаги ва уйдаги фаолиятининг характериға бевосита боғлиқдир, фаолиятсиз билимлар ҳам бўлмайди. Ўқитувчи ажойиб йўсинда дарс ўтиши ва лекин бу дарснинг натижаси муайян ўқувчи учун нарсага арзимаслиги мумкин.

Шуларға кўра ўқитувчи ўзини ана шундай ўқувчининг ўрниға қўя билиши, унинг дарсдаги фаолиятини ва унга мактабда бутун ўқиш давридаги

муносабатини тасаввур қилиши го'ят муҳимдир. Зотан тарбия ва таълим аста-секин амалга ошади ҳамда ўқувчига барча дарслар мажмуи қандай таъсир этишига, ўқувчи ўқитувчи раҳбарлигида онгли ва фаол бажарадиган ишларнинг ҳажми ҳамда мунтазамлигига боғлиқдир.

Ўқитувчининг вазифаси — дарсда тафаккур ва фаолиятнинг ана шу турларини энг тўғри уйғунлаштиришдир. Бинобарин, бундай уйғунлик дарс самарадорлигини оширишнинг муҳим омилдир.

Ўқитувчи дарс муаммоларига тўғри ёндошиши учун таълим жараёнининг асосий компонентларини билиши, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бири-бирига таъсирини тушуниши лозим. Объектив мавжудликнинг моҳиятини билиши — таълимнинг мақсадларидан биридир.

Таълимда билимларни ўзлаштириш жараёнига куйидаги компонентлар киради:

1. Ҳодисаларни, нарсаларни кузатиш, ахборотларни идрок этиш.

2. Олинган ахборотларни таҳлил қилиш (билимларнинг характерли белгиларини аниқлаш, таққослаш, кўчириш, биринчи жараёнда олинган ахборотларни ўзгартириш ва унда олинган ахборотлар доирасидан чиқиш).

3. Эслаб қолиш.

4. Ишлар, умумлаштиришларнинг тўғрилигини текшириш ҳамда баҳолаш.

Умуман айтганда, таълимни бошқариш ўқитувчи ўқиш жараёнининг асосий структураси элементлари, хусусан ўқув материалининг мазмуни, таълим методлари, фаолият усуллари, шакллари ва воситалари тўғри амалга ошуви ҳамда ўзаро таъсирини таъминлашдан иборатдир.

ТАЪЛИМДА СИНФ — ДАРС ТИЗИМИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Таълимни бошқаришнинг асосий ташкилий шакли қуйидаги маълум белгиларга эга бўлган машғулотларни гуруҳий йўсинда ўтказилади:

- машғулотларнинг ҳар йили ва ҳар бир ўқиш кунини бир пайтда бошланиши;
- машғулотлар ва улар орасидаги танаффусларнинг маълум вақт давом этиши;
- гуруҳлардаги болаларнинг ёши ва сони жиҳатдан бараварлиги;
- материал ўрганиш суръатининг бир хиллиги;
- ўқув машғулотларининг маълум ташкилий шаклда ўтказилиши.

Гуруҳли машғулотларнинг синф-дарс тизими деб аталган бундай шакли кенг тарқалди, мустаҳкамланди ва ҳозир ҳам анча такомиллашган ҳолда мавжуддир.

Мактаб ривожланиши тарихида 20-йилларда таълимнинг яқка тартибдаги шакли нотанқидий йўсинда қабул қилинди ва амалиётга таълимнинг бригада — лаборатрия методи билан киритилди. Унда бир гуруҳ (5—6 нафар) ўқувчилар ўқитувчи тавсия этган материални мустақил ҳолда ўрганганлар. Ўқитувчи махсус тушунтиришлар бермай, фақат йўл-йўриқлар кўрсатган. Ҳамма нарса учун бригадир жавоб берган. Бундай таълим болаларнинг ўқув фаолияти учун масъулиятини пасайтирган.

Мактаб барҳам топишининг нотўғри педагогик концепциялари даврида таълимнинг «лойиҳалар методи» деб аталган шакли вужудга келган. Унда ўқувчилар ўқитувчининг топшириғи бўйича қандайдир объектнинг лойиҳасини тайёрлаганлар. Мазкур ғоялар муаллифларининг айтишича ўқувчилар лойи-

хани тузишда ўқув режаси бўйича ўтиладиган предметларга доир комплекс билимларни ўзлаштирган.

Сўнгги йигирма йил мобайнида педагогика назарияси комбинацияланган дарсни ўрганишдан дарсни элементлари бўйича босқичма-босқич ўзлаштиришга, ундан синтетик ва ниҳоят муаммоли ўрганишга ўтди. Тадқиқотларнинг узвийлиги ва узвий ёндошиши тўғрисида жуда кўп илмий адабиётлар мавжуд. Масалан, Н. М. Махмутов, Г. Д. Кирилова, Ф. Ф. Королев ва Э. Г. Юдинларнинг ҳозирги замон дарси, уни ташкил этиш, камол топтирувчи таълим шароитидаги дарс назарияси ва амалиёти, муаммоли дарс ва ҳоказоларга доир китобларида дарсга система сифатида қаралсагина уни чуқур тушуниш мумкинлиги қайд қилинган. Лекин педагоглар 70-йиллардагина дарсни ўрганиш ва тушунтиришга системали ёндошиш зарурлигини тўла англадилар. Фанлар ривожланишининг ҳозирги босқичида дарсни қандай тушуниш керак?

Дарс назариясида ҳозиргача бу тушунчанинг янги таърифлари йўқ. Кўп таърифларда худди илгаридек дарс маълум вақт мобайнида таркиби ўзгармайдиган ўқитувчилар ва ўқувчилар фаолиятини ташкил этишнинг шакли бўлиб, у болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва камол топтириш вазифаларини амалга ошириш учун мунтазам қўлланиши ифодаланган. Дарсда ўқув-тарбия ишларининг барча компонентлари: мақсад, мазмун, воситалар, методлар, ташкил этиш ва бошқариш фаолияти ҳамда унинг ҳамма дидактик элементлари мужассамланган деб ҳисоблаш қабул қилинган.

Табиийки, дарс яхлит таълим жараёнини ўқув-тарбия ишининг бошқа ташкилий шакллари — уй вазифаларини бажариш, предмет тўғарақларининг

машғулотлари, сайрлар ва ҳоказолар билан узвий бирликда акс эттиради. «Дарсни икки жиҳатдан: умуман таълим жараёни ва таълимни ташкил этиш шакли сифатида таърифлаб уни фойдали деб ҳисоблаш таклифи бор (М. И. Махмутов). Таълимнинг умумий жараёни сифатида қаралса, дарс ўқитиш ҳаракатининг таълим мазмуни, принциплари ва методлари билан белгиланадиган, маълум макон-замон чегараларида ўқитувчи режалаштирадиган ҳамда бошқарадиган биргаликдаги объект ўқитувчи ва ўқувчилар амалга оширадиган асосий шаклидир.

Мазкур тушунча иккинчи нуқтаи назардан қуйидагича таърифланади: дарс маълум таркибдаги ўқитувчилар (муаллимлар) билан ўқувчиларнинг мақсадга мувофиқ ўзаро таъсири (фаолиятлари ва алоқалари) жараёнини ташкил этишнинг, таълим мазмуни, шакллари, методлари, воситаларини ўз ичига олади, таълим жараёнида ўқитиш, камол топтириш ва тарбиялаш вазифаларини амалга ошириш учун (бир хил вақт ичида) мунтазам қўлландиган бой ва ўзгарувчан шаклидир». (Қаранг: М. И. Махмутов. «Современный урок».)

ДАРС МАКТАБДА ЎҚУВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ ШАКЛИ

Ҳозирги пайтда ўқув ишларини ташкил этишнинг қуйидаги шакллари қўланади: дарс, экскурсия, ўқув устахоналаридаги машғулотлар, меҳнат ва ишлаб чиқариш таълими шакллари, уй ишлари, синфдан ташқари ўқув ишларининг шакллари (предмет тўгараклари, студиялар, олимпиадалар, танловлар).

Дарсинг ташкилий шакллари

Педагогик адабиётларда ва мактаб амалиётида дарсдаги ишларни ташкил этишнинг асосан учта: якка тартибдаги, умумий ва гуруҳий шакллари қабул қилинган.

Биз дарслардаги ва уйдаги якка тартибдаги ишлар деганда ўқувчиларнинг ўзлари учун махсус танланган ва ҳар бирининг имкониятларига мос топшириқни бажаришларини тушунамиз. Шунга кўра ўқитувчи ўқувчининг ўзига хос имкониятларини аниқлаб, унга фақат тайёр намуна бўйича эмас, балки мустақил ҳолда ишлашни ҳам талаб қиладиган топшириқлар системасини танлайди. Бундай иш тасодифий эмас, балки мунтазам, пухта ўйланган бўлиши ва бунда ўқувчининг хусусиятлари ҳамда имкониятлари ҳисобга олиниши лозим. Ўқувчи имкониятларининг икки томони назарда тутилиши зарур.

Ўқув имкониятларининг ички томонига фикрлаш ва эслаб қолишдан иборат ўқиш қобилияти; ўқувчи илгариги таълимда олган махсус билимлар, шунингдек, ўқув меҳнатига доир кўникма ва малакаларнинг, маълум даражада иш қобилияти ва масъулиятнинг, ўқиш сабаблари мажмуининг мавжудлиги киради.

Ўқувчи имкониятларининг ташқи томони унга мактабда хилма-хил таъсир кўрсатишдан ва унинг оилада ҳамда муҳитда оладиган таассуротларидан иборатдир.

Якка тартибдаги таълим ҳар бир ўқувчига етарли даражада чуқур ва пухта билимлар бериш учун, ҳар бир ўқувчи мақсадга мувофиқ камол топишини ва заруратга қараб ўзининг билимларини мус-

тақил ҳолда тўлдириб бориш кўникмаларига эга бўлишини таъминлаш учун керак.

Якка тартибдаги ишларни дарснинг ҳамма босқичларида ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ишлардан билимларни мустақамлаш, такрорлаш ва турли машқларни уюштиришда фойдаланиш энг осондир. Улар янги материални ўрганишда ҳам ғоят самаралидир.

Ўқувчилар билан олиб бориладиган якка тартибдаги ишлар режасини қуйидаги йўсинда тузиш мумкин:

— дастлаб мустақил ишларни ўтказиш ҳамда ўқувчи яшайдиган ва ўқийдиган шароитларни таҳлил қилиш орқали унинг имкониятларини ўрганиш;

— ўқувчилар билан якка тартибда ишлашнинг дидактик воситаларини яратиш;

— ҳар бир ўқувчи учун энг мақбул топшириқларни ҳамда билим олиши ва камол топиши назорат қилиш системасини белгилаш, ўқувчини ўз вақтида мураккаброқ масалаларни ҳал қилишга ўтказиш, амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, тузатиш ва хулосалар чиқариш.

ЎҚУВ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ УМУМИЙ ШАКЛИ

Умумий шакл дарсда, ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг шундай туридирки, унда ўқувчилар ҳаммалари учун умумий битта ишни барабар бажарадилар. Олинган натижалар синф бўйича муҳокама қилинади, таққосланади ва умумлаштирилади. Оммавий таълим шароитида ўқув ишларини ташкил этишнинг умумий шакли ғоят муҳимдир. У болаларда жамоатчилик ҳиссини тарбиялаш, уларни мулоҳаза юритишга, ўқувчиларнинг мулоҳазаларидаги хатоларни топишга ўргатиш имконини

беради. Тўғри раҳбарлик қилинса, болаларнинг ўқув имкониятлари аниқланса, синфда турли муаммоларни муҳокама этиш жуда самарали тадбир ҳисобланади. Бу тадбир ўқитувчидан ҳамма ўқувчиларнинг фикрлашига мос ишни топиш маҳоратини, уларнинг истакларини тинглай олишни талаб қилади. Дарснинг умумий шаклида кўзланган мақсадлар бўйича ва айниқса, ўқувчиларда далиллар билан муҳокама юритиш кўникмаларини ривожлантиришда ажойиб натижаларга эришиш мумкин. Агар боланинг ўқув имкониятлари тўғри баҳоланса, дарсни ташкил қилишнинг умумий шакли ўқувчиларга якка тартибда ёндошишдан кенг фойдаланиш имконини ҳам беради. Ўқитувчи улардан ўз имкониятларига боғлиқ ҳолда турли даражадаги умумлашмаларни сўрайди. Шу тариқа ўқувчиларнинг тинглашлари ҳам, ўз билимлари ва фикрларини ўртоқлари билан таққослаши, тезда тўлдириши, ундаги хатоларни топиш кўникмаларини шакллантириши жуда муҳимдир.

Умуман олганда, синфга ҳам репродуктив, ҳам ижодий топшириқлар бериш мумкин. Дарсда ишнинг якка тартибдаги ва умумий шакллари бирлаштирилса, ҳар иккаласининг афзалликларидан кенгроқ фойдаланиш имконияти туғилади.

Янги материални ўрганиш ва уни мустаҳкамлашда дарсни ташкил қилишнинг умумий шакли энг самаралидир, олинган билимларни ҳаётий вазиятларда қўллашни эса якка тартибдаги ишлардан кенгроқ фойдаланиб ташкил этиш яхшидир. Лаборатория ишлари умумий йўсинда ташкил қилинади. Лекин бунда ҳам ҳар бир ўқувчини мақсадга мувофиқ камол топтириш имкониятларини излаш керак.

ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ГУРУХИЙ ШАКЛИ

Сўнгги йилларда дарсни ташкил этишнинг умумий ва якка тартибдаги шакллари билан бир қаторда таълимни ташкил этишнинг гуруҳий шакли ҳам кенг тарқалмоқда.

Дарснинг гуруҳий шаклининг асосий белгилари:

— мазкур дарсда муайян ўқув вазифаларини ҳал қилиш учун синф бир неча гуруҳларга бўлинади;

— ҳар бир гуруҳ маълум топшириқ олади ва уни биргалашиб ўз бошлиғи ёки ўқитувчининг бевосита раҳбарлигида бажаради;

— топшириқ гуруҳнинг ҳар бир аъзоси қўшган ҳиссани ҳисобга олиш ва баҳолаш имконини берадиган йўсинда бажарилади;

— гуруҳнинг таркиби доимий бўлмайди, уни танлашда гуруҳдаги ҳар бир аъзонинг ўқув имкониятлари жамоа учун кўп фойдали амалга ошадиган бўлиши назарда тутилади.

Махсус танланган гуруҳларда ўқув ва ишлаб чиқариш топшириқлари маълум йўриқнома режа бўйича бажарилади. Турли предметларда ва ҳатто битта предмет бўйича дарсларда гуруҳларнинг раҳбарлари ва таркиби ҳар хил бўлиши мумкин. Дарснинг гуруҳий шакли гуруҳдаги ишнинг ташкил этилишига боғлиқ.

Биринчи галда гуруҳнинг таркибини тўғри танлаш зарур. У албатта кичик жамоа бўлиши лозим, шундагина барча аъзолар бир-бирларининг ютуқларини бойитадилар ва камчиликларини тўлдирадилар. Гуруҳда ўзаро салбий муносабатдаги болалар бўлмаслиги керак. Баъзан маълум топшириқни гуруҳнинг мойиллиги ва қобилиятларига қараб қисмларга ажратилади. Аъзоларни ҳар бири иш-

нинг ўзига теккан қисмини якка тартибда бажаради. Кейин ҳар бир ўқувчи бажарган ишнинг натижалари муҳокама қилинади ва жамланади.

Дарснинг гуруҳий шакли айниқса, қандайдир амалий масалаларни ҳал қилишда ёки курснинг қандайдир хусусий масаласини чуқур ўрганишда самарали бўлади.

Дарснинг умумий ёки якка тартибдаги шаклида ўқитувчи битта дарсда ҳамма ўқувчиларга ёрдам беришга қийналади. У бир-икки ўқувчи билан ишлаётганида ўзларида саволлар туғилган кўп ўқувчилар навбат кутиб турадилар. Гуруҳда эса ўқувчиларга жуда тез ёрдам бериш мумкин. Тажрибадан кўринадики, бунда кучли ва гуруҳдаги бўш ўқувчига ёрдам берадиган ўқувчи бўш ўқувчига нисбатан кам манфаатдор бўлмайди, бинобарин у ўз ўртоғига тушунтиришда унинг билимлари юксак даражада фаоллашади ва мустақамланади. Гуруҳлар қандайдир муаммоларни ҳал қилишда ҳам гоёт самаралидир. Бир томондан, ижодий иш ҳақиқатни излаш жараёнини индивидуаллаштиради, чунки ҳар бир ўқувчи ечимни мустақил ҳолда топишга интилади. Иккинчи томондан — фикр алмашиш, тахминларни биргаликда текшириш табиий жамоавий хусусият касб этади.

Синфни гуруҳларга бўлишда қийинчиликлар туғилиши табиий. Айримлар синфни қобилиятлар бўйича, ақлий камолат даражаси бўйича гуруҳларга ажратишни тавсия этадилар. Бундай қилиш хатодир, бинобарин қобилиятли ва қобилиятсиз ўқувчиларни бир-биридан узоқлаштириш мумкин эмас, Аксинча, гуруҳларда кучсиз ўқувчиларга кучли ўқувчиларнинг ташкилий равишда ёрдам беришини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқув дастурида кўзда тутилган экскурсияларни ўтказиш мажбурий бўлиб, бу иш у ёки бу предметни ўрганишга ажратилган вақт ҳисобига амалга оширилади. Таълимни бошқа ташкилий шакллари каби ўқув экскурсиялари ҳам дидактик принципларни (илмийлик, ўқишни ҳаёт билан боғланишини, кўрсатмалилик ва ҳоказоларни) амалга оширади, борлиқдаги ҳодисалар ва жараёнларни, ўзаро боғлиқлик ҳамда ўзаро алоқаларни ўрганишда, илмий дунёқарашни, билиш ва жамоатчилик қизиқишларини, шахснинг сифатларини шакллантиришда, ўқувчиларни меҳнат фаолиятига тайёрлаш ва касбларга йўналтиришда ёрдам беради.

ДАРСНИНГ СТРУКТУРАСИ, ЭЛЕМЕНТЛАРИ ВА ТИПЛАРИ

1. Таълимнинг структураси ва тизими ҳақида тушунча. Аввало, структуранинг нималигини кўриб ўтамиз. Ҳар бир фандаги «структура» тушунчаси ўзига хос мазмунга эга. Чунки ҳар қандай объект, жараён, ҳодисанинг ички тузилиши бўлиб, унда турли алоқа ва муносабатлар мавжуд. Ўқув жараёни ҳам ўзининг тузилишига эга ва у звенолар деб аталадиган ўзаро боғлиқ маълум қисмлардан ташкил топди. Бутун ичидаги ана шу звеноларнинг ўзаро боғланиши мазкур жараённинг структурасини вужудга келтиради. Лекин, маълумки, структурасиз тизим бўлмаганидек, тизимсиз структура ҳам бўлмайди. Шунга кўра структурани тизимдаги ўзаро боғлиқ элементларнинг тартиблари деб таърифлаш мумкин. Биз тизим тушунчасига нималарни киритамиз?

Тизим — ўзининг хоссалари ва боғланишлари бўйича у ёки бу тартибдаги ўзаро боғлиқ кўп элементлардир.

Ўқув жараёнининг структураси ва тизимини яққол тасаввур этиш учун бу жараён қандай звенолардан ташкил топганини, улар орасидаги ўзаро боғланиш қандайлигини ва ҳар бир звено қандай элементлардан иборатлигини аниқ билиш зарур. Аввал ўқув жараёни қандай звенолардан ташкил топишини ва улар орасидаги боғланишларни кўриб чиқамиз.

Ўқув жараёни қуйидаги звеноларга эга бўлади:

1. Ўқувчининг ўқувчилар диққати ва тафаккури-ни жалб қилиши, шу орқали уларни ўқув материалини фаол идрок этишга олиб бориш мақсадида билиш вазифасини ўртага қўйиши.

2. Ўқитувчи томонидан билимларнинг берилиши жараёни ва ўқувчиларнинг янги материални ўзлаштириши.

3. Илмий тушунчаларнинг умумлаштирилиши ва шакллантирилиши жараёни, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш.

4. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини тегишли вазиятларда қўллаш.

5. Ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини ўзлаштираётганини текшириш.

Ҳар куни ўқув жараёнининг таркибий қисми умумий вазифаларни ҳам, ўзига хос функцияларни ҳам бажаради. Ўқувчилар уларнинг бирида билиш вазифасини англайдилар, иккинчисида ўрганилаётган материални идрок этадилар ва тушунадилар, учинчисида кўникма ва малакаларини такомиллаштирадилар. Ҳар бир звенода янгиликнинг қандайдир қисми идрок этилади, меҳнат маданиятининг қандайдир элементлари ўзлаштирилади. Уларнинг ҳар бирида таълимнинг умумий ва ўзига

хос функциялари маълум йўсинда бирлашади. Ўқув жараёнининг мазкур барча звенолари ўзаро чамбарчас боғланган. Масалан, ўқувчилар билиш жараёнига лоқайд муносабатда бўлса, ўқув материални чуқур ва онгли ўзлаштириши мумкин эмас. Бундай ҳолда звено иккинчи вазифага фаол тайёргарлик ролини бажаради. Агар ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида ўз мушоҳадалари кучи билан илмий тушунчаларни, қонунларни умумлаштирмаса, янги материални идрок этиш жараёни юзаки бўлиб қолади. Шу мақсадда ўқитувчи янги материални ўтишда: а) индуктив; б) аналитик-синтетик, яъни тушунчаларни муайян ҳодисаларни анализ ва синтез қилиш асосида аста-секин шакллантириш; в) дедуктив йўллардан фойдаланади.

Янги материални ўзлаштиришнинг ҳар бир йўлида муайян ва мавҳумликнинг, тасаввур ва тушунчаларнинг ўзаро боғланиши жуда муҳим аҳамият касб этади.

Тасаввур предметнинг асосан ташқи кўринишини, яъни инсоннинг сезги органлари бевосита идрок этиши учун қулай белгиларини акс эттиради.

Тушунча эса нарсаларнинг моҳиятини англаш имконини беради ва мазкур синфга мансуб барча предметлар учун умумий муҳим хусусиятлар, белгилар ва боғланишларни акс эттиради. Ҳар бир фан ўзаро боғлиқ тушунчалар тизимини ташкил қилади. Демак, қандайдир фаннинг асосларини ўзлаштириш аввало мана шу фандаги тушунчалар тизимини ўрганишга чамбарчас боғлиқдир.

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини дастлабки вазиятларда, яъни намуна бўйича, шунингдек, ҳаётий шароитларга яқин янги вазиятларда қўллаш таълим жараёнининг муҳим зве-

носи ҳисобланади. Чунки инсоннинг амалий фаолияти билимлар ҳақиқатлигининг мезони сифатида хизмат қилади. Ана шундай фаолиятсиз таълимни ҳаёт билан, амалиёт билан боғлашдан иборат муҳим вазифани ҳал қила олмаймиз.

Шу тариқа барча звенолар ўзаро чамбарчас боғланишда ўқув жараёнини ташкил этади. Ўз-ўзидан аёнки таълим жараёнида мана шу ҳамма звенолар белгиланган тартибда ёки тўлалигича амалга ошувининг аҳамияти йўқ. Бунда ўқув жараёнининг маълум қисмида бир звенонинг иккинчи звенога қўшилиши, ўзаро сингиши қандайдир звенонинг етакчилик ролини бажариши кузатилади. Ўқув жараёни амалда анча ўзгарувчандир. Айтайлик, ўқув жараёнининг маълум бир қисмида ўқувчилар билимини текшириш ва баҳолаш асосий вазифа ҳисобланади. Лекин бундан бошқа звенолар жараёнида дахлсиз бўлади, деган маъно келиб чиқмайди. Бунда барча звеноларнинг умумий вазифалари намён бўлаверади. Негаки, билимларни текшириш ва баҳолаш тўғри йўлга қўйилса, ҳамма ўқувчилар фаоллашади, уларнинг ҳар бири тегишли билимларни онгли равишда эслайди, ўртоқларининг жавобларини танқидий эшитади, масалаларнинг ечилишини диққат-эътибор билан кузатади, тажрибаларнинг бажарилишига қизиқади ва ўзи ҳам ҳар онда ишга қўшилиш учун тайёр бўлади.

Аммо ҳар бир звено таълимнинг умумий вазифаси билан бир қаторда ўзига хос масалалар доирасини ҳам қамрайдики, улар биргаликда звенолардан ҳар бирининг мазмунини ташкил этади. Бу масалалар структурадаги ҳар қайси звенонинг таркибий қисми саналади. Шунинг учун ўқув жараёнини биз фақат структуравий звеноларини эмас,

балки шу звенолардан ҳар бирининг таркибий қисмларини ҳам билишимиз зарур жараён деб тушуниш керак. Мисол учун ўқувчилар олдига билиш вазифаси қўйиладиган биринчи структуравий звенони кўриб чиқамиз.

Билиш вазифасини қўйиш бир неча йўллар билан амалга оширилади:

1. Муаммоли вазиятни яратиш ёки муаммоли саволлар бериш орқали.

2. Ўрганилаётган мавзунинг амалий аҳамиятини ёритиш ва кўрсатиш орқали.

3. Ҳаяжонли муҳитни вужудга келтириш орқали.

4. Мавзуни эълон қилиш ва ундаги асосий илмий ғояларни ифодалаш орқали.

Ана шу йўлларнинг ҳар бири айтилган пайтда мазкур структуравий звеноларнинг таркибий қисми ҳам ҳисобланади ва ўзининг муайян мазмунига эга бўлади. Бунинг далилларини келтирамиз. Янги материални баён этишнинг сафарбарлик билан бошланиши қандай бўлиши мумкин? Мана шулардан бири. Ўқитувчи синфга киради, дарс мавзусини эълон қилади ва уни доскага ёзиб қўяди. Шундан кейин материалнинг ўзини баён қилади. Дарснинг бу хилда бошланишини педагогика амалиётида, хусусан юқори синфларда кўп учратиш мумкин. У кенг тарқалган ва маъқул топилган, лекин уни самарали бошланиш, деб бўлмайди.

Бу мисолда ўқувчиларнинг диққат-эътибори муаммонинг ўзига йўналтириш учун муаммоли вазият ўқитувчи томонидан атайин вужудга келтирилади. Бундай ҳолларда кўпинча муаммони ўқитувчининг ўзи шакллантиради ва кўриб чиқади. Ўқувчилар унинг мулоҳаза юритишига эргашиб муаммоли фикрлаш мантиқини ўрганадилар. Бу эса

муаммоли баён этишнинг дастлабки босқичи учун хосдир. Лекин дарснинг турли босқичларида муаммоликнинг даражаси турлича бўлиши мумкин. Янги материални баён этишда ўқитувчи муаммоли вазиятни вужудга келтириши ва ўқувчиларни мустақил ҳолда ёки биргаликда муаммони ҳал қилиш йўллари топишга жалб этиши мумкин.

Масалан, табиатшунослик дарсларини олайлик. Ўқитувчи қор ёғаётган пайтда ўқувчилар билан биргаликда мактаб ҳовлисига чиқади ва болаларга қор учқунларини кафтлари билан тутишни айтади. Кейин улардан кафтларига нима илинганини сўрайди. Ҳар бир ўқувчининг кафтида сув томчиси кўринган ва бир лаҳзадан кейин йўқолган — буғланган эди. Сув томчиси ўрни муздек бўлиб қолди. Болалар бу ғайри-оддий ҳодисага қизиқдилар, албатта.

Ўқитувчи ўқувчилардан: «Нима учун кафтнинг қор учқуни тушган жойи муздек бўлиб қолди?» — деб сўрамоқчи эди. Бу эса «сувнинг айланиши» мавзусининг назорат саволларидан биридир. Янги материални ўрганишнинг одатдагидан бошқача бошланиши дарсда муаммоли вазиятни яратишда ва ўқувчиларни муаммонинг ечимини биргалашиб излашга жалб этишда ёрдам беради.

Дарснинг структураси қўйилган мақсадларга, ўрганилаётган материалнинг мазмунига, таълимнинг дарсда қўлланадиган методлари ва усулларига, ўқувчиларнинг тайёргарлик ва камолат даражасига, дарснинг ўқув жараёнидаги ўрнига боғлиқдир.

Дарсларнинг типлари

Дарс структураси ўқувчилар билиш фаолиятининг характери бўйича таснифланадиган дарсларнинг типига боғлиқ бўлади. Уларни ўтказиш усул-

лари, таълим методлари эса ўқувчилар мустақил ишининг даражаси бўйича таснифланади.

Дарснинг қуйидаги типлари мавжуд: ўқувчилар янги билимларни ўзлаштирадиган, фактли материаллар тўпланадиган, кузатишлар ўтказиладиган, жараёнлар ва ҳодисалар ўрганиладиган, уларни англонадиган, тушунчалари шакллантириладиган, кўникма ва малакалар таркиб топтириладиган дарслар, билимлар умумлаштириладиган ва тизимлаштириладиган дарслар, билимлар, кўникмалар ва малакаларни такрорлаш, мустаҳкамлаш, бошқача айтганда, комплекс қўллаш дарслари, билим, кўникма ва малакалар оғзаки ҳамда ёзма равишда синаладиган назорат — текшириш дарслари; бир неча дидактик масалалар баравар ҳал қилинадиган комбинациялашган дарслар.

Дарснинг муайян миқдордаги типларини белгилашнинг турлари, йўллари билан унинг анча жиддий структураси ишлаб чиқилган. Масалан, комбинациялашган дарслар қуйидаги схема бўйича ташкил қилинган: ташкилий жиҳат, ўқувчилар уй вазифасини қандай бажарганини текшириш, ўқувчилардан ўтилган мавзу бўйича сўраш, ўқитувчининг янги материални баён этиши, ўрганилаётган материални мустаҳкамлаш, уйга вазифа бериш.

Ўқитувчиларнинг илғор тажрибасини таҳлил қилиш, дидактлар (И. Т. Огородников, М. И. Махмутов, В. А. Онишчук, Р. А. Мавлонова ва бошқалар)нинг танқиди дарснинг структурасини тушунтириш таълимнинг ҳозирги талабларига жавоб бермайди, деган хулосага олиб келади.

Дарснинг структураси фақат ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дарсдаги ҳамкорлик фаолияти ташкил топишининг ташқи кўринишини акс эттириб қол-

маслиги, балки ўқувчилар билиш фаолияти билан боғлиқ ички жараённинг моҳиятини ҳам ифодалашди лозим.

Камол топтирувчи таълим шароитида «дарснинг структураси» тушунчасини аниқлашда дарснинг структурасини учта: дидактик, мантиқий-психологик ва методик шартлар асосида кўриб чиқиш тавсия этилади.

Бунда доимий компонентлар: олдин ўзлаштирилган билимлар ва ҳаракатлар усуллари фаоллаштириш ҳамда қўллашдан, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат дидактик структура асос бўлади (М. И. Махмутов).

Ҳозирги замон дарсининг энг муҳим хусусиятлари янги ўқув материални ва уни амалда қўллашнинг ўзлаштириш билан бирга илгари ўрганилган нарсаларни ўзлаштириш, синтез қилиш, такрорлаш ва мустаҳкамлаш, назорат қилиш каби элементларининг ўзаро боғланишидир.

Т. А. Ильина дарснинг ўз структурасига барча асосий элементларини олган типини, яъни умумий ёки аралаш дарсни тавсия этади.

Дарснинг биринчи босқичи — ташкилий қисм. Одатда бу қисмга саломлашиш, ўқувчиларнинг, синф хонасидаги жиҳозларнинг дарсга тайёрлигини текшириш, дарсда йўқ ўқувчиларни аниқлаш, ишнинг режасини эълон қилиш киради. Ташкилий қисмнинг мақсади — дарсда иш вазиятини вужудга келтиришдир.

Иккинчи босқич — ёзма уй вазифасини қўйилган мақсаддан қатъи назар турли методлар билан текшириш.

Дарснинг учинчи босқичи — ўқувчиларнинг билимларини оғзаки текшириш (ёки улардан сўраш).

Дарснинг тўртинчи босқичи — ўқитувчининг баён этиши асосида ёки ўқувчиларнинг мустақил таҳлил қилиши орқали янги материални тушунтириш.

Бешинчи босқич — уйга топшириқ бериш. Дарснинг бу қисмига мазкур топшириқнинг моҳиятини, лозим бўлса уни бажариш методикасини ҳам тушунтириш, уни ўқитувчининг ўзи доскага ёзиши, ўқувчиларнинг дафтарга ёки кундаликка кўчириши киради.

Дарснинг олтинчи босқичи — янги материални мустаҳкамлаш, яъни дастлабки ёки йўлакай — мазкур материал баён қилинаётганда амалга ошириладиган мустаҳкамлашдир.

Дарснинг еттинчи босқичи — уни тугаллашдан иборат бўлиб, бу иш ташкилий равишда амалга оширилиши керак. Чунки, дарс фақат ўқитувчининг кўрсатмаси бўйича мустаҳкамланади. Муаллиф дарснинг ана шу еттита элементини назарда тутиб, унинг структурасини қуйидагича ифодалайди:

1. Ташкилий қисм.
2. Ёзма топшириқни (бор бўлса) текшириш.
3. Сўраш — мустаҳкамлаш.
4. Уйга вазифа бериш.
5. Дарсни тугаллаш.

Бундай дарсни билимларни мустаҳкамлаш дарси деб аташ мумкин.

II. Янги мураккаб материални таҳлил қилишда уй вазифаси текширилмайди.

1. Ташкилий қисм.
2. Янги материални тушунтириш.
3. Йўлакай мустаҳкамлаш.
4. Уйга вазифа бериш: дарсни тугаллаш.

III. Муаммоли дарслар:

1. Ўқувчиларни уюштириш.

2. Муаммони ифодалаш, тахминни баён қилиш (натижа қандай бўлиши мумкинлигини айтиш) ва ечимнинг вариантларини билдириш: муаммони амалий ҳал қилишни излаш.

3. Натижаларни муҳокама қилиш.

4. Ўқитувчининг шарҳи ва умумлаштириши.

5. Уйга вазифа бериш.

6. Дарсни тугаллаш.

Умуман айтганда, ҳозирги замон дарси ўзининг анъанавий мақсадлари, мазмуни, ташкилий-методик жиҳатлари, ўқувчилар ишларини фаоллаштириш даражаси, структураси, суръати, таълимнинг техник воситаларига бойлиги билан фарқланади. Ўтган давр тажрибаларига таяниб ва ўқувчиларнинг мустақил билиш фаолиятини ривожлантириш ғояларини назарда тутиб, ҳозирги замон дарсларини муаммолик принципи асосида а) муаммоли ва б) муаммосиз дарсларга таснифлаш мумкин. Бундай дарслар бир-биридан нималари билан фарқланади? Улардаги таълимнинг методлари ва воситаларидаги тафовутларни кўриш мумкинми? Лекин асосий фарқ уларнинг структурасидадир. Бунда муаммоли дарснинг мантиқий-психологик (ички) ва дидактик (ташқи) структураси ҳақида гапириш мумкин.

Ички структура нуқтаи назаридан ўқитувчи ата-йин муаммоли вазиятларни вужудга келтирадиган ва ўқитувчиларнинг ўқув муаммоларининг мустақил ҳолда қўйиш ҳамда уларни ҳал қилишга доир фаолиятини ташкил этадиган ёки муаммони ўзи қўйиб, уларни ўзи ҳал қиладиган, ўқувчиларга изланиш вазиятидаги фикрлаш мантиқини кўрсатадиган дарсларни муаммоли дарслар дейилади.

Муаммосиз дарс ўқитувчи ўқувчиларга ўқув материални баён қилиш ва тушунтиришда муаммо-

ли вазиятларни (гарчи улар тасодифан пайдо бўлса ҳам) вужудга келтирилмаслиги билан муаммоли дарсдан фарқ қилади.

Муаммосиз дарс дидактик жиҳатдан муаммоли дарсдан шу билан фарқланадики, унда ўқув жараёни босқичларга аниқ бўлинади, дарснинг асосий элементлари бўлмайди, ўқитувчи ўқув материални баён қилиши, билимларни мустаҳкамлашга, такрорлашга доир машқларни бажариши дарснинг мустақил босқичларини ташкил қилади. Хусусан ўқитувчининг ахборот тарзидаги баёни ёки ўқувчиларнинг мустақил ишлари репродуктив характер касб этмайди.

Муаммоли дарслар ўрганиладиган мавзунинг ва бошқа омилларнинг мазмунига боғлиқ ҳолда муаммосиз дарслар билан алмашилиши мумкин. Уларнинг бирлашуви таълимнинг фаоллашуви даражасини белгилайди. Агар дарслар тизимида муаммоли дарслар кўп ўрин олса, бундай таълимни муаммоли, камол топтирувчи таълим деб ҳисобланади. У ўқувчиларнинг ақли ва ҳиссиёти юқори даражада ривожланишини таъминлайди. Лекин ҳозир мактабларда ўтилаётган муаммоли дарслар ўтилиш амалиётига хос бўлган ва олтмишинчи йиллар дидактикада ифодаланган мазкур дарслардан бошқачадир.

Дарсларнинг муаммоли ва муаммосиз дарсларга бўлиниши М. И. Махмутов ўз асарларида таъкидлаганидек, таълим жараёнини фаоллаштириш нуқтаи назаридан катта амалий аҳамиятга эга. Бироқ муаммоли ва муаммосиз дарсларнинг ўхшашлиги ҳамда фарқи маълум жиҳатдан назорат дарсларига ҳам дахлдор бўлиб, уларда ҳам муаммолилиқ даражаси ўқувчилар мустақил ишининг характерига боғлиқ.

Дарсликнинг турлари

Дарсларнинг фақат типлари бўйича эмас, балки турлари бўйича ҳам таснифланиши уларни муваффақиятли ташкил этиш учун маълум аҳамиятга моликдир. Педагогик адабиётларда дарсларнинг турлари ҳар хил асослар бўйича ифодаланади. Дарсларни «ўқувчи ва ўқитувчилар фаолиятининг характери бўйича турларга ажратиш амалий мақсадга мувофиқ эмас» — бундай ажратишни таълим методларини амалга ошириш усуллари бўйича ажратиш лозим.

Мазкур ҳолда дарсларни типлари ва турлари бўйича тизимлаштириш мукаммад шаклга эга бўлади: педагогик мақсад ва ўқув материали дарснинг типи, турини, дидактик мақсадларини танлаш заруратини келтириб чиқаради ва булар ўз навбатида таълимнинг методларини, вазифаларининг қўйилишини ҳамда мақсадга эришишнинг омиллари сифатидаги таълимнинг воситалари, масалаларини ечиш усуллари олдидан белгилайди.

Дарсларнинг турлари қуйидагича:

I. а) дарс — лекция, б) дарс — суҳбат, в) кино дарси, г) назарий ёки амалий мустақил (тадқиқот типдаги) ишлар дарси, д) аралаш дарс (битта дарсда дарснинг ҳар хил турлари бирикмаси).

II. а) мустақил (оғзаки ёки ёзма машқлардан иборат репродуктив типдаги) ишлар дарси, б) дарс — лаборатория иши, в) амалий ишлар дарси, г) дарс — экскурсия.

III. а) оғзаки (умумий, якка тартибда, гуруҳий) сўраш, б) ёзма (якка тартибда) сўраш, в) синов, г) синов амалий (лаборатория) иши, д) контроль иш, е) аралаш дарс. Олдинги учта турнинг бирикмаси.

Дарсларнинг типи

Тушунтириш дарси. Маълумки, мактабдаги таълимнинг асосларидан бири онглилик принциpidир. Шунга кўра, кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг дастлабки босқичи назарий масалаларни ўрганишдан иборат бўлиши керак. Бунда ўқитувчининг материални тушунтириши энг муҳим звено ҳисобланади.

Тушунтириш дарсининг структураси, яъни ундаги қисмларнинг ўзаро жойлашуви қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Илгари ўрганилган материалларга доир билимларни эслаш (ўқувчилардан сўраш);
2. Материални тушунтириш;
3. Материалнинг ўзлаштирилганини текшириш;
4. Назарияни қўллаш намунасини кўрсатиш;
5. Уйга вазифа бериш;
6. Дарсни якунлаш.

Ана шу типдаги дарснинг структураси элементларига дарс мавзусини эълон қилиш, унинг мақсадини ифодалаш ва вазифаларнинг қўйилишини ҳам киритиш мумкин.

Билимлар, кўникмалар ва малакаларни мустаҳкамлаш дарслари.

Бу типдаги дарснинг структураси қуйидаги дарснинг асосий элементларини ўз ичига олади:

1. Назария бўйича билимларни эслаш;
2. Мавзу бўйича кўникма ва малакаларни ривожлантириш (машқлар);
3. Дарсни якунлаш;
4. Уйга вазифа бериш.

Бу структура бир қарашда жуда оддий туюлади. Лекин аслида шундай эмас. Дарсдаги мустаҳкамлаш иши самарали бўлиши учун унга ўқувчиларни

тайёрлаш керак. Биринчидан, уларни навбатдаги мустаҳкамлаш дарси ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш лозим. Шунингдек, ўқитувчи яна дарсда нималар билан шуғулланишларини айтиб бериши даркор. Иккинчидан, мустаҳкамлаш дарси арафасида ўқитувчиларга навбатдаги дарс мавзуси бўйича муайян топшириқни тавсия этиш зарур. Қоида бўйича бу топшириққа қуйидагилар кириши лозим: дарс мавзуси бўйича назарий баён қилинган параграфлар, ўзини-ўзи текшириш учун параграфларга саволлар, мавзу бўйича кичикроқ машқлар.

Ўқувчиларни ўтилганларни мустаҳкамлаш дарсига яхши тайёрлаш учун мазкур дарсдан олдинроқ уларга дарсликдаги мисолларни ўзларининг мисоллари билан алмаштириш, кичик-кичик машқларни бажариш, масалалар ечиш каби топшириқлар бериш фойдалидир.

Такрорлаш дарси. Мустаҳкамлаш ва такрорлаш дарслари ўртасида анчагина умумийлик мавжуд. Бу умумийлик, энг аввало, мазкур дарсларнинг вазифалари ва структураларига тааллуқлидир. Шу билан бирга мустаҳкамлаш ва такрорлаш дарслари орасида тафовут ҳам бор. Шунингдек, такрорлаш дарсида материал тўлиқ эмас, балки танлаб кўриб чиқилган, олдинги дарсларда етарлича ўзлаштирилмаган масалалар такрорланади.

Такрорлаш дарси иш методлари билан ҳам мустаҳкамлаш дарсидан фарқланади. Бу методлар дарс мазмунининг ўзидан келиб чиқади. Такрорлаш дарси учун юқорида айтилганидек, мустаҳкамлаш дарсига нисбатан анча кенг материал танланади. Лекин бу материал қисмлари бир-бирига боғланмайди, балки ўқувчилар уларни таққослай оладиган йўсинда жамланади.

Материални умумлаштириш ва кўникма ҳамда малакаларни такомиллаштириш дарслари. Умумлаштириш дарси структурасининг асосий элементлари мана шу типдаги дарснинг мақсади ҳамда вазифаларидан, хусусан ўхшаш фанлар бўйича билимларни такрорлаш, тизимга солиш ва умумлаштириш, ана шулар орқали ўқувчиларнинг кўникма ва малакаларини такомиллаштириш зарурлигидан келиб чиқади. Шунга кўра, умумлаштириш дарсининг элементлари қуйидагилардан иборатдир:

1. Умумлаштирувчи материалга доир билимларни эслаш;
2. Материални умумлаштириш;
3. Назарияни ўзлаштирилганини текшириш;
4. Умумлашган қоидани қўллаш намунасини кўрсатиш;
5. Мавзу бўйича кўникма ва малакаларни такомиллаштириш (машқлар);
6. Дарснинг натижаларини яқунлаш;
7. Уйга вазифа бериш.

Умумлаштириш дарсининг асосий қисми — машқлар. Машқлар учун тил фактлари аралашган мисоллар материал сифатида хизмат қилиши керак.

Билим, кўникма ва малакаларни текшириш дарси (контрол дарс). Контрол иш ўтказиладиган дарснинг структураси мураккаб эмас: ўқитувчи топшириқларни айтиб туради (ёки доскага ёзади), ўқувчилар уларни бажарадилар ва дарс охирида ишлар йиғиб олинади. Контрол ишнинг саволлари ва топшириқлари шундай ифодаланиши керакки, ўқувчиларнинг жавобларидан улар материални шунчаки эслаб қолгани эмас, балки ишнинг моҳиятини тушунгани ҳам кўриниб туриши лозим.

ХII боб. МУАММОЛИ ТАЪЛИМ МУАММОЛИ ТАЪЛИМНИНГ МОҲИЯТИ

Жамият ривожланишининг турли босқичларида таълим жараёнига қўйилган талаблар бир хил бўлган эмас. Чунончи, улар жамият ривожланишининг қонуниятларидан ва унинг энг муҳим вазифаси — ёш авлодни ўқитиш ҳамда тарбиялашдан келиб чиққан. Ҳозирги куннинг вазифаси — ўқув жараёнини ўқувчиларда фақат репродуктив фикрлашни эмас, балки ижодий фикрлашни ҳам шакллантирадиган йўсинда ташкил қилишдир. Психологларнинг таъкидлашича, фикрлаш «доимо муаммо ёки саволдан, ажабланиш ёки тушуна олмасликдан ва зиддиятдан бошланади» (Рубинштейн С. О.).

Ана шуларга кўра, педагогика назарияси ва амалиёти асосини ўқув муаммоси ташкил этадиган таълимга муаммоли ёндошиш тушунчаси фаол кириб кела бошлади. Бу муаммони моҳияти ўқувчига маълум кўникма ва малакалар билан тушуниш ҳамда тушунтириш учун илгариги билимлар камлик қиладиган воқеалар ўртасидаги дидактик зиддиятлардан иборатдир. Бундай зиддият ижодий ўзлаштиришга туртки бўлади (Махмутов М. И.).

Биз таълимдаги муаммолиликни ўқувчиларнинг ўқув муаммосини англаш ва ҳал қилиш борасидаги билиш ҳаракатларини ташкил этиш сифатида тушунамиз. Таълимдаги муаммолиликнинг муҳим хусусияти муаммоли вазиятни вужудга келтириш ҳисобланади. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, муаммоли вазият ҳаётий фактлар ва воқеалар асосида вужудга келтирилади, чунки бу вазият табиий шаклга қанча мос бўлса, ўқувчиларни фаоллаштириш ва муаммони ҳал қилишга жалб этиш имкони-

яти шунча катта бўлади. Таълимдаги муаммолилик анъанавий дидактиканинг принципларини ва қоидаларини инкор қилмайди, балки уларга таянади. Таълимда муаммоли ёндошишни жорий этишдан мақсад ҳозирги таълим жараёнини ўқувчиларнинг ижодий фикрлашини фаол ривожлантирадиган методлар ва усуллар билан тўлдиришдан иборат.

Ўқув жараёнини такомиллаштиришнинг асосий мақсади уни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтаришдир. Ана шу мақсадга кўра ўқитувчининг фаолиятида қандай янгилик намоён бўлиши керак? Энг аввало у материални шунчаки баён қилмаслиги ва ўқувчиларга тайёр хулосалар ҳамда умумлашмаларни айтиб бермаслиги керак. Балки уларнинг фикрини ўрганилаётган объектга жалб этиши шарт. Демак, ўзининг тарбияланувчиларига олган билимларини кузатилган ҳаётий фактлар ва воқеалар билан қиёслашни, шу асосда тўғри хулосалар ва умумлашмалар чиқаришни ўргатиши даркор. Мана шуларнинг ҳаммаси биргаликда таълим жараёнига замонавий тус беради.

КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАР ТАЪЛИМИГА МУАММОЛИ ЁНДОШИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Таълимда муаммоли ёндошиш ўқув дастурларида ҳам, ўқитувчи билимларини баён қилишда ҳам, ўқувчиларнинг мустақил иши ва ҳоказоларда ҳам ўзининг ифодасини топиши лозим. Шу билан бирга ҳар қандай масалани, ўқувчиларнинг ҳар қандай мустақил изланишини муаммоли таълимга киритмаслик кераклигини назарда тутиш керак. У ёки бу муаммо ҳаётий муҳим масалаларни ўрганиш жараёнининг ўзида вужудга келса ва маълум янгилик ҳисоблансагина муаммоли таълим бўлади. Уни

ёритишда турли шарҳларга ва ечиш усулларига йўл қўйилади.

М. Н. Скаткин муаммоли таълимнинг қуйидаги учта асосий турини алоҳида ифодалаган:

1. *Билимларни муаммоли баён қилиш.* Бундай баён қилишда ўқитувчи ўқувчиларга у ёки бу қоидаларни фақат гапириб бермайди, балки оғзаки фикр юритиб, муаммони ҳам айтади ва уни ҳал қилиш жараёнини кўрсатади.

2. *Баённинг айрим босқичларида ўқувчиларни изланишга жалб этиш.* Бунда ўқитувчи муаммони қўяди, ўқув материални тушунтиради, лекин ана шу жараёнда ўқувчиларга улардан изланиш жараёнига қўшилишни ва у ёки бу билиш вазифасини мустақил ҳолда ҳал этишни талаб қиладиган саволларни беради.

3. *Таълимнинг тадқиқий методи.* Ўқувчилар билиш муаммосини англаб, ўзлари изланиш режасини белгилайдилар, тахмин (гипотеза) ни тузадилар, уни текшириш йўлини муҳокама қиладилар, кузатиш ва тажрибалар ўтказадилар, фактларни қайд қиладилар, тажрибаларни ва фактларни таққослайдилар, умумлаштирадилар.

Муаммоли таълимнинг учта турини бирлаштирадиган умумийлик — муаммони ҳал қилиш воситасида ўқитиш бўлиб, уларнинг фарқи ўқувчилар мустақил изланиш фаолиятининг даражасидир. Тадқиқий методда мустақиллик юқорироқ даражага кўтарилади, ўқувчиларнинг билиш фаолияти ўз характери ва босқичи уларнинг тадқиқотчилик ишига яқинлашади.

Муаммоли баён қилиш жараёнида изланишни ўқитувчи олиб боради, ўқувчиларга илмий исботлаш бўйича фикрлаш намунасини кўрсатади, ўқувчилар

фақат унинг мулоҳазасини кузатадилар, муаммони ҳал қилишга қаратилган қизиқишни ўрганадилар.

МУАММОЛИ ТАЪЛИМНИНГ МАҚСАДИ

Муаммоли таълим деганда ўқув материални ўқувчилар онгида илмий изланишга ўхшаш билиш вазифалари ва муаммоларини вужудга келтирадиган йўсинда ўргатиш тушунилади. Ўқувчининг фикрлаш фаолиятида муаммоли вазиятлар вужудга келади ва улар болани объектив равишда изланишга ва мантиқан тўғри илмий хулосалар чиқаришни ўрганишга даъват этади.

Ўрганиладиган материал ўқувчи учун муҳим аҳамият касб этади. У эса вужудга келадиган муаммони ҳал қилиш учун ўрганилаётган қоидаларни тўғри тушунишга тиришади. А. Н. Матюшкин, М. И. Махмутов, И. Я. Лернер, М. Н. Скаткин ва бошқалар фикрлаш ва таълимдаги муаммоли вазиятнинг чуқур психологик характеристикасини ифодалаганлар.

Ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятида муаммоли вазиятларнинг шаклланиши уларнинг шахсида қизиқувчанлик, ўткир зеҳнлилик, мустақиллик, ўқишга қизиқиш ва ижодга интилиш каби фазилатларни тарбиялайди.

Бошланғич таълимда муаммоли вазиятнинг ҳар хил турлари бўлиши мумкин. Бошланғич синфлардаги ўқитувчилар болаларда қизиқиш ва қизиқувчанликни таркиб топтирадиган топишмоқларни, зеҳни ўткирлаштирадиган масалалар ва тегишли жумбоқларни кўп вақтлардан буён қўллайдилар. Бундай ҳолларда муаммоли вазият топишмоқлар мазмунининг ўзида, шунингдек, болаларда саволни ва шу саволга жавоб топиш истагини вужудга

келтирадиган йўсинда тузилган масалаларда бериллади. Бунда бола тўғри жавоб учун ўзидаги билимлар етарли эканини тушунади. У масалани ҳал қила олишни, бунинг учун нима ҳақида гап бораётганини тасаввур этиш ва фикрлашнинг тўғри йўналишини топиш кераклигини ҳис қилади. Зеҳн ва топқирликни ўстирадиган топишмоқлар ҳамда масалалар болаларни мантиқан тўғри фикрлашга, ўзлари учун тушунарли фактли материал юзасидан фикр юритишнинг қизиқарли тизимини топишга ўргатади.

Ўқитишнинг ҳар қандай методи боланинг онгида муаммоли вазиятларни шакллантириш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шундай ҳоллардагина педагогика ва муаммоли таълим ҳақида гап боради.

Аслида ҳар қандай таълим ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам ва жамият учун ҳам муаммодир.

Муаммо — илмий билишни ривожлантириш зарурлигини ифодалашнинг субъектив шаклидир. У муаммоли вазиятнинг, яъни жамият ривожланиши жараёнида билиш ва билмаслик ўртасида объектив равишда вужудга келадиган зиддият.

Илмий муаммо шахсдан билимларнинг мазкур соҳасидаги номаълум нарсаларни ёритишни талаб қилади. Шунингдек, ўзининг ҳал қилиниши учун фанда маълум бўлмаган анчагина янги билимларнинг ўзлаштирилишини тақозо этади. Амалий муаммони ҳал қилиш учун амалда куч сарфланиши, олдинги билимлар, кўникмалар ва малакалар янгитдан ташкил этилиши зарур. Ўқув муаммосида объектив янгилик бўлмайди. Ўқитувчи ўқувчилар олдига ҳар қандай ўқув муаммосини эмас, балки фақат улар тушуна оладиган ва субъектив муаммо сифатида қабул қилиши мумкин бўлган муаммоларни қўйиши керак.

Муаммоли вазият — ўқувчининг маълум психик ҳолатидир. Бундай ҳолат маълум топшириқни бажариш (масала ечиш, саволга жавоб топиш) жараёнида зиддиятни англаш туфайли вужудга келади. Ана шу зиддиятни англаш ўқувчиларда предмет тўғрисидаги, ишни бажаришнинг усули ёки шартлари тўғрисидаги янги билимларни излаш эҳтиёжини уйғотади.

МУАММОЛИ ВАЗИЯТЛАРНИ ЯРАТИШ ВА ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ

Муаммоли вазият муаммодан фарқли равишда унга ўқувчини (билувчи субъектни) жалб этишдан иборатдир. А. М. Матюшкин ёзганидек: «Муаммоли савол ўзлаштирилган билимлар асосида ёритиш мумкин бўлган маълум қонуниятлар ёки ҳаракат усуллари белгилаш соҳасидир».

А. М. Матюшкин муаммоли вазиятларнинг ўқувчилар ақлий фаолияти хусусиятларидан келиб чиқадиган иккита асосий типини яратиш мумкинлигини ифодалайди. У битта муаммони ўқувчилар олдига назарий муаммо сифатида ҳам, амалий муаммо сифатида ҳам қўйиш мумкин, деб ҳисоблайди. Биринчи ҳолда уни қўйиш ўқувчилар биладиган баъзи умумий қоидаларга асосланади ва уларни ёритиш, янги фактларни тушунтириш, асослаш мақсади кўзланади.

Муаммоли таълим жараёнида учрайдиган вазиятларнинг иккинчи типиде ўқувчилар ўзларига маълум ишни бажариш учун бартараф этишлари зарур бўладиган баъзи «ақлий» тўсиқларга дуч келадилар. Ишни бажариш шароитларига (мазкур вазиятга) мувофиқ янги усулини топиш зарурати туғилади.

Т. В. Кудрявцев билиш ва билмаслик ўртасида келиб чиқадиган ҳамда муаммоли вазиятларнинг шароитини ташкил этадиган ҳар хил зиддиятлар асосида вазиятларнинг қуйидаги типларини ажратган:

1. Ўқувчилардаги мавжуд билимлар тизимлари билан янги таълимий масалани ҳал қилишда уларга қўйиладиган талабларнинг номувофиқлиги аён бўлгандаги вазият; Унинг фикрича, бундай номувофиқлик, биринчидан, ўқувчилар ўзлаштирган билимлар билан масалани ечишда дуч келинадиган янги фактлар ўртасида; иккинчидан, характери бир хил, лекин савияси пастроқ ёки баландроқ билимлар ўртасида; учинчидан, илмий билимлар билан ҳаётий билимлар ўртасида вужудга келади;

2. Муаммоли вазиятларни яратиш имконияти ўқувчиларни билимларининг мавжуд хилма-хил тизимлари орасидан масалани тўғри ечишда ёрдам берадиган ягона зарур тизимини танлаш ҳолатига қўйиш билан таъминлашда вужудга келадиган вазият;

3. Ўқувчилар ўзларининг билимларидан фойдаланишнинг янги амалий шароитига дуч келганларида ва уларнинг назарий билимлари билан ана шу билимларни амалда қўллай олмаслиги ўртасидаги зиддият аниқ бўлганида вужудга келадиган вазият;

4. Масалани назарий ечишнинг мавжуд йўли билан танланган усулни амалда бажариб бўлмаслиги ўртасида, шунингдек, масалани ечишда эришилган амалий натижалар билан унинг назарий исботи йўқлиги ўртасида зиддият мавжуд ҳолларда вужудга келадиган вазият;

5. Муайян қурилма тасвирининг ташқи кўриниши билан конструктив безалиши ўртасида бевосита мувофиқлик йўқлиги фазовий тасаввурни шакл-

лантиришда қатор вазиятларни вужудга келтириш имкониятини таъминлайди;

6. «Статистик» йўсиндаги анчагина схематик тасвирлар уларни ўқиш жараёнида «динамик» фазовий образлар билан ишлашни талаб қилиш ҳам қатор муаммоли вазиятларни (шунингдек, фазовий муносабатлар ва боғланишлар соҳасида ҳам) вужудга келтиради. Бизнингча, М. И. Махмутов муаммоли вазиятларнинг типларини жуда изчил баён қилган.

Биринчи тип. Муаммоли вазиятлар кўпинча ўқувчилар илгари ўзлаштирган билимларидан янги амалий шароитда фойдаланишга мажбур бўлганида вужудга келади.

Бунда М. И. Махмутов ана шундай шароитлар фақат ўқувчилар ўз билимларини амалда қўллай олиши учун эмас, балки амалий масалаларни ҳал қилишда мавжуд билим, кўникма ва малакалардан фойдаланишга уринишда ўзлари билмайдиган фактларга дуч келиши учун ҳам ташкил этилишини тўғри таъкидлайди. Мана шу фактни англаш ўқувчиларда билишга қизиқиш уйғотади ва уларни янги билимларни излашга рағбатлантиради.

Иккинчи тип. Масалани мавжуд йўллар билан назарий ҳал қилиш ва танланган усулни амалга ошириб бўлмаслиги ўртасида зиддиятлар борлигида муаммоли вазият вужудга келади.

Учинчи тип. Таълимий масалани ҳал қилиш бўйича амалда эришилган натижа билан ўқувчида уни назарий асослаш учун билимлар йўқлиги ўртасида зиддият мавжуд ҳолда муаммоли вазият вужудга келади.

Тўртинчи тип. Ўқувчилар қўйилган масалани ечиш йўлини билмайдиган, муаммоли саволга жа-

воб бера олмайдиган, улар янги фактни изоҳлаш учун илгари ўзлаштирган билимлари ётарли эмаслигини англаган ҳолда муаммоли вазият вужудга келади.

М. И. Махмутов ҳақли равишда қайд қилганидек, вазиятнинг бу типини энг кўп тарқалган тип деб ҳисоблаш мумкин.

Дидактика ва психологияга доир адабиётларда муаммоли вазиятларнинг типларини таснифлаш асосида уларни яратишнинг энг муҳим йўллари ва усуллари ишлаб чиқилган. М. И. Махмутов ўқитувчиларнинг илғор тажрибаларини умумлаштириш орқали муаммоли вазиятларнинг типларини таърифлаш билан бирга уларни яратишнинг қуйидаги асосий усулларини ҳам ифодалади:

1. Ўқувчиларнинг назарий тушунтиришни талаб қиладиган ҳодисаларга, фактларга, шунингдек, ҳодисалар ўртасидаги ташқи номувофикликларга дуч келиши уларни ана шу номувофикликларни тушунтиришга интилишга ундайди ва бу интилиш билимларни фаол ўзлаштиришга олиб боради.

2. Ўқувчилар мактабда, уйда ёки ишлаб чиқаришда амалий топшириқларни бажараётганида ва ҳоказоларда вужудга келадиган таълимий ва ҳаётий вазиятлардан фойдаланиш. Бундай ҳолда муаммоли вазиятлар ўқувчининг ўз олдига қўйилган амалий мақсадга мустақил равишда эришиш учун ҳаракат қилишда муаммони ўзлари вужудга келтирадилар.

3. Ҳодисани тушунтириш ёки уни амалда қўлланилиш йўлларини излашга доир таълимий-муаммоли топшириқларни қўйиш.

4. Ўқувчиларни ҳаётий тасаввурлар билан илмий тушунчалар ўртасидаги зиддиятларга дуч келтирадиган фактлар ва ҳодисаларни таҳлил қилишга қизиқтириш.

5. Тахминларни олға суриш, хулосаларни баён қилиш ва уларни тажрибаларда текшириш.

6. Ўқувчиларни фактлар, ҳаракатлар ва ҳодисаларни таққослашга, ҳамда қарама-қарши қўйишга даъват этиш.

7. Ўқувчиларни янги фактларни дастлабки умумлаштиришга рағбатлантириш: ўқувчилар ўзлари учун янги материал мазмунидаги айрим фактларни, ҳодисаларни кўриб чиқадиладар, уларни маълум фактлар, ҳодисалар билан таққослайдилар. Бунда одатда муаммоли вазият вужудга келади, чунки таққослашда янги фактларнинг қандайдир алоҳида, тушунтириб бўлмайдиган белгилари ва хусусиятлари аниқланади.

8. Ўқувчиларни гўё тушунтириб бўлмайдиган характердаги ва фан тарихида илмий муаммо қўйилишига олиб келган фактлар билан таништириш. Одатда бундай фактлар ва ҳодисалар ўқувчиларда таркиб топган тушунчалар ҳамда тасаввурларга зид бўлади. Табиийки, бунинг сабаби ўқувчилардаги мавжуд билимларнинг тўлиқ ва етарли эмаслигидир.

9. Предметлараро алоқаларни ташкил этиш. Кўпинча ўқув материали муаммоли вазиятни (ма-лакалар ҳосил қилишда, ўтилганларни такрорлаш ва ҳоказоларда) вужудга келтиришни таъминлайди. Бундай ҳолда бошқа ўқув предметларидаги ўрганилаётган материалга боғлиқ фактлар ва маълумотлардан фойдаланиш лозим.

ДИДАКТИК МАСАЛА

Савол — тугалланмаган гап ва унда сўроқ ёки ифода билан алмашинган қандайдир бўлак мавжуд бўлмайди. Агар савол ўқувчини мазкур ҳолни, мисолни, фактни, ҳодисани ёки жараённи тушу-

нишга йўналтирилса, у муаммоли — дидактик савол бўлади.

Муаммоли — дидактик савол ақлий фаолликка, уни ўргатишга раҳбарликнинг энг муҳим воситаларидан биридир.

Бундай саволнинг жавоби камчиликларни тўлдиради, номаълумни аниқлайди, ўхшашлик ва фарқни топади, хусусий фикрни ифодалайди, шунингдек, схема ёки символ билан тушунилган нарсаларнинг маъносини англатади. Савол жавоб қайтарувчига тил жиҳатдан ёрдам беради. Чунки жавоб учун зарур сўзларнинг кўпи ўқитувчининг саволида берилади.

Дидактик саволлар ўқувчиларга маълум билиш ҳаракатларини бажаришни таклиф қилади ва табиий билиш вазиятини яратади. Ўқитувчи ўқувчинини янги фактларга, воқеа, ҳодиса ёки жараёнларга рўбарў қилади. У бунда нимани аниқлаш кераклигини олдиндан билади. Шунингдек, педагог сифатида ўзи назарда тутган маълумотни қандай йўллар билан мустақил ҳолда билиб олишини ҳис этади. Шу боис ўқитувчи синфда тайёр натижани эълон қилмайди, балки ўқувчиларни мустақил билиш йўлидан ўзларига маълум ва изланаётган натижага олиб борадиган ҳаракат ва билимларни қўллаш йўлига йўналтиради.

Ўқувчилар янги шароитда, ўзлари дуч келган янги ҳодисалар, нарсалар, жараёнларда ишни нимадан бошлашни билмайдилар. Шунга кўра ўқитувчининг саволлари мушкулни осон қиладиган, ўқувчиларга янги шароитга ўрганишда, тўғри билиш ҳаракатларини топишда ёрдам берадиган нарсадир. «Бу нима?» деган саволга жавоб бериш учун кўпинча амалда ва фикран нимадир қилиш керак. «Узунлиги қанча ва нима учун?» сингари саволлар жа-

воб топиш мақсадида маълум ишларни бажаришга даъват этади. Саволлар қандайдир нуқтаи назарни ифодалайди. «Қанча?» деган савол нарсага миқдор нуқтаи назаридан қарашни билдиради. «Нима учун?» деган савол билан эса сабабий боғланишлар аниқланади. «Қаерда?» деган савол воситасида нарсанинг ҳолати текширилади.

Хулоса қилиб айтганда, дидактик саволлар — нуқтаи назар ва билиш ҳаракатларини бажаришга рағбатлантириш йўли ҳисобланади.

Саволлар сўроқ гаплардан бошқача йўсинда ҳам берилиши мумкин. Улар талаб ёки фармойишни ўз ичига олган тасдиқлаш шаклида ҳам ифодаланади. Масалан, «Гапда нечта сўз бор?» деган савол ўрнига «Гапдаги сўзларни сананг» ҳам дейилади.

Нутқни ўстириш учун носўроқ шакл қулайроқдир, чунки у ўқувчиларнинг жавобларини сўзлар ва ифодалар тўпламига боғламайди. Масалан: гапдаги сўзларни санаш таклиф қилинса, ўқувчиларнинг жавобларини ифодалаш йўсини бўйича ҳар хил бўлиши мумкин «Ҳаммаси еттита сўз», «Мен еттита сўзни санадим», «Ҳаммаси еттита», «Еттита» ва ҳоказо.

Ахборотнинг катталиги бўйича саволлар тор ва кенг, мазмунининг характери бўйича назарий ва амалий саволларга бўлинади. Тор саволлар жараёнида мақсадга қисқа йўлдан борилади. Бундай саволлар асосан ўқувчиларнинг хотирасига қаратилиб, зоҳиран гўё ўқувчиларни мушоҳада юритиш имкониятидан маҳрум қилади, лекин ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди. Тор саволлар фақат эслаш ёки билишни талаб қилмаса, ўқувчиларнинг фикрини кўзгатади. Аммо эслашсиз ва билишсиз фикрлаш мумкин эмас.

Тор саволларда ўқувчига битта факт ёки мисол устида битта, жуда бўлмаса, иккита ўхшаш билиш ҳаракатини бажариш тавсия этилади. Айтилик, берилган гапдаги эганинг тагига чизиш ёки кесимни кўрсатиш иши бажарилади. Бундай ҳолда ўқувчи тайёр натижани айтади. Ва унинг ана шу натижани излаш мантиқи ноаниқ қолади: ўқувчи қандайдир амалий ишни қайд қилади ёки кўрсатади, айтади ёки бажаради. Хўш нима учун гапнинг худди ана шу бўлаги эга ҳисобланади?

Сабаб натижа боғланишларини аниқлаш, таққослаш, қоидаларни янги шароитда қўллаш, умумлаштириш, қоидаларни киритиш ва ҳоказолар одатда анчагина фикрлаш операцияларини ёки билиш ҳаракатларини бажаришни талаб қилади. Бу эса қарама-қаршиликлар, танлаш, асослаш, тушунтириш ва баҳолаш натижаларида ўқувчининг мушоҳада қилишга имкон берадиган кенг саволлар соҳасидадир. Тор савол кўпроқ тайёр натижани талаб қилса, кенг савол ўқувчини натижани асослашга ундайди.

Кенг саволларни фақат маълум шароитларда қўллаш мумкин. Кўпинча, тор саволлар кенг саволлар учун замин тайёрлайди. Ўқувчида мантиқий мустақил фикрлаш ривожланишини назарда тутиб ҳар бир ўқув йили сайин кенг саволлар салмоғини ошириб бориш лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар қандай кенг савол ҳам фикрлаш фаоллигини оширавермайди. Тайёр ёки ёд бўлиб қолган жавоб қайтариладиган ҳар қандай савол ўқувчининг ақлий фаоллигини оширишга ёрдам беради. Савол ёдланганларни такрорлашдан кўра кўпроқ нарсаларни талаб қилса, кичик жузъий тадқиқот учун озгина муаммони ўз

ичига олган бўлса ва бу тадқиқот ўқитувчининг эҳтиёткорона раҳбарлиги билан имкониятга кўра, мустақил ҳолда олиб борилсагина фикрлашни фаоллаштиради.

Саволлар ҳар хил таълимий мақсадларда қўлланади. Улар ўқитувчи гапираётган ёки дарсликда ёзилган маълумотлар қанчалик муваффақиятли идрок этилаётганини аниқлаш зарур ҳолларда энг қулай омил ҳисобланади, фақат ўқув жараёнини бошқаришда эмас, балки ўрганилаётган мавзуни ўзлаштириш жараёнини фаоллаштиришда ҳам қўл келади.

Берилган саволларга ўқувчиларнинг жавоблари дарснинг ўқувчиларда тушунилмаган қисмларини аниқлашда ёрдам беради. Ўқувчиларга ишнинг тартибини ўзлари белгилашлари, ўқитувчининг озгина ёрдами билан идрок этишнинг қийинчилигини бартараф қилишлари учун вақт берилади. Бундай ёрдам ўқувчиларни ўрганилаётган материални тўғри тушунишга йўналтирадиган алоҳида савол тарзида берилмайди. Ўқувчиларнинг ўзлари ҳодисани тушунтира оладиган, боғланиш, сабаб ва натижаларни топа биладиган ҳолларда ўқитувчи ўзининг тушунтиришлари билан ёрдамга шошилмайди.

Шундай қилиб, саволлар ўзлаштиришнинг муваффақиятлилигини аниқлаш имконини яратишдан ташқари, ҳодисалар ўртасидаги боғланиш ва муносабатларни аниқлашда ҳамда қонуниятлар мантиқини тушунтиришда ёрдам беради. Улардан ўқитиш жараёнининг ҳамма звеноларида фойдаланиш мумкин. Саволларни ўқитувчи янги материални баён этишда қўллаши мураккаб жараёндир. Ўқитувчи янги материални баён этишнинг жуда нозик жойида тўхташи ва ўқувчиларга ҳодисалар-

нинг кейинги ривожига ҳақида ўз фикрларини айтишни тавсия этиши мумкин. Ўқувчилар мазкур ҳодисаларнинг бошланиши тўғрисидаги ўзлари билган маълумотлар асосида ишнинг кейинги боришини олдиндан билишга ҳаракат қиладилар. Бу усул дарслардаги ўқув ишларини жонлантиради, фаоллаштиради. Масалан, инсоннинг ишлари, қарори, хатти-ҳаракатлари тўғрисида гап бораётганида ўқувчиларга ўз муносабатларини белгилаш тавсия этилади. Ўқувчилар ана шундай саволларга ўзлари тушунганича жавоб қайтарадилар. Ўқитувчининг вазифаси синф ўқувчиларини тўғри тушунишларига ёрдам беришдир. Одатда умумий қоидалар ёки фикр-мулоҳазалар мисоллар воситасида тушунтирилади.

Маълумки, ўқитиш билимларни ўзлаштириш ва билиш йўллари тушунишни ўз ичига олади. Таълим — ўқишга раҳбарлик қилиш ва ўқувчининг билиш ишларини бошқаришдир. Ўқувчиларнинг фикрлаш фаоллигини ошириш учун асосий савол (топшириқ, муаммо) навбатдаги дарснинг мазмунини ёритишдан олдин қўйилади. Мавзунинг аҳамияти англангач дарснинг бутун мазмунини тушуниш осонлашади ва мустақил ишлар ҳам қийинчиликсиз амалга оширилади. Дарснинг бошланишида бериладиган мақсадга мувофиқ саволлар ўқувчилар онгида ҳал қилинадиган муаммога доир тасаввурни вужудга келтиради.

Мақсадга мувофиқ савол — навбатдаги мавзуга бевосита дахлдор савол бўлиб, у бошқа соҳилга ўтиш учун кўприкча сифатида хизмат қиладди. Бундай саволлардан кўзланган мақсад янги мазмунни идрок этиш учун диққатни тўплаш ва мавжуд тасаввурларни жамлашдир. Ана шу янги мазмун бу-

тун дарснинг асосий муаммосини ўз ичига оладиган йўсинда баён қилиниши, уни ҳал этишда ўқувчиларнинг ўзлари қатнашиши лозим. Бундай раҳбарлик дидактик саволлар билан бирга кўрсатмали воситалар ва ҳаракатлар ёрдамида амалга оширилади. Ўқувчиларга ўз ҳаётий тажрибасидан маълум ҳолатлардан фойдаланиш булар мураккаб материални тушуниш учун ёрдам берадиган пайтларда мақсадга мувофиқдир. Лекин кўпинча бу ишни кўрсатмали воситалар ёрдамида ташкил этишга тўғри келади. Шундай ҳолларда ўқувчилар ўрганиладиган нарсанинг вужудга келиши жараёнини кузатишлари мумкин. Кўпинча болаларни ўрганиладиган таълимий ишга қизиқтириш учун уларга атайин қандайдир ҳайратланарли ҳодисалар айтилади.

Ўқувчини ажаблантириш, ҳаётий тушунчасига номувофиқ нарсаларни айтиш ва кўрсатиш орқали унинг ўзида савол туғдиришда кескин, ғайриоддий таққослаш ва қиёслашдан фойдаланиш усули доимо ўзини оқлайди. Ўқувчининг айтган ёки айтмаган саволи идрокни ўткирлаштиради ва диққатни кучайтиради.

Илгариги тасаввурларнинг қайта тикланишига, янги тасаввурлар ҳосил бўлишига, одатдаги тушунчаларнинг илмий тушунчалар билан тўқнашувига олиб борадиган дидактик саволлар, бир сўз билан айтганда, «жонсиз» ўқув материални жонли ҳаракатга, манзарага, тасаввурга айлантиришда ёрдам берадиган барча саволлар таълимнинг савол-жавоб методини яққол ифодалайди.

Таълимнинг савол-жавоб ёки диалогик методи олдинги материалнинг ўзлаштирилиши даражаси ҳамда характерини ва янги материалнинг ўзлаш-

тирилиши сифатини аниқлашда ёрдам беришдан ташқари, ўқувчининг мустақил фикрлашини ривожлантириш учун ғоят кенг имкониятларга эга. Мустақиллик кўпроқ ўрин олиши учун саволларни ўқитувчининг ўқувчини жавоб ёки ечимни мустақил ўйлашга даъват этадиган луқмаси даражасига ча қисқартирилади. Луқмалар хусусан ечим ёки жавоблар етарлича ўйланмаган ҳолларда қўлланилади. Масалан, ўқувчи ноаниқ фикрни айтади. Ўқитувчининг хатосини тузатиш ўрнига кўп маънони билдирадиган «Шунақами?» ёки «Наҳотки?» ибораларини қўллайди. Ана шу йўл билан ўқувчига яна бир марта ўйлаб тўғри жавобни топиш учун туртки беради. Бунда ўқувчи йўл қўйган хатосини ўзи бартараф этиши керак. Диалогнинг иккинчи варианты ҳам ўқитувчининг ўқувчини фикрлашга йўналтирадиган ёки даъват этадиган кенг саволини ўз ичига олади. Бундай ҳолларда кенг савол «Кўриб чиқ...», «Таққосла...», «Бугун нимани ўрганишимизни такрорла», «Ўқувчи А. нинг жавобини баҳола» ва ҳоказолар қабалидаги талаблар билан алмашинади. Шундай пайтларда ўқувчи кўриб чиқиш, таққослаш, умумлаштириш натижаларини таърифлаш ва ифодалашда мустақилликка интилади. Мазкур талаблар гуруҳига илгари ва энди ўрганилган нарсаларни эслатиш ҳам киради.

Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундашнинг ана шу барча усулларида яширин савол маълум луқма бўлади ва у шунчалик қисқа ифодаланадики, уни оғзаки айтишда ўрганилган ёки тайёр жавобларни келтириб чиқара олмайди.

Юқорида айтилгандек, дидактик савол одатда ўзининг тўлиқ ифодаланишида жавобнинг кўп элементларини ва ҳатто, оғзаки талқин ёки сўзлар гу-

руҳини ўз ичига олади. Бу эса ўқувчини ақлий зўриқишдан қутқаради ва ўқишнинг таълимий ҳамда камол топтириш савиясини пасайтиради.

Талаблар, эслатиш, рағбатлантириш ва луқмалар кўринишидаги «яширин» саволлардан фойдаланишнинг афзаллиги ўқувчини мустақил фикрлашга, бир қарорга келишга ва ўзининг жавоблари учун зарур сўзларни топишга мажбур қилишдир. Ақл ва нутқнинг ривожланиши саволлар кенгайтирилган ҳолда ёки тўла ифодаланиб қўйилган пайтлардагига нисбатан қулайроқ шароитларда яхшироқ амалга ошади. Агар ўқувчиларнинг ўзлари жавоб топа олмасалар, ўқитувчи уларга ёрдам беради, саволни кенг ҳолда, яъни дидактик саволни тўла ифодалаб такрорлайди.

Савол — ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги диалогнинг пружинасидир. Диалог эса улар ўртасидаги маънавий мулоқотнинг шакли ҳисобланади. Тўғри жавобни ёки ечимни топиш, ҳодиса ёки манзаранинг умумий маъносини англаш тушунишдан далолат беради. У идрок этиш пайтида ёки идрок этишдан кейин ўрганилган мавзунинг моҳиятига доир масалаларни муҳокама қилиш муносабати билан намоён бўлади. Ҳар қандай ҳолда ҳам тушуниш шахснинг ўзи куч сарфлаши натижасида вужудга келади. Ўқитувчининг саволи фақат тўғри жавобни топишга ёрдам беради ва бу ишни тезлаштиради, аммо ўқувчининг ўз ақлини ишлатишни баргараф эта олмайди.

Ўрганилаётган мавзуга доир дидактик саволлар тизими ўқувчи қанчалик ақлий зўриқишини тақозо этади. Ўқувчининг бундай зўриқиши қанчалик кам ва мустақиллиги қанчалик кўп бўлса, унинг ақлий камолат йўлидан бориши шунчалик самара-

ли бўлади. Ана шу йўлда унинг ақли ва янги таас- суротларни англаш, янги маълумотларни қайта иш- лаш қобилияти таркиб топади.

Лекин ўқув жараёни ҳеч қачон фақат тушуниш билан чекланмаган ва чекланмайди. Ўрганилган масала пухта эслаб қолинмаса, ўқитиш бекор ке- тади. Шунинг учун ҳар бир мавзуга доир дидактик саволлар тизимида ўрганилган билимларни мустаҳ- камлашга ва улардан фойдаланиш йўллари ҳамда усулларини яратишга хизмат қиладиган хилма-хил саволлар муҳим ўрин олади. Эслаб қолишнинг пухта- лиги фақат тушунишнинг чуқурлигига эмас, балки ўқувчининг ўрганилган билимларни мустаҳкамлаш- га доир топшириқлар ва саволларни ўзлаштириш учун тайёрлигига ҳам боғлиқдир.

Билимлар, кўникмалар ва малакаларни мустаҳ- камлашга эришиш мақсадида ўрганилганларни қўллашга доир саволлар изланиш ва тадқиқот эле- ментларини ўз ичига олади. Шу тариқа ўқувчининг мустақил билиш учун онгли равишда интилишига эришиш мумкин. Бунда у ўзлаштирган билимлари- ни синаб кўради. Ўзи хусусан нимани билмаслиги- ни тушунадиган кишигина излаши ва тадқиқ қили- ши мумкин. Фақат мавжуд билимлар янги масалани, янги саволни ва янги топшириқ ёки муаммони ву- жудга келтиради.

Ўзининг дарсини изланиш ва тадқиқ этиш эле- ментларига эга бўлган муаммодан бошлашни хоҳ- лаган ўқитувчи ана шу муаммонинг билимларга маълум даражада боғлиқлигини кўриши керак. Би- лимларнинг ўзаро боғлиқлигидагина қандайдир муаммони топиш мумкин. Ана шу боғланишнинг узилган жойини танлаш ўқитилаётган предметнинг таълимий мақсадларига ва дарснинг муайян ўқув

топшириғига боғлиқдир. Мазкур узилиш ўқувчилардаги мавжуд билимлар ва ҳаётий тажрибани фаоллаштириш асосида уларнинг тафаккурини кучайтириш учун амалга оширилади.

Фактлар мантиқий занжирининг, ҳодисалар ёки жараёнларнинг узилишини, етишмовчиликни, хулоса чиқариш соҳасида эса муҳим муаммони вужудга келтиради. Кўп ҳолларда етишмовчиликни билиш ва муаммо ўз маъносига кўра савол ёки масалани келтириб чиқаради.

Ҳодисалар хронологик занжирнинг узилиши ҳам етишмовчиликни вужудга келтиради. Лекин бундай етишмовчилик бевосита муаммога олиб бормади, балки эса бор нарсалар билан тўлдирилади. Бунда тахмин ёки жавоб эътиборга олинмайди, чунки етишмовчилик фақат ўрганилган ва эса сақланаётган нарсалар билан тўлдирилади. Ҳар бир предметда номлар, саналар, исмлар ва терминларнинг тўпламлари бўлади. Уларни эслаб қолиш керак.

Етишмовчилик ва муаммо қандайдир йўсинда синфдаги ўқувчиларни зарур билимларни излашга ундайди. Бу ундаш объектив равишда эслаш, ўйлаш, кўз олдига келтиришни, ҳатто, адабий ёки тажриба манбаларидан, хусусан етишмовчиликни тўлдираладиган ва муаммони ҳал қилишга олиб борадиган нарсаларни топишни таклиф этишдир. Объективликни мазкур етишмовчиликни ўз ичига олган ўқув материалининг ўзи тақозо этади. Бу эса ўқувчиларни ўқитувчи айтган ёки дарсликда берилган ва фақат ўрганилган билимларга дахлдор тайёр натижалар устида ўйлашга мажбур этишдан кўп марта яхшидир. Лекин баъзан тайёр натижалар ҳақиқатан зарур бўлади ва ўқитишда бундай ҳоллар муаммоли таълимнинг тарафдорлари исталганидан анча кўп учрайди.

Етишмовчилик ва муаммолар энг аввало ўқувчиларга пухта билимлар асосида билиш усуллари-ни ўзлаштиришда ёрдам бериш учун яратилади. Шу билан бирга изланиш ва тадқиқот жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши фаоллашади ва билиш жараёни кучаяди. Бунга қандай қилиб эришилади? Аввал синфга қандайдир маълум нарса ай-тилади. Уни суҳбат ёки якка тартибда сўраш вақти-да аниқланади. Янги мавзуга ўхшаш материал фаол ва мақсадга мувофиқ йўсинда такрорланади. Мус-тақил ҳал қилинадиган муаммони вужудга келтирувчи вазиятга яқин муаммоли вазиятлар яратилади. Ана шундай шароитларда ўқувчилар муаммонинг қўйи-лишини ўзларининг фикрлашлари сифатида идрок этадилар. Улар ана шу муаммога мазкур вазиятларда ифодаланган илгариги билимлар дарвозаси орқали кирадилар.

Шундай қилиб, муаммони синфга ҳеч қандай тайёргарликсиз тўғридан-тўғри қўйилмайди. Уни бутун дарсдаги бош масала сифатида баён қилина-ди. Материалнинг хусусий масалаларини ўқувчилар-нинг ўзлари ҳал қила олсаларгина уларнинг муам-мони ҳал қилишдаги иштирокининг салмоғи ортади.

МУАММОЛИ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Йигирманчи йиллардаёқ методистлар ўқитиш-нинг янги методларини излашди. Улар ўқувчилар фаннинг турли соҳаларидан иложи борича кенг-роқ маълумотларни ўзлаштириши билан бирга улар-да мустақиллик, ҳаётга ижодий муносабат малака-ларини таркиб топтириш керак, деган хулосага келдилар. Ана шу мақсадда ўқитишни ўқувчилар-нинг у ёки бу шаклдаги таълимий фаолияти тад-

қиқотни эслатадиган, ўқувчилар учун «кашфиётлар» билан тугайдиган, яъни улар мустақил ҳолда хулоса чиқарадиган ва қандайдир амалий вазифани ҳал қиладиган методларга асосланиши таклиф этилади.

Жуда кўп дидактлар, ўқитувчилар ва методистлар (Бабанский, Лернер, Матюшкин, Махмутов, Пишкало, Оконь, Флеминч, Марков, Сани ва бошқалар) муаммоли таълим масалалари бўйича тадқиқот ишларини амалга оширдилар. Муаммоли таълим методлари орасида қуйидаги бештаси асосий методлар сифатида фарқланади.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДИ

Бу метод, биринчидан, билимларни ижодий қўлланишини таъминлашга, иккинчидан, илмий билиш методларини излаш жараёнида мазкур методларни ва уларнинг қўлланишини ўзлаштиришга қаратилади. Учинчидан, ижодкорлик фаолияти хислатларини шакллантиради, тўртинчидан, ана шундай фаолиятга қизиқиш ҳамда эҳтиёжни таркиб топтиришнинг шarti ҳисобланади.

Ана шу хусусиятларини назарда тутиб методни ўқувчиларнинг ўзлари учун янги муаммони ҳал қилиш бўйича ижодкорлик фаолиятини ташкил этиш йўли сифатида таърифлаш керак. Ўқувчилар ўзлари учун янги саналган муаммоларни ҳал қилдилар. Тадқиқот методида топшириқларнинг шакли ҳар хил, масалан, синфда ва уйда тез бажариладиган топшириқлар, дарс жараёнини тақозо этадиган ишлар, маълум, лекин чекланган муддатга мўлжалланган уй вазифаларидан иборат бўлиши мумкин. Чунончи жамоа хўжалигининг, заводнинг, мазкур аҳоли пунктидаги ташкилотнинг тарихини

ўрганишга доир топшириқлар ғоят фойдали ва самарали тадбирлардир. Аммо улар чинакам тадқиқотчилик характериға эға бўлиши учун материал излашни ўқувчиларни ўзлари режалаштириши, уни ўзлари шарҳлаши ва маълум мантиқий изчилликда баён қилиши керак. Тадқиқот методининг босқичлари:

1. Фактлар ва ҳодисаларни кузатиш ҳамда ўрганиш.

2. Тадқиқотга доир тушунарсиғ ҳодисаларни ойдинлаштириш.

3. Гипотезани олға суриш.

4. Тадқиқотнинг режасини тузиш.

5. Режани амалға ошириш.

6. Ечимни тузиш.

7. Ечимни текшириш.

8. Амалий хулосалар.

Тадқиқот методида ҳам оғзаки ва мутбуот сўзлари, кўрсатмали воситалар, амалий ишлар, ёзма ва график ишлар, лаборатория иши ва ҳоказолардан фойдаланилади.

ҚИСМАН ИЗЛАНИШ ЁКИ ЭВРИСТИКА МЕТОДИ

Ўқувчиларни аста-секин муаммоларни мустақил ҳал қилишға яқинлаштириш учун уларға аввало ечимнинг айрим содда қисмлари тадқиқотнинг айрим босқичларини бажаришни ўргатиш, уларда аста-секин кўникма ҳосил қилиш зарур. Тадқиқот методининг биринчи вариантда ўқувчиларға кўрсатилган расмға ва сўзлаб берилган мазмунға саволлар тузишни тавсия этиш орқали муаммоларни кўра олиш, айтилган фактлардан хулоса чиқариш ўргатилади.

Мазкур методнинг бошқа бир варианты мураккаб масалани тушунилиши осон ва ҳар қайсиси асосий масалани ечишга яқинлашишни енгиллаштирадиган кичик масалаларга ажратишдан иборатдир.

Ўзаро боғлиқ саволлардан ташкил топадиган эвристик суҳбатни тузиш тадқиқот методининг учинчи варианты бўлиб, мазкур саволларнинг ҳар бири муаммони ҳал қилиш йўлидаги қадам ҳисобланади ва кўплари ўқувчилардан фақат ўз билимларидан фойдаланишни эмас, балки изланишларни амалга оширишни ҳам талаб қилади. Эвристик суҳбатнинг муҳимлиги шуки, унда ўқитувчи муаммоли масалани кичик муаммоларга ажратади, ўқувчилар эса ана шу муаммоларни биргалашиб бажарадилар.

ТУШУНТИРИШ, НАМОЙИШ ЭТИШ МЕТОДИ

Бу методнинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг ахборотни ўзлаштиришини ташкил этишдир. Уни ахборот-рецептив метод деб ҳам аталади (рецепция — идрок) ва унда ўқитувчи билан ўқувчи фаолияти давом этади. Бу фаолият шундан иборатки, ўқитувчи тайёр ахборотни турли воситалар билан беради, ўқувчилар эса ана шу фаолиятни идрок этадилар ва эслаб қоладилар. Ўқитувчи ахборот беришни оғзаки сўз (ҳикоя), матбуот (дарсликлар, кўшимча қўлланимлар) даги иборалар, кўрсатмали қуроллар ва ҳоказолар ёрдамида амалга оширади.

Ўқитувчилар билимларни ўзлаштириш учун зарур ишларни бажарадилар — янги ахборотни тинглайдилар, кўрадилар, ўқийдилар, кузатадилар ва уни илгари ўзлаштирилган ахборот билан таққослайдилар, хотираларида олиб қоладилар. Улар синф-

да ўтириб ўсимликнинг қандай униб чиқишини, гуллардан мевалар ҳосил бўлишини, баланд тоғларда, чуқур денгизларда жониворлар қандай яшашларини кузатишлари ҳам мумкин.

МУАММОЛИ БАЁН ҚИЛИШ

Ушбу методнинг моҳияти ўқитувчи муаммони қўйиб, уни ўзи ҳал қилиши ва ечимнинг аҳамиятини ўқувчиларга тушунарли зиддиятлар орқали кўрсатишдан иборатдир.

Ўқувчилар ечимга олиб борадиган йўлнинг мантиғини, тавсия этилган гипотезаларнинг ҳақиқатга ўхшашлигини, исботларнинг ишончлилигини кузатадилар. Улар дастлабки пайтларда хулосаларга ишонмасалар ҳам, лекин кейинчалик муаммоли баён билан муаммоларни мустақил ҳал этиш жараёни аста-секин мувофиқлашуви натижасида хулосалар чиқарадиган, эҳтимол ўз муҳокамаларининг мантиғини туза оладиган бўлиб қоладилар. Шунга кўра ўқитувчи муаммоли баён қилиши учун ўқувчилар мустақил ҳал эта оладиган муаммолардан мураккаброқ муаммоларни танлаш мумкин.

РЕПРОДУКТИВ МЕТОД

Ўқувчилар кўникма ва малакаларни эгаллаши, шу билан бирга билимларни ўзлаштиришнинг иккинчи даражасига эришиши учун ўқитувчи топшириқлар тизими орқали уларнинг ўзларига берилган билимларни бир неча марта эслатади. У топшириқлар беради, ўқувчилар эса топшириқларни бажарадилар — ўхшаш масалаларни ечадилар, намунага қараб турлайдилар ва туслайдилар. Ўқитувчининг неча марта ва қандай оралиқларда такрорлаши ўзининг қобилиятига, топшириқнинг қийин ёки осонлигига боғлиқ.

Саводхонликни ва аниқ ёзишни бир неча йилда, ўқишни эса ундан анча кам вақт мобайнида ўргатиш мумкин. (Янги сўзларни ўзлаштириш уларнинг маълум муддатда тахминан 20 марта учратишни талаб қилиши аниқланган). Қисқаси, ўқитувчининг топшириғи бўйича иш усулини эслаш ва такрорлаш методнинг асосий белгисидир.

МУАММОЛИ БОШЛАШ БИЛАН БАЁН ҚИЛИШ

Ўқитувчи янги билимларни баён қилишни бошлашда муаммоли вазиятни яратса, кейин ўқув материални анъанавий, ахборот усулида тушунтиради.

Муаммоли вазият фақат тушунтиришнинг бошида вужудга келтирилади, ўқув материалнинг ўзи муаммони ҳал қилиш сифатида баён этилмайди. У энг оддий ҳисобланади ва муайян вақт давомида ёки мураккаб материални баён қилишда қўлланади. Масалан, р ва рр ҳарфларини чиройли ёзиш қоидаларини ўрганишда ўқитувчи дарс мавзусини айтиш ўрнига уларни қизиқтиради; бунинг учун ариқ, ўрик, арпа, варрак каби отлар қандай ёзилишини сўрайди.

Умуман олганда муаммоли вазиятни қандай тушунтириш ўқитувчининг иқтидори, тажрибасига чамбарчас боғлиқдир.

XIII б о б . ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ

ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

Таълим назарияси бўлимини ўрганишда ўқув жараёни ўзининг бутун мазмуни, ташкил этилиши, ўқитувчининг фаолият характери билан ўқувчиларни фақат билимлар билан қуроллантиришга эмас, балки уларни яхши хулқ-атвор эгалари қилиб

тарбиялашга ҳам қаратилганлигига ишонч ҳосил қилдик. Бироқ тарбия вазифаларини тўла маънода фақат ўқув жараёнида ҳал этиш мумкин эмас.

Тарбия, таълим бериш билан мустақкам алоқада бўлгани ҳолда ўзига хос қонуниятларга ҳам эгадир. Таълим ва тарбия ягона жараёндир. Лекин улар бир-бирига айнан ўхшаш эмас. Таълим ва тарбиянинг бирлиги аввало улар мақсадининг умумийлигидан иборат.

Бир бутун педагогик жараёнда таълим доимо тарбиявий вазифаларни, тарбия эса ҳаётни билиш, унга тайёрланишдек масъулиятли вазифани бажаради. Тарбиянинг вазифалари кўп қирралидир. Таълимнинг асосий вазифаси ўқувчиларни билимлар билан қуроллантириш бўлса, тарбияда ўқувчининг жамиятимизда қабул қилинган ахлоқ-одоб қоидаларига мос келадиган эътиқодини, ахлоқий малака ва кўникмаларини, эҳтиёж ва интилишларини таркиб топтириш муҳимдир.

Тарбияшунос олим Абдулла Авлоний ўзининг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асарида инсон камолатида тарбиянинг ролини алоҳида таъкидлаб шундай деганди: «Жаноби ҳақ инсонларнинг асл ҳилқатда истейдод ва қобилиятли, яхши ила ёмонни, фойда ила зарарни, оқ ила қорани айирадиган қилиб яратган. Лекин бу инсондаги қобилиятни камолга етказмоқ тарбия воситасида бўладир. Агар бола яхши тарбия топиб, бузуқ хулқлардан сақланиб, гўзал хулқларга одатланиб катта бўлса, ҳар ким қошида мақбул, бахтиёр бир инсон бўлиб чиқади. Агар тарбиясиз, ахлоқи бузилиб ўсса, насиҳатни қулоғига олмайдиган, ҳар хил бузуқ ишларни қиладиган, нодон, жоҳил бир расвойи олам бўлиб қолади. Тарбия қилувчилар Табиб кабудур-

ки, Табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилгани каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига «яхши хулқ» деган давони ичидан, «пөклик» деган давони устидан бериб, катта қилмоғи лозимдир. Зероки, амри шарифи узра хулқмизни тузатмоққа амр қилинганмиз. Лекин хулқимизнинг яхши бўлишининг асосий панжаси тарбиядир.

Ахлоқимиз биносининг гўзал ва чиройли бўлишига тарбиянинг зўр таъсири бордир.

Шариати исломияда ўз болаларини яхшилаб тарбия қилмоқ оталарга фарзи айн, ўз миллатининг етим қолган болаларини тарбия қилмоқ фарзи кифоядур дейилади.

Ҳар кишининг дунёда ороми жони

Тарбият,

Балки охирида эрур доруламони

тарбият.

Тарбият ҳамроҳ этадур ҳур ила

рузвонлара,

Гар десам бўлмас хато жаннат макони

тарбият.

Эй, оталар! Жонларингиздан сучук¹

фарзандингиз,

Ғайрат айланг ўтмасун вақт-замони

тарбият.

Мояи зилли хумодур тарбиянинг сояси,

Бизда анқо тухмидек йўқ ошёни тарбият¹»

Ўқув жараёнини бошқариш нисбатан осон, унинг натижалари дарҳол намоён бўлади ва уларни текшириш мумкин. Тарбия ҳақида буни айтиш мумкин эмас.

¹ Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. «Ўқитувчи». Т. 1967, 25-бет.

Боланинг ўсиши ва тарбияси унинг фаолияти жараёнида амалга оширилади. Ижтимоий-фойдали меҳнат, ижтимоий ишлар, ўйин ва ўқиш фаолияти, бўш вақтдан оқилона фойдаланиш кабилар болаларнинг ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлади. Болаларнинг бундай хилма-хил фаолиятларини тўғри ташкил этиш, уни яхши алоҳида сифатлар, характер хислатлари, одатлар таркиб топтиришга қаратиш тарбиянинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Болаларни тарбиялаш улар туғилган вақтидан бошланади ва мунтазам равишда таълим бериш билан бирга олиб борилади. Бола мактабга борганидан кейин бу жараён давом эттирилади. Мактабдаги тарбия инсон шахсини таркиб топтириш юзасидан режалаштириладиган улкан ишнинг бир қисми холос. У боланинг илгариги тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Тарбия ўқувчи мактабни тамомлаганидан кейин ҳам тугалланмайди, балки мунтазам давом қилдирилади.

Педагогикада тарбиянинг мақсади, мазмуни, шакл ва усуллари тарбияланувчи шахсининг қарор топиши билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда қараб чиқилади.

Тарбия тарбияланувчининг руҳиятига тарбиячига маъқул бўлган сифатларни сингдириш учун, мақсадга мувофиқ суратда ва мунтазам равишда таъсир этишдир.

Ўқитувчи — тарбиячи томонидан тарбиявий жараёнга раҳбарлик қилинган тақдирдагина тарбияда бирор мақсадга қаратилганлик, маълум бир тартиб бўлиши мумкин. Шундай қилиб, тарбия аввало тарбияланувчи шахсининг таркиб топиш жараёнига раҳбарлик қилишни тақозо этади.

Тарбия давомида тарбияланувчининг қарашлари, ҳаётий нуқтаи назари аста-секин таркиб топиб

боради. У тарбияланувчининг хулқ-атвори ҳамда тева-рак-атрофдаги муҳитнинг хилма-хил таъсирла-рига унинг муносабатларини белгилайди. Шахснинг бу тутган йўли қанча аниқ ва изчил бўлса, тева-рак-атрофдаги ҳаёт шароитларининг турлича сал-бий таъсири шунча кучсиз бўлади.

Мактаб шароитида тарбиявий ишлар ўқитувчи-тарбиячилар, синф раҳбарлари томонидан амалга оширилади. Улар тарбияни жамиятнинг мақсади ҳамда вазифаларига мувофиқ равишда ташкил эта-дилар.

Тарбия жараёни ўз-ўзини тарбиялаш билан мус-таҳкам боғланган. Ўз-ўзини тарбиялаш кишининг ўз шахсини ўзгартиришга қаратилган фаолиятидир. Ўз-ўзини тарбиялаш тўғри тарбия бериш билан бир-га содир бўлади ва айни вақтда тўғри тарбия нати-жаси ҳисобланади.

Ўз-ўзини тарбиялашнинг муваффақиятли бўли-ши учун ўқувчи ўзини тўғри баҳолай билишга ўрга-ниши, ҳаётда ўзи интилиши лозим бўлган идеални аниқ тушунган ҳолда ўзидаги ижобий сифатларни ва камчиликларни кўра олиши муҳим аҳамиятга эга.

Бошланғич синф ўқувчисининг хатти-ҳаракати-даги айрим камчиликларни тузатишга тўғри кела-ди. Бу камчиликлар аввалги тарбия жараёнида, кўпинча оилада таркиб топган бўлади. Ўқитувчи ўз ҳаракатларини ва ота-оналарининг ҳаракатини бу камчиликларни бартараф этишга қаратиши лозим. Одатда бунинг учун болаларнинг оиладаги ҳаёт шароитларини ўзгартириш, тарбияланувчиларда нотўғри хатти-ҳаракатни келтириб чиқарувчи са-бабларни йўқотиш талаб этилади.

Шундай қилиб, тарбиялаш, ўз-ўзини тарбиялаш ва қайта тарбиялаш жараёнлари ўзаро мустаҳкам

боғланган бўлиб, инсон шахсини таркиб топтиришнинг бир бутун жараёнида доимо бир-бирига таъсир ўтказди.

ТАРБИЯ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

Ҳар бир ишнинг ўзига хос, маълум қонун-қоидалари бўлганидек, бола тарбиясининг ҳам ўзига хос бир қатор муҳим қонун-қоидалари борки, уларга амал қилиш тарбия ишининг самарали бўлишини таъминлайди, чунончи:

тарбиянинг бир мақсадга қаратилганлиги;

тарбиянинг ҳаёт, меҳнат билан, Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги, гуллаб-яшнаши йўлида қилинаётган фидойи ишлар билан боғланиши;

шахсни жамоада, жамоа орқали тарбиялаш;

тарбияда бола шахсини ҳурмат қилиш ва унга талабчанлик;

тарбиявий ишларнинг изчиллиги, мунтазамлиги ҳамда бирлиги;

тарбияда ўқувчиларнинг ёши ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш.

Қуйида тарбия жараёнининг қонун-қоидаларини кўриб чиқамиз.

1. *Тарбиянинг бир мақсадга қаратилганлиги.* Тарбия мақсадини белгилашда жамият талаблари, давр нафаси, миллий хусусиятлар асос қилиб олинади. Тарбиянинг мақсади — ҳар томонлама камол топган — мукамал инсон шахсини тарбиялашдир.

Ўқитувчилар жамоаси ва ҳар бир ўқитувчи-тарбиячи ана шу мақсадлардан келиб чиқиб, тарбиявий ишларнинг вазифаларини белгилайди, унинг мазмунини аниқлайди ҳамда мактаб иш шароитларини ҳисобга олган ҳолда ўқувчиларни тарбиялашнинг шакл ва услубларини танлайди.

2. *Тарбиянинг ҳаёт билан боғлиқлиги қондаси* тарбиявий ишларнинг мазмуни ва ташкил этилишини доимо янгилаб туришни талаб этади. Тарбиячилар болалар тарбиясини ҳаёт билан боғлар эканлар, уларга ўзларида имон-этиқодни тарбиялаш имконини берадилар.

Тарбиявий ишлар шундай ташкил қилинганда ёшлар жамият ҳаётига фаолроқ жалб қилинади, бу эса ўқувчи шахсининг таркиб топишига ёрдам беради.

ШАХСНИ ЖАМОАДА ВА ЖАМОА ОРҚАЛИ ТАРБИЯЛАШ

Илғор ўқитувчилар тажрибасининг кўрсатишича, ўқувчилар аҳил жамоа бўлиб уюшгандагина тарбия ишларини амалга ошириш анча енгил бўлади ва муваффақияти таъминланади. Яхши уюшган, соғлом жамоада ўқувчилар жамоатчилигининг фикри жуда катта тарбиявий кучга эга бўлади ва тарбияда ўқитувчиларнинг таянчига айланади.

Ўз манфаатини жамият манфаатлари билан қўша билиш, бир-бирига ўзаро ёрдам бериш каби қимматли фазилатлар аввало жамоада шаклланади. Ўқувчилар жамоасида ҳар бир шахснинг камолга етиши, ҳамда синфда ва умуман мактабда дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш учун қулай шароит яратмоқ даркор. Шунини ҳам айтиш керакки, баъзан тарбия жараёнида жамоа билан шахс ўртасидаги қарама-қаршилиқларни бартараф қилишга ҳам тўғри келади.

Ўқувчиларда жамоа манфаатини кўзлаш, жамоачилик ҳисси аввало биргаликда ўқиш ва меҳнат қилиш жараёнида мустаҳкамланади.

Ўқитувчи ва тарбиячи ўзининг тарбиявий ишларида ҳамма вақт ўқувчилар жамоасига ва улар орасидаги фаол ўқувчиларга таянмоғи, ўқувчилар-

ни турли ишларни биргаликда бажаришга одатлантириб, уларга жамоатчилик руҳини сингдириб бориши лозим.

ТАРБИЯДА БОЛА ШАХСИНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШ ВА УНГА ТАЛАБЧАНЛИК

Тарбиячи аввалги болалардан бирор нарсани талаб қилиб, сўнгра ўзининг бу талабини унутиб қўйса, ёки кейинги ишларида ўзи бу талабга хилоф иш тутса, бу ҳол тарбияга ёмон таъсир этади. Биз бундай тарбиячини, ўз сўзида муқим турмайдиган киши, деб атаймиз. У болаларга топшириқ бериб: «Билиб қўйинглар, топширилган вазифани, албатта, текшириб, тегишли баҳони қўяман» — деб огоҳлантиради. Лекин, болаларнинг топшириқни бажарган ва бажармаганларини асло текширмайди. Болалар тартибни салгина бузсалар, у кўп дўқ-пўписа қилиб, уларга қарши турли чоралар кўражагини айтади-ю, аммо амалда ҳеч қандай чора кўрмайди. У, бирор қизиқ тадбир ўтказишни болаларга ваъда қилади-ю, сал орада ваъдасини эсдан чиқариб қўяди, болаларда бундай тарбиячига иззат ва ҳурмат пайдо бўлмайди. Ҳар бир педагогнинг сўзи билан иши бир хил бўлиши керак. У ўз ишида ва сўзида изчил бўлмоғи лозим. Ҳар бир тарбиячи учун бу нарсая қонун сифатида тан олиниши шарт.

Болаларга бирданига жуда кўп талаб ва қоидаларни тақдим қилиш мумкин эмас; болаларни хулқ ва юриш-туриш кўникмаларига ўргатган вақтда ҳам худди ўқув предметлари мазмунига кирадиган кўникмаларни ўргатишдаги тадрижийлик ва тизимлиликка риоя қилиш керак. Шундай қилинса, болалар хулқий кўникмаларни пухта, мустаҳкам ўзлаштирадilar.

Бошланғич таълим усталари иш тажрибаларининг кўрсатишича, қаерда ўқувчиларга юксак талабчанлик, ҳурмат, муҳаббат, ишонч кучли бўлса, ўша ерда тарбиянинг таъсири самарали бўлади.

Болага меҳрибонлик, ҳурмат ва муҳаббат билан қараш унинг кучига куч қўшади, ўзига бўлган ишончни янада орттиради, бу айти чокда ўқувчиларда ўз ўқитувчисига нисбатан ҳурмат, ишонч ва меҳрибонлик уйғотади. Зотан, болалар ғамхўр, меҳрибон ва талабчан ўқитувчини севадилар, ҳурмат қиладилар ва унга тўла ишонадилар. Мана шундай ўқитувчининг болаларга тарбиявий таъсири кучли бўлади, унинг обрўи ортади. Агарда ўқитувчи ўз ўқувчиларининг кучига ва имкониятига ишонч билан қараса, улар бу ишончни оқлашга интиладилар, ўз кучларига ишонч ҳосил қиладилар.

Ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ўқувчига нисбатан ҳаддан ташқари талабчан ва қаттиққўл бўлиши ҳам, ва аксинча, болаларга бўш муомала қилиши ҳам ярамайди.

Ўқитувчи ва тарбиячилар ўқувчиларга нисбатан талабчан бўлишлари ва қўйган талабларининг ўқувчилар томонидан сўзсиз бажарилишига эришмоқлари лозим. Бу эса болаларни катталар томонидан қўйилган оқилона талабларни ўз вақтида бажаришга одатлантиради. Шу билан бирга болалар ўзларига нисбатан ҳам талабчан бўладилар.

Тарбия жараёнида болаларга нисбатан ўқитувчилар, ота-оналар, болалар ва ёшлар ташкилотлари ҳамда барча жамоатчилик томонидан бир хилда талаб бўлишини, яъни талабда бирлик бўлишини таъмин этиш ғоят муҳимдир.

Мактаб маъмурияти, синф раҳбарлари, ўқитувчилар билан ота-оналар ўқувчиларга бир хилда та-

лаб қўйишни таъмиң этишлари керак. Ота-оналар ҳам ўз навбатида болаларни тарбиялашни мактаб билан мустаҳкам алоқада олиб бормоқлари ҳамда болаларга нисбатан мактаб билан бирга бир хил талаб қўймоқлари лозим. Оила аъзолари: ота-она, ака-ука, опа-сингил ва бошқалар ўртасида ҳам болаларга тарбиявий таъсир кўрсатишда бирлик бўлиши зарурдир. Боланинг синфдан-синфга ўтиши, ёшининг улғайиши, савиясининг ортиши, дунёқараш доирасининг кенгайиб бориши билан талабларнинг мазмуни ва шакли ҳам ўзгариб, ортиб боради.

Хуллас, ўқувчиларга нисбатан талабчан бўлиш, уларга самимий муҳаббат ва ҳурмат билан қараш қоидасини оқилона ҳамда моҳирлик билан тўғри қўлланиши, ўқувчиларнинг кучига, имкониятларига ишонч билан қараш — тарбиянинг муваффақиятли боришига ёрдам беради.

ТАРБИЯДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЁШИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Болалар мактабда ривожланишнинг турли даврларини: болалик, ўсмирлик, ўспиринлик паллаларини босиб ўтадилар. Шу даврлар ичида улар ҳаёт, инсон ва табиат, умуман атрофимизни ўраб олган дунё ҳақида аниқ билимларга эга бўладилар. Уларнинг ахлоқи ҳам ўзгариб боради. Шу йиллар ичида боланинг ахлоқий туйғулари ривожланади, онги билан хулқи ўртасида уйғунлик вужудга келади, характери таркиб топади, ўз хулқи ва хатти-ҳаракатларини эҳтиёжга ва шароитга мувофиқлаштиришга интилиш одатлари тарбияланади.

Болаларнинг ёши ривожланиш даражасига кўра уларга бериладиган тарбиянинг мазмуни, педагогик раҳбарликнинг характери ҳам ўзгариб боради.

Масалан, бошланғич синф ўқувчилари мактабдаги ўз асосий вазифаларини: ўзини мактабда, уйда, кўчада қандай тутиш қоидаларини билиб оладилар. Бундай одатлар уларга намуна кўрсатиш, тушунтириш йўли билан сингдирилади.

Болаларнинг ёши улғайган сари уларга талаб ҳам орта боради. Шу туфайли ўрта ва катта ёшдаги болаларни тарбиялашда уларнинг мустақиллигига суюниб иш кўриш яхши натижа беради. Тарбияда болаларнинг кучи ва имкониятларини тўла ишга солиш яхши, лекин уларнинг кучига ортиқча баҳо бериб юбориш ҳам ярамайди.

Тарбия беришда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларидан ташқари, ҳар қайси боланинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш ҳам катта аҳамиятга эга. Болаларнинг ёши, бўйи бир хил бўлса-да, уларнинг мижози, фазилятлари, қобилият ва майллари, қизиқишлари ҳар хил бўлади. Бу фарқлар болаларнинг, хулқида, ўқиш ва меҳнатида акс этади.

Бир ўқувчига нисбатан мувофиқ бўлган тарбия услубини бошқа бир ўқувчига нисбатан қўлланганда у кутилган натижани бермаслиги мумкин. Синфдаги ўқувчиларнинг баъзиларига оддий танбеҳнинг ўзиёқ самарали таъсир кўрсатади, аммо бошқа ўқувчиларга танбеҳ беришнинг ўзи кифоя қилмайди. Унга нисбатан жиддийроқ чоралар кўришга тўғри келади. Баъзан бир ўқувчи айрим ахлоқий фазилятларни тезда уқиб олади ва унга амал қилади, иккинчиси эса унга амал қилмайди, айрим болалар эса бу хил сифатларни ўзларига жуда секинлик билан сингдирадилар.

Айрим ўқувчилар ўзларининг фаолликлари, саранжом-саришталиги, интизомлилиги, фаҳм-фаросати билан ўқитувчи ва болалар жамоасининг

ишончи ва ҳурматига сазовор бўладилар, бошқалари эса, интизомсизлиги, пала-партишлиги, бетга чопарлиги, бемаъни қилиқлари билан тезда «танилиб» қоладилар.

Демак, ҳар бир ўқувчининг қобилияти, қизиқиши, ҳис-туйғуларини кучли ва заиф жиҳатларини аниқлаб, тарбиявий ишларда уларни ҳисобга олиш тарбияни тўғри йўлга қўйиш имкониятини беради.

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИНГ ИЗЧИЛЛИГИ, ТИЗИМЛИЛИГИ ҲАМДА БИРЛИГИ

Аввало таълим ва тарбия бир мақсадни — баркамол инсон шахсини тарбиялашни назарда тутди. Яъни таълим иши тарбия билан бирга қўшилиб кетади ва бир-бирини тўлдириб, мукаммаллаштириб боради. Дарс жараёнида олиб борилган тарбиявий ишлар синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар билан қўшилади.

Болалар билан олиб бориладиган ҳар бир тарбиявий иш бутун тарбия ишларининг ажралмас бир қисми сифатида амалга оширилган тақдирдагина таъсири кучли бўлади.

Тарбия ишидаги изчиллик ва тизимлилик шундан иборатки, ҳар бир тарбия иши мактабнинг умумий тарбиявий режасига асосан маълум изчилликда амалга оширилади, олдинги ишларнинг мантиқий давоми сифатида тарбия соҳасида қилинаётган ишларни ривожлантиради, мустаҳкамлайди ва янада юқори даражага кўтаради.

Тарбия беришда тизимлилик қондаси тарбияни амалга оширадиган барча бўғинларнинг — оила ва мактаб, болалар ва ёшлар ташкилоти, жамоатчилик, маҳалла фаоллари, мактабдан ташқари тарбия муассасалари ва ишлаб чиқариш жамоалари-

нинг, кенг жамоатчиликнинг ҳамжиҳатлик ва бамаслаҳат иш кўришини назарда тутди.

Тарбия ишидаги бу ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни таъмин этишда мактаб асосий роль ўйнайди. Мактаб юқорида айтилган муассасалар билан мустаҳкам алоқада бўлиб, тарбия соҳасида баҳамжиҳатликда ишлашга эришади.

Тарбия жараёнида тизимлилик ва изчилликни таъмин этадиган муҳим шартлардан бири тарбия соҳасидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш ва мустаҳкамлашда уйғунликка риоя этишдир. Тарбиявий ишларнинг ҳаммасида болаларда мавжуд бўлган билим, кўникма, малака ва одатларга ҳамда уларнинг турмуш тажрибаларига суяниш лозим.

Ҳар бир одам ўз ҳаёт йўлида қанча муваффақиятларга эришган ёки имкониятларни қўлдан бой берган бўлса, бунинг ҳаммасига, аввало унинг феъл-атвори, олган тарбияси сабабчидир.

Хушхулқлилик — камолат белгисидир

Хўш, хушхулқлилик, тарбияланганликнинг асосий белгилари нималардан иборат?

Улардан айримларини санаб ўтамиз:

- *Жаҳл чиққанда ўзини боса олиш;*
- *ҳар бир ишни қилганда «етти ўлчаб бир кесиш»;*
- *сир сақлай олиш, мулоҳаза қилиб, айрим гапларни ичга ютиш;*
- *доимо ишонч билан яшаш ва олға интилиш; андиша чегарасидан чиқмаган ҳолда дадил бўлиш;*
- *бир ишни бошлагандан кейин уни охирига етказмай қўймаслик;*
- *топган-тутганини тежаб-тергаб сарфлаш ва ҳоказолар.*

Уламоларнинг айтишича, тарбияланганликнинг ўнта нишонаси бор экан:

биринчиси — халқ тўғри деб топган нарсага нотўғри деб қарамаслик;

— иккинчиси — ўз нафсига эрк бермаслик;

— учинчиси — бировдан айб қидирмаслик;

— тўртинчиси — ёмонликни яхшиликка йўйишлик;

— бешинчиси — агар гуноҳкор узр сўраса, узрини қабул қилиш;

— олтинчиси — муҳожирлар ҳожатини чиқариш;

— еттинчиси — эл ғамини ейиш;

— саккизинчиси — айбини тан олиш;

— тўққизинчиси — эл билан очиқ юзли бўлиш;

ўнинчиси — одамлар билан ширин муомалада бўлиш.

Хушхулқлик, яхши муомала, ширин сўзлик ва олижаноблик — яхши тарбия кўрганликнинг асл белгиларидир.

Хушхулқ, яхши тарбия кўрган киши яқинлари, ёри дўстлари билан учрашганда, одамлар ёнидан ўтаётганда, бирор хонадонга қадам қўйганда юзида табассум ила, «Ассалому алайкум» деб салом беради. Салом бериш, саломга алик олиш ҳам қарз, ҳам фарз ҳисобланади.

Саломнинг нақадар улуғлиги ҳадису шарифда ҳам шундай таърифланади: Салом — Аллоҳнинг ердаги исмларидан биридир. Бир-бирларингиз билан саломлашиб юринглар. Зеро, мусулмон киши одамлар олдидан ўтиб бораётиб уларга салом берса, улар ҳам алик олишса, уларга саломни эслатгани учун бир даража кўп савобга эришади. Мабо-до алик олмаса, унга зарари йўқ, чунки улардан яхшироқ ва афзалроқ зотлар, яъни фаришталар алик олишади».

Энди салом тўғрисида Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг кўрсатмаларидан айримларини келтирамиз:

— учрашганда қайси бирингиз биринчи бўлиб салом берсангиз, ўша одам Тангрига ҳам итоатлироқдир;

— бир-бирларингиз билан саломлашиб юрингизлар. Шунда ўрталарингизда меҳр-муҳаббат уйғонади;

— мўминларнинг бир-бирларига олтига ҳақлари бор: салом бериш, чақирса бориш, маслаҳат сўраса, жавоб бериш; аксирса «ярҳамукаллоҳу яшфиқ» дейиш; бетоб бўлса, йўқлаш; вафот этса, жанозада қатнашиш;

— отлиқ-уловли киши пиёда кетаётганга, пиёда киши ўтирганга озчилик кўпчиликка, кичиклар катталарга салом берсин. Саломга алик олса-ку яхши, бордию алик олмаса, салом берувчига зарари йўқ;

— салом бериб кирмаган одамни ҳузурингизга қўйманглар.

Қўл бериб сўрашганда бармоқлар билан эмас, кафтини кафтга қўйиш керак. Узоқ кўришмаганда кучоқлашиб кўришиш ҳам халқимиз одати. Учрашганда салом бериш қанча яхши бўлса, хайрлашганда ҳам салом бериб ажралиш шунча мақбул иш.

Шундай қилиб, кўришганда салом-алик қилиш халқимизга хос одатдир. Ҳозир айрим кишилар ўртасида урф бўлгандай «Салом», «Саломалайкум», «Хайрли кун», «Салом бердик», деб кўришишлар, кучоқлашгач, чўлп-чўлп ўпишишлар шариат ҳукмига ҳам, одоб қоидаларига ҳам тўғри келмайди.

ОТА-ОНАНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШ ХУСУСИДА

Миллий тарбия ота-онани ҳурмат қилишни, уларга меҳр-шафқат кўрғазишни ҳар бир фарзанд-

нинг энг асосий бурчларидан санайди, аксинча, ота-онага беҳурматликни қоралайди.

Жаноби Расулуллоҳнинг таълим беришларича, ота-онасига шафқатли бўлган кишини Тангри таоло қиёмат куни ҳимоя қилиб, ўз жаннатига киргизади, аксинча, ота-онасини норози қилиб, уларга оқ бўлган кишига Тангри раҳмат назари билан қарамайди, бундайлар жаннатга кирмағайлар. Бир ҳадисда: «Ота-оналарнинг кексалик вақтида ҳар иккисини ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб, жаннатий бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин», дейилади. Кимки ота-онасининг розилигини олган бўлса унга қандай яхши! Тангри унинг умрини узайтиради.

Одам қиладиган гуноҳи азимлардан бири — ота-онасини ҳақорат қилмоқдир, дедилар.

Фарзанднинг ота-она олдидаги ҳаққи қуйидагилар:

1. Агар овқатга муҳтож бўлишса, овқатлантириш.
2. Кийимга муҳтож бўлишса, кийинтириш.
3. Хизматга муҳтож бўлишса, хизматларини қилиш.
4. Чақиринг «Лаббай» деб ҳозир бўлиш.
5. Гуноҳ ва ғийбат ишлардан бошқасига буюришса, итоат қилиш.
6. Қўполлик қилмай, мулойим гапириш.
7. Уларнинг исмларини атаб чақирмаслик.
8. Олдинга ўтиб кетмай, ортларида юриш.
9. Ўзи ёмон кўрган нарсани уларга раво кўрмаслик ва яхши кўрган нарсасини илиниш.
10. Аллоҳдан ўзи учун қандай мағфират тиласа, уларнинг ҳам гуноҳларини кечиришни сўраш.

КАТТАЛАРГА ҲУРМАТ — АЗАЛИЙ ОДАТ.

Исломий тарбия катталарни ҳурмат қилишни, уларга меҳрибонлик ва итоат кўрсатишни яхши фазилатлар қаторига қўшган. Бу ҳақда бир ҳадиси шариф ривоят қилинади: «Соч-соқолларига оқ тушган мусулмон кишини, Қуръони Каримни, кибрланмай унга амал қилишдан юз ўгирмайдиган ва адолат билан иш олиб борадиган амалдорларни ҳурмат қилиш Аллоҳ таолони ҳурмат қилишнинг белгиларидандир».

Яна бир ҳадиси шарифда ёши катта одам гапни ҳам, савоб ишни ҳам олдин бошлаши ҳақида сўз борган. Пайғамбар алайҳиссалом: «Катта ёшдагилар билан суҳбатда бўлинглар, уламолардан маслаҳат сўранглар ва ҳукамолар билан аралашиб туринглар», деб насиҳат қилганлар.

Ёшлар катталарга биринчи бўлиб салом беришади, бирор нарса сўралгандагина жавоб қайтаришади. Катталар суҳбатида ўтирганда улардан аввал сўзлаш яхши эмас. Ёши катталардан аввал фикр билдирмаслик лозим. Катталар ҳузурида оғзини ланг очиб эснаш, қаттиқ ововзда гапириш, бурун қоқиш, ва туфлаш ҳам одобсизликка киради. Улар суҳбатида оёқларни чалиштириб ёки узатиб ўтирилмайди, ёнбошлаб олинмайди.

Жаноби Расулуллоҳ: «Кимки кичикларга раҳму шафқатли, катталарга иззат-икромли бўлмаса, у бизлардан эмасдур», деганлар.

Исломий одоб қоидаларига кўра ёшлар, катталарни оғир машаққатли юмушлардан халос қилдилар, юкларини кўтаришадилар. Овқат устида таомнинг аввали катталарга тугилади. Улар қўл узатмагунча овқатланиш бошланмайди. Катталарни рози қилиш, мамнун этиш, улар билан хушму-

омалада, меҳрибонлик билан муносабатда бўлиш ва шу тариқа улар дуосини олиш ёшларнинг униб-ўсиши учун яхши омил бўлади.

ИЛМ ВА КАСБ ЭГАЛЛАШ ҲАҚИДА

Фарзандлар илм олиб, оламни танишлари лозимлиги, ҳақиқатни англаш ва тафаккур қилиш учун илмнинг нақадар зарурлигини ҳамиша таъкидлаб келинган. Пайғамбаримиз ўз умматларини илм олишга даъват қилганлар, илм эгаллашга ҳаракат қилиш ҳар бир мўмин ва мўмина учун фарз эканини қайта-қайта эътироф этганлар. Ҳадислардан бирида «Гарчи Хитойда бўлса ҳам илм истанглар» деб таълим берилган.

Ҳадисда айтилишича, бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан яхши, бир кунлик дарс эса уч ой тутилган нафл рўзадан афзалдир. Ёки, бошқача қилиб айтганда, илмга асосланган ибодат тақлидий ибодатдан афзалдир, тақво динни тутиб турувчи устундир.

Аждодларимиздан бир уламо айтдилар: «Илм ўрган, у сенинг ёшлик пайтларингда тўғри юришингни таъминлайди. Катта бўлганингда буюк шахсга айланишингда асосий сабаблардан бўлади. Илм доим сенинг ҳамроҳинг бўлиб, адашишдан ва қоқилишингдан сақлайди, душманларингни мағлуб қилади.

Илм олиш билан бир қаторда, фарзандлар касбуна ҳам эгаллашлари, унинг воситасида оилаларини ҳалол меҳнат билан боқишлари шарт. Пайғамбарларнинг ҳам ҳалол касб билан шуғулланганликлари тарихдан маълум. Масалан, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом чўпон ва савдогар бўлганлар. Довуд алайҳиссалом темирчилик қилган-

лар. Исо алайҳиссалом табиблик билан шуғулланганлар ва ҳоказо.

Халқимиз «Ҳунар-хунардан унар» деганда, одамнинг ризқи-насибаси хунардан, меҳнатдан пайдо бўлишини назарда тутган. Бу ҳикматлар ёшларга ибратдир. Бизнинг ота-боболаримиз азал-азалдан хунарсанд, ижодкору миришкор бўлишган. Уларнинг хунари орадан неча юз йиллар ўтса-да ҳали-ҳануз қадр-қимматини йўқотмай, кўрки-тароватини намойиш этиб турибди. Дурадгорлик дейсизми, наққошлик дейсизми, заргарлик дейсизми, боғбонлигу соҳибкорлик, устачилик дейсизми — ҳаммани лолу ҳайрон қолдирадиган эзгу ишлар аждодларимиздан, бизларгача етиб келган.

Ўзбек халқ хунарсандчилигининг санаб саноғига етиш қийин. Бешиксозлик, сандиқсозлик, жайдари арава, Қўқон арава, ясси ва баланд зинали аравалар, жилоси-ю, нақш кўз қамаштирадиган пичоқлару ўймакор курси-курсичалар, чорпоялар, гулдонлару шамчироқлар, обдаста, жомашов, жом, дасшалар...

Уларнинг кўпини энди асосан музейларда кўриб, шундай забардасту моҳир санъаткорлар наслидан эканимиздан кўнглимиз олам-олам қувончга тўлади, нечоғли бой миллий маданиятга эга эканлигимиздан фахру гурур ҳиссига тўламиз.

Аждодларимиз ўз хунариларини, санъатларини келгуси авлодларга тўқис-тугал етказиш, уларни ўтмишимиз маданияти-ю, санъати билан ошно қилиш учун нечоғлик меҳр-ихлос, катта ғайратшижоат билан, кўз нуруни, қалб қўруни сарфлаб, тинимсиз меҳнат қилганларининг гувоҳи бўламиз. Айни пайтда биламизки, бизлар кўрган-билган санъаткорлик, бунёдкорлик маҳсуллари ўз замо-

насида яратилган асарларнинг дарёдан бир томчиси, холос. Чунки собиқ шўро даврига келиб, ҳунармандчиликнинг қадр қиммати кескин пасайиб кетганидан боболардан қолган бойликлар ҳам талон-торож қилиб юборилди. Не-не ажойиб касблар, жумладан косибчилик, касаначилик, ҳунармандлик санъати ишлаб чиқариш рўйхатидан деярли ўчириб ташланди. Чинакам санъат асарлари ўрнини ўйинчоқ сифат буюмлар эгаллаб олди.

«Ҳақ жойида қарор топади» деб бежиз айтмаган доно халқимиз. Мана, вақти келиб, яна ўша ота-боболаримиздан қолган ҳунармандлик санъатига кенг йўл очилди. Ҳақ ҳақлигини исбот қилди. Лекин бу ишлар энг моҳир ва забардаст усталаримиз оламдан ўтиб кетгандан кейингина йўлга қўйилди. Эндиги гап ёшлар катта қизиқиш, зўр иштиёқ билан аждодларимиз ишини давом эттиришларида, қолди.

Қўлида ҳунар бор ўлмайдди, унинг номи ҳам ўчмайди, бировга хор-зор ҳам бўлмайди. Шоир Бадриддин Ҳилолий айтади:

*Тиришиб топмасанг бир ҳунар, юз айб,
Бир ҳунар ёпади, бўлса гар юз айб,
Бир эса ҳунару ақл ҳам тамиз,
Эл наздида доим ул киши азиз.*

Ҳунарнинг умри боқий, у ўлмас-йитмас мўъжизадир. Ҳаёт давом этар экан, авлодлар кетидан авлодлар дунёга келар экан, юқорида зикр этганимиз — ноёб буюмлар турмуш эҳтиёжи учун доимо керак бўлиши табиийдир. Зеро, инсон тирик экан, уй-жой қуриши керак, фарзанд кўрар экан, бешик, ғалтакарава, қиз узатиш, ўғил уйлантиришга сандиқ-қути, боғ-роғ бунёд қилиш учун аввало боғ-

бон, сўнг унинг ҳам ўзига керакли асбоб-ускуна-лари керакки, бу нарсаларни бунёдга келтириш учун усталарнинг меҳнати, ишбилармонлиги жуда зарурдир.

Агар ёшларимиз мактабдан ташқари бўш вақтларини беҳуда кўча чангитишга сарфламай, турли касбу ҳунар соҳибларига шогирд тушиб иш ўргансалар, беш-ўн йил ўтмай қарабсизки, ҳамма тоифадаги ҳунармандлар ўзимизда муҳайё бўлади. Бу ёшларнинг рўзгор тебратишда ота-оналарига ёрдами бўлса, ўзларининг келажаклари учун ҳам муҳим омил бўлади. Бунинг яхши томони яна шундаки, меҳнат билан машғуллик уларни турли ноҳўя хатти-ҳаракатдан, бефойда машғулотлардан, беҳуда санғиб юришлардан асраб қолади, бу эса ўзларининг келгуси бахтли тақдирлари ва камолга етишувларида кони фойдадир.

Ҳеч ким онадан ҳунарманд бўлиб туғилган эмас. Ўтмишда ўсмир эсини таниб, қўли ишга келгач, ота-онаси зийраклик билан унинг қобилиятини кузатиб, ўзи қизиққан ҳунар соҳибига шогирдликка топширган. Шогирднинг меҳнатга муносабати, касб-корга муҳаббатига қараб устозлар ўз ҳунарларини ўргатганлар, мустақил ишлаш учун баҳолиқудрат шарт-шароит ҳам яратиб берганлар.

Кекса ҳунармандларнинг ҳикоя қилишларича, уста қанча қаттиққўл, талабчан бўлса, шогирд касбини шунча тез ва пухта эгаллар экан. Буюрилган иш кўнгилдагидек бажарилиб, шогирд эгаллаган ҳунар соҳасида оқсоқоллар имтиҳонидан муваффақиятли ўтгандан сўнг унинг уста бўлишига фотиҳа бериларкан. Йигитнинг ота-оналари уста бошлиқ оқсоқолларни зиёфатга чорлаб, ҳунар оши ўтказишаркан. Шундан сўнг, уста бўлган йигит истаса шу

жойда ишини давом эттиравериши, хоҳласа ўзи дўкон очиб, шогирдлар етиштириш ҳуқуқига эга бўларкан.

Қаранг, нақадар чиройли, нақадар ибратомуз удумлар! Бу бир томондан ёшларнинг ўзлари севган касб-корларига қизиқишларини кучайтирса, иккинчидан, уларнинг зиммасидаги масъулиятни оширади. Айни замонда саноат корхоналаримиз қошида шундай устахоналар очилиб, малакали шогирдлар етиштирилса, кўплаб ёшлар ҳунарманд бўлиб етишадилар, улар бекорчиликдан қутулиб меҳнатга иштиёқманд бўладилар, ота-боболаримиз ҳунарларига меҳрлари товланади. Шундай қилинганда республикамиз равнақи ошади. Юқорида айтганимиздек, ҳам ишсизлик камаяди, ҳам ўзимиздан истаганча мутахассислар етишади, ҳам моддий бойлигимизга бойлик қўшилади. Бу эса кўп сонли халқимизни кундалик зарурий буюмлар билан бемалол таъминлаш имкониятини туғдиради.

Қувончлиси шуки, республикамиз мустақил бўлди, ўзбек тилимизга давлат мақоми берилди. Ёшлар қунт қилсалар, айни пайтда қаёққа қўл узатсалар етгулик шароитлар бор. Фақат мақсад аниқ, қизиқиш кучли, билим ва зеҳн ўткир бўлса бас! Бунинг учун ҳар бир ўқувчи ўзи қизиққан соҳага оид адабиётларни топиб ўқиши, мустақил равишда ўз-ўзини тайёрлаб бориши керак. Ота-она, ўқитувчи-тарбиячилар эса, албатта, болаларнинг бу интилишларини қўллаб-қувватлашлари, қўлларидан келганича кўмаклашишлари лозим.

Қадимда ўғил болалар ва қизларнинг ўзларига хос алоҳида-алоҳида касб-кор ўрганиш усуллари бўлган. Масалан, ўғил болалар дурадгорлик, ғишт терувчилик, бешиксозлик, сандиқсозлик, боғбонлик, этикдўзлик, ганчкорлик, наққошлик ҳунар-

ларини эгалласа, қиз болалар дўппидўзлик, чеварлик, каштадўзлик, йўрмадўзлик (жияк тўқувчи) ҳунарларини эгаллашга иштиёқманд бўлганлар. Ҳар ким ўзининг жинсига, жисмоний кучига, зехнига, зийраклигига қараб, хоҳлаган ишини ўрганиб, шу билан машғул бўлган.

Ҳунарли бўлиш фақат йигитларгагина эмас, қизлар учун ҳам зарурий шарт эди. Улар қандай тоифадаги оилада — у бой хонадонми ёки ўртаҳолми, бундан қатъи назар, барибир ҳунарли бўлиш зарурат ҳисобланган. Қизларни турмушга узатишда ҳунар жуда қўл келган. Бу, биринчидан, сеп тайёрлашда оилага моддий ёрдам берса, иккинчидан, ўғил уйлантирадиган хонадон соҳиблари ҳам қизнинг одоб-ахлоқи, шарму рисоладагидек бўлишидан ташқари, албатта тикиш-бичишни билиши, пазандалиги каби бир-икки ҳунарни эгаллаган бўлишига катта эътибор беришган. Куёв, бўлажак йигитлар ҳам шундай талабларга тўла-тўқис жавоб беришлари лозим кўрилган. Негаки, турмушни қийналмай, бекаму кўст, тартибли олиб бориш ва унинг мустақамлгини таъминлаш кўп жиҳатдан келин-куёвнинг уддабуролиги, ишбилармонлиги, эпчил-чаққонлиги, рўзғорни тебрата билишига боғлиқ бўлган. Шунинг учун илгари пайтларда оила қурганлар ўртасида қўйди-чиқди каби нохушликлар камдан-кам учраган.

Қадим удумларимиздан яна бир ибратлиси, оналар касб танлашда фарзандларининг ўзларига тўла эркинлик беришган. Улар қайси бир ҳунарни мукамал ўрганишларига кўзлари етса, шунга рози бўлиб кўмакдошлик қилганлар. Ҳозирги ота-оналарнинг кўпчилиги бу қоидага риоя қилмайдилар. Фарзандлари ўқигандан кўра ўзи истаган касб-

хунарни эгалласа бахтли ҳаёт кечиришини ўйламайдилар, фарзандлари ўрта мактабни битириши билан уларнинг олий мактабда таҳсил олишлари учун қобилиятлари, билимлари, сабру бардошлари етарлими, йўқми, бу билан ҳеч ҳисоблашмасдан, бир амаллаб олийгоҳларга киритишга ҳаракат қиладилар. Кўплар бунга муваффақ ҳам бўладилар. Лекин кейинчалик бунинг оқибати нима бўлади? Фарзандлар ё ўқишнинг ўзига хос машаққатларига тоқат қила олмай, ёки ўқишни давом эттиришга билим даражалари етмай, ташлаб кетадилар. Ваҳоланки, орада зое кетган бир-икки йил вақт мобайнида улар ўзларига муносиб бирор хунарни эгаллашлари ва ҳаётда равон йўлни топиб олишлари мумкин эди.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкин: отанинг давлату мансаби, ҳеч қачон ҳеч кимга вафо қилмаган, бошга бир мушкул иш тушса бойлигу давлат бу мушкулотдан қутқариб қололмаган. Абдураҳмон Жомий айтади:

*Отанга бўлмагин арзанда, банди,
Бандидан чиқиб, бўл хунар фарзанди.*

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ўзининг «Фарҳод ва Ширин» асарида ёшлар таълим-тарбиясида асосий омил бўлган қасб-хунар эгаллашнинг аҳамиятини зўр муҳаббат билан тасвирлаган.

Хитой хоқонининг яккаю ягона ўғли Фарҳодни отасининг давлати-ю мансаби заррача қизиқтирмайди. Тожу тахт, шоҳ бўлиш орзуси унга бутунлай ёт бўлиб, хунарманд бўлиш иштиёқида ёнади ва отасини ранжитиб бўлса-да, мерос — тожу тахтни рад этади. Ота ўғлининг маъюс аҳволини кўриб, унга қаср солдиришга қарор қилади. Фарҳод қаср бунёдкорлари бўлмиш Моний, Боний каби моҳир

усталар ёнидан кетмай, улардан тош йўниш, нақш йўиш ҳунарларини мукамал ўрганиб олади.

Бир куни у отасининг сандиғида бир суратни кўриб, унга ғойибона ошиқ бўлади ва арман мамлакатининг маликаси бўлмиш Ширинни ахтариб, йўлга чиқади. Кўп азиятлар чекиб, гоҳ қуруқлик, гоҳ денгизу дарёлар оша Арман мамлакатига етади. Бу сафарида кемада танишиб қолган дўсти — эронлик йигит Шопур унга ҳамроҳлик қилади. Арман мамлакатининг подшоси Меҳинбону кимда-ким Арманистон сарҳадига сув чиқарса, жияни Ширинни шу кишига никоҳлаб беришга ваъда қилганини эшитиб, Фарҳод дарҳол ишга киришади. Ўзи учун қурилган қасрда усталар билан баб-баробар ишлаб, уларнинг ҳунарларини эгаллаган Фарҳод тош кесувчилик, йўнувчилик санъатини ишга солиб, саҳрога сув чиқаришга эришади ва довруғи ҳамма ёққа тарқалади.

Ёш малика Ширин қўли гул моҳир тошкесар йигитнинг ишини кўргали келиб, ўз аксини тошга йўниб ишлаган Фарҳодга қойил қолади ва унга кўнгил кўяди... Воқеанинг давоми «Фарҳод ва Ширин» достонини ўқиган, шу асосда яратилган кино ва драматик асарларни кўрган кишиларга яхши маълум.

Бу ерда гап Фарҳоднинг севгиси, дўстона муносабати ва бошқалар хусусида эмас, балки шоҳ ўғли бўлатуриб, ҳунар эгаллашни ҳаётининг маъноси деб билган, бу билан ўз йигитлик шаънини юксак даражага кўтарган ва халқ дилида абадий қолган меҳнаткаш, оқилу фозил инсон хусусида боряпти. Отанинг давлату мансаби, ҳатто тожу тахти ҳам ҳеч қачон ҳеч кимга вафо қилмаган, бошига бир мушкул иш тушса бойлигу давлат бу мушкулотдан қут-

қариб қололмаслиги, фақат ўз кучи, билими, ақлу идроки, қолаверса, садоқатли дўстлари-ю ўрганган ҳунаригина кишини ҳар қандай офату балолардан асраб-авайлаб қолиши муқаррарлигини ҳозирги ёшларимиз, хусусан ўқувчиларимиз Фарҳод тимсолида онг ва шуурларига мустаҳкам ўрнаштириб олишлари ва амалда бунга риоя этишлари ниҳоятда зарурдир.

XIV боб. МИЛЛИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА МЕЗОНЛАРИ

Испаниялик бир файласуф олим бутун умрини жаҳон халқларининг урф-одатларини, ахлоқ-одобини ўрганишга, тадқиқ қилишга бағишлаган экан. Иттифоқо, ўша олим бизнинг юртимизга ташриф буюриб, Тошкент, Самарқанд, Бухорода бўлибди. Юртига қайтиб боргач: «Ҳозиргача ўрганган, тадқиқ қилган барча ишларимни ўн беш ёшли ўзбек қизалоғининг ўрнидан туриб, қўлини кўксига қўйганча чой узатишдаги одобига, назокатига алмаштиришга рози эдим», деган экан. Биз шундай юксак одобни, маданиятли халқнинг фарзанди эканлигимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди, албатта.

Дарҳақиқат, халқимиз азал-азалдан ахлоқий фазилатларга бой бўлган. Ота-боболаримиз фарзанд ўстирар эканлар, уларнинг хулқ-атворларига, гап-сўзларига, кишилар олдида ўзларини қандай тутиб, нималар ҳақида фикрлашиб, ўз мақсадларини қандай сўзлар билан тушунтиришларига катта аҳамият беришган. Улар фарзандларининг кўрслик қилиши, катталар суҳбатига аралашиши, ножўя ишларига зинҳор-базинҳор йўл қўймаганлар. Бу нарсаларга фарзанд тарбиясининг энг муҳим томони деб қараганлар.

Аммо, минг таассуфки, яқин тарихимизда шарқона тарбия, ахлоқ-одобнинг минг йиллик тажрибаларидан «эскилик сарқити» деб воз кечдик, ўзлимизни унутаёздик. Ахлоқсизлик, ҳаёсизлик, ичкиликбозлик, қадимий меросимиздан нафратланиш асосига қурилган «янги ахлоқ» зўрлаб тарғиб қилинди. Бу «оврўпача одоб»нинг самарасини, халқимиз бошига солган кулфатларини, маънавиятимизга етказган зарарларини бугун ҳаммамиз кўриб турибмиз.

Шарқона одоб минг йиллар мобайнида исломий тарбия қоидалари асосида таркиб топиб, такомиллашиб борганлиги тарихдан маълум. Чунончи, Қуръони карим оятлари мазмуни, Пайғамбар алайҳиссалом ҳадислари, шарқ алломалари ва файласуфларининг китоблари тарбиямизнинг манбаи бўлиб хизмат қилган.

Исломий тарбия мусулмонлар ҳаётининг барча қирраларини, ҳатто майда жиҳатларигача қамраб олган. У гўдакларни эмизишдан тортиб, қандай кийинтиришгача, овқатланиш одобидан тортиб, кўча-кўйда, катталар қошида ўзини қандай тутиш лозимлигигача барча жиҳатларни ўз ичига олган. Энг асосийси, исломий одоб фарзандларнинг ҳалол, пок, меҳнаткаш, илмга интилувчи, катталарни, айниқса, ота-онани ҳурматлаш руҳида тарбиялашни шарт қилиб қўйган.

Жаноби Расулulloҳ ҳадисларида: «Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга ахлоқ-одобини ҳам яхшиланглар!», «Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос бера олмайди», дейилган. Яна бир ҳадисда эса: «Мўмин кишига берилган нарсаларнинг энг яхшиси чиройли хулқдир», дейилгани бежиз эмас. Бобокалонлари-

миз ҳамиша баркамол инсон шахсини тарбиялашга интиланлар ва ўз фарзандлари, маҳалла ёшлари ва бутун жамиятнинг тарбияли бўлиши учун курашганлар. Ёшларни тарбиялашда «Менинг болам», «Сенинг боланг» деб ажратишмаган. Тарбия бериш ҳаммининг виждоний бурчи деб қаралган.

Одамзод дунёга келибдики, мудом мукамал тимсол ахтаради, комилликка интилиб, руҳий нажот йўлини қидиради. Шу орзу-интилиш самараси ўлароқ, маънавият бобида беқиёс кашфиётлар қилинган.

Комил инсон ҳақидаги таълимот инсонни юксак камолатга етишини кўзда тутди. Комиллик бу — инсоннинг Ерда қилган ҳамма ишлари маънавий эътиқод билан суғорилишидир.

Ўзбек халқи ўз маданияти ва маънавиятида комил инсонларни вояга етказишга катта эътибор берган. Бунинг натижасида асрлар давомида ақлу заковатга, қомусий билим ва қобилиятга эга бўлган Аз-Замахшарий, Абурайҳон Беруний ва Ал-Форобий, Абу Али ибн Сино ва Ал-Хоразмий, Амир Темури ва Улуғбек, Алишер Навоий ва Бобур, Огаҳий каби комил инсонлар етишиб чиқди ва оламга танилди. Улар туфайли халқимиз мағрур яшади, меҳнат қилди, доимо ҳуррият ва эрк сари интилди.

Бизга маълумки, Абу Али ибн Сино буюк қомусий олим сифатида тиббиёт, риёзиёт (математика), фалакиёт, физика, кимё, биология, доришунослик, руҳшунослик, физиология, филология, фалсафа, ахлоқ, эстетика ва бадантарбия каби кўплаб фанларнинг етук билимдони бўлган. Унинг ақл-заковати, яратган асарлари Ўрта Осиёдагина эмас, балки Шарқ ва Фарбий Оврупо мамлакатла-

рида ҳам ҳурмат билан тилга олинади. У ҳар томонлама комиллик даражасига етган улуғ инсон бўлган. Абу Али ибн Сино йигирма тўрт ёшида илмларнинг ҳаммасидан хабардор бўлиб, Бухорода олимлар билан бўлган баҳсда уларни мот қилганлиги маълум. Бундай муваффақиятга олим камолатга эришганлиги туфайли муваффақ бўлган эди.

Абу Али ибн Сино ўз ҳаёти ва фаолияти давомида доимо эзгуликка интиланган комил инсон бўлган. Унинг номи ва асарлари ҳамиша тиллардан-тилларга, диллардан-дилларга ўтиб юраверди.

Инсон комилликка интилар экан, зинҳор бу интилишнинг охирига ета олмайди. Шу боис, мен комилман, камолатга эришдим, деган одам хато қилади. Инсон ўз фаолияти мобайнида, нуқсон ва камчиликларга ҳам йўл қўяди. Аммо шу нуқсону камчиликларни тушуниб, тузатиб, уларни такрорламасликка ҳаракат қиладиган киши баркамол инсондир. Бу ҳақда Алишер Навоий шундай деган:

*Ноқис улдирким, ўзин комил дегай,
Комил улким, нуқсин исбот айлағай.*

Инсон камолатига чек-чегара йўқ. Муттасил камолат сари интилмоқ — тараққиёт боисидир.

Киши умрини баланд ҳиммат билан бойитмоғи шарт. Юксак мақсадлар сари интилмоқ, инсониятга наф етказиб яшашни ҳаётининг мазмуни деб билмоқ-ҳиммат баландликдан нишонадир. Алишер Навоий бу хусусда бундай деган:

*Бировким, анга ҳиммат ўлди баланд,
Эрур олам аҳли аро аржуманд
Ани, анга муфлисски йўқ ҳиммати,
Чу йўқ ҳиммати, йўқ анинг ҳурмати.*

Ўтмиш маънавий меросимиз комил инсон гоёси билан чароғон. Ҳазрат Алишер Навоий дostonларининг ҳар бири комилликнинг ўзига хос мезонидир.

Дарҳақиқат, Навоий асарларининг ҳар бир саҳифаси, мисраси ва хулосасида ана шу мезон зўр куч билан ташвиқ этила боради. Чунончи, буюк шоирнинг «Арбаъин» асарида қуйидаги ҳикмат, айниқса, муҳимдир:

*Эл аро яхшироқ, дединг, кимдур,
Эшитиб шубҳа айла раф андин.
Яхшироқ бил ани улус ароким,
Етса кўпроқ улусга наф андин.*

Яъни, эл орасидаги энг яхши одам — улусга (халққа) кўп фойда етказган кишидир.

Зеро, комил инсоннинг бундан кўра таъсирчанроқ ташвиқини топмоқ қийин.

Маълумки, Навоийнинг идеал қаҳрамони — Фарҳоддир. Бу қаҳрамоннинг феъл-атворида, юриштиришида, фаолиятида мукамал инсонга хос фазилатларнинг барчаси жамулжам. У илму ҳунарни беҳад муҳаббат билан ўрганади. Меҳнатсеварлик, инсоф, ҳалоллик, камтаринлик, ҳиммат ва мурувватпешалик, фидокорлик, покиза табиатлилиқ, отаонага ҳурмат, тахту-тож, давлат ва бойликка бефарқ қараш, хуллас, баркамол инсонга хос нимаики сифат бўлса, ҳаммаси Фарҳодда мужассам эди. Шунинг учун эл, халойиқ Фарҳодни гоёят севади, туну кун уни дуо қилади. Шоирнинг ўзи эса унинг олий фазилатларини мана бундай таъриф этади:

*Демонким, кўнгил пок ҳам кўзи пок,
Тили поку сўзи поку ўзи пок.
Анингдек тийнати покига лойиқ,
Дуосин айлабон поки халойиқ.*

Инсон коинотдаги барча мавжудотлар ичида ҳаммадан улуғи ҳисобланади. Унинг камолати олдида ақл ҳайрон қолади, чунки, инсон ҳақиқат ҳақида чуқур ўйлайди. Камолат йўлига чиқиш учун у аста-секин ўзлигини излайди, оламини танийди. Алишер Навоий «камол эт касбким» дея даъват қилганларида комиллик учун зарур жуда кўп хусусиятларни назарда тутган. Киши ўзини ҳирс-таъма, нафс, гафлат, нодонлик сингари майллардан покламаса, у ҳеч пайт комил бўла олмайди. «Олам уйи»да яшаш — унинг фуқаросига айланишдир. Алишер Навоий инсоннинг жаҳон фарзанди мавқеига кўтарилишини хоҳлаган. Худди шу мавқени эса камолатнинг олий чўққиси деб билган.

Навоий ўз даврида комил инсонларни «аҳли маъни» деб билган. «Аҳли маъни» бу фикрли одамлардир. Фикрсиз халойиқнинг онгида маъни чуқурлиги бўлмайди. Фикрлаш — ҳақиқатни англашдир. «Аҳли маъни» деганда оқил ва доно, камтар ва олижаноб, ҳақиқатпарвар ва фидоий кишиларни тушуниш керак. Бундай фазилатларга эга бўлган кишиларнинг тафаккур қилиши кенг бўлади.

Чунки уларда ақл оддий сўз ва тушунчалардан эмас, балки диёнат, адолат, инсоф, иймон, ишқ дард туҳфаларидан камол топган бўлади.

Алишер Навоийнинг фикрича, аҳли маъни, яъни маънили кишилар маънавиятли етук шахслардир. «Ҳайрат ул аброр» достонида етук шахснинг маънавиятидаги яхшилик, саҳоват, софлик, ҳаё, мурувват, андиша, адаб, камтарлик, садоқат, қаноат, ростгўйлик, бағри кенглик сингари фазилатлари таърифланиб, руҳий камолат йўллари таҳлил этилган.

Навоийнинг фикрича, ёш авлодни камолатга етказиш деганда, уни халқпарвар, билимли, энг яхши

фазилатларга эга кишилар қилиб етиштириш англашилади. Бунда тарбия етакчи роль ўйнайди шу билан бирга Навоий тарбия таъсирига берилувчи, қобилиятли ўқувчи болалар бўлгани сингари, ёмон хулқли болалар ҳам борлигини, уларни тузатиш мумкинлигини айтади. Бола шахсининг камолатида тарбиянинг юксаклигини қайта-қайта таъкидлайди.

Инсон гўзал хислатлар, яхши фазилатлар, нурдек покиза умид-ниятлар билан комилликка — камолатга интилиб боради. Ҳаётнинг ҳамма аччиқ-чучугини, роҳату азобини, меҳнату машаққатини тотиб, булардан намунаю ибрат олиб, яшаш ва яратиш иқтидорига эришади; инсон мингларча йиллар мобайнида бошидан кечирган барча тажриба-сабоқларидан хулоса чиқариб, мунаввар йўлга чиққан.

Дунёда инсонга туҳфа этилган ақл неъматини шундай қудратли кучки, у билан одам ўзини истаган ҳолатда тарбия эта олади, ҳар қандай азоб-машаққатни, ҳар қандай ёмонликни, энг мураккаб муаммоларни ҳам ақл неъматини билан енгади ва ҳал этади. Руҳий камолат одам қалбида эзгуликнинг юксак кошонасини яратади.

Ақл-заковатнинг камоли ўқиш, ўрганиш, таҳлил этиш, идрок қилиш, эътиқод қўйиш, ҳаёт тажрибасини эгаллаш билан рўёбга чиқади. Ёш ниҳолнинг басавлат дарахтга айланиши парваришга боғлиқ бўлганидек, одам боласининг комил инсон бўлиб етишиши учун уни мурғакликдан тарбиялашга эътибор бериб бориш лозим.

МИЛЛИЙ, ШАРҚОНА ТАРБИЯ МЕЗОНЛАРИ

Давлатимиз собит қадамлар билан ўз тараққиёт йўлидан бормоқда. Бу йўл — миллий хусусиятлар,

қадриятларни тиклаш, сақлаш, ривожлантириш, миллий гуруримизни уйғотиш, ватанпарварлик ва умуминсоний қадриятларга асосланган мафкура негизида камолатга эришиш йўлидир. Бу эса, ўз навбатида, собиқ шўро тарбия назариясида ўрганилиши мумкин бўлмаган миллий одоб, миллий эътиқод, иймон-диёнат каби инсоннинг бутун миллий хусусиятига бевосита боғлиқ фазилатларни ёш авлоднинг шахсий сифатларига айлантиришни долзарб вазифа қилиб қўйди.

Шу тариқа юқоридаги фазилатларни шакллантиришни ўз ичига олувчи янги педагогик йўналиш дунёга келди. Дарҳақиқат, миллий тарбия — Ўзбекистон миллий мустақиллигининг педагогик мақсади ва шартидир.

Миллий тарбия Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш ва амалга оширишга тайёр фарзандларни тарбиялаб вояга етказишга хизмат қилади.

Бу мақсадга эришишнинг ўзига хос назарий муаммолари бор. Шулардан бири — миллий тарбия назариясининг асосий қоидалари ва илмий тушунчалари яратилмаганлигидир. Иккинчи муаммо — «Ўзбекистон мустақиллигини амалга оширишга, мустаҳкамлашга тайёр фарзандлар қандай фазилатларга эга бўлиши керак?» деган саволга аниқ, тажрибада асосланган жавоблар олиш масаласидир. Буларнинг барчаси Ўзбекистон мактабларида миллий истиқлол тарбиясининг мезонларини илмий асослаш заруратини вужудга келтирмоқда.

Ўзбекистон мактаблари ўқувчиларини миллий тарбиялаш мезонлари мустақиллик туфайли янада долзарб аҳамият касб этган шахснинг миллийлигига бевосита алоқадор бўлган фазилатларни сингдириш тамойилидан келиб чиқиб белгиланади.

Миллий тарбия мезонларини белгилашда мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий буюртмаси бўлмиш ижобий сифатлар: миллий ифтихор, ватанпарварлик, миллатлараро мулоқот маданияти, миллий одоб, виждонийлик, иймон-этиқод, миллий истиқлол мафкуравий онгини ривожлантириш зарур. Уларнинг акси бўлган салбий сифатлар: миллий бепарқлик, ватанфурушлик, хоинлик, манқуртлик, миллатчилик, маҳаллийчилик, виждонсизлик, мафкурасизлик кабиларга нафақат уйғотиш даркор. Бу ишларни бир-бири билан узвий боғлаб олиб бориш ўқитувчи-тарбиячи томонидан махсус мезон қилиб олиниши керак.

Миллий тарбия мезонларини белгилашда ўқувчиларнинг ёш, ақлий имкониятлари эътиборга олинади. Қуйида бошланғич синф ўқувчисининг миллий тарбияланганлик кўрсаткичлари ва мезонлари қандай бўлишининг тахминий намунасини келтирамиз.

Ўзбекистон — Ватаним менинг. Ўзбекистоннинг табиий, маънавий, жуғрофий ва миллий хусусиятини англаш; ўлканинг ўтмиши, ҳозирги ҳаёти ва келажаги ҳақида тушунчаларга эга бўлиш; Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг қаҳрамон фарзандлари хизматларини билиш; Ўзбекистон Давлат рамзларини билиш.

Миллий гурур асослари. Ўзининг ўзбек миллатига мансублигини англаш; «ўзбек халқи» тушунчасининг маданий моҳиятини тушуниш, ўзини ўз миллатининг фарзанди деб билиб, миллий бурчларини англаш; она тилини чексиз севиш, шу тилда тўғри сўзлаш ва фикрлаш.

Миллий одоб. Аввал саломлашиб, кейин сўз бошлаш; ўзбек халқида «яхши», «ёмон» деб баҳоланув-

чи хулқ намуналарини билиш, барчани «сиз»лаш, ўзидан катта ва кичикларни иззатлаш, дўстлик бурчларини билиш; устозларни эъзозлаш муносабати, уят сўз, сўкинишга, одобсизликка салбий муносабат билдириш.

Виждонийлик. Бирор ишга қўл уришдан аввал «Бу илмга одамлар нима дейишаркан?» деган мулоҳаза ва андишага бориш, ростгўйлик, яхши хулқ ва ёмон хулқнинг фарқларини тушуниш, яхши хулққа ижобий, ёмон хулққа салбий муносабатини билдириш, кўнглидаги гапни очиқ айтишга ўрганиш.

Шу тушунчалар моҳияти очиб берилиши лозим.

ВАТАННИ СЕВМОҚ ИЙМОНДАНДИР

Ота-боболаримиздан қолган меросий анъаналардан бири — ўзи туғилиб ўсган ватанига, хонадонига, эл-улусига чексиз иззат-эҳтиром туйғусидир. «Ўзга юртнинг султони бўлгандан кўра, ўз юртнинг гадоси бўл» деган гаплар ҳам донолардан қолган. Аждодларимиз ўз эл-юртларининг чинакам фидойилари, ўз ватандошларининг муҳибу меҳрибонлари бўлганлар. Киндик қонлари томган тупроқнинг бир сиқимини ўзга юртнинг олам-олам бойлигию беҳисоб зарларига алмаштирмаганлар. Бу одат ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетганки, у ўз гўшасини ҳеч қачон ўзгаларнинг қасру кошоналарига алмаштиришни раво кўрмайди, «Она юртнинг — олтин бешигинг», «Ўз уйим — ўлан тўшагим», дея бор меҳру муҳаббатини ўз юрти, ватани, уйи, хонадони аҳлига улашиб, гоҳ тўқлик бўлсин, гоҳ йўқлик бўлсин, шукур қилиб яшайверади.

Мана бу фазилатни ватанни севиш, ватанпарварлик, дейилади.

Ўзбек халқ оғзаки ижодида, фольклорнинг катта-кичик жанрларида, яъни митти мақоллардан тортиб, йирик эпик асарлар — қаҳрамонлик, ишқий, романтик дostonларда бош мавзу юртсеварлик оҳанглари бўлиб келган. Дарҳақиқат, Ватан йўлида фидойилик кўрсатиш фазилати ва халқ характери, у тарбиялаган баҳодирлар хатти-ҳаракатларида алоҳида кўзга ташланади. Фольклор намуналарида таъкидланишича, бир сиқим муқаддас она тупроқ узоқ ўлкага отланган баҳодирни ҳатто шунқор учиб ўтолмайдиган тоғлардан, асов дарёлардан, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куяйдиган чўлу саҳролардан олиб ўтади, душманлар ҳаммасидан сақлаб қолади, мақсадга етказди ва она юртига соғ-омон қайтаради.

Ўзбек халқ дostonларида она диёрнинг бебаҳотимсоли яратилганлиги уларнинг гоёвий мазмуни янада чуқурлаштирган. Дoston қаҳрамонлари учун она диёрдан ортиқ муқаддас жой йўқ, улар ўз юртлари иштиёқида ёнадилар, азиз юртнинг бир қарич ери, бир сиқим тупроғи учун жон олиб, жон берадилар. Бу хусусият, айниқса, «Гўрўғли» дostonларида жуда кучли намоён бўлади. Халқ баҳодир Гўрўғли тилидан шундай дейди:

*Юртга душман кўз олайтирса,
Қараб турмас йигит марди.*

Ёки:

*Юртни қўриди душман эллардан,
Ёвлар келса тайёр эди Гўрўғли.
Халққа душман Гўрўғлининг
душмани,
Уларни қийратар эди Гўрўғли.
Ўз вақтида ман-ман деган шохларни,*

*Ушлагандан отар эди Гўрўғли.
Элга ғаним қўшин тортиб келганда,
Шунда жонин тиккан эди Гўрўғли.*

Бу термадаги ғоя «Гўрўғли» туркумидаги дostonларнинг бутун моҳиятини белгилайди, дейиш мумкин. Уларда яратилган афсонавий Чамбил эли тимсолида кенг маънодаги диёр — юрт образи ҳар томонлама мукамал яратилади. «Гўрўғли» дostonларининг асосий мавзуларидан бири — юртсеварликни чуқур очишга қаратилгандир. Шу она юрт образи орқали бахшилар кишиларда ватанпарварлик, юртни чуқур сева олиш туйғуларини шакллантириб, уларни тобора ривожлантирганлар.

Халқ мақолаларида ҳам бу ғоя ўз аксини топганлигининг гувоҳи бўламиз:

*Булбул чаманни севар,
Одам — Ватанни.
Она юртинг омон бўлса,
Ранги-рўйинг сомон бўлмас.
Элдан айрилгунча, жондан айрил.
Ўзга юртинг данғиллама саройидан,
Ўз юртингнинг кулбаи вайронаси яхши.
Юрт қўрисанг ўзарсан.
Қўримаснг тўзарсан.
Юрти бойнинг ўзи бой.
Юрт билан бўлган етар муродга,
Юртдан айрилган қолар уятга.*

Халқ оғзаки ижоди асарларида энг таъсирли, энг ширин сўзлар Ватанни севувчи, унинг ташвишини ўзининг ташвиши, унинг қувончини ўзининг севинчи деб билувчи, она диёр шаъни учун курашувчи кишилар шарафланади, энг ёмон сўзлар ва қора бўёқлар салбий образларга нисбатан қўлланади.

Халқ наздида ҳар қандай гуноҳни кечириш мумкин-у, аммо, ватан хоинини кечириб бўлмайди.

Боболар айтадиларки:

— Ўз ватанини севмаган одам — ёмон одам.

Кимда-ким ўз она диёрининг замини-ю, оқар сувларини, кимсасиз чўллари-ю, дала-даштларини қалбдан сева олса, ундай одам кам бўлмайди, завол кўрмай камол топади. Ватан хоини эса халқ қаҳр-ғазабига учраган кишидир. Вақти келиб унга ҳатто бир қарич ер ҳам, кафан ҳам буюрмайди. «Бир сиқим она ер тупроғи бир ҳовуч олтиндан қиммат», — деб бежиз айтилмаган.

— Ўз ватанингни, миллатингни севолсанг, уни қадрлай олсанг, ўзгалар юртини ҳам сева оласан. Ўз уйинг, ўз қишлоғинг, ўз шаҳаринг, ўз она-диёринг фидойиси бўла олсанг, қардошинг ватани учун ҳам жонкуяр бўла оласан.

Кишиларимиздаги она-Ватанни севиш, унинг йўлида фидойилик кўрсатиш туйғуси, айниқса фашизмга қарши уруш даврида бутун дунёни қойил қолдирди. Қалбида она-Ватан туйғуси жўш урган минглаб ўзбек ўғлонлари фашист каллакесарларга қақшатқич зарба бериб, чексиз фидойилик ва матонат намуналарини кўрсатдилар, ўз номларини абадий шарафга буркадилар.

Ватан туйғуси ҳар кимнинг қонига она алласи, болаликда эшитган шеър, қўшиқлари билан киреди. Ватанпарварлик туйғуси гўдакликдан бошлаб шаклланса у сўнгги нафасгача боқий бўлади. Ватан ва ватанпарварлик ҳиссини, миллат туйғусини ҳар бир ўзбек фуқароси чуқур англаши, айниқса ўзбекистонлик бўлганидан, шу юртга дахлдорлигидан фахрланиши лозим.

Ватанпарварлик — бу Ватанимиз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурмат билан қараш ҳамда уни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиш, унинг ҳақиқий жонкуяри бўлишдир.

Ватанпарварлик — бу Ватан олдидаги масъулият, миллат манфаати билан яшаш, Ватан тараққиёти, миллат обрўсига обрў қўшиш, унга фойда келтириш, фидойилик, ҳалоллик билан меҳнат қилиш, халқнинг шон-шухрати ва манфаатини ўйлаш, инсонпарвар бўлиш демакдир.

Она-юрт тупроғи шу қадар муқаддаски, уни дунёдаги ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайди. Ночору ноилжликдан охирги чора излаб, ўзга юртларга бош олиб кетган юртдошларимиз бизлардан анча бой, фаровон яшасалар-да, барибир, ўша бойликлардан келган бахту саодатнинг бир чеккаси кемтик эканлигини чуқур ҳис этиб турадилар. Бу ўз она-ватанининг бир сиқим тупроғига зорлик, қачон бўлмасин ўзи учирма бўлган хонадонига қайтиб, ўз тупроғига қоришиб кетиш илинжидир. Ватан шу қадар азиз, шу қадар мўътабарки, ундан бир қадам йироқ кетган киши буни яхши билади.

Ватандан узоқда — буюк империяни вужудга келтирган, шоҳлик салтанатида нашъу намо сурган Заҳириддин Муҳаммад Бобур она юрти Андижонни лоқал бир бор кўриш орзусида ҳасрат-надоматлар чекиб оламдан кўз юмган бўлса, эл севган шоир Фурқат киндик қони тўкилган Қўқондан йироқ яшаш азобини шундай таърифлайди:

*Фифонким, гардийи даврон, айирди шаҳ суворимдин,
Гамим кўп, эй кўнгил, сен беҳабарсан оҳу зоримдин.
Адашган ит каби Фурқат қаён борғум билолмасман,
Қачон бўлғайким, топгаймен, хабар ёру диёримдин.*

Ватан меҳри, ватан ишқи шу қадар буюк. Унга бўлган меҳр инсон қалбига шу қадар муқим ўрнашганки, ҳеч қандай куч бу туйғуни зўрлик билан ситиб чиқаролмайди. Хусусан, бизнинг аجدодларимизда бу туйғу кўнгил тубида жуда чуқур томир ёйган. Уларнинг авлодлари ҳисобланмиш бизларга ҳам, бу туйғу теран сингиб кетган.

ТАРБИЯДА МИЛЛИЙ УДУМ ВА ОДАТЛАР

Тарихнинг гувоҳлик беришича, ҳар бир халқ ва миллат ўзларининг энг ибтидоий давридан, яъни уруғчилик даврдан бошлаб, ўзлигини намоён қилишга, миллийлигини сақлаб қолишга ва уни тобора ривожлантириб боришга ҳаракат қилиб келганлар. Тарбиянинг бундай кўринишлари ва унинг ўзига хос шакллари хилма-хилдир. Шу ўринда миллий қаҳрамон Спитаменнинг ватанпарварлик йўлида олиб борган мардонавор курашлари юқоридаги фикримизга далил бўла олади.

Илм-фанда мўъжизалар яратган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний ва бошқа кўплаб аجدодларимиз қайси заминда яшамасин, қайси тилда асарлар яратмасин, ўз элини, урф-одатларини унутмаганлар, доимо «ўзбек» деган номни улуғлаганлар.

Миллий анъаналаримизни ўрганишда Маҳмуд Кошғарий ва Юсуф Хос Ҳожиб сингари машҳур сиймолар хизматлари ҳам беқиёсдир.

Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдулғози Баҳодирхон, Нодирабегим, Усмон Носир, Абдулла Қодирий каби ёрқин сиймоларнинг саъй-ҳаракатларини айтмайсизми?! Ҳақиқатан ҳам, бу давр

эл-юртимиз тарихини, маданиятини ва санъатини ўрганишнинг олтин даврини ташкил этади. Урф-одатлар, маросим ва удумлар ўз-ўзича бошқа халқлар маънавиятидан айрича тараққий этмаган албатта. Аксинча, миллий анъаналаримиз қардош-қозоқ, қирғиз, туркман, тожик ва озарбайжон халқларининг таъсирида яратилган, тараққий топган.

Ҳар бир халқнинг ана шу улкан маънавий қадриятлари чуқур томир отиб кетган ўқ илдизлари билан жаҳон маданиятида ўзига хос ўрин тутди.

Туркистон қадим-қадимдан ҳунармандчилиги, пазандачилиги, деҳқончилиги, илм-фани, санъати ва адабиёти, бир сўз билан айтганда маънавияти юксаклиги жиҳатидан оламга машҳурдир. Меҳнатсеварлик, ерга меҳр қўйиш, касбига ихлос, меҳмондўстлик, меҳр-шавқатлилиқ, одамгарчилиқ, ота-онага ҳурмат, катталарни сийлаш, ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғлар ўртасидаги меҳр-оқибатлилиқ, пешона тери эвазига топилган ризқ-насибасига қаноат қилиб яшаш, бева-бечораларга мурувватлилиқ халқимизга хос одатлардир. Бу урф-одат, анъана ва маросимларда халқимизнинг қатор ноёб фазилатлари; инсонпарварлик хислатлари мужассам.

Одат — халқларнинг ички муносабатларини тартибга солувчи мезон ва анъаналар мажмуаси. «Одат» сўзи удум, урф, анъана ва маросим тушунчалари ўрнида қўлланилади.

Маросим эса одатнинг амалий кўринишидир. Ўзбек халқи жуда ҳам бой хилма-хил одат ва анъаналарга эга.

Мллий урф-одатлар, анъаналар тарихий-ижтимоий категория бўлиб, улар муайян миллатнинг

тарихий тараққиёти' жараёнида авлоддан авлодга ўтиб келган ишлаб чиқариш, тирикчилик, маишат, хулқ-атвор ва бошқаларда ўзига хосликка эга бўлиб, расм-русумга айланган муносабатлардир. Урф-одатлар асрлар давомида яшаб, кишиларнинг ахлоқий нормаларига айланган ҳолда, уларнинг қон-қонига, хатти-ҳаракатига, кундалик турмуши шаклларига сингиб кетади.

Кишиларнинг ўз халқи урф-одатлари ва анъаналарига амал қилмасликлари халқ қадриятларини билмасликка олиб келади. Чунки ҳар бир миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз негизида миллий руҳ, маънавият, қадр-қиммат қаби улуг инсоний фазилатлар ётади.

Ўз қадр-қимматини билиш кишини худбинликдан сақлайди, ўзини бошқалар томонидан камситилишига йўл қўймайди. Шунингдек, ўз қадр-қимматини, иззат-нафсини ҳурмат қиладиган инсон ўзгаларни хўрламайди, у фақат яхшилик қилишни ўйлайди.

Инсон боласи ёшлигидан яхши ва ёмон одатларнинг қайсинисига кўникиб, ўрганиб қолган бўлса, бу одат уни бир умр тарк этмайди. Шунинг учун ҳам халқимизда «Ёшликда ўрганган ҳунар, ўзингга ўлжага қолар» қаби мақоллар бор.

Қуйида тарбиявий аҳамиятга эга халқ удумлари, урф-одатларидан айримлари устида фикр юритамиз.

ФАРЗАНД КЎРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛГАН УДУМЛАР

Ислом дини таълимотига кўра фарзанд кўрган ота-она зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилади: туғилган бола қулоғига азон айттириш, унга муносиб исм қўйиш, жонлиқ сўйиб ақиқа қилиш, ўғил бўлса қўлини ҳалоллаш, ахлоқ-одоб, илм-

ҳунарга ўргатиш, бўйга етганда муносибига уйлаш, узатиш-бошини иккита қилиб қўйиш кабилардир. Одатга кўра ота-боболаримиз таваллуд топган боланинг қулогига биринчи навбатда бир мулла чақриб, азон айттирганлар.

Бобокалонимиз Абу Али ибн Сино гўдак чилласи тўғрисида минг йил бурун айтиб кетган фикрлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Таваллуд топган чақалоқ тўнғич фарзанд бўлса, бозордан бешик сотиб олинади. Одатда бешикни келиннинг ота-онаси олиб келишади. Иккинчи ёки навбатдаги фарзанд туғилган бўлса, опа-акасининг бешигига беланади.

Мустаҳкам, қулай, хосиятли битта бешик бир оиладаги ўн фарзанднигина эмас, уч-тўрт авлодни тарбиялаб, вояга, етказиши мумкин. Ўзбеклар, тожикларда бобоси, отаси ётган бешикда парвариш топган болалар бор. Ёш оналар ихлос қўйиб, мана шундай хосиятли, кўҳна бешикларда ўз чақалоқларини боқишни афзал кўрадилар. Ўзбек шунинг учун бешикни муқаддас билиб, уни ҳеч қачон чақалоғи бўлмаса ҳам ташлаб юбормайди. Ҳамиша ўзи, оиласи билан бирга олиб юради.

Бешик бор жойда бола бўлади. Бола бор жойда алла айтилиши табиий. Оналар қадимда ўз болалари бешиги тепасида кечаси бўлсин, кундузи бўлсин, алла айтиб келишган. Аллаларда халқ турмушининг жуда кўп қирралари ўз инъикосини топган. Алла ўз оҳанги билан болага она нафасини етказиб туради. Гўдакни хотиржам қилади, элитади, ором олиб ухлашига имкон беради.

Аллаларга оналар ўз ҳис-туйғулари, орзу-армонлари, истак-ниятларини, дард-ҳасратларини ҳам қўшиб айтганлар. Алла тарбиявий, дидактик, анъанавий ижод намуналаридан иборат бўлган. Алла

тинглаган бола онага меҳрини сут билан ўз шуурига сингдиради. Алла инсон онг қатламларида бир умр мунгли, ҳазин, нурли қўшиқ бўлиб сақланиб қолади. Алла эшитмаган болада бу хусусиятлар бўлмайди. Алла нафақат онанинг болага меҳри, балки боланинг онага меҳр-оқибатининг ҳам манбаидир.

Болага муносиб исм танлаш ва қўйиш ҳам азалий одатдир. Халқ орасида одам боласи ўз хулқатвори, феъли ва шу жумладан, исми билан билинади, деган гап бор. Ота-оналарнинг энг муҳим бурчларидан бири ўз фарзандларига муносиб номни топиб қўйишдан иборат.

Болага исм қўйиш ғоятда жиддий, масъулиятли удум саналиб, бу исм бўлажак фуқаронинг келажак тақдири — ҳаёт йўлига таъсир қилади, деб тушунилган. Шунинг учун ҳам уруғ, касб-кор-у сулола мавқеига мос исм қўйиш тақозо қилинган.

Аввало исмлар мавруди билан худо ва пайғамбарларнинг номлари асосида Расул, Акбар, Наби, Фани, Муҳаммад сингари аталган. Бу билан фарзанд оллойи таолонинг марҳаматидан дунёга келди, умри узун бўлсин, худо ёрлақасин, деган ният қилинган. Худойберди, Оллоберди, Тангриберди сингари исмлар аксарият пайтларда қизлар орасида туғилган ягона ўғил болага, тилаб олинган фарзандларга қўйилган. Бола туғилган фасли, вақти ва маросим даврига қараб: Баҳор, Наврўз, Тўйчи, Чўли, Байрам сингари номлар билан аталган.

Чақалоқнинг оиладаги ўрнига қараб Эргаш, Ўғилой, Кўчқор каби номлар берилган. Бадан белгиларига қараб Холдор, Ортиқ, Қудрат, Суннат, Нортожи деб қўйилган.

Туғилган қизларнинг қадами хайрли келсин деган ниятда Муборак, Муқаддас, Шарофат, Хай-

ринисо, Умринисо, Робия, ой-қуёшдек бўлсин дея Мунаввар, Шамсиқамар, Ойпари, Ойгул аталган. Гулу чечаклардек нафис, муаттар ва ёқимли бўлсин деб Гулранг, Гулчеҳра, Наргиз сингари исмлар қўйилган.

Кўпинча боланинг қайси кунда туғилганлиги ҳисобга олиниб, унга исм танланган. Бозорвой, Тўйчивой, Хайитвой, Жумавой, Чоршанба сингари номлар ана шундайлардан ҳисобланади.

Исм қўйиш одатида ўғил-қизга ота-онанинг, ака-опаларининг исми ҳам муайян ўрин тутади. Кейинги номлар шу исмларга монанд тарзда қўйилади. Масалан, Наим, Карим, Салим, Маҳмуд, Маъсуд, Мақсуд сингари.

Ўзбек оилаларида эр-хотинлар бир-бирининг номини айтиб чақиришмаган. Жуда зарурият туғилганда, улар бир-бирларини катта фарзандларининг номи билан аташган. Бу ҳол шарқона нафис муносабатнинг бир белгисидир. Ўзбекчиликда тарбия ўғил-қизга ном бериш, исм қўйишдан бошланади. Ота-онанинг бурчи боласига муносиб исм қўйиб, қўлини ҳалоллаб, бошини иккита қилиш эканлигини Сиз ҳам эшитгансиз. Шунинг учун халқимизда «ота бўлиш осон, оталик қилиш қийин» деган нақл бор. Мураккаб ҳаёт йўлида тўғри исм олган ўғил-қиз ота-онанинг, авлоднинг муносиб давомчилари бўлиб, бу йўлда катталарга ёрдам беришлари талаб қилинади.

Кексаларни ҳурмат қилиш, уларнинг маслаҳатларини, йўл-йўриқларини олиб иш тутиш, панд-насиҳатларига қулоқ солиш ва унга амал қилиш қадим-қадимдан ўзбекларга хос одат бўлиб келган.

Нонни эъзозлаш одати қадим-қадимдан то шу кунгача давом этиб келмоқда. «Нон — иймондек

азиз, ҳидида ҳаёт бор», «Нонга ҳурмат, элга ҳурмат», «Нон муллиги — эл тўқлиги» каби қатор халқ мақолларини нон ҳақида бўлган суҳбатларда ишлатиш ўринлидир.

Масалан, меҳмон кутганда дастурхонга биринчи бўлиб нон қўйилиши, икки ёшни унаштириш маросимида патир ушатиш одати, чақалоқни бешикка солганда бошига нон қўйиш, йўлга чиққанда ўзи билан бирга нон олиб кетиш энг яхши одатлардир.

Ўтмишда ўз хато-камчиликларини тан олмаганларни муқаддас китоб «Қуръон» билан, сўнгра «Нон билан қасам ичдиргандир.

Халқимизнинг ажойиб одатларидан яна бири сувни эъзозлашдир. Ота-боболаримиз сувнинг бир томчисини ҳам нобуд қилмасликка интилганлар. Сувга туфлаш, унга мағзава ва чиқиндиларни оқизиш, турли хас-чўп ва ахлатларни ташлаш гуноҳ ҳисобланган.

Сув — ҳаёт демакдир. Сув бор жойда одам яшнайди, ўт-ўлан, экин-текин, гул ва дарахтлар гуркираб ўсади. Қурт-қумурсқадан тортиб одам ва ҳайвонларгача сувдан баҳраманд бўладилар.

Сувнинг қадрига етмаслик, уни нес-нобуд қилиш, авайлаб ишлатмаслик қанчалик оғир оқибатларга, табиатдаги мувозанатнинг бузилишига олиб келишини Орол денгизининг қуриб бораётганида яққол кўришимиз мумкин. Денгиз сувининг тобора камайиши унинг атрофида яшаётган аҳолининг соғлигига жиддий путур етказмоқда, атрофдаги экологик вазиятнинг бузилишига олиб келмоқда.

Эндиликда Оролни қутқаришга бутун жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътибори жалб қилиниб, катта маблағлар сарфланиши кутилаётган бир ша-

роитда халқимизнинг сувдан ҳамма жойда тежаб-тергаб фойдаланиш ҳақидаги азалий удумини ҳаммаша ёдда сақлаш, уни ўқувчилар онгига сингдириш айни муддаодир.

Қўни-қўшничилик, меҳмондўстлик, ҳашар каби ажойиб одатларимиз энг муътабар инсоний хусусиятлар сифатида яшаб келмоқда.

Ўзбек халқ мақолларида «Ён қўшним-жон қўшним», «Узоқдаги қариндошдан-яқиндаги қўшни яхши» дейилган бўлса ҳадисларда қўшничилик тўғрисида шундай дейилган: «Ёнида қўшниси оч туриб, ўзи тўйган одам мўмин эмас» Бу чуқур маъноли гапда одамларни инсоф-диёнатга, меҳроқибатли бўлишга чорлайдиган ажойиб ўғитлар ўзифодасини топган.

Меҳмондўстлик ўзбек халқимизга хос ажойиб бир удум. Халқимиз ўзи чор-ночор яшаганда ҳам топганини меҳмондан аямайди, унинг дилини хушнуд қилишни истайди. Бу саҳоватликнинг, улуғворликнинг белгисидир.

Буюк бобокалонларимиз А. Навоий, Улуғбек, Бобур каби даҳолар ҳаёти ва фаолиятлари билан танишганимизда, А. Қодирийнинг машҳур «Ўтган кунлар» романидаги Отабек ва Кумушбибилар ўсган хонадонлар оила тарбиясида, ўзаро муомалада юксак бир одоб-ахлоқ намунаси эканига гувоҳ бўламиз. Бу оилаларда ота-оналарнинг фарзандлар билан, ҳатто устозларнинг шогирдлар билан ўзаро муомалада «сиз»лаб гапиришлари, оиладаги фарзандлар ва тенгқурлар ҳам ўзаро сўзлашувда «сиз»лаб муомала қилишлари ниҳоятда ибратлидир. Бу файзли урф-одатларимиз кишилардаги меҳроқибатни, ўзаро ҳурмат-иззатни, ўртоқлик, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этади.

Шунинг учун доно халқимиз «сен» ҳам бир оғиздан чиқади «Сиз» ҳам, деб бекорга айтмаган.

Бу одатларимизга ҳозир ҳам кўпгина оилаларда амал қилинади. Тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйган, бу удумимизнинг моҳиятини чуқур англаб олган ўқитувчиларимиз унга амал қилиш борасида ўқувчиларда кўникма ва малака ҳосил қилдирганлар.

Катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган оилавий удумларимиздан яна бири дастурхон атрофида ўтириш, оилавий овқатланишдир. Одат буйича дастурхон атрофидаги оддий суҳбатда кексалар тўрда, ундан кейин ота-она, ака, опа, келин, сингил, укалар ўтиради. Энг ёш болалар катталар ёнида ўтиришлари керак. Барча оила аъзолари тўпланиб, дастурхонга таом тортилгандан сўнг шу ердаги ёши улугнинг руҳсати билан овқатга қўл узатиш лозим. Ёши катталарни ҳурматлаб, улар обрўси ва иззатини ўз ўрнига қўйиш — бу одатимизнинг асосий мақсадидир. Чой атрофидаги суҳбатда чойнак, пиёла, тагликларнинг тозалаб ювиб-артилиши, ҳар бир киши учун алоҳида пиёла тугилиши гигиена талаби бўлса, чойни уч марта пиёлага қуйиб, чойнакка ағдариш ҳеч қандай ирим-сирим бўлмасдан, балки чой таъмининг бир хиллигини таъминлаш учун қилинади. Чойни ёши катталар қуйиб, ёшларга узатиши эса одобга зид бир ҳолдир.

Овқатланиб, чой ичиб бўлгандан сўнг дастурхон атрофидаги кекса ёки ёши каттароқдан дастурхон ва таом ҳақи дуо фотиҳа ўқинг, деб сўралади.

Илгариги пайтларда халқимизнинг энг олижаноб оилавий анъаналаридан бири кечалари ота-оналарининг болалари билан танча атрофида ўтириб тарбия, одоб, ахлоқ, ҳақида мароқли суҳбатлар ўтказишлари бўлган. Бунда улар ўзбек халқ эртақ-

лари, дostonлари, Қуръони Карим ва Ҳадислардан одамларни ҳалолликка, покликка, диёнатга ундовчи ривоятларни мисол келтириб, турмушда, ҳаётда учраб турадиган салбий воқеа-ҳодисаларга атрофлича баҳо бериш асосида фарзандларини тўғри йўлга бошлаганлар.

Ўзбек халқининг турмуш тарзига сингиб кетган яхши ва ижобий урф-одатларимизнинг кўпчилиги халқни, жамиятни фақатгина яхшиликка — олижаноб инсон, ахлоқи пок, жисмоний соғлом, эътиқодли шахс бўлиб етишишига хизмат қилиб келди.

Халқимизда кўп яхши, ибратомуз урф-одатлар борки, уларни бугунги кунда ҳам кенг қўллаш фойдадан холи эмас. Масалан, қадимда фарзанди вояга етмаган ёки фарзандсиз кишилар хусусан, қариялар бирор-бир юмушлари учун ҳеч қачон мардикор ёлламаганлар. Мабодо ёллагудек бўлсалар, бу ҳол шу маҳаллада истиқомат қилувчи ёш-ялангларнинг иззат-нафсига теккан; ён-атрофида тайёр дастёрлар турганда четдан одам олиб келиб, юмуш буюриш қаттиқ айб саналган. Қишда қор курашми, кузда том сувашми, ўтин ёриб сув ташишми ёки экин-тикин ишларими — ҳамма-ҳаммаси кўниқўшни болалари ёрдами билан бажарилган. Оилада эркаги бўлмаган аёллар эса, бозор-ўчар ишлари, ўтин ёриш, сув ташиш ташвишларидан бутунлай озод бўлганлар. Бунинг учун бўш челақларни кўча дарвозаси олдига чиқариб қўйиш, ўтин ва болтани ташқарига қўйишнинг ўзи кифоя қилган. Буларга кўзи тушган йўловчилар таниш-нотанишлигидан қатъи назар, челақни сув билан тўлдириб, ўтинни ёриб кетаверишган.

Мана шундай беминнат ҳожатбарорлар уй соҳибидан пул сўрамаганлар, бирор нарса таъма ҳам

қилмаганлар. Чунки ёшлар бировларнинг ҳожати-ни чиқармоқ учун ўзларини ҳамиша вазифадор деб ҳисоблаганлар. Бу қимматли удумимизни айна вақт-да ҳам қайта тикламоқ зарурий ишлардан биридир. Ёшларимиз ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган ушбу одатларни тиклашга ҳисса қўшсалар айна муддао бўлар эди. Бу эса уларнинг келгуси камолатини, ризқу рўзларининг баракасини ва ҳеч қачон завол кўрмасликларини таъминлаган бўларди. Зотан доно халқимиз: “Ердан айрилсанг ҳам элдан айрилма”, “Эл ишини эр йигит қилур, эр йигит қадрини эл билур”, — деб бежиз айтмаган. Ёшларимиз ана шу доно гапларга амал қилишлари мақсадга мувофиқдир.

XV боб. ТАРБИЯ УСУЛЛАРИ

Тарбия методлари (усуллари) — ўқитувчи-тарбиячининг ўқувчиларга таъсир кўрсатиш усуллари, уларга ижобий хулқ-атвор кўникмалари ва малакаларини сингдириш мақсадида уларнинг ҳаёти ва фаолиятини тарбиявий жиҳатдан тўғри ташкил этиш йўллари дир. Аниқроғи, тарбия усули деб тарбиячининг болаларда ахлоқ-одоб фазилатларини таркиб топтириш мақсадида уларнинг онги ва иродасига таъсир этиш йўллари га айтилади. Тарбия усуллари тарбиянинг мақсади ва мазмунидан келиб чиқиб, комил инсон шахсини тарбиялашга қаратилгандир.

Аждодларимиз давр синовидан ўтган ажойиб инсоний фазилатлар ҳамда уларни амалга ошириш усул ва воситаларини яратганлар, шу асосда ёшларни ижтимоий ҳаёт талабларига жавоб берадиган кишилар қилиб тарбиялаб келганлар. Болаларда инсоний ҳис-туйғуларни тарбиялашнинг асоси

— кишиларга меҳр-муҳаббат қўйиш, иззат-ҳурмат билан муомала қилиш, инсоний ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, қадрлаш кишилар олдидаги ўз бурчини англаш, одамларга нисбатан самимий, ҳалол ва ростгўй бўлиш каби одоб ва ахлоқ қоидаларини ўз ичига олади.

Ўзбек халқ педагогикасининг муҳим аҳамиятга эга бўлган хусусиятларидан яна бири фольклор материаларида халқ педагогикасида қўлланиладиган тарбия йўллари, усули ва воситаларининг ёритилишидир.

Меҳнаткаш халқ оммаси, юқорида қайд қилиб ўтилганидек, узоқ даврлар давомида вужудга келган тарбия усуллари ва воситаларидан фойдаланган. Чунончи, тушунтириш, одатлантириш (ўргатиш, машқ қилдириш), болаларнинг кундалик ҳаёти режими, ибрат (намуна, ўрнак) кўрсатиш, маслаҳат бериш, ўғит-насиҳат, ундаш, кўндириш, илтимос қилиш, ёлбориш, тилак-истак билдириш, маъқуллаш, мақташ, раҳмат айтиш, дуо қилиш, оқ йўл тилаш, тақиқ қилиш, ман этиш, таъна, гина, (ўпка) қилиш, қоралаш, Оллоҳдан кўрқишга ундаш, танбеҳ бериш, узр сўраш, мажбур қилиш, масхара-мазах қилиш, заҳархандалик, айблаш, уялтириш, койиш, қарғаш, кўрқитиш, нафрат билдириш, айбига иқроп қилдириш, онт-қасам ичириш, лаънатлаш, сўкиш, уриш-калтаклаш; жамоа ҳукмига ҳавола қилиш каби усуллар тарбияда қўл келганлиги таъкидланади.

Шу билан бирга, болалар яшаб турган муҳитдаги яшаш тарзи улар тарбиясига катта таъсир ўтказган. Жумладан, меҳнат жараёни, турли шаклдаги ҳашарлар, болалар ўйини; болалар ижоди, чойхона гурунги, халфана, туй маросимлари — ақиқа, бешик тўйи, суннат тўйи, никоҳ тўйи, сайиллар-

дала сайли, гул сайли, қовун сайли, йиғин-томоша, туғилган кунни нишонлаш, йигит базми, қиз мажлиси, истироҳат боғларида бўлиш, оммавий йиғин ҳамда томошаларга қатнашиш (ва ҳоказолар) тарбиявий восита сифатида хизмат қилиб келган.

Айни вақтда тарбия мазмунининг кўп қирралилиги ва кенглиги туфайли тарбия усуллари ҳам хилма-хил бўлиб, муайян шароитда улардан қайси бирини танлаш ва қўллаш ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида вужудга келган муносабатларга, тарбиянинг қайси соҳаси ҳал қилинаётганлигига (ўқувчиларда бурчга муносабат, ота-она, катталарга ҳурмат, одоб қоидаларига риоя қилиш, савоб ва гуноҳ ишлар, хушхулқлик ҳамда бадхулқлик ҳақида), айни вақтда вужудга келган вазиятга боғлиқдир.

Тарбия усули ҳам таълим усули каби ёлғиз ўқитувчи ва тарбиячилар фаолиятинигина эмас, балки ўқувчиларнинг фаол иштирокини ҳам ўз ичига олади. Болаларнинг ёши улғайган сари уларнинг тарбия жараёнидаги фаоллиги ва мустақиллиги оша боради, улар тарбиячилар раҳбарлигида ва ўз ташаббуслари, интилиш ва истаклари билан янги-янги ахлоқий фазилатлар орттириб, мукамаллаштириб борадилар.

Ўқитувчи қўллаётган усул ва воситалар таъсирида боланинг онгида ва хулқида ҳам ўз шахсини ўзгартириш истаги вужудга келади. Бола ўзини-ўзи тарбияламаса, ақл-фаросатини ишга солмаса, тарбиядан кўзланган натижага эришиб бўлмайди. Ҳар бир бола ўзининг хулқ-атворида талабчан бўлиши ва ўзида энг яхши инсоний фазилатларнинг таркиб топиши учун астойдил тиришмоғи лозим. Ўқитувчи ва тарбиячилар болаларни кичик ёшдан бошлаб ўзини ўзи эплаш, тута билиш, одамлар билан қай йўсинда муомала қилиш, рост сўзлаш,

катталарга ҳурматда бўлиш, ўзидан кичикларга меҳрибонлик кўрсатиш кабиларга ўргатиб, одатлантириб боришлари лозим. Умуман, ўзини ўзи тарбиялаш ахлоқий баркамолликка иштиёқ туғдиришидир.

Ўз-ўзини тарбиялаш боланинг доимий иши бўлмоғи ва узлуксиз давом этмоғи зарур. Чунки ҳақиқий тарбия болани ўз кучи, лаёқатлари ва қобилиятини ишга солишга ундайди, унинг идеалларини, шахсий мулоҳазаларини, эътиқодини таркиб топтиради. Натижада бола шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган тарбиявий жараён ўз-ўзини тарбиялаш жараёнига айланади.

Тарбия усуллари назариясида яна йўл ва восита тушунчаси ҳам қўлланади. Йўл усулга нисбатан хусусий тушунча бўлиб, усулга бўйсунди, хизмат қилади. Масалан: болаларни ахлоқ-одоб қоидаларига ўргатиш, одатлантириш учун машқлардан фойдаланамиз. Бу усулга турли йўллари хизмат қилади, яъни кўрсатамиз, ўргатамиз таъкидлаб, эсига тушириб турамиз ёки маъруза, суҳбатлар орқали ахлоқий фазилатлар мазмунини очиб берамиз.

Бу ўқувчининг онгига таъсир этиш мақсадидаги ишонтириш йўллари дир. Лекин ишонтиришда боланинг фақат онгигагина таъсир этиш орқали натижага эришиш қийин бўлади. Шунинг учун айтаётганларимизнинг тўғрилигини исботлаш ва уни аниқлаштириш учун кўрсатиш усулидан фойдаланамиз: хушхулқлик ва бадхулқликка оид ҳикоят, ривоят, ҳикматлардан фойдаланамиз ва ҳоказо. Буларнинг бири одатлантириш усулининг йўли бўлса, иккинчиси ишонтириш усулининг йўли дир.

Тарбиявий восита анча кенг тушунча бўлиб, ҳар қандай тарбиявий вазифани ҳал қилиш учун қўлланилаётган усулий йўлнинг муваффақиятли чиқишига кўмаклашади. Тарбиявий воситага турли

хил предметлар, фаолият турлари, тарбиявий мақсадда қўлланаётган техник имкониятлар, кўрсатмали қуроллар, аждодларимиз мероси, халқ оғзаки ижоди материаллари, болалар адабиёти, оммавий алоқа воситалари (радио эшиттириш, мактаб радиоси, ойнаи жаҳон кўрсатуви ёки кинофильм ва бошқалар)ни киритиш мумкин.

Моҳир тарбиячи болага тарбиявий таъсир этишда унинг ёши ва шахсий хусусиятлари, тарбияланганлик даражаси, ўзи билан бола ўртасида вужудга келган муносабат, ўқувчи интилишларининг ўзига хослиги, фаолиятда қатнашишдан боланинг кўзлаган мақсадини ҳисобга олиб, болага таъсир этишнинг муваффақиятини таъминлайдиган усулни тўғри танлай олади.

Усуллар тизимининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ўзаро боғлиқ бўлиб, унинг бир тури иккинчиси билан қўшилиб кетади. Ҳеч бир усулни алоҳида, якка ҳолда қўллаб бўлмайди. Масалан, ўқитувчи биринчи синф ўқувчилари билан ишлашда, улар учун янги бўлган ўқув меҳнатини ўргатиш ишини ўқувчиларнинг хулқ-атвор қоидаларини, мактабда ва уйда кун тартиби аниқ бўлиши муҳимлигини, қунт билан, зўр бериб меҳнат қилиш зарурлигини уқитиришда тушунтириш йўлини қўллайди. Тушунтириш билан бир қаторда ўқитувчи ўз ўқувчиларини ҳар куни ахлоқ-одоб қоидаларини машқ қилдиради, синфга тўғри кириб келишга, ўқитувчи ва болалар билан саломлашишга, парта қопқоғини тарақлатмай очиб-ёпишга, иш жойида тартиб сақлашга, ўқитувчига мурожаат қилиш ва ҳоказоларга одатлантириб боради.

Ўқувчиларни ўқув меҳнатига жалб қилиш ўқитувчидан ўқув иши натижаларини рағбатлантиришни талаб этади. Шу билан бирга, биринчи синф

Ўқувчилари билан ишлаганда маъқуллаш, мақташ сингари таъсир воситаларини, шунингдек, бепарволик, кунт қилиб ишламаганлик учун огоҳлантириш, танбеҳ бериш, уялтириш усулларини қўллай бошлайди.

Ўқитувчи биринчи синф ўқувчиларини дастлабки кундан бошлабоқ ўз устида ишлашга, ўз-ўзини тарбиялаш малакаларини эгаллашга ўргатади.

Кўриб турибмизки, ўқитувчи болалар билан ишлашда тарбиянинг хилма-хил усул ва воситаларини қўллайди, бунда болаларнинг ўзига хос хусусиятларини ва бутун синф жамоасининг манфаатларини кўзлаб бирон-бир қатор қабул қилишни талаб этадиган тарбиявий вазиятни ҳисобга олади.

Тарбиявий усулларни уларнинг вазифасига қараб қуйидаги асосий гуруҳларга ажратиш мумкин:

Ижтимоий ахлоқни таркиб топтириш ва ўқувчилар фаолиятини йўлга қўйиш усуллари: ўргатиш ибрат-намуна, ишонтириш, ўйин, мусобақалар.

Булар ёрдамида ўқувчида ахлоқий одатлар ҳосил бўлади. Ўқувчининг хулқида тарбиянинг мазмунига мувофиқ ахлоқий нафосат, меҳнат қилиш одатлари қарор топиб боради. Бундай одатлар асосан фаолият заминида таркиб топади. Демак, бола шахсини ифодаладиган ижтимоий хулқ одатларини ҳосил қилиш учун уни фаолиятга жалб этиш йўли билан ижтимоий алоқалар шароитига қўямиз ва унинг шахсий хусусиятларини белгиладиган одатлар ҳосил қиламиз. Бу гуруҳ усулларга вазифалари бир-биридан фарқ қиладиган жуда кўп йўл ва воситалар киради. Масалан, ўқувчига шарқона урф-одат, тарбияни ўргатиш, машқ қилдириш, ибратнамуна, талаб этиш, ишонтириш, ўйин, жамоатчилик фикридан фойдаланиш шулар жумласидандир.

Ўқувчи эгаллаган ижобий тажрибаларни мустаҳкамлаш мақсадида мусобақа, топшириқлар бериш йўлларида фойдаланиш мумкин.

Ўқувчиларнинг онги ва ҳис-туйғуларига таъсир қилиш билан бирга уларнинг хулқ-атворида керакли фазилатларни тарбиялаш зарур. Бу ишни ўқувчиларнинг мактабга биринчи қадам қўйган кунларидан бошламоқ керак. Бошланғич мактабдаёқ ўқувчилара хулқ-атвор соҳасида дастлабки кўникма ва одатлар ҳосил бўлади ва мустаҳкамланади.

Дарсни тўғри ташкил этиб, таълимнинг хилма-хил усуллари кўллаш, ўқув ишларида ўқувчиларнинг фаоллигига эришиш болаларда қимматли фазилатларнинг таркиб топишига ёрдам беради. Уларда ташаббускорлик, қатъийлик, ҳар қандай қийинчиликларни енга билиш каби ижобий фазилатларни шакллантиради.

Уйга берилган вазифаларни ўқувчиларнинг пухта ва астойдил бажариши уларда ўқув вазифаларига масъулият билан қараш, батартиблик ва уюшқоқлик, фаоллик, ташаббускорлик каби фойдали сифатларни тарбиялашга ижобий таъсир этади.

Ўқувчиларда мана шундай ахлоқий фазилатларни тарбиялаш ва мустаҳкамлаш зарур. Ахлоқий фазилатлар болаларда, асосан, уларнинг фаолиятлари жараёнида ҳосил бўлади. Шунинг учун болаларга уларнинг маънавий қиёфасини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган амалий вазифаларни кўпроқ топтириш лозим.

Ўргатиш усули ўқувчиларнинг ҳаётини, меҳнатини, дам олишларини батафсил ўйлаб чиқилган ҳолда ташкил этишни ҳамда дастлабки ахлоқ-одоб фазилатларини таркиб топтириш мақсадида уларни муомала-муносабат, юриш-туриш одобига ўргатиб боришни назарда тутати.

Хусусан, бошланғич синфларда ўқитувчининг бирор-бир хатти-ҳаракат намунасини сурат, диафильмларни намойиш қилиш, таъсирли, қизиқарли ҳикоят, ривоят ўқиб бериши ёрдамида ўзи қилиб кўрсатишдан бошланади.

Болаларда бирор хатти-ҳаракат шаклига ижобий муносабат уйғотишни ўргатишнинг муҳим шартидеб ҳисобламоқ керак. Бунга эса кўрсатмалилик, образлилик, ўқитувчининг ўзи болаларга ўргатаётган фазилатга ҳиссий, ижобий муносабатда бўлиши асосида эришилади.

Ўқувчилар жамоасида вужудга келадиган шароит (вазият) ҳам катта аҳамиятга эга. Агар ўқувчилар ҳеч нарсадан чўчимай ўз ўртоқларининг хатти-ҳаракатини баҳолай олсалар, тортишсалар, ўқитувчига хоҳлаган саволларини берсалар, бундай вазият уларнинг ахлоқ қоидаларига бўлган муносабатларига ижобий таъсир этади. Катталарнинг ўқитувчилар, ота-оналар, жамоатчиликнинг болалар хулқ-атвори, юриш-туришини назорат қилиб туриши ҳам ишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Бу назоратнинг мунтазам, тизимли ва пухта бўлиши жуда муҳимдир. Ана шунда у ўқувчиларда ахлоқ-одоб фазилатларининг тарбияланишига олиб келади.

Ўргатиш усули болаларнинг ёши ва тарбия шароитларига қараб ўзгариб туриши мумкин. Тарбиячи маълум бир топшириқни (тувақдаги гулларга сув қуйиш, парвариш қилиш, синфда тозалikka риоя қилишни кузатиб бориш ва ҳоказо) бериши мумкин. Ўқувчи бу топшириқни бажариш давомида зарур ахлоқ-одоб қоидаларини эгаллаб олади.

Тарбияда машқлардан фақат ахлоқ-одоб фазилатларини таркиб топтириш йўли сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Шунинг учун ўргатиш ва одат-

лантириш усулларидан фойдаланишда болаларнинг ахлоқ борасида эришилган натижаларидан қаноатланиш ва ўз шахсларини такомиллаштириб боришга интилиш ҳиссини сезишлари муҳимдир.

Ибрат-намуна усули. Болалар тарбиясида ибрат-намунанинг аҳамияти каттадир. Намуна ёки ибрат усули болалардаги тақлидчанликка асосланади. Тақлид бошқаларнинг хулқ-атворини, юриш-туришини онгли ёки ихтиёрсиз равишда такрорлаш демакдир.

Одатда болалар ўзларининг яқинлари, теварак-атрофдаги кишиларнинг (ота-оналари, опа-акалари, муаллимлари, катталар, тенгқурлари) хулқ-атворини ва хатти-ҳаракатларини кузатиб борадилар, уларга тақлид қиладилар. Лекин кўпинча буларнинг нимаси яхши-ю, нимаси ёмон эканини фарқлай олмайдилар, улар ўзлари учун маъқул бўлганларига тақлид этадилар ва қабул қиладилар.

Болалардаги бу хусусиятлар шуни кўрсатадики, уларнинг ахлоқ-одоб қоидаларини ўзлаштириши, ахлоқий тасаввурларни ҳосил қилиши ана шундан, яъни ибратдан бошланади. Дастлаб бола оила аъзоларидан ибрат ола бошлайди. Ота-она ва оиланинг катта ёшдаги аъзолари намунаси кичик ёшдаги болага тарбиявий таъсир кўрсатишда асосий манбадир.

Бола мактабга бориши билан у тақлид этадиган ва эргашадиган кишилар доираси кенгайди.

Ёш болалар ён-атрофларидаги кишиларнинг ҳамма хатти-ҳаракатларини такрорлай бериш ўринли эмаслигини ҳали тушуниб етмайдилар.

Бола ёши улғайиб, катта бўлган сари нима яхши-ю, нима ёмон, қайси хулқ-атвор одамларга ҳузур бағишлаши, қайси қилиқ, хатти-ҳаракат нохушлик келтиришини фаҳмлай бошлайди.

Бола катта бўлиб эс-хушини таний бошлаган сари юриш-туриш, муомала-муносабатда ўз нуқтаи назари ва фикрига таяниб иш қилади.

У катталарнинг хулқ-атвори ва юриш-туришларига кўпроқ танқидий кўз билан қарай бошлайди ва ижобий хислатларгагина тақлид қилишга уринади.

Болаларга ҳаётдаги яхши одамлар, бадиий адабиётдаги ижобий образлар, меҳнат қаҳрамонлари, ота-боболаримизнинг ўлмас жасоратлари, эзгу ишлари тақлид қилиш учун яхши намуна бўлади. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, болалар ҳамма вақт ҳам ижобий хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатларга тақлид қилавермайдилар.

Шунинг учун ўқитувчилар, тарбиячилар ва ота-оналарнинг ўзлари ҳаммадан бурун болага намуна бўлмоқлари, ўзларида энг яхши фазилатларни акс эттирмоқлари керак. Шу билан бирга ўқитувчилар ибрат учун намуналарни халқ оғзаки ижоди, болалар адабиёти, мактаб, синф ҳаёти, ота-оналар фаолиятидан олмоқлари керак. Болаларда ижобий хулқ-атвор кўникмаларини тарбиялашда оила муҳити, ота-онанинг ҳаёт тарзи, оиладаги катталарнинг яхши ибрати ғоят муҳимдир. Халқимиз «Қуш уясида кўрганини қилади», — деб бежиз айтмаган. Оилада эрхотин ўзаро тотув, аҳил бўлишса, бир-бирларини ҳурмат қилишса, болалар тарбиясида баробар жон куйдиришса, оиладаги катталар сийланиб, иззат-ҳурмат қилинса, ака-ука, опа-сингиллар бир-бирига меҳрибон бўлишса; кўни-қўшни, қариндош-уруғ, ёру биродарлар ўртасида меҳр-оқибат, борди-келди бўлса, бундай оилада вояга етаётган бола ҳам миллатимизга, халқимизга хос урф-одатларни ўрганади ва уларга амал қилиб боради.

Ишонтириш усуллари. Бу бўлимга ўқувчиларда илмий дунёқараш ва ишонч-эътиқодни шаклланди

тириш мақсадида уларнинг онги, ҳис-туйғулари ва иродасига ҳар томонлама таъсир кўрсатиш усуллари киради.

Юқорида бола шахсининг шаклланиш жараёни асосан, кундалик турмуш ва фаолиятда ҳосил қилинадиган тажриба, катталар ва тенгдошлари билан ўзаро муносабатларга боғлиқлиги таъкидлаб ўтилган эди. Бироқ, аввал тажриба тўпланади, сўнгра эса тегишли тушунча шакллантирилади, ёхуд аксинча деб, қандайдир навбат белгилаб қўйиш нотўғри бўлур эди.

Бошланғич мактабда ишонтиришнинг тарбиявий жиҳатдан муҳим ва қимматли бўлган тушунтириб бериш ва ишонтириш, ҳикоя ва суҳбат, синфдан ташқари ўқиш, намуна кўрсатиб ишонтириш сингари шакл ва усуллари кенг фойдаланилади.

Чунончи, ўқитувчи 1- синфдан бошлаб болаларга катталарни ҳурмат қилиш, уларга бақириб-чақириб эмас, балки ширин муомала қилиш кераклиги, кўчада юрганда эса кўча қоидаларига риоя қилиш, жамоат орасида юрганда, тўй-ҳашам, маъракаларда ўзини тутиш, билиб муомала қилиш, дастёрчилик, ўзбекона урф-одатларни ўрнига қўя олиш каби одатларимиз аниқ тушунтирилади.

Ота-она, ака-опаларни ҳурматлаш, сийлаш, сизлаш, уларнинг сўзларидан чиқмаслик одобдан эканлиги ўқитирилади.

Тушунтириш ва ўқитириш. Тушунтиришнинг моҳияти жамиятнинг маънавий ва моддий ҳаётидаги энг муҳим воқеалар тўғрисида ахборот бериш асосида ўқувчилар диққатини теварак-атрофдаги воқеликка, ўз фуқаролик бурчларига онгли муносабатни шакллантиришга қаратишдан иборатдир. Кўпинча ўқувчиларнинг ўз бурчлари тўғрисидаги билимлари тасодифий, юзаки бўлади. Тушунтириш-

дан мақсад — бирон-бир воқеа, хатти-ҳаракат, ҳодисанинг ижтимоий, ахлоқий, эстетик мазмунини очишда, хулқ-атвор ва инсоний муносабатларни тўғри баҳолай олишда ўқувчиларга ёрдам беришдир.

Тарбиячи тегишли қоида ва талабларга қандай риоя қилиш зарурлигини болаларга кўрсатади ва тушунтиради. Болалар кўрсатилган намунали ахлоқий қоидаларга тақлид қиладилар. Қоида ва талаблар факт ва мисоллар билан тушунтирилса, уларни болалар равшан англаб оладилар ва онгларига чуқурроқ сингади. Натижада бу қоида ва талаблар боланинг кундалик ҳаёт тарзига айланади. Ахлоқий қоида ва талабларнинг бола ҳаётига сингиб кетиши кўп жиҳатдан унинг эътиқодининг мустаҳкам бўлишига боғлиқдир.

Уқтириш. Уқтириш бирор ахлоқий фазилатни ўқувчилар онгига сингдириш ва улар томонида уқиб олинисини таъминлашга асосланади. Шунинг учун ўқитувчилар ва тарбиячилар ўқувчиларни тарбиялаганда ва уларга ахлоқий фазилатларни тушунтирганда унинг афзалликларини кўрсатувчи далиллар келтириши, исботлаши, ишонтириши лозим. «Ўқигандан уққан яхши» деган халқ мақоли бор. Уқиб олинган ахлоқий фазилат болада маҳкам сингиб қолади.

Уқтиришнинг натижали чиқиши ҳаммадан бурун тарбиячининг обрўсига боғлиқдир. Агар тарбияланувчи ўз тарбиячисини иззат-ҳурмат қилса, унга ишонса, унинг ўғит-насиҳатларига қулоқ солса, уқтириш натижаси самарали бўлади. Акс ҳолда уқтириш тегишли натижа бермайди. Шу билан бирга, ўқитувчи ва тарбиячилар ўз тарбияланувчиларини севишлари, ҳурмат қилишлари, уларнинг куч ва имкониятларига ишонишлари керак. Уқтириш жараёнида ўқитувчилар болаларнинг ўзларида ўз қобилиятларига, келажак истиқболларига ишонч туф-

дирмоғи лозим, бу эса болаларда ахлоқий фази-латларнинг пухта уқиб олиненини таъмин этади. Тарбиялаш жараёнида ишонтириш, тушунтириш ва уқтириш ҳамма вақт бирга, бир-бири билан мустақкам боғланган ҳолда олиб борилади. Бунга тушунтириш ва уқтириш орқали эришилади.

Давлат, жамият томонидан қабул қилинган ахлоқий қоидалар, талабларга, нормаларга, оиладаги, мактабдаги, жамоат ўртасидаги юриш-туриш қоидаларига ҳамиша ўқитувчиларнинг ўзлари амал қилишлари ва бошқаларни ҳам шунга ундашлари зарур.

Демак, ўқувчиларимиз бу талаб ва қоидаларнинг ҳаммасини етарлича англаб, уларни ишонч ва эътиқод билан бажаришлари айни муддаодир.

Педагогика фани ишонтириш усулларига муҳим ўрин бериш билан бирга, мажбур этиш усулини ҳам инкор этмайди. Агарда ўқувчи ўз олдига қўйилган талабнинг моҳиятини ва мазкур қоидага нима учун риоя этиш зарурлигини тушуниб тургани ҳолда итоатсизлик кўрсатса ва белгиланган тартиб-қоида-ни бузса, уни бу тартиб-қоидаларни бажаришга мажбур қилмоқ керак. Ахлоқий талабларни бузувчиларга индамаслик ва бепарволик билан қараш эса жамиятга зиён келтиради ва юриш-туриш қоидаларини бузган ўқувчининг ўзи учун ҳам зарарлидир. Агар тарбиячи ахлоқий талабларнинг бузилиш ҳолатларини кўриб, индамай кетаверса ўқувчилар ахлоқий талабларни ва юриш-туриш қоидаларини бузишда давом этаверади.

Юқоридагиларга асосланиб, шундай хулосага келиш мумкин: чинакам обрў болаларни ҳурмат қилиш билан бирга, уларга нисбатан талабчан бўлишга, болага чин кўнгилдан ғамхўрлик кўрсатишга, унга ёрдам қилабилишга, тарбиячининг

болаларга намуна бўладиган ўз шахсий фазилатларига асосланади.

XVI б о б . М Е Х Н А Т Т А Р Б И Я С И

Меҳнат инсон ҳаёти учун, унинг фаровон турмуш кечириши учун ҳамиша асос бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Меҳнат—фаровон ва бахтли ҳаёт кечиришнинг энг асосий шarti бўлганлиги сабабли ҳамма фуқаролар учун мажбурийдир.

Меҳнат одамларнинг бирор мақсад учун сарфлаган вақти, ақлий ва жисмоний кучи ёки зарур фаолиятидир. Меҳнатсиз яшамоқ мумкин эмас.

Барча тирик мавжудот ниманидир истеъмол қилиш ҳисобига яшайди, умрини давом эттиради. Ерда яшовчи майда қурт-қумурсқадан тортиб, паррандаларгача, сув остида яшовчи жониворлардан тортиб, улкан ҳайвонларгача овқатсиз яшай олмайди. Худди шунингдек одамлар ҳам узлуксиз овқатланади, ҳаёт кечиради. Бошқа тирик мавжудотлардан фарқли ўлароқ, одамлар кийинишади, уй-жой қуришади, савдо-сотиқ қилишади, китоб ўқишади, ижод қилишади. Бу ишларни амалга ошириш учун бойлик, яъни тирикчилик манбаи бўлган пул керак. Пул топиш учун, ўзларига керакли нарсаларни яратиш учун одамлар меҳнат қилишлари лозим. Меҳнат жараёнидагина озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа зарур нарсалар яратилади. Меҳнат инсон ҳаётини сермазмун қилади ва бойитади. Одамлар меҳнат қилиш жараёнида соғлиқларини мустаҳкамлайдилар, обрў орттирадилар ва ўз келажакларини яратадилар.

Ота-боболаримиз асрлар давомида меҳнатни улуғлаб келишган, ўзлари сидқидилдан меҳнат қилишган. Бизга улардан мерос бўлиб қолган бар-

ча хазидалар — илмий-бадий китоблар, турли хилдаги санъат асарлари, меъморчилик обидалари ва бошқа нарсалар ана шу меҳнатнинг маҳсулидир. Жаҳон фанининг ривожига бебаҳо ҳисса қўшган ал-Хоразмий, Ибн Сино, Исмоил Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари бобокалонларимиз меҳнатсеварликлари туфайли улкан ютуқларни қўлга киритишган ва ёшларни ҳам меҳнатни севишга, меҳнатсевар бўлишга чақиришган. Шу боисдан жаҳондаги барча халқларнинг мақолларида бўлгани каби ўзбек мақолларида ҳам меҳнат ва меҳнатсеварлик гоёси марказий ўринлардан бирини эгаллайди. «Сувсиз ҳаёт бўлмас, меҳнатсиз роҳат», «Меҳнат қилсанг яшарсан, катта-катта ошарсан», «Олтин ўтда чиниқар, одам — меҳнатда», «Меҳнат билан қарисанг, раҳмат билан яшарсан», «Узоқ умр сири меҳнатда» каби мақоллар бежиз яратилмаган. Меҳнат ҳаёт чироғига ёф қуйиб туради. Меҳнат билан чархланиб турмаган куч сусаяди. Ишламаслик ҳар доим ланжликни келтириб чиқаради, ланжликдан кейин эса ногиронлик келади.

Меҳнат шахсни ҳар томонлама камол топтиришнинг асосий омили ҳисобланади. Шунинг учун болаларни жуда кичик ёшидан бошлаб меҳнатга ўргатиш зарур.

Меҳнат тарбияси масалалари Ўрта Осиёлик мутафаккир олимлар ва шоирларнинг бизга мерос бўлиб қолган маърифий асарларида катта ўрин олган.

Масалан, буюк ўзбек шоири Алишер Навоий меҳнатсеварликни чинакам инсоннинг энг асосий хусусияти деб билган. Меҳнат кишини безашини, уни ҳар томонлама камол топтиришини юксак кўтаринки руҳ билан мадҳ этган. Ёшларни сидқидилдан меҳнат қилишга, меҳнатни қадрлашга чақир-

ган. Шарқ маданиятининг буюк намојандаси Мирзо Улуғбек ҳам ёш авлодга табиат ва уни муҳофаза қилиш, табиат яратган неъматларни тежаб-тергаб тасарруф қилиш тўғрисидаги билимлар бериш кераклигини таъкидлаган. Ёшлар билимларни онгли равишда ўзлаштиришлари, ўз фикр-мулоҳазаларининг тўғрилигига бевосита кузатиш орқали ишонч ҳосил қилишлари муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтган.

Умуман, маърифатпарварлар ёшларнинг меҳнат таълими ва тарбияси масалаларига алоҳида эътибор бериб, турли асарларида ёшлардаги қизиқувчанлик, тежамкорлик, дўстлик ва одамийлик каби олижаноб фазилатлар меҳнат орқали вужудга келишини ғоят таъсирчан шаклларда ифодалаганлар. Улар ёшларни касб-ҳунар ўрганишга, ҳар ким ўзи қизиққан ва ўзига муносиб фаолият билан шуғулланишига даъват этганлар. Меҳнаткаш одам ҳеч вақт бировга қарам бўлиб қолмайди, деган фикрни илгари сурганлар.

Ёшлар меҳнатсевар бўлиб тарбияланиш билан бир вақтда, инсон қўли билан яратилган нарсаларни қадрлашга, ардоқлашга ва уни увол қилмасликка чақирилган. Уволнинг оқибати гуноҳ бўлиши ажойиб ўғитларда, халқ оғзаки ижодида ҳам кенг ўрин олган.

Меҳнат фақат ҳаётий зарурат ва моддий фаровонлик манбаи бўлиб қолмай, ёшларда яхши хулқ ва маънавий сифатларни вужудга келтиради; лоқайдлик ва бепарволик каби иллатларни бартараф этиб, кишида қувонч ва мамнунлик ҳисларини пайдо қилади.

Одам дунёдаги ҳамма яхши нарсаларга эга бўлса-ю, лекин ўзи меҳнат қилмаса, у бахтли бўла олмаслиги бадий асарларда куйланган; эзгу мақсадларга эришишнинг энг муҳим омили бўлган меҳнат ту-

файли мамлакатнинг гуллаб-яшнаши мумкинлиги қайд этилган.

Хуллас, меҳнат тарбияси масаласи маърифатпарварлар ижодида ҳамиша фахрли ўрин тутган. Улар ёшларни жамият манфаати учун ишлашга чақириш билан бирга, устозлар ва ота-оналарнинг меҳнат тарбияси соҳасидаги вазифалари нималардан иборат эканлигини ҳам кўрсатганлар.

Ўзбек маърифатпарварларининг таниқли намоёндаларидан бири Абдулла Авлоний ёшларнинг бирор касб билан машғул бўлишини биринчи галдаги муҳим иш деб ҳисоблаган. У «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида дангасалик ва ялқовликни қоралаб, ҳаракатчанликни олқишлаб шундай ёзган: «Сихатимиз, саодатимиз, сарватимиз, қаноатимиз, сабримиз, фазилатимиз, бутун ҳаётимиз ҳаракатимизга боғлиқдир. Ҳаракатсиз кишилар ҳар нарсадан маҳрум, доим бошқаларнинг ёрдамига муҳтож бўлиб, хорликда қолурлар. Шунинг учун болаларни ҳунар ўрганишга чақириб, кишиларни бирор касб билан шуғулланишга ундаб, «ёшлар»... бу кўмирчилар, бу темирчилик менга муносиб иш эмас, деб дангасалик қилиб ишсиз юрса, зўр айб» ҳисобланишини уқтирган.

Меҳнат асосан икки турли бўлади: ақлий меҳнат ва жисмоний меҳнат. Инсоният қўл ва бошқа аъзолари ёрдамида жисмоний куч сарфлаб, амалга оширадиган ишлар жисмоний меҳнатни ташкил қилади. Жисмоний меҳнатни ақлий меҳнатдан ажралган ҳолда тушуниш мумкин эмас. Жисмоний меҳнат ақл ёрдамидагина мазмунли, яхши сифатли ва маҳсулдор бўлади: ақлли одам кетмон чопса ҳам, трактор ҳайдаса ёки завод-фабрикада бирор жисмоний вазифани амалга оширса, унинг иши яхши натижа беради. Ақл аралашмаган ишнинг маҳсули бўлмайди.

Ақлий меҳнат эгалари—ўқитувчилар, шифокорлар, олимлар, шоир-ёзувчилар, ноширлар ва бошқалар бўлиб, улар маънавий эгаларидир. Агар жисмоний меҳнат эгалари жамиятни иқтисодий томондан таъмин этишса, ақлий меҳнат эгалари инсониятнинг маънавий юксалишига хизмат қиладилар.

Ўқувчи ақлий меҳнат эгаси бўлиб, у ҳамиша ўқийди, ёзади ва ўз маънавий оламини бойитиш йўлида меҳнат қилади. Оилада, жамоат орасида жисмоний меҳнат билан шуғулланишига тўғри келади, мактабда эса ўз соғлиғини мустаҳкамлаш учун бадантарбия дарсларига қатнашади. Ўқувчининг ўз одобини намоиш қиладиган яна бир имконияти борки, бу унинг жамоа меҳнатида фаол иштирок этишидир. Жамоатчилик асосида бажариладиган ишлар кўча-кўйда ҳам, мактабда ёки синфда ҳам тез-тез учраб туради. Синфнинг тозалиги учун курашда қатнашиш, мактаб тажриба участкасида олиб бориладиган меҳнат жараёнида иштирок этиш ҳар бир ўқувчининг шарафли бурчидир.

Ёшликданоқ бирор ҳунар ё касб этагини маҳкам тутган йигит-қизлар ҳаётдан ўз ўринларини топадилар, қоқилмайдилар. Ота-боболардан қолган ҳикматда «Бир йигитга қирқ ҳунар оз» дейилади. Ўша ҳунарлардан айримларини санаб ўтамиз: дуррадгор, наққош, кулол, заргар, этикдўз, новвой.

Инсон ўзининг болалик давридан бошлаб меҳнат қилишга ўрганиб, ўзига ёққан бирор касбни эгаллаб бориши ва келажакда меҳнатсевар инсон бўлиб етишмоқ учун ҳаракат қилиши керак. Эл-юрт орасида ўз касбининг моҳир устаси бўлган, қўлида гулдек ҳунари бўлган кишиларни одамлар эъзозлаб ҳурмат қиладилар.

Ишнинг оғир-енгили бўлади-ю, аммо яхши-ёмони бўлмайди. Баъзилар қора меҳнат деб жирканган

ишга сиз сидқидиллик билан қўл урсангиз, у иш сизни ўзига шу қадар тортадики, ҳаётингизни ўша ишсиз тасаввур этолмай қоласиз. Меҳр ва иштиёқ билан бажарилган ҳар қандай «қора» иш ҳам тоза, кўнгилли, жозибадор бўлиб туюлади. Кўрганлар: «Кўли гул экан, отасига раҳмат!» деб кетади.

Яхши инсон ҳақида хаёл қилганингизда, меҳнат ҳаётининг энг зарур эҳтиёжига айланган киши кўз олдимизга келади. Ҳар куни, ҳар дақиқа меҳнат бурчини камтарлик билан, керилмасдан, мақтанмасдан, вақтини бекор ўтказмасдан бажариб келган одам чинакам яхши инсондир.

Меҳнат билан суяги қотган, меҳнат туфайли иззату ҳурмат кўрган ҳар бир ота-она ўз фарзандларининг ҳам меҳнат билан яшашини, меҳнати билан эл-юрт олдида шараф топишини хоҳлайди. Ҳар қандай юмуш, жумладан, идиш-товоқ ювиш, уй-ҳовлиларни супуриш, мол-ҳолларга қараш, томорқа, қурилиш, таъмирлаш ишларида қатнашиш ҳам меҳнатдир.

ОИЛАДА МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ

Ота-оналар болаларининг келажагини ўйлаб, уларни илк ёшларидан меҳнатга солиб чиниқтириб борадилар. Тўғри тарбиянинг энг таъсирли, энг самарали усули ҳам шу меҳнатдир. Ота-оналар болаларининг меҳнатига ҳамма вақт ҳам муҳтож бўлавермайдилар, лекин болани ёшлигидан ишга ўргатиш, меҳнатга кўниктириш зиммаларидаги бурч эканлигидан шундай йўл тутадилар.

Маълумки, ҳар бир оиланинг ўз хўжалиги бўлади ва у ўз хўжалигини соф, ҳалол меҳнати билан қуради; бу хўжалик даромади оила аъзоларининг қандайдир доимий фойда олиб туришлари орқасидан эмас,

балки иш ҳақининг ошуви ва оила харажатларидан орттириб, тежаб қолиш туфайли кўпаяди.

Биздаги оила хўжалиги рўзгор учун керакли бўлган буюмлардан, ашё ва жиҳозлардан иборатдир. Оила давлатманд бўлса, бу ҳол оила аъзолари яхши ва бахтли ҳаёт кечираётганини, истеъмол буюмларини кўпроқ харид қилаётганини, ўз эҳтиёжларини кўпроқ қаноатлантираётганини билдиради.

Ҳар бир оила ўз хўжалигини тuzатиб олиш йўли билан ўз турмушини яхшилашга уринади. Оиланинг давлатманд бўлиши кўпроқ бутун мамлакат эришган муваффақиятларга, унинг иқтисодиёт ва маданият соҳасидаги ютуқларига боғлиқ бўлади. Оилада болаларни тежамкорлик руҳида тарбиялашга қанчалик кўп эътибор берилса, улар халққа ҳам, ота-оналарига ҳам, ўзларига ҳам шунча кўп фойда етказадилар.

Ҳар бир бола оиланинг тенгҳуқуқли аъзосидир. Демак у оила хўжалигининг иштирокчисидир. Шу билан бирга, биз болаларимизни фақат оила хўжалигини юритишга қобилиятли кишилар қилиб тарбиялабгина қолмай, шунингдек бутун жамият хўжалигини ҳам тежаб-тергаб юритадиган садоқатли фуқаролар қилиб тарбия қилмоғимиз лозим.

Барча ота-оналар бундай тарбия мақсадлари тўғрисида ўзларида равшан тушунча ҳосил қилиб, бу билан ўз тарбия йўсинларини доимий ишга солиб ва текшириб боришлари зарур.

Кўпинча ота-оналар болаларининг ҳамма нарсаси муҳайё бўлиши, яъни яхши еб-ичиши, яхши кийиниши, катта бўлганда уй-жойли бўлиши ҳақида ўйлайдилар. Буларнинг ҳаммасини фарзандларига чексиз меҳрибонликларидан ва уларни беҳад севганликларидан қиладилар. Болаларини деб ўзларининг энг зарур эҳтиёжларини қондиришни ҳам четга суриб қўядилар, лекин буни бола эсига

ҳам келтирмайди ва ҳатто секин-аста ўзини ҳаммадан ортиқ, менинг истагим ота-онам учун қонун, деб ўйлашга одатланади.

Бу тарбиянинг нотўғри ва зарарли йўли бўлиб, бундан ота-оналарнинг ўзлари кўпроқ заҳмат чекадилар. Бизнингча, ота-оналар ўз фарзандларини меҳнатсевар ва тежамкор қилиб тарбиялаш учун қуйидагиларга амал қилишлари керак.

1. Бола ўз ота-онасининг қаерда ишлашини ва нима ишлаб чиқаришини, бу ишлаб чиқаришнинг бутун жамият учун қандай аҳамияти борлигини билиши керак.

Умуман, бола ота-онаси ишлаб, топиб келтирадиган даромаднинг катта ва фойдали ижтимоий меҳнат эвазига олинадиган иш ҳақи эканини мумкин қадар эртароқ яхши тушуниши лозим.

2. Болани оила бюджети билан мумкин қадар эртароқ таништириш лозим. У отаси ва онасининг қанча маош олишини билиши керак. Бола ота ёки онасининг нимага муҳтож эканлигини, бу муҳтожликнинг қанчалик зарурлигини билиши зарур, у оиланинг бошқа аъзолари эҳтиёжини яхшироқ қондириш учун ўзининг баъзи эҳтиёжларидан вақтинча кечишга одатланиши керак. Оиланинг умумий эҳтиёжига доир масалаларни муҳокама қилишга болани кўпроқ жалб қилиш лозим.

3. Агар оиланинг моддий шароити жуда яхши бўлса, боланинг ўз тенгдошлари олдида бундай яхши шароит билан ғурурланиш ва мақтанишга одатлантирмаслик керак. Бола оиланинг бойлигидан ўзгалар олдида гердайишга ҳеч қандай асос йўқлигини тушуниш зарур.

4. Ота-оналар болаларининг ҳалол, ростгўй ва софдилликка одатланиб боришларини диққат билан кузатиб боришлари керак. Улар ҳеч нарсани

боладан атайин яширмасликлари ва шу билан бирга унинг кўз ўнгида ётган бўлса ҳам, сўроқсиз олмасликка ўргатишлари зарур. Ҳавас келтирадиган ҳар хил нарсаларни атайин боланинг кўз ўнгига қўйиб, уни ана шу нарсаларга бепарволик билан, суқлик қилмай қарашга ўргатиш лозим.

5. Оилада тежамкорлик ва эҳтиёткорлик тарбиясини тўғри ташкил этиб, эскириб қолган нарсаларни яхшилаб таъмир қилиб, янгисини сотиб олиш вақтини чўзиш ва шу йўл билан ота-оналар ёки оиланинг бошқа аъзолари топган пулнинг маълум қисмини тежаб қолиш мумкин бўлади. Шунинг учун болани жуда кичик ёшлигидан бошлаб нарсаларни эҳтиёт қилишга одатлантириш лозим. Ўз оила хўжалигини яхши юритмоқчи бўлган киши рўзғорда қайси нарсанинг эскира бошлаганини аввалроқ пайқаши, рўзғор буюмларининг жуда ҳам эскириб қолишига йўл қўймаслиги, уларни ўз вақтида тўзатириш, бозорда ёки дўконда тасодифан кўриб қолган нарсасини сотиб олавермай, балки ҳақиқатдан керак бўлган нарсани сотиб олиши мақсадга мувофиқдир. Болаларга ҳам шу одатни сингдириб бориш керак.

6. Бола фақат ўз хонадонидаги буюмларнигина эҳтиёт қилиб қолмай, балки бошқа кишиларнинг буюмларини ва айниқса, кўпчилик фойдаланадиган буюмларни ҳам эҳтиёт қиладиган бўлиши лозим.

7. Тежаб-тергаб иш кўриш одатларини болада мумкин қадар эртароқ тарбияламоқ керак. Одат машқ қилиш билан ҳосил бўлади. Шу йўл билан болада буюмларни тежаб-тергаб тутиш истагини доимо рағбатлантириб туриш керак.

8. Пулни тежаб-тергаб сарфлаш айниқса муҳимдир. Бундай харажатларнинг рўйхати боланинг ёшига ва оиланинг қурбига қараб турлича бўлиши мум-

кин. Дейлик, 10 яшар бола учун тахминан қуйидагича рўйхат тузса бўлади: дафтар, китоб сотиб олиш, йўл кира, бутун оила учун нон, сут, сариёғ, совун сотиб олиш, унинг ўзи ва укасига ручка олиш... Бола катта бўлган сари, бундай харажатлар рўйхати анча масъулиятлироқ ва мураккаброқ бўла бориши лозим.

Оилада ота-оналар ўз фарзандларининг меҳнатсевар, тежамкор ва эҳтиёткор кишилар бўлиб етишишларида ўзлари намуна бўлишлари керак. Бу тарбия ишлари учун жуда муҳим омиллардан саналади.

БОШЛАНГИЧ СИНОФ ЎҚУВЧИЛАРИ МЕҲНАТ ТАРБИЯСИНИНГ МАЗМУНИ, ШАКЛ ВА УСУЛЛАРИ

Ўқувчиларни меҳнат тарбияси дастлаб оилада, мактабда /ўқув-тарбия ишининг бутун тизимида, болаларнинг оммавий ташкилотлари фаолиятида, ишлаб чиқариш жамоалари меҳнатида иштирок этишлари орқали амалга оширилади.

Болалар ёшлик чоғларидан бошлабоқ теварк-атрофларидаги кишиларнинг турли-туман ишларига қизиқадилар, катталарга дастёрчилик қиладилар. Бу ишни ҳар томонлама рағбатлантириб, қўллаб-қувватлаб туриш фойдалидир. Мактабда меҳнат тарбиясининг яхши бориши мактабгача тарбия ёшидан бошлаб кичкинтойларга меҳнат тарбияси бериб боришга боғлиқдир.

Болалар қўлларидан келганча оиладаги рўзгор юмушларида ота-оналарига ёрдам бериб, дастёрчилик қиладилар. Чунончи ҳовли-жойларни супуриб, саранжом-сариншта қилиш, томорқадаги экин-тикин, мол-ҳолларга қараш, меҳмон кутиш, бозор-ўчар қилиш, ўзидан кичик укаларига қараш каби ишларда кўмаклашадилар.

Болаларга катталарнинг меҳнати, касб-ҳунарлари тўғрисида сўзлаб бериш, уларнинг меҳнатини ҳурмат қилиш лозимлигини тушунтириб бориш ҳам зарур.

ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ

Болаларда меҳнатга бўлган қизиқиш ва эҳтиёж анча барвақт пайдо бўлган, мактабга келган ўғил ва қизларда эса муайян меҳнат кўникмалари таркиб топган бўлади. Бу кўникмалар мактабдаги таълим ва тарбия таъсирида янада мустаҳкамланади. Ўқувчиларда меҳнат маданияти, тайёрланадиган маҳсулот сифати учун масъулият ҳисси, вақтдан самарали фойдаланиш, асбобларни эҳтиёткорлик билан ишлатиш ва материалларни тежамли сарфлаш малакалари ҳосил бўла бошлайди. Мана шулар бошланғич мактаб ўқитувчисидан алоҳида эътиборни, меҳнат тарбиясининг хилма-хил омилларидан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Дарс ўқувчилар меҳнатининг асосий ва муҳим турларидан биридир. Бу меҳнат тури ўқувчидан қатъиятни, қунт ва ақлий зўр беришни талаб қилади. Дарс жараёнида ўқитувчи ўқувчининг фикрлаш қобилиятини ўстириб боради. Баъзи ўқувчиларга ақлий меҳнат қилиш меҳнатнинг бошқа турларига нисбатан оғирдек туюлади. Улар дарсда дарров зерикадилар, материалларни ўзлаштиришда сусткашлик қиладилар.

Лекин, ўқитувчи ўқувчиларда пайдо бўлган ана шу ҳолатни дарров пайқаб олиши, дарсни қизиқарли мазмунда, шаклда, усулда олиб бориши, бор билими, маҳоратини ишга солиши зарур.

Бошланғич мактабдаги меҳнат машғулотлари ўқувчиларнинг ҳар томонлама уйғун ривожланишига хизмат қилиб, у ўқувчиларда ижодий қобилиятлар-

ни, бадий дидни ўстиришда ва уларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда алоҳида ўрин эгаллайди.

Дарсларни ташкил қилишдан аввал мавзу ва мақсадни аниқ белгилаб олиш даркор. Дарс ўтиш учун зарур материаллар етарли бўлсагина танланган мавзунини бажаришга киришиш ёки мавзуга ижодий ёндашиб, болалар яшаётган муҳитни, у ердаги мавжуд ишлаб чиқариш ва ҳунармандчиликни ҳисобга олиш лозим.

Бошланғич синфларда хизмат кўрсатиш меҳнатининг ўзига ўзи хизмат қилиш ва жамоатчилик ишлари билан таништириш, шу билан бир қаторда бунга қўшимча тарзда қуйидаги мавзуларда машғулотлар олиб борилиши мумкин: «Пазандачилик сирлари», «Таом тайёрлашда масаллиқларга ишлов бериш, саралаш, ювиш, арчиш, тўғраш ва қирқиш», «Сабзавотлардан тайёрланган салатлар», «Дастурхон тузаш», «Уйни ва синф хонасини саранжом-сарийшта тутиш», «Меҳмон кутиш».

Бу мавзуларни ёритишда болаларнинг жинсига қараб топшириқлар бериш лозим. Бунда қиз болаларга энгилроқ топшириқлар, ўғил болаларга ўзларига хос ва керак бўладиган ҳунарлар ўргатилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ўтмишда меҳнат тарбиясида турли усул ва воситаларни қўллаш орқали болалар меҳнатга руҳан ва амалий жиҳатдан тайёрлаб борилган. Болаларни амалий машғулотга тайёрлашда ишонтириш ва бола фаолиятини баҳолаш усуллари қўлланган. Бу ишларни амалга оширишда восита сифатида ўйин ва маросимлардан, халқ оғзаки ижодидан, меҳнат билан боғлиқ миллий анъаналардан моҳирона фойдаланилган, бадий сўз воситасида улар руҳиятига таъсир кўрсатилган. Бу хилдаги тадбирлар боланинг ахлоқий ва руҳий жи-

ҳатдан меҳнатга тайёрланишида муҳим аҳамият касб этади.

СИНФДАН ТАШҚАРИ ОЛИБ БОРИЛАДИГАН МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ

Кузатиш ва тажрибалардан маълумки, бола ўзи бажарадиган иш топшириқлари моҳиятини тушунса, унга қизиқади. Қизиқиш ғайрат билан ишлашга ундайди, лекин ўқувчиларга тавсия этиладиган ишлар уларнинг қобилиятларига яраша бўлиши керак.

Дарсда ва дарсдан ташқари машғулотларда, маданий ҳордиқ чиқариш пайтларида ўқимишли кишилар ва уларнинг жамиятдаги ўринлари ҳақида суҳбатлар ўтказиш, ҳикматли сўзлар ва шеърлар ўқиб бериш, ўзларига ҳам ўқитиб, ҳам ёд олдириб, мазмунини тушунтириш ўринлидир.

Буюк бобокалонларимиз Амир Темур, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари кўплаб алломаларнинг ҳаёти, меҳнат фаолиятлари ва буюк мерослари дунёга машҳурдир. Уларнинг азиз ва мўътабар кишилар сифатида кўп йиллардан буён халқимиз дилида сақланиб, ҳурмат билан тилга олинишининг боиси нимада? Бунинг боиси, уларнинг билимли, ишбилармон, халқ манфаати учун хизмат қилган кишилар бўлганликлари эканлигини алоҳида-алоҳида машғулотларда тушунтириб бериш керак. Шунингдек, ҳозирги кунда яшаётган, халқ учун хизмат қилаётган ва эл-юрт олқишига сазовор бўлаётган билимли кишилар, етук кашфиётчилар ҳақида ҳам маълумотлар бериб бориш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, ўқувчиларнинг ўзларига таниш бўлган, китоб ва газета-журналларда суратларини, ойнаи жаҳон орқали чиқишларини

кўрган билимли кишилар ҳақидаги суҳбат ва маълумотлар тушунарли ва қизиқарли бўлади. Бундай тадбирлар ўқувчиларда билимли бўлишга, ана шундай обрўли кишилар изидан боришга қизиқиш уйғотади.

Ўқиш-ўрганиш, турли билимларни эгаллаш ҳақида ўзбек халқ мақоллари ва ҳикматли сўзларининг аҳамияти беқиёсдир. Жумладан, «Ҳадис» китобида: «Гарчи Хитойда бўлса ҳам, илмга интилинглар, чунки илм олиш, ҳаракат қилиш — ҳар бир мўминга фарздир», — дейилган. Бу фикрнинг маъноси ниҳоятда кенг ва чуқур бўлиб, яқин атрофда мактаб бўлмаса, ўқиш-ўрганиш учун шароит яратилмаган бўлса, узоқ жойларга бориб бўлса ҳам илм ўрганинг, чунки билим олишга ҳаракат қилиш ҳар бир киши учун фарз, яъни худонинг буйруғидир, деган маънони ифодалайди. Ҳадисларни ўқувчиларга ана шундай соддароқ сўзлар билан тушунтириш керак. Ўзбек халқ мақолларидан қуйидагиларни ўқувчиларга айтиб бериш, маъносини тушунтириш орқали уларда илмга, ўқув меҳнатига қизиқиш, билимли кишиларга ҳурмат ҳиссиётларини уйғотиш мумкин. Жумладан:

Билаги зўр бирни йиқар,

Билими зўр мингни йиқар.

Билим — бахт келтирар.

Илм — ақл чироғи.

Илмсиз — бир яшар,

Илми — минг яшар.

Оз-оздан ўрганиб доно бўлур,

Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

Булардан ташқари, кўплаб бебаҳо асарлар мавжудки, улардан фойдаланиш, ўқувчиларнинг мустақил ўқишларини ташкил этиш уларнинг ўқишга бўлган интилишларини оширади. Шу мақсадда

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асаридан фойдаланиш ҳам яхши самара беради. Асарда тилга олинган мавзуларда инсон камолати масаласи ва билимли киши қадрини ошириш ҳақида ажойиб сатрлар бор:

*Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлар,
Билим кимда бўлса, буюклик олар.*

Билим мисоли бир жилов. У одамни барча ёмон, ярамас ишлардан тийиб туради. Билим эгаси ўз тилаklarини топади, орзу-мақсадларига эришади. Билим эгалари элда азиз бўлади, ҳурмат қозонади. Барча мураккаб ишлар билим билан ҳал этилади. Ана шу ўғит насиҳатларни соддалаштириб, тушунарли қилиб гапириб бериш орқали ўқувчиларда ўқув меҳнатига қизиқиш орттирилади. Қизиқиш эса ғайрат ва қунт билан ўқишга ундайди. Натижада ўқувчилар дарс қолдирмай ва кечикмай билимларни пухта ўзлаштиришга ҳаракат қиладилар.

Ўқувчиларнинг жисмоний меҳнатга нисбатан ижобий муносабатларини тарбиялашда меҳнат турлари ва илғор меҳнат кишилари ҳақида суҳбатлар ўтказиш, ишлаб чиқариш корхоналарига, завод ва фабрикаларга, дала, боғ ва чорвачилик, паррандачилик фермаларига экскурсиялар уюштириш, меҳнат илғорлари ҳақида очерк ва ҳикоялардан ўқиб бериш; меҳнатни улуғловчи эртақ ва мақоллардан фойдаланиш; ўқувчиларнинг ўз ота-оналари касби, уларнинг ишлари ҳақида суҳбатлар уюштириш сингари тадбирлардан фойдаланиш яхши натижалар беради.

Хўш, ана шундай учрашувларни қандай ўтказиш керак?

Аввало, ҳар бир учрашувга пухта тайёргарлик кўриш лозим. Тайёргарлик пайтида мутахассислар-

дан кимлар ва қандай касб эгалари таклиф этилишига қараб, ана шу касбнинг моҳияти, шу касбда ишлайдиган кишиларнинг жамиятда тутган ўрни, уларнинг ишлаб чиқарган меҳнат маҳсулотлари ҳақида ўқувчиларга тушунча берилиши зарур. Чунки учрашувга келган мутахассисни ҳам маълум маънода тайёрлаш керак, у ҳам қайси ёшдаги болаларга нималар ҳақида гапириш кераклигини билсин. Сўнг учрашув давомида мутахассис ўз касбини қандай эгаллаганлиги, борди-ю, ўқувчилар орасида шу касбга қизиқувчилар бўлса, улар шу кунлардан бошлаб нималарга эътибор беришлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Ўз навбатида ўқувчилар ҳам касб-ҳунар ҳақида ёдлаган шеърларидан айтиб бериш билан бирга, ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан саволлар беришлари мумкин.

Умуман, ҳар бир учрашув пухта тайёргарлик билан ўтказилса, унинг тарбиявий таъсири кучли бўлади.

Ўқувчиларда меҳнатсеварликни тарбиялаш учун, аввало улар бажарадиган ишнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини тушунтириш ва бу ишни бажаришга уларни қизиқтириш зарур. Бунинг учун эса юқорида таъкидлаб ўтилган тадбирларни режали ва мазмунли тарзда уюштириш лозим бўлади.

МЕҲНАТ ДАРСЛАРИ ВА УЛАРНИ ТЎҒРИ УЮШТИРИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ПЕДАГОГИК ТАЛАБЛАР

1. Агар меҳнат дарсларида бажариладиган ишнинг мақсади болаларга аниқ бўлса, улар шу ишни жон-диллари билан адо этадилар.

2. Болалар қилган меҳнатлари зое кетмаслигини, ишда муваффақият қозонишларини ҳис қил-

салар, яъни ўз меҳнатлари самарасиз қолмаслигини яхши билсалар, сидқидилдан меҳнат қиладилар.

3. Болалар ўзларига мос ва кучлари етадиган ишни роҳатланиб бажарадилар.

4. Ўқувчилар ишда ўз бурчларини сезишлари, жавобгарликни англашлари ва шунга амал қилишлари лозим.

5. Инсон бир ишга киришишдан олдин, ўша ишнинг оқибатини яхшилаб ўйлаши керак. Ўйламасдан тапир-тупур бирор ишга киришган кишининг меҳнати зое кетади.

6. Инсон истаганини қўлга киритиши учун сабрли, чидамли ва ғайратли бўлиши керак. Ғайратли, ишчан болаларни ҳамма севади.

XVII б о б . НАФОСАТ ТАРБИЯСИ

Нафосат тарбияси (эстетик тарбия) бу ўқувчиларни воқеликдаги, санъатдаги, табиатдаги, кишиларнинг ижтимоий ва меҳнат муносабатларидаги, турмушдаги гўзалликни идрок қилиш ҳамда тўғри тушунишга ўргатиш, уларнинг бадий дидини ўстириш, уларда гўзалликка муҳаббат уйғотиш ва ҳаётга гўзаллик олиб кириш қобилиятларини тарбиялашдир. }

Нозик дидли бўлиш, гўзалликни фаҳмлай ва қадрлай олиш, бадий маданиятни тушуниш, хуллас, ўз ҳаётини гўзаллик қонунлари асосида қура олиш — комил инсоннинг энг зарурий фазилатидир.

Инсонда гўзалликни тушуниш бирданига вўжудга келмайди, балки у жамият ва одамлар, атроф-муҳит таъсирида шаклланиб боради. Шунга кўра, инсониятнинг бадий ривожланиш қонунлари ижтимоий ривожланиш қонунлари билан боғланган.

Бадиият қонунлари эса, ижтимоий-эстетик идеаллар орқали намоён бўлади.

Нафосат тарбияси — энг аввало ҳар бир кишида бадий ҳиссиёт туйғуларини, бадий дидни тарбиялашдир. Бундай юксак нафосатлилик ақл-заковатдан холи бўлади, деган маънони тушунмаслик керак. Шахнинг баркамол инсон бўлиб шаклланишида бу икки томон бир-бирини тўлдиради. Чинакам санъат асарига ҳиссиёт чуқур ғоявий ақлий мазмун билан бирикиб кетади. Нафосат тарбияси ақл билан ҳиссиётни тарбиялаш, янада аниқроқ қилиб айтганда, ҳиссиёт воситаси билан ақлни тарбиялашдир. Бу икки томон бир-бири билан узвий боғлиқдир.

Илмий дунёқарашга асосланган нафосат, дид, ҳис-туёғулар ва кўникмаларнинг ўсиб бориши жараёнида инсоннинг ўзи ҳам маънавий бойиб, олижаноб бўлиб боради, унинг ҳаёти янада сермазмун бўлади, яшаётган замонига нисбатан меҳр-муҳаббат ортиб боради. Буларнинг ҳаммаси ҳар бир инсонда гўзалликни хунукликдан, жирканчликдан фарқ қила билиш қобилиятини шакллантиради, уни янада ривожлантиради. Чинакам нозик дид ҳақиқий гўзалликдан лаззатлана олиш, меҳнатда, турмушда, юриш-туришда, санъатда нафосатни идрок этиш ва яратишга эҳтиёж сезиш демакдир. Дидсизлик кишининг воқеликка бўлган ижобий муносабатини бузиб юборади, натижада у нафосатга лоқайд қарай бошлайди.

Нафосат тарбияси бугунги кунда шунинг учун ҳам муҳимки, дид-фаросатлилик меҳнатда, ишлаб чиқаришда, кундалик амалий фаолиятда — ҳар бир инсон учун ҳаётий эҳтиёжга айланиб қолган.

Дид—фаросат ҳар бир инсоннинг хатти-ҳаракатида, кийинишида, юриш-туришида, кишиларга бўлган муносабатида, жамиятдаги у ёки бу воқеаларга ёндошишида ва ҳоказоларда яққол кўзга ташланади.

Баъзан ҳаётда диди паст, маънавий қашшоқ кишиларни учратамиз. Бундай кишилар ақлан, ахлоқан ва руҳан заифлигини яшириш учун сохта хатти-ҳаракатлар қиладилар, ўзларига ярашмайдиган ишлар қиладилар, дидсиз кийинадилар, маъни-матрасиз, шовқин-сурондан иборат мусиқа ва ашулаларни тинглайдилар. Бундайларни кузатаркансиз, уларнинг меҳнат гаштини сурмаган, ҳаёт таъшишларига бепарво, лоқайд кимсалар эканлигига гувоҳ бўласиз.

ОДОБ ВА НАФОСАТ ТАРБИЯСИ

Донолардан бири гўзаллик ахлоқ-одобнинг туғишган синглизидир, деган эди. Дарҳақиқат, бу жуда тўғри таъриф. Одатда одоб ва нафосат тарбияси ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Чунки нафосат тарбиясининг натижаси ахлоқ-одобда, чиройли хатти-ҳаракат, гўзал муносабатда ва ҳаётга, келажакка, инсонларга, табиатга муҳаббатда кўринади.

Халқимиз: «Камтарлик ҳам ҳусн», дейди. Мана шу биргина иборада чуқур маъно бор. Нафосат тарбияси туфайли ёшларда камтарлик хислати таркиб топади. Бу хислат кишиларнинг энг гўзал, энг чиройли белгисидир. «Кишининг чиройи юзида», дейди халқимиз. Бир гўзал табассум кишиларга мисоли қуёш бўлиб, қалбларга илиқ нур таратади. Киши бирор асарни ўқиб, чеҳраси ёришиб кетади. Ёки ёқимли бирор куй, ашула тингласа, боши майин тебранади, бирор гўзал расм, манзарали тасвирга боқиб ундан кўз узолмай қолади, қалби қувончларга тўлади.

Хунук хатти-ҳаракатдан нафратлана билиш туйғусини ҳам нафосат тарбияси пайдо қилади. Бунда бадий асарларнинг роли муҳимдир. Масалан, «Зумрад ва қиммат» эртагида Қиммат ҳар қанча бўлса

ҳам, унинг хулқ-атвори, қилиқлари, хатти-ҳаракати ўқувчи қалбида нафрат уйғотади. Зумраднинг теварак-атрофга муносабати, меҳнатсеварлиги, камтарлиги, сезгирлиги, шириш сўзлиги каби хислатлари эса, аксинча, қалбларда қониқиш, қувонч, илиқлик, табассум, унга хайрихоҳлик пайдо қилади.

Шуни алоҳида қайд этиш ўринлики, айрим ёшлар гўзалликни тор маънода тушунади. Яъни, чиройни кўпинча ҳусни жамолда деб билишади. Бу бир томонлама тушунчадир. Ҳар томонлама тўлиқ маънода эса чирой, ҳусн-жамол қалб гўзаллигида, маъноли сўздадир. Халқимиз ҳам «Чирой ҳусну жамолда эмас, фазлу камолда» деб бежиз айтмаган!

Гўзаллик тарбиясида шу нарсага эришиш керакки, ташқи қиёфани ҳаддан ташқари безайвермасдан, асосан маънавий оламини безаш учун интилиш лозим. Шундай экан, бошланғич синфларда одоб гўзаллигига эришишимиз зарурдир. Бунинг учун ўқитувчиларимиз гўзаллик илми билан қуролланган бўлишлари муҳимдир. Бундан мақсад ёшларга гўзаллик асосида тарбия беришдир.

Эстетик, яъни гўзаллик тарбиясини сингдиришнинг аҳамияти катта. Бундай тарбия, аввало ёшларни турмушдаги гўзаллик ва хунукликни тушуниш, ҳис этиш орқали маълум бир кайфиятни шакллантиради, уларда гўзалликдан завқланиш, хунук қилиқ, хатти-ҳаракатлардан нафратлана олиш қобилиятини пайдо қилади, кишиларни маънавий фазилатли бўлишга етаклайди.

Эстетик ҳиссиёт, одоб инсонни олижаноб қилади, уни юксакликка чорлайди. Ана шу туйғу ривожланган бўлсагина кишиларда чинакам меҳр, самимият, олижаноблик, камтарлик каби фазилат-

лар ва гўзалликка ташналик ҳосил бўлади. Эстетик туйғу: кечинмалар дидни ўстиради, зеҳнлиликни кучайтиради. Диди, зеҳни ўткир кишининг сўзи билан қилган ишлари ўзаро монанд бўлади, у интизомлиликда намуна кўрсатади.

Юксак дидли инсон ички ва ташқи гўзалликнинг бирлигини англаб етади. Ҳар бир нарсадаги, ҳодиса ва воқеалардаги узвий алоқадорликни чуқур ҳис қила олади.

Яхши дид, ўзини тута билиш ва тарбияланганлик бир-бири билан узвий боғлиқдир. Ўзини тута билиш, одоб, хулқ-атвордаги тарбияланганлик эса суҳбат ва гаплашишдаги яхши дид-фаросат ҳисобланади. Яхши, нозик дид кишининг юксак ахлоқий сифатларида ифодаланади ва уларни янада ривожлантиришга ёрдам беради. Инсон маънавий маданиятининг умумий даражаси, ақлий, эстетик ва ахлоқий ривожланиши қанчалик юқори бўлса, унинг ички маънавий дунёси ташқи қиёфада шунчалик яққолроқ акс этади. Зеро, ички гўзаллик ташқи қиёфада кўринади. Ички ва ташқи гўзаллик бирлиги — бу ахлоқий камолатнинг гўзал ифодаланишидир. Инсон гўзал бўлишга, гўзал кўринишга ҳаракат қилади — бу қонуний ҳол. Аммо уни амалга ошириш ахлоқий фазилатга, яъни инсоннинг гўзаллиги унинг ижодий, яратувчилик фаолияти мазмунига боғлиқдир. Агар инсон ўзи севган фаолият билан банд бўлар экан, унда ички кўтаринкилик, олижаноблик ва илҳомбахш туйғу пайдо бўлади.

Инсоннинг ички ва ташқи маънавий дунёси, ўз олдига қўйган мақсади қанчалик гўзал бўлмасин, агар ундан жамиятга фойда бўлмаса, уни нафосатли деб айта олмаймиз. Зотан, ҳақиқий гўзаллик ҳар бир кишининг ижтимоий-фойдали фаолияти даражаси билан ўлчанади.

Инсон меҳнати билан яратилган барча нарсалар фақат моддий жиҳатдан фойдали бўлибгина қолмасдан, балки, завқ-шавқ уйғотиш манбаи ҳамдир, чунки улар кишининг баҳри дилини очади, унга маънавий озиқ беради.

Инсон меҳнат жараёнида бошқа инсонлар билан муомала қилади, уларга яқинлашади. Натижада ақлий, ахлоқий ва ҳиссий камолатга эриша бошлайди. Кишилар билан муомала қилиш жараёнида ўз-ўзини такомиллаштиради. Инсоний муомала маданияти кишини донолик ва завқ-шавқ билан бойитадиган муъжизавий куч-қудратга эгадир. Зеро, кишилар билан учрашишдан, улардаги маънавий бойликни билишдан инсон ўзи учун битмас-туганмас озиқ олади. Худди шу инсоний муомала маданиятида шахснинг ҳаётни севиши шаклланади ва янги инсон камол топадиган маънавий муҳит мустаҳкамланади. Инсоний муомаланинг ички аҳамияти шундан иборатки, бу жараёнда инсон бошқаларнинг ички дунёсини тушунади ва ҳис этади. Бу билан у тор биқиқлик ва худбинликдан холис бўлади, хушмуомалалик гаштидан завққа тўлиб, ўз ҳаётини маънавий бойитади.

Хуллас, эстетик дид, эстетик қобилият, ҳиссиёт маданияти бирданига пайдо бўлмайди, табиатдан тайёр ҳолда берилмайди. Ҳар қандай инсоний қобилият қаторида гўзаллик туйғуси ҳам тарбиялаш, ривожлантириш, такомиллаштиришга муҳтождир. Буларнинг ҳаммасида инсон гўзаллиги намоён бўлади. Халқимиз «Яхши ҳуснингни ёмон хулқинг бузади», деб бекорга айтмаган.

ДИД-ФАРОСАТЛИЛИК — ТАРБИЯ КЎРГАНЛИК БЕЛГИСИ

Маданиятлилик, тарбия кўрганлик, одоблилик инсоннинг ташқи қиёфасида ҳам намоён бўлади.

Кўча-кўйда, учрашувларда нотаниш кишиларни уч-ратар эканмиз, аввало, унинг ташқи қиёфасига назар ташлаймиз. Шунга қараб, у ҳақида маълум бир фикрга келамиз. Зеро, ҳамма жойда доимо кишига юзлаб кўзлар қараб туради: у қандай кийинган, қандай қадам ташляпти, ўзини қандай тутаяпти?

Покизаликка, озодликка интилиш ҳар бир инсон олдидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Озода кийиниш, баданни тоза сақлаш, сочни тараб оройиш бериб юриш, кийим-бошни ва уй-жойни озода тутиш киши риоя қилиши керак бўлган энг оддий ва энг зарурий талаблардандир. Уст-бошиғижимланган, соқоли олинмаган киши кўзга совуқ кўринади. Тирноқни ҳаддан ортиқ ўстириш, ошириб пардоз қилиш кулгилидир. Сочни ғалати қилиб турмакланган, кўзга ташланиб турадиган катта зирак таққан, бўйнига катта маржон осган қизлар, сочини елкасига тушириб, ҳурпайтириб юрган йигитлар кўзга хунук кўринади. Ўзининг ташқи қиёфасига эътибор бериб юриш — ҳар бир кишининг муҳим ижобий хислатидир. Лекин ўзига оро бериш бирдан-бир мақсад бўлиб қолса, унинг бошқа барча манфаатлари шунга мослаштириб қўйилса, бу ҳол ижобий бўлмай қолади.

Ҳақиқий тарбияланганлик чиройли юриш, қадди-қоматни чиройли тутиш, чиройли гапиришни тақозо этади. Кўп ёшлар билишмайди. Баъзилар лапанглаб, қўл силтаб, елкани чиқариб юрадилар, қўлларини чўнтақларига солган ҳолда гапирадилар, стулда оёқларини чалиштириб ўтирадилар. Кишилар ўртасида бўлганда ўзига оро бериш, тез-тез кўзгуга қараш, безаниб сочини тараш қиз бола, аёлларга ярашмайди.

Айрим ёшлар ясама, сунъий «гўзалик» билан ўзларини бадбашара қилиб қўядилар, улар ҳақиқий

гўзаллик юзнинг табиий латофатида, содда ва хуш-бичим кийимда эканини унутиб қўядилар. Кишининг ташқи гўзаллиги кийим рангларининг бири-бирига мос келишида, табиийлик ва соддаликда жуда яққол кўринади. Кўзга ташланмаган ҳолда кишининг ҳуснига табиий латофат ва нафосат берадиган, унинг айрим камчиликларини билинтирмай кетадиган уст-бош кийган маъқул.

Инсоннинг дид-фаросати кийим-бошида, хатти-ҳаракатларида, ўзини тута билишида кўзга ташланади. Самимий, оқкўнгил, ўзига талабчан, умумий тарбияланган киши ташқи кўринишида сунъийлик, қалбакиликни кўрсатувчи бирон-бир беъманиликка йўл қўймайдиган тарзда кийинишга, ўзини шунга муносиб тутишга ҳаракат қилади. Дидли-фаросатли киши ҳамиша ана шу қиёфасини сақлаб қолади. Ташқи қиёфага эътибор бериш ички маънавий гўзалликнинг ифодаси ҳисобланади.

Гап нафосат, гўзаллик ҳақида борар экан, халқимизда покиза, саранжом-саришта, пок табиат кишиларга нисбатан ишлатиладиган «назофат» тусунчаси ҳақида бир-икки оғиз тўхташ жоиздир.

Тарбияшунос аллома Абдулла Авлоний ўзининг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асарида инсонларга, айниқса, хотин-қизларга ярашиқли «назофат» фазилатига алоҳида урғу бериб, шундай деган:

«Назофат» деб аъзоларимизни, кийимларимизни, асбобларимизни пок ва тоза тутмоқни айтилур».

Поклик зеҳн ва идрокни кенг ва ўтқир қилур. Халқ орасида эътибор ва шуҳратга сабаб бўлур. Поклик ила ҳар хил касаллардан қутулиб, жонимизнинг қадрини билган бўлурмиз. Пок бўлмак саломатимиз, саодатимиз учун энг керакли нарсадир. Йиртиқ, эски кийимлар киймоқ айб эмас, янги

кийимларни кир қилиб, ёғини чиқариб юрмоқ зур айб ва гуноҳдир. Чунки бу иш шариатга терс, тарбияти баданга зид, ҳам бир йилга етадиган кийимлар олти ойга етмай йиртилиб тамом бўладур. Бу исроф, мол қадрини билмасликдир. Ифлослик балосидан поклик давоси ила қутулмоқ керак. Балиқнинг ҳаёти сув ила бўлганидек, инсоннинг саломатлиги ҳаво иладур. Агар тан пок бўлиб, ювилиб турмаса, кулоқ кир бўлса эшитмагани каби бадан ҳам ўзига керак бўлган ҳавони ичига ололмас, ичидаги рутубат ҳам кирдан ўтуб чиқиб кетолмас, чунки бадан элак каби кўзликдир. Агар кўзи кир бўлса, ун туриб сув ҳам ўтмас, шунинг учун тамизи бўлмаган кишилар кўрқинчли касалларга тезгина гирифтор бўлурлар. Шодликлари ғамда, олтиндан қадрли умрлари касалхоналарда ўтар. Мана шуларни риоя қилиб, шариатимиз бизга покликни фарз қилмушдир.

Халқи олам суйгусидир тозалик, покни,

Поклик орттиргусидир фаҳм ила идрокни.

Ҳар кишини кўксиди поклик нишони бўлмаса,

Тозалик майдонидан қувғайлар ул бебокни».

Қиссадан ҳисса: «поклик, озодлик, саранжом-саришталик—юксак дидлилик, иймон саломатлигидан дарак берувчи сифатлардир»

НАФОСАТ ТАРБИЯСИ ВАЗИФАЛАРИ ВА МАЗМУНИ

Нафосат тарбияси барча ёшдаги кишиларга баббаробар зарур. Аммо бутун тарбия тизимида, амалда исботланганидек, нафосат тарбиясини сингдиришни инсоннинг болалик давридан бошлаш ниҳоятда муҳим, бу давр инсон ҳаётида феъл-атвор, ироданинг, дид, гўзаллик туйғуси ва ҳаётий тушунчанинг пайдо бўлиши ва шаклланиши давридир.

Болаликда ақл-фаросат, ахлоқий кўникмаларни тарбиялаш билан бир қаторда, уларда чиройли, нафис, гўзал нарсалардан завқ ола билишни, гўзалликни дағалликдан, қўполликдан тез ажрата олиш қобилиятини тарбиялашимиз керак.

Гўзалликни хунукликдан ажрата олиш, гўзалликни севиш, унга интилиш қобилияти соддаликдан мураккабликка қараб ўсиб боради. Бола тўрт-беш ёшдаёқ кийинишдаги гўзалликка — ихчамликка, нафисликка, чиройлиликка эътибор бера бошлайди, тўққиз-ўн ёшларда эса юриш-туришдаги, хатти-ҳаракатдаги гўзалликнинг ҳам фаҳмига етадиган бўлади, ўн тўрт-ўн беш ёшларда меҳнатдаги, ижтимоий ҳаётдаги гўзалликни ҳам англаш қобилиятига эга бўлади. Лекин бу гап беш ёшли болаларга ижтимоий ҳаётдаги гўзаллик ҳақида тушунчалар беришнинг ҳожати йўқ деган фикрни билдирмайди. Ёш болаларга ҳам меҳнат ҳақида, ҳаёт ҳақида гапириб бериш мумкин, аммо бу суҳбатлар ниҳоятда содда, ихчам ва бола ҳурмат қиладиган бирор кимсанинг ишлари мисолида олиб борилса, айти муддао бўлади.

Нозик дидни, гўзаллик туйғусини шакллантиришда гўзал муҳитнинг роли катта. Биз чиройли муҳит деганда болага чиройли кўринган, унинг қалбида завқ-шавқ уйғотадиган нарсалар, буюмлар, воқеалар, ҳодисаларни тушунамиз. Бунда оила, мактаб ва жамоатчилик асосий роль ўйнайди.

Оилада болани тозалликка, тартиблиликка, гўзалликни севишга ўргатиш керак. Бунинг учун аввало уйдаги барча буюмлар дид билан танлаб, жойлаштирилган, тоза, саранжом-саришта бўлгани маъқул. Чунки болага икки хил нарса кўпроқ таъсир қилади. Биринчиси боланинг кўзига тез-тез ташланадиган буюмлар, одамлар ўртасидаги муносабат

бўлса, иккинчиси боланинг ўзига бевосита тегишли бўлган нарсалар — кийим-кечак, идиш-товоқлар, китоблар, ўйинчоқлар, ёзув столи ва бошқалардир. Бола ўз буюмларини асраб, авайлаб, тоза-озода, саранжом-саришта қилиб юришга ўрганса, у ёши улғайган сайин гўзалликнинг мураккаб кўринишларини табиатдаги уйғунликни, санъатдаги гўзалликни пайқаб олиш учун тайёрлана боради.

Бошланғич синф дастурига кўра ўқувчиларга дастлаб хулқ-атвор ва турмушдаги гўзаллик, яъни буюмлар, кийимлар, ўқув қуролларини тоза, озода, чиройли асраш, уларни саранжом-саришта сақлай билиш, улардан тўғри ва ўринли фойдаланиш ўргатилади. Ўқувчиларда хушмуомала бўлиш, кўполликдан нафратланиш, ифлослик, тартибсизликка мурасасиз бўлиш каби хусусиятлар тарбияланиб боради. Нафосат тарбияси таъсирида болалар қалби шунчалик нозиклашадики, улар ҳар бир сўзни дарҳол қулоққа оладиган бўлади, қалб фазилати ортади, нафосат ҳис-туйғуси кучаяди, ҳис этиш, тушуниш, қадрлаш, завқланиш, нафратлана билиш, бир ҳодисага муносабат билдириш — булар нафосат тарбиясининг алифбоси ҳисобланади.

Нафосат тарбиясининг асоси оиладан бошланади, гўдаклик давридан вақтида овқатланиш, ухлаш тартибига риоя этиш, уйда озодалик, саранжом-саришталик оила аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат, қадр-қиммат бола қалбида ўчмас из қолдиради. Бола олдида беҳаё сўзларни айтиш, бачкана қилиқ, хатти-ҳаракатлар қилиш бола тарбиясига ёмон таъсир этади. Нафосат тарбияси орқали овқат пишириш, дастурхон атрофида ўтириб овқатланиш жараёнидаги азалий шарқона одат, одоб қоидала-

рига амал қилиш ўргатилади. Оила гўзаллик тарбиясининг биринчи ўчоғи бўлса, ундан кейин мактаб, ўқитувчи-тарбиячи ўғити, жамоатчилик, катталар таъсири-таълим-тарбияда муҳим ўрин тутади. Мана шу жараёнда боланинг ҳар бир хатти-ҳаракати кузатиб борилиши, хатолари сабр-чидам, ўрни, ётиғи билан тузатиб турилиши лозим.

Меҳмонга бориш, меҳмон қабул қилиш, кўчада юриш каби ота-боболаримиз тажрибаси ўргатилоғи зарур!

«Ассалому алайкум»дан бошлаб, чеҳра табассуми, катталар олдида бош эгиб туриш ҳар бир насихати учун миннатдорчилик билдириш, кетишга рухсат сўраш — булар биринчи ўриндаги талабларга киради. Айниқса, сўзлаш одобига жиддий эътибор бериш даркор. Сўзлаганда тинглаётган киши кўзига қараб туриш, сўзлаб туриб уёқ-буёққа аланглаш ёки тесқари қараб тўнғиллаш одобсизлик эканлигини яхши англаб етиш, оғиздаги луқмани ютгандан кейин оҳиста гап бошлаш, шошилмай, дона-дона қилиб, мақсадни аниқ, дангал, равшан, эшитарли овоз билан тушунтириш кераклиги ўргатилади. Булар — одоб гўзаллигидир.

Нафосат тарбияси орқали ўз-ўзини бошқариш шаклланади. Бу ўз-ўзига аста-секин талабчанликни келтириб чиқаради. Ўз-ўзини тергаш, ўзини мустақил, онгли, оқилона бошқариш, ўз хулқ-атвори, хатти-ҳаракатига баҳо бера билиш кўникмаларини эгаллаш демакдир.

НАФОСАТ ТАРБИЯСИ ВОСИТАЛАРИ

Нафосат тарбиясига доир билим ва малакалар асосан дарс жараёнида — ўқиш, мусиқа, она тили, табиат, тасвирий санъат, тарих, география ва жисмоний тарбия каби дарсларда берилади.

Ўқиш дарсларида нафосат тарбияси ифодали ўқиш, техника воситаларидан фойдаланиш, дид билан чизилган расмлар ва сахна ўйинлари орқали ўқувчи онгига сингдирилиб борилади. Шунингдек, турли жанрдаги бадий асарларни ўқиш, шеърларни ёдлаш, жумладан эртақ, ривоят, ҳикоятларни ўрганиш орқали бола сўз қудратидан завқланади, ҳаяжонланади, таъсирланади. Ўзини сирли воқеалар ичида юргандек ҳис этади, бутун вужуди қулоққа айланади, турли кечинма, кайфият, ҳис-туйғу қалбини қамраб олади. Сўз қудрати уни сеҳрлаб, бутунлай ўзига жалб этади, эргаштиради.

Нафосат тарбияси воситаларидан энг муҳими санъатдир. Санъатнинг барча тур ва жанрлари ўзига хос таъсир кучига эга. Ёш ўса борган сайин, болада санъатнинг у ёки бу турига қизиқиш алмашиб боради.

Санъатнинг энг таъсирчан турларидан бири мусиқадир. Бола ҳали ёзиш, ўқиш, чизишни билмаган пайтда ҳам мусиқанинг сеҳрли тўлқинини қабул қилиши, улардан озиқланиши мумкин. Мусиқанинг илк таъсири она алласи билан боғлиқ. Она алласи майин, жозибали, ширадор, таъсирчан бўлгани учун ҳам бола ундан ором олиб уйқуга кетади. Мусиқа боланинг эшитиш қобилиятини яхшилайти, унинг руҳиятига юмшоқлик, фель-атворига мулоимлик бағишлайди. Ҳақиқий мусиқа асарлари таъсирида улғайган бола ўртоқлари орасида ажралиб туради.

Санъатнинг иккинчи бир тури — тасвирий санъат ҳам нафосат тарбиясида муҳим ўрин тутади. Расм чизишга бўлган қизиқиш аксарият болаларда ёшликданоқ бошланади. Расм чизишга бўлган ҳавас болаларда ижодкорлик қобилиятини тарбиялайди,

хотирасини шакллантиради, хаёлнинг ўсишига ёрдам беради. Гўзаллик ва хунукликка бўлган ўз муносабатини бола ўзи чизган расмлари орқали ифодалашга ҳаракат қилади. Бола ўзи яхши кўрадиган кишисини ёки бирор нарсани чиройлироқ ва нафисроқ чизишга ҳаракат қилса, ёмон кўрганини масхаралаш шаклида чизишга интилади. Биз бола ҳаётидаги бу жараённи пухта билиб олиб, унга ёрдам беришимиз лозим.

Болаларда гўзаллик туйғусининг шаклланишида бадиий адабиёт ва рақс санъатининг ҳам роли бениҳоя катта. Умуман, тўрт санъат тури — мусиқа, тасвирий санъат, шеърят ва рақс болаларни гўзаллик дунёсига етакловчи, уларда кузатувчанлик, таъсирчанлик каби руҳий хусусиятларни, ижодий хаёл ва ижодкорликни тарбияловчи асосий омиллар ҳисобланади ва болада эстетик дидни шакллантиради.

Табиат ҳодисалари ҳам нафосат тарбиясининг муҳим воситаларидан биридир.

Ўқувчиларни табиатдан баҳра ола билиш, унинг гўзаллигини севишга ўргатиш лозим. Бунинг учун табиат бағрига тез-тез сайр уюштириш, табиат манзаралари, қуёш, ҳаво, боғ, дала, сув, дарё, тоғ қушлар, жониворлар, ҳайвонларни кузата билиш, уларнинг кўриниши, шакли, ранги овозини тинглаш, ёшйтиш, меҳнат объектларини бориб кўриш, инсон ва унинг турли касбларга оид фаолиятини ўрганиш — нафосат тарбиясининг асослари ҳисобланади.

Ўқувчиларни ҳаваскорлик тугаракларига жалб этиш, интермедиялар ижро этиш, сахнада роль бажариш, турли миллий ўйинлар ўйнаш — булар қалбларни гўзалликка ошно этувчи воситалар бўлиб хизмат қилади.

Нафосат тарбияси жисмоний ривожланиш билан ажралмасдир. «Соғ танда — соғ ақл» деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Биз ташқи ва ички гўзалликни бир-бирига қарама-қарши қўймасдан, уларнинг уйғунликда тараққий этишига эришишимиз лозим. Бадантарбия ва спорт билан шуғулланиш, бир томондан, кишининг саломатлигини мустақкамласа, йиккинчи томондан, ташқи қиёфасини кўркем қилади.

Ҳамма вақт нафосат тарбиясининг асосида эркин фикрлаш, эшитиш, кўриш, ҳаракат қилиш қобилиятини тарбиялаш масаласи туради.

Бола воқеликдаги, санъатдаги, инсондаги гўзалликни кўра олишга, ҳис қила билишга, мусиқа асарларини эшита олишга, гўзаллик ва хунуклик ҳақида эркин фикрлай олишга, ўз фикрини аниқ сўзлашга қобил бўлса, демак, унда гўзал дид, гўзал туйғу, эстетик идрок камол топган бўлади.

XVIII боб. АХЛОҚ-ОДОБ ТАРБИЯСИ

Ахлоқ ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, муайян жамиятда яшовчи кишилар амал қилиши зарур бўлган маълум хатти-ҳаракат қоидалари йиғиндисидир.

Ахлоқ одамларнинг бир-бирларига, жамиятга, давлатга, халқ мулкига, оилага, ишлаб чиқариш воситаларига, меҳнат маҳсулотлари ва шу кабиларга муносабатини муайян тартибга соладиган хатти-ҳаракат қоидалари тизимида намоён бўлади.

Одоб — одамнинг жамоат, эл-юрт орасида ўзини тутиш, бошқалар билан қай йўсин муомала қилиш, ўз турмуши, маишати ва бўш вақтини қандай ташкил этиши, хуллас, шахснинг кундалик хулқ-атвори, юриш-туриши, хатти-ҳаракатлари қандай бўлиши лозим ва маъқул эканлиги хусуси-

да баҳс этади. Аниқроғи, ахлоқ кишининг ички олами, эътиқоди, фазилатлари сифатида мавжуд бўлса, одоб шахснинг кўзга ташланадиган мулозамати, хулқ-атвори, муомала-муносабатлари тарзида намоён бўлади. Ахлоқ кишидан ҳар хил ҳолатларда қандай йўл тутиш кераклигини яхши ўйлаб, энг мақсадга мувофиқ ҳаракат қилишни талаб этса, одоб ўз қоидаларининг одат тусига киришини, яъни ҳар қандай вазиятда ана шу одатни намоён қилишини тақозо қилади. Ҳар бир одам хусусида, одатда, унинг фаолиятига, қандай иш билан шуғулланишига, бу фаолияти ва иши ахлоқ талабларига, турмуш қоидаларига, жумладан, давлат қонунларига мувофиқ ёки хилоф эканлигига асосланиб муайян фикр юритилади.

Ахлоқ илми яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги мураккаб муаммолар ҳақида баҳс юритиб, инсоннинг камолатга эришиш йўлини ёритиб боради. Ҳар бир инсон бир олам бўлгани каби унинг ахлоқ-одоби ҳам жуда мураккаб олам, десак янглишмаймиз. Чунки, шахснинг зоҳирий ва ботиний оламини, айниқса қалб оламини ўрганиш, билиш, таҳлил этиш ғоятда қийин, бу руҳият билан боғлиқ ҳолатдир. Ахлоқли, одобли комил инсонда одамийликнинг энг яхши хислатлари: меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат, адолату диёнат, ҳаёю иффат, вафою садоқат, ҳиммату саховат, имон-эътиқод кабилар мужассам бўлади, айти ҳолда шу хислатларнинг акси—бебурд, ахлоқсиз кимсалар феълида кўринади.

Ҳар бир халқнинг нуфузи ва обрў-шуҳрати кишиларнинг ахлоқи-одоби, яхши хислат-фазилатлари билан белгиланади, шу тахлит баҳосини олади.

Қадимги файласуфлару донишмандлар ахлоқ-одобга жуда катта баҳо бериб, уни жамиятнинг пойдевори деганлар. Шунинг учун ҳам жамият ҳар

бир аъзосининг хулқи-одобига алоҳида эътибор берилиши бежиз эмас.

Асрлар давомида ахлоқ-одоб мавзуида қанчадан-қанча китоблар, ҳикматномалар, одобномалар, пандномалар ва насиҳатномалар, ибратли ҳикмату ривоятлар яратилган. Халқ оғзаки ижоди хазиналарида ахлоқ-одобга доир бебаҳо фикр жавоҳирлари борки, уларнинг ҳаммасини ҳисоблаб ҳисобига, таърифлаб таърифига етиб бўлмайди.

Муқаддас Қуръони Каримда ва пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссаломнинг ҳадисларида инсоний ахлоқ-одобнинг барча қирралари ўз ифодасини топган. Муқаддас калималарнинг деярли ҳаммасида яхши амалларнинг ҳидоятю ёмон одатларнинг зарари баён этилиб, улардан қандай қилиб сақланиш лозимлиги ҳақида йўл-йўриқлар кўрсатиб қўйилган.

Ёш ниҳолнинг бақувват дарахтга айланиши парваришга боғлиқ бўлганидек, одам боласи комил инсон бўлиб етишиши учун ҳам уни мурғакликдан ахлоқ-одоб илмидан баҳраманд этиб бориш лозим.

АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИНГ ВАЗИФАСИ

Ахлоқ-одоб тарбияси миллий, маънавий, умуминсоний қадриятлар асосида амалга оширилгандагина унинг мазмуни янада бойиб боради. Чунки миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар ахлоқий тарбиянинг ҳамма томонларини қамраб олади.

Инсоннинг жамиятга бўлган муносабатини шакллантириш, салбий иллатларга қарши нафрат уйғотиш, онгли интизомни тарбиялаш, комил инсонни вояга етказиш кабилар ахлоқий тарбиянинг вазифаларидир.

Ахлоқий тарбия вазифаларидан яна бири инсоннинг жамиятга бўлган муносабатини юқори поғонага кўтаришдир.

Иймон ва инсоф, сўз ва иш бирлиги, инсонпарварлик — янги қурилаётган жамиятнинг асосий хусусиятлари бўлиб қолади. Шундай экан, жамият ва халқ манфаати, унинг бахт-саодати учун курашиш масъулиятини ҳар бир фуқаро теран ҳис этиши ва унга амал қилиши лозим. Ёшларни тарбиялашда шўроча ахлоқ усулларидан воз кечиб, шарқона ва миллий ахлоқ-одоб нормалари асосида иш юритиш билан бирга жамиятга ҳурмат, мустақилликни мустаҳкамлаш, инсонларга инсоний муносабатда бўлиш каби фазилатларни сингдириш тақозо этилади. Бу вазифаларни амалга ошириш ўқувчиларнинг жамиятга бўлган муносабатини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўқувчиларни жамият манфаати учун қилинадиган меҳнатга илҳомлантириш ўқитувчининг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Ўқувчининг жамиятга бўлган муносабатида миллий бирлик, бирдамлик ва ҳамкорлик туйғулари, турли халқларга бўлган ҳурмат кабилар яққол намоён бўлиши зарур.

Ахлоқ, одоб инсоннинг жамиятга бўлган муносабатининг негизини ташкил этади. Шунинг учун ҳам ўқувчида жамиятга бўлган ҳурматни юксалтириш мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, ахлоқий маданият эгаси бўлишга, ахлоқий онгни, ўзини-ўзи англаб етишга, яхши инсонларга бўлган эътиқодни ривожлантиришга олиб келади. Мактаб ўқитувчилари дарс ва дарсдан ташқари жараёнларда дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, бировнинг дардига дармон бўлиш каби фазилатлар халқимиз ва миллатимиз-

нинг куч-қудратининг асоси, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тараққиётнинг негизи эканлигини ўз ўқувчиларига тушунтиришлари даркор.

Ўзбекистон мустақиллиги, юртимиз равнағи ёшларни ўқиш, изланиш ва меҳнатдан қочмайдиган, ҳар қандай қийинчиликлардан ҳайиқмайдиган, салбий иллатларга нафрат билан қараш руҳида тарбиялашни талаб қилади. Шунга кўра бугунги Ўзбекистон заминида яшаётган ҳар бир ёш келгусида шу ўлкани ҳақиқий эгаси бўлиб етишиши, унинг гуллаб-яшнаши ҳақида қайғуриши, эришган ютуқларни мустаҳкамлаши лозим.

Салбий иллатларнинг дастлабки белгилари оилада, мактабда кўринади. Бунинг олдини олиш ва бартараф этиш учун тинимсиз кураш олиб бориш зарур. Бунда мактаб ўқитувчилари, ота-оналар ўз ўқувчиларида, ўз фарзандларида самимийлик, ташаббускорлик, фаоллик меҳнатсеварлик каби ахлоқий сифатларни, матонат, қатъият, мустақиллик, ташаббускорлик, ишонч каби хислатларни шакллантиришлари шарт.

Ўқувчилардаги салбий иллатларга қарши кураш олиб боришда ўқитувчилар муҳим роль ўйнайдилар. Ўқитувчилар таълим-тарбия жарёнида ўқувчиларни мамлакатимизда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларнинг ҳаққонийлигига, тўғрилигига ишонч руҳида тарбиялашлари зарур.

Айниқса улар ҳар бир дарсни ўтишида республикада бўлаётган янгиликлар, мустақил Ўзбекистоннинг фидоий кишилари ҳақида сўзлаб беришлари, шу билан бирга мустақилликнинг қадрига етмаётган баъзи бир ёшларнинг ярамас кирдиқорларини тушунтиришлари керак.

Ахлоқий тарбия вазифаларидан бири — онгли интизомли бўлишдир.

Онгли интизом кишининг кундалик фаолиятида, хулқ-атворида, кишилар билан алоқасида, умумий дунёқарashiда намоён бўлади. Онгли, интизомли кишининг маданияти, муомаласи кундалик масалаларни ҳал қилиш билан ҳаётининг мазмуни, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги, маънавий бойлик ҳақида тасавурлари билан у ёки бу тарзда боғлангандир.

Онгли интизом эгаси бўлган киши ўз ахлоқий бурчини тўғри англайди, ўз хатти-ҳаракатларига баҳо беради, нотўғри хатти-ҳаракатни қоралайди. Интизомли киши ўз хулқ-атворида тўғри баҳо бериш билан бирга, бирор хатти-ҳаракат учун шахсий масъулиятни ҳис этади.

Абдулла Авлоний «Интизом деб қиладурган ибодатларимизни, ишларимизни ҳар бирини ўз вақтида тартиби ила қилмоқни айтилар. Агар ер юзида интизом бўлмаса эди, инсонлар бир дақиқа яшолмас эдилар» деб таъкидлайди. Демак, интизом руҳимизга, фикримизга таъсир қиладиган ҳислат, тартиб-одоб, маънавий қувватдир. Интизом яхши хулқларнинг манбаидир.

Ўқувчиларда интизомни тарбиялашда мактаб жамоаси ва улар орасидаги ўзаро муносабатлар, бири-бирига бўлган ишонч ва ҳурмат, ўзаро ёрдам ва ўртоқлик ҳислатлари асосий роль ўйнайди.

Ўқувчиларда онгли интизомни, одобни тарбиялашда ўқитувчилар ўз хулқ-атворлари, муомала маданияти билан намуна бўлишлари даркор. Чунки уларнинг юриш-туриши, одобни ўқувчининг ички эътиқодига айланиши ва маънавиятига таъсир этиши керак. Шундагина ўқувчилар жамият ва жамоа олдида ахлоқий тарбия талабларига жавоб берадиган хулқ-атвор эгалари бўла оладилар.

АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИНГ МАЗМУНИ

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг таълим-тарбия мазмуни ва моҳиятида, усуллари ва шаклларида жиддий «ўзгаришлар рўй берди. Таълим-тарбияда миллий қадриятларни шакллантириш ва ривожлантириш асосий ўринни эгаллайди. Тарихимиз, маданиятимиз, миллий урф-одатларга эътибор кучайди. Ҳақиқатда ҳам, бугунги кунда Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш ва келажакда истиқлол истиқболини ривожлантириш аввало комил инсонларга боғлиқ. Чунки бундай инсонлар туфайли фан ва маданият, саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожланади. Зеро, ахлоқий маданият вазифаларидан бири комил инсонни вояга етказиш, уни тарбиялашдан иборат.

Комил инсон Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда ўз эътиқоди, ғайрат-шижоати, маданияти, билими ва уларни татбиқ этиш маҳорати билан ажралиб туради. У жамиятда, жамоада халқлар ва миллатлар ўртасида дўстлик, соғлом турмуш тарзини яхшилашга қаратилган муҳитни вужудга келтиришга интилади.

Комил инсонни шакллантиришда мактабда, оилада, соғлом маънавий муҳит барқарор бўлишига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки соғлом муҳит натижасидагина ахлоқий фазилатлар таркиб топади.

Ота-оналар ўз фарзандларини комил инсонлар қилиб тарбиялаши уларда Ватанга муҳаббат, меҳнати ва фидойилиги билан ўзгаларга фойда келтириш, садоқат, самимийлик каби хислатларни камол топтиришга хизмат қилади. Фарзандларимизнинг бундай инсонлар бўлишида оиланинг тотувлиги, ота-онанинг ўзаро меҳр-муҳаббати ҳам самарали таъсир этади.

Киши ўз ҳаётида ахлоқий камолатга қанчалик кўп интилса, шунчалик ўз хато камчиликларини англаб боради.

Бизнинг Турон замин халқлари ахлоқий тарбия соҳасида бой анъаналарга эга. Ахлоққа оид дастлабки фикрлар «Авесто» китобида, қадимги битикларда ва бошқа ёзма манбаларда ўз ифодасини топган. Булардан ташқари, ўзбек халқи ўртасида кенг тарқалган пандномалар, ўғитлар ва одобномаларда, халқ педагогикасида, фалсафий рисоаларда, алломалар меросида ахлоқий масалаларга кенг ўрин берилган.

Ҳадиси шарифлардаги ахлоққа оид ибратли маслаҳатлар, ҳикоятлар, асрлар давомида аждодларимиз ҳаётида таркиб топган миллий урф-одатлар, анъаналар Беруний, Форобий, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Навоий, Бобур сингари буюк алломалар, олимлар, ёзувчиларнинг ахлоқ ҳақидаги кўплаб фикр-мулоҳазалари бугунги кунда ҳам оилавий ҳаёт учун, ҳар бир инсон учун қадр-қиммати ни йўқотмаган муҳим тарбиявий аҳамиятга моликдир. Жумладан, Амир Темур Ахлоқи Хусния — яхши хулқлар эгаси бўлган. У оқил ва тadbирли саркарда сифатида одамларни ишга тайинлашда ҳам, вазифасидан озод этишда ҳам шошма-шошарлик ва адолатсизликка йўл қўймаган, балки етти ўлчаб бир кесган.

Амир Темур сингари жаҳон маънавияти салтанатида ўз ўринларига эга бўлган буюк бобокалонларимизнинг ахлоқ, гўзал хулқ ҳақидаги фикрлари бугунги кун талаби билан ёзилгандек туюлади.

«Ўғилларим! миллатнинг улуғ мартабасини, сاداتини сақламоқ учун Сизларга қолдираётган вазият ва тузуқларни яхши ўқинг, асло унутманг ва татбиқ этинг.

Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни қўриқланг, йўқсилларни бойлар зулмига ташламанг. Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин. Мен каби узун салтанат сурмоқ истасангиз, қиличингизни яхши ўйлаб чекингиз. Бир дафъа чеккандан сўнграда уни усталиклар қўллангиз. Орангизда нифоқ тухумлари экилмаслиги учун кўп диққат бўлинг. Баъзи ходимларингиз ва душманларингиз нифоқ тухумлари сочмакка, бундан фойдаланмоққа чалишажакдурлар... Буларга содиқ қолсангиз тош бошингизга тушмас»¹.

Амир Темурнинг бу васиятларидан унинг ўз халқига чексиз содиқлигини, миллатини улуғлаганини, камтарин, адолат ва озодлик учун курашувчан, ахлоқий маданияти юксак инсон бўлганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, Исмоил Ал-Бухорий «Ахлоқнинг яхши бўлиши, таомнинг покизалиги, ростлик ва омонатга хиёнат қилмаслик шарт, дунёвий ишлардан четда қолган бўлсанг ҳам зарари йўқдир»², — деб ёзади.

Ўрта Осиё мутафаккирларининг ахлоқ ҳақидаги фикрлари, ўғитлари шундай кучга эгаки, улар ўқувчилар қалбида инсонийлик уруғларининг униб чиқишига, катта ҳаёт йўлига олиб чиқишга ёрдам қилади, маънавий куч-қувват беради.

Халқига ва қариндош-уруғларига қўлидан келган барча яхшиликларни қилиш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш каби инсонийлик фазилатларини шакллантиради. Бу эса имонли, эътиқодли, фурурли, одобли шахсни вояга етказишнинг асо-

¹ Амир Темур ўғитлари. Т. Наврўз. 1992.

² Имом Исмоил Ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрат. Т. Ўзбекистон, 1990.

сий мақсадидир. Шу боис биз учун қадрли бўлган Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий каби улуғ мутафаккирларнинг ахлоқий қарашлари ва қадриятларидан мустақил Ўзбекистон истиқлолини мустаҳкамлашда, ўқувчиларнинг ахлоқий маданиятини шакллантиришда, кундалик турмушимизда кенг фойдаланишимиз мақсадга мувофиқдир.

Шуни айтиш керакки, халқимиз ахлоқ-одобни қадимдан улуғлаб келган. Чунки ахлоқ-одоб инсонга хусн, латофат ва назокат бағишлаган. Ўрта Осиё мутафаккирлари ўз асарларида ахлоқий гояларни доимо тараннум этиб, халқни орифлик, фозиллик, комиллик даражасига кўтаришга чорлаганлар. Бу борада Абу Наср Форобийнинг ижоди диққатга сазовордир.

Форобийнинг ижодини ўрганиш ўқитувчиларнинг ахлоқ, таълим-тарбия соҳасида олиб борадиган ишларига кенг имкониятлар яратади.

Форобий инсон ахлоқи ҳақида гапирар экан, унинг хислатларини қуйидагича таърифлайди:

1. Бундай одамнинг барча аъзолари шу даражада мукамал тараққий этган бўлиши зарурки, у бу аъзолари билан бажармоқчи бўлган барча ишларини осонлик билан амалга ошира олсин;

2. Барча масалани, муҳокама ва мулоҳазани тездан ва тўғри тушуна оладиган, унинг маъносини англай оладиган, сўзловчининг мақсади, айтилган фикрининг чинлигини тезда пайқай оладиган бўлсин;

3. Хотираси жуда бақувват бўлсин, кўрган, эшитган, сезган нарсаларининг биронтасини ҳам эсидан чиқармай, ёдида сақлаб қоладиган бўлсин;

4. Зеҳни шу даражада тез ва ўткир бўлсинки, бирор нарсанинг аломатини сезиш билан бу аломат нимани билдиришлигини тездан билиб олсин;

5. Сўзлари аниқ бўлсин, фикрини ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини раво ва равшан баён эта олсин;

6. Билиш ва ўқишга муҳаббатли бўлсин, ўрганмоқчи бўлган билимини чарчашни сезмасдан осонлик билан ўзлаштира олсин;

7. Овқатланишда, ичимлик истеъмол қилишда очкўз бўлмасин, табиати қимор ўйинларини ўйнашдан узоқ бўлсин ва улар келтирадиган хурсандчиликдан жирканадиган бўлсин;

8. Ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган бўлсин, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин;

9. Руҳининг гурури ва виждонини қадрлайдиган бўлсин, унинг руҳи ва ўз табиати билан паст ишлардан юқори ва олижаноб ишларга ишлатиладиган бўлсин;

10. Ўз табиати билан адолатни севадиган ва адолат учун курашувчиларга, адолатсизликни, жабрзулм ўтказувчиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин, ўз одамлари ва бошқаларга адолатли бўлсин, гўзал ва яхши ҳисобланган нарсаларни барчага тақдим этган ҳолда одамларни адолатга тарғиб этадиган, адолатсизлик оқибатларини йўқотадиган, уларга йўл қўймайдиган бўлсин;

11. Адолатли бўлсин, аммо қайсар бўлмасин, адолат олдида қайсарлик қилиб ўзбилармонликка берилмасин, лекин ҳар қандай адолатсизлик, пасткашлик олдида лафзли бўлсин, ўзи зарур деб билган нарсасини амалга оширишда қатъийлик кўрсатсин: қўрқмас, жасур бўлсин, қўрқув ва ожизликни билмасин¹.

¹ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. 186—187-бетлар.

Форобийнинг фикрича, инсоннинг ахлоқли, саҳоватли ва ақл-идрокли бўлишида билимларни эгаллаш муҳим аҳамиятга эгадир. Инсон билим орқалигина ўз мақсадига эриша олади.

Абу Наср Форобий «Инсоний вужуддан мақсад — энг олий бахт-саодатга эришувдир; аввало у бахт-саодат — нима ва нималардан иборат эканлигини билиш, унга эришувни ўзига ғоя ва энг олий мақсад қилиб олиши, бутун вужуди билан мафтун бўлиши керак. Кейин бу бахт-саодатга олиб борадиган иш, амал ва воситаларнинг нималардан иборат эканлигини билиб олиши зарур. Сўнгра эса бахт-саодатга эриштирадиган ишларни шахсан бажаришига киришмоғи лозим бўлади»¹ деб таъкидлайди.

Форобий ахлоқий маданиятнинг фазилатларидан ҳисобланган саҳоват масаласига алоҳида эътибор берган. У ўз замонасидаги адолатсизликларга бефарқ бўлмаган. Буюк алломанинг таъкидлашича, кишилар ўртасидаги ўзаро ёрдам, дўстона ва қардошлик муносабатлари, саҳоватли бўлиш, озодлик, роҳат-фароғат калитидир.

Ибн Сино инсоннинг умумий фазилати, кишиларда яхши ва ёмон хулқларнинг пайдо бўлиши сабабларини «Аллоҳ ҳақида рисола» асарида кўрсатиб ўтади. Олим бу асарида яхши ва ёмон хулқлар одамларнинг одатидан, ҳукумат аҳлларининг салбий таъсиридан пайдо бўлишини таъкидлайди.

Абу Али ибн Сино ахлоқ ҳақидаги қарашларининг шоҳ асарлари бўлмиш «Тиб қонунлари», «Аш-шифо» ва бошқа асарларида ҳам ўз ифодасини топган.

Ибн Сино таълимотига кўра, одамга дўст тутишнининг уч хил йўли бор: «Биринчидан, ҳар қан-

¹ Ўша асар, 189-бет.

дай қийинчилик бўлишига қарамай, киши ўз дўстини фалокатдан қутқаришни, иккинчидан, ғоявий яқинлик ва дунёқарашлар умумий бўлган чинакам ва доимий дўстликни ва учинчидан эса кишининг мансаби, пули ёки мавқеига қараб ўзининг шахсий манфаатини қондириш кўзда тутилган дўстлик бўлади», — деб таъкидлайди Ибн Сино.

Ўрта Осиё мутафаккирларидан бири Юсуф Хос Ҳожибнинг асарларида ҳам ахлоқ маданияти кенг ўрин эгаллаган.

Мутафаккир «Қутадғу билиг» достонида ҳоким билан халқ ўртасидаги ўзаро муносабатлар масаласига эътибор беради. Унинг фикрича, агар беклар табиатан эзгу бўлсалар, барча фуқароси бойийди, олам гулистон бўлади. Шунингдек: «Ҳамма нарсанинг қоидаси, тартиби, таълими бор, тартиб, одоб қоидаларини тўғри тутса, кишининг юзи ёруғ бўлади», — деб таъкидлайди.

Инсон камолатининг фазилатларидан ҳисобланган адолат тушунчаси ва адолат туйғуси Алишер Навоий донишмандлигининг асосини ташкил этади. Унинг фикрича, онгнинг мавжудлиги адолатнинг мавжудлигидир. Адолатсиз онг онг эмас. Инсоният тириклигининг давомийлигини таъминлайдиган бирдан-бир нарса ҳам адолатдир.

Ахлоқ ғояси боланинг маънавий тарбияси ва етуклигининг асоси ҳисобланади.

«Одобли инсон барча одамларнинг яхшисидир ва барча халқлар учун ёқимлидир. У мансабдор кишилардан гўзалроқ ва бадавлат одамлардан ҳурматлироқдир. Одобли одам ўз тенгдошлари орасида ҳам таҳсинга сазовор бўлиб ҳеч қандай эҳсон бермай каттадан-кичик, ҳаммани шод қилади: ҳеч қанақа ҳадя қилмай, кишиларнинг ғамини тарқатади.

Одоб—кичик ёшлиларни катталар дуосига сазовор этади, ёшлар у дуо баракасидан умрбод баҳраманд бўладилар. Одоб—улуғлар кўнглида ёшларга меҳр уйғотади ва у одобли ёшга бўлган муҳаббат кўнглида абадий қолади. Ёшларни кўпига улуғ қилиб кўрсатадиган феъл-атвор одобдир, одоблиларнинг юриш-туришида халқ улуғворлик кўради.

Одоб—кишилар тарафидан қилиниши мумкин бўлган ҳурматсизлик эшигини бекитади ва одамни ҳазил-мазахдан, камситишдан сақлайди. Одоб—одам табиатига инсонийлик бахш этади.

Одоб—меҳр-муҳаббатнинг зеб-зийнатидир, одобсизлик-дўстликка путур еткази. Одоб дўстлик ойнасига жило беради ва икки орага ёруғлик бағишлайди.

Одоб уруғини эккан одамнинг ҳосили жавоҳир бўлади. Одобли ва гўзал хулқли одамлар кўпаяверса, халқнинг дўстлиги, уларнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати борган сари ривож топади. Агар киши одоб каби хулққа эга бўлса, ўзи ҳам халқнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлади. Дўстлар орасида шу каби суҳбат ва шу йўсинда ҳамжиҳатлик бўлса, қандай яхши. Бундай ақл, иттифоқ, муҳаббатли, одобли бўлиш дўстлар учун бахтиёрликдир»¹.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё алломаларининг ижодида ахлоқий маданият мазмунан бой ва шаклан гоят ранг-барангдир. Халқимиз тарихида ахлоқий маданият таълимоти доимо ривожланиб, такомиллашиб борган. XVI—XX асрлар давомида унга салмоқли ҳисса қўшган Турди ва Машраб, Гулханий ва Мунис Хоразмий, Муқимий ва Фурқат, Аваз

¹ Алишер Навоий. «Маҳбул қулуб» асаридан. Тошкент, Бадиий адабиёт нашриёти, 1966 йил.

Ўтар ўғли ва бошқа қатор илғор шоир ва алломалар ҳақида ҳам кўп мулоҳазалар баён қилиш мумкин.

Ўрта Осиё мутафаккирларининг ахлоқ-одоб ҳақидаги фикрларини ўрганишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, унда ахлоқий одоб маданиятидан ташқари халқимизнинг қадимий урф-одатлари ва удумлари, анъаналари ҳам яхши ёритилган.

XX аср бошларидаги педагогик фикрлар тараққиётининг асосчиси Абдулла Авлоний ахлоқни шундай таърифлайди: «Инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдир. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар билан баён қиладурган китобни ахлоқ дейилур.

Ахлоқ илмини ўқуб, билиб амал қилган кишилар ўзининг ким эканини, жаноби ҳақ на учун халқ қилганин, ер юзида нима иш қилмоқ учун юрганин билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илми, уламони, яхши кишиларни, яхши нарсаларни, яхши ишларнинг қадрини, қимматини билмас. Ўз айбини билуб, иқрор қилуб, тузатмоқга саъй ва қўшиш қилган киши чин баҳодир ва паҳлавон кишидур»¹.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги туфайли ахлоқий тарбия мазмунини ташкил этувчи халқимизнинг миллий руҳияти, юксак инсоний фазилатлари, маънавияти, эзгу орзу-умидлари ёрқин ифодасини топиши учун кенг имкониятлар пайдо бўлди. Янги шаклланиб келаётган мустақил Ўзбекистон давлатининг асосий мақсади — жамиятни маънавий юксалтириш, маданиятли, баркамол инсонни тарбиялаш, ёшларда ахлоқий фазилатларни шакллантиришдир.

¹ Абдулла Авлоний. «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ». Тошкент, «Ўқитувчи». 1992.

ХІХ б о б . ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

Бугунги кунда инсониятни хавф остида қолдираётган ҳодисалардан бири экологик вазият ҳисобланади. Жамиятнинг атроф - муҳит билан ўзааро бузилган алоқаси кенг жамоатчилик ўртасида катта ташвиш уйғотмоқда. Инсоннинг табиий бойликлардан ҳаддан ташқари ошиқча фойдаланиши оқибатида сайёрамизнинг қиёфаси ўзгариб бормоқда. Яшил ўрмонлар сийраклашиб, ўсимлик ва ҳайвонот турлари камаймоқда, фойдали қазилмалар тугаб бормоқда. Сув ҳавзалари ва атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, чиқинди моддаларнинг ортиб бориши натижасида аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш, энергия ва чучук сув муаммолари борган сари мураккаблашмоқда. Оқибатда, миллион-миллион йиллар давомида турғун бўлган табиий ҳолатга путур етмоқда.

Табиатнинг экологик барқарорлиги, турғунлиги ва унинг табиий қонунларининг бузилишига инсонда экологик билимларнинг етишмаслиги, табиатнинг келажакдаги экологик ҳолати қандай бўлишини олдиндан кўра билмаслиги сабаб бўлмоқда.

Экологик билим — бу тирик табиатнинг тузилиши, ривожланиши, ўзгариши, ер юзидаги тирик жонзотларнинг ҳолати, уларнинг бир-бирлари ва атроф-муҳит ўртасида бўлиб турадиган муносабатларни, табиий бойликларнинг сон ва сифатини, ҳажмини, хилларини ҳамда уларни сақлаш ва тежамкорлик билан фойдаланиш йўлларини ўзлаштиришдан иборатдир.

Инсон табиатга, ўзини ўраб олган муҳитга нисбатан ўз муносабатини ўзгартириши, табиат қонунларини билиши, ўрганиши ва улар асосида ўз ҳаётини ривожлантириши шарт. Табиат қонунларига мос

келадиган ҳаёт йўллари ишлаб чиқиш керак. Акс ҳолда инсон ва жамият катта табиий офатларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлади ва шу офатлардан ҳалок бўлади.

Бир неча миллион йиллар давомида бунёд бўлган коинотнинг табиий кўриниши кейинги 10—15 йил ичида жуда оғир ҳолатга тушди. Ҳаво бузилди, ифлосланди. Жумладан тупроқ заҳарли моддалар боис «жароҳатланди», сувлар турли моддалар билан ифлосланди ва ҳоказо. Бу ҳолатлар оқибатда инсон саломатлигига салбий таъсир қила бошлади.

Ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири фан-техника ютуқлари асосида аҳолининг турли табақалари орасида экологик таълим-тарбия ва маданиятга оид билимларни ошириш йўли билан табиат муҳофазасини тезлаштиришнинг турли чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Экологик таълим ва тарбиянинг туб маъноси — табиат ва жамият ўртасидаги доимий бирлик ва уларни бир-бирларига боғловчи табиий ҳамда ижтимоий қонунларни ўрганиш, ҳаётга татбиқ қилишдан иборатдир.

Экологик таълим ва тарбия — бу инсонни табиатга қадам қўйган вақтдан бошлаб, бутун ҳаёти давомида табиатдан онгли равишда фойдаланишга, психологик, ахлоқ-одоб юзасидан халқимизнинг табиатга ҳурмат ва эътибор билан қарайдиган урф-одатларини, удумларини тарбиялаш, табиий бойликларни кўпайтириш, боғу-роғлар, гулзорлар ташкил қилишга ундашдан, унинг қалбида яхши хислатлар уйғотишдан иборатдир.

Инсонни ўраб турган табиий муҳит ва унинг бойликларини биладиган, ундан тежамкорлик билан фойдаланадиган, сақлайдиган, табиат бойли-

гига, гўзаллигига гўзаллик қўшадиган, ижтимоий ва табиий қонунларни биладиган билимдон шахс-ни етиштириш — бу экологик тарбия мақсади.

Табиатга нисбатан ҳурмат ва эътибор билан қарайдиган инсонлар, унинг ҳар бир қарич ерида бўлаётган ижобий ва салбий ўзгаришларни сезади, кузатади, табиатга ёрдамга боради, яъни йиқилган бутани тиклайди, касал ҳайвонни тузатади, даво-лайди, ифлос сувни тозалашга ҳаракат қилади, ёнғинни ўчиради ва ҳоказо.

Ҳозирги кунда жамият ичидаги, жамият билан табиат ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб бо-раётган бир даврда, хўжаликнинг турли соҳалари-ни ривожлантириш билан бир қаторда атроф-му-ҳит муҳофазаси ва табиий бойликлардан тежамкорлик билан фойдаланишга оид чуқур би-лимли, экологик маълумотли ёшларни тарбиялаш вақти келди.

ТАБИАТГА МУНОСАБАТ ОДОБИ

Инсон онадан туғилиб, оламга келган чоғида-ноқ табиат эҳсонидан баҳраманд бўлади. Илк бор ҳаводан тўйиб нафас олади. Одамзод ўсиб-униш учун озиқ-овқат, сув, қуёш ҳарорати жуда зарур бўлиб, у буларнинг ҳаммасини табиатдан олади. Инсонни она туғиб тарбияласа, табиат — вояга ет-казади. Шунинг учун уни «Она — табиат» деб ата-шади. Одамзоднинг соғлом бўлиши уни ўраб олган атроф-муҳитга, табиатга боғлиқ. Табиат мусаффо бўлса, одам ҳам соғлом, бақувват ўсади.

Одам ҳар нафас олганда унинг ўпкасига ярим литргача ҳаво киради. Одам бир минутда 16—18 марта нафас олади ёки танага 8—9 литр ҳаво кира-ди. Бу миқдор бир кеча-кундузда 11 минг литрдан ортади. Демак, ҳаво инсон танаси учун энг муҳим

ва зарур табиат инъомидир. Ҳавога мунтазам равишда аралашиб турадиган ифлос чанг ўпкада газ алмашувига салбий таъсир кўрсатади. Бу инсоннинг соғлиғини бора-бора издан чиқариб, турли-туман хасталикларни вужудга келтиради.

Ер юзидаги барча одамлар, барча жониворлар нафас олиш билан кислородни ютиб, карбонат ангидрид (ис гази) чиқаради. Бундан ташқари, турли жараёнларда, масалан, кўмир, ёнганда, автотранспорт ишлаганда унинг двигателидаги ёниш жараёни орқали ҳавога карбонат ангидрид ва бошқа заҳарли газлар чиқиб туради. Ҳавонинг бундай ифлосланиши, унинг таркибида карбонат ангидридининг кўпайиши инсон саломатлигига жиддий хавф туғдиради.

Табиат шундай одил мўъжизаки, у атроф-муҳитни мувозанатга келтиради. Чунончи, чиқарилган карбонат ангидридни ўсимликлар ютиб, уни кислородга айлантиради. Демак, ўсимликлар дунёси, рамзий маънода айтганда, ҳавони чанг ва карбонат ангидридан тозалаб берувчи бебаҳо воситадир. Бундай инсон ўз атрофини ўраб турган табиатни, унинг ўсимликлар дунёсини кўз қорачиғидай асрабгина қолмай, уни бойитиши, қўлидан келганича кўпроқ дарахт экиши, кўкаламзорлаштиришга интилиши зарур деган хулоса келиб чиқади. Шунинг учун ота-боболаримиз дарахт экиш, боғ-роғ яратишни савобли иш деб билишган. Бир туп мева-ли дарахт эккан кишининг икки дунёси обод бўлади, деб бежиз айтишмаган.

Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларида бу ишнинг савоби хусусида қуйидагилар айтилган: «Экмоқ ниятида қўлингизда кўчат турган пайтда, беҳосдан қиёмат қоим бўлиб қолиши аниқ бўлганда ҳам, улгурсангиз, уни экиб қўйинг».

Инсон эҳтиёжи учун зарур бўлган сув, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ҳам табиатдан олинади, ҳаттоки инсоннинг хасталикдан қутулиши, саломатлигини тиклаши учун зарур бўлган доридармонлар ҳам она-табиатда етишган мевалар, турли гиёҳлар ва зираворлардан тайёрланади. Инсон танасида бирорта ортиқча аъзо бўлмаганидай, табиатда ҳам ортиқча яратилган бирорта нарса йўқ. Уларнинг ҳаммаси ҳаёт учун зарур.

Кейинги йилларда эса уларга нисбатан шафқатсизларча муносабатда бўлинди. Табиий дарёларни бўғиб, йўлини тўсиб, сунъий денгизлар яратиш, чўлларни ўзлаштириш билан шуғулланилди. Бу «ютуқлар» туфайли табиат қонунлари ҳамда унинг мураккаб ва нозик мувозанати бузилди. Бироқ одамлар бунинг турли-туман офатлар келтириб чиқариши мумкинлигини ҳисобга олмади. Натижада ўт-ўланли яйловлар, ям-яшил майсазорлар бузилиб, янги ерлар ўзлаштирилди. Экинларга қирон келтирадиган, ҳашаротларни еб битирадиган қушларнинг бир қисми йўқолиб кетди. Бу осмондан ва ердан сепиладиган оғулар касофатидир.

Ер юзи экологияси ҳам кескин бузилмоқда. «Табиатни енгамиз», «Табиатдан инъом-эҳсон кутиб ўтирмай, уни жиловлаймиз» деган ноўрин шиорлар, дарахтларнинг кесиб юборилиши, қуш ва ҳайвонларнинг шафқатсизлик билан овлаб йўқ қилиниши табиат мувозанати қонунларининг бузилишига сабаб бўлди ва бўлмоқда.

Денгиз ва дарёларга, океанларга нефть қолдиқлари қуйилиб, ер юзидаги сув экологияси тубдан издан чиқарилмоқда. Инсон учун қуёш нури, тоза ҳаво, тоза сув нақадар зарур бўлса, она замин ҳам шундай зарур, уни асраб-авайлаш инсоннинг ўз қўлидадир.

Абу Али ибн Сино «Дунёда чанг ва тутун бўлмаганида, одамзод минг йил умр кўриши мумкин эди», — деган эди.

Атроф-муҳитнинг тозалигини таъминлаш ўзимизга боғлиқ. Тоғлардан келадиган сув тиниқ, соф бўлади, лекин баъзи кимсаларнинг ўйламай-нетмай оқаваларни, ахлатларни ташлашлари натижа-сида сувларимиз ифлосланади. Таътил кунлари болалар шу ифлос сувларда чўмиладилар ва турли касалликларга чалинадилар.

Биз катта-ю ёш тоза ҳаводан баҳраманд бўлиш учун шаҳримизга кўчат экиб кўкаламзорлаштира-сак, унинг озодалигини сақласак, ўзимизнинг соғлиги-мизни сақлаган бўламиз.

Баҳор фаслида кўчат экиш ойлиги ўтказилади. «Боғни боқсанг боғ бўлади» деган халқ мақоли бе-жиз айтилмаган. Шундай экан, ниҳолларни яхши ният билан экиш, парваришлаш, гуллар экиб ўстириш ҳар бир ўқувчи ва катталарнинг инсоний бурчидир.

Ўзбек халқ қадриятлари орасида табиатни сақ-лаш, қадрига етиш, чиройига-чирой, кўркига-кўрк қўшиш одатлари бор.

Инсон табиатдаги ҳар бир гиёҳ, ўт-алаф, дов-дарахт, парранда-даррандаларни, оламда нимаи-ки керакли бор нарсани зарур деб билади.

Ота-боболаримиз зилол сувни, булоқларни, сўлим дарахтзорларни, қоя-горларни, хосиятли ўт-ўланларни, гул-гиёҳларни муқаддас билиб асраш-га, нияти нопок кишилардан сақлашга, топтамас-ликка, оёқ ости қилмасликка алоҳида эътибор бериб келганлар.

Халқ нопок кишилар ҳақида шундай иборалар қўллаган: *Дарахт кўр қилгур*», *Молинг сутдан қол-син*», *Парранда урсин*» (қарғиш).

«Дарахтга кўз олайтирма, ёмон бўлади»,

«Сувга тупурма, ифлос бўлади»,

«Ерни топтама, у дунёлигинг қолмайди» каби нақллар ҳам бекорга айтилмаган.

Аввало ҳар бир инсон ер юзидаги ўсимликларни кўпайтиришга ҳисса қўшиши, камайтиришдан ўзини тийиши лозим. Ўсимликларни кўпайтиришнинг бирдан-бир йўли — мевали ва манзарали дарахтларни иложи борица кўпроқ экишдир. Уларни парвариш қилиш, боғ-роғлар яратиш ҳар бир инсон учун хайрли иш бўлиши билан бирга, савобли иш ҳамдир. Бунга ҳар ким ўзи амал қилиши, ўзгаларни ҳам ундаши, бу хайрли ишни ўзидан кичик ёшдагиларга ўргатиш даркор. Мевали дарахтларнинг шох-шаббаларини синдирмаслик, мевазорлар орасида мол боқмаслик каби умумий талабларга одатланиб бориш керак. Ташландиқ ва қаровсиз бўлган ерларга, ариқ ва кўчаларнинг бўйига, албатта, дарахт кўчатлари ўтқазилиши лозим.

Халқимиз боғ яратган одамларни ҳеч қачон эсларидан чиқармайди. Гўзал боғлар яратиш, юртни гуллар билан буркаш қадимдан энг яхши одатларимиздан бири бўлиб келган.

Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг қимматли ва нодир ёзма ёдгорликларидан бири Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида Амир Темурнинг давлат фаолияти ва ҳарбий юришлари баён қилиниши билан бир қаторда, XIV аср охири ва XV аср бошларида Ўрта Осиёдаги маданий ҳаётга доир бир қанча ноёб маълумотлар ҳам келтирилган. Унда халқимиз қадимдан боғ-роғлар яратишга алоҳида дид билан қараганлари тилга олинган.

Аждодларимизнинг юксак дид ва нафосат нигоҳи билан яратилган боғ-роғлари, улкан қурилиш-

лари ҳозирги кунда ҳам Самарқанду Бухорони, Кўҳна Урганч, Хивани безаб, ер юзига зеб бериб турибди. Бу нодир обидалар бобокалонларимиз эл-юрт ободончилигига алоҳида эътибор қилганликларидан далолат беради. Ўша даврларда ҳам ота-боболаримиз боғ-роғлар яратиб эл дастурхонини ноз-неъматлар билан тўлдирганлар. «Зафарнома»-да Соҳибқирон Амир Темур томонидан барпо этилган «Боғи шамол», «Боғи дилкушо», «Шаҳрисабз кўргони» ва Оқсарой, Шайх Аҳмад Яссавий мақбараси, Тахти қорача қасрининг қурилишлари, Самарқандда бунёд этилган Жоме масжидлари ҳақида батафсил ҳикоя қилинади.

Бундай мисолларни келтиришимиздан мақсад ўтмиш аждодларимиздан бизгача урф-одат бўлиб етиб келган ободончилик ишларидан ҳозирги ёшларни хабардор этиш, уларни ана шу эзгу ишлар мисолида тарбиялашдир. Улар ҳам Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби эл фаровонлиги, юрт ободлиги учун курашувчи забардаст ўғил-қизлар, олийҳиммат инсон, табиатга меҳр-муҳаббатли кишилар бўлиб етишсинлар.

Ҳар йили биринчи синфга келган ўқувчилар эрта баҳорда мактаб боғига кўчат ўтқозишни байрам қилишади. Бунда бутун мактаб жамоаси қатнашади. Биринчи синф ўқувчилари ўтқазган дарахтларнинг белига шу ўқувчининг исми-шарифи, дарахтнинг номи ёзилган тахтача осиб қўйилади. Мактабни тамомлаш олдидан 11-синф ўқувчилари ўзлари эккан дарахтни тантанали кунда биринчи синф ўқувчиларига топширадилар.

Мактаб раҳбарлари, педагоглар жамоадари ишни аҳиллик билан ташкил этиб, юқорида ай-

тилганларни амалга оширсалар, она табиатга оқилона муносабатда бўлиш, уни муҳофаза қилиш одобини болаларга ўргатсалар, теварак-атроф яшил либос кийиб, ҳаво софланади. Бу эса инсон саломатлигига, атроф-муҳит софлигига ижобий таъсир кўрсатади.

ҲАЙВОНОТ ОЛАМИГА МУНОСАБАТ

Ҳайвонот дунёси — инсоннинг энг қадимий ҳамроҳидир. Ота-боболаримиз ўз фарзандларини табиатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбия қилганлар. Безиён бўлган оддий қурт-қумурсқани ҳам ўлдириш гуноҳ деб уларнинг қулоғига қуйганлар. «Тил-забони йўқ жониворга озор берма, гуноҳ бўлади!», «Сигир — оиланинг бозори», «Товуқ етти хазинанинг бири», «Қўй бор уйда, барака бор» сингари ҳикматли нақллар тўқилган.

Деярли барча ўзбек хонадонлари қўй-эчкисиз, сигирсиз, товуқсиз, қишлоқларда яна иш ҳайвонларисиз яшай олмайди.

Ҳайвон ва паррандалар билан одамлар ўртасидаги муносабат ва муҳаббат ҳақида кўп эртақлар яратилган. Ҳамид Олимжоннинг машҳур достонидаги Семурғ қуш тимсолини яхши биламиз.

Семурғ қайси эртақ ёки дostonда бўлмасин инсонга ёрдам бериб, унинг узоғини яқин, оғирини енгил қилган, одамзоднинг энг яқин дўсти сифатида талқин этилган.

Кишиларнинг чорва ҳайвонларига муносабати ҳақида Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадисларида айтилишича «Қўй баракадир, туя азиздир, отнинг ёлларига қиёмат кунигача яхшилиқ боғлаб қўйилгандир. Ходимларингиз, биродарларингиздир. Уларга яхшилиқ қилинглр. Агар уларни қийинчиликда кўрсангиз ёрдамлашиб юборинглр».

Ёки Билкиз Аладдиннинг «Муҳаммад қиссаси» асарида шундай дейилади:

«...Бир гал у тушдан кейин ётиб дам оларкан, кўзини уйқу элтади. Уйғониб қараса, касалга чалинган бир мушукча унинг яктаги этагида ғужанак бўлиб ухлаб ётган эмиш. Пайғамбар мушукчани безовта қилишга кўнгли бўлмайди. Эҳтиётлаб яктаги-этагини кесади-да, ўрнидан туради».

Бу гаплар ҳикмат даражасига кўтарилган ва афсона бўлиб кетган. Ҳа, мусулмон оламининг буюк раҳнамоси Муҳаммад пайғамбар мушукка ҳам озор бермаган эканлар. Улар табиатнинг нозик ва мисқол тарози билан тенглаштирилган мувозанатини бузиб қўйишдан эҳтиёт бўлиш учун юқоридаги талабларни қўйганлар. Агар табиат асраб-авайланмаса, унга ноўрин муносабатда бўлинса, охирида бир фалокат келиб, табиат инсонни жазолашини яхши тушунганлар. Айни чоғда пайғамбаримиз шу табиатни, унинг ажралмас бўлаги бўлмиш ҳайвонот оламини қадрлашга, эъзозлашга, парваришлашга, кўз қорачиғидек сақлашга даъват этганлар.

Бизда чорва моллари бўрилардан асраш мақсадида бўри отган овчиларга мукофотлар берилар эди. Оқибатда бўрилар камайиб кетди. Аммо боғ ва ўрмонларда яшовчи ҳайвонлар ўртасида юқумли касалликлар кўпайди. Чунки бўри ва бошқа йиртқич ҳайвонлар ўлжа излаганда асосан касалликка чалинган, яхши югура олмайдиган ҳайвонларни тутиб ейдилар. Натижада ҳайвонлар орасида юқумли касалликлар тарқалишига барҳам бериб турилади. Бу жиҳатдан бўрилар «ўрмон санитарии» вазифасини бажарадилар. Бугунги кунда бўри отиш тақиқлаб қўйилган:

Демак, табиатда бирор жонзотнинг қирилиб кетишига йўл қўйилса, шунга боғлиқ бўлган муво-

занат бузилиб, хавфли вазият вужудга келади. Мана шу нозик ҳақиқат аввалдан маълум бўлганлиги учун ислом динида табиатни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан жонзодларни бесабаб ўлдиришга йўл қўйилмаган. Бу талаблар, бир томондан, инсонни табиатни муҳофаза қилишга ўргатса, иккинчи томондан, унинг қалби мулойим, раҳмдил, пок бўлиб тарбияланишига сабаб бўлади.

Шаҳар ва қишлоқлардаги айрим оромгоҳларда сув бўйида турган оҳу, қўниб турган бургут, лочин сиймоларини кўрасиз. Самарқанддаги Шердор мадрасасининг олдида, Тошкентдан Фарғонагача олиб борувчи доvon орқали ўтадиган йўлнинг баланд нуқтасида шер ҳайкали ўрнатилган. Буларнинг барчаси одамзоднинг ҳайвонот оламига меҳр-муҳаббат, унга бўлган оқилона муносабатининг рамзий белгисидир. Ҳайвонот оламига, барча жониворларга меҳр-шафқатли бўлиш савобдир.

ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИНИНГ ТАБИАТ ВА ЭКОЛОГИЯ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРИ

Ўрта асрларда яшаб ижод этган Шарқ алломаларидан Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва бошқалар табиат фанларининг ривожланишига катта ҳисса қўшганлар. Улар ҳали экология фани дунёга келмаган даврда табиат ва ундаги мувозанат, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, табиатни эъзозлаш ҳақида қимматли фикрлар айтганлар.

Буюк аллома Муҳаммад ал-Хоразмий (782—847) рисоаларидан бирида бундай деб ёзади: «Билингики, дунёнинг кўзлари ёшланса, унинг бошига ғам, кулфат тушган бўлади. Одамлар, дарёдан меҳрингизни дариф тутманглар». Дунёнинг ёшли кўзлари

деганда Муҳаммад ал-Хоразмий нималарни кўзда тутган экан?

Эҳтимол, у дарё сувининг ортиқча исроф бўлишини назарда тутгандир? У энг аввало дарё билан одамларнинг бир-бирини тушунишлари ва тил топишишлари, ўзаро меҳр-муҳаббат қўйишларини назарда тутган.

847 йилда Муҳаммад ал Хоразмий «Китоб сурат ал-арз» деган асарини ёзди. Унда дунё океанлари, қуруқликдаги қитъалар, қутблар, экваторлар, гуллар, тоғлар, дарё ва денгизлар, кўллар, ўрмонлар ва улардаги ўсимликлар, ҳайвонот дунёси, шунингдек бошқа табиий ресурслар — Ернинг асосий бойликлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Ушбу рисолада математика, геология, астрономия, этнография, тиббиёт, шунингдек дунё халқларининг табиий кўникмалари ва тарихий-ҳуқуқий билимлари умумлаштирилган.

Абу Наср Форобий (870—950). Форобий табиатшуносликнинг турли тармоқлари билан шуғулланган бўлиб, «Китоб қол-ҳажм ва ал-Микдор», «Китоб ал-мабоди ал-инсониа («Инсониятнинг бошланиши ҳақида китоб»), «Калам фиаъзо ал ҳайвон» («Ҳайвон аъзолари тўғрисида китоб») номли асарлари бунга далил бўла олади.

Форобий ўзининг «Ихсоа ал-улум ва ал-таъриф» асарида замонасидаги илмларни ҳар томонлама ўрганиб, уларни маълум тизимга солиб, туркумларга ажратди, ҳар бир илм тармоғига таъриф беришга ҳаракат қилди, табиатшунослик илмига катта эътибор берди.

Табиатшуносликка оид «Одам аъзоларининг тузилиши («Рисолат фиаъзо ал-инсон»), «Ҳайвонлар аъзолари ва уларнинг вазифалари ҳақида» каби

асарларида одам ва ҳайвонлар айрим аъзоларининг тузилиши, хусусиятлари ва вазифалари ҳақида, уларнинг ўхшашлиги ва фарқлари келтирилиши билан бирга, асосий анатомик-физиологик тушунчалар берилган. Уларнинг руҳий ҳолатларидаги хусусиятлари ҳақида ҳам тўхтаб ўтилган. Одам танасининг тузилиши ва вазифалари ҳақида сўз юритилганда уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва яхлитлиги, улардаги ўзгаришлар, яъни касалликлар биринчи навбатда овқатланиш тартибининг бузилиши оқибатида келиб чиқади, деб тушунтирилади. Касалликнинг олдини олиш, соғломлаштириш ва бошқа чоратадбирларни қўллаш лозим эканлиги ҳақида маълумотлар келтирилади.

Фаробий табиий ва инсон қўли билан яратиладиган сунъий нарсаларни ажратган. У Табиий нарсалар табиат томонидан яратилган, деган хулосага келади. Инсон омилининг таъсири катта эканлигини, табиий ва сунъий танлаш ҳамда табиатга кўрсатиладиган бошқа таъсирларни атрофлича баҳолаган.

Абу Райҳон Беруний (973—1048) коинотдаги ҳодисаларни тараққиёт қонунлари билан, нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсири билан тушунтиришга уринади. Беруний табиатшунос сифатида табиат ҳақида қуйидагича фикр юритади: «Экин ва насл қолдириш билан дунё тўлиб бораверади».

Беруний асарларида ўсимлик ва ҳайвонларнинг биологик хусусиятлари, уларнинг тарқалиши ва ҳужаликдаги аҳамияти ҳақида маълумотлар топиш мумкин. Берунийнинг илмий қарашлари асосан «Сайдана», «Минералогия», «Қадимги авлодлардан қолган ёдгорликлар» каби асарларида учрайди. Олим «Қадимги авлодлардан қолган ёдгорликлар» асарида Эроннинг турли тропик ўсимликлари ва ҳайвонла-

рининг ташқи муҳит билан алоқаси, уларнинг хулқ-атвори йил фаслларининг алмашинуви билан боғлиқ равишда ўзгаришини мисоллар билан тушунтирган.

Жумладан, асарда қиш қаттиқ, совуқ келса, қушларнинг тоғдан текисликларга тушиши, чумолиларнинг ўз уясига бекиниб олиши ва ҳоказолар ифода этилади.

Беруний тирик организмларнинг ҳаёти Ер тарихи билан боғлиқ бўлиши керак деб ҳисоблайди. Қумни ковлаб, унинг орасидан чиғаноқни топиш мумкин, дейди аллома. Бунинг сабаби шуки, бу қумлар қачонлардир океан туби бўлган, деб хулоса қилади у.

Беруний «Сайдана» деган асарида 1116 турдаги дори-дармонларни тавсифлаган. Уларнинг 750 таси турли ўсимликлардан, 101 таси ҳайвонлардан, 107 таси эса минераллардан олинади. Ҳар бир ўсимлик, ҳайвон ва минералларнинг хоссалари, тарқалиши ва бошқа хусусиятлари келтирилган.

Берунийнинг ўзи ёшлик даврларидан бошлаб табиат шайдоси бўлган. Бунинг исботи учун «Сайдана» китобидаги маълумотни келтириш мумкин. Жумладан, олим Румдан келган кишига ўсимликнинг мева ва уруғларини кўрсатиб, унинг номини сўраб ва ёзиб олганлигини ҳикоя қилади.

Берунийнинг «Қадимги авлодлардан қолган ёдгорликлар» ва «Ҳиндистон» деган асарларида ўсимлик ва ҳайвонларнинг тузилиши ҳамда уларнинг ташқи муҳит билан ўзаро алоқаси ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар келтирилади.

Абу Али ибн Сино (980—1037) жаҳон фани ва маданияти тараққиётига буюк ҳисса қўшган олимлардан биридир. Йирик қомусий олим сифатида у ўз

даври илм-фанининг деярли барча соҳалари билан шуғулланган. Турли ёзма манбаларда унинг 450 дан ортиқ асар ёзганлиги эслатилади. Бизгача эса унинг 240 та асари етиб келган.

Ибн Сино асарлари орасида унинг машҳур «Тиб қонунлари» номли шоҳ асари тиббиёт илмининг қомуси ҳисобланади. Олимнинг жуда кўп қимматли фикрлари, жумладан, унинг инсон соғлиғини сақлаш ҳақидаги, парҳез, гигиена тўғрисидаги хулоса ва маслаҳатлари ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотмаган. У барча ёшдаги кишилар учун жисмоний машғулотлар билан шуғулланишни тавсия этган.

Асаб касаллигига мубтало бўлганларга жисмоний усуллар билан даволанишни маслаҳат беради:

Ибн Сино тиббиёт тарихида физиотерапия асосчиларидан бири ҳисобланади. Киши организмига ташқи муҳит таъсирининг муҳимлигини билган аллома айрим касалликлар сув ва ҳаво орқали тарқалиши ҳақида фикр баён этган, яъни у касалликнинг келиб чиқиши масаласини ҳал этишга яқинлашган эди: «Касалликларнинг баъзилари юқумли бўладилар. Булар мохов, қўтир, чечак, вабо иситмаси, йиринглаган яралар каби касалликлардир. Хусусан, булар одамларнинг турур ерлари тор бўлганда ҳосил бўлади ва касал кишининг қўшнилари шамолнинг тагида бўлганда юз беради», деб хулоса чиқаради олим.

Абу Али ибн Синонинг фалсафий ва табиий-илмий қарашлари унинг жаҳонга машҳур асари «Китоб аш-шифо», яъни «Даволаш китоби»да баён этилган. Бу асарда материя, фазо, вақт, шакл, ҳаракат, борлиқ каби фалсафий тушунчалар, шунингдек математика, кимё, ботаника, зоология, геология, астрономия, психология каби фанлар ҳақида фикрлар баён этилган.

Ибн Сино ўз давридаги барча илм соҳаларининг ривожланишида турли масалаларни ўз ичига олувчи табиат фалсафасига катта эътибор беради. Айниқса, табобат ва у билан боғлиқ ҳолда анатомия, психология, фармакология, терапия, жарроҳлик, диагностика, гигиена каби илмлар ибн Сино ижодида бир қанча янги кашфиётлар билан бойиди ва юқори босқичга кўтарилди.

Ибн Синонинг тоғларнинг вужудга келиши, Ер юзининг даврлар ўтиши билан ўзгариб бориши, зилзиланинг бўлиши каби турли табиий жараёнлар ҳақидаги фикрлари геология илмининг ривожланишига катта таъсир қилди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483—1530) фақат шоирона бўлмай, балки подшоҳ, саркарда, тарихчи, машшоқ, овчи ва боғбон, сайёҳ ва табиатшунос ҳам бўлган. Бобурнинг энг йирик асари «Бобурнома»дир. Унда шоирнинг кўрган-кечирганлари, борган жойларининг табиати, бойлиги, одамлари, урф-одатлари, ҳайвоноти, ўсимликлари ва бошқалар тасвирланган. Ҳар бир касб эгаси бу китобдан ўзига керагича маълумот топади. Асар муҳим атамалар ва топонимик манбаларга бой. Унда ер, сув, ҳаво турли табиий ҳодисаларга тегишли халқ сўзлари кўплаб топилади.

«Бобурнома»ни ўқиган ва ўрганган ҳар бир киши уни табиат ва географияни яхши билган ўлкашунос олим ёзган деган хулосага келади. Бобур ўлкани билган кишиларни ҳурмат қилган, уларнинг қадрига етган ва улар билан ҳамиша маслаҳатлашган. «Бирон сафарга чиқишдан олдин ер, сув билур кишиларни чорлаб, атроф ва томонлар суриштирилар эди», деб ёзади муаллиф.

Бобур ҳар бир ҳудудни маълум бир тартибда тасвирлайди. Аввало жойнинг географик ўрни, сўнгра

қайси иқлимга мансублиги, шифобахш жойлари, ўсимликлари, қазилмалари, ҳайвоноти ва аҳолиси ҳақида маълумотлар берилади.

Бобур ажойиб ботаник бўлган. У ўсимликларни севган ва яхши билган. У жуда кўп гиёҳ ва меваларни, уларнинг хосиятлари ва аҳамиятини таърифлаганки, ҳақиқатда боғбон бўлган киши, асл табиатшуносни бунинг уддасидан чиқа олади.

«Бобурнома»да муаллиф Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон давлатлари қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ҳақида маълумотлар келтирган. Асарда ўлкамизда қадим вақтлардан буён қовун, буғдой, ўрик, олма, беҳи, анор, шафтоли, олча, ёнғоқ, нок ва тутларнинг бир неча навлари борлиги таъкидланади. Шунингдек, Бобур Марказий Осиё ва Ҳиндистонда чорвачилик ва ҳунармандчиликнинг ривожланишига катта эътибор берган, Афғонистон халқининг асаларичилик ва савдо-сотиқ билан қадимдан шуғуллангани ҳақида тўхталган.

Бобур ўзи бўлган жойларнинг табиати ва ўзига хос хусусиятларини жонажон ватани Андижон билан таққослайди. У айниқса, гуллар, манзарали ҳамда мевали дарахтларни кўпайтиришга, уларнинг тарқалишига эътибор берган. Бобур овга жуда қизиқар эди, шунинг учун у Марказий Осиё, Афғонистон, Хуросон ва Ҳиндистондаги ҳайвонларни батафсил баён этган. Алломанинг фикрича, ўша даврларда Фарғона водийсида антилоплар, тоғ қўйлари ва йирик йиртқич қушлар, Самарқандда эса жайронлар, Бухоро антилопи, тоғ эчкилари, какликлар ва бошқа ҳайвонлар кўп бўлган. У Ҳиндистон ҳайвонларидан фил, каркидон, антилопларнинг бир неча турлари, маймунлар, дарахтларда яшовчи калаҳара кемирувчиларини батафсил

ёритган. Қушлардан эса тустовуқлар, тўтиқушлар, булбуллар, сувда яшовчи лайлак, фоз ва ўрдаклар, йирик сут эмизувчи ҳайвонлардан бегемот, сув тўнғизи кабиларни таърифлайди.

Бобур бир неча бор Ер қимирлаши, Ой ва Қуёш тутилиши каби табиий ҳодисалар гувоҳи бўлган. Ушбу ҳодисаларнинг табиат қонунларидан бошқа нарса эмаслигига ишонч ҳосил қилган. Демак, марказий Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқи қадимдан экологик маданият меросига эга бўлган. Шунингдек, Бобур ўтган буюк алломаларимизнинг ҳам табиат, тирик организмлар ва уларнинг ташқи муҳит билан ўзаро алоқаларига доир масалаларга тўхталиб ўтганлигининг гувоҳи бўламиз.

ХІХ б о б . БАДАН ТАРБИЯСИ (ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ)

Машҳур юнон донишманди афлотун бахт ҳақида зикр этиб: «Инсон учун биринчи бахт-унинг соғлиги, иккинчиси — гўзалликдир» деган экан. Чиндан ҳам сиҳат-саломатлик ҳамма бойликлар манбаидир. Насл-насаби соғлом ва маънавияти юксак халқнинг авлодлари ҳам соғлом-бақувват, иймон-эътиқодли ва садоқатли бўладики, бу бахт она-Ватаннинг шуҳрати ва қудратининг зўр омилига айланади. Халқнинг ана шундай бахт-саодати учун соғлом авлод керак.

Соғлом авлод деғанда биз ҳам жисмоний, ҳам маънавий томондан етук, бардам, ҳар ишга қодир, илғор маданиятли кишиларни кўзда тутамиз. Дарҳақиқат, шундай ноёб фазилатларга эга авлодни тарбиялаб вояга етказётган халқ келажакка очиқ кўз, ёруғ юз, катта ишонч билан қарайди.

Она-табиат ато этган олий моҳиятга кўра, биз — ўзбеклар ҳаётимизнинг, умримизнинг мазмунини фарзандсиз тасаввур этолмайдиган халқмиз. Дунёга келиб фарзанд кўриш, иморат қуриш, ниҳол экиб боғ яратиш — ота-боболаримиздан қолган наслий анъана, эзгу тилак ва қутлуғ инсоний бурчдир. Шунини алоҳида шукроналик билан таъкидлаш лозимки, халқимиз тарихнинг машаққатли синовлари оша ўзининг ана шу олижаноб хислат-фазилатли анъаналарига завола етказмай сақлаб келмоқда. Аждод-авлодларимиз ўз наслларини умумбашарий туйғулар, ўлмас Шарқ фалсафаси, миллий қадриятларимиз руҳида тарбия қилиб келганлар.

Инсоннинг куч ва қобилиятларини таҳлил этганда, у учга бўлинади: жисмоний, ақлий ва ахлоқий. Шунга биноан инсоннинг бу куч-қобилиятларининг тараққийси юксалишини таъмин этадиган тарбия ҳам уч қисмга ажралади: булар бадан тарбияси, ақл тарбияси, ахлоқ тарбиясидир.

Бадан тарбияси инсон ҳаётида катта аҳамиятга эга. Биринчидан, ҳаётда ҳар кимнинг мукамал соғсаломатликка, куч-қувватли баданга эга бўлиш эҳтиёжи бор. Иккинчидан, бадан соғлиғи фикр ва ахлоқнинг ҳам соғлиғини таъмин этади. Қувватли баданнинг фикр ва ахлоқ узра таъсири ошқордир. Фикр ва ахлоқ билан мижоз ва соғломлик узвий боғлиқ.

Бадан тарбиясининг мақсади ҳар томонлама жисмонан чиниққан, соф фикрли, мард, саботли, қатъиятли, Ватанни ҳимоя қила оладиган шахсларни камол топтиришдан иборат.

Ўқувчиларни жисмоний тарбиялаш жараёнида қуйидаги асосий вазифалар ҳал этилади. Биринчи вазифа — соғлиқни мустаҳкамлаш, тана аъзолари-

ни чиниқтириш, жисмоний жиҳатдан тўғри ривожланиш ҳамда унинг ишлаш қобилиятининг ошишига таъсир этишдир.

Мактаб ёшидаги болаларнинг қадди-қоматини тўғри-мутаносиб шакллантириш, суяк-бўғинларни ва мускулларни уйғунлашган тарзда ривожлантириш, юрак-томир ҳамда нафас олиш аъзоларининг асаб толалари мажмуасини мустаҳкамлаштириш муҳим.

Тана-аъзоларининг мўътадил фаолияти учун ҳаракат жуда зарурийдир. Буюк ҳаким Абу Али ибн Сино: «Бадан тарбия — соғлиқни сақлашда улуғвор усулдир», дейдики, бу фикр: «Кимки қилса ҳаракат — соғлиғида баракат бўлади» деган нақлни эслатади.

Қадимда халқимиз бадан тарбияни риёзат деб аташган. Абу Али ибн Сино «Тиббий достон» («Уржуза») асарида риёзат — бадан тарбияси ҳақида тўхталиб, унинг бир неча хиллари бўлиши, бу жисмоний машқлар билан ўртача шуғулланиш соғлиққа фойдали эканлигини бундай таърифлайди:

*Билсанг риёзат турлари неча-неча
Шарофатли бўлур эса у ўртача¹.
Тўғри ва мўътадил бўлиб ўсгай бадан,
Кир-чир ила чиқиндидан қутулар тан.»*

Олим яна, жисмоний машқсиз юриш баданда ёмон хултларнинг йиғилишига сабаб бўлишини алоҳида уқтириб бундай деб ёзади:

*«Риёзатсиз ётишдан кўп топма роҳат,
Бу роҳатдан тополмассан ҳеч манфаат.
Жим ётсанг ифлос хулт-ла тўлар бадан,
Физоча ҳеч ҳозирланмас бирор маскан».*

¹Бу ўринда Ибн Сино бадан тарбияни оғир ё енгилени эмас, ўртачасини танла демоқчи.

Жисмоний машқларнинг сиҳат-саломатликка фойдаси чексиз эканлигини Д. Адиссон бундай тас-вирлайди: «Мутолаа ақл учун қанча зарур бўлса, жисмоний машқлар ҳам бадан учун шунча зарур.»

Сукрот ҳаким эса бундай дейди:

«Гимнастика ёрдами ила мен баданимнинг му-возанатини тўғрилаб оламан».

Олим Иван Павлов таъкидлаганидек бош мия пўстлогини «кучайтириш ва мустаҳкамлаш» йўли билан асаб жараёнларининг фаоллигини янада ошириш мумкин.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўқувчиларнинг соғ-лигини фақат жисмоний тарбия дарслари ҳамда мактаб режими шароитида ўтказиладиган махсус тадбирлар ҳисобигагина мустаҳкамлаш қийин. Чун-ки бу жараён ота-она, тарбиячи, бутун педагоглар жамоасининг иши бўлиб, соғломлаштириш билан болаларни мунтазам равишда, бутун йил давомида шуғуллантириш керак.

Иккинчи вазифа — ўқувчиларда янги ҳаракат тур-ларига қизиқиш, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, уларни махсус билимлар билан куроллан-тириш зарур. Ўқитиш жараёнида ўқувчилар ҳаракат, кўникма ва малакаларни эгаллайдилар. Бу малака ва кўникмалар жисмоний тарбия бўйича тузилган ўқув дастурида назарда тутилган бўлиб, улардан баъзилари, масалан тез юриш, югуриш, сакраш-лар амалий машқлардир. Шу билан бирга, бу маш-қлар гимнастика анжом-асбобларида машқ қилиш, акробатика, бадий гимнастика ҳаракатларини координация қилишга, шунингдек, янги ҳаракат-ларни осонроқ ва қисқа вақт ичида ўрганиб олишга кўмаклашади, кўникма ва малакалар ҳосил қилади.

Учинчи вазифа — ўқувчиларнинг ёшига, жин-сига мувофиқ келадиган (куч, тезкорлик, чаққон-

лик, чидамлилиқни) асосий ҳаракат сифатларини ривожлантиришдир. Юқорида айтилган жисмоний сифатлар алоҳида мавжуд бўлмай, балки улардан бири у ёки бу фаолият турида етакчи ўринни эгаллайди. Масалан, ҳаракатли ва спорт ўйинларида — чаққонлик, қисқа масофага югуришда — тезкорлиқни айтиш мумкин. Мактаб дастури ўқувчиларнинг ҳаракатлари, сифатларини ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда уларнинг жисмоний ривожланишлари ва умумий ишлаш қобилиятларининг ортиши учун керакли шароитни яратади, албатта. Шу билан бирга, ўқувчиларда ахлоқий-иродавий сифатларни тарбиялаш, хулқ-атвор маданияти кўникмаларини таркиб топтириш керак.

Тўртинчи вазифа — ўқувчиларда ўз соғлиғига онгли муносабатни тарбиялаш бўлиб, бу уларнинг озода-саришталик тартибида, гигиена қоидаларига риоя қилишларида, эрталабки гимнастика билан шуғулланишларида ҳамда спорт машғулотида мунтазам қатнашишларида намоён бўлади. Бадан тарбиянинг сиҳат-саломатликка фойдасини ўқувчи қанчалик яхши билиб олса, қизиқиш шунчалик ортади.

Мутадил равишда, ўз вақтида бадан тарбия билан шуғулланувчи одам касалликларнинг давосига муҳтож бўлмаслигини чуқур англаб олиши керак.

Олим ва шифокорларнинг кузатишларича, бадан тарбия тугма иссиқликни оширади, танага енгиллик беради. Чунки, булар енгилгина иссиқлик пайдо қилади, аъзоларда тўпланувчи чиқиндиларни йўқотади.

Бадан тарбия машқлари тартибли ва йўли билан бўлса, фикрни уйғунлаштиради, қон юришига ёрдам беради, ҳазмни яхшилади, асабни қувватлантиради, тан ҳароратини орттиради, зеҳни очади.

Инсон жисмоний соғлом, ва бардам-бақувват бўлса, ҳаёт гузалликларини яхши идрок этади, ақл-заковати юқсала боради, атроф-муҳитни зийрак бўлиб кузатади. Шу нуқтаи назардан айтганда, инсон боласи соғлом-бақувват бўлишда бадан тарбия муҳим омил экани аниқ. Демак, бу тарбия ақлий, ахлоқий ва эстетик тарбиянинг замини экан. Таъбир жоиз бўлса, бир ерда туриб қолган сув қўлмак ҳолда ҳеч фойдасиз дейилса, ҳаракатсиз одам ҳам қўлмак кабидир, шарқираб оққан сув ўзи гузал, ҳам дала-боғларни яшнатгани каби, серҳаракат, жисмоний машқлар билан шуғулланадиган одамнинг ҳам ўзи (жисмонан) гузал, ҳам ақли гузал, ҳам одоб-ахлоқи гузал бўлади.

Бадантарбия инсонни ҳар томонлама тетик, ҳушёр, қобилиятли тарзда камолга етказдики, донолар жисмний тарбия-гузаллик тарбиясидир, деб бежиз айтишмаган.

Инсон жисмоний соғлом, ҳар томонлама етук ривожланиши учун маълум мақсадни кўзлаган ҳолда тежамли ҳаракат қилиши, табиат қўйнида ёки озода-шинам спорт залида ҳаракатли машқлар билан шуғулланиши — буларнинг ҳаммаси унда нафосат ҳис-туйғусини, ақлий тушунчасини ва дидини тарбиялайди. Шубҳа йўқки хилма-хил, аниқ, ифодали бажарилган жисмоний машқлар эстетик кечинма, ҳисларни юзага келтиради. Жисмоний машқларни бажариш жараёнида ҳаракатлар мақсадининг ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан бир-бирига мос келиши эса унинг гузаллигини таъминлайди.

Гузаллик — бу аввало ҳаракатларнинг содда, енгил, изчил ва тугал бўлишидирки, ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам бунга интилсалар, нафосатга эришилади. Албатта жисмоний тарбиянинг вазифаси ўқув-

чида фақат гўзалликни идрок этишнигина шакл-лантириш бўлиб қолмай, балки уларни киши ҳаракатидаги чинакам гўзалликни баҳолай билишга ҳам ўргатишдир.

Одатда, узоқ муддатли ақлий меҳнатдан сўнг ўқувчиларда ишлаш қобилияти секин-аста пасаяди. Бу ҳолат бошланғич синф ўқувчиларида тезда сезилади. Болалар дарс вақтида бетоқат бўлиб, ҳаддан ташқари кўп ҳаракат қилишлари, ўтирган жойларидан тез-тез туриб кетишлари, бир-бирлари билан гапиришишлари, орқа-ю ёнларига қараб ўтиришлари, шовқин-сурон кўтаришлари мумкин ва ҳоказо. Айниқса дарснинг 25—30-минутларида ўқувчилар диққати сезиларли пасаяди, тушунтири-лаётган мавзунини ўзлаштириш қийинлашади, ишда айрим хатоликлар учрайди. Ўқувчилар ўрганаётган мавзуларни бир неча мартадан қайта-қайта такрорлашларига тўғри келади. Ўқувчиларда ақлий чарчаш билан бирга, қоматни тутиб турувчи бел, елка, бўйин мускуллари ҳам толиқади. Толиқиш натижасида бел эгилиб, елкалар пастга тушиб, бош олдинга эгилади, қомат мувозанати бузилади. Агар бу ҳолат такрорланаверса ўқувчиларнинг ишлаш қобилияти пасайиб, қомати бузилиб саломатлигига ҳам салбий таъсир этади. Ақлий меҳнатни жисмоний меҳнатга алмаштириш асосида бундай толиқишнинг олди олинади. «Физкультминут»лар (жисмоний машқ дақиқалари) ўқувчиларда фаолликни оширади, сусайган иш қобилиятини тиклайди, кайфиятни яхшилайди.

«Физкультминут» лар дарснинг 25—30-дақиқаларида (4—8 тадан иборат бўлган машқларни) 2—3 дақиқа давомида бажарилади. Бу чоғда бажарилиши осон, ўтириб ёки ўриндан туриб панжаларга, бўйин, елка, бел ва қоматнинг пастки қисмига таъсир этадиган машқларни танлаш лозим.

Ёзув дарсларида ўқувчиларнинг панжалари, қўл мускуллари тез толиқади. Натижада ёзув тезлиги пасаяди, ҳуснихати бузилади. Бундай ҳолларда панжаларни букиб-ёзиш, қўлларни букиш, ёнга, олдинга, юқорига кўтарилиб бажариладиган машқлар берилади. Узоқ ўтириш натижасида гавданинг пастки қисми қаттиқ толиқади. Бу толиқишни тарқатиш учун тик туриб бажариладиган, олдинга, ёнга эгилиш, ўтириб-туриладиган машқларни танлаш лозим.

Дарсда жисмоний машқлар секин, аниқ буйруқ тарзида берилади. Машқнинг ҳар бир ҳаракатини бажариш орасида турли хил шўх, қувноқ мусиқалардан фойдаланса айни муддао бўлади. Агар танланган «Физкультминут»лар шеър айтиб бажарилса, ўқувчилар нутқини ўстиришга ҳам ёрдам беради.

Қуйида бошланғич синфларда қўлланиладиган жисмоний машқлардан айрим намуналар келтирамиз.

1-машқ.

— Тўғри ўтирган ҳолатда қўлни олдинга чўзиб, кафтлар юқорига қаратилади.

Биз ҳадеб ёзавериб, чарчади қўлларимиз,

Бир, икки, уч, тўрт, бир, икки, уч, тўрт.

Энди туриб, ўтириб, яна ёзишга тушамиз.

Бажарилиши: Шеърни айтиб панжаларни мушт қилган ҳолда ёзилади, туриб ўтирилади.

2-машқ.

— Ўриндан туриб, қўллар чап елкада болта ушлагандек ҳолатда турилади:

Шеър:

Биз ўрмонга борамиз,

Қўлимизда болтамиз.

Дарахтларни кесамиз,

1—2—3—4; 1—2—3—4.

«Уф, чарчадик» машқининг бажарилиши:

— Шеърни айтиб, саноққа келганда болта чоп-гандек ҳаракат қилинади.

— 1— пастга, 2—ўнг елкада, 3—пастга, 4—чап елкада.

Саноқни 2—3 марта қайтаргандан кейин, «Уф, чарчадик» сўзи айтилганда қўллар пастга тушириб силкитилади.

3-машқ.

Партадан четга чиқиб, қўллар юқорига кўтарилади.

Бажарилиши:

— «Баҳор вальси» мусиқаси садоси ёрдамида қўллар гавда билан бирга ўнг ва чап томонларга чайқалади. Шу чайқалишда олдинга ва орқага эгилинади.

4-машқ.

— Партадан чиқиб тўғри турилади.

Бажарилиши: 1. Қўллар белда.

2. Қўллар юқорига кўтарилиб, кафтларга қаралади, оёқнинг учи кўтарилади.

3. Қўллар елкага тушади.

4. Қўллар пастга тушади.

5. Ўтирилади.

6. Дастлабки ҳолат.

Бу каби жисмоний машқларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин жисмоний машқлар ҳаддан ташқари узоқ давом этса ҳам яхши натижа бермайди. Шунинг учун машқларни болаларнинг айни чарчаган вақтини сезган ҳолда ўтказиш керак.

Жисмоний машқлар учун танланган материаллар ўтилаётган фанга доир бўлса янада мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда болаларнинг ёши ҳам ҳисобга олинса, яхши натижа беради.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВОСИТАЛАРИ

Боланинг соғлом ўсиши ва тўғри камол топиши учун жисмоний тарбия воситаларидан ўринли фойдаланиш зарур.

Жисмоний тарбия воситалари уч турга бўлинади. Биринчи турни гигиена омиллари, иккинчи турни табиатдаги соғломлаштирувчи кучлар, учинчи турни эса жисмоний тарбия вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган жисмоний машқлар ташкил этади.

Санитария-гигиена омилларига риоя қилиш жисмоний тарбия тизимида алоҳида ўрин эгаллайди, у бола аъзоларига фойдали таъсир кўрсатади. Жисмоний тарбия воситаларидан кўпчилиги ўқувчининг кундалик режимини ташкил этади.

Қатъий кун тартибига амал қилиш ҳар бир киши ҳаётида катта ўрин тутади. И. П. Павлов рефлекснинг вақтида бўлган алоҳида таъсирини таъкидлаган эди. Режимни мунтазам равишда бажариш аъзои тананинг ритм билан бир зайлда ишлашига одатлантиради.

Кун тартибига риоя қилмаслик ёки унинг бутунлай йўқлиги (ўз вақтида овқатланмаслик, етарлича ухламаслик, дам олмаслик, ақлий ва жисмоний меҳнатнинг бетартиблиги) — буларнинг ҳаммаси аъзои баданни бўшаштиради, тананинг бутун ҳужайраларининг, хусусан бош мия ҳужайрасининг ишлашини ёмонлаштиради. Ота-оналар ва ўқувчилар муайян ёшдаги боланинг кун режимининг уйда ҳам, мактабда ҳам мунтазам амалга оширилишини кузатиб боришлари шарт.

Режимни тузишда ўқувчиларнинг ёши, мактабда ўқиш вақти, уйғониш вақти, эрталабки гимнастика, кунига 3—4 марта овқатланиш, очиқ ҳавода бўлиши, ақлий ва жисмоний меҳнатнинг алмашилишини ҳисобга олиш зарур. Кундалик режим бир қолипда бўлмаслиги ҳам керак. Режимга ўзгаришлар киритиш мумкин.

Соғлиқни мустақкамлаш, аъзои танани чиниқ-тириш, болаларнинг жисмоний ривожланиш даражасини кўтаришга табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари — қуёш, ҳаво ва сув таъсири орқали эришилади. Табиат омилларидан жисмоний машғулотлар ўтказиш ҳамда мустақил шуғулланиш учун муҳим восита сифатида фойдаланилади.

Мактаб шароитида жисмоний тарбия воситалари орасида энг кўп жисмоний машқлар қўлланади. Жисмоний машқлар гавда мускулларининг ўсиши ва мустақкамланишига, юрак-қон томир тизими фаолиятининг ва нафас олиш аъзоларининг яхшиланишига самарали таъсир кўрсатади.

Жисмоний машқлар асаблар мажмуасининг фаолиятига ҳам, хусусан бош мия қобиғидаги ҳаракатлантирувчи қисмга ҳам таъсир этади, натижада ҳаракатларнинг бир-бирига уйғунлиги яхшиланади, ҳаракатларда мувофиқлик, аниқлик зарурий куч ва ритм ҳосил бўлади. Ўқувчи айнан шу таъсирлар натижасида тузилиши жиҳатидан мураккаб бўлган ҳаракатларни, катта тезликдаги ҳаракатларни осон ўзлаштириб олади, бу эса жисмоний меҳнат машғулотлари учун муҳимдир.

Жисмоний тарбия воситалари орасида асосий гимнастика, ҳаракатли ўйинлар, бадан тарбия дақиқалари (физкультминутлар), халқ анъаналари ва спорт турлари етакчи ҳисобланади.

Гимнастика. Гимнастика ўрта мактаб ўқувчиларини жисмоний жиҳатдан тарбиялашнинг асосий воситаларидан биридир. Бадан тарбиянинг бу тури қуйидагиларга бўлинади:

а) асосий гимнастика ва унинг тури — гигиеник гимнастика;

б) спорт гимнастikasi ва унинг турлари: акробатика ва бадий гимнастика;

в) гимнастиканинг ёрдамчи турлари (даволаш гимнастикаси, дарс бошланишидан олдинги гимнастика).

Асосий гимнастика юқорида айтиб ўтилган вазифаларни амалга оширади. У сафланишлар, барча мускулларни ўстирадиган машқлар, юриш, югуриш, мувозанат сақлаш, тирмашиб чиқиш ва ошиб ўтиш кабилардан иборатдир. I—II синфларда гимнастика ва ҳаракатли ўйинлар асосий ўринни эгаллайди. III синфдан бошлаб гимнастикага акробатика машқлари, таяниб сакрашлар, оддий ва аралаш осилишлар, енгил атлетика машқлари, ҳаракатли ўйинлар ва спорт ўйинларига тайёрлайдиган ўйинларни машқ қилиш киритилади.

Одатда, ўйинлар ҳаракатларнинг эркинлиги билан ажралиб туради. Гимнастика машқлари эса чегараланган, аниқ ҳаракатларни талаб этади, бош мия пўстлоғида тормозланиш жараёнини ҳосил қилиш ва уларнинг қўзғалиш жараёнларига тўғри мутаносибликни таъминлаш билан боғлиқдир. Фаол тормозланиш ҳосил қилиш вазифасини ҳал этиш учун гимнастик машқлардан фойдаланганда, баъзан гимнастика машқлари I—II синф ўқувчиларига қийин, унча қизиғи йўқдек ва ёқимсиздек бўлиб туюлишини назарда тутмоқ лозим. Шунинг учун гимнастика машқларини доим миллий ўйинлар билан алмаштириб туриш ҳамда уларни ўқувчиларга қизиқарли шаклларда бажариб кўрсатиш тавсия қилинади. Гимнастика дарсларига бундай ўйинларнинг доимо киритилиши ва шунинг учун ҳам муҳимки, булар ўрганилган гимнастика машқларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга ёрдам беради.

Гимнастика машқларини бажариш жараёнида фақат соғломлаштириш вазифасигина эмас, балки илм бериш вазифаси ҳам ҳал қилинади. Ўқувчи-

ларни ўз ҳаракатларини онгли равишда бошқаришга, ўз тана аъзоларини бошқаришни ўрганишга одатлантириш керак.

Спорт гимнастикаси. Бошланғич синфларда ўқувчиларга жисмоний тарбия дастури асосида умумий жисмоний билим берилади. Бу ёшда болалар ҳали тўла маънодаги спорт гимнастикаси билан шуғулланмайдилар, лекин улар спорт гимнастикасининг оддий элементлари билан танишадилар. Юқори синфларда спорт гимнастикаси дарсларда ва дарслардан ташқари вақтларда борган сари кўпроқ ўрин эгаллай бошлайди. Спорт гимнастикаси дастурида эркин машқлар, гимнастика асбоб-анжомларида машқ бажариш ва сакрашлар назарда тутилган.

Гимнастика турларидан яна бир муҳими — даволаш гимнастикасидир. Даволаш гимнастикаси болалар соғлиғини ва кучини тиклашга йўналтирилган. Унда асосий ўринни гавда ҳолатини, қийшайиб қолган умуртқа поғонани, кўкрак қафасини ва ҳоказоларни даволаш мақсадида қўлланиладиган тузатиш машқлари эгаллайди.

Даволаш гимнастикаси махсус даволаш муассасаларида мутахассис — шифокорлар ва жисмоний тарбия билимдонлари раҳбарлигида ўтказилади. Даволаш гимнастикасини айрим ҳолларда мактабда ҳам ўтказиш мумкин.

БАДАН ТАРБИЯСИДА ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Ҳаракатли ўйинлар кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг жисмоний тарбиясида муҳим восита ҳисобланади. Бу ёшдаги болаларнинг ҳаётида ҳаракатли ўйинлар уларнинг жисмоний чиниқа боришига ва ақлий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Тажриба шуни кўрсатадики, 6—8 ёшли болаларда образли (қаҳрамонлар қатнашган) ўйинлар, уларнинг фикрлаш ҳамда атроф-муҳитни ҳис қилиш қобилиятларини ривожлантириб боради. Ўқувчилар ҳар хил образларга тақлид қилинган ўйинларни ўйнаб бориш жараёнида уларда ўзларини бошқариш қобилияти, фаол ҳаракат қилиш малака ва кўникмалари шакллана боради.

Тақлидли ўйинларнинг муҳимлиги шундаки, уларда жисмоний фазилатларни ривожлантириш учун жуда муҳим шароитлар яратилади. Масалан, фазогирлар ўйинида ракетадаги жойга ўрнашиб олиш учун иложи бориша тез югуриш талаб қилинади. Образларга тақлид қилиб ўйналадиган ҳаракатли ўйинлар давомида болалар ўша образларга маҳлиё бўлиб чарчоқни унутишади, баъзи бир мураккаб бўлган ҳаракатларни ҳам бажариб юборишади. Натижада уларда чидамлилиқ ва бошқа сифатлар ривожлантириб борилади.

Ҳаракатли ўйинларни болаларнинг ёш хусусиятлари, жисмоний тайёргарлиги, физиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўтказиш жараёнида ўқитувчидан катта масъулият талаб этилади.

Ўйин қондасини ва тартибини болаларга тўғри тушунтириб бориш, уларда ҳар бир ҳаракат ёки образ тўғрисида тўла тасаввур ҳосил қила олиш ўйинни уюшқоқлик билан ўтишини таъминлайди.

Биринчи синф ўқувчилари билан ўзлари танлаган ўйинларни ўтказиш лозим. Бунда бир бола ўйин мазмунини, бошқаси ўйин қондасини тушунтиради. Зарурат туғилса ўйин ўқитувчи томонидан қайта тушунтирилади. Бу восита жараёнида болаларда ўз-ўзини бошқариш, ҳар хил мураккаб шароитлардан қутулиш йўлларини излаш ва фикрлаш, жавобгарлик ҳисларини тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга.

Танаффус пайтида ўтказиладиган ўйинлар ўзининг ҳаракатларга бойлиги, қизиқарлилиги, қисқалиги билан ўқувчилардаги чарчоқ, толиқиш, руҳий зўриқиш ҳолларини йўқотиш, кейинги бўладиган педагогик жараёнга болаларни тайёрлаш воситасида қўлланилади.

Ҳаракатли ўйинларни бизнинг Ўзбекистон шароитида йилнинг деярли ҳамма фаслида очиқ ҳавода ўтказиш имконияти бор. Жисмоний машқлар ёпиқ шароитларга нисбатан очиқ ҳавода ўтказилса, бола аъзои-баданига таъсири кучли бўлади.

Ҳар бир ўйин тугагандан кейин ўқитувчи болаларни ўйин давомидаги ҳаракатларини баҳолаб, у камчиликларини кўрсатиб ўтиши керак.

Амалий тажрибалар шуни кўрсатадики, дарслар орасидаги танаффус вақтида ҳаракатли ўйинлар мунтазам ўтказилиб бораётган мактабларда ўқувчиларни фанларни ўзлаштиришлари, давоматлари ҳамда соғлиқлари яхшиланган.

Қуйида ҳаракатли ўйинлардан айримларини ўтказиш намунасини келтирамиз.

1. Ҷшит ва уни бажар

Ўқитувчи бир нечта ҳаракатни (3—6), яъни уларни кўрсатмасдан овозини чиқариб айтади. Ўйин қатнашчилари ўқитувчи қандай айтган бўлса, амални шу кетма-кетликда бажаришлари шарт. Ўйинда хатога йўл қўйган ўқувчилар жарима (очко) оладилар. Энг кам жарима очко тўплаган ўқувчилар ўйинда голиб деб топилади.

Болалар катта бўлмаган гуруҳ ёки қаторда тиззаларини баланд кўтариб юрадилар. Сўнгра қўнғироқ чалиниши бўйича баланд қадам билан юрадилар.

2- Қўнғизлар

Ўқувчи «Қўнғизлар учди-я, — деб қўнғироқ чалганда болалар майдонча ичида ҳар хил йўналишда

югурадилар. «Қўнғизлар йиқилиб тушди» дейилганда болалар орқа билан чалқанча ётадилар ва қўл, оёқлари билан эркин ҳаракат (типир-типир) қиладилар.

3. Қушлар парвози

Қушлар (болалар) қанотларини ёзиб бутун майдонча бўйлаб учиб юрадилар. «Бўрон бошланади!» деган сигнал берилиши билан улар дарахтларга чиқиб яширинадилар (яъни бадан тарбия деворчасига тирмашиб чиқадиладар). Ўқитувчи «Бўрон босилди», дейиши билан «қушлар» шохлардан тушадилар (яъни бадан тарбия деворчасида поғонама-поғона, оҳиста) ва учишни давом эттирадилар.

Кўрсатмалар. Агар бадан тарбия деворчаси бўлмаса ўтиргичлар, яшиқлар ва бошқа буюмлардан фойдаланиш мумкин.

4. Арғамчи устидан сакраш ўйини

Болалар арғамчининг икки учидан ушлаб айлантира бошлайдилар, қатор бўлишиб арғамчига тегмасдан навбатма-навбат сакрайдилар. Арғамчига ким тегиб кетса, ўша арғамчи айлантираётган болаларни биринчи ўрнини алмаштиради.

5. Қалъа ҳимояси ўйини

Ўйновчилар 3—4 айланага сафланадилар. Ҳар бир ўқувчининг орасидаги масофа 1 метр. Уларнинг оёқлари олдида чизиқ чизилади. Айланалар марказига таёқчалар ўрнатилади. Ўйинчилардан бири ҳимоя қилиш учун чизиқ атрофига бориб туради. Унда волейбол ёки баскетбол тўпидан фойдаланилади. Ўйин ўқитувчи қўнғироғи билан бошланади. Ўқувчилар тўпларни бир-бирларига ошира туриб пайт пойлаб, тўпни қалъага текизишга ҳаракат қиладилар. Ҳимоячи эса қўл, оёқ ва гавдаси билан қалъани ҳимоя қилади. Тўпни теккизган ўйинчи ҳимоячи билан ўрнини алмаштиради.

6. Зовурдаги бўри ўйини

Бир-биридан 60—70 см узунликда икки ёнма-ён чизиқ ўтказилади, у зовур вазифасини ўтайди. Бир ва иккита бошқарувчилар, яъни «бўри»лар зовурда турадилар. Қолган ўқувчилар «эчкилар» ҳисобланадилар. «Эчкилар» чизиқнинг бир томонида ўз уйларида бўладилар. Қарама-қарши томонга яйловни тасвирлайдиган чизиқ чизилади.

Ўқитувчининг қўнғироғига биноан «эчкилар» уйларидан чиқиб, зовурдан сакраб, яйловга чошиб ўтишади. «Бўрилар» эса уларни тутишга ҳаракат қиладилар. Ҳар бир югуришдан сўнг қўлга тушганлар сони санаб чиқилади. Югуришдан сўнг янги «бўрилар» сайланади.

7. Кеч қолма!

Полга кубиклар ёки цилиндрлар доира шаклида териб қўйилади. Болалар кубикларни ёнида туришади. Ўқитувчининг ишораси билан улар хона бўйлаб югурадилар. Бунда улар бир-бирларига урилиб кетмасликлари ва кубикларни тепиб ўтмасликлари керак. «Кеч қолма!» деган овоз чиққач, болалар ўз кубикларига қараб югурадилар.

8. Доирага тушир

Болалар давра қуриб турадилар. Ўртага катта чамбрак қўйилади ва доира чизилади. Доирадан 2—3 қадам масофада давра қуриб турган болаларнинг қўлида ичига қум тўлдирилган халтачалари бўлади. Ўқитувчининг «Ташла!» деган гапи билан барча болалар халтачаларини доирага ташлайдилар. Сўнгра ўқитувчининг «Халтачаларни кўтариб олинг!», деган буйруғи билан, болалар халтачаларни олиб ўз жойларига келиб турадилар. Ўйин 4—6 маротаба такрорланади.

9. Ўрмондаги айиқ

Майдоннинг бир томонида айиқ ини чизиб қўйилади. Иккинчи томонда болалар яшайдиган уй акс

эттирилади. Ўқитувчи инда ўтирадиган «айиқ»ни танлайди. Ўқитувчи: «Болалар боринглар ўйнаб келинглари!», — дейиши билан болалар уйдан чиқиб, ўрмонга ўйнагани кетадилар. Қўзиқорин терадилар, капалак тутадилар ва ҳоказо...

Улар хор бўлиб шундай дейдилар:

*Айиқ уни олдида
Қўзиқорин терамиз.
Айиқвой ўқирганда
Бизлар қочиб кетамиз.*

«Ўқирганда» сўздан сўнг «айиқ» уйларига қочиб кетаётган болаларни тута бошлайди.

«Айиқ»нинг қўли теккан бола тутилган ҳисобланади, уни ўз инига олиб бориб қўяди. Ўз чегарасидан ўтгандан кейин болаларни ушлаш мумкин эмас. Ўйин 3—4 мартаба такрорланади.

10. «Ким биринчи?» ўйини

Иккита стулнинг ўртасига 8—10 м масофада арқонча ташлаб қўйилади. Ўйинчилар икки гуруҳга бўлинадилар. Ўқитувчининг буйруғи билан ўқувчилар ўз рақиблари стули атрофида югуриб, айланиб стулга ўтириб оладилар ва олдинга энгашиб арқон учини ушлашга ҳаракат қиладилар. Ким биринчи бўлиб арқон учини ушласа ўша ўйинчига бир очко берилади. Ўйин шу тариқа давом эттирилади. Қайси гуруҳ кўп очко тўпласа, ўша гуруҳ голиб топилади.

БАДАН ТАРБИЯСИДА ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ

Мустақил ўлка ёшларини ҳар томонлама камол топган шахс қилиб тарбиялашда жисмоний тарбиянинг, қолаверса, миллий жисмоний тарбия усулларининг аҳамияти катта. Қадим замонларда миллий спорт, ҳаракатли ўйин ва кўнгил очишлардан ота-боболаримиз, момоларимиз байрамларда, сайл-

ларда кенг фойдаланишган. Наврӯз, ҳосил байрамлари, рамазон ҳайит, қурбон ҳайит ва бошқа байрамларда узоққа чопиш, кураш, кўпқари каби хилма-хил ўйинлар, кўнгил очишлар ўтказилган.

Миллий жисмоний машқлар спорт ва ҳаракатли ўйинларнинг хилма-хиллиги уларни ўқув-тарбия жараёнининг жуда кўп соҳаларида қўллаш имконини беради. Кунини узайтирилган жуда кўп гуруҳларда ҳар хил ҳаракатли ўйинлар ўтказиш, бошланғич синф ўқувчилари билан ҳар хил ўйинлар уюштириш, махсус гуруҳларда қизиқарли ва бажарилиши осон бўлган машқлар ташкил этиш ўқувчилар ҳаракат сифатларини тўғри шакллантиришга катта ёрдам беради.

Қуйида, мактабларда ўқув-тарбия жараёнида қўллаш мумкин бўлган миллий спорт, ҳаракатли ўйин ва кўнгил очишлардан бир нечтасини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Ўйинда 2 тадан ортиқ иштирокчи қатнашиши мумкин. 15—20 метрлик масофага 70—80 см узунликдаги таёқ тик ўрнатилади. Ҳар бир ўйинчи худди шундай таёқни тик таёққа қараб улоқтиради. Таёқни кўп марта йиқитган ўқувчи ғолиб ҳисобланади.

«Кес-Кес»

Иштирокчилар икки гуруҳга бўлинадилар. Биринчиси олдинда, иккинчиси орқада туради. Ўқитувчининг белгиси билан биринчи гуруҳ қочади, иккинчиси қувлайди. Қувловчи ўйинчилар етиб олса, ўзлари орқага қочадилар, ушлаганлар қувлайдилар. Ўйин иштирокчилари ушланиб оз қолгунча ўйналади.

«Соққа»

Ўйин иштирокчилари икки қаторга тизилиб турадилар. Биринчи қатордаги ўйинчилар қўлидаги тўп ёки тошни узоққа улоқтирадилар. Иккинчи

қатордаги ўйинчилар эса қўлидаги тўп билан уни уришга ҳаракат қиладилар. Агар ўйинчи тегиза олмаса, бошқа гуруҳ ўйинчиси ташлашига рухсат этилади. Агар ўйинчи соққани тегизса, бир очко берилади. Навбат иккинчи гуруҳ ўйинчисига берилиб, унга соққани улоқтиришга рухсат этилади. Ўйинда камроқ хатога йўл қўйиб, кўпроқ очко тўплаган гуруҳ ғолиб чиқади. Соққа сифатида тўп (ёки *тошдан*) фойдаланиш мумкин.

«Қирқ тош»

Ўйинчилар 3—4 гуруҳга бўлинадилар. Ўйин эстафета шаклида ўтказилади. Ҳамма гуруҳ қаторларга орқама-орқа бўлиб сафланадилар. Ўқитувчи буйруғи билан ҳар бир гуруҳ олдидаги ўйинчилар ҳар қадамга тош қўйиб чиқадилар ва белгиланган жойдан қайтиб келадилар. Кейинги ўйинчи эса шу йиқилган тошни йиғиб келади. Ўйинни биринчи бўлиб тугатган гуруҳ ғолиб чиқади. Тошлар ўрнида теннис тўпларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

«Дурра солди»

Ўйинчилар доира шаклида ўтирадилар. Бошларини тиззага қўйиб, кўзларини юмадилар. Бир ўйинчи қўлидаги дуррани бирор ўйинчи орқасига қўяди, дурра қўйилган ўйинчи бошловчини қувиб кетади. Бошловчи ўз жойига ўтириб олса, кейинги ўйинчи дуррани солиш учун айланади. Ўйин шу тариқа давом эттирилади.

«Тепиш»

Ўйинчилар бир сафга тизиладилар ва уларнинг ҳар қайсисини олдига тўплар қўйилади. Ҳар бир ўқувчи қўлини ерга қўйиб турган жойда 15—20 марта айланади. Сўнгра тўғри бориб тўпни тепади. Қайси ўқувчи адашмай тўпни тепса ғолиб ҳисобланади.

Бундай миллий ўйинларни ва кўнгил очишларни мактаб шароитидан келиб чиқиб, ўқувчиларни ёши, жинсига ва қизиқишларига мос ҳолда қўллаш мумкин.

XXI боб. МАКТАБНИ БОШҚАРИШ ВА УНГА РАЎБАРЛИК ҚИЛИШ

МАКТАБНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ

Республикамиз ҳукумати халқ таълими соҳасида ўртага қўяётган вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ. Янги иқтисодий сиёсатга ўтиш шароитида таълим-тарбиядан кўзланган мақсадга эришиш вазифаси асосан ўқитувчи зиммасига юклатилган. Бу ўз навбатида мактаб ишини бошқарадиган раҳбарнинг фаолияти билан боғлиқдир. Қайси мактабда ички ва ташқи назорат ишлари яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша мактабдаги таълим-тарбия ишлари ҳам изчил бўлади. Педагоглар жамоаси ишини системали назорат қилиш бир томондан ҳар бир ўқитувчининг ўз иши учун масъулиятини оширади ҳамда ўз ишида камчиликларни вақтида аниқлаш ва тузатиш имконини беради. Мактаб ички назоратининг бир қанча йўл-йўриқлари мавжуддир. Уларнинг биринчиси мактаб директори ва илмий бўлим мудирининг дарсларга киришлари, дарсларни ва машғулотларнинг бошқа шакллари таҳлил қилишларидир. Мактаб директори ва илмий бўлим мудирининг дарсларга мунтазам кириб туришлари шарт. Бунинг учун улар йил давомида дарсларга кириш режаларини кузатадилар ҳамда тартибларини келишиб оладилар.

Дарсларга кириш ва уларни кузатиш маълум мақсадга қаратилган. Бундай кириш ва кузатишлар ўқувчининг фаолияти ҳақида хулосалар чиқариш имконини беради.

Баъзан 4- синфларда ёки бир туркумдаги барча синфларда бирор масаланинг йўлга қўйилиши

ўрганилади. Масалан, директор бошланғич синфлардаги ёки фақат 1- синф ёки 2- синфлардаги дарсларда ғоявий тарбиянинг йўлга қўйилишини ўрганмоқчи. Бунда ҳар хил дарсларга ва турли ўқитувчиларнинг дарсларига кириш белгилаб олинади.

Агар директор дарсларга киришда ўқитувчининг иш системасини ҳамда ўқувчиларнинг билимларини аниқлашни мақсад қилиб олган бўлса, маълум ўқитувчининг туркум дарсларига киришни режалаштиради.

Мактаб раҳбарлари эндигина муаллимлик қиладиган ёшларга ва мактабнинг янги ходимларига ҳамиша эътибор билан қарашлари талаб қилинади. Бироқ анча тажрибали ва малакали педагоглар ҳам текширишга эҳтиёж сезадилар.

Бундай текшириш ўқитувчиларни рағбатлантиради ҳамда директорга энг яхши тажрибани ўрганишга имкон беради. Дарсда текширувчи қуйидаги томонларга эътибор бериши керак: дарснинг мақсади қанчалик равшан, аниқ ва тушунарли қилиб ифодаланган; дарс яхлит ҳолда ва унинг айрим босқичлари қанчалик ўйлаб олинган; мақсад юзасидан унинг мазмуни баён этилгани; материалнинг илмий-назарий савияси қандайлиги; ўқитувчи қўллаган методлар қанчалик самарали ҳамда замонавий бўлиши; дарсда ўқитувчининг дидактик қоидаларга риоя қилиши; ўқитувчининг дарсда ҳар бир ўқувчининг ақлий ўсишига қанчалик эришиши; таълимнинг кўрсатма ва техника воситаларидан қанчалик малакали фойдаланишига эътиборини қаратиши лозим. Дарснинг боши ва охирига, ташкилий томонига, дарснинг бир босқичдан иккинчи босқичга ўтилишига, уларнинг мантиқий боғланишига, дарсдаги жамoa ишининг бирга қўшиб олиб борилишига, ўқувчилардан сўраш ва уларнинг билимларини баҳолашга ҳамда уйга бе-

риладиган топшириқлар системасига эътибор бериш ғоят муҳимдир. Шу билан бирга дарсда кетган вақтни белгилаш жуда зарур. Булар дарснинг вақтни объектив баҳолаш имконини беради. Дарснинг тарбиявий томонига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Дарснинг тузилиши, мазмуни, методлари, ўқитувчининг дарсдаги хатти-ҳаракатлари тарбиявий нуқтаи назардан баҳоланади. Директор ёки илмий мудир ҳар бир дарсни кўриб бўлгандан кейин ўқитувчи билан суҳбатлашиши даркор.

Директор ва унинг ўринбосари болалар билан олиб бориладиган ўқув ва синфдан ташқари ишларнинг барча шаклларига раҳбарлик қиладилар ва уларни текшириб турадилар.

Директор ва унинг ўринбосари тадбирларни ғоявий йўналишини ташкил этишнинг илмий-методик даражаси, болаларнинг қизиқишлари ва уларнинг фаоллиги, машғулотнинг ўқув-тарбиявий қимматига алоҳида эътибор қаратадилар. Ўқитувчилар, синф раҳбарлари директор ва унинг ўринбосарларига ўзларининг ишлари ҳақида ҳисоб берадилар. Ҳисоб бериш ўқитувчилар ва мактаб раҳбарларига ўз ишларининг натижаларини таҳлил қилишга, камчиликларнинг сабабларини очишга, уларнинг бартараф этиш йўлларини белгилашга кўмаклашади. Мактабда ҳар бир ўқувчи жиддий ҳисобга олиб борилади: алфавит дафтар ва шахсий папка бўлади. Ўқувчиларнинг алфавит дафтарыда қуйидаги маълумотлар: ўқувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, адреси, мактабга қабул қилинган вақти ва ундан кетган вақти кўрсатилади. Агар ўқувчи бир мактабдан иккинчи мактабга ёки бошқа ўқув юртига ўтган бўлса, унда шу мактабга ёки бошқа ўқув юртига ўтганлиги ҳақидаги маълумотнома бўлиши керак.

Шахсий папкада ўқувчи, унинг ўзлаштириши ва хулқининг аҳволи ҳақидаги умумий маълумотлар бўлади. Шахсий папка ўқувчи мактабни тугатгандан кейин мактаб архивида сақланади.

Ўқувчилар шахсий папкаларининг сақланиши ва юритилишига шахсан ўқитувчи, синф раҳбарлари, шунингдек, мактаб канцелярияси (идораси) ва директор жавобгардир

Ўқитувчининг ўқув ишини кундалик ҳисобга олиб бориш учун синф журнали тугилади. Бунга ўқитувчи ҳар бир машғулоти, уй вазифаларини ўқувчиларнинг оғзаки жавоблари, ёзма мустақил ишлари, контрол ишлари ёзиб борилади. Ҳар бир ўқувчининг ишидаги ютуқ ва камчиликларини журнал орқали билиш мумкин. Кўпгина ўқитувчилар синф журналига қўшимча равишда ўзларининг шахсий кундаликларини юритадилар. Унга ўқувчининг ўқиши ва хулқига доир энг қизиқарли фактлар, боланинг индивидуал ўсиши юзасидан олиб борган ўз кузатишлари, ўқувчининг ўзлаштириш ва хулқидаги қийинчиликлар ҳамда камчиликлар ёзиб борилади. Бундай кундаяик ўқитувчига ўқувчининг ўсишини диққат билан кузатиб боришга, унинг шахс сифатида шаклланиб бориш истиқболини белгилашга ёрдам беради.

Мактаб кундалигига ҳар кунги ўтилган дарслар, уйга берилган топшириқлар ва кундалик баҳолар ёзиб борилади. Синф журналига, қўйиладиган баҳолар билан бир вақтда кундаликка ҳам баҳо қўйиб борилади. Ҳафтанинг охирида кундаликка ўқитувчи ва ота-онанинг имзоси қўйилади.

Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ота-оналари кундаликни ҳар куни кўриш, ҳар кунги ютуқ ва камчиликлар ҳақида билиб боришга ўргатиш зарур.

Ўқувчилар кундаликка ўзларининг ўқув муваффақиятлари акс эттириладиган ҳужжат деб қараб, унга масъулият билан муносабатда бўлишлари керак.

Кундаликни бола устидан шикоят қиладиган Воситага айлантириш, масалан, унга «У буфетда ўзини ёмон тутди» каби танбеҳларни ёзиш ярамайди. Бундай ёзувлар интизомни бузадиган болаларга нисбатан мустақил чора кўра билмайдиган ўқитувчининг ночорлиги, уқувсизлигидан далолат беради.

Ўқув йилининг охирида бошланғич синф ўқитувчилари ва синф раҳбарлари ўқув дастурларини бажарилиши ҳақида ҳисобот тузадилар.

Мактаб эса халқ маорифининг туман (шаҳар) бўлимларига йиллик статистик ҳисобот тақдим қилади.

Ўқув йилининг охирида ўқув йилининг якунларига доир ота-оналар мажлиси ўтказилади. Ҳисобот мажлисига ўқувчиларнинг ишлари, мактабнинг меҳнат тарбияси соҳасидаги ютуқлари тўғрисида кўргазмалар тайёрлаш мумкин.

Ҳар бир ўқитувчи ўз вазифаларини бажариш, мактаб мулкани кабинетларда белгиланган тартибда сақлашга нисбатан жиддий муносабатда бўлиши керак. Ўқув-тарбия ишлари устидан кундалик мактаб ички назорати мактабнинг барча ишларининг юксак даражасини таъминлашга, ўқувчиларнинг қизиқарли тажрибаларини маъқуллаш ва ёйишга, баъзи ўқитувчилар ишидаги камчиликларни ўз вақтида аниқлашга ёрдам беради. Текшириш натижалари метод бирлашмалари ва предмет комиссияларида, директор қошидаги кенгашларда, педагоглар жамоасида ва ишлаб чиқариш кенгашларида муҳокама қилинади.

Бошқариш фаолиятида муайян тизимнинг бўлиши муҳимдир. Бунинг маъноси шундан иборатки, бу иш тасодифий бир-бирига алоқаси бўлган тadbирлар йиғиндисидан иборат бўлмай, шароит хусусиятларини қатъий ҳисобга олишни тақозо этади.

Мактаб ички назорати бўйича ишланган режа-

ни бир чоракка, ярим йиллик ва бир ўқув йилига мўлжаллаб тузиш мумкин. Лекин режани бир ўқув йилига мўлжаллаб тузиш мақсадга мувофиқдир.

Мактаб раҳбарлари томонидан амалга ошириладиган мактаб ички назоратининг режаси қуйидаги масалаларни ўз ичига олиши мумкин:

1. Мактабнинг ҳамма кўрсаткичлари бўйича режанинг бажарилиши.

2. Ўқув-тарбия ишларининг аҳволи.

3. Синфдан ва мактабдан ташқари олиб бориладиган тарбиявий ишлар.

4. Мактабдаги жамоатчилик ҳамда оталиқ ташкилотлари билан олиб бориладиган ишлар.

5. Мактабда педагог ходимлар билан ишлаш масаласи.

6. Мактаб ҳужжатларини юритиш ҳолати.

7. Мактаб ўқувчи ёшлар ташкилотининг ишлари.

8. Мактабнинг молия хўжалик ишлари.

9. Мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги.

10. Синф раҳбарларининг ишлари ва ҳоқазо масалалар.

Бир ўқув йилига мўлжаллаб тузилган мактаб ички назоратининг мавзу режасини ўқув йилидаги педагогларнинг биринчи йиғилишида тасдиқлаш ва уни мактаб ўқитувчилар жаммасига маълум қилиш мақсадга мувофиқдир. Лекин назорат қилишда маълум тизим ва аниқ режанинг бўлмаслиги, мақсаднинг ноаниқлиги, ҳужжатларни тартибга солишга ва маълум бир фикрга келиш учун тегишли материаллар тўплашга эътибор бермаслик, назорат ишларига етарлича фаол жалб этмаслик айрим мактаб раҳбарларининг ўқитувчилар жамоаси тавсиясини яхши била олмаслигига сабаб бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мактаб ички назоратининг шакл ва усуллари турличадир. Буни қай даражада қандай қилиб амалга ошириш мактаб

раҳбарларининг илмий-методик, педагогик савияларига ҳамда мазкур масалага нисбатан қунт билан изланишларига боғлиқдир.

Мактаб ички назоратини ўрганиладиган масалага қараб асосан икки гуруҳга бўлиш мумкин: а) мактаб ишларини тематик назорат қилиш; б) мактаб ишларини комплекс (фронтал) назорат қилиш.

Тематик назорат қилиш қўйидаги масалаларни ўз ичига олиши мумкин:

1. Мактабда гуманитар фанлар бўйича давлат ўқув дастурининг бажарилиш аҳволи.

2. Фан асосларини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг қобилиятларини ўстириш.

3. Мактабда физика дарсларида таълимни тарбияга боғлаш тажрибасидан амалий фойдаланиш.

4. Она тили ва адабиёт фанларини ўқитишда ўқувчиларнинг нутқ маданиятини ўстириш.

5. Тарих, география дарсларида амалий ишларнинг қўйилиш ҳолати.

6. Табиатшунослик фанларини ўқитишда ўқувчиларни илмий дунёқараш руҳида тарбиялаш кабилар.

Бундан ташқари ҳар хил мутахассисликдаги икки-уч ўқитувчининг ишини ўрганиш, синф раҳбари, тарих-география, тил-адабиёт ўқитувчиларининг метод бирлашма ишларини ўрганиш тематик назоратга кирази.

Мактаб ишларини комплекс усулида назорат қилиш, таълим-тарбия ва хўжалик ишларини кенг қамраб олган тўлиқ педагогик маънодаги масалаларни ўрганишни мақсад қилиб қўяди. Масалан:

1. Мактаб фаолиятида аниқ фанларнинг ўқитиш ҳолати ва уни янада яхшилаш чоралари.

2. Мактабда синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг амалга оширилиш ҳолати ва уни янада такомиллаштириш йўллари.

3. Мактаб фаолиятида ўқитувчилар малакасини оширишнинг ҳолати ва унинг самарадорлиги.

4. Ўқувчиларнинг дарслик ва ўқув анжомлари билан таъминланганлик ҳолати ва бу масалани янада яхшилаш чоралари.

5. Мактабнинг таълим-тарбия ишлари тизимида халқ педагогикасидан фойдаланишнинг аҳволи ва бу ишни янада такомиллаштириш йўллари.

6. Мактабда гуманитар фанларнинг ўқитиш ҳолати ва ўқувчиларнинг билим даражаси.

7. Мактаб фаолиятида умумий ўрта таълимни ҳозирги давр талаблари асосида амалга оширишнинг аҳволи ва шу кабилар. Бундай масалаларни текшириш якуни мактаб педагоглар кенгашида ёки очиқ мажлисда муҳокама қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ички назорат тизимида имтиҳонлар даври мактаб ҳаётида масъулиятли даврлардан биридир. Имтиҳонларни ўтказиш натижасида ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларига умумий баҳо бериш мумкин.

МАКТАБ ИШНИ БОШҚАРИШ ВА УНГА РАЎБАРЛИК ҚИЛИШ

Мактаб ишини ҳар жиҳатдан тўғри ташкил қилиш, унинг самарадорлиги натижаси гаровидир. Бу эса жамоа меҳнати жараёнларини оқилона йўлга қўйишни тақозо этади. Бинобарин, ўқувчиларни тарбиялаш кўплаб кишиларнинг умумий меҳнати жараёнида ҳал қилинар экан, демак бу меҳнатнинг муваффақияти кўп жиҳатдан уларнинг кучлари қанчалик тўғри йўналтирилганлигига, мақсадлар бирлиги ва ҳаракатар мувофиқлиги қандай таъминланаётганлигига боғлиқдир. Акс ҳолда биргаликда қилинаётган жамоа меҳнатининг самарадорлиги пасайиб кетиши мумкин. Мақсадларни тушуниш

бирлигини амалда юзага чиқариш, сўнгра бу мақсадларга эришиш жараёнида ўзаро алоқаларни таъминлаш мактабни бошқаришнинг муҳим вазифаси бўлиб, бу вазифанинг пировард натижаси асосан мактаб директорининг фаолиятига боғлиқ. Таъкидлаш лозимки, мактабни чинакамига бошқаришни таъминлаш учун аслида директор бажариши керак бўлган муҳим ва иккинчи даражали ишлар мавжуд. Хўш, мактабни бошқариш вазифаларнинг қайси бири муҳим, мактаб директори ўз кучини нимага сарфлаши керак? Бунинг учун директорга:

1. Тизимни ташкил этишни ишлаб чиқиши, тадқиқот, лойиҳалаш ишларини йўлга қўйиб иш тартибини белгилаши, ўйлаб иш кўриши ва шошма-шошарликка йўл қўймаслиги.

2. Амалий иш бажаришнинг белгиланган тартибга ва тизимга мувофиқ бажарилаётганлигини текшириш.

3. Иш меъёрининг бузилишига йўл қўймасликни, қийинчилик ва тўсиқларини ўз вақтида барта-раф этилишини кузатиши ва шу сингари бошқа муҳим ишларни амалга ошириши лозим.

Демак, директор иш фаолиятини тўрт босқичга ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Олинган ахборот асосида қарор қабул қилиш. Ишнинг вазифаларини ва йўналишларини белгилаш. Маълум объектив маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш. Яқин ва истиқболли режаларни белгилаш. Ишнинг мавжуд ҳақиқий аҳолини белгилаш, уларни таққослаш, имконият даражаларини ҳисобга олиш, вариантларни танлаш, мактабнинг ривожланиш йўлини белгилаш, ана шулар директорнинг асосий ва муҳим вазифалари сирасига киради. Бу вазифаларнинг етарли даражада амалга ошмаслиги натижаси ўлароқ, жамoa меҳнатининг бесамар кетишига сабаб бўлади.

Натижа кутилгандек бўлиши учун эса директор куйидагиларни: мактабнинг ҳафталик ишларини режалаштириши, мактабнинг яқин даврлар учун иш режасини тузиб олиши, ишнинг айрим турлари бўйича эса истиқбол режасини тузиши, ўз мактаби фаолиятига оид нутқ, мақолалар тайёрлаши, педагогик адабиётларни ўрганиши, педагогик йиғилишда принципиал масалани ҳал қилиши ва ҳоказоларни амалга ошириши;

2. Шунингдек, тегишли янги қарорларнинг асосий ғояларини уларни ижро қилувчиларга тушунтириши. Олинган маълумотларга асосан ишни кўриб чиқиб, камчиликларни тузатиши. Директор бу вазифаларни амалга оширишда ўқув-тарбияга оид турли кечалардан, ота-оналар мажлиси, маҳаллий қўмита, методик бирлашма мажлисларидан, ўқитувчилар билан йўлланма берувчи суҳбатлардан, техник ходимларнинг кенгаши ва кадрлар танлашдан тўғри фойдаланиши;

3. Ўқув-тарбия жараёнининг ҳақиқий аҳволи тўғрисида доимий ишончли маълумотлар олиб туриши. Давлат дастурларининг бажарилишини, талабларда ягоналикка эришилишини назорат қилиши; ўқитувчилар ва синф раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб бориши, дафтарлар, кундаликлар, синф журналлари ва бошқа ҳужжатларнинг юритилишини текшириши;

4. Фавқулодда юзага келган камчилик ва нуқсонларни, тўсиқларни бартараф этиши. Ўқувчиларнинг интизомига оид суҳбатлар уюштириши. Шикоят ёки илтимос билан келган ота-оналарни қабул қилиши. Мактабни бошқаришнинг асосий вазифаларидан чалғитмайдиган ишлар ва топшириқларни бажариши. Хўжалик ишларидаги нуқсонларни тугатиши лозим. Директор ташкил этиш ва бошқариш фанининг элементлари асосини яхши били-

ши ва уни юқори даражага кўтаришга онгли ра-
вишда интилиши жуда муҳим. Булар директорга
меҳнат самарадорлигини ошириш имконини бера-
ди. Директор кўпроқ тегишли асосий вазифаларни
бажаришга интилар экан, бу унинг ўқув-тарбия
жараёнининг ҳақиқий раҳбари бўлишига ва шу
билан бирга ўз иш кунини муайян меъёрга солиш-
га имкон беради. Мактаб директори эътибор қили-
ши лозим бўлган яна бир муҳим масала бу иш вақ-
тидан унумли фойдаланишидир. Айтайлик, ўқув
йилининг сўнгги чораги тугаяпти, галдаги вазифа
бу йил ўқишни тугаллайдиган синфларда иш олиб
боришдир. Бундай пайтда мактаб директорини
юқори ташкилотларининг ҳар хил сабаблар билан
чақиришлари ва навбатдан ташқари шошилиш
топшириқлар берилиши ғоятда салбий таъсир
кўрсатади. Бироқ, мактаб директори ўз меҳнатининг
мунтазамлиги ва доимийлигини таъминлашиги-
на унинг самарадорлигини оширади.

Директор ўринбосари мактаб директорининг
раҳбарлигида ишлайди ва вақт-вақти билан унга
ҳисоб бериб туради. Чунки, ўринбосар ишнинг му-
айян уч жабҳаларида раҳбарлик қилиш ваколатига
эгадир, бу ҳол унинг директор олдида нималарга
жавобгар эканлигини янада равшанлаштиради. Би-
роқ, бу ҳол директорни мактабнинг умумий иши
учун жавобгарликдан халос қилади дегани эмас. Ди-
ректор ва ўринбосар ўртасидаги вазифаларнинг ху-
сусияти ана шуни тақозо қилади. Амалда баъзан
шундай ҳолларга ҳам дуч келинади. Баъзи мактаб
директорлари кўпинча барча ишга жавобгар экан-
ликларини била туриб, баъзан илмий мудирга мак-
табдаги бутун ўқув-тарбия ишларига ва шу синга-
ри бошқа ишларга масъул эканлигини рўқач
қиладилар ва барча ишни йлмий мудирга юклаб,

педагогик жараёнга раҳбарлик қилишдан ўзларини четга оладилар. Илмий мудир эса ўқитувчилар фаолиятига кучи етганича умумий раҳбарлик қилиб боради. Оқибатда, шундай ҳол юз берадики, директор ўқув-тарбия иши юзасидан мустақил фикри бўлмайди. Бу ҳақда кўпроқ илмий мудирнинг гапларини такрорлайди. Ваҳоланки, педагогик жараён таълим ва тарбиянинг жуда кўп масалаларини ўзаро ҳамкорликда ҳал қилинишини назарда тутди. Ўқув-тарбия жараёнини дастурда белгилангандек тўғри йўлдан олиб бориш учун мактаб директорлари ишнинг кўзини биладиган бўлиши, ҳар қандай тартиб бузилишларни пайқаш ва уни бартараф этиш чораларини кўриш учун етарли даражада тезкор ҳаракат қилиши лозим.

Мактаб ишига раҳбарликнинг бир текис олиб боришда қуйидагиларни амалга ошириш ёрдам беради: ишни яқунлаш ва режалаштириш учун ҳар ҳафтада илмий мудир билан суҳбатлашиш ва бунда унинг бажарилган ва белгиланган иши тўғрисидаги ахборотини тинглаш, илмий мудир билан биргаликда ўқитувчиларнинг дарсларига кириш ва уларни таҳлил қилиш, ўқитувчилар ва синф раҳбарларининг ҳисоботларини биргаликда тинглаш. Айтиш жоизки, илмий мудир тарбиявий ишларга ўқувчиларнинг ўқув фаолияти жараёнида, дарс вақтида раҳбарлик қилади. Шундай экан, синфдан ташқари ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси, лавозимининг киритилиши илмий мудирни юқорида айтиб ўтилган вазифалардан озод қилмайди. Балки, ўқитиш жараёни яъни, дарс ва факультатив машғулотларга, фан тўғараклари фаолиятига, ўқишга онгли муносабатда бўлиш ҳиссини таркиб топтириш ва ишда ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига, олимпиада ва

мавзуий кечалар ўтказишга жиддий эътибор қаратиш, буларнинг ҳаммаси илмий мудирнинг доимий вазифаси сирасига киради. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси бўлган директор ўринбосари яна бутун мактаб миқёсида ўқувчиларнинг ижтимоий-фойдали меҳнатини, сиёсий-маорифий ишларни, физкультура-спорт, туристик ва шунга ўхшаш дарсдан ташқари олиб бориладиган бошқа фаолиятларини ташкил этувчи педагогларнинг ишига ҳам раҳбарлик қилади. Ташкилотчи мактабнинг микрорайонида, мактабдан ташқари тарбиявий муассасалар ва жамоатчилик билан чинакам алоқада бўлади, ўз ишида уларнинг ёрдамидан кенг фойдаланади.

Чунончи, ҳар қайси ўқув йили охирида педагогнинг ўқитувчилик фаолияти яқунлари муайян шаклда аниқланади ва баҳоланади. Бу иш бундан кейинги ишларнинг ташкил этувчиси ва бошланиши бўлиб ҳам хизмат қилиши мумкин. Ўқитувчи ўқув йили охирида қилинган ишлардан олинган натижаларни солиштириб у ёки бу методларнинг қанчалик муҳим эканлигига баҳо бериши ва шу асосда тажриба тўплаши, ўз ишини такомиллаштириб бориши мумкин. Болаларни тарбияланганлик даражасини билмаслик — тарбиявий ишнинг катта камчилигидир. Синф раҳбарлари, айниқса янги синф қабул қилган синф раҳбарлари ўз фаолиятларини болаларни ўрганишдан бошлашларига, буни, айниқса сентябрнинг боши ва августнинг охиридан бошлашга ҳаракат қилишлари учун имкон яратиб бермоқ керак. Ўз вазифасини тўғри бошлаган синф раҳбари бу ишни уддалашда кўпгина имкониятлар топади. Бунинг учун ўқитувчига қуйидагиларни тавсия этиш мумкин:

1. Болаларни жамоа меҳнати ва сайр чогида кузатиши. Шу мақсадда августнинг охири ва сентябр ойида синф хоналарини дарсга ва қишга тайёрлаш борасида иш олиб бориши, ижтимоий-фойдали меҳнатнинг ҳар хил турларида гуруҳ бўлиб иштирок этиши, кино ва турли томошаларга биргаликда бориши;

2. Ўқувчилар шахсий варақаларини, уларга берилган тавсияларни ўрганиши. Тарбияланувчининг мактабда ўтказаётган турли йиллардаги ўқув фаолиятини солиштириши, шахсий камолати йўлини аниқлаши муҳимдир. Бу материаллардан тарбиячи ўқувчига таъсир кўрсатишнинг ишончли далиллари ҳам топади.

3. Болалар бир-бирлари тўғрисида кўп нарсаларни биладилар ва кўп ҳолларда улар ўз ўртоқларини тарбиячига қараганда бирмунча объектив тарзда баҳолайдилар.

Бу эса ўқувчиларнинг кейинги муваффақиятли меҳнати ёки ўқув фаолиятлари учун уларнинг тарбияланганлик даражалари, шуңингдек, мактаб ўқув-тарбия ишлари умумий даражасининг муҳим кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Мактаб тарбиявий ишини самарали ташкил этишнинг яна бир муҳим шarti раҳбарда таркиб топган келажак мақсадларининг мавжудлиги, ўзининг бугунги тарбияланувчисининг эртанги қиёфаси тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишдир. Шахсни тарбиялаш бу узоқ давом этадиган жараёндир.

Хуллас, мактаб директори тарбияга оид қўйилган вазифаларни ҳал қилиш ва ўқувчиларга таъсир кўрсатиш системасини нисбий равишда уч кўринишга ажратади. Булар қуйидагилардан:

А. Мактабда тарбия беришдан;

Б. Оилада тарбия беришдан;

В. Мактабдан ва оиладан ташқарида тарбия беришдан иборат. Буларнинг ҳар бирида раҳбарликнинг баъзи бир ташкилий воситаларини кўриб чиқамиз. Мактабдаги тарбия жараёнини директор ўз ёрдамчилари орқали, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий иш ташкилотчиси, синф раҳбарлари ҳамда ўқитувчилар орқали бошқаради. Бунда у тарбиявий ишларни умуммактаб миқёсида режалаштиради. Йил давомида педагоглар жамоасида муҳокама қилиш учун барча ходимларнинг бир хилдаги тушуниши мумкин бўлган принципаал масалаларни қўйиб боради. Мактаб директори тарбиявий ишларнинг кундалик аҳволини дарсларга, суҳбатларга, мажлисларга, турли мавзулардаги йиғилишларга кириш ҳамда ўқувчилар, ота-оналар, ўқитувчилар билан доимий суҳбатлашиб бориш орқали ўрганиб боради ва баъзи йўл қўйилган жузъий камчиликларни йўл-йўлакай тузатиб боради. Директор тарбиявий ишлар сифатини ҳамда таъсирчанлигини ошириш мақсадида ўқитувчиларнинг малака ошириш курсларини ташкил қилади. Ўқитувчиларнинг ўз-ўзини бошқаришини йўлга қўяди. Мактабда ўз-ўзини бошқариш органларининг таъсирчанлиги эса унга нисбатан маъмуриятнинг ва ўқитувчилар жамоат ташкилотларининг эътибори ҳамда яқиндан ғамхўрлик кўрсатишига боғлиқдир. Хулоса шуки, мактаб директори синф раҳбарларисиз, ўқитувчилар жамоаси ва ота-оналарнинг фаоллигисиз, тарбия беришда кутилган самарага эриша олмас экан. Шунинг учун ҳам мактаб директори доимо улар кучига таянган ҳолда иш юртиши ва улар билан мунтазам алоқада бўлиб туриши лозим.

XXII боб. ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ

ЎҚИТИШ МЕТОДИ ВА УСУЛИ ТУҒРИСИДА ТУШУНЧА, УЛАРНИНГ ТАСНИФИ

Мактабдаги ўқув жараёнининг сифати кўп омилларга боғлиқ бўлиб, улар орасида ўқитишнинг усул ва методлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бинобарин, улар билимларнинг онгли ва чуқур ўзлаштиришига, ўқувчиларда мустақиллик ва ижодий фаолликнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Усул ва метод тушунчалари ўзаро боғлиқдир, чунки уларнинг ҳар бири метод сифатида ҳам, усул сифатида ҳам намоён бўлади.

Педагогика амалиётида ўқитиш усуллари ва методларининг жуда катта бойлиги тўпланган. Уларни танлашда турли шароитлар, ўқитилаётган фаннинг характери, болаларнинг ёш хусусиятлари, олдинги тайёргарлиги даражаси ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

Форобийнинг фан ва санъатнинг афзаллиги ҳақидаги рисоласида ўқув жараёнини ташкил этишга ва ўқитиш методларига қўйиладиган талаблар ифодаланган. Олим ўзининг ўқитиш методлари ҳақидаги тушунтиришларида ўқувчиларга турли билимлар бериш билан бирга, мустақил ҳолда билим олиш йўлларини ҳам кўрсатиш, уларни билимларнинг зарурлигига шак-шубҳасиз ишонтириш кераклигини уқтирган.¹

¹ Ал Форобий. Математические трактаты. Алма-Ата, Ильм, 1972, 327—328-бетлар.

Шарқ қомусий олимларининг асарларини таҳлил қилиш ҳозирги терминологиядан фойдаланиб, мазкур асарлар муаллифларининг принциплари ва ўқитиш методлари билишнинг умумий қонунларига мувофиқлигини аниқлаш имконини беради. Барча қомусий олимлар фойдаланган ўқитиш методларини бир неча гуруҳга ажратиш мумкин. Булар: кўрсатмали тажриба-методлари (Ибн Сино), билимларни баён қилишнинг савол-жавобли йўллари (Абу Райҳон Беруний, ал-Хоразмий), кўникма ва малакаларни шакллантириш методлари, билимларни текшириш методлари (Форобий, ал-Хоразмий) ва ҳоказолардан иборатдир. Шуниси диққатга сазоворки, мазкур олимларнинг ҳаммалари ўқувчилар фаолиятини кучайтириш ва уларда мантиқий тафаккурни ривожлантириш мақсадини кўзлаганлар. Бурхониддин Заркужийнинг фикрича, инсоннинг билиш фаолияти билмасликдан билишга қараб боради. Ақл — фаол, ижодий кучдир, коинотни билиш қуролидир. Аммо дастлабки тажрибасиз билишнинг бўлиши мумкин эмас. Чунки умуминсоний ақл тушунчаси таққослаш, кузатиш ва тажриба йўли билан таркиб топади. Бундан шундай педагогик хулоса чиқариш мумкинки, инсон ҳиссий идрокни бойитиш билангина ўзининг билимларини ошира олади. Шунинг учун таълимда ўқувчиларнинг ўзидаги тажрибага таянган методлардан иложи борича кенг фойдаланиш керак.

Методлар ва усулларни танлаш ўқитувчи дарсда ҳал қилиши мўлжалланган масалага боғлиқ бўлади. Чунончи, янги материални баён этишда бир хил методлар қўлланса, уни мустаҳкамлашда иккинчи ва мавзуни умумлаштиришда яна бошқа хил методлар қўлланади. Дарснинг турли босқичларида

пухта ўйлаш ва самарали усуллар ҳамда методларни танлаш жуда муҳимдир. Ўқитувчи дарснинг энг бошида 4—5 дақиқа умумий сўрашни амалга оширади ва ўқувчиларнинг қайси гуруҳи ўтган дарс бўйича етарли даражада ўзлаштирмаганини аниқлайди ва кейинги сўрашда синфнинг диққат-этиборини энг аввал ана шу масалага қаратади. Дастлаб саволларга батафсил жавоб бера оладиган ўқувчилардан сўрайди. Натижада синфнинг бир қисми учун мураккаблик қилган материал тушунарли бўлади. Бу усул ўқувчиларнинг машғулотлардаги нуқсонларини пайқаш ва шу заҳоти бартараф этишда ёрдам беради. Мазкур усулнинг самарадорлиги ҳам худди ана шундадир.

Гарчи ҳар бир ўқитувчининг ишида анчагина усул ва методлар мавжуд бўлсада, уларни қўлладан кўзланадиган мақсад тарбияланувчининг таълимий ишларини фаоллаштиришдир. Бу тадбир жуда муҳим бўлиб, биринчидан, ўқувчиларни уларнинг эътиқодига, эътиқодни эса амалий фаолиятга, хатти-ҳаракатга айлантиради, иккинчидан, ўқитиш жараёнининг ишини осонлаштиради. Зотан, ўқиш-ўрганиш диққат-этиборни талаб қиладиган, мураккаб фаолиятдир ва унда ўткир ақл, мустаҳкам ирода, тиниқ тасаввур, кучли хотира зарур. Ўқитувчининг вазифаси самарали усул ва методлардан фойдаланиб ўқувчиларда ана шу сифатларни таркиб топтириш ва уларга қийинчиликларни енгишни ўргатишдир.

Ҳозирги ўқитиш жараёнида қўйиладиган талаблар нима ва ўқувчиларда дарсга қизиқувчанликни оширадиган, уни янгилик элементлари билан бойитиш учун нима қилиш керак?

Ҳозирги замон таълими фақат инсоният эришган билимларни ўзлаштиришни эмас, балки жа-

мият энди ҳал қилиши ва бунда бугунги ўқувчилар қатнашиши лозим бўлган масалалар билан танишишни ҳам талаб қилади. Бундай масалалар космосни ўзлаштириш, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, чўлларни ҳосилдор ерларга ва боғ-роғларга айлантириш, қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш ва ҳоказолардан иборат бўлиши мумкин. Халқ хўжалиги ва фаннинг ҳамма соҳаларида жуда катта бурилишлар рўй бермоқда ва ҳар бир ўқитувчи ўзининг тарбияланувчиларини ўзи ўқитадиган фан соҳаси бўйича навбатдаги қайта қурилишлар ва эришилган ютуқлар билан кенг таништириши керак. Бу ишни ўқувчиларга мос шаклда ва ўқув дастурига мувофиқ амалга ошириши лозим.

Мазкур талабнинг иккинчи хусусияти ўқитувчининг ўқувчилар фикр доирасини кенгайтириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилишдир. Таълимнинг мана шу босқичида ўқитувчи олдида ўқувчиларга оддийгина билимлар бериш эмас, балки уларни фикр доирасини кенгайтириш, қизиқувчанлигини ошириш ва уларда ўзи ўқитадиган фанга муҳаббат уйғотиш вазифаси турибди.

Шундай қилиб, ўқитиш методи ўқитувчи ва ўқувчилар назарий ҳамда амалий билиш фаолиятининг таълимий вазифаларини бажаришга қаратилган йўлидир. Унга қуйидаги муайян талаблар қўйилади.

1. Ўқув материални ўрганишнинг ўқитувчи тавсия этган йўли фикрлашнинг диалектик-материалистик усули мустақил қарашлар, иродавий хусусиятлари ва хулқнинг шаклланишига олиб бориши керак. Ана шу талаб нуқтаи назаридан метод тарбиявий тусда бўлиши лозим.

2. Ўқитиш методининг илмий асоси яққол ва аниқ бўлиши зарур. Шундагина ўқитувчи мазкур

метод орқали қандай масалалар қўйилиши ва ҳал қилиниши мумкинлигини, қандай масалаларни ҳал қилиб бўлмаслигини кўра олади.

3. Ўқитишнинг тизимлилиги унинг самарадорлигини белгилайди.

4. Ўқитиш методининг тушунарлилиги: ўқитишнинг йўли ўқувчи учун қабул қилиниши ва қўлланиши, ўқув материални ўрганишнинг усули эса билимларни ўзлаштиришнинг имкониятларига мувофиқ бўлиши лозим.

5. Ўқитишнинг онглилик ва фаоллик зарурияти ниҳоятда жиддий талабдир.

6. Билимларнинг пухталиги ва асослилиги.

7. Ўқитиш методикасида назарий ва амалий ҳодисаларнинг мувофиқлиги.

Ҳар қандай методдан бирор мақсадга эришиш кўзда тутилади ва шунинг учун у қандайдир мақсад қўйишни, унга эришиш бўйича фаолият усулини, ана шу фаолиятни амалга оширишда ёрдам берадиган воситаларни билишни тақозо этади. Ҳар қандай фаолият унинг объектини талаб қилади. Ниҳоят, метод мақсадга олиб бориши керак, акс ҳолда, у қўйилган мақсад учун яроқсизлигини, ё бўлмаса, бу ҳолатда унинг умуман нотўғри қўлланганини эътироф этиш лозим. Шундай қилиб, ҳар қандай метод уни қўллашдан кўзланадиган мақсадни, шу мақсадни амалга ошириш фаолиятини ва фаолиятни бажариш воситаларини талаб қилади. Бу воситалар фаолият объекти тўғрисидаги предметли ёки ақлий билимлар, қўйилган мақсадга албатта эришишдан иборат бўлиши мумкин. Буларнинг ҳаммаси ҳар қандай методга нисбатан мақсадга мувофиқдир, лекин ўқитиш методи учун етарли эмас.

Метод структурасига ўқитиш усуллари киради. Лекин метод мазкур усуллар мажмуидан иборат эмас. Усул ўқитувчи ёки ўқувчилар ақлий ёки амалий ишининг алоҳида операциялари бўлиб, улар мазкур методда тавсия этилган материални ўзлаштириш шаклини тўлдиради. Масалан, ўқитувчи эслаб қолиш усулини беради. Усул методдан ажралади, ўзининг билимларини ўзлаштиришдаги ва кўникмалар ҳамда малакаларни шакллантиришдаги аҳамиятини йўқотади.

Ўқитиш усулларини қуйидагиларга бўлиш мумкин:

— тафаккур, хотира, диққат ва хаёлнинг алоҳида операцияларини таркиб топтирадиган ва фаоллаштирадиган усуллар;

— фикрлаш фаолиятида муаммоли ва изланишли вазиятларни вужудга келтирадиган усуллар;

— ўқувчиларнинг ўқув материални ўзлаштириш билан боғлиқ кечинмалари ва ҳиссиётларини фаоллаштирадиган усуллар;

— назорат ва ўқувчиларнинг ўзини ўзи назорат усуллари;

— ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг жамоавий ва шахсий ўзаро муносабатларини бошқариш усуллари.

Ўқитишнинг турли методларига бир хил усулларни киритиш мумкин. Сўнгги йилларда педагогика фани ва мактаб амалиётида ўқитиш методлари муаммосига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу муаммо бўйича анчагина тадқиқотлар бажарилмоқда, илғор педагогик амалиётда ўқитишнинг самарадор методларининг ва уларнинг тизимларини қўллашнинг талайгина йўллари топилди. Аммо умумий таълим мактабига қўйилаётган янги талаблар

Ўқитишнинг методлари ва усуллари янада такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Юқорида қайд этилганидек, таълимнинг мазмунига қўйилаётган янги талаблар — ёш авлодга хусусан фанларнинг асослари бўйича юксак илмий-назарий билимлар беришдан иборат бўлиб, бу иш назарий билиш методларига, шу жумладан, ўқувчиларни мантиқий фикрлаш, мантиқий операцияларни бажариш усуллари билан қуроллантиришни тобора кучайтиришни тақозо этади.

Шуни таъкидлаш керакки, ўқитиш методларининг ягона таърифи йўқ. Улар ўқитувчи ва ўқувчиларнинг таълимий-тарбиявий вазифаларини ҳал қилишга қаратилган ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти усуллариининг тартибга солинишидир.

Умуман, ўқитиш методларининг мажмуаси — атрафдаги воқеликни билишнинг йўли, дея хулоса чиқариш мумкин. Ўқувчилар ақлий камол топишининг характерини белгилайдиган йўл билимларни ўзлаштириш имкониятини яратади, шахснинг хусусиятларини шакллантиради. Ўқитишнинг мақсади ўқувчиларга инсониятнинг тажрибасини ўзгартиришнинг ўзидир. Ўқитиш назарияси методларини инсоният тажрибасидан олади ва уларни ўқув машғулотларига мослаштиради. Шунинг учун ўқитиш методлари доимий равишда янгиланади, такомиллашади, фан-техниканинг ривожланиши ва ижтимоий ривожланиш асосида янги методлар вужудга келади.

Ўқитиш методларининг жуда кўп турлари мавжуд ва уларнинг сонини аниқ белгилаб бўлмайди. Методлар ўқитишнинг мантиқий томонларига, компонентлари ва вазифаларига асосланиб таснифланади.

Мактабдаги ўқитиш методларининг ягона таснифи йўқ. Назария ва амалиётда бир қанча таснифлар мавжуд бўлиб, улар ўзаро зид келмайди, бири иккинчисини инкор этмайди, балки бир-бирини тўлдиради ўқитиш жараёнини кўриш имкониятини яратади.

Тасниф тартиб ва тизимни вужудга келтиради, умумий ва муайян назарий ва амалий, муҳим ва тасодифий ўқитиш методларини аниқлашга ёрдам беради, шу орқали улардан амалиётда самаралироқ фойдаланишга хизмат қилади.

Ўқитиш методларини таснифлашда ўқувчига дастур материалини ўрганишнинг мақсадга мувофиқроқ йўллари танилаш имконини яратади, ўз ишидаги ютуқ ва камчиликларни тушунишда ёрдам беради, ўқитувчиларнинг фаолиятини такомиллаштириш учун қулай шароитни вужудга келтиради.

3 . ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

Педагогикада ўқитиш методларини таснифлашга ягона ёндошиш мавжуд эмас. Ҳозирги дидактикада ўқитиш методларини билимлар манбаи бўйича (С. О. Лордкипанидзе, Е. Я. Голант), дидактик мақсадлар бўйича (Б. П. Есип), билиш фаолиятининг савияси бўйича (И. Я. Лернер, М. Н. Скаткин, М. И. Махмутов) фарқлаш энг кўп тарқалган.

Методларнинг бинар схемалари, уларни уч ўлчовли, ва ҳатто сетраэрдик фарқлаш ҳам учрайди. Ана шу таснифларнинг ҳар бирида афзалликлар ва камчиликлар мавжуд бўлиб, улар адабиётларда етарлича таҳлил қилинган.

Ўқитиш методларини билиш манбалари бўйича таснифлаш анча оддий бўлиб, улар мактаб амалиётида кенг тарқалган. Бу белги бўйича методлар қуйидаги уч гуруҳга бўлинади:

1. Оғзаки методлар (билимларни сўз билан баён қилиш, суҳбат, дарслик маълумотнома ва илмий адабиётлар билан ишлаш).

2. Кўрсатмали методлар расмлар, намоишлар, кузатишлар).

3. Амалий методлар (машқлар, лабораториядаги амалий ишлар).

Булар маълум даражада шартлидир, чунки мазкур методларнинг ҳаммаси ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларни доим ҳам аниқ чегаралаб бўлмайди.

Ҳар бир ўқитиш методининг ўз вазифаси бўр. Адабиётларда ўқитиш методларининг рағбатлантирувчи (мотивлашган), таълимий, тарбиявий ва камол топтирувчи умумпедагогик вазифалари ифодаланган.

Ўқитувчи дарсга тайёрланишда ва унинг учун энг мувофиқ методларни танлашда ана ша методларнинг бажарилиши мумкинлигини ва уларнинг структурасини ҳисобга олиб, шу асосда, масалан, рағбатлантириш, тарбиявий ва камол топтириш вазифаларини кучайтирувчи мураббийдир.

Таснифлаш таълимнинг назарий асосларини кўришда ёрдам беради, педагогик фикрни чуқурлаштиради ва шунга кўра ижод учун асос бўлади. Ўқитиш методларини таснифлаш ўқитувчилар фаолияти ўртасида тақсимланади. Биринчи гуруҳга ўқитиш усуллари ва иккинчи гуруҳга эса ўқиш усуллари киради. Куйида ўқитиш методларининг таниқли олимлар тавсия этган таснифларни кўриб чиқамиз.

Хоразмий, Беруний, Юсуф Хос Хожиб, Ибн Сино, Бурхониддин Заркужийларнинг методлари таснифларида асосан мантиқий билиш фаолиятини кучайтириш назарда тутилган бўлиб, улар кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда мус-

таҳкамлаш, кўрсатмалилик — тажриба, амалий, назария билан амалиётни ўзаро боғлаш, изланиш методларидан иборатдир.

И. Я. Лернер ва М. Н. Скаткин ўқитиш методларини қуйидагиларга ажратадилар:

- тушунтириш — расмлар методи;
- репродуктив метод;
- муаммоли баён қилиш методи;
- қисман изланиш методи;
- тадқиқот методи.

М. А. Данилов ва Б. П. Есиповнинг таснифи маълум турдаги дарсларда қўйиладиган вазифаларга боғлиқдир.

1. Билимларни баён қилишда: ҳикоя — тушунтириш, маъруза, суҳбатлар, кўрсатмали қўлланмаларни намоёиш этиш.

2. Ўқувчиларда кўникма ва малакаларни шакллантириш: машқларни шакллантириш ва амалий ишлар.

3. Билим, кўникма ва малакаларни текшириш — жорий кузатишлар, оғзаки сўраш, ёзма ва амалий назорат ишлари.

С. И. Перовский ва Е. Я. Голянд таснифи: фаол ва пассив методларга бўлиш:

— агар ўқувчилар мустақил ишласа, фаол методлар (лаборатория методи, китоб билан ишлаш);

— агар ўқувчилар фақат тингласа ва эшитса, пассив методлар (ҳикоя, маъруза, тушунтириш, намоёиш қилиш методи, экскурсия). Бундай таснифлаш маъқул эмас, чунки у ўқувчиларнинг онглилиги ва фаоллиги принципини бузади.

Ю. К. Бабанскийнинг таснифи. Методларни учта катта гуруҳга бўлиш:

— ўқув-тарбия ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

— уларни рағбатлантириш ва мотивлаштириш;
— назорат ва ўзини ўзи назорат қилиш методлари (Иккинчи гуруҳда ишнинг қатор янги методлари ва усуллари мавжуд). Муаллиф қуйидагиларни тавсия этади:

— билишга доир ўйинлар, ўқув мунозаралари, қизиқ вазиятларни вужудга келтириш, рағбатлантириш, танбеҳ бериш ва назорат методлари.

Т. А. Илина олимларнинг таснифларини умумлаштириб, Ю. К. Бабанскийнинг таснифини маъқуллаган ва таснифлашнинг қуйидаги тартибини тавсия этган:

— янги билимларни (ўқитувчининг сўзларига таянган ҳолда бериш учун фойдаланилган тушунтириш, ҳикоя, мактаб маъруза методлари;

— янги билимлар ўзлаштирилиши, мустаҳкам малакалар шаклланиши учун фойдаланиладиган методлар: суҳбат, экскурсия, эксперимент ва лаборатория иши, дарслик ва китоб билан ишлаш, ўйинлар, машқлар;

— дарснинг ҳар бир босқичида фойдаланса бўладиган техник воситалар билан ишлаш методлари;

— мустақил иш.

С. П. Баранов ўз таснифини гуруҳлар бўйича тақсимлайди. Биринчи гуруҳга ўқитишнинг ўқитувчи энг асосий рол ўйнайдиган ҳикоя, суҳбат, таснифлаш, тушунтириш ва ҳоказоларни киритади. Бунда ўқувчининг асосий вазифаси ўқитувчи мулоҳазаларининг мантиқига эргашиш, баён қилинаётган мазмунни тушуниш, эслаб қолиш ва кейинчалик ўрганилган материални қайта гапириб бера олишдан иборат бўлади. Унинг фикри ўқитувчи мулоҳазаларининг тизимига қанчалик яқин бўлса, ўқув материални ўрганишнинг тавсия этилган йўли шунчалик ишончли бўлади. Ўқувчининг асосий вазифаси — ўқитувчининг гапларини тинглаш ва уларни тушуниб олишдир.

Иккинчи гуруҳга ўқишнинг йўллари: машқлар, мустақил, лаборатория, амалий ва контрол ишлар киради. Ўқувчи фаолиятининг характери тавсия этилган методнинг самарадорлигини белгилайди. Ўқитувчининг роли болаларнинг ўқишига моҳирона раҳбарлик қилишдан иборат бўлади.

Таснифлашнинг шундай турлари ҳам мавжудки, уларда ўқитиш методлари ўқишнинг тегишли методларига: ахборот — умумлаштириш ва ижрочилик тушунтириш ва репродуктив, инструкторив — амалий ва маҳсулли — амалий, тушунтириш — даъват ва қисман изланишли, ундовчи ва изланиш тарзига мос келади. (Л. Н. Махмутов).

Амалда ўқитиш методларини таснифлашга билимлар манбаи мантиқан асослар бўйича (Н. М. Верзилин) билимлар манбаи ва ўқувчиларнинг ўқув фаолиятидаги мустақиллик даражаси бўйича (А. Н. Алексюк), И. Д. Зверов ва бошқалар) баравар ёндошиш энг кўп учрайди.

С. Г. Шаповаленко методларнинг тўрт жиҳатини: мантиқий — мазмуний, процессуал ва ташкилий бошқарилиши жиҳатларини кўриб чиқади.

Методларни таснифлаш муаммосига турлича қарашлар улар ҳақидаги билимлар табақаланиши ва бирлашишининг табиий жараёнини акс эттиради (Светловская , Суворова, Львов, Мавлонова ва бошқалар).

2. ЎҚИТИШНИНГ ОҒЗАКИ МЕТОДЛАРИ

1. Янги билимларни бериш методлари. Биз ўқитиш методларини таснифлашда етакчи методлардан бирини ажратдик. У билимлар манбаи, яъни янги билимлар ҳамда таърифларни бериш; тушунтириш, ҳикоя, мактаб маърузаси методлари мажмуасидир.

Куйида ана шу методларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз.

Тушунтиришни айрим тушунчалар, воқеалар, ҳаракат принципларини оғзаки талқин этиш деб англаш лозим. Ўқитишнинг бу методида энг асосий нарса мушоҳадаларни илмий исботлаш мантиқи-дир. Илмий фикрлаш мантиқи тушунтиришга қўйиладиган асосий талабни белгилайди. Бу нимани билдиради (Аввало ўқитувчи янги материални ўтишда фойдаланиладиган ўқув предметининг илмий мазмунини чуқур билиши, дарс учун зарур материални танлай олиши ва тушунтиришнинг самарадорлигини белгилаши керак. Бундан ташқари, болалар мазкур материални ўрганишнинг мақсадини аниқ белгилаши, уларга қизиқарли бўладиган фактли материални танлаши лозим. Бунинг учун эса ўқитувчи ўқувчиларнинг психологик ва ёш хусусиятларини яхши билиши, тушунтиришда уларнинг диққатини тез жалб этиши ва билишга доир ишларини фаоллаштириш зарур. Ўқитувчининг нутқи ёрқин, айтган сўзлари болаларга тушунарли бўлиши керак. Ана шу фикрларимизнинг далили сифатида математи-ка дарсини олайлик.

Дарснинг мақсади: 1. Ўқувчиларни 6 ва 7 сонларини ҳосил қилиш билан таништириш, сонларни таққослашни, 1-7 ичида миқдорий ва тартиб сонлардан фойдаланишни машқ қилиш, 6 ва 7 рақамлари билан таништириш, 6 рақамнинг ёзилишини машқ қилиш.

2. Ўн ичида сонлар таркибига доир билимларни мустаҳкамлаш.

ЯНГИ МАТЕРИАЛ УСТИДА ИШЛАШ

1. Ўқитувчи янги материал устида ишлашни қуйидаги саволлар билан бошлаши мумкин: «Биз сиз-

лар билан қандай сонларни ўрганган эдик? (1—2—3—4—5). Шу сонларнинг қайсиниси энг катта сон? (5). Ҳисоблашда 5 дан кейин қандай сон келади? (6). 6 сони қандай ҳосил бўлади? 5 та доирача бор бўлса (полотнога қўйилган), улар олтига бўлиш учун нима қилиш кераклигини кўрсат». Чақирилган ўқувчи бунинг учун 5 та доирачага яна 1 та доирача қўшиш кераклигини кўрсатади. Ўқитувчи яна болалардан сўрайди: «Бола саноқ бўйича нечанчи доирачани қўшди? (Олтинчи). Доирачаларнинг ҳаммаси нечта бўлди? (6 та). Олти сони қандай ёзилишини биладиганлар борми? Чақирилган ўқувчи ёки (хоҳловчилар топилмаса) ўқитувчининг ўзи 6 рақамини кўрсатади ва полотнога қўяди. Шундан кейин ўқитувчи болаларга 6 сонини ҳосил қилиш (5 та бир хил доирачага яна 1 та бошқача рангли доирачани қўшиш) амалини нарсалар билан бажаришни, сўнгра 6 сони қандай ҳосил қилинганини кесма рақамлар билан ёзишни буюради. 7 сонини ҳосил қилиш ҳам худди шу йўсинда бажарилади: 6 та бир хил рангли учбурчакка яна 1 та бошқача рангли учбурчак қўшилади ва кесма рақамлар билан $(6+1=7)$ ёзилади.

2. Шундан сўнг 5 ва 6 (6 ва 7) сонларини таққослаш ишлари бажарилади. Бунинг учун тўпلام полотносида 5, 6 ва 7 та нарсдан иборат сонлар поғоначаси намойиш этилади. Бунда 6 нинг 5 дан 1 та кўплиги аниқланади. Болалар тегишли ёзувларни кесма рақамлар билан бажарадилар. Кейин дарсликдаги расмлар бўйича ишлашга ўтиш мумкин.

Парашютчилар тасвирланган расмга саволлар: «Олдин нечта парашютчи сакради? (5). Яна нечта парашютчи сакради? (1). Олтинчи парашютчи сакраганидан кейин ҳамма парашютчилар нечта бўлади? (6). 6 қандай ҳосил қилинди? (5 га 1 қўшилди).

Олтинчи парашютчи сакраганидан кейин парашютчилар кўпайдими ёки камайдими? (Кўпайди: $6 > 5$ бўлди)». Кейинги расмга саволлар: «Аввал нечта самолёт кўтарилди? (6). Кейин нечтаси кўтарилди? (1). Ҳамма самолётлар нечта бўлди? (7). 7 қандай ҳосил қилинди? (6 га 1 қўшилди). 6 та кўпми ёки 7 та кўпми? ($7 > 6$). Учбурчакли ёки тўртбурчакли расмлар билан ҳам ана шу йўсинда ишланади (Бирликларни айириш билан 5 ва 6 соңлари ҳосил қилинди).

Саҳифанинг юқорисига ёзилган қатор сонлардан тартиб муносабатларини аниқлашда фойдаланиш мумкин. Ўқитувчи: «Сизлар, масалан, кино-театр залининг бир қаторидаги ўриндиқлар: кўз олдингизга келтиринг», — дейди ва бир ўқувчидан: «Сенинг ўрнинг олтинчи, икки ёнингдаги қўшниларинг нечанчи ўринларда ўтирган бўлади?» — деб сўрайди. Бошқа ўқувчига мурожаат қилиб: «Сенинг ўрнинг еттинчи ва сен унга 1 номери кресло томондан борасан, бунда нечанчи номерли креслолар олдидан ўтишинг керак?» — дейди. Кейин ўқувчиларга шундай савол ташлайди: «Бола қаторнинг қоқ ўртасида (тўртинчи ўринда) ўтирибди, унинг чап томонидаги (5, 6, 7) креслолар ва ўнг томонидаги (3, 2, 1) креслоларнинг номерларини айтинг». Ўқитувчи намунани кўрсатгач, болалар 6 рақамини ёзадилар, 6 сони ҳосил бўлишини кўрсатадиган нуқталарни қўядилар (бу ишни дарсликда берилган намунага қараб бажарадилар) 2—3 та тенгсизликни ёзадилар.

ЎТИЛГАН МАТЕРИАЛ УСТИДА ИШЛАШ ВА ЯНГИ МАТЕРИАЛНИ ЎРГАНИШГА ТАЙЁРЛАНИШ

1. Навбатдаги дарсга тайёргарлик сифатида болаларга $4+1=5$, $5-1=4$, $2-1=1$, $4-1=3$ каби ми-

солларни бериш фойдалидир. Болалар танлаш методидан фойдаланиб ёки 2,3,4,5 сонларининг таркибини билиш асосида тушириб қолдирилган сонларни қўядилар. Шундай саволлар ўртага ташланади: «5 ҳосил бўлиши учун 4 га қанча қўшиш керак? 5 дан нечта олиб ташланса 4 қолади?».

1-10 сонларнинг 2-қисмига доир дарс. Дарснинг мақсади. Ўтилганларни мустақкамлаш. Ўқитувчи дарсни ишнинг муайян шароитларини ҳисобга олиб ташкил этиши мумкин. Намойиш қилинадиган ва индивидуал материал билан ўтказиладиган амалий машғулотда қатордаги сонларнинг қандай ҳосил бўлишини, уларнинг ўсиш ва камайишдаги тартибини такрорлаш фойдалидир. Ана шу мақсадда болалар сонлар қаторидаги бўш ўринларни тўлдирадилар, ўсиш ва камайиш тартибида берилган сонлардан фойдаланадилар, сонларни берилган ҳар қандай сондан бошлаб, тартиби бўйича, масалан, 2 дан 7 гача, 8 дан 3 гача айтадилар. (Санашни давом эттириш ўйини).

Мустақил ечиш учун ҳам мисоллар берилиши (уларни ечишда кўрсатмали сифатида «Сонлар поғонаси»дан фойдаланилиши) мумкин. Мисолларнинг бир қисмини мустақкамлаш дарсида тузса ҳам бўлади. Мисоллар қандай ечилганини текшириш учун ҳар бир устундаги мисолларни таққослаш ва болаларни: агар 1 ни айирсак, 1 та камаяди, деган ёки 1 ни қўшсак, 1 та кўпаяди, деган хулосага олиб бориш фойдалидир.

Ҳикоя — хабар шаклидаги янги материални ёритиш методидир. Ундан ҳамма синфларда фойдаланилади. Ўқувчилар айтиладиган маълумотларни билмайдиган ёки кам билладиган қуйи синфларда бу методни қўллаш жуда қулайдир. Лекин янги ма-

териални ҳикоя методидан фойдаланиб тушунтириш учун ўқитувчи пухта тайёргарлик кўриши, ва:

— ҳикоянинг ғоявий йўналишини таъминлаши;

— унда етарли миқдордаги ёрқин ва ишонарли мисоллар ҳамда далиллар, тўғри текширилган маълумотлар бўлиши;

— асосий фикр ва муҳим жиҳатлар баён қилиниши;

— ҳикоя тушунарли, содда тилда айтилиши;

— материал жўшқин ифодаланиши керак.

Мактаб маърузаларидан асосан юқори синфларда фойдаланилади. Чунки улар ҳикояга нисбатан узоқроқ давом этади. Мазкур маърузалар фақат ўқув дастурининг йирик ва муҳим масалалари бўйича ўқилади.

Янги билимларни ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш учун фойдаланиладиган методлар. Ўқитиш методларининг биринчи гуруҳидан фарқли ўлароқ уларнинг иккинчи гуруҳида ўқувчилар янги материални билишда фаолроқ қатнашадилар. Улар ўқитувчининг саволларига жавоб қайтарадилар (суҳбат); кузатишлар ўтказадилар (экскурсия); таълим воситалари орқали мустақил билим оладилар (китоб, дарслик билан ишлаш); олган билимларини турли воситалар билан мустаҳкамлайдилар (ўйинлар, машқлар).

Суҳбат таълимнинг кенг тарқалган усули бўлиб, дарснинг исталган босқичида қўлланиши мумкин. Суҳбатнинг тўрт хил тури мавжуд бўлиб, улар: янги билимлар беришда, билимларни мустаҳкамлашда, олинган билимларни текширишда, ўтилган материални такрорлашда қўлланиладиган суҳбатлардир. Янги материални тушунтиришдаги суҳбат асосан ўқувчининг шахсий тажрибасига таянади. Унинг

манбаи кўрсатмали қўлланмалар, дарслик материаллари, жадвал ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Янги билимлар беришга доир суҳбатни индуктив йўл билан (яъни, хусусий маълум ёки зарур воқеалардан умумий воқеаларга қараб бориш тарзида) ёки дедуктив йўл билан (яъни, умумий ҳодисадан хусусий ҳолларга қараб бориш тарзида) ўтказиш мумкин. Билимлар беришнинг индуктив ва дедуктив йўллари ўзаро боғлиқдир. Масалан, ўқитувчи қатор мисолларни айтиши ва кейин хулоса чиқариши ёки умумлаштириши мумкин (индукция).

Янги билимлар беришда эвристик суҳбатдан фойдаланилади. Бу метод ўқитувчи ўқувчилар олдида маълум бир вазифа қўйиб, уларни оғзаки саволлар орқали ана шу вазифани ҳал қилишга олиб боришда қўлланади. Суҳбатнинг муваффақиятли ўтиши саволларнинг моҳирлик билан қўйилишига боғлиқдир. Ўқитувчининг саволлари аввало қисқа ва аниқ бўлиши, мантиқий изчилликда берилиши, ўқувчининг фикрини уйғотиши: уни ўйлашга, таҳлил қилишга, таққослашга мажбур этиши, янги ҳодисаларни тушунишга ундаши керак. Ўқувчилар саволларга тўла, онгли равишда ва асосли жавоб беришлари, мустақил фикрларини акс эттиришлари лозим. Суҳбатни билимларни мустаҳкамлаш учун ҳам ўтказиш мумкин. У ўқитувчининг ахборотидан кейин ёки дарсликдаги материални мустақил ишлаб чиқилгандан кейин ўтказилади. Суҳбат мустаҳкамловчи метод сифатида билимларни текшириш ва баҳолашда ҳам ўтказилиши мумкин. Мунозара ва мубоҳаса методларига киради. Битта дарсни мисол қилиб келтирамиз:

«Жонажон ўлкамизнинг ҳайвонот дунёси». 1. Ўқитувчи дарснинг бошида илгари бажарилган ишларни умумлаштиради ва шундай дейди: «Энди сизлар нутқимиз гаплардан тузилишини, гаплар эса сўзларга бўлинишини биласиз: схемалар ёрдамида ёза olasиз, сўзларни қисмларга, бўғинларга ажратиш мумкинлигини билиб олдингиз ва сўзда нечта бўғин борлигини аниқлашни ўргандингиз.

2. Уй вазифаларини текшириш. Болаларнинг ёзда ўрмонга қилган сайрлари ҳақидаги ҳикоялари тингланди. Улар ҳикояда учраган икки бўғинли сўзларни ажратадилар. Қийналиб қолсалар, ўқитувчининг ўзи бўғинли таҳлил қилинадиган сўзларни кўрсатади. Кейин уч ва бир бўғинли сўзлар ажратилади. Сўзларни олдин бутунлигича, сўнгра бўғинлаб талаффуз қилинади. Доскага тегишли схемалар чизилади.

3. Мазкур жойда яшайдиган ҳайвонлар ва қушлар ҳақида суҳбат ўтказилади. Болаларнинг ҳайвонлар уларнинг хатти-ҳаракати, яшаш тарзи тўғрисидаги билимлари аниқланади. Ўқитувчи тулки ҳақидаги топишмоқни айтади, болалар уни топадилар ва қандай қилиб топганликларини тушунтирадилар. Кейин ўзлари мустақил ҳолда бошқа ҳайвонлар (қуён, бўри, ва ҳоказолар) ҳақидаги топишмоқларни айтадилар. Ўқитувчи ҳайвонлар тўғрисидаги суҳбат давомида табиатни кузатишда ҳайвонларга эътибор бериш ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш кераклигини уқтиради.

4. Турли нарсаларнинг расмлари кўриб чиқилади, чойнак, пиёз, бургут, девор каби сўзларнинг бўғинлари аниқланади. Сўзларни бир неча марта

бутунлигича ва бўғинлаб, кейин, аксинча, бўғинлаб ва бутунлигича талаффуз қилинади.

5. Урғу устида ишлаш бошланади. Ўқитувчи болаларга қуйидагиларни айтади: «Сизлар расмларнинг остидаги сўзлар схемаларида бўғинлар чегарасини билдирадиган кўндаланг чизиқчалардан ташқари сўзлар устида қия чизиқчалар ҳам борлигига эътибор бергандирсиз. Ҳозир ана шу чизиқчалар нималигини билиб оласиз.

Чап томоннинг юқорисидаги расмга яна бир марта қаранг. Унда нима тасвирланган? (Булбул). Шу сўзни хор бўлиб айтинг. Энди уни бўғинлаб талаффуз қилинг.

Унда нечта бўғин бор экан? (Иккита). Энди ҳар бирингиз сўзни қаттиқ айтинг ва унинг ҳар бир қисми, ҳар бир бўғини бир хил овозда талаффуз қилиниши ёки қилинмаслигига эътибор беринг. (Бўғинларнинг бири кучлироқ овоз билан талаффуз қилинади). Бу қайси бўғин? (Биринчи — бул). Ана шу бўғин сўзда кучлироқ овозда айтилиши билан ажралади, у урғу билан талаффуз қилинади. Мана шу сўзнинг схемасига яна бир марта қаранг. У нечта қисмга бўлинган? (Икки қисмга). Улардан қайси бирининг тепасига қия чизиқ қўйилган? (Биринчисининг тепасига). Бу сўзнинг қисмларидан қайсиниси кучлироқ овоз билан талаффуз қилинади? (Биринчиси). Демак, унга урғу тушади, тепадаги чизиқча эса ана шу бўғин урғу остида эканини билдиради. Бошқа сўзлар устида ҳам шу йўсинда ишланади.

Ўқитувчи қуйидагича хулоса чиқаради: «Одатда ҳар бир сўзда қанча бўғин бор бўлса ҳам, унда фақат битта урғу бўлади. Сўзлардаги урғуни тўғри ва тез аниқлаш жуда муҳимдир. Агар урғу нотўғри

қўйилса, сўзни билиш ва уни нимани англатишини тушуниш қийин бўлади».

6. Дарс охирида ўйин ўтказилади: «Билмасвой иккита қандай схемани кўрсатапти? Ана шу икки схема нимаси билан фарқланади? Ким билади? 1-схема қайси сўзга мос келади? Билмасвойга сўзларга тўғри урғу беришда кўмаклашинг.

7. Уйга вазифа, Билмасвой кўраётган ҳар қайси схемага икки-учтадан, масалан, ойна, парта, сумка сингари сўзларни танлаш.

Таълимий суҳбат. Экскурсия, амалий иш ва янги материални тушунтиргандан кейин уларни мустаҳкамлашда, такрорлашда, шунингдек, экскурсия ва янги материални тушунтириш давомида ўқитувчи синф билан суҳбатлашади. Суҳбатни ўқувчилар шахсий тажрибалари ва кузатишлари, мавжуд билимлари асосида ўқитувчининг саволини тушунадиган ва унга жавоб қайтара оладиган бўлганларидан кейин ўтказиш мумкин. Агар ана шундай шароит (билимлар, тажриба ва кузатишлар) бўлмаса, ўқувчилар ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаган нарсалар, ҳодисалар тўғрисидаги суҳбатни ўтказишнинг мутлақо фойдаси йўқ.

Ҳар қандай суҳбатларнинг асосини дидактик масала ташкил этади. Ана шу масала суҳбатнинг вазифасини ва характерини, ҳатто унинг турини ҳам белгилайди. Шунга кўра таълимий ва эвристик — таълимий суҳбатлар бўлади.

Таълимий суҳбат ўрганиладиган материални янада мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш ва такрорлаш мақсадларига хизмат қилади. Янги мавзу тушунтирилгач, гарчи ҳар бир бола фаол қатнашмаса ҳам, уларнинг хотираси ва тафаккурини ривожлантириш учун суҳбат ўтказиш зарур. Унда тўғри фикр юри-

тиш учун мисолларнинг намуналари бўлади. Бундан ташқари адабиёт, жамиятшунослик ва бошқа фанларга доир дарсликлардаги суҳбатларда ўқувчиларнинг ўқитувчи айтган ғояларига тўғри келмайдиган хусусий фикрлари ёки тушунчалари ҳам маъқулланади, ўқитувчи ўқувчиларнинг жавобларини эътироф этишга ёки рад қилишга шошилмайди. Аксинча, синфда улар ўз фикрларини ёки мустақил мулоҳазаларини эркин айтишлари учун шароит яратишга ҳаракат қилади.

Жавобларни баҳолашда эса уларнинг шунчаки тўғри ёки нотўғрилигини қайд қилиш билан чекланмайди, балки ўқувчиларнинг жавобларидан озгина бўлсада, тўғри фикрларини излайди. Улардан заррача ҳақиқатни топса, уни ўзи қисқа ва яққол қилиб такрорлайди, ўқувчининг мустақил фикр юритганини таъкидлайди ва уни шундай қилишга даъват этади. Муваффақиятли фикрлар, ҳатто айрим ифодалар мазкур мавзуда нима ҳақида гап бо-раётганини тушунишга йўл очса, таълимий суҳбатнинг эвристик — таълимий суҳбатга айланиши учун хизмат қилади. Нотўғри жавоблар, агар жиддий бўлмаса, ўқитувчи томонидан қайд қилинмайди ёки йўл-йўлакай тузатиб кетилади. Нотўғри жавоблар эса ўқувчилар томонидан ойдинлик киритилгунига қадар муҳокама қилинади. Тўлиқ қайтарилмаган жавобларни ўқувчиларнинг ўзлари тўлдирадилар.

Ҳозирча мактабларимизда ўқувчиларнинг билиш эҳтиёжларига тааллуқли долзарб масалалар бўйича суҳбатлардан кўп фойдаланилмаётир. Фан, техника, санъат ва ишлаб чиқаришнинг долзарб масалалари ёки айрим муаммолари ўқувчиларни ҳаяжонлантириши мумкин. Ихтисосликка доир ўқув предмети бўйича дарсларда хусусан ҳозирги пайт-

да ўқувчиларни қизиқтирадиган масалалар муҳокама қилинади. Баъзан эса бундай масалалар ўқув дастурининг чегарасидан анча чиқиб кетади. Шундай суҳбатда ўқитувчи ўқувчилар муҳокама қилинаётган масала бўйича унинг фикрига эҳтиёжманд бўлишларига кўра қатнашади. Мазкур суҳбат ўқувчиларнинг шахсий эҳтиёжи ва қизиқишларини, шунингдек уларни қизиқтирадиган муаммони аниқлаш имконини беради. Унда ўқувчилар ўзаро эркин фикр алмашадилар.

Мунозара. Таълимий суҳбат билимларни ўзлаштиришга замин тайёрлаб, эвристик-таълимий суҳбат ана шу билимларни ҳар томонлама қўллашга ёрдам берса, эркин суҳбат билишдаги мустақилликни оширади. Шу билан бирга билишдаги мустақилликни ривожлантиришга қаратилган таълим ўқув машғулотларининг ҳар қандай турлари, шакллари ва усуллари ўртасидаги бевосита изчилликни вужудга келтиради.

Мунозара — суҳбатнинг янада ривожланишидир. У иккита қарама-қарши нуқтаи назарнинг тўғрилигини исботлаш зарурати туғилганида вужудга келади.

Мунозара давомида ўқувчиларнинг фикрлашидаги хусусий чекланиш барҳам топади, билишга қизиқиш ортади ва мустақил мулоҳаза юритиш ривожланади.

ЎҚИТИШНИНГ ИНДУКТИВ ВА ДЕДУКТИВ МЕТОДЛАРИ

Ўқитишнинг индуктив ва дедуктив методлари — ўқув материали мазмунининг характери ва мантиқини ёритиш усулидир.

Ўқитишнинг индуктив методи — ўқитувчи ва ўқувчининг турли вариантлардаги фаолиятдир. Бун-

да ўқитувчи аввал фактларни тушунтиради, тажрибаларни, кўрсатмали қўлланмаларни намоёни қилади, умумлаштириш ва тушунчаларни таърифлаш бўйича машқлар бажаришни ташкил этади. Ўқувчилар олдин хусусий фактларни ўзлаштирадilar, кейин хулосалар чиқарадилар ва ўқув материаллини умумлаштирадilar. Ёки, ўқувчилар олдига хусусий қоидалардан умумий хулосаларгача мустақил мушоҳада юритишни талаб қиладиган муаммоли топшириқлар қўйилади. Ўқувчилар эса фактлар устида мустақил ҳолда фикрлайдилар ва тегишлича хулосалар чиқарадилар ҳамда умумлаштириш қиладилар.

Дедуктив метод—ўқитувчининг аввал умумий қоидаларни, таърифларни айтиши, кейин аста-секин хусусий ҳолларни, муайян вазифаларни келтириб чиқариш усулидир. Бунда ўқувчилар умумий қоидаларни идрок этадилар, формулаларни ўзлаштирадilar, кейин эса улардан келиб чиқадиган натижаларни эгаллайдилар.

Агар мана шу методлар таққосланса, ўқувчилар маълум мушоҳадаларни келтириб чиқарадиган фактлар ва материаллини ўзлаштиришларига кўра индуктив метод фойдалироқдир. Масалан, ўқитувчи математик масаланинг ечимини ёритади, кейин ўқувчиларга ана шу хилдаги масалани мустақил ҳолда ечишни тавсия қилади, лекин бунда фикрлаш тез ривожланмайди ва материаллини ўрганишга кўп вақт кетади. Дедуктив метод ўқув материаллини тезроқ ўтишга ёрдам беради ва бунда мавҳум фикрлаш фаолроқ ривожланади. Ўқитишнинг индуктив ва дедуктив методларида унинг оғзаки, кўрсатмали ва амалий методлари, шунингдек, репродуктив ёки муаммоли изланиш методи ҳам қўлланилади.

Таълимнинг репродуктив характери, асосан, ўқувчиларнинг ижодий фаолиятидир. Фикрлашнинг характери — ўқитувчи берган ўқув ахборотини фаолроқ идрок этиш ва эслаб қолиш ўқитишнинг оғзаки, кўрсатмали ва амалий методларидан ҳамда усулларидан фойдаланмай мазкур методларни қўллаб бўлмайди. Репродуктив методда ўқитувчи фактларни, исботларни, тушунчалар таърифини тўла баён қилади, асосий масалага алоҳида эътибор беради.

Ўқитишнинг репродуктив методида кўрсатмалилик ҳам қўлланилади. Репродуктив йўсиндаги амалий ишлар ўқувчиларнинг намуна бўйича илгари ёки эндигина ўзлаштирилган билимларни қўллаши билан фарқланади. Аммо бундай ишларда билимларни мустақил ҳолда бойитиш амалга ошмайди. Ўқитишнинг муаммоли — изланиш методи муаммоли таълимда қўлланади.

РЕПРОДУКТИВ ТАЪЛИМДАН АМАЛИЙ ТАЪЛИМГА ЎТИШ

Биз мактабда инсонга ҳаётий масалаларни мустақил ҳолда ҳал қилишни ўргатамиз. Бунинг учун фақат билимлар эмас, балки уларни ишлатиш ва турли шароитларда қўллаш кўникмаси ҳам керак. Ана шу нуқтаи назардан ҳозирги мактабда устунлик қиладиган ўқитишнинг репродуктив усули мақсадга мувофиқ эмас.

Масалан, ҳозир театрлаштириш кенг тарқалган. Бунда жиддий спектаклларни қўйиш ҳақида гап бораётгани йўқ. Дарсда кичик сахнани ўйнаш: болаларга тасодифан қадимги одам учраб қолса, у билан нималарни гаплашишларини ўйлаб кўришни таклиф қилиш мумкин. Шу пайт бирдан шкафнинг эшиги очилиб, ундан «қадимги одам» чиқади.

У терига ўралган ва қўлига сўйил ушлаб олган. Тери бўлмаса ағдарма ним пўстин кийган. Сўйилнинг оғирлигини чамалаб ва терини сийпалаб кўриб, «қадимги одамдан» унинг қабиладошлари ва юз минг йил аввал қандай яшаганини сўраш ўқувчилар учун қизиқарлидир. Ундан гугуртсиз олов ёқишни ҳам ўрганиш мумкиндир.

Билишга доир юришлар ва экскурсиялар ҳали барчага маълум. Лекин бунда болаларнинг ўзлари муаммоларни қўйишлари, гипотезаларни баён қилишлари ва уларга жавоб топишлари муҳимдир. Бу борада даладаги ўсимликларнинг нима учун ҳар хил ўсиши, гунафшанинг чиройлилиги ва ҳоказолар ҳақида фикр юритиш фоят фойдалидир. Синфда ўқув жараёнини болаларни қизиқтирадиган саволларга жавоб топиш йўсинида ташкил қилиш мумкин.

Ҳеч қачон унутмаслик керакки, педагогик жараённинг иккита қатнашчисиди — ўқитувчи ва ўқувчида икки хил мақсад бўлиши мумкин. Масалан, ўқитувчи ўқувчини табиат ҳодисалари билан таништиришни истаса, ўқувчи ўйин учун вақт топиш ҳақида ўйлайди. Буни битта йўлдан икки хил мақсадга қараб бориш деса бўлади.

Фаолиятга интилишнинг энг яхши омилларидан бири ҳайратланишдир. Ўқитувчилардан ўқувчи дарсдан нима олиб кетиши кераклигини сўралса, улар уйга вазифа, янги билимлар, баҳолар, деб жавоб берадилар. Аслида ўқувчи уйига завқ-шавқ ва қониқиш билан, яна дарсга келиш иштиёқи билан қайтиши керак. Ўқитувчининг дарсда ниманидир амалга оширишда улгурмагани ҳеч гап эмас. Унинг болаларда уйғотган қизиқиши кейинги сафар камчиликини тўлдиришда унга ёрдам беради.

Дарс охирида ўқитувчи болаларни ҳайратлантирадиган саволни очиқ қолдирса, болалар саргузаштларнинг давомини кутгандек у билан яна учрашишга интиладилар.

Афсуски, дарслиklarимиздаги матнларда ақлга номувофиқ фикрлар учрамайди, барча зиддиятлар бартараф этилган ва шунга кўра дарслиklar зерикарли. Одатда дастлабки манбаларда ақлга номувофиқ фикрлар, зиддиятлар, тўқнашувлар жуда кўп бўлади. Дастлабки манбалардан фойдаланиш яхши, лекин уларни ўқиш қийин. Шунинг учун, бир томондан, болалар тушунадиган тилда ёзилган, иккинчи томондан, ўзаро зид фикрлар уйғотадиган мазмундаги ўқув матнлари зарур.

Бизнинг жуда бўш ўқув материалларимизни ҳаёлий қўшимчалар билан жонлантириш мумкин ва бу иш мураккаб эмас. Масалан, ўқитувчи дарсни қуйидагича бошлайди: «Ўзимизни космик кемада узоқ галактикадаги номаълум планетага учиб келгандек ҳис қиламиз. Ундаги ҳамма шароит худди ердагидек, лекин фақат тортиш кучи кам. Унда қандай ҳайвонлар яшаши мумкин?» Бу ҳолда болаларнинг мақсади мазкур планетада ҳайвонот дунёсини кўпайтиришдан иборат бўлади. Ўқитувчи эса уларга Ердаги ҳайвонот дунёсини ўргатишни кўзлайди. Ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам ўз мақсадларига эришадилар, бинобарин таққослаш билишнинг яхши йўлидир.

Мактабларимиздаги ўқув предметларимизнинг мазмунида асосий эътибор дефиницияларга, яъни тушунчаларни таърифлашга қаратилган. Лекин ана шу тушунчаларга турли нуқтаи назардан қараш гоят фойдалидир. Ҳар қандай объект ўзи ҳақидаги тушунчанинг таърифидан анча бойдир. Боланинг

миясига тушунчалар таърифини қанчалик кўп тиқиштирсак, ана шу бойликнинг имкониятлари шунчалик йўқолиб боради.

Ўқитувчининг материални такрорлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган вазифалари ҳам ўқувчиларнинг фаолиятини кучайтириши лозим. Уйга бериладиган вазифанинг ўқиш ва сўзлашдангина иборат бўлиши маъқул эмас. Ундан кўра болаларнинг ўқитувчига саволлар бергани яхшироқдир. Аммо ўтилган мавзу бўйича берилган саволлар ўқувчиларни янги билимларни ўзлаштиришга тайёрлаши керак. Сув солинган идиш иситилса, итарилиш кучи қандай ўзгаради. Ўқитувчи дарсда исботлаган қоидаларни амалда синаб кўришни болаларга тавсия этиш мумкин. Чунки баҳслашиш учун билим керак.

Ҳозир мактабларда ўқувчиларга ўзлари ўрганадиган предметларни ёки мавзуларни танлаш ҳуқуқини бериш мумкинлиги хусусида гаплар бўлаётир. Боладан кўчага чиқишдан олдин этигини кийиш ёки киймаслигини сўраш керак эмас. Чунки у «киймайман» дейиши мумкин ва сўраган киши мулзам бўлиб қолади. Ундан этикни аввал чап ёки ўнг оёққа кийишини сўраш бошқа гап. У ўзининг танлаш ҳуқуқидан қониқиш билан фойдаланади.

ЎҚИТИШНИНГ АМАЛИЙ МЕТОДЛАРИ

I. *Таълимий топшириқлар.* Мактаблардаги таълимнинг ҳамма босқичларида ўқувчиларнинг ижодий имкониятларини ривожлантириш жуда муҳимдир. Лекин кичик ёшлигидан бошлаб уларнинг ижодий фикрлашини шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бошланғич синфларда, хусусан таълимнинг биринчи йили болаларда ўқиш қобилиятлари шакллана бошлайди.

Ўқувчининг ижодий фикрлаши янгилик кашф этишида, кўрилаётган нарсани яратишнинг бош-қача усулини топишда, ўқув материалдан ўзгача боғланишларни очиб бериши ва ҳоказоларда акс этади. Ўқувчиларнинг намунага таянмай қандайдир янги нарсани яратиш қобилияти ижодкорликни талаб қиладиган фаолиятда ривожланади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ижодий фикрлашни ривожлантиришда таълимий топшириқлар муҳим рол ўйнайди. Бундай топшириқлар фикрлаш фаолиятининг мақсади сифатида хизмат қилади ва унинг характерини белгилайди.

Топшириқларнинг ҳар хил турлари кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг фикрлашининг ривожланишига турлича таъсир кўрсатади. Ўқув фаолиятида репродуктив топшириқларнинг кўп қўлланиши болада илгари ўзлаштирган билимларини ва иш усулларини қайта тиклашга интилишни. Намунага қараб ишлаш одатини вужудга келтиради ва бу одат фикрлаш жараёнининг репродуктив асосига айланади. Лекин ижодий фикрлаш ишнинг андазасиз усулларини амалга оширишни, янги мақсадлар қўя олишни, назорат қила билиш ва баҳолашни, режалаштиришни, таҳлил, таққослаш ва умумлаштиришнинг ўзига хос усулларини, баҳолаш мезонларини шакллантиришни талаб қилади. Ўқувчиларда мазкур фикрлаш жараёнларини таркиб топтириш учун дарсда продуктив топшириқларни қўллаш, уларнинг бевосита ижодий фикрлаши мақсадлар қўйишга, режалаштиришга, умумлаштиришга, шунингдек назорат қилишга ва баҳолаш каби жараёнларни ривожлантиришга қаратилиши керак.

Мақсадлар қўйиш жараёни матн, расм мазмунига саволлар тузиш, жавоб қайтараётган ўқувчига қўшимча савол бериш, масаланинг шартларига

турли саволлар қўйиш ва ҳоказоларда амалга ошадди.

Бошланғич синф ўқувчиларида ишни режалаштириш кўникмасини ривожлантириш учун улар билан ўзларининг келгусидаги дарсларда ҳар қандай топшириқларни бажаришдаги характерларини қандай тасаввур этишларини доимий равишда муҳокама қилиб бориш зарур. Шунингдек, дарсларда ҳикоянинг режасини тузиш, баён ёзиш, масалалар ечиш каби топшириқлардан кенг фойдаланиш керак.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ижодий фикрлашни шакллантириш зарурлиги ўқитувчининг олдига ўқув жараёнида ўқувчиларда таҳлил қилиш, таққослаш ва умумлаштириш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган топшириқлардан ҳам кенг фойдаланиш вазифасини қўяди. Ана шу жиҳатдан математика дарсларида, хусусан масалалар ечишда катта имкониятлар мавжуд бўлади.

Фикрлаш фаолиятининг назорат — баҳолаш механизминини шакллантириш ҳар бир дарсда ўқувчиларни фақат фаолиятнинг натижасини эмас, балки ана шу фаолият жараёнида тегишлича баҳолашни ҳам амалга оширишга ундайдиган топшириқлардан фойдаланишни талаб қилади.

Дарс структурасига продуктив топшириқларни киритиш кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда янги мақсадлар қўйиш, режалаштириш, андазасиз таҳлил қилиш, таққослаш, назорат қилиш ва баҳолаш каби фикрлаш жараёнларини шакллантиришнинг асосий шартларидан биридирки, бу жараёнлар ижодий фикрлашнинг ривожланишида катта рол ўйнайди.

НАЗАРИЙ БИЛИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН МАШҚЛАР

Мактаб амалиётида машқлар ўтказиш учун ўқувчиларнинг назарий билимларига мурожаат қилишнинг баъзи йўллари белгиланган. Бу ишнинг энг кенг тарқалган, лекин энг кам самарали усули дарс режасида кўзда тутилган машқларни бажаришда таяниладиган маълум тушунчалар ва қоидаларни оғзаки қайта тиклашдир.

Машқларни бажаришдан олдин назарий материални такрорлашнинг самаралироқ усули мазкур материални қўллаш бўйича амалий топшириқларни қўйишдир. Бундай топшириқларга танланма диктант ўтказишда маълум сўзлар ёзишни, нутқнинг маълум бўлақларини қисқа вақт ичида таҳлил қилишни, нутқнинг аҳамиятли қисмларини ажратишни, дидактик тарқатма материал билан ишлашда маълум орфограммаларни қайд қилишни, масалалар ечишда асос бўладиган математик ифодалар билан ишлаш ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Машқлар ўтказишда назарий материалга мурожаат қилишнинг навбатдаги усули ўқувчининг кейинги амалий ишни бажаришдан олдин унинг йўллари асослашдир.

Амалий ишларни бажариш вақтида назарий асослаш педагогик жиҳатдан ўзини оқлаган. Бу усулни икки вариантда бажариш мумкин. Булар навбатдаги ишни кенг тушунтириш ва шарҳлашдан иборатдир.

Ўқувчилар билан уларнинг тайёргарлигидаги айрим камчиликларини тўлдириш бўйича ишлашда навбатдаги ишларни кенг тушунтириш ўзини анча оқлаган. Бунда аввал ўқувчидан кенг мушоҳа-

да юритишни талаб қилиш лозим ва талабни бажариш эса ҳисоблаш усулини чуқурроқ англашни таъминлайди.

Мушоҳада жараёни аста-секин кенгая боради ва ҳаракатлар маълум тартибда кетма-кет амалга ошади. Ҳисоблаш усулини асословчи қоиданинг йўналтирувчи роли йўқолади ва у фақат қийинчилик турғилганида эсланади.

МАШҚ ЎҚУВЧИЛАРДА МАЛАКАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ТУРИ

Ўқувчилар малакаларининг савияси ана шу ишнинг қандай ташкил этилишига боғлиқ. Машқларни таснифлашнинг бир неча тизимлари мавжуд бўлиб, унинг ҳамма турларини малакалар ҳосил бўлиши жараёнидаги ўрнига қараб уч гуруҳга: *тайёргарлик*, *ўқув* ва *ўрганиш* машқларига бўлиш мумкин.

Тайёргарлик машқларининг вазифаси дастурдаги янги материални онгли равишда ўзлаштириш учун зарур билимлар ва амалий иш усуллари эсга туширишдан иборатдир. Масалан, III синфда «феълларни» ўрганиш тажрибаси бўйича олдин феълларни эшитиб идрок этиш, феълнинг замон шакллари аниқлаш машқлари ўтказилади. Болалар сўзлар орасидаги феълларни ажрата оладиган бўлганларидан кейин ана шу сўз туркумини онгли равишда қўллаш машқ қилинади.

Бошқа бир мисол. Математика дарслигининг муаллифи И. Охунжонов, Н. У. Бикбоеваларнинг фикрича, 10 ичидаги амалларни мустаҳкамлашда ва иккинчи ўнликдаги сонларни номерлашни ўрганишда таркибли масалаларни қўллашдан олдин қуйидаги тайёргарлик машқларини мунтазам ўтказиш керак:

1. Оддий масаланинг шартига савол қўйиш. Чунончи, бир қутичада 6 та иккинчи қутичада ундан 2 та кам қалам (Опасида 10 та ва укасида 8 та марка) бор. Масаланинг ана шу шартидан нимани билиш мумкин?

2. Масаланинг берилган шартидаги етишмайди-ган сонни тўлдириш.

Чунончи, акасида 4 та дафтар бор, ака ва сингилнинг дафтарлари қўшилса, нечта бўлади? (Майдонда турган машиналарнинг 3 таси кетса, нечта машина қолади?).

3. Берилган саволга жавоб учун керакли маълумотларни танлаш.

Чунончи, иккита яшиқда қанча олма борлигини (Қизчада неча тийин қолганини) аниқлаш учун нимани билиш керак?).

Ўқув машқлари янги материал ёритилиши биланоқ бошланади ва ана шу материални ўзлаштиришда ёрдам беради. Уларнинг фарқли хусусияти ўқувчиларга ўқитувчининг доимий ёрдам беришидан иборатдир. Бу ёрдам кўпинча бажариладиган ишнинг усуллари ва натижаларини жамоа бўлиб муҳокама қилишда, шарҳлашда ўзининг ифодасини топади. Биринчи ўқув машқида болага баҳо қўйиш маъқул эмас, чунки ундан ҳали ўргатилмаган нарсани сўраш педагогик жиҳатдан нотўғридир. Ўқув машқларини ўтказишда алгоритмик кўрсатмалар, яъни ақлий ва амалий ҳаракатларнинг дидактик жиҳатдан ўзини оқлаган турлари белгиланган ўзига хос хотираномалар фоят фойдалидир. Алгоритмик кўрсатмаларнинг кенг доирадаги бир хил масалаларни ечиш учун қўлланиши мақсадга мувофиқ бўлиб, улар ишда тўғри натижаларга эришиш имконини беради.

Ўқиш дарсида ҳикоянинг режасини тузиш учун қуйидагича хотиранома жуда фойдалидир: 1. Ҳикояни ўқиш. 2. Уни қисмларга ажрат. 3. Ҳар бир қисмдаги асосий масалаларни топ. 4. Ҳар бир қисмга сарлавҳалар қўй. 5. Қисмларнинг сарлавҳаларидан режа туз.

Ўқув топшириқларининг ҳар хил турларидан фойдаланиш ўқувчиларни ишга ижодий ёндошишга ва назарий билимларни амалда қўллашга ёрдам беради. Бунга эришиш учун ўқувчиларнинг билимларини уларнинг дастлабки тушунча, тасаввур ва кўникмаларини шакллантирган материаллардан бошқача материаллар асосида мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш керак. Шунингдек, бу материаллар кўп вариантли топшириқлардан ташкил топиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос билишга доир ва мантиқий топшириқ бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ўрганиш машқларининг ана шундай йўлга қўйилиши ўқувчилар онгида янги боғланишлар ҳосил бўлишида ва шунга кўра материалнинг яхшироқ ўзлаштирилишида ёрдам беради.

Амалий методлар ўқитишнинг оғзаки ва кўрсатмали методлари билан узвий бирликда қўлланилади. Чунки машқларни бажариш, тажрибаларни ўтказиш ва меҳнат операцияларини амалга оширишдан олдин педагог инструкторив тушунтиришлар ўтказиши керак. Оғзаки тушунтириш ва расмларни кўрсатиш одатда машқларни бажариш жараёнида амалга оширилади ва унинг натижасини аниқлаш ва таҳлил қилиш билан тугалланади.

4. Лаборатория иши тадқиқотчилик методлари қаторига киради ва бундай методлар ёрдамида ўқувчилар ўзлари учун янгилик кашф ётадилар. Бошлан-

ғич синфларда лаборатория ишлари асосан табиатшунослик ва меҳнат дарсларида ўтказилади.

Меҳнат дарсларида қоғоз, газлама, лой ва бошқа ашёларнинг хоссалари ўрганилади. Ўқув-тажриба участкасида турли ўсимликларнинг ривожланиши кузатилади.

Мактаб лабораториясида амалга ошириладиган ишлар болаларда меҳнат маданиятини тарбиялайди, асбобларни эҳтиётлаб ишлаши, иш ўрнини батартиб тутиш одатини вужудга келтиради.

5. Ўйин ҳозирча, ҳатто бошланғич мактабда ҳам ўқитишнинг методи сифатида тегишлича ўрин олган эмас. Ўйинлар ўқувчиларнинг бўш вақти бекор ўтмаслиги ва уларни жисмонан чиниқтириш учун ўтказилади. Таълимий ўйинлар дарсда ёки дарсдан ташқари ўтказилишидан қатъи назар беихтиёр эслаб қолиш жараёнларини анча фаоллаштиришда, билиш фаолиятига қизиқишини оширишда, мустақил меҳнатга тайёрлашда катта аҳамиятга моликдир.

Ўйинларни психологик-педагогик ташкил этиш, тайёрлаш ва ўтказиш босқичлари— ўқитувчининг ўйинни ташкил қилиш ва ўтказишга назарий-методик тайёргарлиги;

— кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ёш, ўзига хос психологик ва типологик хусусиятларини ўрганиш, ана шу хусусиятларни ҳисобга олиш ҳамда улар ўйинининг мақсади, вазифаси ва мазмунига мувофиқ равишда тузатишни режалаштириш;

— ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибасини, қизиқишларини, майллари ва қобилиятларини ўрганиш ҳамда ўйинда улардан фойдаланиб ҳар бир ўқувчида тўла қониқиш ҳосил қилишни режалаштириш;

— техник воситалардан фойдаланиб намунавий ўйинларни кўрсатиш ва тушунтириш;

— ўқувчиларни ўйиннинг мазмуни, сюжети, мақсади ва вазифалари, босқичлари, бориши ва қоидалари билан таништириш;

— ўқувчиларни ўйин жараёнида ўзини ўзи назорат қилишга шайлаш;

— ўйинга раҳбарликнинг характерини, ўйинда ўқитувчининг ўзи ҳам ёки ҳакам ёки кузатувчи сифатида қатнашишини ёки раҳбарликни пешқадам ўқувчига беришини белгилаш;

— ўйин жараёнида ўқитувчининг ўқувчиларга тарбиявий таъсир кўрсатиши;

— ўтказилган ўйинни муҳокама қилиш: қўйилган вазифалар юзасидан ўйиннинг натижаларини, иштирокчиларининг ҳаракатларини баҳолаш ва уларни рағбатлантириш;

— мазкур ўйиннинг ўқувчиларни ватанпарварлик ва байналмилалчилик руҳида тарбиялашдаги самарадорлигини педагогик таҳлил қилишдан иборатдир.

Ўйинларни ташкил қилишда қуйидаги педагогик омилларни ҳисобга олиш зарур:

— ўқувчиларни ўйиннинг моҳияти, мазмуни, босқичлари ва натижасини тўла тушунишини;

— уларнинг навбатдаги ўйин фаолиятига шахсан қизиқиш билан ижобий муносабатда бўлишини: ўйинда зарур билим, кўникма ва малакаларини сафарбар этишини;

— ўйингача, ўйин жараёнида ва ундан кейин ўқитувчининг барча талабларини бажаришларини.

Муаммони ҳал қилишнинг оптимал психологик — педагогик шартлари қуйидагилардан иборатдир:

— мазмунан долзарб ўзбек халқ ўйинлари мажмуасини танлаш;

— ўқувчиларни ўйин фаолиятига эмоционал жиҳатдан шайлаш;

— ўқитувчининг кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни ўзбек халқ ўйинларига қизиқтира олиши;

— ўзбек халқ ўйинларига раҳбарлик қилиш мазмунини, шакллари ва методларининг бирлиги;

— ўйин жараёнининг ҳаётийлиги, унинг ҳаққонийлиги;

— кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўйин фаолиятида қатнашувининг ихтиёрийлиги;

— ўйинларнинг мазмунини аста-секин мураккаблаштириб бориш.

Ўзбек халқ ўйинларини танлашга қўйиладиган талаблар:

— ўйинлар мазмунининг ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги;

— Мазмуни бўйича мослиги;

— сюжетнинг соддалиги, қизиқарлилиги ва ҳиссиётлилиги;

— ўйинда фаол фикрлашни, ижодкорликни, сезгирликни, ташаббускорлик ва фаолликни, ҳиссий таъсирчанликни, ўткир зеҳн ва кузатувчанликни, диққат-эътиборлиликни талаб қилиш;

— ўйиннинг ўқувчилар ёшига, психологияси ва уларнинг педагогик тайёргарлигига мослиги.

Ўқитувчи синфлар бўйича ўйинларни «Миллий ҳаракатли ўйинлар» (Т. Усмонхўжаев ва б. «Миллий ҳаракатли ўйинлар. Тошкент, «Ўқитувучи», 2000) китобидан ёки маҳаллий болалар ўйинларидан фойдаланиши мумкин.

Ўйинларни ўтказишнинг тарбиявий мақсади ва вазифалари учта (бошланғич, асосий, **яқунловчи**) босқичда амалга оширилади.

Бошланғич босқич — ўқувчилар билан уларнинг ёшига мос, тушунарли, ижодий йўсиндаги тайёргарлик ишларини олиб боришдир.

Ана шу ишлар орқали ўйинлар ўқувчиларда ўз халқининг тарихига, анъаналарига: халқ ижодига, шу жумладан, ўйинларига, ўзбек халқининг қаҳрамонона, инқилобий ўтмишига қизиқиш ҳамда меҳнатга ҳурмат ва муҳаббат уйғотиши лозим. Шунингдек, уларда республикамизнинг меҳнатдаги ютуқлари билан фахрланиш ҳиссини; халқ яратган гўзал нарсаларга муҳаббат туйғусини, табиатдаги бойликларни қўриқлаш эҳтиёжини таркиб топтириш зарур.

Асосий босқич — болаларни бевосита ўйинга тайёрлаш, ўйин жараёнида болаларнинг ҳар хил ўйин фаолиятини бошқариши, уйга вазифа бериш ва ҳоказолардан иборатдир.

Яқунловчи босқич — мазкур ўйиндаги барча педагогик-психологик жараёнларнинг натижаларини жамлашдир.

Ўйинларнинг самарадорлигини оширишнинг энг муҳим шартлари қуйидагилардан иборатдир:

Психологик йўналишда:

- ўқувчиларнинг ҳиссиётли кайфияти;
- эмоционал фондни вужудга келтириш;
- ўйин фаолиятида хоҳишни таркиб топтириш;
- хаёл ва тасаввур кайфиятини ҳосил қилиш;
- фаол идрок этиш, кузатувчанлик ва онгли фикрлаш, иродалик.

Педагогик йўналишда:

- ўйин жараёнининг изчил ва яққол мақсадга қаратилиши;
- ўйиннинг вазифаларини белгилаш;

— ўқувчиларни ўйиннинг мазмуни билан яққол ва ифодали таништириш;

— ўйинда ўқитувчининг болалар билан баравар қатнашуви;

— ўйин жараёнида шеърлар ўқиш, куйлаш, рақс тушиш, тақлид қилиш, имо-ишораларни бажариш, шунингдек, ўйинга тайёрланиш жараёнида ўйинда ва уйга берилган топшириқларни бажаришда тасвирий ижод билан шуғулланиш.

Дидактик ўйинлар.

Дидактик ўйинлар қоидали ўйинлар жумласига киради ва ролли ўйинларни ривожлантириш предмети ҳисобланади. Бундай ўйинлар асосини билишнинг у ёки бу мазмунини, ўйиннинг бориши белгилайдиган ҳаракатларни бажаришга қаратадиган ақлий ва иродавий уринишини ташкил этади. Дидактик ўйинларда асосий фикрлаш жараёнлари — таҳлил қилиш, таққослаш, хулоса чиқариш ва ҳоказолар такомиллашади.

Дидактик ўйинлар таълим жараёнида болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва камол топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ўйин пайтида боланинг ижобий иш фаолиятини кучайтиради, ихтиёрий диққатини, хотирасини такомиллаштиради. Ўйинда ўқувчилар ўзлари сезмаган ҳолда жуда кўп ҳаракатларни, машқларни бажарадилар, турли масалаларни ечадилар:

Дидактик ўйинларга қўйиладиган талаблар:

1. Дидактик ўйинлар ўқув предметлари бўйича дастур материалига мувофиқ йўсинда таъдланиши лозим.

2. Дидактик ўйин унда қатнашувчиларга билимлар бўйича маълум талаблар қўйиладиган йўсинда ишлаб чиқилиши керак.

3. Дидактик ўйиннинг муваффақиятли ўтиши унинг мақсадини яққол англашига боғлиқ. Чунки бунда ўқувчиларнинг фикрини мақсадли йўналишга солиш, уларнинг ишини бажаришга қизиқишини ошириш имконияти туғилади.

4. Ўйинларни танлашда маълум изчилликка риоя қилиш ҳам зарур. Мазмунан қийин ўйинлардан олдин осонроқ ўйинларни ўтказиб, ўқувчиларни навбатдаги ўйинларга пухтароқ тайёрлаш жуда муҳимдир. Шу тариқа таҳлил, синтез, таққослаш, таснифлашда, мавҳумлаштириш, муайянлаштириш, умумлаштириш сингари ақлий операцияларни аста-секин мураккаблаштириб бориш шарт.

5. Дидактик ўйинларнинг қоидасини ва ташкил этилишини тузиш ва ишлаб чиқишда ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг турли (бўш ва кучли, фаол ва лоқайд) гуруҳларини ҳисобга олиш керак.

6. Ўйиннинг қоидалари содда, аниқ бўлиши ва яққол ифодаланиши лозим.

7. Ҳар бир ўқувчи бутун ўйин жараёнида фаол иштирок этиши, ўз «навбатини» узоқ кутиш ўйинга қизиқишни сусайтириши мумкинлигини унутмаслик керак.

8. Ҳар бир ўйинга умумий ва яққо тартибда ёндошиш, ундаги топшириқларнинг қийинлик даражасини ва қанчаси мустақил ҳолда бажарилишини ҳисобга олиш керак.

ДАРСЛИКЛАР БИЛАН ИШЛАШ

Ўқувчилар илгари дарсликлардан уйда билимларини мустақкамлаш учун фойдаланган бўлсалар, мактаб ривожланишининг ҳозирги босқичида эса

улардан янги материал баён қилиниши биланоқ фойдаланишмоқда.

Ўқувчи китоб билан муваффақиятли ишлай олиши учун тегишли кўникма ва малакаларни эгаллаши керак. Таълимнинг ҳозирги босқичида ўқувчиларга дарслик билан мустақил ишлашни ўргатиш ўқитувчининг муҳим вазифасидир. Бинобарин, улар келажакда турли билимларни ўзларича таҳлил қилишга, ўрганишга ва умумлаштиришга ҳам мажбур бўладилар.

Китоб билан ишлашни ўргатишнинг дастлабки босқичида изоҳли ўқиш методидан фойдаланилади. Ўқитувчи болаларга китобни диққат билан ўқишни, ундаги ҳар бир сўз ва ифоданинг маъносини ўйлаб кўриш ҳамда бутун мазмунни қамраб олишни ўргатади.

Дарслик билан ишлашнинг асосий босқичлари:

— ўқувчилар синфда ва уйда ўзлари учун янги материални мустақил ҳолда ўрганадилар. Ишнинг бу усули қуйи синфлардаги дарсларда дастлабки кўникмаларни шакллантириш учун бир оз қийинчилик қилади. Шундай экан, дарслик ва китоб билан ишлашнинг ўқитиш методи сифатидаги моҳиятини қандай таърифлаш мумкин?

Бу методнинг моҳияти билимларни ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш ўқувчиларнинг дарслик ва китоб билан мустақил ишлаши жараёнида амалга ошишидан, ва айти пайтда, улар китоб билан ишлаш малакаларини эгаллашидан иборатдир. Мазкур методнинг ўзаро боғлиқ иккита муҳим томони мавжуд бўлиб, улар ўқувчиларнинг ўрганиладиган материални мустақил ўзлаштиришлари ва уларда ўқув адабиёти билан ишлаш кўникмасини шакллантиришдир. Дарс машғулоти тизимида дарслик би-

лан ишлашнинг тўғри йўлга қўйилишида ўқитувчининг таълимий ишлари билан ўқувчилар фаолиятининг ўзаро мувофиқлиги масаласи ғоят муҳим аҳамиятга моликдир.

Дарсликни машғулотларни ташкил қилиш учун фойдаланиладиган қандайдир ёрдамчи восита деб билмаслик керак. Дарслик аввало ўқувчилар учун муҳим билим манбаларидан биридир. Лекин у баён этилган материални мустақкамлашнинг ва ўқувчилар бажарадиган ақлий ишларни фаоллаштиришнинг самарали воситаси сифатида ҳам хизмат қилади. Аммо бунинг учун ўқитувчи дарсликни қўллашда энг муҳим методик талабларга риоя қилиши зарур. У машғулотларни ўтказишдаги муайян ҳолатда дарсликни қай йўсинда қўллаш мақсадга мувофиқлигини аниқлаб олиши, шу орқали болаларни фикрлаш фаолиятига рағбатлантириши, уларнинг ўрганиладиган материални қуруқ ёдлаши ва юзаки эслаб қолишига йўл қўймаслиги керак. Шу боисдан дарс машғулотлари жараёнида дарслик устида ишлашни ташкил этишга қўйиладиган айрим умумдидактик талаблар ҳақида бир оз тўхталиш жоиздир.

1. Аввало ўқувчилар дарсда мустақил ўрганиши учун керакли материални тўғри танлаши муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, ўқувчилар барча масалаларни ўқитувчининг олдиндан тушунтиришисиз ўзлаштиравермайдилар. Кўп мавзулар мутлақо янги маълумотларни ўз ичига олган ва улар умумлаштирувчи характерда бўлади.

2. Дарслик ва ўқув китоблари билан ишлашдан олдин доимо ўқитувчи муфассал кириш суҳбати ўтказиши шарт. Унда ўқувчиларни ўрганиладиган мавзудан хабардор қилиши, янги материалнинг асосий масалаларига эътибор бериши (лозим бўлса доскага ёзиши ёки олдиндан тайёрланган жадвал-

ни илиб қўйиши), шунингдек, мустақил ишнинг тартибини белгилаши керак.

3. Дарслик билан ишлаш бутун дарс мобайнида давом этмаслиги керак. Уни ўқитишнинг бошқа шакллари ва методлари билан бирлаштириш лозим. Масалан, дарслик билан ишлаб бўлингач материал қандай ўзлаштирилганини текшириш, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, ўқувчиларнинг билимларини янада чуқурлаштириш бўйича амалий машқлар ўтказиш керак.

Ўтилган материал устида ишлашда, янги материални баён этиш ва мустаҳкамлашда дарсликдан фойдаланиш йўллари кўрсатамиз.

Юқорида айтилганидек, сўнгги йилларда ўтилган материал устида ишлашда қўлланилган методика уй вазифаларига ўхшаш тайёрланиш машқлари билан боғлиқ анчагина усулларни ўз ичига олади ва бундай машқлар дарслик билан бажарилади. Ўқувчилар масалаларни ечадилар, машқларни кўчирадилар, дарсликдаги саволларга ёзма жавоблар қайтарадилар ва ҳоказо. Лекин ўтилган материал бўйича дарслик билан ишлашнинг яна бир тури борки, уни кўпчилик ўқитувчилар билмайди. Ишнинг бу тури ўқувчилар дарсликдаги материални машғулотнинг бошида билимларни текшириш олдидан ўқишидир.

Ўқитиш жараёнидаги раҳбарлик дидактик саволлар ёки ўқитувчининг саволлари ёрдамида амалга оширилади. Ўқувчи ўқитувчининг саволларига тобе бўлиб қолмаслиги учун ўзи ўзига мустақил ҳолда саволлар қўйишни ўрганиши, яъни ўзича фикр юритиш кўникмасини ўзлаштириши керак. Бунга ўқитиш жараёнида эришилади. Бунда ўқитувчи нима қилиши лозим? У аввало зарур тушунчалар ва

операцияларни ўргатади. Буни муайян мисоллар орқали бажаради. Аммо ҳар бир ўқитувчи янги материални, янги тушунча ва операцияларни ўргатганидан кейин ҳам ўқувчи уларни мустақил ҳолда қўллашга қийналишини билади.

Қоида тушунтирилиши биланоқ таклиф этилган топшириқ устида ишлашда ўқувчида аввал иккита фаолият, яъни қоидани ўзлаштириш ва қоиданинг мазмунини тушуниш фаолиятлари қўшилиб кетади. Қоидани ўзлаштириш фаолиятини нуқтаи назар ёки ўқитувчининг саволи бошқаради. Айни пайтда ўқувчи қоиданинг мазмунини тушунишга ҳам ҳаракат қилади. Кейинги фаолият муайян мисолга қаратилади. Буларнинг ҳаммаси мазкур вазиятда қўшилиб кетади. Агар қоида фақат битта мисол ёрдамида кўрсатилса, уни ўқувчилар тушунтирилган вазиятга ўхшаса-да, бошқа вазиятларга мустақил ҳолда кўчира олмайдилар. Шунинг учун ўқувчиларга олдин бир неча мисолларни ўқитувчининг раҳбарлигида ечиш имконияти яратилади. Улар қоидани яхши ўргангач ва машқлар билан мустаҳкамлагач, уларга аста-секин мураккаблашиб борадиган мисоллар топшириқлар асосида мазкур қоидани қўллаш бўйича мустақил ишлар таклиф этилади.

Бошланғич синфларда ўқувчиларни дарсда эндигина ўрганилган мазмуннинг ўзини эмас, балки ана шу мазмунни ўрганишда қўлланган усулларни такрорлаш йўли билан янги тушунчани мустақил ҳолда ўзлаштиришга тайёрланади. Синфдаги ҳамма ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида қандайдир мавзунини ўрганганларидан кейин ўқитувчи уларга «тескари юриш» қилишни, яъни дарснинг ҳар бир нуқтасига қайтишни ва унда нима қилингани ҳамда

қандай қилинганини кузатишни тавсия этади. Бунда энг муҳими дарснинг мазмуни эмас, балки ўқувчиларнинг ана шу мазмун устида қандай ишлаганидир. Бу эса уларга таълимий ишнинг усулларини англашда ёрдам беради. Синф қандай масалалар қўйилганини, ҳодисани тушунишга ёки муаммони ечишга қандай қилиб эришилганини билиб оладилар. Бу иш ўқиш усулларини эгаллаш машқидир. Мана шу машқнинг натижаларини бир ўқувчи доскага ёзади, қолган ўқувчилар дарснинг қандай ўтганини қайта тиклашда унга ёрдам берадилар. Бунинг учун доска икки қисмга бўлинади ва унинг чап томонига дарсдаги энг муҳим фактлар ҳамда фикрлар қисқача режа кўринишида ёзилади. Ўнг томонга масалалар, синф бажарган барча ишлар, айтайлик, кузатишлар, мўлжаллар, топшириқларнинг ечимлари ва ҳоказолар ёзилади. Бу машқ орқали нималарга эришилади?

Дарснинг асосидаги барча масалалар, ҳаракатлар ва ифодалар дарснинг умумий мазмунидан ажратилади ва шу тариқа ўқувчиларнинг тушуниши учун мослаштирилади. Натижада, ўқувчилар дарсда нима қилиш лозим бўлганини ва қандай қилинганини билишга ҳамда тушунишга одатланадилар. Вақт ўтиши билан билиш ҳаракатларини янги ҳодисаларга ёки мисолларга кўчириш кўникмалари таркиб топади. Лекин билиш ҳаракатларини кўчириш машқи ўқувчилар учун дарсда материалнинг ўзини ўзлаштиришга нисбатан анча қийинроқдир. Ушбу машқдан кўзланадиган мақсад материал ва ўқитиш воситалари орқали айнан билиш жараёнини англашдан иборат бўлиши мумкин.

Кўрсатиб ўтилган изланишлар топшириқлари саволларга ёдланган дарслик матнидан ёки ўқитув-

чининг тушунтиришидан тайёр ҳолда олинган жавобларни қайтариш эмас, балки ҳар бир саволга тегишли жавоб топишни тавсия қилишдан иборатдир. Улар аслида эвристик — таълимий саволлардир. Ана шу мақсадда қуйидаги топшириқларни тавсия этиш мумкин.

а) кузатиш материалларини ёки ўқитувчи берган мавзу бўйича тўпланган фактларни тизимлаштириш: асосий масалаларни ажратиш, режа тузиш, фактларни гуруҳлаштириш;

б) таққослаш ва умумлаштириш, хулоса чиқариш ва уни асослаш;

в) билимларни қўллаш: янги фактлар ва мисоллар билан тасдиқлаш, янги ҳодисани ўрганилган ҳодиса даражасида тушунтириш.

Кузатишлар, амалий ишлар, тажрибалар, экспериментлар давомида яхши ўзлаштирилган билимларни эмас, балки уларни қўллашни ҳам талаб қиладиган саволлар ва муаммоларни ўз ичига олади, мураккаброқ изланишлар амалга оширилади.

Дарсда билишдаги мустақилликнинг ривожланиши аввал ўқитувчининг ёрдамидан, дарслик, маълумотнома, луғат, шахсий кузатиш ва тажрибалардан фойдаланиб саволларга мустақил ҳолда жавоб топиш кўникмасини эгаллаш, кейин эса ҳеч қандай ёрдамсиз ўрганилган материалга мустақил ҳолда саволлар қўйиш кўникмасини эгаллаш асосида амалга ошади. Кейинчалик ўқувчи бошқача шароитда намунага таққослаб топшириқларни ҳал қилиш ва саволларга жавоб бериш кўникмасини ўзлаштиради. Бунда индуктив ва дедуктив мушоҳада юритиш кўникмаси таркиб топади.

Умуман олганда, дарсликлар билан ишлаш натижасида ўқувчи фанлар соҳалари бўйича билимларни эгаллаш билан бирга миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг туб моҳиятини тушуниб етадилар. Бунда, айниқса, ўқитувчини роли каттадир.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I боб. Педагогиканинг баҳси ва унинг илмий-тадқиқот методлари	6
Педагогика ва унинг баҳси	6
Тарбиянинг ижтимоий ҳодиса эканлиги	6
Педагогика — тарбия ҳақидаги фан	8
Асосий педагогик тушунчалар	10
Педагогика фанининг тузилиши ва унинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги	11
Педагогиканинг илмий-тадқиқот методи	13
II боб. Ҳар томонлама ривожланган инсон тарбиясининг мақсад ва вазифалари	16
III боб. Бола шахсининг ривожланиши, тарбияси ва камолати	26
Асосий тушунчалар	26
Шахс ривожланишига таъсир этувчи омиллар	30
Инсон камолати ва унинг шахсини ривожланишида муҳитнинг роли	32
Инсоннинг камол топишида тарбиянинг роли	33
IV боб. Ўқитувчи ва унинг жамиятда тутган ўрни	37
Ўқитувчининг шахсига қўйилган касбий талаблар	39
Ўқитувчининг касбий шаклланиш жараёни	43
V боб. Ўзбекистонда халқ таълими тизими	46
Халқ таълими тизими ҳақида тушунча ва уни ташкил этиш тамойиллари	46
Ўзбекистонда халқ таълими ташкилотларининг турлари	49
Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими	53
Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти	65
VI боб. Таълим назарияси	76
Дидактиканинг предмети ва унинг вазифалари	76
Дидактиканинг асосий категориялари	84
Шахсни шакллантириш ва камол топтириш тушунчаси ..	92

VII боб. Ўқитиш жараёни	99
Ўқитиш жараёнининг моҳияти	99
Ҳозирги ўқитиш жараёнига қўйиладиган талаблар..	105
Ўқитиш жараёнига ноанъанавий ёндошиш	112
Тенглаштириш синфлари тўғрисида	118
Бошланғич мактабдаги ўқитишнинг таълимий-тарбиявий ва камол топтириш вазифалари	119
Дидактик тадқиқот методлари	133
VIII боб. Бошланғич таълим мазмуни технологияси	143
Ўқувчиларни педагогик жиҳатдан баҳолаш технологияси	156
Ўқув-тарбия жараёнида ривожлантириш усулининг технологияси	157
Дарс таълимида ривожлантириш технологияси	166
Ўқувчи билимини текшириш ва баҳолаш технологияси	172
Ўқитувчининг хатолари	179
IX боб. Таълим қонуниятлари ва қоидалари	185
Принцип тушунчаси	185
X боб. Ўзбекистон мактабларидаги таълимнинг мазмуни ...	223
Таълим мазмунини белгилашнинг умумий асослари .	223
Бошланғич мактаб таълими мазмунини қайта кўриб чиқишнинг асосий йўналишлари	227
Чет эл мамлакатларидаги таълимнинг мазмуни	240
XI боб. Ўқув жараёнини ташкил этишнинг шакллари	253
Ўқув ишини ташкил этиш шакллари ҳақида тушунча	253
Таълимда синф-дарс тизимининг вужудга келиши .	255
Дарс мактабда ўқув ишларини ташкил қилишнинг асосий шакли	257
Дарснинг структураси, элементлари ва типлари	263
XII боб. Муаммоли таълим	278
Муаммоли таълимнинг моҳияти	278
Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар таълимига муаммоли ёндошишнинг хусусиятлари	279
Муаммоли вазиятларни яратиш ва ҳал қилишнинг йўллари	283
Дидактик масала	287
Муаммоли таълим методлари	
XIII боб. Тарбия назарияси	303

Тарбия жараёни ва унинг моҳияти	303
Тарбияда ўқувчиларнинг ёши ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш	312
Тарбиявий ишларнинг изчиллиги, тизимлилиги ҳамда бирлиги	314
XIV боб. Миллий тарбиянинг ўзига хослиги ва мезонлари ...	328
Миллий, шарқона тарбия мезонлари	334
Тарбияда миллий удум ва одатлар	342
XV боб. Тарбия усуллари	352
XVI боб. Меҳнат тарбияси	365
Оилада меҳнат тарбияси	370
XVII боб. Нафосат тарбияси	381
XVIII боб. Ахлоқ-одоб тарбияси	395
XIX боб. Экологик тарбия	410
Шарқ алломаларининг табиат ва экология ҳақидаги фикрлари	420
XX боб. Бадан тарбияси	427
Жисмоний тарбия воситалари	436
Бадан тарбиясида ҳаракатли ўйинларнинг аҳамияти ..	439
Бадан тарбиясида халқ ўйинларидан фойдаланиш ..	444
XXI боб. Мактабни бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш	447
Мактабни бошқариш масалалари	454
Мактаб ишини бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш ..	454
XXII боб. Ўқитиш методлари	462
Ўқитиш методи ва усули тўғрисида тушунча, уларнинг таснифи	462
Ўқитиш методларининг таснифи	469
Ўқитишнинг оғзаки методлари	473
Ўтилган материал устида ишлаш ва янги материални ўрганишга тайёрланиш	476
Ўқитишнинг индуктив ва дедуктив методлари	484
Ўқитишнинг амалий методлари	489
Назарий билимлардан фойдаланиладиган машқлар	492
Машқ ўқувчиларда малакаларни шакллантириш фаолиятининг асосий тури	493
Дарсликлар билан ишлаш	501

**Мавлонова Раҳима, Тўраева Ойша,
Холиқбердиев Карим**

ПЕДАГОГИКА

Республика олий ўқув юртларининг бошланғич таълим методикаси факультетларининг, педагогика лицейлари талабалари ва коллежларининг ўқувчилари учун дарслик

Тошкент «Ўқитувчи» 2001

*Таҳририят мудири С. Очил
Муҳаррирлар Б. Қодиров, Б. Рўзимуҳаммад
Бадий муҳаррир Ш. Мирфаёзов
Техник муҳаррир С. Турсунова
Мусаҳҳиҳ З. Содиқова
Кичик муҳаррир Х. Зоиржонова*

ИБ 7882

Теришга берилди 18.01.2001. Босишга рухсат этилди 23.03.2001. Формати 84x108/32. Кегли 11 шпонли. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли 6. т. 26,88. Шартли кр.отт.- 27,3. Нашр т. 22,5. 10000 нусхада босилди. Буюртма №11.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30. Шартнома 11—19—99.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ҳузуридаги Тошкент китоб-журнал фабрикаси. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1. 2001.

M13

Мавлонова Р. ва бошқ.

Педагогика: олий ўқув юрларининг бошлангич таълим методикаси факультетларининг таълаблари, педагогика лицейлари ва коллежларининг ўқувчилари учун дарслик/Р. Мавлонова, О. Тўраева, К. Холиқбердиев.—Т.: «Ўқитувчи», 2001.—512 б.

1.1,2 Муаллифдош.

ББК 74.00я723

„O‘QITUVCHI“

